

ЖАЗОН
АДАБИЕТІ
ДУРДОНДАЛАРИ

I

жид

821 (100)-3

100-39 2021/44-78

ИС. 1

Изложи описание

антиоксиданта

2015. - 612 б

170000

2021/44-78

92 1810075

Ж 39

Ж. 1

Жаҳон адабиёти дурдоналари

I ЖИЛД

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,
Тошкент — 2015

821(100)-3

Жаҳон адабиёти

УЎК: 821.133.1+521

КБК: 84(0)

Ж 39

Жаҳон адабиёти дурданалари / I жилд / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир А.Х.Сайдов. — Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. — 612 бет.

Масъул муҳаррир:

юридик фанлар доктори,
профессор А.Х. Сайдов

Тўпловчи:

Л.Х. Исоқов


Жаҳон адабиётининг беназир вакиллари Мольер, Жан-Жак Рассо, Оноре де Бальзак, Жан де Лафонтен, Кобо Абэ асарларидан ташкил топган ушбу китобдан ўрин олган асарларнинг ҳар бирида ўзига хос маъно ва ҳаяжон юксак бадиий тарзда акс этган бўлиб, улар инсонни маънан ва руҳан бойишига хизмат қиласди.

УЎК: 821.133.1+521

КБК: 84(0)

ISBN 978-9943-06-545-1

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015..



№ 47589
3/191

БАФИШЛОВ

Масъул муҳаррир ва тўпловчидан

Хурматли китобхон,

Кўлингиздаги «Жаҳон адабиёти дурдоналари» китобининг 1-жилдидаги жаҳон адабиётининг забардаст вакиллари Мольер, Лафонтен, Руссо, Бальзак ва Кобо Абе ҳаёт йўлларидан лавҳалар, уларнинг машҳур асарлари ҳамда ҳикматли сўзлари жамланган бўлиб, ўзбек тилида чоп этилган илк тўплам ҳисобланади. Мазкур нашрни тузишдан мақсад ҳам бир неча шоҳ асарларни бир жойда ихчам шаклда мутолаа қилиш ва самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Китобхонларга ҳар бир адаб ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш учун ёзилган сўзбошилар ушбу нашрнинг масъул муҳаррири, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Сайдов қаламига мансубдир. Ушбу китобда қўйидаги адиллар билан яқиндан танишиб олишингиз мумкин:

Жан-Батист Поклен Мольер – XVII аср француз адабиётининг иирик намояндаларидан бири, энг машҳур француз комедиянавис адаби, актёр ва режиссёр, бир пайтнинг ўзида оила ва нотариал хукуқ бўйича адвокат.

Мольернинг асосий комедиялари «Аёллар мактаби» (1662), «Дон Жуан» (1665), «Мизантроп» (1666), «Тартюф» (1669) ва «Сохта касал» (1673) ҳисобланади.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган Мольернинг «Тартюф» драмаси атоқли ўзбек адаби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек томонидан ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, 1941 йил 17 апрелда илк бор Ҳамза театри (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри)да саҳнага қўйилган. Ушбу машҳур драма йиллар ўтиб яна ўз муҳлисларини шайдо этишга ва Мольернинг камёб ибратли сўзлари хушнуд этишга тайёр.

Жан де Лафонтен – шеърий сатрлари халқ мақолларига айланган XVII аср француз адабиётининг йирик намояндаларидан бири, таниқли француз масалнавис шоири, Француз Академиясининг аъзоси.

Лафонтеннинг «Масаллар» тўплами 243 та шеърий шаклда ёзилган масаллардан иборат бўлиб, 1668 йилдан 1694 йилгача ёзилган. Унинг масаллари кўпинча яримафсонавий ҳикоянавис Эзоп, Римлик масалчи таржимон Федр, Италиялик масалнавис Абстемиус ижодларидан илҳомланган ҳолда яратилган.

Суд маҳкамасидан масал оламигача донғи кетган Лафонтеннинг бир неча масаллари Омон Мухтор, Баҳодир Эрматов, Карим Баҳриев ва Ҳусниддин Шариповлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Тўпламда келтирилаётган масаллар ва зарбулмасаллар шодаси, айниқса, ёш китобхонларимизда катта таассурот қолдиришига ишонамиз.

Жан-Жак Руссо – буюк француз маърифатпарвар-файласуфи, ёзувчи, мутафаккир олими.

«Инсонлар ўртасидаги тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари тўғрисида мулоҳазалар», «Жамоат шартномаси», «Эмиль ёки тарбия ҳақида», «Нутқ» каби асарлар Жан-Жак Руссонинг қаламига мансубдир.

Руссонинг асарларидан бир неча парчалар ўзбек тилига таржима қилинган. «Эмиль ёки тарбия ҳақида» китобидан «Манзур бўлиш санъати» лавҳаси Озод Шарафиддинов, «Халқ баҳти ҳақида» фалсафий рисоласи Абдунаби Абдуқодиров, «Илм-фан ва санъат равнақи ахлоқнинг покланишига ёрдам берадими?» асари Абдунаби Абдуқодиров ва Маҳмудов томонидан таржима қилинган. Бу қисмда нотариус котиби бўлган саргузаштсевар Руссонинг тафаккур дурдоналари педагогларимиз ва файласуфларимизни бефарқ қолдирмаслиги табиийдир.

Оноре де Бальзак – XIX аср француз адабиётининг йирик намояндаларидан бири, Европа адабиётида реализм жанрига

асос солған ёзувчи, машхур «Инсоний комедия» түпламининг муаллифи.

«Гобсек» (1830), «Сағри тери тилсими» (1831), «Полковник Шабер» (1832), «Евгения Гранде» (1833), «Горио ота» (1834–1835), «Цезар Биротто» (1837) каби асарлар Оноре де Бальзакнинг қаламига мансубдир. Ёшлигида адвокатлик фаолияти билан шуғулланган Оноренинг асарларида ҳуқуқ мавзуси ва ижтимоий масалалар алоҳида ўрин эгаллади.

Бальзакнинг кўпгина асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. «Гобсек» қиссаси Мирзиёд Мирзоидов ва Маҳкам Маҳмудов, «XIX аср француз ёзувчиларига мактуб»и Озод Шарафиддинов, «Дахрийнинг ибодати» ҳикояси Пошали Усмон, «Чин севги» ҳикояси Қодир Мирмуҳамедов томонидан таржима қилинган. «Бальзакона» нодир жумлалар ва ҳикматли сўзлар асар парчаларига қўшимча ранг беради. Маҳоратли таржималардан баҳраманд бўлинглар!

Кобо Абэ – XX аср Осиё адабиётининг ёрқин вакили, урушдан сўнг санъатдаги япон авангардлари раҳбари, ёзувчи, драматург ва сценариянавис.


Кобо Абэ «Номсиз шеърлар» түплами (1947), «Пахса деворлар» (1947), «Йўл охиридаги кўрсаткич» (1948), «Тўртингчи муз даври» (1959), «Қумдаги аёл» (1962), «Бегона юз» (1964), «Худди одамдек» (1967), «Махфий учрашув» (1977), «Сакура» нажот кемаси» (1984) каби бир қатор «кафкача» усулда битилган асарлар муаллифи.

Кобо Абэнинг аксарият асарларида, жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Эркин Эрназаров томонидан ўзбек тилига илк бор таржима қилиниб, эътиборингизга ҳавола этилаётган «Худди одамдек» қиссасида воқеалар ривожи деярли сезилмайди, тасвиirlар қабариқ эмас, нозик, илғаш қийин чизгилар орқали берилади, тоға мулоқот ва ички кечинмаларга сингдирилган. Қиссадан сўнг Кобо Абэнинг шарқона фалсафага бой сермазмун мушоҳадалари ва ҳикматли сўзлари тўпламга якун ясади.

«Жаҳон адабиёти дурданалари» китобининг навбатдаги жилларида ўзларининг шоҳ асарлари билан машҳуру маълум бўлган осиёлик, европалик ва америкалик адиблар бисотидан намуналар бериб бориш кўзда тутилган.

Китоб нафақат адабиётшунослар, ўқитувчилар ва талабалар, балки жаҳон адабиётига қизиқувчи кенг китобхонлар ва жамоатчилик томонидан ҳам яхши кутиб олинишига ҳамда манзур бўлишига умид боғлаймиз.

*Акмал САЙДОВ,
Лукмонжон ИСОКОВ*



Жан Батист Поклен Мольер
(1622–1673)

ЖАН-БАТИСТ ПОКЛЕН МОЛЬЕР

ТАРТЮФ

ҲИКМАТЛАР

«Мен Мольерни яхши кўраман ва ёш-навқирионлик давридан буён биламан ҳамда бутун умрим давомида ундан таҳсил олганман. Ушбу ажойиб инсон билан сұхбат қуриши илинжида ҳар иили унинг бир неча асарларини тақрор ва тақрор ўқийман. Бироқ мен Мольерни фақатгина бадиий услуги учунгина эмас, балки жозабали табиийлиги учун севаман».

Йоҳан Волфганг Гёте

МОЛЬЕР – БҮЮК ФРАНЦУЗ КОМЕДИЯНАВИСИ

«Хаёт нақадар ширин! Бир марта ўламиз ва бу мангудатга...».¹

Мольер

*М*ольер – француз комедияси, кулги ва шодлик, театр ва ҳазил-мутойиба, ҳаёт ва психология даҳоси. Чунки у ўзининг машхур «Тартюф» асарида ёзганидек, «виждонли инсонларни кулдириш», «одамларни кулги билан түғрилаш»² тарафдори бўлган. Адиб инсонлардаги мол-мулкка ўта мойиллик, яъни ҳирс қўйиш ва жинсий камситиш, очкўзлик ва иккюзламачилик, амалпастлик ва расмиятчилик каби иллатларни даволаш учун кулгининг ўрни бекиёс деб ҳисоблаган.

¹ «Il est si doux de vivre! On ne meurt qu'une fois et c'est pour si longtemps!..». // Jean Molière. Le dépit amoureux, Œuvres complètes, Éd. de Crémille, Paris, 1971. – P. 95.

² Мольернинг «Тартюф» асаридан олинган иқтибос. Қарант: Molière. Œuvres complètes. Tome II. – Paris: – Pléiade, 2010. – 1792 pages. Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли. Муқаммал асарлар тўплами. Европа адабиётидан таржималар. 19 томлик. 15-том. – Т.: «Фан», 1980. 337–353-бетлар.

XIX аср охири ва XX аср бошида яшаган француз файласуфи Генри Берксон (1859—1941) Мольернинг кулги ҳақидаги фикрларини күйидагича изоҳлаган: «Кулги инсонни бутунлайлигича англашга ёрдам беради». Шунингдек, файласуф ўз китобини күйидаги жумла билан тутатиб, Мольерга қисқача қилиб күйидагича умумий баҳо берган: «Кулгидаги «тажир маза» бўлади. Француз ёзувчиси Алфред де Мюссе (1810—1857) айтганидек, «бирор нарса устидан кулишдан сўнг, йиғлаш кепрак бўлади ёки бошқача сўз билан айтганда, кулгининг оқибати ийғидир».

Ҳақиқий исми Жан Батист Поклен бўлган Мольер Париж шаҳрида 1622 йил 13 январда дунёга келган. Мольернинг оиласи асл парижлик бўлиб, унинг отаси қирол саройида деворга гулқофоз ёпиштирувчи машҳур уста ҳисобланган. Кичик Жан-Батист ижтимоий фанларни, хусусан, ҳукуқшуносликни катта қизиқиши билан ўрганган. Бироқ театрга бўлган эҳтиросли муҳаббати кейинчалик барча нарсадан устун келган.

Мольернинг отаси Жан Поклен Людовик XIIIнинг сарой хизматкори ва устаси бўлган. Мольер иезуитларнинг энг нуфузли мактаби Клермон коллежида¹ таҳсил олган. Бу коллежда асосан мумтоз тиллар, табиий фанлар, фалсафа ва, айниқса, лотин тилини мукаммал ўрганганлиги туфайли лотин тилида ёзилган асарларнинг асл нусхасини бемалол ўқий олган. Гарчи унинг таржималари бизгача етиб келмаган бўлса-да, Мольер Рим шоири ва файласуфи Лукреций²нинг «Нарсалар табиати ҳақида» номли фалсафий поэмасини лотин тилидан француз тилига таржима қилган.

¹ Клермон коллежи — 1563 йилда иезуитлар томонидан асос солинган билим юрти. Ушбу лицей ҳозирда «Буюк Людовик» номини олган бўлиб, Парижнинг машҳур Лотин даҳасининг қоқ марказида жойлашган.

² Тит Лукреций Кар (мил.ав. 98—55) — Қадимги Рим шоири ва файласуфи «Нарсалар табиати ҳақида» (лат. «De rerum natura») фалсафий поэмаси муаллифи. Бу асарда юонон материалист файласуфи Эпикурнинг фоълари баён этилиб, ўлимдан кўрқиши васвасасидан халос этиш мақсадида, дунё абадий материядан иборат бўлиб, атомлардан ташкил топганлиги ҳақида нақъ қилинган.

Мольер ўқиши даврининиг охирги йилларида Орлеан шаҳрида бўлиб ўтган имтиҳон-синовлардан муваффақиятли ўтиб, 1639 йили ҳукуқшунослик бўйича лицензиат даражасини олган ҳамда бир неча бор судда адвокатлик қилган. Бироқ кейинчалик у адвокатлик дипломини деярли ишлатмаган¹. Юридик фаолият билан шуғуланиш ҳам, ота ҳунарини давом эттириш ҳам уни унчалик қизиқтирганлиги боис, Мольер актёрлик касбини танлаган. 1643 йилда Мольер ниҳоят ўз тақдирини саҳна билан боғламоқчи бўлган ва Мадлен Бежар билан «Машҳур театр» номли театрни тузиш тўғрисида шартнома тузган.

XVII асрда актёрлик юқори мартабали ва эътиборли касб ҳисобланмаганлиги сабабли, саҳнага ҳеч ким ўз номи билан чиқмаган. «Мольер» тахаллуси эса, илк бор ҳужжатларда 1644 йил 28 январда қайд этилган. 1645 йилда қарзлари туфайли икки марта қамалган бўлажак комедиянависнинг ижодий жамоаси пойтахтни тарқ этишга мажбур бўлган. Мамлакатнинг турли қишлоқлари бўйлаб гастроль сафари 13 йил (1646–1658) давом этган.

1658 йилда Мольернинг ижодий жамоаси Парижта қайтиб келган ҳамда Луврда Людовик XIVга бағишилаб томоша қўйган ва бу Қиролга жуда манзур бўлган. Шу билан бирга, Мольер ўзининг «Тартюф»² ва «Дон Жуан» асарларида феодалларнинг худбинлиги ва диний фанатизмини аччиқ хажвий бўёқларда очиб берган³.

Мольер ижодини жаҳон адабиётига олиб кирган «Дон Жуан» комедиясиdir. Адабиёт тарихида Дон Жуан ҳақида жуда кўплаб ҳикоялар, афсона ва ривоятлар яратилган. Булар ичida Мольернинг «Дон Жуан» асари энг мукаммали ва юксагидир.

¹ Андреев Л.Г., Козлова Н.П., Косиков Г.К.. История французской литературы. – Москва: «Высшая школа», 1987. – С.180.

² Мольер. Тартюф или обманщик // Мольер Жан-Батист. Комедии. Перевод с французского. – М.: «Художественная литература», 1978. – С. 3–84.

³ Oumbarov N., Soatjonov I. Histoire de la littérature française. – T.: Oqituvchi, 2002. – Р. 75.

Гарчи бу комедия кўпгина адабиётшунослар томонидан қаттиқ танқидга учраган бўлса-да, Дон Жуаннинг қиёфасида бир томондан, мунофиқлик, иккинчи томондан, тавба-тазарру жамланган. Муаллиф ёшлигига билиб-билмай фирибгарлик йўлига кириб қолиб, кейинчалик қилган ишларига пушаймонона кайфиятда тақводор бўлиб қолишларини фош этган.

1659 йилдан бошлаб Мольер машҳурлик сари шаҳдам қадам қўйиб, ўзининг комедиялари билан катта муваффақиятларга эришган. «Сохта касал» («Le Malade imaginaire») асарини ўйнаётib, деярли ҳаётининг ғайритабиий тимсоли бўлган саҳнанинг ўзида жон берган.

«Гёте билан гурунглар»¹ китобининг муаллифи Эккерман Мольернинг айрим комедияларини олмон тилига таржима қилган ва немис саҳналарида унинг асарлари қизлардаги ҳаддан ташқари «энг нозик туйгуларни» ҳақоратлагани боис, таҳрир қилингандан шаклда қўйилаётганлигидан афсусланган. «Йўқ, — жавоб берган Гёте, — унда омманинг айби бор. Хўш, у ерда нима қилишсин бизнинг ёш барно қизларимиз? Уларнинг жойи театрда эмас, балки монастирдадир, театр ҳаётни биладиган эркаклар ва аёллар учундир. Мольер ёзган пайтлар қизлар монастирларда яшаганлар (вояга етгунларига қадар у ерда тарбияланганлар) ва, албатта у буларни ҳисобга олмаган. Ҳозир эса, қизларни театрдан чиқариб бўлмайди ва шунинг учун бизда улар учун ниҳоятда мос келадиган кучсиз пьесаларни беришади, шунинг учун ақл билан мен қилган ишни қилинг, яъни шунчаки театрга бормай қўя қолинг».

«Тартюф», «Дон Жуан» ва «Мизантроп» комедиялари Мольер ижодининг чўққилари ҳисобланади. Муаллифга ушбу учала комедиялар боқийлик ато этган бўлса-да, ҳаёти давомида эса, фақатгина кўнгилсизликлар олиб келган. «Тартюф» биринчи марта саҳналарда намойиш этилгандан сўнг таъзиқланиб қўйилган. Иезуитлар ҳам янсенистлар диний иккюз-

¹ Эккерман. Гёте билан гурунглар / Я.Эгамова таржимаси // Жаҳон адабиёти, 2012, №12.

ламачи Тартюфнинг черковга хужумини кўришган. Париж Архиепископи комедия билан танишиш истагида бўлган черковга қатнайдиган ибодатчиларга черковдан четлатилиши билан қўрқитган, қандайдир кюре¹ эса, шаккок, кофир муаллифни ўтда ёқиши таклиф қилган. Ҳатто Қирол ҳам бу ишга аралашган. У Мольер манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, оммадан яшириб қўйган. Шу тариқа мазкур комедия беш йил давомида саҳналарда намойиш қилиниши то жамият томонидан ўрнатилган қоидалар салгина бўлса-да юмшатилмагунга қадар тўхтатилган.

Актёрлар труппасини боқиши учун Мольер «Дон Жуан» асарини «Тартюф» таъкиқта учрагандан кейин ёзган, бироқ у асар билан ҳам боғлиқ кўнгилсизлик содир бўлган: овозаси оламга кетган «Дон Жуан» асари омма томонидан жуда ҳам зўр, муваффақиятли кутиб олинган бўлса-да, ўн бешинчи маротаба саҳнада қўйилгандан сўнг, бирданига тўхтатилган. «Тартюф»дан сўнг Мольер иезуитлар орденининг назарига тушган. Шунда Қирол Мольернинг «Месъе Театр»ни сақлаб қолиш мақсадида «Қирол-Актёрлари» деган даражани берган ва труппага фазнадан мояна бера бошлашган.

Шуни таъкидлаш керакки, Мольернинг ижодий дадиллиги (мустақил новаторлиги) этик ва эстетик ривожланишдан илдамлаб кетган, бадиий эркинлиги Гётенинг тили билан айтганда, «жозибали табиийлик» ўша вақтларда ахлоқни бузган деб ҳисобланган бўлса-да, шунинг ўзи ҳам, унинг пьесаларида боқий ёшликни сақлаб қолган.

Мольернинг «Мизантроп» асарида кўпчилик муаллифнинг бош қаҳрамон тимсолидаги маъюсликни кўрганлар. Бунга бир қанча сабаблар бор эди. Ўша пайтларда Мольер ўз ҳаётининг оғир дамларини бошидан кечираётган эди: бир йил ҳам умр кўрмаган ўғли вафот этган, дастлабки саҳнабоп омад ва галабалардан завқдана бошлаган тетрга кирган қиролнинг чўқинтирган ўғли Армандолар ўртасида можаролар бошлан-

¹ Кюре – Франция ва Бельгияда католиклар руҳонийиси.

ди, Мольер ўз ижодининг энг чўққиси ҳисоблаган «Тартюф»-ни тўхтатишган.

Мольер жами 29 комедия қолдирган, қироллик амалдорларининг байраму тантаналари ҳақидаги асарлари – «Элид маликаси» (1664), «Жаноб де Пурсоняк» (1669), «Ажойиб ошиқлар» (1670) ва бошқалар. Мольернинг «Жорж Данден ёки аҳмоқ қилинган эр», «Мажбурий тўй», «Хасис» (ҳаммаси – 1668), «Муттаҳам Скапена» (1671), «Олима аёллар» (1671) каби асарлари эса, одатий турмушда учрайдиган комедиялар бўлган.

Мольер ижодининг охирги йирик комедиялари – «Дворянликдаги мешчан»¹ ва «Сохта касал» (1673) комедия-балет каби ёзилган. «Дворянликдаги мешчан»нинг премъераси Шамбор қасрида бўлган, бироқ томошабинларга манзур бўлмаган.

«Сохта касал» Мольер умрининг хотимаси бўлган. 1673 йилнинг 17 февралида Мольер Арганнинг сохта касалини кўрсатиб бериш учун саҳнага чиққан. Айрим томошабинлар ундаги ўлимолди васвасасини пайқашган бўлса-да, буни ҳазил деб қабул қилишган. Томошадан сўнг томоғидан қон оқа бошлаган ва шу ерда 51 ёшида унинг жони узилган.

Табибларнинг таъкидлашича, адаб сил касаллигидан азият чеккан бўлиши мумкин. Руҳонийлар уни муқаддас ерга дафн этишни тақиқлашган. Мольернинг турмуш ўртоғи Қирол Людовик XIVдан ёрдам сўраб мурожаат этгандан кейингина, ерга дафн қилишга рухсат берилган².

Унинг ҳуқуқий дунёқараши содда, яъни ортиқчаликсиз, кўркувсиз, зерикарлисиз, хом хаёлсиз, аммо тўғри маънода ишонарлидир. Аксинча, эзгулик дарсларини беришни яхши кўрувчи Жан-Жак Руссо эса, Мольер театрида ёмон одатлар ва иллатлар мактабини кўрган. Шунингдек, ўз ҳазилларини

¹ Мешчан чор Россиясида: шаҳар майдада буржуазиясига мансуб майда савдогар, хунарманд, мешчан, тор манфаатпараст одам. Мещанин во дворянстве – дворянликдаги мешчан, у-бу қилиб юқори мартабага, мавқега эришган одам.

² Иванов Г.В. Калюжная Л.С. 100 великих писателей. – М.: Вече, 2006. – С.119.

кўпайтириш учун жамият тартибини булғашгача борган деб ҳисоблаган.

Ҳозирги кунга келиб, Мольер қонун ҳамда одоб-ахлоқда адолатсизлик, иккюзламачилик ва фиригарликка қарши курашган шахс сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Гарчи унинг келиб чиқиши буржуалардан бўлса-да, кўнгли оддий халққа яқин бўлган¹.

Мольернинг асарлари зиддият ва тўқнашувларга бой: болалар ота-оналарига қарши, аёллар эрларига қарши, шаҳарликлар аслзодаларга қарши, хизматчи хўжайнинга қарши ва ҳоказо. Бироқ буни синфий кураш деб бўлмайди, чунки бунда ёшлиқ, озодлик ва муҳаббат ғолибdir. Ёшлар катталар устидан тантана қылсалар, озодлик оилавий зиддиятлардан қучли саналиб, ҳар доим бўлмаса-да, муҳаббат кўпинча ғолиб бўлади. Мольернинг иймони баҳслилигича қолган. У ҳаммасидан ҳам сохта художўйликка қарши чиқиб, мерос ва оила каби муқаддас тушунча борасида ўзининг ҳуқуқий қарашларини алоҳида баён этган.

Мольернинг ҳуқуқий тафаккури унинг қулгиси каби мурракбадир. Аввало, унда кўнгилхушлик ва ханда бор.

Биринчидан, Мольер ҳуқуқдаги уйдирма гаплар ва адлия ходимлари устидан қулган.

Иккинчидан, Мольер насиҳатгўй бўлиб, айниқса, инсоний эҳтиросларни ўзида жамловчи жой ҳисобланадиган оилани қадрлаган, хусусан, никоҳ масаласини қойилмақом қилиб тасвирлаган.

Учинчидан, оиласда эркак ҳукмронлиги ҳақидаги ҳажвий манзарани катта маҳорат билан чизган.

Тўртинчидан, унинг никоҳ борасидаги қарашлари мунозарали бўлган ҳамда қисман бунга қаршилик ҳам қилган.

Бешинчидан, никоҳсиз ва эркин муҳаббат ҳақида деярли сўз юритмаган. Бу ҳуқуқдан ташқари (зид) бўлганлиги учун эмас, балки умуман ижтимоий турмуш тарзи йўқлигидандир.

¹ Роллан Р. Собр. соч. – М.: 1958. Т. 14. – С. 174.

Олтингчидан, ўз даври ва ўз мамлакатининг ҳуқуқига содиқ қолиб, оила ҳуқуқи, мерос ҳуқуқи, нотариал ҳуқуқ ҳақида ўзининг фикрларини гўзал таърифлаган¹.

Мольер ҳуқуқдаги уйдирма гаплар ва адлия ходимларига нисбатан ўз фикрларини ҳажвиёна баён қилган. Мольер шифокорлардан кўра, ҳуқуқшуносларни кўпроқ масхара қилган. Бироқ Мольер ҳеч қачон ҳуқуқий нормаларни танқид остига олмасдан, балки аниқ ва равshan тарзда далил сифатида изоҳлаган. Жумладан, нотариусларнинг виждонлилиги деганда адаб нигоҳида қандай тушунча гавдаланишини кўриш мумкин. Мольер адлия ходимларини ваҳший ҳайвонларга ўхшатиб, ҳуқуқий жараённи уларнинг чангалидан ўтиш билан баробар дўзах азоби деб ҳисоблаган.

Мольернинг никоҳ ҳақидаги қарашлари қизиқдир. Адабнинг оила ва никоҳ ҳақидаги фикри ўзига хос бўлган. Унга кўра муқаддас оила фақатгина католик ва буржуаларда садоқатлилиги билан фарқланиши мумкин. Оила бир умрга қуриладиган иттифоқдир ва бу иттифоқ парчаланмас бўлиши лозим. Шунингдек, у фарзандли бўлиш ва хўжалик юритиш учун зарурий асосдир.

Мольер оиласда эркак ҳукмронлиги тарафдори бўлган. Эрхотин ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тамойили, бу оиласда эркакнинг ҳукмронлигидир. Мольер бу ҳақда ўзининг «Олим аёллар» (*«Les femmes savantes»*) асарида ҳажв билан эслаб, яъни хотин зотини товуқقا қиёслаб, хўroz олдида қичқиришини аҳмоқона деб билган.

Мольер турмуш масаласига жиддий қараган. У Арманда хоним билан баҳтли оила қурмаган. Бу ҳақда «Никоҳ мадҳи» (*«Apologie du mariage»*) асари дарак беради. Бундан ташқари, Мольер «Олим аёллар» асарида ўзининг турмуш ўртоғини «олима аёл»лардан бири қилиб кўрсатиб, масхара қилган. Чунки, Арманда ўз турмушини киноя билан «таналар кирмайдиган кўнгил-

¹ Philippe Malaurie. Droit et littérature. Une anthologie. — Paris: «Editions Cujas», 1997. — P.123.

лар иттифоқи» деб баҳолаган. Бироқ ундан фарқлироқ, синглиси Аниетта оила ҳаётига ҳамда никоҳ бу таналар ва кўнгилларнинг ҳақиқий бирлиги эканлигига ишонган.

Мольер никоҳга қарши бир қатор фикрларни билдирган. Уни мафтун этганига қарамай, никоҳ масаласи ўзига яраша айрим нуқсонларга ҳам эга эканлиги эътироф этилган. Унинг театрида аёл ҳукмрон бўлган ҳаёт ширин бўлмаслиги тоясига кўпроқ урғу берилган. Бироқ Мольер ўзининг 1671 йилда ёзган «Сканеннинг найранглари» (*«Les fourberies de Scapin»*) асарида: «Ўлишдан кўра, уйланган бўлиш афзалроқ» деган тояни илгари сурган. Яъни турмуш қуриш ўлимга бир қадам қўйиш демакдир. Шунингдек, «Сганарелла ёхуд сохта гўсхўр эр» (*«Sganarelle ou le socu imaginaire»*) асарида: «Қани эди қонун кўйлакни алмаштириш каби, эрни ҳам алмаштиришга рухсат берса» деган тоя орқали никоҳнинг аччиқ қисматини ёритиб берган. Айниқса, Мольернинг 1665 йилда ёзган машҳур «Дон Жуан» асарида никоҳга қарши фикрларини баён этган. Унинг фикрича, «муҳаббатнинг бутун лаззат-фарофати ўзгаришдадир».

Мольер никоҳдан ташқари муҳаббат ҳақида ҳам фикр билдирган. Мольер бу ҳақда унчалик кўп қайтурмаган, чунки бундай бўлиши мумкин эмас. Унинг фикрига кўра, унаштириш билан турмушнинг ширин дамлари бошланади. Лекин гоҳ-гоҳида, муаллиф муҳаббатни, ёшликни ва яшаш қувончини бир-бирига боғлаб, никоҳ сўзини ҳатто тилга ҳам олмаган, чунки никоҳ сеҳрли афсоналардагина бўлиши ва воқелик дунёсидан ташқарида, яъни ҳуқуқдан йироқ мавзу деб қараган.

Мольер нотариал ҳуқуқ масаласида ўз замонаси ва маконидаги оиланинг шахсий-мулкий ҳуқуқига содиқ қолиб, мерос, ҳадя каби мавзуларни кўпгина асарларида марказий тоя қилиб олган. Масалан, «Сохта касал» асарида қаҳрамон Арган орқали мерос ҳуқуқига эга бўлиш муаммоларини қизиқарли тарзда баён қилиб берган. Унда Арган биринчи турмушидан бўлган болаларига ҳеч нарса қолдирмасдан, ўзининг иккинчи хотинидан бўлган фарзанди Белинга васият қолдир-


мокчи бўлиб, нотариус ҳузурига боради. У ерда баҳс-мунозара бошланиб кетади ва адвокатга маслаҳат учун мурожаат қилишини айтгач, нотариус адвокатлар одат ҳуқуқига биноан жуда қаттиқ туришини эслатади ҳамда ўз турмуш ўртоғига ҳеч вақо қолдирмаслик ҳам жиддий жиноят эканлигига ишонтиради.

Бундан ташқари, Мольер нотариал ҳуқуқ бўйича бошқа мисолларни ҳам келтирган. Хусусан, бева аёлга эри томонидан қолдириладиган мерос, меросдан маҳрум этиш, васият, тириклар ўртасидаги ҳадялар, диндорлардан ҳадя қабул қилиш имкониятининг йўқлиги каби масалалар муаллиф ижодида кенг ўрин эгаллаган.

Шундай қилиб, Мольер ижодида кулги, буюк ханда ва озод қаҳқаҳа ҳукмрон бўлган. Ҳеч бир зот йўқки, Мольерни чин кўнгилдан кулиб тингламаса. Лекин унинг ҳажвияси жамият ёки ҳуқуқ устидан кулиш эмас, балки одамлар ҳақидаги аччиқ ҳақиқатдир. Кечаги ва бугунги жамиятимизда ажойиботлар бисёр. Мольер эса, ана шуларни адабий ва ҳуқуқий йўл билан хўп савалаган адибдир. Мижғов ва синчков расмиятчилар, қўлидан иш келмайдиган мансабга миниб олган одамлар, хасис бойлар, тўполончи безорилар, ахлоқсиз фоҳишабозлар, анқов табиблар ва бефаҳм ҳуқуқшунослар, бешафқат оталар ва эрка хотинлар, муттаҳам, жирканч ва ярамас иккюзламачилар унинг ҳажв калтаги остида бўлган. Гўсхўр эрлар эса, дардли бўлса-да, қаттиқ масхара қилинган. Шу билан бирга, на воқелик ва на ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган сирли, нозик ҳамда орзули ишқда мангум мавзуси Мольер асарларига ҳам тожу ҳам гулчамбардир.

Барчамиз театрдамиз!

*A.X. Сайдов,
профессор*



ТАРТЮФ¹

*Y*збек тилига Ойбек томонидан таржима қилинган бу асар биринчи марта Ҳамза театрида 1941 йил 17 апрелда саҳнага кўйилган.

Мольер комедиясининг ўзбек тилида саҳналаштирилиши томошабинлар томонидан ҳам, матбуот томонидан ҳам қизғин кутиб олинган. «Буюк Шекспирнинг «Отелло»сидан сўнг, Ҳамза театри (ҳозирги Ўзбек Миллий Академик Драма Театри) репертуари хазинаси жаҳон классиги Мольернинг «Тартюф»и билан яна бойиган. Бу, ҳеч шубҳасиз, театр ижодий коллективининг кишилик маданияти чўққиларини эгаллаши томон дадил қадамлар билан бораётганидан гувоҳлик беради», деб ёзилган эди тақризлардан бирида.

Мольер «Тартюф»нинг таржимаси учун таржима соҳасидағи изланиш, фикрни ва ҳиссиёт бойлигини ифодалашга интилиш кучли. Ҳатто шаклни бузишга мажбур бўлган ҳолларда ҳам поэтик туйғу қурбон этилмайди. «Тартюф»нинг таржимасида таржима этилаётган асар оламини ўзга хос индивидуал тарзда кўра олган таржимон шахсининг муҳри мавжуд. Ойбек ҳеч бир нарсани соддалаштиргмаган ва ҳаммага тушунарли бўлишига интилмаган. У ўзининг ҳар бир таржима асарида икки адабий тил мутаносиблигининг кўлгина масалаларини ҳал этган. Ойбек тил бирлигини ахтармаган. Унинг таржимаси образли мазмун бирлигини излашдадир. Бу ерда ботиний туйғу-интуиция кучи кичик роль ўйнамайди. Зотан, асарининг бадиий моҳияти фақатгина сўзда эмас, у шакл ва мундарижа-нинг гармоник бирлигига, ритмик ва интонацион бирликда-

¹ Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли. Муқаммал асарлар тўплами. Европа адабиётидан таржималар. 19 томлик. 15-том. – Т.: «Фан», 1980. 459–460, 462–463, 337–423-бетлар.

дир. Ойбек таржималари ана шундай бирликни ҳосил қила олиши билан аҳамиятлиdir.

Француз драматурги, актёри ва театр арбоби Жан Батист Мольер Европа адабиётининг ўзбек тилига илк марта таржима этилган драматургларидан биридир.

Француз халқ театри анъаналарига таянган ҳамда классицизм драматургияси тажрибалари ва Уйғониш даврининг гуманистик ғоялари билан йўғрилган Мольер ижоди ўзбек китобхони ва томошабинига 1925 йилдан – унинг «Хасис» комедияси (Манон Уйғур таржимасида) ўзбек саҳнасида ўйналган даврдан буён таниш.

Бундан ташқари, улуг француз драматургининг «Тартюф» (1941), «Зўраки табиб» (1949), «Скапенning найранглари» (1950) комедиялари ҳам ўзбек тилига таржима этилган ва саҳналаштирилган.

Комедиянинг ўзбекча матни биринчи марта «Шарқ юлдузи» журналининг 1973 йил 12-сонида Зарифа Сайдносирова томонидан қуийдаги изоҳ билан эълон этилган¹:

«Устоз Мусо Ойбек қаламига мансуб бу таржима архивдаги талай оригинал ва таржималардан бири. Етук таржима нусхаси «Тартюф» бир вақт Ҳамза номидаги академик драма театр саҳнасида қўйилганларини эсласак, эҳтимол, бу таржиманинг саҳна вариандидир, деб ҳам қоламиз. Лекин Ойбек томонидан оқقا кўчирилган нусхаси театр архивидан ҳам излаб топилмади. Мусо Ойбек сўз хазинасининг бойлиги, халқ ибораларининг сахий ишла-тилиши таржиманинг биринчи бетиданоқ билиниб турибди. Балки бу эркин, сарбаст таржимадир.

Йирик адид қалам меҳнати аён бу асар ҳам журналхонларга манзур бўлар деган умиддамиз».

Мазкур таржиманинг қоралама қўлёзмаси 86 бетдан иборат бўлиб, адид архивида сақланади. Қўлёзма ниҳоятда уринган, қофози сифатсиз, сарғайиб кетган, четлари йиртилган.

¹ Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли. Муқаммал асарлар тўплами. Европа адабиётидан таржималар. 19 томлик. 15-том. – Т.: «Фан», 1980. 462–463-бетлар.

Формати 33x20 см. Қўлёзма яшил сиёҳда араб графикасида ёзилган. Таржиманинг титул саҳифасидаги (унинг ярми йўқ) «Мольер. Тартюф. Беш пардали комедия» сўzlари эса, лотин графикасида ёзилган.

Воқеа Париж шаҳрида, Оргон хонадонида бўлиб ўтади. Тартюф исмли йигит хонадон соҳибининг ишончига киради. Жаноб Оргон ёш, илмли, камтарин, олийжаноб, художўй, самимий меҳмон йигит – Тартюфга мўъжиза кўргандек нигоҳ ташлайди. Оила аъзолари эса, ўзини муқаддас деб кўрсатаётган Тартюф у ўйлаётган даражада бегуноҳ эмаслигига Оргонни ишонтиришга уринадилар. Тартюфнинг асл башараси Оргоннинг эҳтиётсизлиги туфайли бор мол-мулки хатлаб олинганидан кейин очилади. Қиролнинг мўъжизавий аралашуви туфайли, адолат қарор топишига беш дақиқа қолганида пьеса комедиялигича қолишга мұяссар бўлади. Тартюф жазоланади ва Оргонга мол-мулки қайтарилади.

БЕШ ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ

Воқеада иштирок этувчи шахслар:

О р г о н .

П е р н е л ҳ о н и м – унинг онаси.

Э л ь м и р а – унинг рафиқаси.

Д а м и с – унинг ўғли.

М а р и а н а – унинг қизи.

В а л е р – Марианани севган ёш йигит.

К л е а н т – Эльмиранинг биродари.

Т а р т ю ф – авлиё.

Д о р и н а – Мариананинг хизматкори.

Л о я л ь жаноб – суд пристави.

О ф и ц е р – полис.

Ф л и п о т – Парнель хонимнинг хизматкори.

Воқеа Парижда, Оргон уйида бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

I сахна

Пернель хоним, Эльмира, Дамис, Мариана, Клеант,
Дорина ва Флипот.

П е р н е л ь х о н и м
(*Флипотга*)

Қани, тез юр! Гуноҳдан қоча қол нари...

Э л ь м и р а

Тўхтанг, ахир, онажон... Ҳаллослаб қолдим...

10 Сизга етолмайман...

П е р н е л ь х о н и м

Ҳой, азиз келиним!

Ўтинаман ҳамда йўқдир ҳожати.

Э л ь м и р а

Мен жуда ачинамен... Лекин нимага

Бунча ҳовлиқишингиз, тушунолмаймен...

П е р н е л ь х о н и м

Нимага?

Тоқатим йўқ! Ана шу ҳангомаларни

20 Кўриш менга оғирдир! Она бўлганим

Туфайлидан ҳаққим бор – керак айтмоғим.

Мен бу ишдан жуда, жуда норози.

Ўйлаб кўринг, ахир, бу қандай оила?

Ҳеч кимда на кўркув бор, на-да эҳтиром:

Қайси бирига боқсанг, ўз муҳокама,

Ўз қарашини илгари суради мудом...

Айтинг менга: мен қайда, қайси водийда?

Бозордами? Лўлилар кўчидা ёки?

Билмайман... Христиан уйида

30 Эмаслигим муқаррар!

Д о р и н а

А мен?..

П е р н е л ь х о н и м

Сенми, энанг айлангур, хизматкор, чўри,
 Гапга аралашмаган сен қолганмидинг?
 Сендадир тилнинг ҳаддан ошиқ узуни, –
 Менга аёнки, бунда сендан, умуман,
 Кўп нарса дов қилмаслар...

Д а м и с

40 Аммо...

П е р н е л ь х о н и м

Сен бир аблаҳ! Ҳаммага кўпдан маълум-ку,
 Отанг сендан кўрмади асло ҳаловат,
 Уятга қолди, дарди кўпайди фақат:
 Ҳамма вақт ёдингда тут: ҳал этилган бу.

М а р и а н а

Мен ўйлайман...

П е р н е л ь х о н и м

Мана, бу қўйдай беозор!
 Мана, чинакам содда, губорсиз сийна!
 Юмaloқ-ёстиқ қилиб сўзлашдан кўрқар...
 Лекин писмиқда гап кўп, сен биларсан-а?

Э л ь м и р а

Лекин, онажон...

П е р н е л ь х о н и м

Сизга яширмай айтай –
 Майли, жаҳлингиз чиқсин ёки чиқмасин,
 Ўгай она, завжага, уй бекасига
 Ярашмас енгил қилиқ...

60 Эсни йўқотиб, ажва бўлгандан кўра –
 Сиз ақли салим билан бошқаларга ҳам
 Тимсол бўлишингизни истардик ҳар дам:
 Эрга ёқиш-чун ҳожат йўқ безанишга.

К л е а н т

Хоним афанди! Менга рухсат этгайсиз...

П е р н е л ь х о н и м

Аҳ, бегим, сизни жуда ҳурмат қиласмен,
Мен бу ерда хўжайин бўлсам, билмаймен,
Бу эшикка бош суқа олармидингиз!
70 Ҳаётга қай кўз билан қарашингизни
Баъзи вақтларда сиздан мен эшитамен,
Мен худди жаҳаннамга тушган бўламен!
Бу гаплар учун ҳаргиз койинманг мендан,
Кўнгилдагини киши вайсайди баъзан...

Д а м и с

Аммо сизнинг Тартюф...

П е р н е л ь х о н и м

Мумтоз на тимсол
Бўлувчи гўзал инсон! Унга қарши сен
80 Боши мағисиз бўлган бир маҳмадона,
Менинг бутун ғазабим жўш урар дарҳол!

Д а м и с

Демак, сизча, мен унга ҳар вақт индамай
Ва нима деса, шуни лом-мим демасдан –
Муқаллас ҳақиқат деб қабул ҳам этай?
Йўқ, ташаккур этаман бош эгиб тубан.

Д о р и на

Ҳамма нарсада унга бўйсунсанг агар,
Бирон ишни ишлашга ботинолмайсен!
Ҳеч нимани кўзидан қочирмайди у,
Яна ҳар бир ишни ҳам ёқтиurmайди у:
Бу гуноҳ, бу – уят... Бу динга зарар...
Бошинг гант бўлади-да,
Ҳеч нима қилолмайсан!

П е р н е л ь х о н и м

Майли, текширсин, майли! Ҳар бир одимни
Кўзда тутсин! Тафтиши – биз учун нажот!
Ўғлим бир оз забардаст бўлсайди, уят,
Ҳурмат, севгига сизни мажбур қиласарди.

100

Д а м и с

Йўқ, буви!

Бу беҳуда заҳмат бўларди бутун:
 Бировларнинг фойдаси, ишваси учун,
 Мен мунофиқ бўлишни ҳеч истамайман!
 Агар у мени яна бирон мартаба
 Койиса-нетса, у чоқ — мен ишонамен —
 Яхшилик билан битмас иш, натижада!

Д о р и на

Аlam қилади: беном-бенишон, саёқ

110

Кутилмагандা уйга кирди бесўроқ;
 Худодай қаршиладик, кийим-кечак бут,
 Қорни тўқ; гадой учун бу ўзи давлат!
 Яна нима? Ҳомийлар ҳаққига фақат
 Тангрига ибодат қил — бошқасин унут!
 Йўқ! У исқиртни энди қил бир томоша!
 Ҳамма унга қул, ёлғиз у хукмфармо.

П е р н е л ь х о н и м

Нетайлик! Дин аҳлини ҳурмат қилмайин,
 Биз гуноҳга чуқурроқ ботдик кун сайин!

120

Д о р и на

Унинг каби виждонсиз, энг сохталарга?
 Унда тақводорлик йўқ, динчилик парда!

П е р н е л ь х о н и м

Тилинг курсин, тилинг!

Д о р и на

Нима бўлибди, асло —

Икки юзлик қилмай, мен дангал айтай:
 Мен ишонмайман унга, ишонч йўқ қитдай:
 Мен уни анча-мунча таниб олганман!

130

П е р н е л ь х о н и м

Таниганман дейсанми? Таниб қолгансан!
 Бизнинг одатимиздир ҳақ йўлдан қочиш —
 Ҳақиқатни тинглашни ҳар кимса орзу

Қилавермайды... Унинг дарди ёлғиз шу:
Адашганларни нажот йўлига тортиш.

Д о р и н а

Хўп, шундай бўлсин... Фақат нима сабабдан,
Бизнинг уйга меҳмонлар келса, дарров у
Қовоқларини солиб, кўтарар шов-шув, —

- 140 Меҳмонлар ёш эркаклар бўлса, хусусан?
Бу ерда ёт киши йўқ... Хўп, айта қолай...
(Эльмирани ишорат қиласи)

Ишонингки, бекага кунчилик қиласи!

П е р н е л ъ х о н и м

Юм оғзингни! Юм! Ортиқ битди тоқатим...

Ахир, ёлғиз ундами шу фикр ҳоким?

Атрофда нималарни дерлар, қулоқ сол...

Лутф этинг, ҳамма учун уй очиқ яққол!

Меҳмон устига меҳмон — арава ҳадсиз!..

- 150 Мен бирон ёмон ишдан қилмаймен гумон —
Лекин шу ҳақда гап-сўз юриши ёмон.

К л е а н т

Сўзфурушларни қандай жим қилмоқчисиз?

Уларга ёқиш учун дўстлардан жудо

Бўлмоқ, алоқа узмоқ мумкинмас ҳаргиз!

Бу иш тамом фойдасиз бўларди ҳатто.

Пучак пулга арзимас фийбат, «миш-миш»ни

Босиш учун, менимча, йўқдир бир чора,

Яхшиси шу — биз қандай яшаган бўлсак,

- 160 Шу хилда яна қураверсак турмушни:
Улар сўзни чуватаверсин тобора.

Д о р и н а

Сўз чуватувчилар ким? Улар шундайлар:

Ўз-ўзларидан ҳаликсираган яна.

Кимнинг ахлоқи чиндан қабиҳ-кир эса;

Улардан фийбат пар-пар учиб келади —

Тилни ишга солишга бас!

Сизни жуда синчиклаб текширадилар.

- Тушга кирмаганни ҳам ёпиширадилар,
 170 Шунда ўйлайдиларки, ўзлари соп-сог!
 Пернельхоним
 Тўғри эмас, Монарда хонимлар ҳам бор...

Дорина

- Уларни ҳам биламан...
 Уларнинг ҳаёти барчага тимсол...
 Нечук? Билмоқ истарсиз буни эҳтимол?
 Гуноҳларга ёшлари ўзган бир қадар!
 Улар қартайганлар-да, ҳусн ҳам сўлган...
 Дунё унугтган, энди улар чиллада...
 180 Баъзиси ҳеч нимадан тоймаган бир чоқ –
 Бугун эса, ёнига йўлатмас сира:
 Шафқат кўрмай тақводор... Келар ҳаваси!
 Атрофда ўйин-кулгу, боёқиши хурсанд
 Бўлар эди-ку, лекин чиқитга чиққан:
 Истеъро берган! Танг боёқиши аҳволи...

Пернельхоним

(Эльмирага)

- Мана шундай bemaza ҳангома билан
 Сиз кўнгил очасизми, азиз келиним?
 190 Биз боёқишиларга энди гап йўқми чиндан?
 Ҳар ҳолда мен айтишим керак ўз фикрим!
 Шуни билингки, ўғлим, яхши иш қилди,
 Машхур бир зотга уйдан у берди макон,
 У зотга қарши сизда ғазаб ва нафрат,
 Сизга талқин этибди буларни шайтон
 У – азиз одам, унинг кўнгли мусаффо, –
 Лекин атрофга боқиб у нима кўрар,
 Нима эшитар! Қандай маразлар туяр!
 Анвои йигинлар... ҳар хил бемаъни кайф-сафо...
 200 Базмлар, зиёфатлар... меҳмон кутишлар,
 Туну кун шу! Улфатлар? Суҳбат тузишлар?
 На тақво, на камтарлик – йўқдир чин инсон...

Хамма оғизда ёлғиз бўш бир ҳангома,
Биронта қудси гап йўқ... Ахир, бу нима!
Яъжужу маъжуж босганми? Бу қандай сурон?
Сабабин суриштира бошласак шу он.

(Клеантни кўрсатади)

Мана, мана! Кулишга ҳалитдан тайёр!

Ҳа, мен унга эмасман нодон заифа,

210 Мени масхаралашни қилсин ихтиёр...

Мирзам, дуч келмагансиз ундайига!

(Эльмирага)

Хайр, азизим, эс-хушни йиғиб олсангиз,

Ишларингиз яхши саранжом топар, —

Мен у вақт келурмен... Олдин кутмангиз.

(Флипотга шапалоқ уради)

Қани, ҳай, ҳафтафаҳм! Олға лўкилла!

II саҳна
Клеант ҳам Дорина

220

К л е а н т

Ҳеч кимни ўкситмади — ҳаммани текис

Кийратди... У забардаст кампир!

Д о р и на

Ай-яй-яй!

Сизнинг хушомад учун кампир ҳеч қандай

Раҳмат демас эди...

К л е а н т

Рост, қайнаб оқди,

Ҳўш, кампирга Тартюфнинг нимаси ёқди?

230

Д о р и на

У нима ҳали! Мана жаноби Оргон,

У чиндан-да Тартюфга қўнглини қўйган:

Анқо тухуми қаби нодир воқеа —

Тушунмайман бу ишни мен ўзим сира...

Шундай таърифлаш мумкин: Тартюф у учун

- Бола, хотин, онадан азиздир бутун!
 «Тартюоф шуни хоҳлайди, шуни буюрур...
 Тартюоф хафадир... Тартюоф кўнмас бир умр.
 Тартюоф ухлар – финг дема! У овқатланар,
 240 Тартюоф ошаб бўлгунча ҳамманг оч ўтири!»
 У ҳам ягона доно, у ҳам пайғамбар...
 Нима деса ва қилса, албат, мўътабар
 Ва биздек аҳмокларга бўлармиш сабоқ...
 Бу гапларнинг барини билар, албатта,
 У қиласвермайди ҳар ишни таъна:
 Қай вақт дўйқ қилган бўлар, қай вақт – бол билан
 Андавалар, қарабсан, ҳеч сездирмасдан
 У бирмунча пулчани ишлар лаҳзада...
 Ҳаммадан безакларга у қаттиқ душман:
 250 Гулми, уқами – майли, кўзига – бало!
 Юлади, ташлайди... Баъзи вақт ҳатто
 Сал дуруст кийиндикми – бўлмайди хурсанд!
 Жанобларми, хизматчими, бари бир унга.

III саҳна

Клеант, Дорина, Эльмира, Дамис ва Мариана

Эльмира

(Клеантга)

- Сен баҳтли экансанки бормадинг, яна
 260 Қоп-қоп гап эшидик биз бечоралар.
 Мен у ерда Оргонни кўрдим; юқори
 Чиқайин – яхши эди у дуч келмаса...

Клеант

Сен боравер. Бу ерда биз гаплашамиз.

IV саҳна

Клеант, Дорина, Эльмира, Дамис

Дамис

Синглим ишини билиш керак эди, тоғажон!

Сезаман, Тартюф бирон ўй билан машғул,
270 Бу никоҳни ёқтирмас, қиласман гумон...

Нима қилишни билмай ўзим ҳам ҳайрон...

Д о р и н а

Тсс. У келаётир!

V саҳна

Клеант, Дорина ва Оргон.

О р г о н

Э, салом, биродар...

К л е а н т

Бардамисан! Хўш, сафар

280 Яхши бўлдими? Ҳаёт созми қишлоқда?
Гарчи хурсандчиллик йўқдир у ёқда...

О р г о н

Дорина...

(Клеантга)

Кечир. Мен билмоқчиман бизда қандайин
Янгиликлар бор экан?.. Бир минут, бирпас!
Икки кун бўлмадим-а, ҳазил гап эмас...
Сабр эт бир оз!

(Доринага)

290 Тинглайман. Сен муфассал
Айтавер бирин-бирин...

Д о р и н а

Даставвал хотинингиз оғриди қаттиқ.

Титраб қақшади, ёнди... кучли бош оғриқ...

О р г о н

Хўш, Тартюф қалай?

Д о р и н а

Тартюф? Уни сўрамоқ ҳам беҳуда...

300 Кимда бор унинг бунда кўрган ҳузури!

О р г о н

Боёқиш! Фарид!

Д о р и н а

Бекамиз оғриб

Кечки таомга базўр ўтира билди,

Бошим, деди-да, таом тотмади асло.

О р г о н

Хўш, Тартюф қалай?

Д о р и н а

310 Икки каклик ошади —

Ҳа, қўй гўштдан ҳам оз-моз ортди... у аммо

Тўйганидай, ўзи кўп хоҳламади.

О р г о н

Боёқиш! Фарид!

Д о р и н а

Тун ўтди зўр таҳликада!

Үйқу йўқ, ёнди, киприк қоқмадик биз ҳам!

Кўп қийналдик, юришга дармон йўқ сира...

Тонгача силжимадик касалдан бир дам!

320 О р г о н

Хўш, Тартюф қалай?

Д о р и н а

Бегам, беташвиш, тўйиб,

Дастурхондан қўзғалди оҳиста, шошмай,

Сўнг ташланди тўшакка ва хуррак қўйиб

Бутун кеча ухлади... У қотди тошдай!

О р г о н

Боёқиш! Фарид!

Д о р и н а

330 Аллақачон қон олиш керакди, лекин

Истамади, Хонимни босди зўр даҳшат!

Қон олдиришга ўзи кўнди, ниҳоят —

Ҳаммамизга ташаккур билдириди кейин...

О р г о н

Хўш, Тартюф қалай?

Д о р и н а

Тартюф билдики, хаста

Қон олдирганида күп қувват йўқотди.
У дарров ўз бўғзини тўлдирди яна!
340 Нонуштада у икки қадаҳ шаробни
Том ихлос билан ортиқ томоққа отди!

О р г о н

Боёқиш! Фариб!

Д о р и н а

Аммо келишингизга дард ариди бекадан...
Бориб айтайнинки мен:
Мехрибону лутфкор эрингиз бизга
Соғайтганингиз учун билдири шодлик!

VI саҳна

Клеант ва Оргон.

350 К л е а н т
У сени мазах қиласар қўзинг олдида,
Дангал қилиб айтайнин, унинг ҳаққи бор!
Мумкинмики, ўзини киши шу хилда
Ўжарчасига алдар? Азиз дўст, сира
Аччиғланма; сен каби улуғвор инсон
Жилла фозил бўлмаган битта шахс учун
Ўзни, оиласини, барчасин бугун
Унутсин, – бундай гапни биларми замон!
360 Ўзинг инсоф қил...

О р г о н

Тўхта, қизишка чандон.
Сен беҳуда сўзлайсан, ўзинг билмаган
Бир шахс устида мунча лоф-қоф недан?..

К л е а н т

Билмайманми, эҳтимол, ўрганиб ҳамда
У ҳақда тўғри фикр олишим мумкин...

О р г о н

370 Майли, ўрган! Тайёрмен лекин қасамга,
Ки сен уни севасан, бўласен мафтун!

Мана инсон! Ох, қандай ажойиб инсон!
У шундай бир инсонки, мундай бир ҳазрат...
Қўй, хуллас чин инсон! Бундай азамат
Улуғликни топмасмиз бизлар ҳеч қачон.
Унга эргашган – руҳий оламга учар.
Одамзод авлодига, унинг беҳуда
Икир-чикир ҳаваси, армон-орзуга
Маънавий оламдан менсимай боқар...
Мени ол: мен ўзгардим, мен бошқа жуда.

- 380 Нозик туйғулар учун руҳим кўр ва кар.
Оёқларим остида ҳозир ўл, сенмас –
Бутун оила ўлсин – солмаймен назар:
Уруғларимга, барча дўст-ёрга ҳатто
Бўлган қиттак севги ҳам менда йўқ ҳозир.

К л е а н т

Инсонча иш бўлибди!

О р г о н

- Тартюфга йўлиққаним тушди ёдимга:
У бизнинг бутхонага қатнаб юрарди...
390 Мен дарров кўз остига уни олдим-да,
Ундан буён ҳамиша кўзларим зорди.
У мендан бир оз нари,

Ибодат тутагунча тиз чўкиб, ҳалим,
Намоз ўқирди – гоҳи муnis диққатли,
Гоҳ қудси ўт юзида мавжланарди жим.
Кўзларин ихлос бирлан тикиб самога,
Оҳ чекар, нола қилар...

У тинмай сажда этар ва ерни ўпар,
Бор кучи-ла кўкракка урап бечора...

- 400 Мен чиқаркан, шошилиб юрар илгари,
Халқни ёриб, мен учун йўл очар эди.
Сабрим битди, ниҳоят, мен жазм қилдим:
Худди ўзи сингари хизматчиси-ла
Таниш бўлдим-да, аста сўзлаша билдим,
Сирига воқиф бўлдим ҳайронлик била!

- Гадой каби яшарди хор-зор ва юпун...
 Бечорага күрсата бошладим ёрдам.
 Даастлаб асло күнмади! Кейин у кам-кам
 Ола бошлади: — «Шу ҳам кўпdir мен учун»...
- 410 Мен қайтиб олмасам, у кўзим олдида
 Гадойларга улашди қолдирмай сира.
 Ниҳоят, тангрига шукурлар бўлсин!
 Меним хонадонимда у топди макон —
 Турмушимни ўзгартди у секин-секин;
 Кўриб турибсен, сенга барчаси аён;
 Ҳаттоки хотиним ҳам димоғ қилмади:
 Тартюоф унга оқсоқдай парвона бўлар,
 Бировга сал қайрилиб, боққанин сезса,
 Ўйлаб ўтирумай, уни шу онда ҳайдар!
- 420 Ҳатто менга раشكчи деб кўярканлар ном,
 Унга не дер эканлар! — У бошқа тамом!
 У ўз-ўзига пишиқ — энг кичик гуноҳ,
 Анчайин бир кусурнинг қаттиқ душмани:
 Тунлари уни чулғар фикр дарёси;
 Шу вақтда бир бургани ўлдирса ногоҳ,
 Инонасеми, ғамдан кўз юммас бир он!

К л е а н т

- Бас, етар! Довдирма! Алданасен ёлғиз,
 Бошқаларни қўй... Қандай телбалик, ахир!
 430 Гўдак эмасмиз, сендан нодон эмасмиз,
 Токи кўрмайик...

О р г о н

О, эркин фикр!
 Сен сўзимга қулоқ сол — оғир-вазмин бўл:
 Ҳали унча кеч эмас, йўқса, иш мушкул!

К л е а н т

- Менга маълумдир ушбу мулоҳазалар.
 Сизнингча, ким кўр эса — у яшайди соф,
 Қитдай сезгирроқ бўлса бир киши агар,
 440 У шаксиз, ҳур фикрли, қаллоб, беинсоф —

У боёкиш кечирилмас, шафқат этилмас.
Бу ҳукм қўрқинч эмас! Дилемда меним
Йўқдир чиркин туйгулар, бадкирдорликлар,
Жилваланмадим, ҳар нав риёкорликлар.
Ниқоблари остида ва келажагим
Учун айни йўл билан ташвишланмадим...
Биз жуда ажойиб яратилганмиз:
Биз бўлмағур матонат кўрсатиб, диндор
Одамлардан, аслида, алдамчи, чексиз
450 Мунофиқларни ҳеч фарқ қиласмиз; икрор
Қилайликки, ўлгудай бизлар риёкор.
Тақдир насибасига эмасмиз рози,
Биз ёлғиз бир нарсага жон куйдирариз;
Табиий сийомомизни йўқотиб беиз,
Нима бўлсак-бўлайлик – руҳнинг ўз зоти
Бўлмаса бас... Мен буни анчайин айтдим.

О р г о н

Ха, шундай! Ақлда фақат сен етук,
Ҳам таҳсил кўргансан, ҳам илминг буюк:
460 Сенга довруқ! Қўлингга китоб ярашар!
А, биз бўлсак эшаклар ва аҳмоқлармиз...
Ҳаёт тажрибаси ҳам доно китоблар
Бизга бўлмади насиб...

К л е а н т

Қандай пуч гаплар!
Инонгил, мен ўзимнинг қадрим биламен:
Керакдир на камтарлик, на-да мақтаниш,
Аммо қандай ниқобда жилваланмасин,
Муғомбир, маккор мендан қоча олмамиш,
470 Ёлгонни ҳар вақт чиндан мен фарқ этамен...
Чуқур ҳурмат қиласмен чин тақводорни,
Лекин мунофиқлардан қиласман нафрат!
Барча икки юзлилар ва айёрларни,
Авлиё кўринувчи, таассуфпарат,
Кароматфурӯш бўлган юзсиз, ҳаёсиз

- Махлуқларни кўришга тоқат йўқ ҳаргиз.
 Уларда йўқ ҳеч қандай эзгулик... Аммо
 Тама бор, манфаат бор. Уларга дучор
 Бўлибсен, сени қурбон қилмоқлик асло
 480 Қийин эмас, — уларга йўл-йўриқ тайёр!
 Ҳалокатинг ўзгалар учунмиш нажот!
 Максадлари ифлосдир, куроллар ёмон:
 Соддадил халқ кўзида улар қадрдон,
 Улар дин чароғлари, раҳбари ҳаёт —
 Барча ҳаракатлари юксак, мукаммал...
 Шу юздан улар кучли, хавфли ҳар маҳал!
 Шундайлардандир сенинг бу шоввозинг ҳам...
 Бу ерда энди у саёқ муттаҳам —
 Барча фазилатларнинг нодир тимсоли
 490 Бўлсин-да, хурмат кўрсинг? У паст, алдамчи —
 Сенинг пириңг, биринчи азиз одаминг?
 Сенинг дўстинг, қардошинг? Оргон! Оргон! Боқ,
 Дуруст ўйла! Сен жуда кўр, гумроҳ бу чоқ...

О р г о н

Тугатдингми?

К л е а н т

Ҳа.

О р г о н

Хайр, сенга баҳт тилайман.

К л е а н т

Бир дам сабр эт. Бу баҳсни йиғиштирайлик,
 Оилага тегишли сұхбат қиласылар.
 Валерга сўз бергандинг, унутмагансен?

О р г о н

Йўқ, унутган эмасмен.

К л е а н т

Кўрсатгандинг кунни ҳам...

О р г о н

Ҳеч нимани унутмаймен.

510

К л е а н т

Орқага ташламоқнинг маъноси борми?

О р г о н

Билмаймен.

К л е а н т

Балки сенда бошқача хаёллар бордир?

О р г о н

Ҳар нима бўлса мумкин.

К л е а н т

Ваъдани бузиш?

520

О р г о н

Мен бу ҳақда ҳеч нима деганим йўқ-ку.

К л е а н т

Сен демадинг... Лекин бу тарафдуд...

Яна бирон сабабсиз...

О р г о н

Кимга сабабсиз?

К л е а н т

Валер сўради сен-ла сўзлашувимни...

О р г о н

530 Жуда соз,

К л е а н т

Унга не деяй?

О р г о н

Истаганинг айт.

К л е а н т

Эй-эй, Оргон! Сен нечун менга ҳам шундай

Дудмал бир муомала қиласен, ахир?

Сезамен, бир нимага жазм қилгансен.

Нимага уни менга билдиримагайсен...

540

О р г о н

Қарорим сир эмасдир: вазифам нима

Буюрса, шуни қилиш.

К л е а н т

Демакки, ваъдага вафо қиласен?

О р г о н

Хайр.

К л е а н т

(ёлғиз)

Эх-э, қардошим Валер, бир күриниш бер,

550 Ишларинг бир оз чатоқ... Белни боғлайвер!

ИККИНЧИ ПАРДА

I саҳна

Оргон ҳам Мариана

О р г о н

Сен бу ерда бир ўзинг?

М а р и а н а

Бир ўзим.

О р г о н

Жуда соз, ҳеч кимса йўқдир.

10 Сен билан сўзлашмакни орзу қиласмен...

(Эшик орқасига қарайди.)

М а р и а н а

Бирон нарса қидирасизми?

О р г о н

Шошмай тур,

Зимдан тингловчилар кўп бунда,

Биласмен...

М а р и а н а

Биз ёлғизмиз-ку...

О р г о н

20 Ҳар ёқни қараб чиқай!

Тинч кўринар... Кулоқ сол. Иш бундай, дўстим,

Яширмаймен, ҳали қиз бўлганинг учун

Шу дамгача мен сендан бўлгандим мамнун...

Мариана

О, отажон! Инонингки мен...

Оргон

Қичик, маъсум бола каби сен

Сўзларимдан чиқмагандирсан, эҳтимол?

Энди ўсдинг... Ким билар, ишониш маҳол...

30

Мариана

Ҳамиша ва ҳар ишда сизга садоқат, —

Онт ичаман, менда йўқ бундан зўр орзу!

Оргон

Мана бу менга ёқар! Бу жавоб фоят

Таъзимкор ва маъқул... аъло жавоб бу!

А, сен нима ўйлайсан бизнинг энг азиз

Жонон Тартюф ҳақида?

Мариана

Мен?

40

Оргон

Ҳа, албатта, сен!

У тўғрида не дерсан, биз эшитамиш?

Мариана

Сизга нимаики ёқса, шу фикрдамиш...

II саҳна

Оргон, Мариана ва Дорина

(Дорина секингина кириб орқада туради ва Оргон уни сезмайди).

Оргон

Сен жуда ақлли қиз!

Айт менга, демак,

50 Сен уни шу даража ҳурмат қиласан,

Шу қадар севасанки, сен шаръян тегмоқ,

Унга никоҳланишни баҳт деб биласан!

М ариана

(ҳайратда)

Нима?

О р г о н

А?

М ариана

Мен...

О р г о н

Хўш?

М ариана

Менга кўриндики...

О р г о н

Қандай?

М ариана

Сўзингиз тушунмадим: кимни севамен?

Кимни ҳурмат қиласмен ва кимга шаръян

Тегишини ўзим учун баҳт деб биламен?

О р г о н

Тартюфга тегишини.

М ариана

Йўқ! Чин айтамен,

Отажон, мен бу ишга бўлмасмен рози!

Ёлғон сўзлашнинг сира борми фойдаси?

О р г о н

Мен бу ишни бўлсин дейман...

М ариана

Хоҳлайсизки, мен Тартюфга қўнгил қўяй?

О р г о н

Ҳа! Сен унинг хотини бўлишинг керак —

Мен бунга бел боғладим — қизим қўнажак!

Лутф эт-да, кўз ёш тўкма!

Сен: таъсир қиласай ва алдайин, дейсан-да.

Мен сизларни биламан.

(Доринани қўриб қолиб)

Нега бундасан?

60

70

80

Томошавозликка боқ! Яширин кириб –
Эшитмоқда! Ниҳоят, мен бирор билан
90 Махфий сўзлашмоқдан ҳам маҳрум бўлибман.

Д о р и н а

Сизга айтишим керак, бу ҳақда «миш-миш»
Ҳар хил гап-сўз кўпдандир уйда боради –
Яна жуда махфийдир шунинг сингари...
Албатта, ҳазил дейман: бўлмағур бир иш!

О р г о н

Дейсизки бўлмағур иш. Қандай жасорат...
Бу тегсиз гапмас, жоним, эзгу ҳақиқат!

Д о р и н а

100 Мумкин эмас.

О р г о н

Мен айтяпман!

Д о р и н а

Ҳазиллашасиз.

О р г о н

Мана, кўрармен...

Д о р и н а

Ишонмаймен ҳеч қачон...

О р г о н

110 Ишонасан!

Д о р и н а

Йўқ.

О р г о н

Оҳ, жаҳлимни чиқарма!

Д о р и н а

(Marianaganaga)

Кўрқмасангиз бўлади ҳеч нимадан сиз,
Сизни эрмак қилмоқда отажонингиз.

О р г о н

120 Дорина!

Д о р и н а

Лаббай. Ҳаммаси пуч гап, бўш бир ҳангома.

О р г о н

Жим бўл!

Д о р и н а

Хўп, яхши – ишонайлик...

Оқибат ёмон! Афтига қарасанг, у ақлли одам,

Ёши анча-мунчага бориб қолган ҳам,

Лекин яхши кўриниш учун жиннилик

130 Қилади, яна кимга у беради жон?

О р г о н

Тингла! Мен қўпдан буён бардош қиласмен,

Сабр-бардошнинг чеки бордир, биламен...

Д о р и н а

Хўп, яна сиз бир нафас кўрсатинг бардош.

Аччиғланмай, мен билан сўзлашинг ювош!

Ўйлаб кўрингки, сизда фақат битта қиз –

Нима учун маҳв этмак истайсиз уни?

Тасқара, йўқ ул бўлса ё бошпанасиз...

140 Аммо шундай чиройли бир қизни яна

Шунча кўп мол-ҳол билан бир гадой сари

Узатиш! Йўлиқибсиз зўр хазинага!

Сизга унинг нимаси мунча ёқади?

О р г о н

Балли сенинг ақлингга! У қашшоқлиги

Билан улуг! У ҳар бир амали билан

Самоватга интилар, кўнгил оқлиги

Сабабли маҳрум дунё неъматларидан...

Лекин бу қийинликдан, албатта, уни

150 Кутқарамен, қайтариб олади у чоғ

Гўзал, катта ерлари билан боғу роғ,

Тикланади зодагон асл уруғи!

Д о р и н а

Катта ерлар? Асл уруғ? Қандай мўъжиза!

Сизга шуларнинг барин айтдими ўзи?

Ўйлайсанки, тикилган самога кўзи,

Бутун фикри-зикри ер неъматида-ку!

- Бу гап сизга, күрамен, ёқмайды сира?
Сукут этамен. Унинг авлод-ажлоди
160 Қолсин-да, сўзлашайлик ўзи ҳақида...
Сиз у шахсда топасиз кўнгил сафоси,
Лекин бундай никоҳлар эса, ҳамиша
Қандай натижа берар – ўйламагансиз:
Қонда қайнаса ёшлик бир булоқ каби
Эрга бўлмаса ишқдан бир учқун бир оз,
Аёлни жиловламас никоҳ боғичи!
Қарабсанки, бошқага қўйибди кўнгил,
Гуноҳини у шўрлик яшиrolmasa –
Унга ачинмас кимса...
170 Бунга айбдорми ул?

О р г о н

Мана оқила! Қандай яшамоқ керак –
Сендан олгумиз сабоқ!

Д о р и на

Нима бўпти? Ўқитамен
Тажрибаларим, балки иш берар андак...

О р г о н

Хўп, яхши! Ҳазилларга энди тоқат тоқ...
(Marianagan)

- 180 Мен отангмен ва сендан ёмон нарсани
Талаб қилмоғим мумкин эмас, албатта;
На десам, севганимдан дейман ҳамиша.
Хўп, Валерга бермоққа сени
Ваъда қилган бўлайин...
Лекин қартабоз эмиш, биласанми у?..

Д о р и на

Мана бу – бўҳтон!

О р г о н

Ҳукм этмангиз бот!

- 190 Қартабоз ҳам умуман фикри бизга ёт...
Д о р и на
Шу ҳам айб бўлибди-ку!

О р г о н

Сенга алоқаси йўқ! Қизим, бор гап шу,
Чиқармоқ керакдир Валерни ёддан...
Аммо қайғурма, зое кўрмадинг зотан:
Тартюф... Ҳа, у гўзал эр бус-бутун!
Сизда севги эртаги битмас-туганмас.
Биз-чи, томоша қилиб хурсанд бўлсак бас!

200 Яна истаган ёққа юришинг мумкин...

Д о р и на

Юриш, айлантиришни биларми бу қиз?
Уни аҳмоқ қилади бўлиб вафосиз,
Мен бунга ишонаман!

О р г о н

Нималар вайсар! Ёраб, нималар вайсар!

Д о р и на

Вайсаганим йўқ, бўлур ишни айтамен...

О р г о н

210 Гапирма! Товушинг ўчир!

Д о р и на

Мана бу дилбар,

Ахир, нетай, мен сизни севсам агар...

О р г о н

Севиб овора бўлма!

Д о р и на

А мен севамен! Нима қилиш керак?

О р г о н

220 А!

Д о р и на

Ҳар қандай одам

Масхараларкан сизни, хафа бўламен...

О р г о н

Тинкам қуриди!

Д о р и на

Ота бўлмай қуриб кет! – дейди ҳамма ҳам.

Ачинмайди ҳаёсиз, дерлар дам-бадам.

О р г о н

230 Жим бўласенми, илон?

Д о р и н а

Аҳ, сиз қандай ғазабланасиз!

Гуноҳ эмасмикан бу?

О р г о н

Гуноҳга беихтиёр мажбур этган ўзинг-ку?..

Сен қулоқ сол, мана шу энг сўнгги фармон:

Жим бўл!

Д о р и н а

Жим турамен... бари бир ўйлаймен шуни...

240

О р г о н

О, ўйлайвер – ўз ичингда...

Лекин ғинг деб гапирма! (*Марианага*)

Нималар кераклигини ўйлаб қўйибман...

Д о р и н а

(четга қараб)

Ёраб,

Тилим қандай қичияпти!

О р г о н

250 Тартюф олифта эмас, танти ҳам эмас...

Аксинча, у... ҳа, қандай айтишим мумкин?

Д о р и н а

(четга қараб)

У тасқарадир!

О р г о н

На хасис, на зуғумли... Тушунасанми?

Сен унга теккач, билиб оласан бутун...

Д о р и н а

(четга қараб)

260 Ҳа, антиқа!

(Оргон Доринага қараб бурилади, қўлларини қовуштиради ва унинг юзига тикилиб эшигади.)

Агарда менга бирор

Зўрлаб уйланишни қилсайди орзу,

Мен ўз ишимни билиб қилардим дарров!
Қилмишига яраша
Жазоланар эди у!

О р г о н

(Доринага)

270 Демакки, мен бу ерда бир сариқ чақа?

Д о р и н а

Сизни бирор сабаб-ла нотинч қилмадим:
Буюрганингиз каби сукут қиласмен...

О р г о н

Ёлғон айтасен!

Гапирмоқдасен!

Д о р и н а

Киши ўз-ўзи-ла жим
Үйлаши мумкин эмас?
Бу гап қанақа?

280 О р г о н

(четга қараб)

Йўқ, азизим, сенга бир таълим лозимдир!

Мендан ҳозир оласен энг аъло сабоқ...

(Доринани урмоқ учун ўнгай бир вазият олади ва қизи билан гаплашаркан, ҳар бир сўзни айтганда, Дорина томон бурилади. Лекин Дорина ҳаракатсиз, жим туради.)

Қизим, барча шубҳангни улоқтири узоқ!
Бахтингга яхши гаров – танлаганимдир...

(Доринага қараб)

290 Нимага жим турасен?

Д о р и н а

Айтадиган гапим йўқ.

О р г о н

Жилла бўлмаса, бир сўз!

Д о р и н а

Мен истамаймен.

О р г о н

Шошма, сени тутамен!

Д о р и н а

300 Унча аҳмоқ эмасмен, тутқич бергали.

О р г о н

(*Марианага*)

Умид қиласмен, тезда зеҳн құясен.

Сен бола эмас. Ўзинг муҳокамадан

Бирма-бир ўтказасен,..

Д о р и н а

(*қоча туриб*)

Хеч бўлмас бу уят иш!

О р г о н

310 (*Марианага*)

Дўстим, кўриб турибсен.. бунда вафо бор!

Айримасайдим сўнгти куч-қувватимдан...

Мен ўзимда эмасмен... титроқ ичимда...

Ёлғиз қол-да, яхшилаб ўйлаб, ўлчаб кўр.

Бир оз кезай... кўнглим жиндай ором топсин...

(*Чиқиб кетади.*)

III саҳна

Мариана ва Дорина

Д о р и н а

320 Сиз учун кўп талашдим, сиз соқовмисиз?

Чиндан нодир бир қилиқ, эшитилмаган:

Лом-мим демасдан,

Шундай таклифни тинглаш – сокин, шиддатсиз!

М а р и а н а

Мен нима қиласай, ахир, отам хоҳласа...

Д о р и н а

Нетай! Ўхшатиб жавоб бермоқлик лозим!

М а р и а н а

Яъни қай турда?

330

Д о р и н а

Айтиш керакди – севги муҳокамага
Асло бўйсунмас: юрагимга ўзга шахс ҳоким,
Сиз учун эрга тегиш жуда жиддий иш...
Отангиз Тартюфга кўнгил қўйган бўлса чин,
У вақтда ўзи унга тез тега қолсин.

М а р и а н а

Вой, ўлай, ҳушиңг борми? Шундай жавоб отага?

Д о р и н а

Сиз самимий равишда менга айтингиз:

340

Валерни севасизми ёки севмайсиз?

М а р и а н а

Дорина! Сен инсоний ҳисдан бегона!
Мени қийнамоқ сенга жиноят бўлур –
Сенга очмаганмидим бутун юрагим.
Валернинг ишқи билан борлиғим қуюр, –
Сен буни билмагандек сўрайсен дардим.

Д о р и н а

Мен бу ҳақда эшитдим юзларча дафъя,
Бунга боқмасдан, менда шак ва гумон бор:
350 Сизнингча, бу муҳаббат, аммо, менимча,
Ишқингиз гўёки бир хаёлга ўхшар.

М а р и а н а

Демакки, мен ўзимни ва ҳаммани ҳам
Алдарканман! Хўп, яхши...

Д о р и н а

Демак, севасиз шаксиз?

М а р и а н а

Мен топинамен!

Д о р и н а

360 У ҳам сизни севарми?

М а р и а н а

Ха, ўйлашимча, шундай...

Д о р и н а

Менимча иковингиз тез қовушмоқقا
Интилсангизлар керак-бир кун ҳам кутмай!

М а р и а н а

Оҳ, кошкийди! Бу чиндан бўларми лекин?
Тартюофга қарашга ҳам тобим йўқ бир зум!

Д о р и н а

370 Ҳаммаси эса, сизнинг жавобга боғлиқ...

М а р и а н а

Менга қолмиш фақат бир йўл, бу – ўлим!

Д о р и н а

Ўлиммиш! Икror этай, буни билмабман...

Жуда соз, энг содда чорадир:

Маъшуқа ўзини бир зумда ўлдирадир,
Бу билан иш тамомдир... Шундай хом фикр
Билан қизиқиша оласиз жиддан?

М а р и а н а

380 Дорина! Нима бўлди қайғу-ҳасратим

Кўнглингга қитдай бўлсин қилмасми таъсир?

Д о р и н а

Тўғриси, мен сизга ҳеч ачинмадим...

Бутунлай ачинмайман: ранжитади шу;

Ёш боладек ўз-ўзин ўтга отиш бу.

М а р и а н а

Биласан мен ювош бир қиз ҳамиша.

Д о р и н а

Ювошликка йўқ эҳтиёж шу пайтда.

М а р и а н а

Валернинг ўзи отам билан сўзлашсин,

Мен, ахир, ҳали унинг нишонлисиман.

Д о р и н а

Кўп соз! Ўзни гуноҳдан кутқариб яна

Бутун юкни афдаринг куёв болага?

М а р и а н а

Демак, сен истайсанки, аёл ҳаёсин

Ва қизлик вазифасин бутун унутай?..

Д о р и на

- 400 Вой, йўқ!
Мен сизга ҳеч бундай демадим!
Ишга аралашишга йўқ меним ҳаддим...
Мен ҳайрон қолган нарса оддий ва равшан –
Тартюф бекаси бўлиш ўзингиз учун
Бир мартаба ва дилкаш кўринар, дейман...
Аслида, куёв йигит Тартюф бўлмасин?
Айёр – ҳар бир балодан ўтар чап бериб,
Қачон қарасанг- соғлом: иштача – карнай,
Эмиш аждоди донгдор, юзи қизил олмадай?
- 410 Нима учун у сизга ёқа қолмасин!

М а р и а на

Ё раббим!

Д о р и на

Унинг хотини бўлиш?
Шундай севинчдан ўзни унтиш мумкин!

М а р и а на

Сен бу тўғрида менга гапирма бир дам!
Мен Тартюфга тегмайман.
Сўз билан, кенгаш билан менга бер ёрдам!

- 420 Дорина! Сўзламайсен? Гапир, кутамен...

Д о р и на

Беҳудадир! Яхшиси ёрдам кутмангиз!
Мен маслаҳат бергали ботинолмаймен...
Бундан фойда чиқарми? Англай олмаймен –
Нима лозим? Қай тўғрида сиз дард чекасиз?
Ўйланг, ахир: севган эр ўз бекасини –
Чиройли хотинни назокат билан
Аравага ўтқизиб, олиб кетар шан
Ўз шаҳрига... у ерда шарафли номни
430 Кутлаб амма-холалар очади қучоқ.
Ва фийбатлар тўрига ўралиб у чоқ
Давр суриб юражаксиз, гўзал қўғирчоқ!

М ариана

У мени кўп ҳордирап!

Нима қилишим керак?

Д орина

Сизга айта олмаймен: Сиз – хоним, мен эса...

М ариана

440 Ёлворамен, Дорина!

Д орина

Ҳамма билсин, ҳамма! Жазоланинг сиз...

М ариана

Тингла...

Д орина

Йўқ!

М ариана

Аммо меним ҳаётим, иффатим...

Д орина

450 Балли, Тартюофга тегишга ичингиз қасам,

Оlam гулистон бўлур, иш тамом...

М ариана

Ёрдам кутамен

Сендан, Дорина.

Д орина

Хўжа ихтиёри-ла

Тартюофга эш бўлишга мажбурсиз мудом...

М ариана

Ҳа, шундайми, мен энди оғиз очмаймен!

460 Энди ихтиёр менда: кул ва аччиғлан –

Мен сенсиз ҳам ишимни қила олгаймен...

Лекин, билки, ҳар ишга тайёрмен бу он!

(Кетишга чоғланар.)

Д орина

Шошманг! Ҳар ҳолда сизга ачинмоқ даркор...

Жаҳлим чиқди, бунга ҳам ўзингиз айбдор.

Ўтган ишга салавот...

- Мариана
Оҳ, баҳтдир ўлмоқ!
470 Дорина
Шу ҳам гап бўпти-ю...
Сўзлашиб олайик... Масалан... Мана
Жаноб Валернинг ўзи келмоқда!

IV саҳна
Мариана, Дорина ва Валер.

- Валер
Менга билдиришди ёқимли хабар
Анови... Тартюоф... билан сиз тўғрингизда!
Мариана
480 Меним тўғримда ҳам?
Валер
Бу нима, ҳазилми ё...
У сизнинг куёвми, а?
Мариана
Отам ўз хоҳишин сўзлади шу дам...
Валер
Наҳотки, отангиз-а?
Мариана
Отамнинг хоҳиши....
490 Валер
А, сиз-чи?
Мариана
Билмаймен.
Валер
А, қандай яхши жавоб...
Билмайсизми?
Мариана
Йўқ...
Валер
500 Ким билар буни?

М ариана

Эҳтимол, берурсиз менга маслаҳат.

В але р

Дарҳол рози бўлишга

Маслаҳат берурмен сизга!

М ариана

Сизнинг маслаҳат шуми?

В але р

Ҳа.

510

М ариана

Ҳазил эмас-а?

В але р

Маслаҳатда ҳеч вақт бўлмас ҳазилим.

М ариана

Ташаккур... Энди бизга видолашувми?

В але р

Кўряпманки, қийналмай бўласиз рози?

М ариана

Бундайин кенгашга қулоқ осамен...

520

В але р

Шу кенгаш-ла истайман сизга ёқмоқни.

М ариана

Бу маслаҳат марҳамат билан баробар...

Д орин а

(ичкарироқ бораркан)

Шу ҳам гапми? Не билан битар бу ғовға?

В але р

Мана ишқ деган нима! Тарқалди туман,

Туманлар орқасида налар кўрамен.

530

Алдов... Фақат бир алдов! Мен алданганмен!

М ариана

Ўтинаман... Бу ҳақда сўзламангиз, бас!

Меним саволим жуда равшандир...

Бунга Сиз жавоб қайтардингиз эркин кўнгил-ла...

Ана шу йўлни танлаймен, холос!

В а л е р

Сўзларимда нима маъно – аччиқми сўзим?
Жилла қурса, шу билан оламен ўним...

М а р и а н а

540 Қилмайсиз хато...

В а л е р

Ҳар вақтдаги сингари!
Очиқ иқрор этингиз, мени ҳеч қачон
Севмаганмидингиз-а?

М а р и а н а

Ҳар нима ўйласангиз, ихтиёр сизда...

В а л е р

Бунга йўқ гумон!
Демак, таҳқир этилдим... Кўнгил орзуси
550 Самимий бир саломни қайдан ахтарай
Балки унда хўрламаслар йигит туйгуни...

М а р и а н а

.....

В а л е р

Балки мен инонган бордир бир кўнгил,
Балки йўқотганимни тўлдирап буткул!

М а р и а н а

560 Йўқотганингиз шундай кичик, у учун
Юпаниш мумкин...

В а л е р

Бўлмаса-чи! Тиришиб кўрамен, аммо
Унумоқлик имконсиз бўлса бус-бутун,
Қўл силтайман, эътироф қилмайман асло.
Майли, қийналай сизсиз... Дилемда тутун...
Ёлқинин сизгагина сақлайин мангу
Ва сиз ўксиз қолдирган юракни эса,
Асло жалб этмасин ўзга бир дилдор?

М а р и а н а

570 Йўқ, йўқ! Аксинча орзу этдигим ушбу:
Тездан сиз эришингиз барча муродга...

Валер

Ҳа, шундай денг! Ҳоҳлайсиз?

Мариана

Ҳа...

Валер

Равшан масала: ноласиз ва шикоятсиз

Оласиз лаззат,

Бу хусусда мен асло айбли эмасман!

580 (Эшикка бурилади)

Мариана

Йўқ, унутмайман.

Валер

(қайтиб)

Билиб қўйингки,

Содир бўлмасайди сиздан ушбу ҳол...

Мариана

Ҳа, ҳа...

Валер

590 (кета туриб)

Ҳамма ипни раҳмсиз узган ўзингиз!

Мариана

Майли, шундай бўлсин.

Валер

Вафосизликка ҳам мисол ўзингиз!

Мариана

Менми бевафо? Майли, сизнингча, бўлсин!

Валер

(эшикка бориб, сўнг қайтади)

600 А?

Мариана

Нима?

Валер

Чақирдингиз шекишли?

Мариана

Ҳожат сезмадим!

- В а л е р
Бардам бўлишингиз тилайман.
Хайр...
(Секин-секин эшикка кетади.)
- 610 М а р и а н а
Хайр, алвидо...
Д о р и н а.
(олдинга юради)
Ё раббим, бу нечук хархаша?
Сизда йўқми андиша?
(Валерга)
Уят-е, сиз йигитсиз-ку,
Лекин қизлардан баттар.
(Кўлини ушлайди.)
- 620 В а л е р
(гўё қаршилик қилган бўлади)
Сенга нима?
Д о р и н а
Бу ёққа келинг!
В а л е р
Нима учун?
Д о р и н а
Марҳамат қилинг!
В а л е р
630 Мен истамаймен бутун...
Д о р и н а
Ха, сиз.
М а р и а н а
(четга қараб)
Маълум бўлдики, мендан қочаётир у,—
Яхшиси мен кетайин...
Д о р и н а
(Валерни қўйиб юборади ва Марианага югурлади)
Энди бунинг қилиғин қаранг!
- 640 Сиз қайга?

М ариана

Қўй, тегма менга!

Д орина

Бу нимаси-я!

М ариана

Йўқ, йўқ! Уринишларинг беҳуда, қўйвор!

В але р

(четга қараб)

Бетимга қарагиси келмас... Тез кетай!

650

Д орина

(Марианани қўйиб, Валерни ушлайди)

Тагинми? Қайси бирингиз ушлай?

Лекин мен ўз сўзим ўтказажакмен...

(Мариана ҳам Валернинг қўлларидан ушлаб, олдинга суради.)

Юринг-чи, бу томонга!

В але р

(Доринага)

Хўш?

660

М ариана

Бундан кейин?

Д орина

Аввало истардим, сизларни яраширай,

Кейин сиз билан бирга бир йўл ахтарай.

(Валерга қараб)

Ҳаё қани, оздингизми ақлдан?

Қилиқларингизга ҳайронман.

В але р

Ахир, у ўзи-ку.

670

Д орина

(Марианага)

Сиз-чи, хоним? Сувда бўккандай,

Бу нимаси, ҳай-ҳай!

М ариана

Сен кўрдингми, у ҳали

Мендан енгил айрилишга жасоратланди.

Д о р и н а

(*Валерга*)

Ҳаммаси аҳмоқлиқидир! Бу қизда сизга

- 680 Хотин бўлишдан ўзга йўқдир бир армон,
Истасангиз онт ичай.

(*Марианага*)

Унинг юраги сизда,

Гапимнинг чинлигига бошимни тикай!

М а р и а н а

(*Валерга*)

Сиз менга бердингиз шундай маслаҳат...

В а л е р

(*Марианага*)

- 690 Менга ўзингиз шундай савол бердингиз.

Д о р и н а

Етар, эркалар, тутатинг асияни.

Бирингиз бирингиздан баттар, беринг қўлларни.

(*Валерга*)

Қани, жаноб, қани!

(*Валер қўлини Доринага узата туриб*)

На учун?

Д о р и н а

(*Марианага*)

- 700 Сиз ҳам берингиз! (*қўлни Доринага узатаркан*)

Нечун? Ортиқ ярашингиз! Ҳа, мана шундай...

Бир-бирингизни севиб, тўйни ҳам дарҳол

Тайёр этгайсиз – аммо нақ айрилгудай

Бўлдингиз! Ҳеч нимага ўхшамас бу ҳол...

(*Мариана ҳам Валер бирмунча вақт қўл ушлашиб турадилар, аммо бир-бирларига қарамайдилар.*)

В а л е р

- 710 (*Марианага боқиб*)

Ҳануз жаҳдолдамисиз?

Мариана табассум билан Валерга қарайди.

Д о р и на

(четга)

Ишқдан инсонлар овсар бўлар лаҳзада!

В а л е р

(Marianaganaga)

Аммо золимсиз! Ҳафа қилиш ҳеч гапмас,
Бутун дилни парчалар — қизиқ ҳангома.

720

М а р и а н а

Сиз ҳам ўжарсиз, ношукурсиз жуда.

Д о р и на

Жаноблар, жанжаллаша берарсиз кейин:
Ҳали бўйнимиздадир Тартюфнинг қўли...

М а р и а н а

Уни нима қиласиз?

Д о р и на

Ҳозирча чидам...

(Marianaganaga)

730 Раҳм этар эгам.

(Valerga)

Унча катта ташвишмас!

(Mariaganaga)

Сиз учун энг муҳими — айёрлик йўли...

Уни сағал-пағал қилиб умидвор,

Орқага силтайверманг; ҳар хил баҳона:

Айтингки, дилим ғаш, кўрдим ёмон туш,

Гоҳ денг, юракда аллақандай титроқ бор,

Ҳар хил машъум хаёллар қалаваси —

740 Гўё бўйнингизда дор.

Кейинча маълум бўлур! А, ҳозир эса,

Тарқалингиз, токи кўрмасин кимса...

(Valerga)

Сиз ҳам ўзингиз учун қилинг ҳаракат:

Дўст-ёр билан кенгашинг ва сўзлашинг сиз...

Қани, энди марш!

В а л е р

(*Марианага*)

- Кетаман, күнглил тинч: мени севасиз,
750 Бу нарса менинг учун ҳаммадан қиммат!

М а р и а н а

(*Валерга*)

Майли, отам ўз сўзин бузмасин ҳаргиз,
Майли, сизни оғизга олмасин, ахир
Мен сизники, ҳеч кимса қилмас менга ҳад!

В а л е р

Оҳ, агарда ботинсам...

Д о р и н а

Этмасмен рухсат!

- 760 (*Иккаловини елкасидан ушлаб, турли томонга юборади.*)
Сиз у ёққа, сиз, бекач, бу ёққа!.. Хайр!

УЧИНЧИ ПАРДА

I саҳна

Дамис ва Дорина

Д а м и с

Майли, бошимда чақсин даҳшатли чақмок,
Майли, мен бориб турган разил бўлайин,
Майли... мен ҳар балога йўлиқай, бироқ
Мен унга кўрсатаман!

Д о р и н а

- 10 Биламиз, лекин
Сиз анча ҳовлиқмасиз ва дали-гули...
Аҳмоқликка арзийдими? Ишонинг жиддан
Тайёрлик кўришлар ва гап-сўзлар билан
Орқага ташлашади кўп замон буни!

Д а м и с

Мен ёлғизгина унга — у дарбадарга
Икки оғиз сўзимни шипшишмоқчийдим...

Д о р и н а

Вой, қүйинг! Аралашмай, кетаверинг жим,

20 Ҳовлиқмасдан тушуниб ишлаш соз нарса...

Үгай онангиз ҳозир

Тартюф билан шу ерда қилади суҳбат...

Тартюф унинг қошида кўп дафъа зоҳир

Қилди ўз туйғусини... Гумоним суҳбат...

Ажзини – икрор этиш бежизмас, албат...

Биз учун яхши дастак бўлур бу, ахир.

Хўп, мен бунда кутамен, – жўнанг бундан сиз...

Д а м и с

Нима учун? Қоламен мен ҳам...

30 Д о р и н а

Ҳеч, ҳеч, ҳеч!

Кўйинг тўйиб гаплашсин иккови тип-тинч...

Д а м и с

Тилим қисамен...

Д о р и н а

Гарчи қасам ичингиз –

Жим туришингизга мен ишонаменми?

Кетинг!

Д а м и с

40 Йўқ!

Д о р и н а

Демак, бизга ёрдамлашишмас,

Ишга тўсиқ бўлишни истарсиз балки?

Мана ўзи келмоқда! Кетинг шу нафас!

(Дамис ичкарига, эшик орқасига яширинади.)

II саҳна

Дорина ва Тартюф

Т а р т ю ф

(Доринани кўриб қолиб, орқасига айланиб, эшикка қараб гапиради.)

50 Ишим битди... Ҳа, яшир қамчи, хирқани;
Яхши қол! Биров мени агар сўраса,
Айтки, қамоқхонанинг бечоралари
Учун бергали кетди бир оз садақа.

Д о р и н а

(ўзича)

Мақтанчоқ!

Т а р т ю ф

Сўзлашмоқчи эдинг мен билан?

60 Д о р и н а
Ҳа...

Т а р т ю ф

Ё тангри! Тўхта-чи...

(Киссасидан дастрўмолини олади.)

Ўтинамен – ол...

Д о р и н а

Нега?

Т а р т ю ф

Ўра-чи!

70 Тамом ўра, баданга қўзим тушмасин!
Қани ҳаё? Бу қандай чиркин ва бидъат...

Д о р и н а

Сиз йўлдан оздиришга ожизсиз лекин!

Тўғрисини айтсан, менга бари бир:

Сиз қандай вазиятда бўлмангиз, сабр

Бардош билан қарай олардим фақат.

Т а р т ю ф

Сўзлама! Эшитмаймен сени... Кетамен!

Д о р и н а

80 Йўқ, йўқ! Сиз қолаверинг – сукут этамен...
Мени сизга юборди бекам, илтимос –
Қилди икки оғиз сўз-чун ташриф этишни...

Т а р т ю ф

Биласан-ку, ҳамиша тайёрмен холос...

Д о р и н а

(четга қараб)

Тамом бўшаши! Наҳот, пайқамиш ишни?

Т а р т ю ф

У қай вақтда келади?

90

Д о р и н а

Ўйлаймен, – ҳозир...

Сизлар шунда қолинглар, у келаётир!

III саҳна

Тартюф ва Эльмира

Т а р т ю ф

Қабул айлангиз маъсум ҳислар арзини:

Ҳар ерда ҳозир-нозир ҳақ таоло ҳам,

Бутун умр озайтмасин ўз карамини –

Кунларингизга бўлсин нур, кувонч ҳамдам...

100

Э л ь м и р а

Сизга ташаккур яхши ниятлар учун!

Ўтирайлик-чи, бизга бўлур ўнғайроқ...

Т а р т ю ф

Тузалдингизми қаттиқ оғриқдан бутун.

Э л ь м и р а

Ҳа-а!

Т а р т ю ф

Меним муножотим ҳақ

Даргоҳига етибдими – менга номаълум,

110

Аммо туну кун сизни мен қилдим дуо,

Риёзатларга ўзни қилдим мубтало...

Э л ь м и р а

Менга бу хуш келса ҳам... хижолат тортғум...

Т а р т ю ф

Сизнинг нозик умрингиз сақламоқ учун –

Ҳаётимдан кечардим!

Э л ь м и р а

Билмадим, шундай

Азиз қурбон мем учун бўлгай ноўрин...

120

Т а р т ю ф

Сизга арзигудайин эмас бу қурбон!

Кимнинг қўлидан келар қадрингиз билиш...

Э л ь м и р а

Кечириңгиз! Сиз билан бир оз сўзлашиш

Учун келган эдим... Биз бу ерда ёлғиз...

Т а р т ю ф

Ҳа, ёлғизмиз! – Мени талаб қилмиш самолар!

Муножотимни улар эшитган, шаксиз,

Рўй берди хаёл қилган орзулар якбор!

130

Э л ь м и р а

Сиз билан очик, яққол сўзлашмак даркор...

(Дамис ўзи яшириңган эшикни сал очиб, ўзини кўрсатмасдан муколимага қулоқ солади.)

Т а р т ю ф

Бутун дилни очмоқлик бу қўпдан мурод!

Ишонингки, сиз ҳусн билан товланиб,

Суронли ошиқлар-ла бутун қуршалиб,

Юраркансиз, ишонинг, этай қасамёд, –

Шунда ҳаяжонланиб, кўтарсан фарёд,

140

Кўрмангиз сиз бу ишда ҳасад ё ғазаб,

Қабргача садоқатим дилда лабо-лаб!

Онт ичамен...

Э л ь м и р а

Албатта, ишончим комил,

Менга яхшилик исташ сизда таомил...

Т а р т ю ф

(Эльмиранинг қўлини ушлаб, сиқади.)

Сиз хато қилмагансиз! Кўнглимнинг майли...

Э л ь м и р а

150 Вой, оғритдингиз!

Т а р т ю ф

Кечиринг... Бу кўнгил дайди...
Сал оғриқни мен сизга раво кўрамен?
(*Кўлини Эльмиранинг тиззасига кўяди.*)

Э л ь м и р а

Вой, сизга нима бўлди?

Т а р т ю ф

Қизиқамен матога... Қандай юмшоқ-а!
Э л ь м и р а

- 160 Йўқ, йўқ! Кўйинг! Мен буни ёмон кўрамен
Ва қитиқдан қўрқаман...
(*Эльмира ўз курсисини нарироқ суради. Тартюф яна ёндашади*)

Т а р т ю ф

(*Эльмиранинг дурраchasига кўл тегизиб*)

Бу тўқима рўмолга
Хеч баҳо йўқдир!
Қандай нозик ва енгил!
Гули, безакларининг нафосатин кўр!
Мана шу ишда узоқ кетибмиз дадил...

- 170 Э л ь м и р а

Биз ҳам асли суҳбатдан узоқлашдик, ҳа,
Ишонса бўлармикан? Ҳар ерда лекин
Эшитаменки, эрим ваъдага вафо
Қилмасдан, қизни сизга атамиш гўё...

Т а р т ю ф

У менга чертиб ўтди... Эвоҳ! Хаёл чин
Саодатни, ўзга бир баҳт қумсар ҳар чоқ!

Э л ь м и р а

- Тушунамен... Дунёвий баҳтдан сиз йироқ!

- 180 Т а р т ю ф

Туғилмадим тош кўнгил билан мен асло!

Э л ь м и р а

Кўзларингиз тикилган кўкка доимо...

Т а р т ю ф

Ихлос билан тангрига қилиб ибодат,

Ерда ҳам – унинг ажиг манзаралари
Ичида тополамиз баъзан бағоят
Чиройли нимарсалар – диллар эрмаги.
Дунёмизда оз эмас соҳибжамоллар:

- 190 Лекин порлоқ нурафшон ҳусннинг ҳамма
Келишгаи андомлари битта санамда –
Ёлғиз сизнинг суратга қўйилмиш, дилдор!
Сиз намоён бўлдингиз – мен ўшал онда
Нафис пари ҳуснидан бўлибман мафтун,
Борлиғимни қоплади мубҳам ҳис бутун. –
Ер ишқининг сафоси ўйнади қонда!
Дастлаб ўйладимки, бу гумроҳлик бўлғай,
Ҳазиллашади менга шайтон ҳукмрон.
Қаттиқ жазм айладимки, сизни тарк этай,
200 Кўзимдан ҳам хаёлдан кўчинг бенишон...
Мен тезда кўра олдим: ҳаммаси равшан –
Мени, ташвиш тортганим бехуда экан,
Руҳимга таҳдид этмас васваса ҳеч бир,
Бу эҳтирос гуноҳмас... берилдим, ахир!
Кўрқмангиз жасурона эътирофимдан;
Эзгу хаёлларимни дилга тугамен,
Юрагингиз тўладир нозик ҳис билан,
Гадойдек бошим эгиб эҳсон кутамен...
Тинглайсиз, арзи ҳолдан қайга қочайин,
210 Тақдир ёзганмикан менга саодат, –
Сизнинг ихтиёрга ўзимни топширайин...
Ўлдиринг, ё менга қўрсатинг меҳр-шафқат!

Эл ъ м и р а

Ҳисларингизни нозик этдингиз изҳор,
Лекин иқрор этдингиз, – мен шундай ҳайрон...
Лоақал тақводорлик сизни бир қадар
Тутса бўларди: тақво сизда зўр имон!

Т а р т ю ф

Айтиш қулай. Нима бўпти тақводор бўлсам?

- 220 Мен ҳам одам! Алдашга эҳтиёж йўқ ҳам!

Мұхаббат иллатига бўлиб гирифтор,
Қалбимга жонли гўзал энди ҳукмрон –
Буни билдингми, ақл, мантиқ ҳам бекор!
Майли, бу сўзларимдан – ўйланг девона,
Дейингки, бу сўзларим – том ваҳшиёна;
Мен фаришта эмасмен! Сеҳрли ҳусн
Қаршисида бу ожиз банда не қилсин?
Мен ўзимнинг ажзимни энди тушундим, –
Илгари сукут этиб, кўзларим билан,
230 Хўрсанишларим билан ифода этган
Ҳисларни арз этишга букун уриндим...
О, қаҳрли тақдирим менга ногаҳон
Кулиб қараса – баҳтсиз бу қулни сиз ҳам
Овутсангиз самимий ноз билан шу он!
Сизгагина топинар эдим мен ҳар дам...
Сиз мен билан бўлсангиз, ҳар хил таъналар
Ва ҳар қандай фийбатдан омон бўласиз:
Ҳеч гап-сўз кўзғалмас: мен бир камтар даъвосиз...
Лекин бўлади бир нав маҳмадоналар.
240 Ҳавас билан аёллар уларга мудом
Кўниб таслим бўлурлар бепарво тамом!
Улар учун ғалаба жуда ҳам қулай –
Улар ўз ғурурини кўтариш учун
Ҳаёсиз мақтанчоқлик билан ҳар қандай
Аёлни шармисор қиласр бус-буғун...
Биз эса, ибраторумуз, гўзал хулқ билан
Ҳурмат ва эътиборга бўлдик сазовор. –
Сирни пинҳон тутамиш! – Мақтаниш чиндан
Бизга зарап: кетади обрў-эътибор...
250 Биз ўзимизни тийиб, сақлаймиз сизни,
Шунинг-чун севиш мумкин хавф қилмай бизни!

Э л ь м и р а

Сиз кишини аврашга уста экансиз...
Аммо мен ўз эримга вафодор хотин,
Ҳамма гапни мен унга айтамен сокин:

У күрсеки, текширмай ҳаммани азиз
Дүст тутиш оқибати не бўлур экан...

Т а р т ю ф

Оҳ, йўқ, меним маликам?

- 260 Айтмагайсиз! Мен тоза самимий севгим
Икрор этдим, мен сизни қилмадим таҳқир!
Сизга қараб совуққон туролмас ҳеч ким —
Ўйлаб кўринг! — Қай инсон бўлмагай асир!...

Э л ь м и р а

Ҳожат борми изоҳга! Энди зўр жазога
Лойиқсиз, лекин мен сизни аяйман,
Бу тўғрида Оргонга ҳеч сўз демаймен:
Сиз бунинг бадалига бергайсиз ваъда,
Яъни Оргон олдида Марианадан

- 270 Сиз қатъий равишда воз кечажаксиз,
Бундан кейин бу ишга ҳеч бир йўл билан
Аралашмайсиз ёлғиз...

VI саҳна

Тартюф, Эльмира, Дамис

Д а м и с

(эшик ортидан чиқиб)

Йўқ, бўлмайди! Бу ишни қиласмен эълон...
Мен ҳаммасин эшитдим — бизнинг қўлда у!
Биз унинг туфайлидан кўрдик ҳар замон
280 Нохушлик ва бекорга эшитдик сўкув!
Шармсиз алдашларга келди хотима:
Отам ҳамма сирни билгуси тезда.

Э л ь м и р а

Кераги борми, Дамис? Уни аяшга
Мен сўз бердим, буқунги олган сабоғи
Бекорга кетмас, ақл кирап бу бошга,
Мени ҳеч ранжитмади севги изҳори:
Эрни севар вафодор бир хотинга бу

- Маза-матрасиз гаплар фақат қулунч-ку,
290 Эрим нотинчланмасин арзимас гапга...

Д а м и с

Балки ҳақдисиз... Аммо уни бу дафъа
Сиз сингари аяшга рози эмасмен:
Аяш эмас эркалаш, эркалаш – вайда!
Зухми бошларимизда эмасми даҳшат?
Отам унинг сеҳрига гирифтор экан,
Авлиёлигига ҳам ишонар экан –
Ана шунгача хавфли бизга у фақат,
Яхши фурсатни қўлдан берамиз, наҳот?

- 300 Умр бўйи армонда кетарман шаксиз!

Э л ь м и р а

Дамис!

Д а м и с

Йўқ-йўқ! Сўзингиз бутун кетади бекор!
Шундай жазм айладим... Буни қиласмен!
Нима қилмоқ бўлсангиз, сизнинг ихтиёр
Лекин ўчимни олиб, мен овунаман!

V саҳна

Тартюоф, Эльмира, Дамис ва Оргон

- 310 Д а м и с
- Аҳ, отажсан! Биз сизга эдик мунтазир!
Марҳамат қилинг яқин: сиз учун мунда
Яп-янги воқеа бор, – албатта, бунга
Сиз фоят таажжуб қилғайсиз зоҳир...
Қаранг бу одамга – у унутган бутун
Шафқатингизни, хайри эҳсонингизни,
Ҳамма яхшиликларнинг эвази учун
Мунофиқларча олчоқ хиёнат қилди.
Хотинингизга қайноқ севги изҳори
320 Қилар экан бу ерда, рост, келиб қолдим...
Юмшоқ кўнгилли хотин бу воқеани

Сиздан яширмоқ бўлди, мен билиб олдим,
Қўрқмай фош этамен бу авлиёни!
Сиз отамсиз, бу эса — иккинчи онам:
Сизга бу сирни очмоқ бўлди вазифам...

Э л ь м и р а

Мен бояги фикримда қоламен яна;
Эрга чақаверишнинг борми лузуми?
Бурчимиз булас, балки эр бўлмаса-да,
330 Ўзни сақлай билмоқлик — будир муҳими,
Сиз агар мени жиндай ҳурмат қилсангиз,
Ҳеч нимани айтмаган бўлар эдингиз.
(Чиқиб кетади.)

VI саҳна

Тартюф, Дамис, Оргон

О р г о н

Ваҳм босди! Қардошим, қандай ҳангома?
Уларнинг қоралашга асосими бор!

340 Т а р т ю ф
О, шундай! Мен жуда қаттиқ айбдор,
Мен разилман, ёвузман, мен осий банда!
Бутун ҳаётимда фаҳш, бузуқлик бисёр!
Кўтариб урди мени самоват ҳозир!
Қаршингизда ўлик тан тез йиқиладир...
Лекин сукут қиламен. Майли, айбланай,
Ҳар қандай жиноятни мен кўтараман,
Ер ўпид оқланишдан ўзни тиямен.
Уларга ишонинг-да, ҳайданг бу гадой,
Уятсиз бир алдамчи ва қароқчини!
350 Менга бари бир! Меним шармандалигим
Кўпаймайди бу билан, бузинг инини.
Сиз тинглаганингиз ҳам қилас кифоя...

О р г о н

(Дамисга)

Ха, бетавфиқ, бу бўҳтон билан сен ҳали
Меним ҳузуримда қораламоқчи
Бўлдингми соф, гуноҳсиз авлиёни-да?

Д а м и с

- Ота, нима? Бурунги каби ҳаёсиз
360 Мунофиқлик қилар у, сиз инонасиз?

О р г о н

Жим бўл, лаънати вабо!

Т а р т ю ф

Йўқ! Нечун койиш.

Эҳтимол унга лозим эмас айб тақиши!
У сизга бермоқдадир қизиқ маълумот...
Меним ичимдагини қайдан биласиз?
Менинг камтар ва ҳақир ташқи қиёфам,

Эҳтимол, сизга кўп рост кўрингандир бот,

- 370 Ҳавасларга берилиб кетманг жилла-ям!
Мен қаерда бўлмайин, ҳамма вақт тоза,
Сазовор бўлганмидим бу шойиага.
Аслида, энг биринчи ёвуз менман-ку,
Филҳақиқат – жуда оз меним қимматим!

(Дамисга)

Ардоқли ўғил, сўзни эттириинг давом!

Юзимга отаверинг юрак қаҳрини –
Ёлғончи, разил, қотил – айтинг барини:
Мен буларга қилмайман эътиroz тамом,

- 380 Лекин мен қаршингизда тиз чўкиб дарҳол,
Ожизона ер ўпиб, гуноҳдан тил лол,
Кўз ёшларим-ла тавба қилишга тайёр...
(Тиз чўқади.)

О р г о н

(Тартюфга)

О, бу ортиқча!

(Дамисга)

Қани, аҳволинг қалай?

Д а м и с

Оҳ, ота! Шундай разил, алдоқчи бўлғай...

390

О р г о н

Сен гапирма!

(*Тартюфни турғизиб*)

Қардошим, туриңг беозор!

Мен жазосин берамен! Ўзи пушаймон

Бўлур сўнг... раҳм этингиз...

(*Дамисга*)

Жувон ўл, нодон!

Д а м и с

400 Шундай бир дардисарни

Истайсизки...

О р г о н

Жим!

Д а м и с

Мен ўзимни йўқотдим.

Мен нима қиласай...

О р г о н

Агар яна бирон сўз айтганинг билан,

Сени бўғиб ўлдириш — будир ниятим!!!

410

Т а р т ю ф

Биродар! Худо ҳаққи, ғазабланмангиз!

Юз қатла азобга ҳам тайёрман, лекин

Бошқаларнинг азобин кўрмасам ёлғиз...

О р г о н

(*Дамисга*)

Виждонсиз!

Т а р т ю ф

Ва унинг ҳам гуноҳи учун,

Оёғингизга ётиб, ёлворай бурун...

420

О р г о н

(*Тиз чўкиб Тартюфни қучоқлади.*)

Ё раб! Ё раб! Етмаган эди бу аҳвол!

(*Дамисга*)

Күрасенми?

Д а м и с

Лекин...

О р г о н

Гапирма!

Д а м и с

430 Ҳа, мени...

О р г о н

Жим!

Ҳамма иш англашилди менга бемалол.
Бундан нафрат қиласиз. Ҳеч истисносиз –

Ҳаммангизга бир бало эмиш бу ожиз.

Бир илож қилиб бизни уриштиргани,

Ҳар бир нарсани дастак қиласиз яна...

Лекин мен, азиз дўстлар, унчалик содда

Эмасмен... Сиз қанча кўп уринманг ҳали

440 Мен эса, унга шунча бўламен яқин!

Сизни тезроқ ювош қилиш-чун тагин

Тўйни ҳам тезлатамен.

Д а м и с

Ҳамширамни, наҳотки, қилсангиз мажбур?..

О р г о н

Шундай ўйим бор! Бугун етар машмаша!

Сизни қўлга оламен, ким бу ўйга бош?

Жуда ҳам эрка бўлиб кетибсизлар-да!

Қани, оёқларига йиқил, дилозор,

450 Айбингни сўраб ёлвор!

Д а м и с

Мен яна сажда қилай шу мўлтонига?

О р г о н

А! Ўжарлик этасен! Ўзбошимчалик!

Қани таёқ?

(Тартюофга)

Сўраймен, қилманг монелик!

Мен уни...

(Дамисга)

- 460 Қет бу ердан! Шу минутдаёқ!
Мен сенинг қорангни күрмайин ҳатто!

Д а м и с

Кетамен... Лекин...

О р г о н

Йүқөл! Ўғлим йүқ асло...

- Мен сени меросдаи ҳам маҳрум этамен!
Бу ҳам оз, лаънати... Сени оқ қиласмен!

(Дамис кетади.)

VII саҳна

Тартюф ва Оргон

470 О р г о н

Шундай таҳқирлаш! Яна таҳқирланган ким?

Т а р т ю ф

- Тангри марҳамат этиб кечирсин уни!
Ишонасизми, қардош, мени нақадар
Эзмоқдадир мана шу ғазаб тўлқини!

О р г о н

Тушунамен!

Т а р т ю ф

- 480 Дилимни озорлар! Оғир!
Ахир, мен қай бирига етказдим зарап?
Ёмонликка-яхшилик бу одатимдир.
Тама билмаган йўқсиллигимдан магар?
Нима бўлди? Ва рангим ўчганми ҳозир?
Кўз олдим сиёҳ... Сизни кўзим илғамас...
Ҳозир ўладиганга ўҳшаймен... бирпас...

О р г о н

(Дамис чиқиб кетган эшикка кўз ёшлари билан югуради.)

- 490 Ҳа, баҳтиёр экансен! Бир оз турсайдинг, –
Ёруғ жаҳонга кўзни мангу юмгайдинг!
(Тартюфга)

Хүшингизга келинг, азизим, жоним...

Т а р т ю ф

Йўқ! Кўрамен, бу аҳвол этолмас давом,
Мен бу ердан жўнашим керак шу оқшом:
У вақт уйингизга тинчлик бўлади ҳоким...

О р г о н

Ҳазилми!

500 Т а р т ю ф

Мунда мени кўра олмайлар –
Тезда бошимга бошқа кулфат соглайлар,
Яна не нарсаларни тўқишар бир кун!

О р г о н

Уларни тингламоқчи эмасмен бутун!

Т а р т ю ф

Улар ўжар: истаган замон –
Тинглатдиришар... Бунга ишонамен чин!

О р г о н

510 Бўлмас ҳеч қачон!

Т а р т ю ф

Қардошим, лекин,
Биласизми, ҳар аёл бир табассум-ла
Эрнинг дилига ҳоким бўлур бир зумда...

О р г о н

Йўқ, йўқ!

Т а р т ю ф

Рухсат этингиз, кетамен бундан!
Мен йўқолгач, тинчишиб қолишади жуда...

О р г о н

520 Ҳалок бўлайми! Сизсиз яшаш беҳуда.

Т а р т ю ф

Тайёрмен ҳар жафога. Лекин агар...

О р г о н

А?

Т а р т ю ф

Хўп, шундай бўлсин! Майли, қўяйлик...

Энг кичик бир бўхтондан қутулиш учун
Ўзни қандай тутишни бу шахс билгуси:

- 530 Сиз шу кундан ҳеч қаҷон
Кўрмайсиз мени бир он
Хотинингиз ёнида...

О р г о н

Йўқ, учрашиб турасиз!
Мумкин қадар тез-тез! Майли, қўрсинлар,
Ҳовлиқиб қоврилсинлар, дардга тўлсинлар –
Менга бу нарса эрмак бўлади ёлғиз!

- Тайёрлаймен уларга манов совфани:
Уларни ниҳоятда қаттиқ қийнамоқ
540 Юракларига солиш учун оловни –
Ягона меросхўр деб билай муҳаққақ...
Хўш, ўзингиз айтинг-чи: тайинлай кимни?
Билмайсизми? Ё раббим! Кимдир у одам,
Ҳаммадан яқин, азиз борми бир ҳамдам,
Тайинлаймен бўлажак ўз куёвимни!
Дўстим, бу фикримга сиз ҳам рози-а?

Т а р т ю ф

Ўз фақир қисматимда, ҳар нимада ҳам
Бўйсунамен тангрининг ихтиёрига...

- 550 О р г о н
Бу жуда соз! Демакки, қўл бериш мумкин!
Энди биламен – бизни бир-бирдан жудо
Қилажак нима бордир! Юринг, мен бутун
Ишни сизга топширай расмий йўсинда:
Ҳасад ё ғазабдан бари куйсин ўт аро!

ТУРТИНЧИ ПАРДА

I саҳна

Тартюф ҳам Клеант

К л е а н т

Бу тўғрида сўзлайди ҳамма ошкор,
Ҳисоблайлар ҳар жиҳатдан сизни айбдор,

Ўйлайманки яшириш буни беҳуда,
Биз икир-чикирини суриштирмаймиз,
Ишни дангал қилиб фикр қилғаймиз –
10 Фараз қилайлик иш ёмон: ҳар бир нарсада
Дамис айбдор бўлсин... лекин отанинг
Даргоҳидан бир ўғил оқпадар бўлиб
Кувилишига хурсанд бўласизми чин?
Кулоқ солинг! Диндорсиз, яна айталар:
Намуна, тимсол бир зот эмишсиз тағин,
Ҳамма ёр, хешлар учун ҳар соат, ҳар он
Тайёрмишсиз жонингиз қилишга қурбон...
Хўш, олижанобликни қилингиз исбот!
Энди ташланг ғазабни! Унугинг шу дам
20 Ҳақоратни! Ўч эмас, диний афв-карам
Орқада ғалабага сиз эришингиз!

Т а р т ю ф

Эвоҳ! Қўл силтар эдим бу ишдан буткул
Ранжиш, фахрланишни тез унугтамен,
Дамиста ҳеч қандайин кек сақламасмен...
Лекин тангри қошида бўлмагай мақбул.
Мумкин эмас Дамиснинг қайтиб келиши:
У уйга қайтса, уйдан дарҳол кетамен.
Ёки чиркин бўхтонга бўйсунмоқ керак.
30 У вақт менга қайралар ҳамманинг тиши.
Ҳамма айтар: ҳа, мана гап қайда экан!
Дамисадан ҳадиксираб чиқибди жони!
Сирни Дамис ичига ютсин, деб чоги,
Мунофиқона ҳийла қилибди орзу,
Энди ўзини бутун очиб берди у!

К л е а н т

Бемаза далиллар бу: ҳеч нимарсани
Қилмади исбот!
Сўзаро қистирдингиз тангри, самовот...
40 Лозимми бу? Айтингиз, сиздирсиз балки
Бизга юборилган у осмон жаллоди?

Қизиқ гап! Унугтайлик уларнинг барин,
Ҳаддимиз борми бунга! Яхшиси бизлар
Виждан билан ҳақиқат йўлини тутайлик.

Т а р т ю ф

О, тангрим! Мен ҳамиша шундай қиласман.
Дамисни афв этганман... Лекин у билаи
Яна бирга яшамоқ – бу гуноҳ, ахир.
Бу тўғрида ўйлашга эмасмен қодир,
50 Эркимни бўғишга йўқ ҳеч кимнинг ҳадди...

К л е а н т

Меросхўрлар мулкига панжасин солиш,
Бугун бир оилани кулфатга отиш –
Буни гуноҳ деб сира ўйламайсизми?

Т а р т ю ф

Мени таниганларнинг ҳеч бирида ҳам
Бўлмагай зарра қадар бунга шак, гумон:
Менда бир тама бордир, ё мен ўларман:
Аксинча, дедим: мерос ёмон бир одам
60 Кўлига ўтмасин ва ҳеч кимни ёмон
Йўлларга бошламасин, қабиҳ иш томон
Судрамасин, деб қабул айладим уни!
Қарорим шу: барини мен улашаман,
Худо йўли савоб ишга барин сочаман...

К л е а н т

Баракалла! Пуч хавфлар нимага даркор?
Мерос кимники бўлса, қўлига илсин,
Истаса, у номаъкул ишларни қиласин:
Тўғриси, сизга бундан нима зарар бор?
70 Чўчитмаслиги керак сизни бу нарса, –
Нима дейсиз – талончи деб ном қўйсалар,
Тавба қилишга мажбур этсалар агар,
Савоб ва талончилик –
Бирлаштириб кўринг-чи! Қулай эмас-да...
Хўп, яхши! Дамис билан яшай олмайсиз?
Разил қораланишдан кўра, обрўни

Күлдан бермай, ўзингиз жўнаб қолсангиз,
Бу яхши бўлмасмиди?
Чақирамен инсофга сизни бир йўли.

80

Т а р т ю ф

Кечирасиз! Суҳбатни узишим даркор:
Муқаддас вазифам ундаиди мени.

Тоат-ибодат вақти етибди...

(Чиқиб кетади.)

К л е а н т

(ёлғиз ўзи)

Айёр...

II саҳна

Клеант, Эльмира, Мариана ва Дорина

90

Д о р и н а

Аҳ, жаноб, ёрдамингиз зарурдир бизга,
Изоҳга ҳожат йўқ, бир қаранг қизга:
Бечоранинг жуда ҳам кетди мазаси,
Ўлимдан даҳшатлидир у никоҳ сабил!
Хўжайнимиз ҳозир келиб қолади,
Унинг бу абллаҳона қарорин бекор
Қилишга кўндиromoқ учун астойдил
Уринишимииз керак-у кўнгай ночор...

III саҳна

Клелант, Эльмира, Мариана, Дорина ва Оргон

О р г о н

А-ҳа, бунда ҳаммангиз жамсизми, кўп соз!
(Марианага)

Сенга совға келтирдим, тингла, оппоғим,
Шартнома тайёр... сенга маълум мазмуни.
Баҳтли бўл! Кўлдан келган қадар чолишдим...

М ариана

(*Оргон олдида тиз чүкиб*)

Отажон! Ялинамен ва ёлворамен...

110 Мажбур құлманғыз сира!

Айтинг қошингизда гуноҳим нима?

Қай айбим-чун бу жазо лойиқ? Биламен,

Оталиқ ҳаққингиз... Мен шу дамгача

Бўйсуниб келдим сизга худди қул каби...

Қайгули ёзмишимда зўрламанг мени

Хурматни унтишга! Айрилай яна

У йигитдан. Балки унга арзимасмен ҳам,

Гарчи севамен... Жуда севамен уни...

Бунга куймаймен... Аммо Тартюфга хотин

120 Бўлишга, йўқ! Бунга тоқат құлмаймен бир дам!

Бундан кўра ўлганим яхшидир, лекин...

О р г о н

(*ўз иродасини йўқотган каби*)

Оргон! Оргон! Мардлигинг қаерда, қани?

М ариана

Тартюфга ҳеч ёмонлик құлмаймен орзу,

Барча мулкни беринг унга – мол унинг жони,

Биламен, жуда хушвақт қиласар уни мол...

Энди кўксимда қолди бир хаёл, армон...

130 Отажон, рухсат этинг! Ёлғиз истагим

Умримни монастирда кечирмоқдир жим»,

О р г о н

Ҳа, бобилла!

Ишқ эрмак бўлолмайди, бошқа ўйинчоқ

Қолмади, энди чилла ўтирмоқчисан?

Қизик... Чучварани ҳом санабсан, чироқ! Тур!

Мўмин-маъқул хотин бўлишга отлан,

Менга bemаза гапни кўп валдирاما!

Д о р и на

140 Аҳ, жаноб...

О р г о н

Хўш? Мен сенга орзумандмидим?
Қандай эпчил! Ҳар ишга бурнин тиқар жим!
Сени ким чақирди? Келдинг нимага?

К л е а н т

Рухсат эт, мен сенга берай маслаҳат.

О р г о н

Кенгашларингта қулоқ солдим ҳамиша:
Яхши кенгашу баҳсга йўқ сира ҳожат...

150 Аммо менга керакмас мана бу офат!

Э л ь м и р а

Таажжубдан эс кетибди, тилим бўлди лол!
Эшитинг ҳозир менга нима бўлганин.
Ўйлабдимки, шу нарса кўзингни дарҳол
Мошдай очиб қўйишга кифоя қилас!

О р г о н

Кўзим билан кўрганга ишонамен, бил!
Ўгай ўғлинг шаллақи, безори, енгил.
У туҳмат қилди. Унга сен эргашасен...
160 Ҳар гапнинг ҳам бўлади бирон меъёри.
Йўқ, азизим, мени алдай олмайсан...
Агар рўй берса чиндан шундай воқеа,
Юзингда ўзгариш бўлмасди пича?

Э л ь м и р а

Афтимга қараб ҳукм чиқарма тағин,
Аблаҳ севги ҳар қандай аёлни, албат,
Қизартмайди ва бундан қандай хотин
Йиглаб юбориб қилмасин эрга шикоят.
Биламен, орамизда кўпдир шундайлар:
170 Уларнииг иши эрлар диққатин тортмоқ,
Лекин номусларини ҳатто тиш-тирноқ
Билан сақлашга улар тайёр тургайлар.
Уларга иярувдан тангри сақласин!
Икки оғиз совуқ гап билан ҳар қандай
Севги изҳорини кесиб қўямен.

О р г о н

Хүп, майли! Сүзлашишга вақтим йўқ, лекин...
Ҳар бир иш бўлади нақ мен хоҳдагандай –
Вассалом!

180

Э л ь м и р а

Гап уқтириб бўлмас, нетайин!
Ўлгудай ўжарсан! Дўстинг кимлигин
Агар яққол кўрсатсам, не дерсан у чоқ?

О р г о н

Ўзим кўрсам?

Э л ь м и р а

Ҳа.

О р г о н

Айтавер!

190

Э л ь м и р а

Сен тўхта озроқ! Сўзлай сенга.

О р г о н

Қўйсанг-чи!

Э л ь м и р а

Бу қандай қийноқ!

Сен лоақал жавоб бер ушбу саволга:
Фараз қил-чи: мен уни шундай бир ҳолга
Келтирайки, у яна очсин дардини,
Сен яшириниб тинглаб олсанг барини –

200

Нима дер эдинг у чоқ?

О р г о н

У вақтми? Тўғриси буни билмаймен.
У вақт... Хўп, нима дердим? Ўйлайманки, мен...
Ҳа, ҳеч нима айтмаган бўлар эдим-да.
Ҳаммаси бўлмағур гап! Қўй, тингламаймен...

Э л ь м и р а

Майли, сўзингдан қайтма! Қолади бир йўл.
Айёрликни, ҳийланни ишга соламен –
Сенга лўнда қилиб исбот этамен...

210

О р г о н

Бўпти!

Кўрамиз, ҳали қандай типирчиларсан!

Менимча, майна бўлиб қўлга тушарсан!..

Э л ь м и р а

(*Доринага*)

Бу ёққа чақир уни!

Д о р и н а

У зийрак, туйғун!

Фаҳмлаб қолар, келмас — чақиринг ўзингиз...

220

Э л ь м и р а

Хотиржам бўл! Кимки севгига дучор,

Кимки ўз-ўзини йўлдан оздирар —

Уни қўлга туширмоқ осон. Тез чақир!

(*Клеант ва Марианага*)

Сизлар жўнангиз!

IV саҳна

Эльмира ва Оргон

Э л ь м и р а

Энди манов столни бу томонга сур —

230 Ҳам тагига кир.

О р г о н

Стол тагига?

Э л ь м и р а

Ҳа, киравер! Сен бутунлай беркиниб олишинг лозим...

О р г о н

Ахир, мен нега стол тагига кирай?

Э л ь м и р а

Эй, худойим!

240 Шу керак-да... Сен менга халақит қилма!

Яхши беркин, ўзингни сира билдирма...

О р г о н

Очиқ гап, аblaҳона лутфкордирмен...

Аммо меним айтганим чиқар, албатта,
Сени жуда ўхшатиб масхаралармен!

Эльмира

Кулишга түгри келар —
Ким кулар — бу масала?

(стол тагига яширинган Оргонга)

- 250 Шу маъносиз ўйинга мен бўлдим рози,
Албатта, сенга аён бунинг сабаби...
Кўзингни очиб қўйиш қўлимдан келар...
Лекин бу авлиёнгни ёқалаш учун
Ўзни мугомбирликка солишим керак.
Агар қизиқтирмасам уни мен бутун,
Балки ўзи бошлишдан чўчийди андак...
Гап шундаки, у хаёл қилиб, дардига
Дармон топилишидан бўлсин умидвор —
Шунда сен ишонасен дўстинг ёлқинли,
260 Майин оҳанг билан булбулдек сайрап!
Лекин сўрайман, бекор мени қийнама:
Қурбон бўламен — буни яхши уқиб ол...
Ҳамма сир сенга аён бўлдими дарҳол
Чиқиб келавер, сира имирсилама —
Йўқса, мен... Келаётир, ўтири жимгина...

V саҳна

Эльмира, Тартюф, Оргон

(стол остида)

Тартюф

Билмайман, тўғримикан... Сиз чақирибсиз —

- 270 Хабар берди Дорина...

Эльмира

Тўғри. Мен ҳозир

Айтамен... Сиз эшикни дастлаб ёпингиз.

Ҳеч кимса эшитмасин, шунда қолсин сир.

(Тартюф эшикни ёпиб, қайтиб келади.)

Бундаги синоатни такрор қилишни
Истамайман, эсламанг сиз ҳам бегумон,
Дамис мени шундайин чүчитгандики,
Үзимни беихтиёр йўқотдим шу он...

- 280 Уни юпатиб, аста инонтириш-чун
Мен қанча уриндим, биласиз буни.
Кейин қўрқув, хижолат босди бус-бутун,,
Қолмади эътирознинг ҳам бирон йўли...
Ҳар тугул иш силлиқ ўтди у сафар.
Эrim аввалгидай, ҳатто ундан ҳам
Ортиқ ишонар сизга –
Биз ташвишсиз яшашни истасак агар –
Тез-тез учрашиб туриш лозимдир бизга.
Ана шунда бизларни пойламас ҳеч ким,
290 Эҳтимол, жуда пинҳон учрашиб, жим-жим,
Худди ҳозиргидай, топишсак ёлғиз...
Эътироф қиламен севгимни ожиз...

Т а р т ю ф

Тушуна олмадим... Ахир, яқиндагина
Муомалангиз тамом бошқача эди-ку?

Э л ь м и р а

- Ха, бошқачайди... Сизни қилдим хафа:
Аёллар руҳини оз биларкансиз-да!
Биз ўзимизни кучсиз ҳимоя қилсак,
300 Демак, ҳислар кураши бизни эзган чин,
Кулунж бўлади у вақт қайтиш орқага.
Ўйлайман, буни англаш ҳеч эмас қийин.
Дарров қабул этмаймиз бизлар ҳеч қачон.
Аёллар табиати шундайдир ҳар вақт.
Севамиз-да, тортамиз лекин хижолат...
Аммо биз ҳақиқатни яширолмаймиз –
Кўнгилнинг ҳавасига тўсиқ йўқ асло!
Сизга нима десалар, десинлар, бир он
Тингламанг!
Куруқ сўзга инонмас доно.

- 310 Дилнинг чин тўлқинига инонинг ёлғиз...
Кечиринг! Беихтиёр қизиқиб кетдим,
Эҳтимол, ҳаддан ортиқ кўп гаплар айтдим –
Лекин бўлгани бўлди! Сўрайман сиздан:
Сиз менга очиқ айтган гапларингиздан
Мен таъсирланмаган бўлсам эди у замон,
Ажабо, мен Дамисни қайтарармидим,
Сиз сўзлашга бошлаган чоқда ногаҳон
Сўзингизни шарт кесиб жўнамасдим,
Ҳамма гапни бўйнимга мен олармидим?

- 320 Яна ўгай қизимга уйланишингизни
Эшишиб куя-пиша айнитдим сизни...
Шунда ҳам ниятимни англамадингиз?
Тушуниш осон-ку! Шу эди истак:
Орамизда бўлмасин бошқа бир аёл,
Кўнглингизга ҳоким бўлай мен ёлғиз,
Бўлмасин дилда мендан ўзга бир хаёл...

Т а р т ю ф

- Оҳ! Жононнинг тили шундай сайраркан,
Қандай лаззат ва қувонч дилга бағишлар!
330 Мен шавқ билан, берилиб уни тинглайман,
Қўрқаменки, бирон сўз чатилмай қолар...
Сиз томондан севилиш –
Бутун орзу интилишнинг юксак пояси!
Мен учун бундан олий йўқдир саодат!
Лутфу қарамингизни қилсан-да ҳурмат,
Лекин кўнглимнинг бордир андак шубҳаси...
Бошимга беихтиёр келар шу фикр:
Кутилмаган марҳамат кўрсатиб, балки
Бузарсиз Марианага уйланишимни, –
340 Бахтни тақдир юборган деб билсан агар,
Шунда сўзингиз мени ишонтирас чин,
Сеҳргар сўзлар билан эмас, жонли ноз –
Эркалаш билан дилнинг севги-фироқин
Юпатган чогииигизда шубҳа қолмас оз!

Э л ь м и р а

(Йўталиб, эрига ишора қиласи)

Вой, мунча шошқолоқсиз! Ҳовлиқиш билан
Ҳар бир севги, ҳавасни чўчишиш мумкин...

Айтганим кифоя муқаддима учун,

- 350 Деганим етар дастлабки танишиш учун,
Яна ҳозир кўнглингиз не тилар экан?

Т а р т ю ф

Хуқук, талаб оз бўлса, оз бўлар роҳат!

Инсон орзуларининг йўқдир поёни;

Хаёлда учиш осон, лекин ҳақиқат –

Билан хаёлнинг жуда узоқ ораси!

Сиз раҳм айладингиз муҳаббатимга,

Бунга арзимасам-да, лекин қаршимда

Кўрамен янги олам – ер жаннатини...

- 360 Бахтни бер, ишонтириш бу баҳтга мени!

Э л ь м и р а

Ишқингиз мунча ҳам тизгинсиз экан,

У билмайди на шафқат, на-да марҳамат...

Бошни айлантириб, ўйнатади қон,

Тўймас экан, иштаҳа зўр экан беҳад!

Кўксингизга жо бўлса аёл севгиси,

У шўрликка қолмасми нажот бутунлай?

Таслим бўлган юракка сиз ҳукмингизни

Қаттиқ ўтказишингиз мумкини шундай?

- 378 Т а р т ю ф

Сиз менга оз-моз мойил бўлсангиз агар, –

Хўш, энди сизга нима зўр тўсиқ бўлар?

Э л ь м и р а

Сиз худонинг қаҳридан сира қўрқмайсиз?

Бу тўғрида кўпинча уқтиардингиз...

Т а р т г о ф

О, ваҳимага солмасин сизни бу фикр!

Ишқ бизни унданоқда завқу сафога,

Ишқда ўрин йўқ бундай хавфга, жазога...

380

Э л ь м и р а

Лекин тонг-ла бунинг-чун сўрарлар бизни!

Т а р т ю ф

Илонинг – ҳеч нима бўлмас!

Илоҳий Қонунлар мавжуд деб, довдираиди ким!

Буларнинг ғовларига учрар ҳар доим...

Лекин четлаб ўтишнинг бордир имкони.

Бундай ишларни эплаб кетмоқлик учун

Одамзод кўпдан буён эпчилдир бутун –

Оғир гуноҳларни бажариб инсон,

390

Бошқалар кўзида бўлар пок виждон!

Қўрқмангиз, Эльмира, мен ялинаман!

Севгига содиқ бўлиб, эргашинг менга.

Ҳар бир ишга мен ёлғиз жавоб берамен!

Бор гуноҳни оламен мен ўз бўйнимга!

(Эльмира кучлироқ йўталаади.)

Йўталасизми?

Э л ь м и р а

Ҳа.

Т а р т ю ф

Мана бу берар шифо,

400

Йўтал доруси.

Э л ь м и р а

Йўқ менга ёрдам бера олмас бу.

Т а р т ю ф

Йўтал сизни жуда ҳам нотинч қилурми?

Э л ь м и р а

Ҳеч чидаб бўлмайди! Кеча-кундуз шу..

Т а р т ю ф

Ачинамен,.. Қани, хўш, сиз розимисиз?

Ўйлаб қаранг, ким бор қоралайдиган,

410

Бундан ҳеч кимса огоҳ бўлмайди зотан?

Биз бу ерда сира ҳам хавфда эмасмиз!

Ошкора гуноҳ қилиш – ёмон нарса-ку,

Лекин яширин гуноҳ – қандай гуноҳ бу?

Э л ь м и р а

(яна йўталиб, столни тиқирлатади)

На деяй! Кўнаман-да энди чор-ночор...

Шундай ҳаракатга рози бўлишни

Ҳеч-да ўйламаган эдим, тўғриси!

Сизга қарши туришнинг йўқдир имкони:

420 Шундай ўжарсиз... Гапга ҳеч ишонмайсиз.

Керак ҳар бир нарсанинг сизга исботи...

Нима қилай! Таслимман... Гуноҳи лекин

Менга эмас, мен ёлғиз орзуга қурбон –

Жавобгар бўлмаймен бунга ҳеч қачон...

Т а р т ю ф

Дедим-ку беражакман ўзим жавобин!

Э л ь м и р а

Бир қаранг, у ерда эрим йўқмикан...

Т а р т ю ф

430 Садағанг бўлай! Нега қўрқамиз ундан?

У шу қадар содда, оқ кўнгил киши, –

Биз уни алдаймиз жуда ўхшатиб!

У яна шундайин менга содиқки,

Сўзимдан ҳеч чиқмайди... Атрофга боқиб

Кўрган нарсасин ҳам кўрмаган бўлар!..

Э л ь м и р а

Майли, шундай бўлса ҳам, сиз бораверинг,

Атрофни яхшилаб бир қараб келинг!

VI саҳна

440 Эльмира ва Оргон

О р г о н

(стол тагидан чиқиб)

Тан бердим! Бориб турган безори экан!

Бу гапларга ишонар қайси бир одам?

Э л ь м и р а

Барвақт чиқа қолдинг, жоним, жудаям!

Яна тез шу ерга кир, кут охирини:
Яққол кўрмасдан туриб, кутулмас киши!
Капалагинг учеб кетибди, қара...

450

О р г о н

Инсон шундай қабиҳ, ифлос бўлса-я!

Э л ь м и р а

Кўрдингми, азизим, дуруст уқиб ол,
Хато қилиб қўйиш жудаям осон.
Яххиси, аввал синааб, шундан сўнг ишон!
(*Оргонни орқасига яширади.*)

VII сахна

Эльмира, Оргон ва Тартюоф

Т а р т ю ф

460 (Оргонни кўрмасдан)

Ҳар ёқни қараб чиқдим, жимжит ҳар томон,
Ҳеч ким йўқ! Қандай гўзал, хушбахт воқеа!
Биз тамоман ёлғизмиз... О, бўлай қурбон...
(*Кучогини очиб Эльмирага яқинлашади, Эльмира четланади – Тартюоф Оргонни кўриб қолади.*)

О р г о н

Дўстим, бир оз тушинг! Қайнаманг унча!

А, тақводор пир! Маъсум хаёлларни

470 Нималарга тиккансан? Кўриб турибман.

Отмоқчи бўлдинг икки ҳақорат тоши –
Маҳв этмоқ истадингми, қизим, хотиним!
Битди! Ортиқ қолмади сабру бардошим!
Стол остида эдим, – маълум барчаси, –
Сўз тинглашнинг ортиқ йўқдир маъноси!

Э л ь м и р а

(*Тартюфга*)

Мен нима деган бўлсам, унугинг барин,
Шундай ҳийлага мажбур қилдингиз лекин....

480

Т а р т ю ф

(Оргонга)

Шунга ишонасизми?

О р г о н

Бас, биродар, бас!

Йўлдан қолма!

Т а р т ю ф

Ҳасратим кўксимга сиғмас...

О р г о н

Айтдим-ку, сўзга ҳеч солмайман қулоқ.

490

Жўнаб қол уйимдан сен шу топдаёк!

Т а р т ю ф

Шундайми? Йўқ! Мен эмас, сизлар кетасиз,

Уй – менини. Хўрликка мен чидолмайман –

Қонуний ҳаққимни тез талаб қиласан:

Мени шунда танийсиз – шунда биласиз

Мен билан жанжаллашиш нима эканин!

Арзимаган гап учун мени паст, ёмон

Бўхтонга чулғадингиз, тухматчисиз чин.

Бунинг учун жазо юборар осмон!

500

Мен бу шармандаликии ҳеч кечирмайман,

Пушаймон бўласиз кўп вақт ўтмасдан!

VIII саҳна

Эльмира ва Оргон

Э л ь м и р а

Бу нима демак-а? У нима демоқчи?

О р г о н

Иш ёмон, эс-ҳушни ҳам йўқотиш мумкин!

Э л ь м и р а

Ха, нима бўлди?

510

О р г о н

Нима? Азизим, даҳшат!

Тўғри айтди – гарчи сен мени ўлдир, ос!

Эшитдингми — гапирди у очиқ ва рост:
Бу ерда биз эмас — хұжайин удир.

Э л ь м и р а

Бу гап бўлмағур!

О р г о н

Хўп, дейвур... яна ҳам оғир,
Яна ҳам қўрқинчли балолар келгай? .

520

Э л ь м и р а

Масалан, қандай?

О р г о н

Сўнг ҳаммасин биласен... Анови қути
Қаерда экан, бориб билайн уни...
Шўрим қуриб қолди, ҳолимгавой,вой!

БЕШИНЧИ ПАРДА I саҳна

Клеант ҳам Оргон

К л е а н т

Қаёққа борасен шошиб?

О р г о н

Қаёққа! Қайдай биламен?

К л е а н т

10 Бўлмаса, қулоқ сол. Ҳаммамиз бирга
Йиғилиб, нима қилиш кераклигини
Сўзлашмоқ, ёмон бўлмас дейман...

О р г о н

У қути сира,

Кўнглимга тинчлик бермас.

Хароб бўлибман!

К л е а н т

Шошма, нима бор эди унинг ичида?

О р г о н

Гап шунда-да... Қутини менга омонат

20 Ташлаб кетган эди бир қочоқ дўстим.
Ичида хатлар бор... Хўш? Қалай аҳволим?
Тушунасанми агар бирдан шунча хат...

К л е а н т

Тартюоф қўлига қандай тушди у кути?

О р г о н

Бир вақтлар нима бўлиб, мен сирдан уни
Воқиф қилган эдим, чидай олмасдан,
Чунки дилни жуда ғаш қилганди кути...
Шунда у муттаҳам солди қўрқувга,

30 Дедики: ўҳ, бу нарса хавфлидир жуда,
Мен бўлсам ўлгудай бепарво, лақма,
Билиб қолсалар ногоҳ - ёмон воқеа...
Кутини яшириб қўйгандан кейин
Майти, тергов қилсинглар - «Тия кўрдинг? - «Йўқ!»
Бундай ёлғондан-да тап тортма лекин,
Чунки бу гуноҳ эмас - бўлсин кўнглинг тўқ...

К л е а н т

Ха, сен ўз-ўзингга ортдинг фалокат!

40 Бу нарса мени ҳам ташвишга солар,
Кўрган чоранг кескинтир ҳаддан ташқари.
Бир оз чидаб муғомбир бўлиш даркорди,
Энди у сендан қаттиқ ўчини олар!

О р г о н

Хўп ўхшатди-да бизни! Лаънати илон!
Фамхўрлигим, диққатим ва эркалашим,
Хайри эҳсоним қадрин билмади шайтон!
Хайвон! Саёқ, ўғри. Энди ҳеч қачон
Бу дарсни унутмайман, мен абадиян
Таъзиrimни едим! Бунга ўхшаган

50 Жанобларга ортиқ йўқдир алданиш:
Улар учун шайтондан баттар бўламан!

К л е а н т

Ифротчилик керакми? Сени у айёр,
Қўлга туширибди - бунга ким айбдор?

Кўшиламен, пешананг тошга тақ тегди...
Бошга тушган бало кимга хуш ёқар...
Тартюофни қарғайвер! Ўзгалар нима?
Бир разилни кўриб ҳалқ орасида –
Ўйласакми, ҳамма ҳам шундай экан деб?
60 Дўстим, сен кўп қизишма, шу гапим тингла:
Биргина ярамасни мисолга олиб,
Ҳамма одамларни аралашига
Қораламоқдан кўра, ҳадсиз ишониб,
Қўнгилчанлик қилиш, баъзан қўлга ҳам тушиш,
Албатта, яхшироқ иш...

II саҳна

Клеант, Оргон ва Дамис
Д а м и с

70 Отажон, нима гап? Ишониш қийин!
У бадкирдор сизга дўқ қиласми чин?
О р г о н

Ҳа, шундай, азиз ўғлим! Яқин – орада
Бошимизга зўр қайғу тушар, албатта...

Д а м и с

Безорининг таъзири бераман ҳали!
Шилқимлигини мангу босиб қўяман!
Бутун оила учун ҳисоб оламан...
Уни чала ўлик қилиб ураман!
Соф қолмас калтагимдан унинг гавдаси!
Шошма, ҳовлиқма! Ёшсан, қизиқонсан ҳам...
Эсингни йиф, ўзингни совут бир қадар –
Муштумларингни сен пеш қилма жилляям!
Иним, замон бошқача: муштлашиш учун
Қатъий жавобгарликка сени торталар...

III саҳна

Клеант, Оргон, Дамис, Пернель хоним, Эльмира,
Мариана, Дорина

П е р н е л ь х о н и м

90 Мумкин бўлмаган гаплар эшитмоқдаман.

О р г о н

Мумкинмас деб ўйлаган эдим ўзим ҳам –
Лекин кўрдим, ишондим энди чинакам...
Кўнгилчанлигим учун жазоланаман!

Гадой экан мен парвариш қиласай уни,
Оғамдек эркалай-да, берай мўл совфа,
Қизимни, мол-мулкимни берайин, тавба,
У нималар қиласи? Қароқчи каби,

Ифлос ният билан хотинимни у

100 Йўлдан оздиришга уринибди-ку!

Бу ҳам оз! Ҳуқуқига тўла ишониб,
Менга дўқ ҳам қиласи: ўзи илгари
Қандай ифлос қашшоқ бўлса, шу каби
Қашшоқликка мени ҳам судрар зўр бериб!

Д о р и н а

Бечора!

П е р н е л ь х о н и м

Йўқ, ишонмайман! У шундай ёмон,
Шундай виждонсизча ҳаракат қилсин!

110 О р г о н

Ишонмайсизми?

П е р н е л ь х о н и м

Ҳар бир пир ва пок инсон

Ҳасадга қолар ҳар вақт – бу кўпдан аён.

О р г о н

Мана бу сўзларнинг маъноси нима?

Тушунмайман, нимага алоқаси бор...

П е р н е л ь х о н и м

Сен тушунмасанг агар, тушунар бошқалар!

120 Ундан нафрат қилишлари бежиз эмас-да!

О р г о н

Нафрат нима қилсин?

П е р н е л ь х о н и м

Ҳамиша

Меним насиҳатим шулки ҳаммага:

Фазилаткор одамга дард-аламдир насиба,

Ҳасадчилар ўлади, ҳасад ҳеч ўлмас!

О р г о н

Онажон, фикрингизга қўшиламен, рост...

130 Лекин бошқа илож...

П е р н е л ь х о н и м

Кўп сафсаталар

Эшитарсен ҳали...

О р г о н

Мен ўзим кўрдим,

Англанг, онажон,

П е р н е л ь х о н и м

Ҳа, кимда ғазаб қайнаса,

Ана унда фийбат бўлур бепоён!

О р г о н

Ё, худо! Мен, ахир, дедим-ку сизга...

П е р н е л ь х о н и м

Аҳ, одамларнинг тили шунчалик заҳар,

Бу заҳарга даво йўқдир муқаррар!

О р г о н

Демак, тушуниш қийин бир-биримизга!

Шу кўзларим-ла кўрдим! Эшитасизми!

Ҳаммасини кўрдим! Тушунасизми?

Ёки мен овозимни баралла қўйиб,

150 Айни сўзларни такрор қиласай бўкириб!

П е р н е л ь х о н и м

Нима бўлибди хато қилиш сен учун.

Шунча қийинми? Кўрган нарсангни оз-моз

Ўйласанг, бошқа бўлиб чиқиши мумкин.

О р г о н

Тоқат бўлди тоқ!

Пернельхоним

Одат бўлибди бизга
Яхшилик ўрнида ҳам ёмонлик кўрмак!

160 Оргон

Меним хотинимга очаркан қүчөк, —
Таъсирланиб күз ёшим түкишім керак?

Пернельхоним.

Қоралаш-чун бу нарса кифоя қилмас,
Хўл синааб, ишонишинг керак эди-да!

Оргон

Хўп синашми? Лемакки... О, жуда маъкул!

Мен алданган хамда күр эканман жуда?

Күтиб туришим керак экан – токи үл...

170 Йўқ, онажон, бу гаплар тамом бехуда!...

Пернельхоним

Күнгли шундай покиза бир инсон хотин

Хүснига астойдил кизика олсин —

Бүни ўйлашни ҳам ҳеч истамайман!

Оргон

Сиз онамсиз... На қилай! Бир сўз демайман...

Шүни билинг, ўзимни тутамен базүр!

Дорина

Ишонмагандингиз бизга бир умр, —

180 Энди сизга ишонч йўқ! Экканингни ўр!

К л е а н т

Бу ерда бекор вақтни ўтказмоқдамиз.

Бирон чора топишнинг келибдир чоғи:

Ҳазиллашмоқ хавфлидир – у разил, беор.

Дамис

Үйлабсизки, у яна борар юқори?

Эльмира

Менга қолса, үринсиз беҳуда ваҳма:

У яна бир озгина дўқ қилади-да,

190 Тинчийди кейин.

К л е а н т

Йўқ, йўқ, ҳазир бўл, Оргон!
 Унинг қўлидаги қуроли ёмон!
 Тепангда ҳоким бўлиб қолди у баттар.
 Инсон бошига баъзан
 Арзимаган нарсадан тушар кулфатлар,
 Анчайин иш эмас, бу, фош қилса — бало!
 Такрор гапираманки, сен ўз-ўзингни
 Тийишинг керак эди, қилмай можаро.

200

О р г о н

Яхши тушунамен барча сўзингни...
 Лекин жаҳлимни у чиқарди шундай,
 Ҳар нарсани унугтиб қўйдим бутунлай.

Э л ь м и р а

Бўлмас эди шундай талон-тўполон,
 Яширмасанг эди агарда мендан...

О р г о н

(кираётган Лоялни кўриб, Доринага)
 Ким келаётир? Етар ушбу ҳаяжон!

210 Қара, бил! Айт, бугун қабул қилмайман...

IV саҳна

Клеант, Оргон, Дамис, Пернель хоним, Эльмира,
 Мариана, Дорина ва Лояль

Л о я л ь

(Дорина ичкарида)

Салом, попук қизим! Хўжайнинг билан
 Кўришмоқ тилардим...

Д о р и н а

У шунда, лекин
 220 Қабул қилмайди фақат...

Л о я л ь

У билан бир шингил
 Гаплашаман... Сираям олмайман вақтин!

Биласанми, биргина иш бор – хушхабар
Келтирдим, сен усталик билан шипшитгил!

Д о р и н а

Сиз ким бўласиз?

Л о я л ь

Қув қиз, айтки, шу чоқда

230 Жаноб Тартюоф юборди мени бу ёққа.

Д о р и н а

(*Оргонга*)

Қандайдир лаганбардор! Тартюфингиздан
Юмуш билан келибди. Сизга хушхабар
Келтирганин айтди...
Руҳсат тилайди сиздан.

К л е а н т

(*Оргонга*)

Қабул эт! Зиёnsиз бу.

240 О р г о н

Агарда келишувни таклиф этса у?

Мен кўнмайман... Ич-тошим бутун ларзада...

К л е а н т

Сен аччиғланма, уни тингла безарда!

Л о я л ь

(*Оргонга*)

Жаноб, ҳурматлар бўлсин... Уйингизни ҳақ
Асрасин балолардан ва душманлардан!

О р г о н

250 (*Клеантга секингина*)

Нафасим ҳам бекорга кетмайди шу чоқ:
Афтидан, ярашувга у тайёр экан.

Л о я л ь

Мен сизга ёт эмасман. Сизнинг мавқедор
Отангизга ҳам эдим содик хизматкор...

О р г о н

Шундай денг! Кечирасиз... Очиқ айтайин,
Юзингизга қараб танишим қийин!

Л о я л ь

- 260 Камина – Лояль, суд пристави.
Соф виждоним билан сизга айтаман:
Қирқ йилдан бүён ҳалол хизмат қиласман –
Ҳасадчиларнинг мендан қайнайди шўри.
Топширишим керак сизга ниҳоят.
Кичик бир повестка... Қилинг марҳамат!

О р г о н

Повестка? А! Мумкинми, бу нима демак...

Л о я л ь

- Фазабланмангиз – сиздан шудир илтимос!
270 Даҳшатли бир воқеа бўлмаса керак.
Повесткада ёзилган мана шу холос:
Оилангиз билан шу уйдан тезроқ
Чиқишларингиз лозим ҳамда бу ерда
Қанча мол-жиҳоз бўлса чиқаринг эрта...

О р г о н

Мен бу уйдан чиқайин?

Л о я л ь

- Нақ айтганингиз.
Суд ҳукми бу!
Бироннинг машмашасимас,
280 Биласизми, барча ую жойингиз
Энди кимга ўтибди... Шудир ҳолингиз.
Муоҳида мендадир: бўлсин минг ҳавас!
Лекин ўчакишмоқлиқ ҳеч мумкин эмас!

Д а м и с

(Лоялга)

Сурбетлигингизга ҳеч ҳайрон қолмайман!

Л о я л ь

- Жаноб, мен арзимни сизга айтмайман –
(Оргонни курсатиб)
290 Мен шахсан бу кишига: сўзимни англаб,
Менга қарши туришни қилмасалар орзу...

О р г о н

Лекин бир нарса бор...

Л о я л ь

Ха, ха! Тезда батамом

Қиласыз барча ишни — мақсадим ҳам шу.

Сиз — номусли граждан, мудом нимани

Қонун талаб қилса, мен ижро қиласам,

Бу ишда ҳар түсиқни ортиқ биламан...

300

Д а м и с

Бошиңгизда ўйнаганми бирор вақт таёқ?

Л о я л ь

(Оргонга)

У тилин тийсин ёки жүнасиген илдам!

Не бўлур ҳақоратларин протоколга ёзсан?

Гарчи истамасам-да, сизни қайғурмоқ.

Д о р и на

(четга)

Ростин айтсан, ана шу қонунфурушда

310

Ҳеч қонунга сифмаган шаклу шамойил!

Л о я л ь

Яхши одамлар билан мен шул равишча

Дагал муомала қилиш одатим эмас.

Бу феълимга ҳамма ҳам қолади қойил.

Сизнинг бу иш қўлимга кириши учун

Мен жўрттага уриндим, кўп файрат қилдим.

Бошқа одам бу ишга қунт этмай бутун,

Дагал, чала-чулпа қилишин билдим...

О р г о н

320

Бу озми бутун бошлиқ бир оилани

Үйдан ҳайдайсиз

Л о я л ь

Сизга беряпман фурсат:

Эртага қолдираман иш ижросини,

Лекин ҳар ҳолда бунда сизни назорат

Қилиш учун кўп эмас, фақат

Үнта навкар билан уйда тунайман.
Улардан ҳеч кишига етмайди озор —
Хотиржам бўлинг... Бизлар фақат юзаки

- 330 Расмиятга риоя этишимиз даркор:
Ҳамма уйлар калитин ёнга соламиз:
Тонг отдими — дарровда йўлга равона!
Бизга басдир бу уйни тез бўшатсангиз,
Ҳатто одам бераман ёрдам этгали.
Мендан кўра лутфкор бўлмоқ кўп қийин:
Буни назарда тутиб, берингиз буйруқ, —
Токи менга ҳеч кимса бўлмасин тўсиқ,
Бирон ишда чурқ этиб оғиз очмасин...

О р г о н

- 340 (Клеантга)
Кўрмаганман бундайин чиркин башара:
Мен энг сўнгти чақамнинг баҳридан кечиб,
Қани ит боласидай юборсам тепиб!

К л е а н т

Бекорга аччиқланма, фойдасиз зарда!

Д а м и с

Қўлларим шундай қичир — тоб бериш маҳол...
Қўрқамен, оқибати бўлмагай ёмон!
Сабр этмоқ душвор...

- 350 Д о р и на

(Лоялга)
Фурсат келар эҳтимол,
Хўп уриб, терингизга тиқарлар сомон!

Л о я л ь

Ҳай, сулув, қараб гапир! Аёлларни ҳам
Судга тортиш мумкин... Ҳам оғир жазо...

К л е а н т

Менимча, ҳангомани битирмасанг шу дам:
Эрталабгача бизни тинч қўйинг, мирзо!

- 360 Л о я л ь
Ҳайр, хуш қолинг, сизга баҳтлар тилаймен..

О р г о н

(унинг орқасидан)

Сени бу томонга юборган беор
Махлук билан бирга бўлгин қўшмозор!

V саҳна

Клеант, Оргон, Дамис, Пернель хоним, Эльмира,
Мариана, Дорина

О р г о н

- 370 Хўш, онажон? Сиз учун яна қандайин
Далиллар керак? Менга ишондингизми?
Энди тушундингизми мен қандай хоин
Илонни кўксимда асраганимни?

П е р н е л ь х о н и м

Мен худди туш кўргандай... Бу – тушми ё чин?

Д о р и н а

Нега у бечорани шу қадар ёмон
Қаргайсиз? Менга қолса, қарғаш бехуда!
Унинг саи файратин билмайсиз чандон.

- 380 Одамларни мол-бойлик бузади жуда.
Сизга нажот йўлин тўсувчи ушбу
Бойлиқдан кутқармоқни ўйлагандир у!

О р г о н

Жим бўл! Сўзлашим керак сенга юз марта?

К л е а н т

(Оргонга)

Манави маслаҳатга бир дам қулоқ сол...

Э л ь м и р а

- Менимча, бу қаллобликни тезда ҳаммага
Ёйиш керакдир, шунда билинар аҳвол –
Ҳамма англайди қаттиқ алданганлигинг,
Шартномага шак билан қарашар кейин.

VI саҳна

Валер, Оргон, Пернель хоним, Эльмира, Клеант,
Мариана, Дамис ва Дорина

В а л е р

(*Оргонга*)

Ана, жаноб, сизнинг учун даҳшатли хабар!
Айтишга тилим бормас... Лекин бир зум ҳам
400 Тўхтамай қочиш керак – тез, мумкин қадар!
Бир яқин дўстим шуни билдириди шу дам:
Қиролга борибди-ю, у ўғри-саёқ
Ҳаққингизда бўғтон қилиб чақибди –
Қандайдир қофозларни ҳам кўрсатибди:
Назоратга олиб сизни қамамоқ
Учун тайёр бўлмиш тегишли фармон...

К л е а н т

Шундай зўр жасоратни ундан ҳеч қачон
Кутмаган эдим мен!
Мергандек мўлжалга жонин уради!

О р г о н

Одам деб юрибмиз уни биз ҳамон!
Йўқ, одам эмас, у қабиҳ бир маҳлуқ.

В а л е р

Сизга ялинамен – сустланманг аммо!
Эшиқда аравам сизни кутади...
Мана бунда минг олтин, вақти-соати
Келса ҳисоблашармиз... Жаноб, тезгина
Йўлга тушмоқ керак! Мен сизнинг била

Борамен... То сизни пухта яшириб

420 Қўймагунча келмайман сиздан айрилиб...

О р г о н

Сизга қандай билдирсан миннатдорлигим?
Бунга сўз йўқ, вақт ҳам йўқ... билингиз, лекин
Юз қатла яхшилик қилмоқ ниятим –

Фақат бош омон бўлса... Хайр, кетайин!
Сизларни паноҳида сақласин тангрим!
Сизга топшираман нимаики бор...

К л е а н т

Деганингизни қиласиз — ўзингни қутқар!

430

VII саҳна

Клеант, Оргон, Дамис, Пернель хоним, Эльмира,
Мариана, Дорина, Валер, Тартюф ва Полис

Т а р т ю ф

Кўпирманг, жанобим! Шошқоқсиз ортиқ!
Узоққа кетолмайсиз: мана бу фармон,
Турмага элтадилар сизни шу замон...

О р г о н

Балкирдор! Риёкор хоин! Бетавфиқ!
140 Шу биланми етмоқчи бўлдинг тагимга?
Не дердик! Разолатни аъло бажардинг!

Т а р т ю ф

Мен бугун ҳақоратни тинглайман сокин:
Лаззат беради тангри қайғу-ғамимга.

К л е а н т

Эшигдингизми, қандай олижаноб у?

Д а м и с

Уялмасдан тилга олар тангрини!

Т а р т ю ф

450 Ҳеч нима ҳақорат қилолмас мени —
Муқаддас вазифамга мутеман мангу...

М а р и а н а

Гўзал вазифа! Бундан фахрланасиз?
Қанчалик бегараз тама ўйламадингиз?

Т а р т ю ф

Менга шундай эътимод, ишонч бўлса-ю,
Яна мен фахрланмай, чекайми қайғу!

О р г о н

Унутдинг, нонкүр, барча яхшилигимни?

460 Миннатдорчилик билмас нонкүрнинг дили?

Т а р т ю ф

Мен унутмадим, лекин менда энг юксак
Вазифа бордир: унинг илоҳий кучи
Аввалги ҳисларни бўғди бир йўли –
Мен у вазифа-чун қилардим қурбон
Ёлғиз дўстни, хотинни, ота-онадак
Азизларнимас, ўзим бағишлардим жо.

Э л ь м и р а

Мунофиқликка қара!

470 Д о р и н а

Ўзи шундоқ

Қандай айб ағдарма – жавоб тайёр-да.

К л е а н т

Рухсат этинг! Сиз шундай мискинлар каби
Вазифангизни ҳурмат қилас экансиз,
Ботирона даъвонгиздан ўз хотинини
Ҳимоя қилибди у – бунга не дерсиз?
Оқданишга ҳеч қандай йўл қолмаганда,
Белни боғладингизми чақиқ-бўҳтонга?

480 Унинг молу мулкини усталик билан
Қўлга киргизисиз – мен бу тўғрида
Сизга ҳеч нимарса айтмоқчимасман,
Майли, шундай бўлсин! Аммо бу нима,
Модомики қонунни бузган бир одам
Тегишли жазони тортсин дейибсиз, –
Модомики, муқаддас вазифангиз ҳам
Бажарилибди – нега садақайисиз?

Т а р т ю ф

(Полисга)

490 Бас эзмалик, фармон қилингиз ижро!

П о л и с

Вақтида эслатдингиз: топшириқни нақ

Ижро қилиш пайти етибди, аммо
Мен сизни элтаман турмага шу чоқ,
У ерда сизга күпдан жой ҳам муҳайё.

Т а р т ю ф

Турмага, меними?

П о л и с

Ха, сизни.

500

Т а р т ю ф

Не учун мени?

П о л и с

Тушунтургин дейсизми бунинг сабабин?

(*Оргонга*)

Жаноблари, күркмангиз. Битди фалокат.
У оғизни очиб сўзлаган ҳамон
Қиролга барчаси бўлибди аён,
Яъни алдангансиз қаттиқ, беомон...

10

Ва билинганки, бу иш ўғрилик фақат.
Бунинг жазосини у тортади, албат:
Ёмон ният билан сизга қазиб чоҳ,
Кутимаганданда ўзи йиқилди гумроҳ,
Унинг ишлари энди чиқди чиппакка!
Бу машҳур домули-ку! Биз күпдан буён
Зўр бериб уринардик уни тутмоққа:
Бошқа ном-лақаб билан у бизга таниш...
Ҳамма қилмишларини қийинdir айтиш –
Агар уларни тасвир этсак батафсил,
Жилд-жилд китоб бўлар балки ҳар фасл,

520

Уни тоза расво қилиш мақсади
Билан бу ерга келдим, бошқа сабаби:
Қирол сизни кечирганин ва сизларга чин
Фалокатли шартномани бекор қилганин
Билдириб қўйиш эди!
Сиздан осий дўст кўмак олган бўлса ҳам,
Ўтмиш хизматлар учун шафқату карам –
Ёғилиб келди, қаранг, кутмаган чоқда,

Эзгу ният нечоғлиқ баланд ардоқда —
Қирол қандоқ қадрлар, күнгли нақ дарё,
530 Эл билсин: яхшиликни унутмас асло...

Д о р и н а

Оҳ, тангрига шукурлар, ҳар ишга қодир.

Э л ь м и р а

Уф! Елкадан гүёки тоғ тушди ҳозир.

О р г о н

Қалайсан, ҳой ярамас!..

VIII саҳна

Оргон, Клеант, Дамис, Пернель хоним, Эльмира,
Мариана, Дорина, Валер.

540 К л е а н т

Тинчланинг, күёв! Обрўйингизни ерга урмасин бу дов,
Сўз на ҳожат, Ақл, дер: газабингни бос!
Йиғлагулик тақдери — қилмишига мос.
Тавбасига таяниб то бу шармисор,
Яхшилик ва хайр ишга йўл олиб такрор,
То разил ўтмишига иқрор бўлса чин,
Майли денг, гар ҳукмдор юмшатса ҳукмин.
Улуғ ҳукмлор сизга раҳмдил бисёр,
Оёқларига ҳозир йиқилмоқ даркор!

О р г о н

Ҳа. Тўғри гап! Тиз чўқай мен бориб дарҳол,
Адолатинг — дегайман — кўрмасин завол.
Энг аввало шу бурчимни адо айлагум,
Кейин ўзга бурчга ҳам даво айлагум,
Яъни Мариана билан Валернинг тўйи!
Қовушгуси икки қалб то умр бўйи.

МОЛЬЕР ҲИКМАТЛАРИ

Айбламоқчи бўлган одамнинг шошилишга ҳаққи йўқ.

* * *

Мусиқа – яхши тушлик учун ажойиб зиравор.

* * *

Ҳаёт нақадар ширин! Бир марта ўламиз ва бу узоқ муддатга.

* * *

Ҳаммага дўст бўладиган одамни дўстим деб ҳисобламайман.

* * *

Ким севса, қоядек қаттиқ бўлиши керак.

* * *

Муҳаббат – буюк ўқитувчи.

* * *

Гўзал аёлнинг қаршилигини синдиришдан ёқимли нарса йўқ.

* * *

Рашқчининг муҳаббати кўпроқ нафратга ўхшар.

* * *

Ақл билан иш қилиш маърифатга чорлар, эҳтирос эса, уни ожиз этар.

* * *

Севгига сохталик ҳақиқатга жуда яқинdir.

* * *

Сўзнинг ярми гапирганга, ярми эса, эшитганга тегишилдири.

* * *

Ким вақтни ютган бўлса, демак, у ҳамма нарсани юта олади.

* * *

Душмандан ҳам ўрганиш мумкин.

* * *

Севган инсонингнинг иродасига бўйсуниш, муҳаббатинг-нинг энг олий исботидир.

* * *

Кимки доимо умидсиз, рашкчи ва ғамгин бўлса, унда сев-гининг бошланиши муваффақиятсиз бўлади.

* * *

Ниманидир билганликни билиш нақадар ёқимли!

* * *

Одамлар муҳаббатдан ҳар сафар ақлини йўқотишади.

* * *

Ҳар бир одам севадиган инсони томонидан осонликча ал-даниши мумкин.

* * *

Сиз ғазабдамисиз? Хушёр бўлинг, жаҳл дўзахга олиб боради.

* * *

Севгида чидаб бўлмайдиган нарса, бу жимжитликдир.

* * *

Одам фақат ҳаракатига эмас, балки ҳаракатсизлигига ҳам жавоб беради.

* * *

Нимаики демасинлар, одамда ҳеч қанақа олимлар тушунтириб бера олмайдиган қандайдир бир файриоддий нарса мавжуд.

* * *

Гўзал аёл ўзига ҳамма нарсани эп кўрмоғи мумкин, гўзал аёлнинг ҳамма гуноҳини кечириш мумкин.

* * *

Ҳақгўйлик айб эмас.

* * *

Эзгулик бўхтонлар билан курашда заифдир.

* * *

Китобий доноликдан тентак икки карра тўмтоқроқ.

* * *

Грамматика, ҳатто, шоҳларга ҳам амр қиласди.

* * *

Тентакдаги билимдонлик – ҳаммасидан чидаб бўлмайдигани.

* * *

Ким севгини билмабди, демак, у дунёга келмабди.

* * *

Модомики, бошқа чора қолмаган экан, энди, хушомад қилас-ёттан эмас, балки, унга хушомад қилишларини истаётган айбор.

* * *

Тиббиёт – инсониятнинг улкан хатоларидан бири.

* * *

Ҳасадгўйлар ўладилар, аммо, ҳасад – ҳеч қачон.

* * *

Ёшлар оталари уларга яхши тарбия бермаганлари учунгина ўзларини яхши тутишмайди.

* * *

Мақтов билан яшай олмайсан. Мақтовнинг ўзи одамга кам, унга арзийдиганроқ нарсани бер; тақдирлашнинг энг яхши усули — қўлингизга ниманидир қистиришлари.

* * *

Тана қартайганида, ахлоқ мустаҳкамланади.

* * *

Ярамас ҳаёт ярамас ўлимга олиб келади.

* * *

Севги – барча мангу нарсалардан энг қисқа давом этадигани.

* * *

Аёллар уларга кўпроқ сарф-харажат қилғанларини ёқтиришади.

* * *

Мантия ва шапкача кийиб олган одам гапирган ҳар қандай сафсата – ақсли гап, ҳар қандай bemânyilik эса – ўткир мулоҳазали нутққа сабаб бўлади.

* * *

Ким бир марта эс-хушини йўқотмаган?

* * *

Ақл муҳаббатни бошқармайди.

* * *

Фақтгина ваъзлардан иш олдинга силжимайди. Гапириш эмас, ҳаракат қилиш керак, сўздан кўра, баҳс-мунозара яхши.

* * *

Кўплаб одамлар ўз касалларидан эмас, балки дориларнинг таъсиридан оламдан ўтишади.

МОЛЬЕР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

1622 йил, 13 январь – Жан-Батист Поклен Мольер Париж шаҳрида дунёга келган.

1623 йил – Мольернинг укаси Луи Поклен туғилган.

1624 йил – Мольернинг укаси Жан Поклен туғилган.

1625 йил – Мольернинг синглиси Мари Поклен туғилган.

1626 йил, 13 апрель – Мольернинг чўқинтирган отаси бўлмиш бобоси Жан Поклен вафот этган.

1632 йил, май – Мольернинг онаси Мари Крессе вафот этган.

1633 йил, 30 май – Мольернинг отаси Жан Поклен Катрин Флурет хонимга уйланган.

1634 йил – Мольернинг ўтай синглиси Катрин Поклен дунёга келган.

1635 йил – Мольер Клермон ҳозирги Буюк Людовик колледжига ўқишга қабул қилинган.

1636 йил – Мольернинг ўтай онаси Катрин Флурет туғиши пайтида вафот этган.

1639 йил – Мольер Клермон колледжидаги ўқишини тутатган.

1640-41 йиллар – Мольер ҳуқуқшунослик соҳасини ўрганиб, адвокатлик унвонини олган.

1644 йил, 1 январь – Парижнинг Мазарини кўчасида ажойиб театр очилган.

1644 йил 28 июль – Жан-Батист биринчи бор «Мольер» номи билан имзо қўйган.

1645 йил – Ажойиб театр муваффақиятсизликка дучор бўлган ва Мольер қарзларини тўлай олмаганлиги учун Шатледаги қамоқхонасида ҳисбда сақланган.

1646 йил – Дюфрен труппаси билан Бордо, Ажан ва Тулуса шаҳарлари бўйлаб томоша қўйишган.

1648 йил – Мольер Дюфрен труппаси билан Нант, Пуатье, Ангулем, Шатору ва Лимож шаҳарларида томоша қўйишган.

1652 йил – Мольер труппасига Луи Бежар ва Дебри келиб қүшилган ҳамда Гренобль шаҳрида томоша қўйишган.

1657 йил – Мольер труппаси Лион ва Дијон шаҳрида томоша қўйишган

1658 йил, 28 октябрь – Мольер ва унинг труппаси учун энг омадли кун: Луврнинг Варде залида Қирол ва унинг мулозимларига Пьер Корнелнинг «Никомед» комедиясини қўйишган.

1660 йил, 30 май – Мольернинг «Станарелла ёхуд соҳта гўсҳур эр» комедиясининг премьераси бўлиб ўтди.

1662 йил, 22 январь – Арманда Бежар ва Мольер ўртасида никоҳ шартномаси тузилган.

1663 йил – Людовик XIV Мольерга минг ливр миқдорида нафақа тайинлаган, Мольер «Қиролга миннатдорчилик» номли шеър ёзган.

1663 йил, 19 январь – Мольер ва Арманданинг тўнгич фарзанди Луи Поклен дунёга келган.

1665 йил, 15 февраль – Мольернинг «Дон Жуан» комедияси илк бора саҳнада намойиш этилган.

1666 йил, 4 июнь – Мольернинг «Мизантроп» комедиясиниг премьераси бўлиб ўтган.

1666 йил, 6 август – Мольернинг «Зўраки табиб» комедиясиниг премьераси бўлиб ўтган.

1667 йил, 5 август – Тартюф комедиясининг егиллаштирилган версияси намойиш этилган.

1667 йил, 6 август – Париж парламенти раиси пьесани тақиқлаган.

1668 йил, 18 июль – Версалда «Жорж Данден» комедияси намойиш қилинган, Жорж Данден ролида Мольернинг ўзи бўлган.

1669 йил, 25 феврал – Мольернинг отаси вафот этган.

1669 йил, 15 март – «Тартюф» асарини нашр этишга рухсат берилган.

1669 йил, 7 октябрь – «Жаноб Пурсонякъ» комедиясининг илк намойиши бўлиб ўтган.

1670 йил, 14 октябрь – «Дворянликдаги мешчан» комедияси биринчи маротаба намойиш қилинган.

1671 йил, 17 январь – «Психея» комедиясии биринчи марта саҳнада қўйилган бўлишига қарамай, катта муваффақиятган эришган.

*1672 йил, 17 февраль – Мольер ижодий гуруҳининг актри-
саси Модлен Бежар вафот этган.*

*1672 йил, 11 март – «Олима аёллар» асариниг дастлабки
намойиши бўлиб ўтган.*

*1672 йил, март-апрель – Мольернинг саломатлиги оғирла-
ша бошлаган.*

1672 йил, 23 сентябр – Мольер Ришелье кўчасига кўчиб ўтган.

*1673 йил, 10 феврал – «Сохта касал» комедиясининг Пале-
Рояль илк номойиши бўлган. Бунда Мольер Арган ролини
ижро этган.*

*1673 йил, 17 февраль – «Сохта касал» комедиясининг 4-на-
мойиши вақтида Мольернинг тамогидан қон оқа бошлаган,
унга Ришелье кўчасида жойлашган уйига етиб олишига ёрдам-
лашишган.*

*1673 йил, 18 февраль – Мольернинг хотини Арманда Па-
риж архиепископи ва Қиролдан Мольерни урф-одатларга кўра
дафн этишга рухсат олган.*

*1673 йил, 21 февраль – Мольернинг тобути Муқаллас Иосиф
қабристонига олиб борилган.*


*1673 йил, 24 февраль – Мольернинг труппаси Пале-Рояльда
«Мизантроп» комедиясини қўйиши билан, театр ўз ижодини
қайтадан бошлаб юборган.*

*1673 йил, 21 март – Мольер ўлимидан сўнг унинг труппа-
сига хотини Арманда раҳбарлик қила бошлаган: Жаноб Мол-
ьернинг 17 жилдлик асарлар тўплами нашр қилинган.*

*1674 йил – Парижда Мольер хокининг экслумация қилин-
ганлиги тўғрисида миш-миш тарқалган.*

*1677 йил, май – Мольернинг хотини Арманда актёр Генера
д'Этришега турмушга чиққан.*

*1680 йил, 21 октябр – Мольер труппаси «Бургунд меҳмон-
хонаси» труппаси билан бириккан. Шу тариқа «Комеди фран-
сез» вужудга келган.*



Жан де Лафонтен
(1621–1695)

ЖАН ДЕ ЛАФОНТЕН

МАСАЛЛАР



ХИКМАТЛАР

«Хақиқий буюклик ўзни бошқара олишдадир!»

Лафонтен

ЖАН ДЕ ЛАФОНТЕН – БЮОК ФРАНЦУЗ МАСАЛЧИСИ

*М*асал бадиий жанр сифатида қадимги даврдаёқ пайдо бўлган. Бунинг учун Эзоп¹ ва Федр² исмларини эслашни ўзи кифоя. Шеърий масал насрый масалдан анча кейин вужудга келган. Биз севиб ўқийдиган масал шаклига келсак, бу албатта буюк француз шоири Жан де Лафонтен томонидан нашр этилган. Дарҳақиқат, Лафонтен нафақат шеърий масалларни, балки достон, роман, қасида, манзума (баллада), комедия каби бошқа адабий жанрларда ҳам қўпгина асарлар яратган. Унинг ижод маҳсулларини замондошларидан тортиб ҳозирги кундаги ишқибозларгача юқори баҳолаб келади. Хусусан, шеър санъатининг чўққисигача чиққан масал жанри шоирга абадий шуҳрат ва мангубон-шарафлар олиб келган.

«Лафонтен француз тилининг мутлақ мўъжизасидир»³, деб ёзади таникли француз юристи Филипп Малори. Француз ёзувчиси Андре Жид (1869–1951) «Бўри ва қўзичоқ» масали тўғрисида айтганларини Лафонтеннинг барча масалларига нисбатан қўллаш мумкин: «Кутилмаган янгилик, ишорали бўлмаган на бирорта ортиқча сўз, на бирорта ортиқча чизги ва на ортиқча гап бор. Шунчаки аълодир»⁴. Олмон адаби Гёте эса,

¹ Эзоп (мил.ав.VII–VI асрлар) – юнон яримафсонавий масалнависи.

² Федр (мил.ав. 10 йил-милодий 54) – Македонияда туғилган, лотин масалчisi.

³ Philippe Malaurie. Droit et littérature. Une anthologie. – Paris: Editions Cujas, 1997. – P.100.

⁴ Gide A., Journal, 22 mai 1943. – Paris: – Pléiade, id. 1954. – P. 243.

шундай деган: «Лафонтенин французлар поэтик хизматлари учун эмас, балки асарларида яққол намоён бўлиб турган шахсиятнинг улуғворлиги учун юксак қадрлашади»¹. Содда ва хуш оҳангли бундай шеърни француз тилида учратиш мушкул.

Тилнинг билурдек жарангдорлиги ва покизалиги, енгил хуш-оҳанглиги, жозибали шоироналигининг ҳуқуқ билан қандай алоқаси бўлиши мумкин? Лафонтен ҳаёти шу даражада беозорки, бу ҳақда кўп гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Содда ҳаётига қарамай, машҳурлиги бекиёс. Балки шу боис ҳам, ҳатто Фарбда Лафонтен «Французлар Гомери» деган юксак номга эришгандир. Рус масалчи шоири И.А.Крылов Лафонтен асарларидан кенг фойдаланганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Француз масалнависи Жан де Лафонтен 1621 йилнинг 8 июлида Франциянинг Шампань провинциясидаги Шато-ТЬерри шаҳарчасида дунёга келган. Унинг отаси ўрмон бошқармасида хизмат қилганлиги сабабли, Лафонтен ёшлигини ўрмон ва далаларда ўтказган. Маънавий дунёқарашини кенгайтириш мақсадида 20 ёшида ораторианцлар иттифоқига, яъни католик динидаги апостоллар жамиятига кирган, лекин қўпроқ фалсафа ва шеърият билан шуғулланган.

Лафонтеннинг ҳуқуқий таълим олганлиги тўғрисида кўп маълумот сақланмаган. Бироқ кам бўлса-да, унинг таржимаи ҳоли имкон қадар ўрганилган. Масалан, Пьер Кларак, Авгюстен Кабанес кабилар Лафонтен ҳаёти ва ижоди ҳақида китоб ёзил, ўз ҳиссаларини қўшган бўлсалар, Данъел Винь эса, Жан де Лафонтеннинг ҳаётида кескин ўзгаришга олиб келган 1661 йилнинг 5 сентябри ҳақида хужжатли фильм тасвирга олган.

Монпелье шаҳридаги Фан ва Адабиёт академиясида 2009 йилнинг 12 октабрида Лафонтен масалларига бағишланган адабий тадбир бўлиб ўтган. Унда француз ҳукуқшуноси Жан Илер Лафонтен масалларида ҳуқуқ масаласи бўйича маъруза ўқиган. Унинг таъкидлашича, Лафонтен 1637–1641 йиллар

¹ Эккерман И. – П. Разговоры с Гёте в последние годы его жизни / Перевод с нем. Н.Ман. – М.: Художественная литература, 1986. – С.118.

мобайнида ҳаваскор сифатида ҳуқуқ илмига қизиқиб, юридик таҳсил олган. Лафонтен фақатгина 1649 йилга келиб адвокатлик дипломини қўлга киритган ва авдокатлик идорасига ишга қабул қилинган. Аслида, ҳуқуқшунослик касби унга оиласвий одат сифатида келган¹.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда Лафонтеннинг жонажон шаҳри Шато-Тъеррининг Интернет тармоғидаги саҳифаларидан бирида, навқирон Жан 1645 – 1647 йиллар давомида Париж шаҳрида дўстлари – француз шоири ва таржимони Франсуа Мокруа ҳамда француз шоири, масалнавис ва тилшунос Антуан Фюретьер билан биргаликда ҳуқуқшунослик бўйича таҳсил олганликлари ҳақида маълумотлар келтирилган².

Бошқа бир манбада келтирилишича, Лафонтен 1645 – 1647 йилларда Франция пойтахти Парижда ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таҳсил олиб, аъло баҳолар билан битирган, 1649 йилда адвокатлик дипломини олган ҳамда Париж Олий судида адвокатлик лавозимиға сазовор бўлган ва бир муддат ушбу вазифада ишлашга ҳам улгурган. Ёш ҳуқуқшунос-адиб «Давра суҳбати» номи билан машҳур замонасининг кичик бадиий академиясининг аъзоси ҳам бўлган³.

Лафонтен маълумоти бўйича юрист бўлганлиги, унинг асарларида ҳуқуқий масалалар моҳирона ёритилганлигини Пуатье университети илмий ходимларининг бу борада олиб борган изланишлари ҳам тасдиқлайди. Уларнинг фикрига кўра, унинг юристлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Мазкур тадқиқот натижаси сифатида «Жан де Лафонтен юристми? Ёхуд ҳуқуқ нури остида сара масалларни ўқиш завқи»⁴ номли китоб нашр этилган.

1647 йилда Лафонтенга отаси ўз лавозимини берган ва 14

¹ Académie des Sciences et Lettres de Montpellier. Le droit dans les fables de La Fontaine par Jean HILAIRE. Séance du 12 octobre 2009. – P.295.

² <http://www.la-fontaine-ch-thierry.net/biographie.htm>

³ http://fr.wikipedia.org/wiki/Jean_de_La_Fontaine.

⁴ Jean de La Fontaine juriste: Lecture de fables choisies à la lumière du droit. Université de Poitiers. Thesa Nostra. – Paris: «Edition LGDI» – 2010. 335 pages.

ёшли Мари Эрикарга уйланишга күндириган. У ўзини янги оилас-
вий ва хизмат мажбуриятларига енгилтаклик билан қараган
ҳамда тез орада Парижга жўнаб кетиб, умрининг охиригача
Парижда дўстлари, муҳлисалари орасида яшаган.

Хотини Марига ёзган хатлари сақланиб қолган бўлиб, ўзи-
нинг кўпчилик романтик асарлари сингари жудаям нафис ва
ишончли ёзилган.

XVII асрнинг 50-йилларида Париж парламентида бош про-
курор бўлган француз давлат арбоби **Никола Фуке**¹ масална-
вис адибни ўз ҳимоясига олиб, унинг ижод қилиши учун ша-
роит яратиб берган.

Лафонтен дастлаб 1665 йилда ўзининг «Ҳикоялар ва новел-
лалар» китобини нашр эттириб, ном қозона бошлаган. 1668
йилда унинг «Масаллар»и машҳурликнинг юқори чўққисига
кўтарган. Лафонтен масаллари 1668 йили 6 жилд, 1678 йили
11 жилд, 1694 йили якуний 12 жилд китоб бўлиб босилган ва
жамоатчиликнинг жуда юксак баҳосини олган².

Адибнинг шахсий ҳаёти ҳам асарларига ўхшаб кетади: но-
зик жозиба ва соддадилликка тўла ҳаяжонлидир. Унинг оила-
си фалати бўлган. Турмуш ўртоғи содда ва оддий, отаси эса,
ярамас киши бўлган. Бунинг устига доимий бўлмаса-да, маъ-
шуқаси ҳам бўлган.

Жан де Лафонтен 1695 йил 13 апрелда 75 ёшида Парижда
оламдан ўтган.

Одоб-ахлоқ мавзуси Мағрибу Машриқ заминида бир хил
тусга эга. «Лафонтенча» ҳикоялар қадимий Юнон ва кўхна

¹ Никола Фуке (Nicolas Fouquet, 1615–1680) – француз давлат арбоби, Ви-
конт де Во, маркиз де Бель – Иль. 1650 йилда Париж Парламенти Бош проку-
рори бўлган. Кардинал Мазаринининг севимли арзандаси бўлган Фуке 1653
йилда Молия вазири этиб тайинланган. 1664 йилда давлат тўнгариши ва давлат
мулкини толон-тарож қилишда айбдор деб топилган ва умрбод озодликдан
маҳрум этиш жазосини берган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Фукега қамоқ-
хонада темир ниқоб тақилган бўлиб, машҳур Темир ниқоб ҳақидаги афсонага
унинг тақдиди сабаб бўлган. Никола Фуке қамоқхонада вафот этган.

² Жан де Лафонтен «Чин дўст топилса...». / Ҳусниндин Шарипов таржи-
маси // Жаҳон адабиёти. 2001, №12. – 3–9-бетлар.

Ҳинд зарбулмасаллари, доно ҳикматлари, мажозий эртакларидан илҳомланиш самарасидир. Бироқ Жан-Жак Руссо унинг масалларида ҳар доим ҳам одоб-аҳлоқ муаммоси холис талқин этилмаган деб ҳисоблаган.

«Ҳамма болаларга Лафонтен масалларини ўргатамиз, уларнинг бирортаси ҳам буни эшитмайди. Эшитганида янада баттар бўларди, чунки ўз ёшига нисбатан одоб-аҳлоқ муаммоси шу даражада чалкашки, уларнинг болаларга фойдасидан кўра зарари кўпроқдир,»¹ – деб ёзган Жан-Жак Руссо.

Бир кўринишда Лафонтеннинг сиёсий қарашлари қисқа ва жўндири. Чунки у ҳеч қачон давлат ҳокимияти вакиллари билан ёқа ушлашгacha бормаган. Бундан ташқари, у ўз қарашларини ҳимоя қилиш учун кураш олиб боришдан йироқ бўлган. Тўғри, Никола Фуке, яъни Лафонтеннинг юқори турувчи мансабдор дўсти бўлган. Бироқ бундан фаразли ниятда фойдалangan бўлиши мумкин дегани эмас. Масалан, сиёсий қарашлари тўғрисида «Кўршапалак ва икки ариқ сичқони» номли масалидаги қуйидаги парчага эътибор қаратиш мумкин:

«Мен қушман, қанотларимга боқинг,
Мен сичқонман, яшасин қаламушлар!
Донишманд айтар, одамларга қараб:
Яшасин Қирол, яшасин Лига² чилар!»

Шунингдек, масаллар бўйсуниш, бир гапдан қолиш ва хушиомадгўй бўлишга чақириши билан бир қаторда, катта гапирмаслик ёки ваъда бермасликни ҳам ўргатади:

«Гапириш яхши, жим туриш ундан-да афзал,
Бироқ иккаласи ҳам ёмондир, гар бўрттирилса».³

¹ Rousseau J.– J., L'Emile: L. II, – Paris: Pléiade, – P. 352.

² Лига – диний урушлар пайтида француз католикларининг бирлаштирувчи сиёсий ва диний ҳаракати.

³ «Айиқ ва боғ ҳаваскори» масалидан парча www.idlf.com/lesfables/livreviii/loursetlamateurdesjardins.

Балки ушбу «бефарқыллар» остида Қирол Людовик XIV ҳукмронлигига, унинг қаттиқкүл сиёсатига ва ижтимоий тенгизликтің қарши танқидий назарлар бўлгандир. Дарҳақиқат, Шаҳзода Конде, Ларошфуко, де Лафайет хоним сингари Франциянинг обрўли одамлари Лафонтенниң яқин дўстлари бўлган. Бироқ Лафонтен фақатгина қироллик хонадони билан тўғридан-тўғри алоқа қила олмаган, чунки Людовик XIV енгилтабиат ва шоирлик мажбуриятини ҳис этмаган одамларни ёқтирган. Бу нарса Лафонтенни Француз академиясига аъзо бўлишини кечиктирган ва у Француз академиясига 1684 йилдагина аъзо бўлишга эришган.

Муаллиф нормаларга бефарқыллигига қарамай, қонунларга риоя қилиш тарафдори бўлган. Ўзининг масал ва ҳикояларидаги жамиятдаги ноҳақыллар, хусусан, «кичкина одамлар»га нисбатан адолатсизликларни кулгили қилиб, рангли бўёқлар билан чиройли тарзда тасвирлаган.

Гарчи Лафонтен ҳукуқ ва қонун, адолат ва ҳукуқшунослар каби юридик тушунчалар ҳақида сўз юритса-да, ҳукуққа нисбатан ишончсизлик кайфиятида бўлган. У бир оз ҳамма нарсадан ноумид ва гоҳ-гоҳида ўз-ўзига зид бўлиб, кучлилар адолатига қарши бўлган. Ҳокимиятга қарши, бироқ хушомадгўйлик тарафдори сифатида фаолият кўрсатган. Империализмга қарши бўлса-да, лекин зўрлик тарафдори бўлган. Адлия аҳлига, қалтис савдо ўйинларига, сиёсий ўзгаришларга (у ҳамма нарсага шубҳа билан қараган), никоҳга қарши бўлган. Аммо унда ўзи ва французларнинг ҳукуқий ҳиссиёти, озодликка содиқлик билан боғлиқ мантиқ яққол намоён бўлади.

Лафонтен ҳукуқий дунёқарашининг ўзига хос хусусияти шундаки, адаб антик дунё ҳукуқидан бошлаб Уйғониш даври ҳукуқигача ҳаволалар қилган. Шунингдек, унинг масалларининг марказий гоясини асосан хўжалик ва молия ҳукуқи билан боғлиқ саволлар ташкил этади¹.

¹ Académie des Sciences et Lettres de Montpellier. Le droit dans les fables de La Fontaine par Jean HILAIRE. Séance du 12 octobre 2009. P.296.

Лафонтеннинг ҳуқуқий дунёқараши қўйидагиларда яққол кўринади.

Биринчидан, ҳуқуққа нисбатан шубҳали (скептик) бефарқлик. Лафонтен на ҳуқуққа ва на адолатга ишонган. Унинг ишратпарастона шубҳали қарашларидан ташқари, қонунлар, судъялар ва мансабдорлар, қисқаси, барча инсоний муассасаларга нисбатан нафрат қайнаган.

Масалан, «Мушук, ариқ сичқони ва қўёнча» масалида бу яққол намоён бўлган. Кунлардан бир куни қўёнвой ўз тирикчилиги учун озиқ қидириб ўрмонга чиқиб кетади. Ўрмондан қайтиб келади ва инига кираман деса, не кўз билан қарамасинки, остонасидан ариқ сичқони мўралаб чиқиб, шундай дейди: «Нима сабабдан сўровсиз уйимга киряпсан?» Унга жавобан қўёнча: «Ахир, бу менинг уйим, бу ерда менинг отам, отамнинг отаси – бобом, бутун қўёнлар авлоди яшаган...». Ўрталарида келиб чиққан низони ҳал этиш учун, мушук қозига мурожаат қиласидар. Мушук уларнинг важини эшишиб, «замона зўрники» деган қарорга келади. Қиссадан ҳисса – мерос ва мулк ҳуқуқи ҳамда судъялар нимага, кимга хизмат қиласи? Жавоб: ҳеч нарсага, ҳеч кимга, баландпарвоз гапларни ҳисобга олмасак, кучсизлар кучлилар томонидан талон-тарож қилинишига хизмат қиласи.

Иккинчидан, ҳуқуққа нисбатан ноумид (пессимилик) муносабат. Лафонтен инсонлар ва кучлиларнинг ёвузлигига қарши кинояли кулги билан чиққан. Бироқ унинг қаҳр-ғазаби «қофозга ўралиб», икки маънолилиги кўринади: у мулойим анархистми, пассив скептиклиги ноумидми ёки Людовик XIV ҳукмронлиги остидаги комедиянинг шафқатсиз рассомими?

Бунинг учун «Одам ва илон» ҳикоясига мурожаат қилиш кифоя. Бир киши кўчадан сув илонини тутиб олиб шундай дейди: «Сен барча касофатларнинг, зиёну заҳматларнинг саббчисисан, сени ўлдирсам ёвузликни камайтирган бўлардим». Илон эса: «Ўлдиришингдан олдин, инсонлар илонлардан ҳам кўра заарлилигига ишонч ҳосил қилдирмоқчи-

ман, шунинг учун бошқа мавжудотлардан сўраб кўрайлик», — дейди. Улар сигир, буқа ва дараҳтдан сўрасалар, инсон қай даражада заарли эканлигини, ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсани аямасликлари, фойдаланиб бўлгач, қадрсизлаб ташлашларини таъкидлайдилар. Бироқ ҳикоя якунида, инсон шунча далилу исботларга қулоқ солмай илоннинг бошини янчиб ташлайди.

Учинчидан, Лафонтен кучлиларнинг ноҳақ адолатига қарши бўлган. «Вабонинг касал ҳайвонлари» масали кучлилар ноҳақлиги тўғрисидаги ҳажвиянинг энг аччиғи ва ғоят шафқатсизидир. Бу тарихсда машҳур бўлган, даҳшат ва ҳокимиятни аралаштирган аср ҳақида. Ушбу масалнинг холосаси ҳафсалани пир қиласиган бўлиб, ҳануз минтақалар ва асрлар ошиб келмоқда: «Бой ёки камбағал бўлишингизга қараб, Сизга қора ёки оқ деб судда ҳукм чиқарилар»¹.

Тўртингидан, Лафонтен ҳокимиятга қарши, бироқ хушомадгўйлик тарафдори бўлган. «Шер суди» масалида Лафонтен мутлақ ҳокимиятга қарши чиққан, лекин хушомадгўйликка ҳамду санолар айтган. Бу нимани англатиши мумкин? Балки бу шоир эркинлигининг ва унинг ички қарама-қаршилигининг ниқобидир??

Бешинчидан, Лафонтен империализмга қарши, лекин зўрлик тарафдори бўлган. Лафонтеннинг сиёсий қарashi икки маънолидир, яъни унинг оилавий қарашлари сингари, воситали ўзгарувчан ва зиддиятлар билан тўладир. Лафонтеннинг мухлислари унда ҳам зўрлик сиёсати, ҳам кучсизлик сиёсатини қораловчи муфассал сиёсий онг диалектикасини кузатганлар. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда «империализм» деб номлашимиз мумкин бўладиган Людовик XIV нинг зўрлик ва босиб олиш сиёсати билан кураш адабнинг «Дунайлик деҳқон» ҳикоясида намоён бўлади. Рим империяси ва дунайлик деҳқон мавзуси

¹ «Selon que vous serez puissant ou misérable, Les jugements de cour vous rendront blanc ou noir» / Қарант: Jean de La Fontaine. Œuvres complètes. Tome I. Fables — Contes et nouvelles. — Paris: Pléiade, 1991. 1728 pages.

орқали мустамлакачиликнинг салбий оқибатлари очиб берилган. Лекин «Балиқлар ва найчи чўпон» масалида сиёсий одобахлоқ умуман бошқача: зўрликни куйлаб, кучсизлик сиёсатини айлаш орқали ёритилган.

Олтинчидан, Лафонтен адлия аҳлига қарши бўлган. Ҳар бир адабиётда, айниқса, ҳуқуқшунослар, тарихчилар ва файласуфлар ижодида қонун одамларига қарши айблов ҳукмини учратиш мумкин. Лафонтен ҳам уларнинг виждонсизлиги, ноаниқ тили, очкўзлиги, беҳудалиги, сустлиги, қаллоблиги, аҳмоқлиги, қисқаси, барча камчиликларга қарши исён кўтарган¹. Суд аҳли дунёсининг жуда фамгин кўринишини ифодалаган. Лафонтен шу даражада халқ ҳиссиётига яқин бўлганки, эндиликда у мулоим эмас, балки судъяларнинг қармоғига илингандан кичиклар ва кучсизларнинг ҳимоячиси сифатида намоён бўлган. Бу «**Устрица² ва иккита йўловчи**» масалида яққол намоён бўлади.

Еттинчидан, Лафонтен қалтис савдо ўйинларига қарши чиққан. Иқтисодий ғоялар, ердорлар масалалари, қишлоқ хўжалигида жамият ва инсон муносабатлари, капиталистик мафкура ва таваккалчилик оқибатлари каби мавзуулар Лафонтен масалларининг аксариятини ташкил қиласди.

Бундай саноқсиз мисолларнинг кўпини келтириш мумкин, чунки бу доимий муаммо бўлиб келган: «**Этикдўз ва молиячи**», «**Кўшчи ва унинг болалари**», «**Балиқча ва балиқчи**», «**Айиқ ва икки ҳамроҳ**» ҳикояси эса, аллақачон ҳикматли зарбулмасалга айланишга ултурган: «**Ерга йиқитилмаган айиқнинг терисини баҳолаб бўлмайди**³ ёки «**Чўпон ва денгиз**» масалидаги денгиз саргузашти ва шу кабилар...

Буларнинг ичida **«Сутчи ва сут кўзаси»** ҳамда **«Ниначи**

¹ Académie des Sciences et Lettres de Montpellier. Le droit dans les fables de La Fontaine par Jean HILAIRE. Séance du 12 octobre 2009. P.296.

² Устрица – моллюскалар оиласига мансуб денгиз чиганоғи.

³ «Il ne fait jamais vendre la peau de l'ours qu'on ne l'ait mis par terre» / Карант: Jean de La Fontaine. Œuvres complètes. Tome I. Fables – Contes et nouvelles. – Paris: Pléiade, 1991. 1728 pages.

ва чумоли» масали алоҳида эътиборга молик. Биринчисида, хаёлпарастликнинг қуруқ ўзи салмоғли фойда келтирмасдан, аксинча, зарар етказиши ҳам мумкинлиги ҳикоя қилинади. Иккинчисида, таваккалсиз иқтисод, ҳаёт гарови сифатида меҳнатсеварликни мақтаб, майшатбозлик ва ишрат-парастликни қоралайди. Дарвоҷе, кўпгина адабиёт танқидчилари «**Ниначи ва чумоли**» асарини икки маъноли деб баҳолайдилар.

Масалан, XVII аср ва риторика тарихи бўйича мутахассис Марк Фумароли кабилар ушбу масал сиёсий ва тарихий мазмунга эга десалар, яна айрим гурӯҳ адабиётчилар уни ижтимоий характерли масал деб ҳисоблайдилар. Тарихий ва сиёсий жиҳати шундаки, Лафонтеннинг ўзи ҳам бир вақтлари дўсти Фуке ҳимоясида бўлган (ниначи – ҳомийлик намунаси сифатида) ва Кольбер¹ танқиди (мафтункор тафаккурни ўрнатмоқчи бўлган чумоли) остида қолган. Бунда ижтимоий мазмун ҳам мавжуд, яъни енгилтакликтин қоралаб, камбағаллар, бева-бечоралар тарафи олинади. Демак, кучсизларни ҳимоя қилиш – фуқаролик ҳуқуқининг одатий мавзуларидан бири саналади.

Саккизинчидан. Лафонтен сиёсий ўзгаришларга қарши бўлган, анархистлик қон-қонига сингиб кетган Лафонтен барча ўзгаришларга нафрат билан қарайдиган консерватор ҳисобланган. Нима учун? Балки унинг бепарволиги, пессимистылиги ва ҳар нарсага шубҳа билан қараваш сабабдир. Бу саволларга унинг **«Бош ва илон думи»** масалини ўқиб жавоб топиш мумкин. Эришилган ютуқлардан ҳурматдан бошқа нарсага сазовор бўлиш мумкин эмас: эришилган ҳуқуқлар ва эришилган имтиёзлар консерватизмнинг бир хил асоси эмасми? Яъни ушбу масалнинг асосий ғояси шундан иборатки, илонда бир-бирига душман икки аъзо, Бош ва Дум, бирининг имтиёзи

¹ Жан-Батист Кольбер (1619–1683) – Мазарини томонидан тавсия этилган, Людовик XIV хонадонида давлат котиби, Фукени ишдан ағдаришга ҳисса қўшган француз давлат арбоби.

иккинчисининг мажбуриятига айланади. Шу боис ҳам, Дум Худога нола қилиб, нима учун бир танада бўлиб Башга хизмат қилишини сўрайди.

Тўққизинчидан, Лафонтен никоҳга қарши чиққан. Лафонтен саёқ одам каби никоҳ ҳақида доимо салбий фикрда бўлган. Унинг нуқтаи назарига кўра, никоҳ барча низоларнинг манбаидир. Адид ҳатто бу ҳақда «**Низо**» номли сатира ҳам ёзган. Эркин муҳаббатга шайдо бўлиб, меланхолик жозиба билан «**Икки кабутар**» масалини битган. Унда вақт фаниматлиги, бир шоҳда турмасдан бошқа шохларга ҳам учиб, бошқа ка-бутарлар билан ҳам дон олишиб туриш каби енгил ҳаётга даъватлар кузатилади. Шунингдек, қасамга содиқ қолиб, дунё гўзаллигидан бебаҳра қолган кабутарнинг аҳволини масхара қилган.

Ўнинчидан, Лафонтен эркинлик тарафдори бўлган. Буюк асрда яшаган индивидуалист Лафонтен учун озодлик энг муқаддас тушунча ҳисобланган. Бу унинг «**Бўри ва ит**» масалида куйланади. Қоқ суяги ва терисидан бошқа нарсаси қолмаган бўривой бўйни занжирли, бироқ этли кучуквой билан учрашиб қолиб мунозарага киради. Ит ўз ҳаётини мақташ билан овора бўлиб, бўрини ўйлантиришга мажбур қиласади. Бироқ сухбат якунида бўйнидаги занжирни ва бемалол югура олмаслигини кўриб, озғинликни эркинлик безатишига амин бўлади.

Лафонтеннинг эркинлик ҳақидаги қарашларга содиқлиги Людовик XIV замонасида ноанъанавий бўлиб қолишига олиб келган¹. Чунки ушбу авторитар сиёсий, диний ва маданий кучли давлатда Лафонтен ўзининг ҳукуматга ички қаршилигини гоҳ-гоҳида намоён қилиб қўйган. Бу фикрнинг исботи «**Қариб қолган шер**» масалида ўз аксини топган.

Шундай қилиб, азбарои ҳуқуқ тўғрисида сўз юритилаётганлиги учун Лафонтен ҳикояларига унчалик шайдо ҳам бўлмасдан, унинг жозиба денгизига фарқ ҳам бўлмайлик. Анар-

¹ Fumaroli M., Le poète et le roi. Paris: De Fallois, 1997.

хистлар ҳуқуқ ҳақида ҳар доим кўп гапирганлар. Ҳатто ҳозир ҳам, анархистлар гурӯҳи бир-бирлари билан уюшмалар тузиб, масалан, давлат идораларига мурожаат қилиб, никоҳсиз оила тузишнинг ҳуқуқий мақомини тасдиқлашни талаб қиласидилар. Бироқ Лафонтеннинг ҳуқуқий қарашлари унинг масаллари каби жуда жўн ва соддадир. Айримлар унинг сиёсий ва ҳуқуқий дунёқарашини бошқача талқин қиласидилар. Масалан, Лафонтенда замонасасинингadolatcizligi, ваҳшийлиги ва авторитаризмининг яширин танқидини кўрадилар.

Лафонтен скептик консерватор ёки чақон реформатор бўлган деган фикрлар зиддиятига аҳамият бермаслик лозим. Чунки у Шекспир ва Монтењ, Мольер ёки Достоевскийлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган адиллардан бири ҳисоблашишининг ўзи кифоя.

Буюк француз масалнависи ижодининг жаҳон адабиётига таъсир даражасини ошиб юбориш мумкин эмас. Бугунги кунда дунёда Лафонтен руҳиятида яратилган масаллар бўлмаган миллий адабиётни топиб бўлмайди.

*A.X. Сайдов,
профессор*

МАСАЛЛАР¹

ЭРКАК, АЁЛ ВА ЎФРИ

Қачонлардир бир эр бор эди,
Ёрин севиб баҳтиёр эди.
Фақат гоҳо эзарди хаёл –
Чунки уни севмасди аёл.
Бўлмаса-да, эгрими-ёвуз,
Бу аёлнинг бағри эди муз.
Бир тош эди умрида худли,
Ўтдек ёнмас эди вужуди.
Гоҳ-гоҳида ўқинарди эр –
Хотини ҳам севса нетарди?
Уй бир бўлгач, ёстиқ бўлгач бир,
Наҳот, бўлак уларнинг дарди?

Шу тахлитда улар ҳаёти
Ўзгармасдан, кўп кунлар ўтди.
Бир кун эрни қаттиқ эзди фам,
Юрак-бағри куйиб ниҳоят –
Севмайсан, деб ёрига шу дам
Дил-дилидан қилди шикоят.
Кутмаган ҳол...
Айни шу замон,
Очилганча эшик ногаҳон –
Ўфри уйга кирди бостириб.
Хотин қўрқиб, йўқотиб ўзин,

¹ Жан де Лафонтен. Масаллар / Омон Мухтор таржимаси // Жаҳон ада-
биёти. 2008, № 5. – 127–130 бетлар.

Титраб эри пинжига кириб
 Шивирлади: «Жоним, азизим!»
 Буни кўриб, эрга кирди жон,
 У ўгрига деди: «Ошнажон,
 Яхши одам экансан! Ахир,
 Менга сен баҳт келтирдинг бу кун.
 Олгинг келса уйдан нимадир,
 Олавергин! Ана, пул, тугун.
 Истаганинг олгин bemалол!»
 Ўғри уйни шипирди ҳалол...

Бу қиссадан нима ҳисса бор?
 Демоқчиман, кўрқишлиқ ёмон.
 Муҳаббатга ва лекин зинҳор –
 У яратиб бермайди имкон.
 Муҳаббатдир ўзгача. Иймон.
 У бўлолмас бошга тушган қор!

Эшитганман, қай бир девона –
 Қучсин, дея ўзини ёри
 Ўт қўйибди. Ва ўтдан хона,
 Хонадаги жамики бори
 Куйиб битган бекордан-бекор.
 Уни зарра севгани йўқ ёр.
 Бундай ҳоллар доим муваққат,
 Бошқа нарса, дўстлар, муҳаббат!

МАЙМУН

Яшар эди Парижда маймун,
Уйлантириб қўйиши бир кун.
У кўрганди... Эгаси, бир эр –
Хотинини қилиб қора ер,
Урап эди эрта-кеч. Шундан,
Тўғри қилиб балки, деб, Одам –
Ўз қавмига бизнинг маймун ҳам
Қўл кўтарди уйланган кундан.
Дўппосларди қаттиқ, ваҳшийвор.
Хотини-чи? Қулаб bemador
Ўлиб қолди калтакдан бир кун...
Иккинчи бор уйланди маймун.
Яна ўша, кибрли турар –
Хотинми, бас, кутуриб урап...
Бу кун бизнинг тақлид «дарди»дан
Қутулмаган ёзувчилар кам!
Бироқ мундоқ, дейиш шартмикан? –
Қаршингдаги буюк бўлса ҳам...

ДЎКОНДОР ВА ЭТИКДЎЗ

Бир дўкондор бўлар эди. Қасри-саройда
Яшар эди. Ичгани бол, пичоги мойда.
Базми жамшид қуарди у, кўрсанг, эрта-кеч,
Унинг йиққан мулки эса, тутамасди ҳеч.
Даргоҳида тўкин эди емак ҳам, май ҳам,
Бу даргоҳни ноз-неъматда жаннат десанг кам.
Дўкондорни қийнар эди на дард, на оғриқ,
Унга худо берган эди метиндек соғлиқ.
Уни фақат...
Қийнар эди биргина қайғу –
Тунлар аксар кўзларидан қочарди уйқу.
Хўш? Тинчини йўқотди у нима балодан?

Кўрқадиган жойи борми сувдан, оловдан?
 Бирор билмас...
 Негадир у топмасди ором,
 Унинг руҳи аллақандай безовта мудом.
 Гоҳ тун бўйи мижжа қоқмас. Ниҳоят, сахар
 Кўзи кетар ва албатта, янги дардисар –
 Ухлашига халал берар....Боисин айтсак,
 Ён қўшниси ашулага ишқибоз андак –
 Ётоқхона ойнасига рўпара ойна
 Орқасида ўтиради этикдўз, ана.
 У камбағал. Уй-маскани хароба, бироқ
 Ҳеч фами йўқ. Илк саҳардан ўчгунча чироқ –
 Ашулани авж пардадан туширмайди у,
 Дўкондорга кундузи ҳам бермайди уйку.
 Дўкондор кўп ўйлаб юрди: не қилса агар,
 Бетартиб бу «вадаванг»дан қолмайди асар?
 Жанжаллашса, обрў кетар, бундан қилар ор,
 Илтимос-чи? Илтимос ҳам ўтмайди. Бекор!
 Боши қотди...
 Излаб-топиб ақалли бир сўз,
 Ҷақиририди у қўшнини.
 Келди этикдўз.
 – Ишлар қалай? Саломатлик? Жон биродарим!
 – Раҳмат, хўжам, ёмон эмас менинг ишларим!
 – Турмушинг-чи, биродарим, азиз дўстгинам?
 (Бундай пайтда бирор бўлмас марҳамати кам!)

– Турмушим ҳам ёмон эмас, Худога шукур!
 – Мен кузатдим, сен яшайсан худди тараңг тор,
 Кайфиятинг доим аъло, машқинг жарангдор...
 – Буниси рост. Ҳаётимда ҳаловат-хузур!
 Куним ўтар менинг меҳнат билан. Билмайман тиним.
 Бундан бўлак, ёш ва дилкаш менинг хотиним.
 Сизга айтсам, кимнинг бўлса хотини дилкаш,
 Тунми, кунми бўлмас унинг юрагида фаш.
 – Топган пулинг етарлими яшамоқ учун?

— Ўйлашимча, ўз ҳаддини агар билса ким,
Бу дунёда бўлмас унда ортиқча чиқим.
— Демак, дўстим, бой бўлишга майлинг йўқ бу кун!
— Менинг учун неки бордир қўлимда, басдир,
Лекин, хўжам, одам зоти бемайл эмасдир.
Бу дунёда тартиб шудир, одатда инсон
Яшолмайди қимириламай, бегам-беармон.
Сен бадавлат бир кишисан. Аммо сенга ҳам
Биламанки, бор давлатинг кўринади кам.
Мен ҳам бир оз бойроқ бўлсам, қилмасди зиён.
— Баракалла. Гапни дангал айтдинг, биродар,
Ҳаёт экан! Биров бой-у, қашшоқ бировлар.
Гарчи дерлар, камбағаллик айб эмас, бироқ
Одам учун бой-бадавлат бўлган яхшироқ!
— Сен бор гапни гапирганинг хуш ёқди менга,
Мана, сенга бир халтacha олтин. Мукофот.
Худо қўллаб, орадан кўп ўтмасдан, сенга —
Ишонаман, насиб этар тўкин-тинч ҳаёт!
Мана, сен ҳам бойсан энди. Қўлингда олтин,
Аммо уни асраш керак ҳаммадан олдин.
Совурмагин. Қара, бир кун бу беш юз танга
Эҳтимолки, керак пайтда ярайди сенга...
Шундан кейин, дўкондорга айтмай ҳеч бир сўз,
Олтин билан ўз уйига кетди этикдўз.
Халтачани этагига эҳтиёт ўраб,
Ўз-ўзидан қўрққанича ўнг-сўлга қараб —
Уйга келди.
Ерга кўмди олтинни шу дам,
Ерга кўмди олтин билан...
Ўз тинчини ҳам!
Куйламасдан қўйди энди. На завқ, на уйқу —
Безовталик балосига дучор бўлди у.
Типирчилаб, кундан-кунга қуриди шўри:
Уйдан-уйга мушук ўтса агар бемаҳал
Ёки тунда эшик-ойна фижирласа сал —

Үйлардики, келаяпти ёвуз бир ўғри.
Кулоги динг. Боши гаранг. Хаёл паришон,
Хар томонга югуради, ҳалқумида жон.
Хуллас, турмуш чиқди издан ваҳима босиб...
Кунлар ўтиб, ҳушин йифди ниҳоят, косиб.
У олтинни ердан олиб, ўраб этакка,
Кириб борди, қўшнисини яна кўрмакка.
Дўкондорга қайтиб берди мулкни этикдўз,
Мийигида кулганича сўнгра қотди сўз:
— Раҳмат, хўжам, олтин менга бўлди дардисар,
Мен олдинлар фароғатда эдим нақадар,
Камбағалга асло тўғри келмаскан олтин
Мени тинч қўй, ўзинг уни яхшиси олгин.
Менга билган ашула-ю, уйқуга эваз —
Бошқа нарса бу дунёда керак ҳам эмас!

ЧИН ДЎСТ ТОПИЛСА¹

Сукрот ҳаким дейдики...

Уй қурибди бир вақт Сукроти ҳаким,
Сўнг фикрин айтибди у ҳақда ҳар ким:
Шундоқ зўр инсонга бундоқ фариб уй
Асло ярашмайди, дебди баъзилар;
Кимдир, кўриниши яхшимас, дебди;
Кўплар «Шу ҳам уйми, бошинг айланса,
Кетинг айланмайди» дебди рўйи рост.
«Эҳ-ҳе, кошкийди, — деб кулибди Сукрот, —
Шу уйга сиққудек чин дўст топилса...
«Донишманд ҳақ эди: уйи ростдан ҳам
Асил дўстлар учун кенг эди анча.

¹ Жан де Лафонтен. «Чин дўст топилса...». / Ҳусниддин Шарипов таржимаси // Жаҳон адабиёти. 2001, № 12. – 3–9-бетлар.

Ҳар «дўстман» деганга ишонмоқ бекор:
Дўст бўлиб кўриниш қийинмас зарра,
Ҳақиқий дўст эса, ноёб минг карра.

Ошиқ шер

De Севиние хонимга

Эй, гўзаллик маъбудаси ҳам
Ҳавас қилган Севиние хоним, –
Дунёда энг кўҳлик туғилиб,
Бунга ҳатто парво қилмаган.
Барно инсон, оғир олманг ҳеч,
Кудратли Шер ширин муҳаббат
Тузогида не бўлганини
Сўзлаб берсак ушбу масалда.
Ҳа, муҳаббат – сирли ҳукмдор!
Бахти борлар унинг зарбини
Эшитсин-у, кўрмасин зинҳор!
Малол келса мабодо бу гап,
Жазосини беринг бир боплаб,
Бунга масал ўзи ҳам айбдор:
Сезган каби айбини, мана,
Келмоқда у, содик қул янглиғ
Ўпмоқ учун оёғингизни.
Бир маҳаллар барча ҳайвонлар
Бизнинг тилда сўзлашар эди.
Шер, хўп ўйлаб, одамзод билан
Ўрнатмоқчи бўлди қардошлиқ.
Дарҳақиқат, дўстлар, Шер зотин
Ақлу дониш, марди майдонлик
Ёки ҳусну чирой бобида
Бизлардан ҳеч ожиз жойи йўқ.
Натижага келсан, гап шуки,
Бир яйловда аслзода Шер

Кўриб қолди чўпон қизини.
 Қиз уйига совчи йўллади.
 Ота бундоқ даҳшатли куёв
 Кўрмоқни ҳеч қилмасди ҳавас;
 Жигаридан уриб муҳаббат,
 «Ҳа» деёлмас: ахир, қиз увол,
 «Йўқ» деса ҳам, охири завол.
 Бир кун тонгда отанинг ногоҳ
 Кўзи тушди ошиқ-маъшуққа:
 Қиз тўлғаниб Шернинг бағрида,
 Ёлдор куёв унинг соchlарин
 Тароқларди тирноқлари-ла;
 Бу жазманни ота ниҳоят
 Рад этмоққа қилди-ю қарор,
 Кўнгилдаги қатъий гапини
 Айлантириди шундоқ оҳангда:
 Менинг қизим бафоят нозик,
 Кучсанг, азоб чекиши мумкин
 Бесўнақай тирноқларингдан.
 Яхши кўрсанг, қўлларингга боқ,
 Тирноқларинг олдир аввало;
 Бўсалар ҳам ширин бўлсин, деб,
 Тишларингни каллаклатиб кел.
 Бундан фақат ўзингга фойда,
 Чунки қизим чўчиб ўлтирмас
 Сенга меҳр кўргузган чоғда».
 Ишқ ўтида адо бўлган Шер
 Розилигин биллирди жон деб.
 Тезда қайтди тиhsиз, тирноқсиз,
 Куроли йўқ қалъага ўхшаб.
 Энди ота итга талатса,
 Жанг қилгани ожиз эди у.
 О, муҳаббат! Домингга тушган
 Эс-хушидан ажralар мангу.

«Меъёр бўлгани яхши»

Дунёда беҳисоб тирик жон яшар,
Афсуски, меъёрдан бари бехабар.
Илоҳим белгилаб қўйган тартибга
Риоя қиласми барча?

Мутлақо:

Бу созми – носозми, ўйлашмас ҳатто!
Заркокил маъбуда Церера бизга
Инъом этган буғдой бирдан авж қилиб,
Ногоҳ ўз ҳаддидан ошиб кетади;
Яратмоқчи бўлиб беадад ҳосил,
Тупроқнинг жонини сўриб олади.
Дараҳт ҳам шошади кўркам бўлгани.
Уларнинг жиловин тортиб қўйгани
Худойим қўйларни ишга солади.
Қўйлар экинзорда еганича еб,
Колганини эса, пайхон қиласди.
Шунда парвардигор бўри юборар,
Қўйларни тартибга чақириш учун.
Бўри-чи? Қўйларга келтирас қирон.
Инсонга буюрар дарҳол худойим:
– Бўрини тинчит, – деб. Одам зоти ҳам
Ошириб юборар унинг амридан.
Жаҳонда жамики жондордан кўра,
Меъёрни кўп бузар одам боласи.
Унинг каттасидан кичигигача
Арзиди жазога тортилса дангал.
У – айбдор.
У «меъёр бўлсин» дейди-ю,
Асло ўз гапига қилмайди амал.

Бўри ва тулки

Билмадим, не учун ўз қисматига
 Шукр деб яшамас дунёда ҳеч ким?
 Лашкарбошиликка интилса сарбоз,
 Сардор сарбозликни қиласмиш ҳавас;
 Ҳаттоки бир тулки, эшитишимча,
 Бўри бўлмоқчиймиш... Ким билсин, дўстлар,
 Эҳтимол қайдадир қандайдир бўри
 Бўғилиб юргандир, қўй бўлмадим, деб.
 Ҳа, қизиқ ишлар кўп! Қаранг, Шаҳзодам
 Жиддий масал ёзар саккиз ёшида,
 Мен эса, ҳаётим оёқлаб, мана,
 Соқол оқарганда, ёзиб-чизганим
 Бир пулдир у зотнинг насири қошида!
 Шоир шеърларида кашф этилмаган
 Ёки фира-шира, ожиз сифатлар
 Жон олар Шаҳзодам масалларидан.
 Мақтовга у биздан кўпроқ муносиб.
 Менинг пешонамга ёзилгани – най,
 Лекин ич-ичимдан сезмоқдаманки,
 Мадҳ айламак учун қаҳрамонимни
 Тезда лозим бўлар карнай чалмоғим.
 Мен гарчи авлиё бўлмасам ҳамки,
 Само башоратин сезиб турибман,
 У зот мардлигини кўйламоқ учун
 Ҳали кўп Гомерлар бўлади даркор,
 Афсус, Гомерларга камбағалроқмиз.
 Энди, чўзвермай ҳадеб чистонни,
 Давом эттирамиз масални, келинг.
 Тулки шундай деди: «Неча ой-йиллар
 Тиррақи товуқ ва чандир хўроз еб,
 Ичларим шилиниб кетди, азизим.
 Сенинг емишинг соз, хатар эса оз:
 Мен эшиқдан кириб ов қиласам,

Сенинг ишинг битар яланг-яйдоқда.
Дўстим, хунарингни ўргат менга ҳам, –
Авлод-аждодимда ўзим илк бора
Бир маза қилайин бўрдоқи қўй еб.
Сўнг қилай ўлгунча дуойи жонинг».
«Жуда соз, – дер бўри. – Марҳум акамнинг
Терисин ёпиниб, қиёфанг ўзгарт».
Тулки шундоқ қилди. «Билиб қўй, энди,
Итдан қочмоқ бўлсанг, бундоқ
Бўри терисига ўралган тулки
Такрорлар устознинг сабоқларини:
Аввал қийналиброқ, кейин яхшироқ,
Сўнг яхши, ундан сўнг эса мукаммал.
Тугаб-тугамасдан сабоқлар, қаранг,
Пода пайдо бўлди. Шогирд бўри тез
У томон отилди ваҳима билан.
Бир вақтлар Ахиллнинг совутин кийиб,
Патрокл Трояда шундай қўрқитган
Ёш-қари аёллар, ожиз чолларни.
Бўри ҳам маъраган жониворларга
Юзтадек кўринар; пода, подачи,
Хатто итлар қочар қишлоққа томон,
Битта қўзичоқни қолдириб ортда.
Бўри босар уни. Қандайдир шу он
Келар қулоғига хўroz қўшиғи.
Пўстинни отиб. Қўзини қўйиб,
Унутиб устоз ва сабоқларни ҳам,
Тулки, оёғини қўлига олиб,
Товуқхона томон бошлайди ҳамла, –
Шунга қиёфасин ўзгартганмиди?
Қайтадан туғилмоқ – бекорчи ҳавас,
Бундайлар, зифирдек баҳона бўлса,
Аввалги изига қайтажак дарҳол.
Шаҳзодам, беқиёс ақлингиз менга
Ушбу масал учун бахш этди илҳом:

Сизга боғлиқ унинг мағзи-мазмуни,
Қиссадан ҳисса-ю, ҳар бир сўзи ҳам.

Ҳайвонларга қирон келганда...

Ердаги жамики гуноҳлар учун
Бирдан самовотнинг кўзиб ғазаби,
Ҳайвонот наслига ёғилди даҳшат,
Гапни қисқа қилсак, қирон келди-ю,
Ем бўла бошлади барча жонивор
Асфаласофиннаҳр тўлқинларига.
Ўлган ўлиб кетди, қолганлар титрар...
Юракка сифмасди қорин дардидা
Беш кунлик дунёда елиб-югурмоқ;
Бўри ҳам, тулки ҳам изгимас энди
Тотли ва бегуноҳ ўлжа изидан;
Унутиб шўхлик ва ишқивозликни,
Мусичалар бўлди қайгадир гумдон.
Шер кенгаш чақирди. Деди: «Дўстларим,
Ошиб-тошиб кетгач гуноҳларимиз,
Бизни жазолади, чамамда, само.
Энди, кимки кўпроқ гуноҳкор бўлса,
Ўзни қурбон этсин худо қаҳрига,
Асраб қолмоқ учун ўзгалар жонин.
Тариҳдан маълумки, бундай баҳшида
Келган балоларга бўлгай тўғоноқ.
Ҳамма сўроқ қилсин ўз виждонини.
Ўзим тан оламан, очкўзлик қилиб,
Менга ҳеч қанақа тили тегмаган
Қанча қўй-қўзининг бошига етдим.
Баъзан ямлаб ютдим
Қўйчивонни ҳам;
Мен қурбон бўлмоққа тайёрман, лекин
Аввал бошқалар ҳам айтсин айбини,

Негаки, ким кўпроқ гуноҳкор бўлса,
Ҳалол гап, биринчи ўша ўлажак».
«Ҳазратим, — деб Тулки бошлади сўзин, —
Қўй-қўзи аталган таги пастларни
Емоқ айб эканми? Шоҳим, уларни
Тишга босишингиз ўзи ҳурмат-ку!
Қўйчивонга келсак, айби ўзида,
Биз каби бечора жониворларга
Хўкмдорингман деб қиларди зуфум».
Тулки қуллуқ қилди, янгради қарсак,
Шундан сўнг айиқ ва арслон сингари
Кўп арбоблар айби суваб кетилди:
Худди фариштадек таъриф этилди
Уришқоқ, энг чатоқ ваҳший зотлар
Охир, навбат етиб, эшак сўз олди:
«Оҳ, ёдимга тушди — кунлардан бир кун
Узлатгоҳ ёнидан ўтаётгандим,
Очмидим ё шайтон йўлдан урдими,
Ўтлаб юборибман лунжим тўлдириб;
Хўш, ҳаққим бормиди, очигин айтсак?»
Бирдан тўрт тарафдан ғовур бошланди;
Бўри ҳакамона айлади талаб,
Бу куфр уяси бўлмиш ҳайвонни
Курбон келтиринг, деб, худо йўлига.
Айбни жиноят деб эълон қилди эл:
Ҳаромхўр! Уятсиз! Жазоси — ўлим!
Бу ҳукм ҳеч ҳазил эмаслигига
Тезда амин бўлди эшак ўзи ҳам.
Ҳаттоқи адлия иш юритган чоф
Заиф қора чиқар, кучли эса — оқ.

Ойдаги йиртқич

Бир файласуф фикрига кўра,
 Алдар эмиш доим ҳиссиёт;
 Иккинчиси қатъий рад этар,
 Ҳислар асло панд бермайди, деб;
 Иккови ҳам ҳақдир, менимча:
 Тўғри, ҳислар алдаши мумкин,
 Лаққа тушсак башоратига;
 Ниманингдир ҳақида ўйлаб,
 Узоқ-яқин, қандай муҳитда
 Эканини дурустроқ билсак.
 Сезгимизнинг қуроли нима,
 Ўзи қалай – билсак буни ҳам,
 Алдаёлмас бизни ҳеч нарса, –
 Бу борада табиат доно,
 Мана, тингланг ишонмасангиз.
 Ана – қуёш. Ердан қарасак,
 Уч қаричли доира холос.
 Юксаклардан боқсак-чи? Қандай
 Туюлар бу табиат ўзи?
 Ора – узоқ, кўз нурим билан
 Ўлчаб, ҳажмин этаман тахмин;
 Япасқи дер уни нодонлар,
 Менинг учун эса – думалоқ;
 Унга «Тўхта!», Ерга «Айлан!» деб
 Буюраман. Хуллас, кўзимнинг
 Мурватини созлаб қўяман.
 Энди менга бежо тасаввур
 Хатари йўқ: росту ёлғонни
 Қалбим билан тураман англаб.
 Қулоқ солиб шошқалоқ кўзга
 Ёки танбал қулоққа соқиб,
 Онгим балки топмасди ривож.
 Калтак сувда синиқ кўринса,

Онгим дейди: – Йўқ, йўқ, адл у:
Ақл доим билиб ҳукм этар.
Кўзлар қанча ёлғон айтмасин,
Алдаёлмас ақл бор жойда.
Борди-ю, мен кўзга ишонсам,
Эл қатори, ҳали ҳам ойда
Аёл расми бор, деб юрардим.
Хом гап. Лекин қайдан келди у?
Олисдаги ғадир-будурдан.
Ойнинг юзи теп-текис эмас:
У ёнда – тоғ, бу ёнда – водий,
Нур ва соя қувиб бир-бирин,
Одам, фил, мол бўлиб кўринар.
Бир вақт дурбин билан қарашса,
Ғалат йиртиқ юрганмиш ойда.
Ҳамма ҳайрон: осмон ўзгариб,
Бир фалокат бошланмасми, деб,
Оҳ-воҳ қилас буни кўрганлар.
Наҳот, буюк давлатлар аро
Уруш чиқса? Келар ҳовлиқиб
Ҳатто қирол – фанлар ҳомийси;
Тўғрилашар йиртқични унга.
Кўрсаларки, улкан дурбинга
Ўрнатилган икки шиша кўз
Ўртасида юрар бир сичқон, –
Яъни машъум «уруш боиси».
Хўп кулишди. Кошкийди шундай
Мазза қилса ҳамма франсуз!
Аммо ёвни қақшатмоқ учун
Миррих чорлар жанговар йўлга,
Биз ҳам тайёр: биламиз, зафар
Людовикнинг маъшуқасидир
Ва у билан юрар ёнма-ён,
Ҳа, донгимиз асрлар ошгай.
Лекин илҳом парилари ҳам

Бизга ёқар, биз билан ҳамроҳ,
Дард эмас, завқ бахш этар тинчлик.
Қирол Карлнинг вақти чоғ ундан,
Жангда енгиб, тотли кунларга
Етказди у Англияни.
Низоларга бердики барҳам,
Насибаси ҳамду санодир!
Ё улуғвор Августнинг, ана,
Қай ери кам Цезарь отадан?!

Содда ҳалқим! Қайси тинч замон
Бизларга ҳам, сизларга ўхшаб,
Ижод учун бераркин имкон?

Урушга отланган Шер

Уруш бошламоққа қарор қилди Шер.
Тўрт томонга йўллаб ўнбошиларни,
Ҳаммани чорлади ҳарбий кенгашга.
Тез етиб келишди жониворлар ҳам.
Фил, оғир юкларни кифтда кўтариб,
Жанг-жадал чоғи ҳам барча филлардай
Ўзни кўрсатишга этди қасамёд.
Ёвни қамал қилмоқ – айиқнинг касби,
Тулки ижод этса ҳарбий ҳийлалар,
Душманни чалғитмоқ маймунга тегди.
Шунда кимдир дейди: – Керакмас энди
Эшак ва Куёндай ҳуркаклар бизга!
«Йўқ, – дер Шоҳ, – ҳамманинг сафда ўрни бор,
Уларсиз қўшиним тўқис бўлмагай.
Ёвга даҳшат солса Эшак-карнайчи,
Куён чопар бўлиб хизмат қилажак».
Нозик фаросатли Ҳукмдор шундай
Билар ҳар фуқаро иқтидорини
Ва уни ишлатар керакли жойда:
Доно ҳар нарсадан ундирап фойда.

ЛАФОНТЕН ҲИКМАТЛАРИ

Энг кучлининг ақли ҳам энг зўр ҳисобланади.

* * *

Қанча калла бўлса, шунча фикр бўлади.

* * *

Кўпроқ ютаман деб, тасодифан ютқазиш мумкин.

* * *

Қориндан каттароқ қўзга эга бўлмаслик керак.

* * *

Дард шикоятдан кўра қучсизроқдир.

* * *

Оч қоринга қулоқ не даркор.

* * *

Озодликнинг ҳақиқий душмани – хавфсизликнинг ҳаддан зиёд хоҳиши.

* * *

Аҳмоқлар билан юргандан кўра, ёлғиз юрмоқ маъқул.

* * *

Кўпинча душманларимизнинг энг кичикларидан қўрқиш лозим.

* * *

Гапириш яхши, жим туриш ундан-да яхши.

* * *

Ўзингта ўзинг ёрдам бер, сўнг Осмон ҳам сенга ёрдам берар.

* * *

Үз қалби устидан голиб чиқиш энг юксак ғалабадир.

* * *

Нодон дўстдан хавфлироғи йўқ, ундан ақдли душман яхши.

* * *

Меҳр-муруват гўзаликдан ҳам гўзал.

* * *

Узоқдан — нимадир, яқиндан — ҳеч нима.

* * *

Ҳақиқий буюклик ўзини бошқара олишдадир.

* * *

Биз танлайдиган тақдиримиздан кетиш ўрнига, йўлда кутиб оламиз.

* * *

Дўстингиздан нимани бўлса ҳам сир тутиш ёмон, ҳеч нимани сир тутмаслик эса, ундан ҳам ёмон.

* * *

Сабр ва вақт куч ёки эҳтиросдан кўра муҳимроқдир.

* * *

Биродар, сен мени аввало азобдан халос эт, сўнг насиҳат қилассан.

* * *

Фам-андуҳ вақт қанотларида учиб кетар.

* * *

Бу чиройли олчалар савати: энг яххисини таъламоқчимисан, охир-оқибат сават бўшаб қолади.

ЛАФОНТЕН ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

1617 йил – Шарль де Лафонтен ва Франсуаз Пидулар турмуш қуришган.

1621 йил, 8 июль – Жан де Лафонтен Франциянинг Шампань провинциясидаги Шато-Тъерри шаҳарчасида дунёга келган.

1629 йил – Лафонтен Эзопнинг масалларини болаларга мўлжаллаб уч тилда нашр этган.

1635 йил – Лафонтен Шато-Тъерида колледжа Франсуа де Мокруа билан танишган ва ўқишини битириб Парижга йўл олган.

1637-41 йиллар – Лафонтен ҳаваскор сифатида ҳукуқ илмига қизиқиш ошиб борган.

1641-42 йиллар – Лафонтен Париждаги Сен-Оноре ораториясида таҳсил олган.

1645–1647 – Лафонтен Париж шаҳрида дўстлари – француз шоири ва таржимони Франсуа Мокруа ҳамда француз шоири, масалнавис ва тилшунос Антуан Фюретьер билан биргаликда ҳукуқшунослик бўйича таҳсил олган.

1647 йил – Лафонтенга отаси ўз лавозимини берган ва 14 ёшли Мари Эрикарга уйланишга кўндирган.

1649 йил – Лафонтен адвокатлик дипломини олган ҳамда Париж Олий судида адвокатлик лавозимиға сазовор бўлган ва бир муддат ушбу вазифада ишлашга ҳам улгурган. Ёш ҳукуқшунос-адиб «Давра сухбати» номи билан машҳур замонасининг кичик бадиий академиясининг аъзоси ҳам бўлган.

1658 йил – Жаннинг отаси Шарль де Лафонтен вафот этган.

1659 йил – Никола Фуке Лафонтенга Во-ле-Виконт қасри шарафига асар ёзишини буюрган.

1660 йил – «Бо-Ришар қувноқлари» пьесаси ёзилган ва Шато-Тъерида ўйналган.

1660 йил – Лафонтеннинг биринчи масаллари ёзилган, бироқ чоп этилмасдан қолган.

1661 йил, 20 август – Лафонтен ўзининг дўсти Мокруага Никола Фуке томонидан берилган зиёфат хусусида нома йўллаған.

1661 йил, 5 сентябрь – Нант шаҳрида Никола Фуке «Қирол Людовик XIV номидан», капитан д'Артанъян томонидан қамоқча олинган.

1662 йил, март – Никола Фукега бўлган ҳурматини ифода этувчи «Волик Нимфаларга ғамгин шеър»и аноним тарзда чоп этилган.

1663 йил, январь – «Қиролга қасида»си ёзилган ва Фукени афв этишини сўраган.

1663 йил, август – Лафонтен амакиси сургун қилинган Ли-мож шаҳрига жўнаб кетган.

1663 йил, сентябрь – Лафонтен Блуанинг қасрига ташриф буюрган.

1663 йил, декабрь – Лафонтен Шато-Тьерига қайтган. Буйон герцогиняси Мари-Анна Манчини Лафонтенни Париж шаҳрида жойлашиши ва иш топишида ёрдам берган.

1664 йил, 8 июль – Люксембург саройида Маргерит де Лорендан зодагонлик тўғрисидаги гувоҳномани қабул қилган.

1665 йил, 30 июнь – Лафонтен Жирининг «Муқаддас Августин, Худо Шаҳри» асарининг биринчи томидаги шеърларни француз тилига таржима қилган.

1667 йил, 18 февраль – Лафонтен Жирининг «Муқаддас Августин, Худо Шаҳри» асарининг иккинчи томидаги шеърларни француз тилига таржима қилган.

1668 йил, 31 март – Барбен нашриётида Лафонтен «Масаллар»и чоп этилган.

1669 йил – «Устрица ва иккита йўловчи» масали ёзилган.

1669 йил, 31 январь – Лафонтеннинг Герцогиня Буйонга бағишлиланган «Психея ва Купидон муҳаббатлари» пастораль романи нашр этилган.

1671 йил, январь – Лафонтен Үрмон ва сувлар бошқармасидаги вазифасидан озод этилган.

1671 йил, 27 январь – Лафонтен шеърий шаклда ёзилган «Ҳикоялар ва новеллалар»ининг 3-қисми Барбен нашриётида чоп этилган.

1671 йил, 12 март – Лафонтеннинг «Янги масаллар ва бошқа шеърлар»и нашр этилган.

1672 йил – Лафонтен ва хотини Мари Эрикар ажрашишган.

1672 йил, 3 февраль – Герцогиня Маргерит де Лоррен ўли-мидан сўнг Лафонтен дворянлик мажбуриятини йўқотган.

1673 йил – Лафонтеннинг «Сен-Мал асири» тўғрисидаги достони Барбен нашриётида чоп этилган.

1674 йил – Лафонтен «Дафне» операси устида 4 ой ишлаган, бироқ бастакор Жан-Батист Люлли ушбу асаддан қониқмагандан сўнг, бу асар охиригача етказилмай қолдирилган.

1675 йил, 5 апрель – Францияда Лафонтеннинг «Янги ҳикоялар» китобининг сотилиши ман этилган.

1676 йил, 2 январь – Қарзлардан халос бўлиш мақсадида Лафонтен Шато-тьеридағи ўзи туғилган уйини Антуан Пинрелга сотган.

1677 йил, 29 июль – Лафонтен «Масаллар»ининг янги нашри учун имтиёзга эга бўлган.

1678 йил, 3 май – Лафонтен ўзининг «Масаллар»ини иккита қўшимча китобча билан бирга нашр эттирган.

1679 йил, 15 июнь – Лафонтен ўзининг «Масаллар»ини учта китобча билан бирга нашр эттирган.

1682 йил – Лафонтен Француз Академияси аъзолигига ҳаракат қилган, бироқ унинг «Ҳикоялар»и учун ранжиган Людовик XIV бунга қаршилик қилган.

1683 йил, май – Лафонтеннинг «Учрашув» комедияси Комеди Франсезда ўйналган.

1683 йил, 15 ноябрь – Кольбердан кейин Лафонтен француз ёзувчиси Никола Буалони енгиб (16/7) Француз Академиясига сайланган.

1683 йил, 20 ноябрь – Француз Академияси директори Людовик XIVга Лафонтен француз ёзувчиси Никола Буалони енгиб (16/7) Француз Академиясига сайланганлык ҳақидағи хабарни олиб борган ва қирол бундан қаттық ғазабланиб розилик бермаган.

1684 йил, 2 май – Лафонтен Француз Академиясига қабул қилинган ва Луврда Кольберни мадҳ этувчи нутқ сүзлаган.

1688 йил – Лафонтен Вандомлар оиласи билан яқин муносабатда бўлган ва шаҳзода Конти билан дўстлашган.

1690 йил – рассом Риго Лафонтеннинг суратини чизган.

1692 йил, октябрь – Лафонтеннинг 1668 ва 1678 йилларда нашр этилган «Масаллар»и янги таҳрирда дунё юзини кўрган.

1692 йил, декабрь – Лафонтен касал бўлиб қолган ва католик черковда ўз гуноҳларига тавба қилган.

1693 йил, 1 сентябрь – Лафонтеннинг «Танланган масаллар»и чоп этилган.

1695 йил, 10 февраль – Лафонтен ўз ўлимини ҳис этиб, дўсти Мокруага хат йўллаган.

1695 йил, 13 апрель – Жан де Лафонтен Парижнинг Платръер кўчасидаги уйида вафот этган.

1695 йил, 14 апрель – Лафонтен хоки Парижнинг 1-туманидаги Муқаддас Бегуноҳтар қабристонига (*Cimetière des Saints Innocents*) қўйилган.



Жан-Жак Руссо
(1712–1778)

Жан-Жак РУССО

МАНЗУР БЎЛИШ САНЪАТИ

ХАЛҚ БАХТИ ҲАҚИДА

**ИЛМ-ФАН ВА САНЪАТ РАВНАҚИ
АҲЛОҚНИНГ ПОКЛАНИШИГА ЁРДАМ
БЕРАДИМИ**

РУССО ҲИКМАТЛАРИ

«Инсонларга қонуналар бериш учун худолар керак бўлиши мумкин эди».¹

Жан-Жак Руссо

РУССОНИНГ САРГУЗАШТЛИ УМРИ ВА СИЁСИЙ ФАЛСАФАСИ

*Б*утун француз адабиёти уларсиз бошқа йўналишда кетган бўлар эди² – деб саноқли ёзувчилар ҳақидагина айтиш мумкин. Руссо шулар жумласидандир.

Давлат хукуқи, тарбия ва маданият танқиди нуқтаи назаридан Руссо Европанинг замонавий маънавий юксалишига улкан ҳисса қўшган. Халқнинг давлат устидан ҳукмронлик қилишининг тўғри йўлини, ҳозирги кунга қадар Швейцарияда амалда бўлган тўғри демократияни ишлаб чиқсан мутафаккир ҳамда инсонпарвар, мусиқашунос ва табиатшунос, буюк француз адаби Жан-Жак Руссо 1712 йил 2 июлда Швейцариянинг Женева шаҳрида дунёга келган. Руссонинг онаси Сюзанна Бернар хоним женевалик протестант дини руҳонийсининг невараси бўлиб, бадавлат буржуазия оиласида катта бўлган, Жан-Жак туғилгандан олти кун ўтгач, ҳаётдан кўз юмган. Отаси – Исаак Руссо соатсоз уста бўлиб, айни пайтда рақсдан ҳам дарс берган³.

Руссонинг отаси кунларнинг бирида француз капитани Готье билан можаро уюштирган ва шлагаси билан капитанни

¹ «Il faudrait des dieux pour donner des lois aux hommes». // Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Tome III. Du Contrat social – Écrits politiques. – Paris: Bibliothèque de la Pléiade, 1964. – 2240 р.

² Андре Моря. От Монтеня до Арагона. Пер. с фр. – М.: Радуга, 1983. – С.91.

³ Oumbarov N., Soatjonov I. Histoire de la littérature française. – Т.: O'qituvchi, 2002. – Р.102.

яралаган. Бунинг оқибатида суд Исаак Руссони З ойлик қамоқ, жарима ва қилмишидан пушаймон бўлиб черковга тавба-тазарру қилишга ҳукм қилган. Суд ҳукмига бўйсунмаган отаси Женева яқинидаги Нион шаҳрига қочиб кетган ва у ерда иккинчи марта уйланган.

Руссо ёшлигиданоқ оиласининг энг севимли фарзанди бўлган ва меҳрибон холалари Госерю ва Ламберсьеларнинг кунт билан тиришишлари билан уни камол топтирганлар. Табиатан таъсирчан, кўнгилчан ва зийрак Руссо болалик пайтлариданоқ кўп ўқиган. У Плутарх¹, Овидий², Боссюэ³ ва бошқа француз романнивислар ижодини отаси билан биргаликда кўп мутолаа қилган.

1723–24 йилларда Руссо протестантларнинг пансионида⁴ таълим олган. Кейинчалик эса, нотариуслик соҳасини ўзлаштиришга, 1725 йилда эса, ўймакор нақошликни ўрганишга берилган. Шу даврлар мобайнида, ҳатто иш пайтида ҳам у жуда кўп китобларни ўқиган, бунинг оқибатида эса, ишдагилар унга қўпол муомалада бўлишган. 1728 йил 14 марта 16 ёшлик Руссо Женевани тарк этишга қарор қилган.

Ҳар соҳада ўзини синаб кўрган ва ушбу касбларнинг уддасидан чиқа олмаган 16 ёшлик Руссо ўша пайтларда Сардиния қироллигининг ҳудудига кирган Шарқий Франция, Швейцария, Савуа малакатлари бўйлаб саёҳат қилган. Католик руҳонийси Понверрнинг таъсири натижасида ота-боболари эъти-

¹ Плутарх (Plutarque, 50–125) – юнон ёзувчиси, Миср ва Рим бўйлаб сайёҳат қилган, унинг асрлари Монтендан Руссогача ва Француз инқилобигача таъсир ўтказган.

² Овидий (Ovidius, мил.ав. 43–милодий 17 ёки 18) – лотин шоири, «Севиши санъати», «Героидлар» каби достонлар муаллифи.

³ Жак Бенинь Боссюэ (Jacques Bénigne Bossuet, 1627–1704) – француз ёзувчиси ва руҳонийси, 1681 йилда Людовик XIVнинг дин сиёсатини қўллаб-куватлагани учун юксак шарафга эга бўлган, «Насиҳатлар», «Қабр тошидаги сўзлар» каби мусикий-диний асрлар муаллифи.

⁴ Пансион – ўқувчиларни ётоқхона, озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминлайдиган ўрта мактаб-интернат.

қод қылган христиан динининг кальвинизм оқимиidan воз кечганд (Бироқ Руссо ёши анча улғайганидан сўнг кальвинизм оқимига яна қайтган).

Руссо ишқий саргузаштларга ҳам бой ҳаёт кечирган. Руҳоний Понверрнинг тавсияси билан Юқори Савуанинг асосий шаҳарларидан бири Аннецида «Сардиния қироли саҳовати билан яшовчи» 28 ёшлик швед зодагони Луиза де Варанс билан танишган. Табиийки, бўй-басти келишган, истеъодли Жан-Жак Руссо Луиза де Варансда яхши таассурот қолдирган ва тез орада хоним Руссонинг жазманига айланган.

Уч ойдан сўнг Руссо молиявий жиҳатдан қийнала бошлаганидан сўнг, Туриндаги ўқишини ташлаб, қари ва қасалманд аристократ хонимга хизматкорликка ишга киришга мажбур бўлган. Бироқ кўп ўтмай бу хоним оламдан ўтган, бир оз муддатдан кейин яна бир аристократ хонадонида дастлаб хизматкор бўлиб, сўнг эса уй котиби бўлиб ишлаган. Бу ерда Руссого лотин тилидан дарс берилган ҳамда итальян тилидан бунуқсон гаплашиш ўргатилган. Шунга қарамасдан, Руссо илтифотли хўжайнинлариникида кўп қолмаган. Уни аввалгидек саёҳат қилиш ва де Варанс хонимни яна бир марта кўриш истаги чулғаб олган ва Руссонинг бу истаги тез орада амалга ошган. Де Варанс хоним Руссони ёшларча ўйламай қылган сарсону-саргардонлигини кечирган ва хоним Руссони ўз паноҳи остига олган. Шундан сўнг Руссо ва де Варанс хоним ўртасида яқин ишқий муносабатлар бошланган. Бироқ Руссонинг ўз ҳомийсига нисбатан бўлган севгиси унга узоқ вақт тинчлик ва хотиржамликни бермаган. Де Варанс хонимнинг шведциялик жаноб Клод Анэга нисбатан ҳам ишқий мойиллиги бўлган. Руссо чуқур қайғу билан ўз бошпанасини бир неча бор ташлаб кетишга ва бир оз дайдиб юрганидан сўнг, яна қайтишга мажбур бўлган. Клод Анэнинг ўлимидан сўнггина Руссо ва де Варанс хонимлар ўртасида тўлиқ ва осойишта севги-муҳаббат қарор топган.

Руссо Декарт¹, Локк², Лейбниц³, Малбронш⁴, Ньютон⁵, Монтен⁶нинг фалсафий ва илмий ишларини пухта ўқишида давом этаверган. Физика, кимё, астрономия, лотин тилини ўрганиш билан шуғулланган, мусиқа санъатидан дарс олган. Шуни таъкидлаш жоизки, Руссонинг де Варанс хонимнинг уйида ўтган даври мобайнида у фалсафа, табиатшунослик, педагогика ва бошқа бир қатор фанлар соҳасида жиддий ютуқларга эришган.

1740 йилга келиб, Руссо ва де Варанслар ўртасидаги муносабатга совуқчилик тушгандан сўнг, Руссо ўзининг кўп йиллик ҳомийини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Лионга келган Руссо шаҳарнинг Бош судъяси жаноб Малбининг хонадонида болаларига муаллимлик қилган. Бироқ болалар тарбиячиси бўлиб ишлаш Руссога на маънавий ва на моддий бойлик келтирган. Бир йил ўтгач, Руссо яна де Варанс хонимнинг хузурига ошиққан, лекин хоним унга аввалгидек муносабатда бўлмаган. Унинг сўзлари билан айтганда: «қачонлардир унинг бутун бир борлиги бўлган» Руссо у ерда ўзини бегона ҳис қила бошлаган. 1741 йилнинг кузида у билан алоқани узган. Руссо Парижга кўчиб келган. Унинг Парижга келиши Франциянинг адабий оламидаги одамлари билан танишишга ва алоқаларни ривожлантиришга йўл очган. У бу ерда **Дидро⁷, Мариво⁸, Фон-**

¹ Рене Декарт (René Descartes, 1596–1650) – машҳур француз математик олими, файласуф, ёзувчи, механик ва табиатшунос.

² Жон Локк (John Locke, 1632–1704) – инглиз файласуфи, англо-саксон эмпириммининг йирик намояндадаридан бири, «Сабр тўғрисидаги номалар» муаллифи.

³ Готфрид Вильгельм Лейбниц (Gottfried Wilhelm Leibniz, 1646–1716) – олмон файласуфи, олим, ҳукуқшунос, дипломат, тарихнавис, машҳур «Монадология» асари муаллифи.

⁴ Никола Малбронш (Nicolas Malebranche, 1638–1715) – француз файласуфи, диншунос ва нотик.

⁵ Исаак Ньютон (Isaac Newton, 1642–1727) – таниқли инглиз математик ва физик олим, механик ва табиатшунос.

⁶ Мишель де Монтен (Michel de Montaigne, 1533–1592) – француз ёзувчиси, ҳукуқшунос, Бордо парламенти судъяси, «Тажрибалар» номли асар муаллифи.

⁷ Дени Дидро (Denis Diderot, 1713–1784) – француз ёзувчиси, файласуф ва қомусий олим. Ўзининг танқидий фикрлари ва юксак заковати билан ажralиб турган.

⁸ Пьер Карле де Шамблен де Мариво (Pierre Carlet de Chambrais de Marivaux, 1688–1763) – француз ёзувчиси, газеталар муҳаррири, «Мұхабbat туҳфаси», «Мұхабbat ва қимор ўйинлари», «Марианна ҳаёті», «Синов» каби асарлар муаллифи.

тенель¹, Грим², Гольбах³ ва бошқа ўз даврининг илғор мутафаккирлари - Европа зиёлилари билан танишган. Айниқса, Руссонинг Дидро билан дўстона муносабатлари таҳсинга сазовордир. Дидро Руссадай ажойиб файласуф, мусиқа ва адабиётга қизиқкан, астойдил озодликка интилган. Бироқ уларнинг дунёқарашлари турлича бўлган. Дидро материалист-файласуф ва атеист бўлган.

Дени Дидро машҳур «Энциклопедия»нинг («Encyclopédie») мусиқа санъатлари бўлимига доир мақолалар тайёрлашни Жан-Жакка топширган. Д'Аламбер ва Дидро муҳаррирлиги остидаги мазкур «Энциклопедия»да сиёсий, иқтисодий, мусиқий ҳамда бошқа долзарб масалалар ҳақида Руссонинг мақолалари муносиб жой олган. Хусусан, унинг «Сиёсий иқтисод тўғрисида»ги мақоласи 1755 йилда «Энциклопедия»нинг V томида чоп этилган.

Лекин кўп ўтмай, Дидро «Кўрлар ҳақида мактуб» («Lettre sur les aveugles»)⁴ асарида Франция ҳукумати раҳбарларини кўрларга ўхшатгани учун вақтинча қамоқقا ташланган. 1760 йилларнинг охирига келиб Дидро ва Руссо ўртасидаги шахсий ва ғоявий қарама-қаршиликлар сабаб, можаро келиб чиққан ва улар ўртасидаги дўстона алоқалар узилган.

1743 йил Жан-Жак Франциянинг Венециядаги элчиси бўлган бир «маърифатли» зодагоннинг котиблик хизматига кирган. У қаттиқ ишласа ҳам инжиқ бошлиғидан бир оғиз раҳмат эшитмай, фақат сўкиш эшитавергач, бу ишни ташлаб, 1744 йилда яна Парижга қайтиб келган.

1745 йил Руссо Парижда ёш тикувчи қиз Тереза Левасер

¹ Бернар ле Бовье де Фонтенель (Bernard Le Bovier de Fontenelle, 1657–1757) – француз ёзувчisi, Пьер Корнелнинг жияни, Француз Академияси аъзоси.

² Мелкьюр барон де Грим (Melchior, baron de Grimm, 1723–1807) – фарангзабон олмон танқидчisi, «Адабий ёзишмалар» муҳаррири.

³ Кристиан Гольбах (Christian Goldbach, 1690–1764) – германиялик математик олим, ҳайтининг асосий қисмини Россияяда ўтказган.

⁴ «Кўрлар ҳақида мактублар» – Дени Дидронинг 1749 йилда ёзилган асари. Асарда ҳукумат раҳбарлари ва диний масалалар қаттиқ танқид остига олингандаги сабабли муаллиф уч ярим ойга қамоқقا олинган. Ушбу асарда Дидро Худога ишонмаслиги ва материалистик нуқтаи назарларини ифода этган.

билин танишиб қолган. Руссонинг сўзига қараганда, у қиз оддий ва самими хулққа эга бўлганлиги учун, у билан бирга 34 йил, то умрининг охиригача бирга яшаганлар.

Руссолар оиласида беш нафар фарзанд бўлган. Оилавий муҳити унчалик яхши бўлмаганлигидан фарзандларини болалар уйига беришга мажбур бўлган.

1750 йилда Руссо дўсти Дидрони кўришга Париж яқинидаги Венсен қамоқхонасига борганида у ерда маҳбус ўқиётган журналлардан бирида («Француз Меркурийси») («Mercure de France») Дижон Академиясининг танлови ҳақидаги эълонни ўқиб қолган. Дижон Академияси ўз Низомига кўра, зодагонлар ва мансабдорларнинг ишларини қабул қилмас, асосан камбағал истеъдолларга ёрдам берган. Бу танлов мавзуси Руссонинг кўнглида йиғилиб қолган қўпгина муаммолар ҳақида фикр билдиришга имкон берган. Бу имконият Руссога жўшқин илҳом баҳш этган. Ва у танлов мақола – рисоласида маърифатчилик даврининг ечими топилиши мушкул, зиддиятли муаммоларини, илм-фан ва санъат инсонларга маърифат беришдан кўра, улардаги табиий тутма инсоний фазилатларнинг йўқолишига, одамларнинг илм-фанга яқинлашуви инсонликдан узоқлашувга олиб бораётганини кўрсатиб берган. Кейинчилик Руссо бу фикрларини қисман ўзгартирган¹.

Руссонинг деизм² нуқтаи назаридан расмий черковни ва динга тоқат қила олмаслик масалаларини «Инсонлар ўртасидаги тенгсизликнинг келиб чиқиши ва ёсослари тўғрисида мулоҳазалар»³ («Discours sur l'inégalité») ҳамда «Жамоат шартномаси ҳақида ёки сиёсий ҳукуқнинг тамойиллари»⁴ («Жамо-

¹ Маҳмудов М. Жан-Жак Руссо // Жаҳон адабиети, 2010, № 6-150-165 бетлар.

² Деизм – худони тан олувчи, лекин унинг табиат тараққиётига дахли йўқ деб билувчи диний-фалсафий таълимот.

³ «Инсонлар ўртасидаги тенгсизликнинг келиб чиқиши ва ёсослари тўғрисида мулоҳазалар» – Жан-Жак Руссонинг 1755 йилда ёзилган шахс, жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида сўз юритилган фалсафий-сиёсий асари.

⁴ «Жамоат шартномаси ҳақида ёки сиёсий ҳукуқнинг тамойиллари» – Жан-Жак Руссонинг 1762 йилда ёзилган, 4 китобдан иборат, давлат ҳокимияти, ҳукуқ, жамият, бошқарув, қулдорлик, жамоа битими, фуқаролик ҳолати, ҳалқ иродаси каби мавзуларни ўз ичига оладиган фалсафий-сиёсий асари.

ат шартномаси» – «*Contrat social*») номли асарларида мұхоказа-ма қылган. Франция, Швейцария, Нидерландиянынг клерикал¹ ва қироллик амалдорлари Руссони қаттиқ таъқиб остига олиб, унинг ҳар бир қадамини кузатиб борғанлар.

1758 йилда «**Юлия ёки Янги Элоиза**» асари тутатылған. Руссо романда бириңчи маротаба XVII асрнинг 60-70 йилларыда әркін мұхаббатнинг құдратли күчи ҳақидаги ғояларни илгари сурған. Асар мисли күрілмаган ютуққа эришган. 1761 йил «**Юлия ёки Янги Элоиза**» асари Парижда сотувға қойылған ва катта мұваффақият олиб келған.

Руссонинг эстетик ва педагогик қарашлари «**Эмиль ёки Тарбия тұғрисида**»² («*Emile ou de l'Education*») номли асарыда ифодаланған. Адіб мазкур асарыда тарбия тизимидағи схоластиканынг³ нотүғрилигини ҳамда янги демократик тизимни қойилмақом тарзда баён қылған. **Гёте, Гердер** ва **Кантлар** Руссонинг мазкур асарини құллаб-қувватлашған. Француз инқилобчысы Робеспьер эса ушбу китобни ёнида олиб юрган. Ушбу асарынинг Париж парламенти томонидан мұхоказама қилиниши, Руссонинг Франциядан кетишига сабаб бўлған. Женевада унинг «**Эмиль ёки тарбия ҳақида**» ва «**Жамоат шартномаси ҳақида ёки сиёсий ҳуқуқнинг тамойиллари**» номли асарларини ёқиб юборғанлар, ўзини эса, қонундан ташқарыда деб эълон қылғанлар.

Руссонинг бошқа юртлардан ҳимоя ва ҳомиийлик излашдан бошқа йўли қолмаган. Фридрих II га Невшателда қолишига рухсат беришини сўраб хат билан мурожаат қылған.

Руссо Невшателда икки йилдан кўпроқ яшаган. Дастрлаб, у губернатор лорд Кейтнинг Коломбадаги дала-ҳовлисида, ке-йинчалик эса, Мотье қишлоғида яшаган. Руссо Мотье қиши-

¹ Клерикализм – мамлекатнинг сиёсий ва маданий ҳаётига черков таъсирини кучайтиришга қаратылған реакцион оқим.

² «**Эмиль ёки тарбия ҳақида**» – Жан-Жак Руссонинг 1762 йилда ёзилған, 5 китобдан иборат, фарзандни ўшлигидан комил инсон сари тарбиялашта бағишланған панд-насиҳат ва ахлоқий-тарбиявий асари.

³ Схоластика – черковнинг диний қызметкерлерини назарий асослашға қаратылған күруқ сафсатадан иборат ўрта асрлар фалсафасы, күруқ сафсата, пуч илм, тажрибага асосланмаган сохта билим.

логидан ҳам қочиб кетиб, Бил кўлида жойлашган Муқаллас Пётр оролига бориб жойлашишга мажбур бўлган. Бироқ хукумат уни бу ерда ҳам тинч қўймаган, Берн Сенати 24 соат ичидан Берн вилояти ва оролни тарк этишини талаб қилган¹.

1762–1767 йилларда Руссо дастлаб Швейцарияда, сўнгра эса, Англияда дарбадарликда яшаган. Европа минтақасида машхурлика эришишга муваффақ бўлганидан сўнг, 1770 йилда Парижга қайтиб келган. Пойтахтда унга энди ҳеч қандай хавфхатар тўсқинлик қила олмаган. Парижга қайтиб «Икрорнома» (*«Les Confessions»*)² номли асарини ниҳоясига етказган. Бу асарда унинг ҳаёт йўли ва ижоди батафсил ёритилиши билан бир қаторда, муаллифнинг қусурлари, айблари, кўпгина қинғир ишлари, ишқий можаролари ҳам ҳаққоний тасвирланган³.

1777 йилнинг ёзида Руссо дўстларининг панд-насиҳатлари сабаб соғлиғи ҳақида қайфура бошлаган. 1778 йил баҳорида эса, Руссонинг дўстларидан бири Маркиз де Жирарден Шато де Эрменонвилда жойлашган шаҳар ташқарисидаги ҳовлисига олиб кетган. Июнь ойининг охирларида эса, ўша ердаги оролларнинг бирида Руссога бағишлиб концерт уюштирганлар. Руссо ўша пайтда уни шу ерга дағн қилишларини илтимос қилган. 1778 йилнинг 2 июлида Жан-Жак Руссо тўсатдан оламдан ўтган. Миллий конвент⁴ даврида, яъни 16 йилдан сўнг, 1794 йил 11 октябрда Жан-Жак Руссонинг жасади тантана билан Пантеонга, Вольтер қабрининг ёнига кўчирилган.

Бошқа маърифатпарвар мутафаккирлар қаторида Жан-Жак Руссо Француз инқилоби, конституциявий ҳуқук, замонавий сиёсий тафаккур, ҳуқуқий қўрсатмалардаги қонуннинг ўрни

¹ 100 великих мыслителей / Автор-сост. И.А.Мусский. – М.: Вече, 2009. 203 бет.

² «Икрорнома» – Жан-Жак Руссонинг 1767 йилда ёзилган, 12 китобдан иборат, ўзининг дастлабки 53 ёшигача бўлган даврни қамраб олучви автобиографик асари.

³ Шарафиддинов О. Жан-Жак Руссо. // Жаҳон адабиёти, 1998, № 10. – 157 бет

⁴ Миллий конвент – Францияда 1792–1795 йиллардаги сайланувчи олий давлат органи.

ва концепциясига катта таъсир ўтказган. Ушбу муносабатда, 1762 йилда ёзилган «Жамоат шартномаси» («*Contrat social*») асари асосий роль ўйнаган. Унинг «Эмиль» асари ҳам айнан мана шу йилнинг ўзида чоп этилган ва юқоридаги асар фоясидан бир хил илҳомланган.

Руссонинг фалсафий-ахлоқий ва сиёсий-хуқуқий асарлари баъзан ноаниқ, нозик, фарқли зиддиятларга бойдир. Шу билан бирга, Руссо Инқилоб фожиаларини олдиндан кўра билувчи башоратчи сифатида ҳам машхур. Аммо ушбу фикрлар айнан халқлар кўзғалишига ҳам тарғиб қилиниши мумкин бўлган¹.

Руссонинг хуқуқий қарашлари иккита фаразга асосланади:
биринчидан, бу ибтидоий жамоа тузумининг ўзи фуқаролик жамияти томонидан коррупциялашгани;

иккинчидан, «ижтимоий шартнома»га асослансанагина фуқаролик жамиятини қабул қилиш мумкинлигини таъкидлаган. Шунингдек, унинг фикрига кўра: «Фуқаролик жамияти пайдо бўлишидан олдин ибтидоий жамоа тузумида эзгулик, баҳт ва мустақиллик хукмрон бўлган. Инсон ибтидоий жамоада баҳтли мавжудотлардан бири ҳисобланган, чунки биринчи дуч келган ариқдан кўрқмасдан сув ичиб роҳат кўрган, тўшаги эса, мевасидан тановул этган дараҳт ости бўлган ва айнан мана шу дараҳтнинг тагида ўз ҳожатини чиқаришдан бошқа гўё зўр хузур-ҳаловат бўлмагандек»².

Руссо ва унинг табиий хуқуқ бўйича издошлари учун ибтидоий жамоада ягона қонун мавжуд бўлган. Бу ҳам бўлса, табиат қонунидир: «Қонунларсиз умуман озодлик бўлмайди, ҳеч ким ва ҳеч нарса қонундан устун эмас; ибтидоий жамоада инсон ҳаммага бир хил буюриладиган табиат қонунига бўйсунади ва шу туфайлигина ўзини эркин ҳис қиласди»³.

¹ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Jugement sur la polysynodie, t.III, P.638. – Paris: Pléiade, 1964 n° 169. – P. 2240.

² Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Discours sur l'inégalité, 1re partie, t. III, – P.135. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

³ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Lettres Écrites de la Montagne, 8, t. III, – P. 842. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

Ушбу табиат қонуни ҳокимиятни чегараламайды, одатий ҳол, албатта, лекин бу ҳокимиятни қонунийлаштирувчи шартлар-нигина белгилайды, холос: «Эш кучли киши ўз кучини хукуқقا ва тобелигини бурчга айлантирмаса, у ҳеч қаочон хўжайин бўлиши учун лозим даражада куч тўплай олмайди. Куч, бу жисмоний қудрат ёки имкониятдир, мен бунда қандай наф борлигини ҳеч кўролмайман. Ишонаверинг, кучдан хукуқ ясад бўлмас, қонуний қудратлиларгагина бўйсунишимиз мумкин, холос»¹.

Руссонинг ёзиича, «жамият инсонларни бузади ва ифлослантиради. Қанча улар бирлашсалар, шунча уларда порахўрликлар кўпаяди. Кимки биринчи бўлиб бирор ер майдонини ўзлаштириб, атрофини ўраб олса, бу меники, дейди ва бунга барча содда кишиларни ишонтира олади ҳам, шу тариқа фуқаролик жамиятининг ҳақиқий асосчисига айланади. Ҳамма жойда жиноятчилик, уруш, хунрезлик, қашшоқлик ва даҳшатли воқеалардан инсон зотини умуман асраб бўлмас, фиригарлардан эҳтиёт бўлинглар, одамлар. Мевалар барчанини Замин ҳеч кимникилигини унутсангизлар, ахволларингизга маймунлар йиғлар»². Кўриниб турибдики, Л. Толстой сингари Жан-Жак Руссо ҳам мулк хукуқига қарши энг машҳур айловчилардан бири саналган.

Руссонинг фикрича, фақатгина давлат олий мақсадни, яъни Эркинлик, Тенглик ва Биродарликни амалга ошириб бера олиши мумкин. Бу фояларни амалга ошириш учун давлатда бошқарув шакли Республика бўлиши керак ва ижтимоий тенгсизликнинг келиб чиқишига барҳам бериш лозим.

Порахўр фуқаролик жамиятининг айловчиси Руссо ўз замондошлари томонидан гоҳ қўллаб-қувватланган, гоҳ масхара ҳам бўлган. Масалан, Вольтер³ унга «Нутқ» асари

¹ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. I, Ch. 3, t. III, p. 354. — Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

² Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Discours sur l'inégalité, 2e partie, t. III, p.164. — Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

³ Франсуа Мари Аруэ Вольтер (1694—1778) — француз ёзувчisi, машҳур «Фалсафий номалар», «Задиг ёки тақдир» каби асарлар муаллифи.

учун ўз миннатдорчилигини билдириб, шундай деб ёзган: «Жаноб Руссо, инсон зотига қарши ёзилган янги китобингизни қабул қилиб олдим... Ҳеч қачон бизни бундай ҳайвон даражасида ишлатишмаган эди, ушбу асарингизни ўқиб, тўрт оёқлаб юриш истаги келиб кетади. Сизнинг дунёингиз олдидা танҳоликда беозор ёввойи бўлиш билан чегараланиб қолишни афзал кўрдим».¹ Бунга жавобан, 1760 йил 17 июнда Руссо қўйидаги хатни йўллаган: «Мен ҳам сизни яхши кўрмайман, Жаноб Вольтер, мени қаттиқ ранжитдингиз... Сиздан нафратланаман, чунки бунга ўзингиз мажбурламоқдасиз..».²

Ҳақиқий қашшоқлик ва беҳуда бойликни келтириб чиқарувчи ютуқ қопқони бўлмиш фуқаролик жамиятининг порахўрлиги ҳақидаги Жан-Жак Руссонинг фикрлари айни пайтгacha ўз долзарблигини йўқотмасдан келмоқда. У кундан-кунга кучли босим ўтказаётган экологик одоб-ахлоқ борасида насиҳатгўйлик қилган.

Ушбу ёвузиклар ва уларнинг давоси инсон табиатига эмас, балки ҳукуматга боғлиқdir, деб ўйлади. Ўз навбатида, ҳукумат табиати қонун билан чамбарчас алоқадалиги ёки йўқлиги риторик саволнинг келиб чиқишига туртки бўлади³.

Мазкур саволга Руссо бир неча жавобларни келтирган, яъни бунинг ечими жамоат шартномасининг муҳимлиги, умумий хоҳиш-ирода, ҳалқ суверенитети ҳамда бошқарув ва суверенитет ўртасидаги фарқдадир.

Гарчи «жамоат шартномаси» ҳақидаги фояни биринчи бўлиб Руссо илгари сурмаган бўлса-да, бироқ бу сўз биримасини эшитгач, албатта, хаёлимизда дастлаб унинг номи гавдаланади. Аслида ушбу фояга биринчи бўлиб не-

¹ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Discours sur l'inégalité, t. III. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

²Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Discours sur l'inégalité, t. III. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

³ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Les Confessions, L. IX, t.I, P.404. – Paris: Pléiade, 1959. n° 11. 2096 p.

мис тарихчиси ва ҳуқуқшуноси **Самуэль барон фон Пуфендорф¹** музаллифлик қилган.

Жамоат шартномасига кўра, ҳеч бир инсон бошқа бир инсон устидан ҳеч қандай ваколатга эга эмас, фақатгина ўзаро розилик ҳолати бундан мустаснодир: «**Жамоат тартиби барча ҳуқуқларнинг ўзагини ташкил қилувчи муқаддас ҳуқуқ саналади.** Бироқ бу ҳуқуқ табиатдан эмас, балки шартнома ва битимлардан келиб чиқади. Ушбу шартномалар қайсилигини билиш ҳақида сўз юритилмоқда».²

Бундай шартнома нафақат суверенитетни, балки жамият, яъни давлатни барпо этувчи омилдир: «**Халқ қайси ҳужжат орқали бирор қиролни сайлаётганини кузатишдан олдин, халқ қайси ҳужжат орқали халқ эканлигини кузатиш мақсадга мувофиқроқ бўларди.** Чунки, бу ҳужжат олдингисига қараганда муҳимроқдир ва бу ҳужжат жамиятнинг ҳақиқий пойдеворидир».³

Руссонинг фикрига кўра, ушбу розилик келишуви бир овоздан бўлиши лозим: «**Табиатига кўра, бир овоздан розилик келишувини талаб қилувчи ягона қонун бўлиши керак.** Бу жамоат шартномасидир. Чунки фуқаролик ассоциациялари дунё ҳужжатининг энг кўнгиллисидир. Ҳар бир инсон эркин бўлиб туғилади ва ўзига ўзи соҳиб ҳисобланади. Агар жамоат шартномасида зиддиятлар пайдо бўлса, уларнинг қаршилиги шартномага таъсир ўтказмайди, фақатгина тушунарли бўлишига халақит беради холос, булар фуқаролар орасидаги бегоналардир».⁴

¹ Samuel baron von Pufendorf (1632–1694) – Гуто Гроций гояларидан илхомланган ва уни ривожлантирган немис ҳуқуқшуноси ва тарихчиси, «Ҳуқуқий тафаккур антологияси» музаллифи. «Одамлар ва табиат ҳуқуқи ҳақида» асарида биринчи бўлиб жамоат шартномасига асосланган ҳуқуқ тўғрисидаги гояларни баён этган.

² Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. I, Ch. 3, t. III, P. 352. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

³ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. I, Ch. 6, t. III, p. 361. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

⁴ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. IV, Ch. 2, t. III, p. 440. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

Кўпчилик жамоат шартномасининг сунъийлигини Руссонинг юзига солиб, уни айблашган ҳам. Ҳукуқшуносликдан бехабарлар наздида, айниқса, бу умуман тарихий мавжудликка эга эмаслиги таъкидланган ва ўйлаб топилган ҳукуқий тахаллус сифатида қаралган. Масалан, фуқаролик тушунчаси давлат ва маҳаллий халқ ўртасида тузилган шартнома эмаслиги, албатта, маълумдир.

Техник, тарихий ва ҳукуқий танқидларга қарамасдан, жамоат шартномаси ҳар доим долзарблиги жиҳатидан сиёсий ҳақиқатларни ифодалаб келган. Чунки демократия фуқароларнинг эркин иродасига суюнган. Ҳозирги кунда бунинг исботи 1948 йилги Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясидир. Унга кўра, ҳар бир шахс ўз мамлакатини тарк этиш ҳукуқига эгадир¹.

Халқнинг умумий иродаси давлат кучларининг танҳо бошқариши мумкинлигига² ишонган Руссо халқнинг умумий иродаси (халқ суверен, яъни олий ҳокимият эгаси), умумий манфаат (умумий мулк), умумий ҳужжат (қонун) каби тушунчаларни илоҳийлаштиришгача борган. Шунингдек, шахсий манфаатларни, хусусий ҳоҳиш-иродани ва ҳужжатларни қаттиқ қоралаган.

Руссонинг айнан мана шундай фикрларида қарама-қаршиликларни кузатиш мумкин: у давлатга мутлақ ҳокимиятни ҳавола қилган, Бироқ шу билан бирга, эркинликни ҳимояялаган ҳам: «**Фақат давлат кучигина ўз аъзоларининг эркинлигини ҳимоя қила олади, холос**»³. Албатта, Руссонинг ушбу фикрлари тоталитар демократияни баён қилаётгандек туюлиши мумкин.

Халқнинг умумий иродаси дахлсиз, мукаммал ва мутлақдир.

Унинг дахлсизлиги шундаки, чунки, бу мустақил халқнинг ҳоҳиш-иродасидир: «**Халқнинг умумий иродасини амал-**

¹ Қаранг: Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: Ўзбекистон; 2008.

² Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. II, Ch. 1, t. III, p. 368. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

³ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. II, Ch. 12, p. 394. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

га ошириш ҳисобланадиган суверенитет ҳеч қачон ажратиб юборилиши мумкин эмас»¹. Яъни бу «бевосита демократия» деб аталади.

Шунингдек, суверенитетни Ҳукуматдан фарқлаш лозим. Ҳукумат халққа бўйсунади. Агар Ҳукумат хоҳиш-иродаси халқнинг иродасидан юқори қўйилса, жамоат шартномаси бузилган ҳисобланади.

Халқнинг умумий иродаси мукаммалдир: «Суверен хусусий шахслардан таркиб топган бўлиб, уни ташкил қилувчиларга қарпи манфаати йўқ ва бўлмайди ҳам. Тана ҳеч қачон ўзининг барча аъзоларига зарар етказиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, у суверендир».²

Халқнинг умумий иродаси мутлақ ҳокимиятдир: «Табиат ҳар бир инсонга ўз тана аъзолари устидан мутлақ ҳокимият берган, жамоат шартномаси сиёсий корпусга ҳам ўз аъзолари устидан мутлақ ҳокимият беради. Буни чеклаш уни яксон этиш демакдир».³

Гарчи халқнинг умумий иродаси дахлсиз, мутлақ бўлсада, у ҳам хато қилиши мумкин, деган Руссонинг навбатдаги қарама-қарши фикрларидан бири ҳам мавжуд: «Халқларга мос келадиган жамиятнинг энг зўр қоидаларини кашф этиш учун олий ақл керак бўлади. Инсонларга қонунлар бериш учун худолар керак бўлиши мумкин эди».⁴ Шунингдек, файласуф оммани огоҳликка доим чақириб келган: «Одамлар, билиб кўйингларки, худди она ўз боласининг қўлидан хавфли қуролни тортиб олишидек, она-табиат ҳам сизларни илм-фандан сақлашни хоҳлаган. Унинг сизлардан яширган сирларининг бари ёвузлиkdir».

¹ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. II, Ch. 1, p. 368. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

² Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. I, Ch. 7, p. 363. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

³ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. III, Ch. 16, p. 432. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

⁴ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. II, Ch. 7, p. 381. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

Жан-Жак Руссо Ликюрг¹ ва Солонга² маҳлиё бўлиб, «инсоний кучдан юқори корхона»ни танҳо бошқара олувчи афсонавий ҳуқуқшуносга қонун чиқарувчи ҳокимиятни қуришни маслаҳат берган.

Жан-Жак Руссо ҳозирги замон «қонун» тушунчасининг яратувчиларидан бири ҳисобланади. Айнан мана шу инсон халқнинг умумий иродасидан келиб чиқади, деган хулоса билан қонуннинг умумий хусусиятини тасдиқлаб қўйган. Қонун хусусий предметга эмас, балки, умумий предметга эга бўлиши керак: «Қонулар предмети ҳар доим умумий, қонун субъектларни, тана ва ҳаракатларни мавхум деб билади, ҳеч қачон инсонни на индивид ва на маҳсус ҳаракат деб билмайди».³

Руссо ҳуқуқий қарашларининг яна муҳим жиҳатларидан бири шундан иборатки, у «ҳуқуқий давлат» тушунчасининг муаллифиидир:

«Бошқарувнинг қандай шакли бўлмасин, қонулар билан бошқариладиган ҳар қандай давлатни Республика деб атайман».⁴

Францияда инқиlobдан бўён ҳукмрон бўлган қонунпастлик (*culte de la loi*) учун айнан ана шу «Жан-Жак» олдида қарздормиз: «Адолат қонундан олдин эмас, балки қонун адолатдан олдинроқ пайдо бўлган. Адолат ва эркинлик учун фақат қонундан миннатдор бўлиш керак».⁵ Қонун барчани - инсонлар, мулк, таълим-тарбия, дин – бошқаради. Бироқ қонун салоҳияти, қудрати ҳақида қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Қонунни илоҳийлаштиришига қарамай, Руссо қонун барча нарсаларни ҳар доим ҳам қила ола-вермайди, деб таъкидлаган: «Ҳар қандай қонуннинг энг муҳим жиҳати, у на мармартошга ва на бронзага ёзилади, балки фуқаролар қалбига жойлашади; бу эса, Давлатни ҳақиқий конституциясига

¹ Ликюрг (мил.ав. IV аср) – юонон сиёсий арбоби, қонун чиқарувчи ва нотик.

² Солон (мил.ав. 640 ва 635–559) – Афиналик сиёсатчи, қонуншунос ва шоир, шунингдек, Қадимги Юноннинг «етти хирадманд»ларидан бири.

³ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. II, Ch. 6, p. 379. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

⁴ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. II, Ch. 6, p. 379. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

⁵ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Discours sur l'économie politique, article de l'Encyclopédie, t. III, P. 248. – Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

айлантиради, ҳар куни янги кучга эга бўлади, бошқа эскираёттани ва сўнаёттан қонунларни қайта жонлантиради. Мен урф-одатлар, ағъаналар, ва, айниқса, фикр ҳақида гапирайтман».¹

Руссонинг «Жамоат шартномаси» асари Инқилобдан кейин унга муваффақият олиб келган бўлса, «Эмиль» асари эса, гарчи зерикарли бўлса-да, уни тириклигигида ёқ машхур бўлишига ўз ҳиссасини қўшган. Бу панд-насиҳат, яъни таълим-тарбияга оид асар ҳисобланиб, ушбу китобнинг марказий foяси шундан иборатки, Франция каби буюк давлатнинг расvosи чиққан жамиятида шахс гафлат ботқогига янада чўжмаслигининг олдини олишdir.

Бу асар «Жамоат шартномаси»нинг мантиқий давоми ёки уни тўлдирувчисидир. Важлар яна ўша: инсонда жамият айнитган оригинал яхшилик бор. Тарбия буни ушбу камчиликлар ва нуқсонлардан ҳоли этиши даркор. Руссонинг фикрига кўра, табиат инсонни баҳтли ва оққўнгил қилиб яратган, бироқ жамият уни шундан маҳрум этиб, қашшоққа айлантирган.

Жамиятнинг мазкур бузғунчилик кайфияти болага ўз таъсирини ўтказмаслиги учун уни китобий фанлардан асраш керак («Мен китоблардан нафратланаман»²) деб таъкидлаган. Бу каби фикрлаш 1968 йилнинг май воқеаларида ҳукмрон бўлган обскурантизм, яъни илм-маърифатга душманлик ва жаҳолатпарастлик ҳамда стихиялилик, яъни ўз-ўзидан тартибсиз равишда юз бериши каби foяларни эслатган. Шу билан бир қаторда, педагогика ҳам йўналтирувчилик хусусиятига эга бўлмаслиги лозим. Руссонинг таъкидлашича, «Табиат спектаклининг ҳаёти инсон қалбидадир. Уларни кўриш учун ҳис эта олиш лозим. Бола предметларни фаҳмлайди, аммо уларни бирбири билан боғлаб турувчи муносабатларни сеза олмайди. Болага у эшийтмайдиган гапларни айтиб турманг, унга нарсаларни таништирсангиз бас»³.

¹ Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. Contrat social, L. II, Ch. 12, p. 394. - Paris: Pléiade, 1964. n° 169. 2240 p.

² Jean-Jacques Rousseau. Œuvres complètes. L'Emile, L. III, t. IV, p. 454. 1969. Pléiade, n° 208. 2192 p.

³ Philippe Malaurie. Droit et littérature. Une anthologie. — Paris, Editions Cujas, 1997. — P. 203.

Жан-Жак Руссонинг бундай фалсафий баҳолашлари эса, гедонизм¹, яъни ҳузур-ҳаловатга интилиш инсонга хос олий хислат, деб ҳисобловчи ахлоқий таълимотга ўхшаб кетади: «Бахтиёр бўлиш керак, ҳурматли Эмиль; бу барча ҳиссиятли мавжудотнинг якунидир; бу табиат бизга инъом этган энг биринчи ва бизни ҳеч қачон тарк этмайдиган ягона ҳоҳиш-истакдир. Бироқ баҳт қаерда? Ким билади? Уни ҳамма излайди ва ҳеч ким топмайди. Ҳаётимизни уни топишга сарфлаймиз ва унга эриша олмасдан ўламиз»².

Шунингдек, бу дангасаликнинг қандайдир педагогикаси ҳам ҳисобланади: «**Қилишимиз керак бўлган ишни менсимасдан ўтираверсак, хирадмандлик ҳаракатсизликда қолаверади**».

Бола учун – на жамият, на оила, на ота, на она, на муҳаббат, на шафқат, балки бир «бошқарувчи».

Шундай қилиб, Жан-Жак Рассо сиёсий адабиётнинг энг буюк мафтункор адиби ва тарих йўналишини ўзгартиришга таъсир ўтказа олган ёхуд XX асрнинг бошида фаолият кўрсатган, Париж Университетининг филология факультети профессори Густав Лансоннинг таъбири билан айтганда, «Файласуф Рассо ва файласуфлар душмани»³, яъни бошқа машҳур файласуфлар қаторида рақобатга бардош бера олган, унинг ғоялари эса, вақт давомида синовдан ўта олган йирик файласуфлардан бири бўлиб қолажак. Бир вақтнинг ўзида бу мафтункор киши хаёлпараст ҳам ҳисобланади. У фуқаро, турмуш ўртоғи ва оталарнинг «муқаддас» вазифалари қандай бўлиши лозимлигини эҳтирос билан ўқита олган забардаст инсондир.

*A.X. Саидов,
профессор*

¹ Гедонизм – ҳузур-ҳаловатга интилиш инсонга хос олий хислат, деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот.

² Philippe Malaurie. Droit et littérature. Une anthologie. – Paris, Editions Cujas, 1997, – P. 204.

³ Gustav Lanson. Histoire de la littérature française. – Paris, Librairie Hachette, 1920, – P. 773.

МАНЗУР БҮЛИШ САНЬЯТИ¹

*М*ан Жак Руссо күплаб ижтимоий-сиёсий рисолалар, фалсафий тадқиқотлар, романлар яратган. Унинг асарлари ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам жамият тафаккурини ўстиришда катта роль ўйнаган. Унинг «Жамоат шартномаси», «Томошалар ҳақида мактублар» каби рисолалари, «Юлия ёхуд Янги Элоиза», «Эмиль ёки тарбия тўғрисида» каби романлари машҳур. Бу романлар ўзида фалсафий мушоҳадаларни ҳам, педагогик қараашларни ҳам, муаллифнинг идеал жамият ҳақидаги утопияларини ҳам мушассам этган. Бундан ташқари, Руссонинг «Иқрорнома» деган автобиографик асари ҳам бор. Бу асарда унинг ҳаёт йўли ва ижоди батофсил ёритилиши билан бир қаторда, муаллифнинг қусурлари, айблари, кўпгина қингир ишлари, ишқий можаролари ҳам ҳаққоний тасвирланган. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган лавҳалар «Эмиль ёки тарбия тўғрисида» китобидан олинган.

Жинс масаласига тааллуқли бўлмаган ҳамма нарсада аёл эркакка тенгdir; аёл ҳам ўшандай аъзоларга эга, унинг ҳам эҳтиёжлари эркакники каби, қобилиятлари ҳам ўшандай, жисмининг тузилиши ҳам эркакникига ўхшаш, эркак ва аёлнинг гавдаси бир хил қисмлардан ташкил топган ва уларнинг ҳар қайсиси бир хил вазифани бажаради; эркак ва аёлнинг ташқи кўриниши бир хил. Қайси бир нуқтаи назардан биз уларга қарамайлик, улар орасидаги фарқ жуда кам эканини кўрамиз.

Жинс масаласига тааллуқли ҳамма нарсада аёл билан эркак кўпгина муштарак жиҳатларга ҳам, кўпгина тафовутларга ҳам эга. Уларни бир-бирлари билан таққослаш қийин, чунки

¹ Жан-Жак Руссо. Манзур бўлиш санъати // Озод Шарафиддинов таржимаси // Жаҳон адабиёти. 1998, №10. 157–167 бетлар.

уларнинг тузилишларида жинс билан бевосита боғлиқ нарса нима-ю, унга боғлиқ бўлмаган нарса нима эканини аниқ белгилаб олиш анча мушкул. Қиёсий анатомия ҳам, оддий қузатиш ҳам далолат берадики, эркаклар билан аёлларда бир қатор тафовутлар бор – бир қарашда, уларнинг жинсга дахли йўқдай кўринади; лекин аслида улар жинс билан чамбарчас боғланган, фақат биз уларни бир-бирига боғлаб турган ипларни аниқ белгилай олмаймиз, негаки, бу иплар қаергача боришини билмаймиз. Биз фақат бир нарсани комил ишонч билан айтишимиз мумкин – эркаклар билан аёллар ўртасидаги муштаракликнинг ҳаммаси инсоний табиатга таалтуқли, уларни бир-биридан фарқлантириб турадиган жиҳатларнинг ҳаммаси эса, жинс масаласига доирдир. Уларни ана шу икки нуқтаи назардан келиб чиқиб текширап эканмиз, биз жуда қўплаб бир-бирига ўхшаш ва қўплаб бир-бирига зид жиҳатлар топамиз ва ажаб бир тўхтамга келамиз – бир-бирига шу қадар ўхшайдиган ва тузилиши жиҳатидан бир-биридан шу қадар фарқ қилувчи бу икки маҳлуқ табиатнинг мўъжизасидир.

Бу ўхшашликлару бу тафовутларнинг ҳаммаси руҳий ҳаётга таъсир қилмай қўймайди. Бу таъсир жуда ҳам сезиларли, уни муентазам равишда кузатиш мумкин; бундан шундай хулоса чиқадики, эркак ва аёлларнинг қай бирлари қай бирларидан устун экани ҳақидаги, шунингдек, уларнинг тенглиги тўғрисидаги баҳслар ҳар қандай маънодан ҳолидир. Дарҳақиқат, уларнинг ҳар бири табиат белгилаб берган вазифаларини баҷаради, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида роль ато этилган. Наҳотки, уларнинг бири бошқа жинсга қўпроқ ўхшаганда мукаммалроқ бўлиб қолармиди? Уларнинг ўрталарида муштараклик борлиги важидан ҳар иккала жинс ҳам бир хилдир, уларнинг ораларида тафовут борлиги ҳам ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Комил эркак билан комила аёл ташқи жиҳатларига кўра, бир-бирларидан қандай фарқлансалар, маънавий қиёфаларга кўра ҳам бир-бирларига унча ўхшамайдилар ва бу уларнинг комиллигига заррача ҳалал етказмайди.

Жинслар қўшилганда уларнинг ҳар қайсиси бир хил вазифани бажаради, лекин бу вазифани мутлақо ҳар хил йўсинда бажаради. Ана шу ҳар хил йўсиндан уларнинг ўзаро муносабатларидаги биринчи фарқловчи хусусият майдонга келади. Бири фаол ва бақувват бўлмоғи керак, иккинчиси нофаол ва заиф бўлади: уларнинг бири ўз иродасини пешкаш қилиб, мақсадига эришмоғи лозим, икинчиси эса, қаршилик кўрсатмоғи кераг-у, лекин бу қаршиликни bemalol енгиб ўтиш мумкин бўлмоғи даркор.

Модомики, шу ҳолни қоида деб белгилаб олар эканмиз, ундан бир хулоса келиб чиқади: аёл киши эркакка манзур бўлиш учун яратилган. Албатта, эркак киши ҳам ўз навбатида аёлга манзур бўлиши керак, лекин тўғридан-тўғри бунга зарурят йўқ; куч – унинг фазилати. Эркак киши бақувватлиги биланоқ аёлнинг кўнглини ола билади. Бу, албатта, севги қонуни эмас, лекин бу – табиат қонуни. Бу қонун муҳаббатдан кўра қадимийроқ.

Модомики, аёл эркакка манзур бўлиш ва унга тобе бўлиш учун яратилган экан, у эркакка дағдаға қилиши керак эмас, – балки унга маъқул бўлмоққа, унинг кўнглини олмоққа интилмоғи жоиз. Аёлнинг қудрати – унинг жозибасида. Аёл ўзининг латофатию таровати билан эркакни унга хос бўлган кучни ҳис қилишга ва уни ишга солишга мажбур бўлади. Бу кучни уйғотишдаги энг синалган санъат шундаки, қаршилик кўрсатиш йўли билан бу кучга ҳаёт бахш этилади. Шунда камситилган иззат-нафс иштиёққа қўшилади-ю, фалабага эришади. Шу важдан ҳужум ва ҳимоя майдонга келади, бир жинснинг дадиллиги-ю, иккинчи жинснинг ҳурраклиги, ниҳоят, заиф жинснинг тортичоқлиги-ю, ҳаёси туғилади. Ҳурраклик ва ҳаёни заиф жинсга табиат ато қилган. Унинг ёрдамида аёл кучли жинсни ўзига бўйсундириб олади.

Табиат ҳар иккала жинсга ҳам баравар даражада ҳужумкорлик тарзидаги хатти-ҳаракатни раво кўради ва қайси жинсда иштиёқ олдин туғилса, шу жинс вакили ўз иштиёқини биринчи бўлиб ошкор қилмоғи зарур деган фикр ҳеч кимнинг хаёлига

келмаса керак. Кўп гаройиб хато бўлар эди-да бу! Севги ҳар иккала жинс вакиллари учун бир-биридан батамом фарқланувчи оқибатларга олиб келади. Шундоқ бўлгач, уларнинг иккови ҳам бир хил дадиллик билан севги бағрига ўзларини ота оладиларми? Наҳотки, бир ҳақиқат аён бўлмаса — табиат бир жинсни меъёрдан чиқиб кетмайдиган эҳтиёткор қилиб яратмаган бўлса, ҳозирги эркак ва аёлнинг роллари ўртасида анчагина тенгсизлик мавжуд бор шароитда, қисқа бир муддат мобайнида ҳар иккала жинс ҳам ҳалокатга учраган бўлур эди ва инсон уругини сақлаб қолиш учун рано кўрилган воситалар, аксинча, инсон зотининг ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келган бўлур эди. Тасаввур қилингки, аёлларнинг ҳирси жуда осон жунбишга келсин ва улар юракларида мудраб ётган, деярли сўнай деб қолган эҳтиросни осонгина ўт олдира олсинлар, тасаввур қилингки, дунёда шунаقا бир шўрпешона мамлакат мавжуд-да, унда файласуфлар ана шу одатни жорий қилишсин ва бу, айниқса, эркакларга қараганда аёллар кўпроқ иссиқ иқлимли мамлакатда содир бўлсин — унда аёлларнинг зулмидан азоб чеккан эркаклар оҳир-пировардида қурбон бўлиб кетишар ва қаршилик кўрсатишга кучлари етмай қирилиб кетишарди.

Жониворларнинг ургочиларида аёллардан фарқ қиласроқ ҳаёй ўй. Хўш, нима бўлипти шундоқ бўлса? Уларга аёллардан фарқли ўлароқ айни ана шу ҳаёжиловлаб турадиган ҳирс чекланмаган даражада ато этилган эмас-ку! Жониворларда ҳирс муайян эҳтиёж билан баравар туғилади ва шу эҳтиёж қондирилиши биланоқ ҳирс сўнади, шундан кейин улар эркакларининг хушторлигини ёлғондакамига эмас, чинакамига рад этадилар¹.

Улар Августнинг қизи қилган қилиқларни мутлақо қилмайдилар ва кема тўлиб бўлган бўлса, унга яна ортиқча йўловчилар чиқишига сира ҳам йўл қўймайдилар. Жониворларнинг иштиёқ чоғлари қисқа муддатли бўлади ва тез ўтиб кетади;

¹Мен кўп сўзлаганман: деярли ҳамма ургочи маҳтуқлар, ҳатто жониворларнинг ургочилари ҳам кўнгиллари тусаб турган бўлса-да, нозу карашма сабабидан эркагининг иштиёқини қайтаришга ҳаракат қилишади. Умрида уларни кўрмаган одамгина буни инкор этмоғи мумкин (муаллиф изоҳи).

уларнинг ҳирсини инстинкт уйғотади ва инстинкт тұхтатади. Агар сиз аёлларни ҳаёдан маҳрум этсанғыз, ана шу ҳирсни жиловлаб турадиган инстинкт ўрнини аёлларда нима бажара-ди? Аёллар әркак зотини ҳаёлларига бошқа келтирмасликла-ри учун әркакларнинг ҳаммаси ортиқ ҳеч нарсага ярамайди-ган бўлиб қолмоқлари керак бўлади.

Яратганга инсонни ҳар жиҳатдан улуғ қилиб яратиш маъқ-ул бўлган: әркакка чексиз интилишлар, майллар ато этган ва, айни чоғда, у эркин бўлмоғи ва ўз-ўзини бемалол бошқара билмоғи учун уларни жиловлаб турадиган қонун ато қилган. Яратган әркакка ўлчоғсиз әҳтирослар ато этган ва, айни чоқ-да, шу әҳтиросларни ўз изми билан ҳаракатга солмоқ учун әҳтирослар ёнига ақдни ҳам қўшиб қўйган. Аёлга чексиз иш-тиёқлар ато қиласр экан, бу иштиёқлар ёнига ҳаёни ҳам қўшиб қўйганки, ҳаё тийиқсиз иштиёқларни жиловлаб туради. Бу-ниси ҳали ҳолва - ўз қобилиятларини яхшилик йўлига сарф-лаган одамга яратган сахийлик билан инъомлар ҳам беради. Мен ҳалол турмуш тарзидан кўнглимиизда пайдо бўладиган мамнуният туйғусини назарда тутмоқдаман. Менинг ўйлашим-ча, буларнинг ҳаммаси қудрати жиҳатидан жониворларнинг инстинктидан заррача қолишмайди.

Аёл әркакнинг иштиёқини қондиришга розими ёхуд бунга қаршилик қиласими, уларга ён беришга кўнадими ёхуд улар-ни рад этадими, барибир, тихирлик қилиб туриб олади, қар-шилик кўрсатади, бироқ унинг қаршилиги ҳаммавақт ҳам бир хил кучга эга бўлавермайди, бинобарин, қаршилик ҳамиша ҳам муваффақиятли чиқавермайди. Ҳужум қилаётган одам ғалабага эришмоғи учун ҳужумга дучор бўлган одам ўз ихтиё-ри билан жиндай ён бериб турмоғи ҳам керак. Унинг макру ҳийласи кўп ва у жуда осонлик билан ҳужум қилаётган одам-ни куч ишлатишга мажбур қила олади. Бу иш энг эркин ва энг ёқимли ишdir. Шунинг учун бу ишда заррача ҳам зўра-вонлик кетмайди. Табиат ҳам, ақл ҳам зўравонликка қарши-лик кўрсатади. Ахир, табиат заифроқ жинс вакилларига ҳам истаган пайтларида қаршилик кўрсата олишлари учун етарли

куч берган, ақлимиз эса, бизга аён қиласы, зўравонлик учига чиққан қўпопликкина эмас, балки бориб турган ақдизлил ҳамдир, чунки зўравонлик қилган эркак ўзининг ёстиқдошига қарши уруш эълон қилган бўлади ва унга ўзининг танини ҳам, ўзининг эркини ҳам ҳимоя қилишга ҳуқуқ беради. Бу ҳимояда аёл киши ҳатто ҳужум қилаётган эркакнинг ҳаётига ҳам тажовуз қилиши мумкин. Иккинчи томондан, ҳомила-дорлик масалаларини аёлнинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди, агар истаган эркак оталик ҳақига эга бўлаверадиган бўлса, боланинг отаси бўлмаган бўларди.

Жинслар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг учинчи фарқловчи хусусияти қуйидагича: кучлироқ жинс вакили зоҳирингина фармонбардор бўлиб кўринади, аслида эса, заиф жинс вакилига қарамдир. Буни эркак томонидан noctor, ҳимоясиз, заифа аёлга кўрсатиладиган такаллуфу ёки эркаклик гуруридан туғилган олижаноблик билан изоҳлаб бўлмайди. Бу ўринда табиатнинг бузилмас қонуни амал қиласи. Табиат шундай яратганки, аёллар ўз иштиёқларини осонгина ўт олдиришлари мумкин, эркаклар эса, уларни қийналироқ қондирадилар. Шундоқ бўлгандан кейин эркак киши аёлнинг ўзига нисбатан хайрихоҳлиги билан ҳисоблашмоғи ва, ўз навбатида, аёлга манзур бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим. Эркак аёлга манзур бўлсагина, у эркакка ўз кучини намойиш этишга имкон беради. Шундай қилиб, эркак ғалабага эришди дейлик. Лекин шунда ҳам унинг ичини бир шубҳа кемириб турса, унга хуш ёқади. Эркак охиригача аниқ билмайдики, у заифа мавжудот устидан ўзининг қудрати важидан ғалаба қозондими ёхуд аёл унга ўз ихтиёри билан берилдими? Аёл зотининг энг оддий макри шундаки, у эркакнинг кўнглидаги ана шу шубҳани йўқ бўлишига йўл қўймайди. Аёл кишининг руҳий ҳаёти бошдан-оёқ унинг организмининг хусусиятлари билан белгиланади: у ўзининг заифликларидан хижолат бўлишни хаёлига ҳам келтирмайди, аксинча, бу заифликларидан у фахр қиласи, унинг мускуллари шу даражада ожизки, у ўз-ўзини ҳимоя қилолмайди; аёл ўзини энг енгил буюмни ҳам кўтара олмайди.

дигандай қилиб кўрсатади: бақувват бўлмоқ унинг учун уят. Нима учун шундай? Бу ўринда гап инжамавжудот ролини ўйнаш хоҳишидагина эмас, бу ўринда бошқа бир нозикроқ гап бор — аёл ўз-ўзини оқлашга баҳонани аввалданоқ тайёр қилиб қўйишни истайди, шундай қилса, зарур бўлган кезларда ўзининг заифлигини bemalol рўйкач қилаверади.

Бизнинг бадкирдор асримизда маърифат бобидаги ютуқлар бу масаладаги қараашларни тубдан ўзгартириб юборди. Эндиликда биз аввалги даврлардан фарқ қилароқ, зўравонликлар тўғрисида гапирмай қўйдик, чунки бунга ортиқ ҳожат қолмади ва зўравонликка ҳеч ким ишонмайди¹. Ҳолбуки, энг кейинги замонларда - юнонларда ҳам, яхудийларда ҳам зўравонликлар тез-тез содир бўлиб турган. Ўша пайтларда ахлоқнинг анча жўн бўлганини эътиборга олсак, буни табиий ҳол деб қарааш керак бўлади; фақат жуда кенг миқёсда тарқаган фисқ-фужургина бундай қараашларга хотима бера олади. Бизнинг замонамиизда зўравонликлар тўғрисида камроқ эшигаётган бўлсак, бундай бўлаётганига сабаб, ҳозир эркаклар ўзини кўпроқ тиядиган бўлиб қолганида эмас, албатта. Қадимларда бобокалонларимиз ҳар нарсага лаққа учеб ишониб кетаверишган, ҳозир бунақа лақмалар анча камайиб кетган. Ўтган замонларда бобокалонларимизни bemalol ишонтира олган шикоятлар бугунги кунда кўпчиликнинг истеҳзоли кулгисини кўзгайди, холос. Эндиликда индамай кўяқолган афзал бўлиб қолди.

«Инжил»да бир қонун бор — бу қонунга мувофиқ зўрланган қиз унинг номусига тажовуз қилган эркак билан баравар жазога мустаҳиқ қилинар эди.

Аммо бунинг учун жиноят шаҳар ҳудудида рўй берган бўлмоғи керак эди. Агар борди-ю, жиноят шаҳардан ташқарида ёхуд кимсасиз чўли биёбонда содир этилган бўлса, унда эркакнинг ўзи жазога тортилар эди. «...Сабабки, — дейилади

¹ Эркак аёлга нисбатан ёши анчагина катта бўлса ва аёлдан кучлироқ бўлсагина зўравонлик майдонга келиши мумкин. Бироқ мен ўз мулоҳазаларимда табиатнинг ўзи белгилаб қўйган жинслар аро муносабатларни, одатдаги аҳволни назарда тутяпман. (Муаллиф изоҳи).

қонунда – бокира қиз дод деган, лекин уни қутқарадиган ҳеч ким бўлган эмас». Ана шу лақма эскартиш қизларга огоҳлантириш ўрнида хизмат қилган – улар гавжум жойларда дабдурустдан кўлга тушиб қолмаслик учун доим эҳтиётларини қилиб юрмоқлари керак.

Қарашлардаги ўзгаришлар шунга мувофиқ ҳулқ-ахлоқдаги ўзгаришларни ҳам вужудга келтирди. Бунинг оқибатида ҳозирги такаллуп вужудга келди. Эркаклар англадиларки, уларнинг хоҳишиларининг қондирилиши авваллари ўйлаганларига қарангандай кўпроқ даражада аёлларга боғлиқ экан, шунинг учун такаллуп, хушмуомалалик, ширин сўзликни ишга солиб, ўзларини аёлга тобе қилишга тиришдилар. Айтмоқ керакки, уларнинг бу интилишлари жуда тез муваффақият қозонди.

Кўриб турибсизки, жисмоний ишлар сезилар-сезилмас дарражада руҳий ишлар соҳасига кўчиб ўтади ва жинсларнинг бир-бирига дағал қўшилуви натижасида секин-аста муҳаббатнинг инжа қонунлари туғилиб туради. Аёллар эркаклар устидан ҳокимлик қиласар эканлар, бу эркакларга маъқул келгани учун шундай қилмайдилар, балки аслида табиатнинг ҳукми шунаقا: ҳали ҳеч ким уларни ўзининг ҳукмдори сифатида тан олмаган қадимий замонларда ҳам аёллар эркаклар устидан фармонбардорлик қилишган. Геракл эсингизда бор, албатта, ўзининг назарида у Феспийнинг элликта қизи устидан зулмини ўтказиб зўравонлик қилган. Охир-пировардида эса, у Омфаланинг оёғи томонида ўтириб, чарх йигиришга мажбур бўлади, курратли Самеон эса, Даниладан ожизроқ бўлиб чиқади. Аёллар ўз ҳокимиятларидан мудом фойдаланадилар ва буни уларнинг қўлидан тортиб олиб бўлмайди, улар ҳатто ҳукмдорликларини суиистеъмол қилган тақдирларида ҳам, уларни бундан маҳрум қилиб бўлмайди. Агар улар ўз ҳокимиятларини бой бериб қўйишлари мумкин бўлганда эди, аллақачон ундан маҳрум бўлиб қолишар эди.

Эркак ва аёлнинг ҳаётида жинс жинс сифатида мутлақо ҳар хил роль ўйнайди. Эркак муайян дақиқалардагина эркаклик сиёғига эга бўлади, урғочи эса, бутун умри мобайнида

урғочи бўлиб қолаверади, жилла бўлмаса, ёшлиқ йилларида шундай бўлади. Унинг теварагини қуршаб олган нарсаларнинг ҳаммаси аёлга унинг жинсини доимий равишда эслатиб туради; ўзининг зиммасидаги вазифани ўринлатиб бажармоқ учун аёл киши шунга мувофиқ тарзда ҳаёт кечирмоғи керак. Ҳомиладорлик пайтида аёл киши бениҳоя эҳтиёткор бўлмоғи керак, кўзи ёрийдиган кезларда унга тинчлик ва истироҳат зарур, фарзандини эмизар экан, оғир жисмоний меҳнат қиласлиги, оғир юқ кўттармаслиги лозим, фарзандини тарбиялаб улғайтиromoқ учун аёлга сабр-тоқат, майнинлик, гайрат ва ҳар қандай тўсиқни енгиги ўта оладиган муҳаббат даркор. Аёл фарзандлар билан уларнинг отасини бир-бирига боғлайдиган ҳалқадир, у отага фарзандларга нисбатан меҳр-муҳаббат сингдиради ва унга фарзандларни ўзиники деб аташга ҳақли эканига ишонч бахш этади. Оилада тинчлик ва тотувликни, аҳилликни барқарор этмоқ учун аёл киши нечоғлик ғамхўрлик қиласди, юрак тафтини, меҳрини аямайди. Яна шуни қўшиб қўяйликки, буларнинг ҳаммасини аёл ахлоқ талабларини адо этмоқ юзасидан эмас, балки қалб амри билан қиласди. Чунки аёл фақат ахлоқ талабларига риоя қилиш билан чекланадиган бўлса, инсон зоти қисқа муддатда йўқ бўлиб кетар эди.

Ҳар иккала жинсдан ҳам зиммаларидағи ўзаро мажбуриятни сира оғишмай, қатъий бажаришларини талаб қилиб бўлмайди. Бу борада мавжуд бўлган тенгсизликни кузатар экан, аёл адолатсизликдан зорланади ва ҳаммасига эркакни айбдор деб билади. Бироқ у ҳақ эмас. Бу тенгсизлик инсон ихтиёри билан вужудга келган эмас; ҳар ҳолда унинг замирида мутаассиблик етмайди, балки у акл талабларига асосланади: уларнинг иккавидан бирига табиат фарзандларни улғайтириб вояга етиштиришни юклаган экан, у болалар учун ҳамроҳи олдидан жавобгар бўлади. Албатта, ҳеч ким омонатга хиёнат қиласлиги керак. Эрнинг садоқати аёлнинг жуда оғир бурчни бажариш эвазига оладиган яккаю ягона мукофотидир. Эркак хотинини шу мукофотдан ҳам маҳрум қиласидиган бўлса, жуда като адолатсизликка ва бағритошликка йўл қўйган бўлади. Аммо бевафо хо-

тин бундан ҳам оғирроқ жиноят содир қилган бўлади – у оила-ни барбод қилади ва табиат ато қилган ҳамма ришталарни узуб ташлайди; эридан эмас, бошқа бегона эркакдан фарзанд туғиб. аёл ўзининг қонуний болаларига ҳам хиёнат қилади. Бундай бевафолик билан хиёнат бир-бирига қўшилиб кетади. Аёлнинг бунақа бадкирдорлигидан қанақа аламли нифоқлар вужудга келади-ю, қанақа жиноятлар содир бўлади! Шўрпешона отанинг қандай мудҳиш аҳволга тушиб қолишини кўз олдингизга келтиринг: хотини унинг ишончини поймол қилгандан кейин ота ўзининг энг инжа туйғуларига эрк беришга журъат қилолмай қолади, чунки у боласини ўпар экан, «бу бегонанинг боласи эмасмикин? Мени шарманда қилган ва ўз болаларимнинг хотиржамлигига путур етказган бола шу эмасмикин?» деган гумон унинг юрагини ўртайди. Бунақа ҳолларда оила нимага айланади? Оила иккита душман одамнинг ёлғон иттифоқи бўлиб қолмайдими? Жинояткор аёл икки кишини бир-бирига қайраб кўйиб, уларни ёлғондан муҳаббат иплари билан боғлангандай қиёфа касб этишга мажбур қилмайдими?

Шундай қилиб, аёл нафақат вафодор бўлмоғи керак, балки у ўзининг эри томонидан, яқинлари томонидан, жамики одамлар томонидан вафодор аёл сифатида эъзозланиши ҳам зарур. Аёл камтар, камсуқум, ғамхўр, меҳрибон, босиқ бўлмоғи ва нафақат ўзининг фазилатларини ўзи англаб яшамасдан, балки ҳамманинг ва ҳар бир одамнинг назарида фозила бўлиб кўринмоғи лозим. Ниҳоят, яна бир гап: агар ота ўз фарзандларини яхши кўриши муҳим бўлса, ота фарзандларининг онасини ҳам ҳурмат қилмоғи керак. Бундан шундай хулоса чиқадики, аёл ўзининг иффатини қандай тоза сақласа, обрўйига доғ тушмаслиги тўғрисида шунчалик ғамхўрлик қилиши, номус-орини ва покиза номини доимо ҳимоя қилишни ҳам ўйламоғи даркор. Икки жинснинг ахлоқи масаласида тафовутлар мавжуд экан, аслга нисбатан янги талаб майдонга келади. Бу талаб биз баён қилган жамики иринциплардан туғилади. Бу талаб шундан иборатки, ҳамма одоб қоидаларига оғишмай риоя қилиш керак, ўзингнинг хулқ-авторингни, қилиқларингни, гапириш

оҳангларингни кузатиб бормоқ лозим. Иккала жинс ҳам тенгдир ва уларнинг зиммаларидаги вазифалари ҳам бир хилдир, демак, куруқ сафсатадан бошқа нарса эмас, бу — ҳеч ким эътиroz билдиримаганидан фойдаланиб айтилган бемаъни гап.

Сиз бирор истисно ҳолни мисол тариқасида келтирадиган бўлсангиз, наҳотки, шу қадар асослаб берилган умумий қонунларга қарши айтган эътирозингизнинг салмоғи бўлади деб ўйлайсиз? Сиз ҳамма аёл ҳам бола туғавермайди дейишингиз мумкин. Ҳа, тўғри. Лекин шунга қарамай, аёл келгуси авлодларга ҳаётбахш этувчи зотдир. Нечук? Бирон-бир юзтами, ундан кўпроқми ё камроқми катта шаҳарлар мавжуд. У ерда бузуқлиқ билан ҳаёт кечиравчи аёллар кам туғишини одат қилиб олишган бўлсин. Сиз шуни рўяч қилиб, аёлларнинг кам туғиши табиий ҳол демоқчи бўласиз. Аммо шаҳарлар теварагидаги қишлоқлар бўлмаса, у ерда покиза ҳаёт кечиравчи аёллар бўлмаса ва улар аҳолининг кўпайишига қисир хонимлар¹ томонидан етказиладиган заарни қоплаб турмаганда сиз айтган шаҳарларнинг аҳволи қандай кечарди? Шундай вилоятлар борки, у ерларда тўртта ёки бешта бола кўрган аёллар кам туққанлар тоифасига киритилади. Ва, умуман олганда, айрим аёлларнинг кам бола туғиши бирор муҳим аҳамиятга эгами? Ахир, аёл киши учун она бўлиш табиий бир ҳол эмасми? Ахир, табиатнинг асосий қонунлари ва жамиятнинг мавжуд расм-русумлари ҳамда одатлари томонидан оналик муҳофаза қилинмайдими?

Фараз қилайликки, аёл киши аҳён-аҳёндагина ҳомиладорлик ҳолатини бошидан кечирадиган бўлсин. Бироқ у ҳар гал бирон жазога мустаҳиқ бўлмай ёки бирон жиддий хатарга рўпара келмай, ўзининг ҳаёт тарзини кескин ўзгартира оладими? Аёл киши бугун бола эмизадиган она, эртага қўлида қилич билан

¹ Агар шундоқ бўлмаганда бутун инсоният уруғи муқаррар равишда қирилиб кетар эди. Инсонлар авлоди мудом давом этмоғи учун ҳар битта аёл ўрта ҳисобда тўртгandan бола түгмоғи керак. Түгиладиган болаларнинг ярми ўзи фарзанд кўришга ултурмай ўлиб кетади. Улардан камида ота ва она бўлишга ярайдиган иккитаси омон қолмоғи керак. Наҳотки, шаҳарлар шу эҳтиёжни қоплай олади деб ўйлайсиз? (Муаллиф изоҳи.)

жант қиласидиган сарбоз бўла оладими? Калтакесак зарур бўлганда рангини ўзгартириб, бошқа тусга кириб олганидек, аёл киши ўз турқини, феъли-авторини, дидини ўзгартира оладими? Аёл киши қўққисдан рўзғор ташвишларини йифиштириб қўйиб, ўзининг ҳоли ҳужрасини тарк этиб, очик майдонларга, тоза ҳавога чиқиб кета оладими? Шамоллар ва ёғин-сочинларга, муҳтоҷликлар, хавф-хатарлар, қийинчиликлар ва жангу жадалларга қарши қўкрак кериб бора оладими? Аёл бирда ҳуркак¹, бирда жасур, бирда инжа, бирда баққувват бўла оладими? Парижда тарбия кўрган ёш йигит-яланларни ҳарбий ишларда қийналар эканлар, бундай қийин синовларга офтобда чиниқиб тобланмаган, кўп юришга ўрганмаган, бунинг устига, бутун умрини ҳашам ва фароғатда ўтказган аёллар дош бера олармиди? Эркаклар ҳарбий хизматни тарк этадиган ёшига етган аёллар бу қийин ҳунарни эгаллаб ола биладиларми?

Шундай мамлакатлар борки, у ерда аёллар ҳомиладан ҳеч қийналмай, деярли дардсиз бўшаладилар ва болаларини ҳам қийинчиликсиз, бемалол эмизиб катта қилишади. Аммо бу мамлакатларда аёллар шундай бўлгани билан эркаклар бутун йил давомида ярим яланғоч юришади, йиртқич ҳайвонлар билан яккама-якка олишишади, бирор қопни орқалагандек, қайиқларини орқалаб, кўтариб юришади, етти юз-саккиз юз чақирим масофага овга боришади, кўрпа-тўшаксиз қуруқ ерда ётиб ухлашаверади, ақл бовар қилмайдиган ҳар хил мушкулотларга дош беришади ва бир неча кунлаб туз тотмай юришади. Аёллар баққувват тортишганда эркаклар бу жиҳатдан улардан анча илгарила бетган бўлади, эркаклар истироҳатга берилиб, майин тортиб қолганда, аёллар улардан ортиқроқ даражада истироҳатга бериладилар. Жинслар қай бир даражада ўзгаришларга дучор бўлмасин, улар ўртасидаги тафовут сира ўзгармай қолаверади.

¹ Аёлларга хос бўлган ҳуркаклик табиат томонидан уларга инъом этилган инстинкт ҳомиладорлик пайтида аёлнинг ўзини ҳам, ҳомиласини ҳам асрайди. (Муаллиф изоҳи.)

Афлотун ўзнинг «Жумхурият» асарида аёлларни эркакларга аталган машқларни бажаришга мажбур қилади. Мен бунга сира ажабланмайман. Ўз давлатида оилани бартараф этган ва аёлларни нима қилишни билмай қолган Афлотун уларни эркакка айлантиришга мажбур бўлган. Бу ажойиб даҳо ҳамма ҳисоб-китобни қилиб қўйган, ҳаммасини аввалдан чамалаб қўйган. Эҳтимолки, унинг гапларига ҳеч ким эътиroz билдирилас ҳам эди, лекин у ана шу бўлиши мумкин бўлган эътирозларнинг жавобини олдиндан бериб қўймоқчи бўлган. Бўлган-у, шу аснода бир қўпол хатога йўл қўйган. Бу хато учун ҳамма унга дашном бериб келади. Мен хотинлар ўртада бўлиши керак деган сохта мулоҳаза тўғрисида гапираётганим йўқ. Кўпинча Афлотун шундай деган деб, унга таъна қиладилар. Ҳолбуки, бундай таъна қилувчилар шу гаплари билан Афлотунни бутунлай ўқимаганликларини фош қилиб қўядилар. Мен бошқа нарса тўғрисида гапиряпман: фуқаролик муносабатлари борасида иккала жинс вакилларини битта мансабга қўйиб бўлмайди, уларнинг икковига бир хил иш топшириб бўлмайди, чунки бунинг оқибатида муқаррар тарзда мансабни чидаб бўлмайдиган даражада суиистеъмол қилиш бошланади. Мен бизга табиат тұхфа этган энг инжа туйгуларни маҳф этмаслигимиз зарурлиги ҳақида гапиряпман. Бу туйгуларни аллақандай сунъий туйгуларга қурбон қилиш керак эмас. Лекин сунъий туйгулар табиий туйгулардан озикланиб-гина яшамокдари мумкин. Ахир, шартли алоқалар табиий ришталар заминида пайдо бўлмайдими? Ахир, яқинларимизга, қариндош-уруларимизга муҳаббатимиз ватанимизга бўлган муҳаббатимизнинг гарови эмасми? Ахир, оиласиз бизнинг кичкина ватанимиз эмасми ва шу кичкина ватан бизни катта Ватанимизга боғлаб турмайдими? Ахир, яхши фарзанд, яхши эр, яхши ота дегани айни чоғда яхши фуқаро ҳам эмасми?

Биз шуни исбот қилиб бердикки, эркак билан аёл бир хил характерга, бир хил темпераментга эга бўла олмайдилар. Бундан шундай хulosса чиқадики, уларнинг тарбияси ҳам бир хил бўлмаслиги керак. Табиат таъсиридан келиб чиқсан ҳолда,

эркак ва аёл ҳамжиҳат ҳаракат қилмоқлари керак, лекин иккiovлари ҳам бир хил иш қилмасликлари шарт. Уларнинг мсҳнатлари ягона мақсадга қаратилган бўлади, лекин бу меҳнатлар бир-биридан фарқ қиласи.

Бинобарин, уларни илҳомлантирадиган майллари ҳам ҳар хилдир. Биз табиий эркак образини яратишга уриниб кўрдик, энди шу эркакка мувофиқ келувчи аёл характеристери қандай таркиб топиши кераклигини кўриб чиқайлик.

Агар сиз ҳамиша ўзингизга яхши раҳнамолик қилишларини истасангиз, албатта, табиат кўрсатмаларига амал қилинг. Жинсга алоқадор нимаики бўлса, ҳаммасини табиат томонидан белгилаб қўйилган нарса сифатидан ардоқламоқ керак. Сиз тинимсиз равишда «Аёллар фалон-фалон қусурларга эга, бу қусурлар бизда йўқ» деган гапни такрорлаб юрасиз. Лекин билиб қўйингки, бу масалада мутакаббирлигингиз сизга панд бериб қўяди – сизга қусур бўлиб қўринган нарса аёллар учун фазилат бўлиши мумкин. Агар аёллар шу сифатларга эга бўлмасалар, ҳаётнинг кечиши анча мушкулроқ бўлиб қолар эди. Бу ёлғондакам қусурларнинг ўсиб, бадбашара тус олиб кетишига йўл қўйманг, лекин уларни таг-туғи билан йўқ қилиб ташлашдан ўзингизни тийинг.

Ўз ҳавбатида аёллар ҳам тинимсиз favfo қўтаришади – гўё биз улардан шуҳратпаст сатанглар тарбиялар эмишмиз, гўё улар устидан ҳукмронлик қилишимиз осонроқ бўлмоғи учун турли-туман ҳуда-бехуда нарсалар билан уларнинг миясини қотирар эмишмиз. Шунаقا ҳам бемаънилик бўладими? Ахир, эркаклар қачондан бери ойим қизлар тарбиясига аралаша бошладилар? Қизларини кўнгиллари тусагандай тарбиялашга оналарга ким ҳалақит беряпти? Ё қизлар учун маҳсус коллежлар йўқми? О, нақадар мудҳиш баҳтсизлик! Кошки эди худо шундай қилсаки, ўғил болалар учун ҳам коллежлар йўқ бўлиб қолса! Ўшанда ўғил болаларнинг тарбияси ҳозиргига қараганда бир неча баробар оқилонароқ бўлиб қолармиди? Улар янада ҳалолроқ қоидалар асосида улғаярмиди? Бизнинг қизларимизни ҳар хил бўлмағур нарсаларга вақт сарфлашга ким мажбур қиласпти? Ким уларни сизга таассуб қилиб, умрининг яр-

мини пардоз-андоз билан ўтказишга мажбур қиляпти? Уларни ўзингиз ўқитиб кўя қолсангиз бўлмайдими? Уларга кўнглингиз тилагандай таълим берсангиз бўлмайдими? Ким халақит беради бунга? Кизлар ўзларининг ҳусни таважжухлари билан бизни мафтун этишади, нозу карашмалари билан бизни йўлдан уришади, манзур бўлиш санъатини сиздан ўрганишиб, бизни ўзларига жалб қилишади ва кўнглимизни олишади, улар дид билан чиройли кийинишганда биз улардан кўз узолмай қоламиз. Хўш, шуларнинг ҳаммасига биз айбормизми? Улар қуролларини чархлар экан, биз маҳдиё бўлиб индамай қараб тураверамиз, кейин шу қурол билан бизнинг устимиздан фалаба қозонишади. Начора, майли, уларни эркакдай тарбиялашга уриниб кўринг. Бунга улар бажонидил рози бўлишади. Аммо улар эркакларга қанча кўп ўхшасалар, уларни шунча кам бошқара оладилар – шунда эркаклар чинакамига уларнинг ҳукмдорлари бўлиб олишади.

Иккала жинс ҳам бир хил қобилиятта эга, лекин бу қобилият уларда баравар даражада эмас. Аммо ҳар қайси жинсда бирон-бир сифатнинг етишмаслиги қарама-қарши сифатлар эвазига тўлдирилади. Эркак ролини ўйнайдиган аёлдан кўра, охиригача тўқис аёл бўлиб қоладиган аёл кўпроқ қимматга эга; ҳар гал аёл киши ўзининг ҳақ-хукуқини талаб қилганида, у бизнинг устимиздан устунликка эришади; ҳар гал аёл киши бизнинг ҳақ-хукуқларимизни эгаллаб олишга ҳаракат қилганида у биздан тубан тушиб кетади. Бу аён кўриниб турган ҳақиқатдир, унга эътиroz билдиromoқчи бўлганлар истисно мисолларга таянибгина иш юритишлари мумкин. Одатда, гўзал хонимларнинг сертакаллуф муҳлислари шунақа далилларни рўкач қилишади.

Аёлларнинг ўзига хос хислатларига эътибор бермай, уларда эркакларга хос хислатларни ўстиришга уриниш – очиқдан-очиқ уларнинг заарига ҳаракат қилишдир. Бироқ маккора аёллар гап нимада эканини тезгина пайқаб оладилар ва ўзларини алдашларига йўл қўймайдилар, улар бизнинг устунликларимизни эгаллаб олишга тиришар эканлар, ўзларининг устунликларидан воз кечишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Лекин улар

бирини иккинчиси билан қовуштиришга муваффақ бўлмайдилар, чунки бу фазилатлар мутлақо бир-бири билан қовишмайдиган фазилатлардир. Бунинг оқибатида аёллар бизнинг дарожамизга эришмоққа чоғлари келмай, ўз даражаларидан ҳам пастроққа тушиб кетадилар ва анча нарса йўқотадилар. Сиз ақли расо онасиз – менинг маслаҳатимга қулоқ осинг: қизингиздан бетавфиқ эркак етиштирманг, ундан бетавфиқ аёл етиштиринг. Сизни ишонтириб айтаманки, шундай қилсангиз, қизингизнинг ўзига ҳам, сизга ҳам яхши бўлади.

Бу гаплардан қиз болага фақат рўзғор юритиш бобида сабоқ бериб, қолган масалаларда уни нодонлигича қолдириш ксрак деган холоса кслиб чиқадими? Наҳотки, эркак киши бутун умри давомида унга ҳамроҳлик қиласидиган аёлни ўзининг оқсочига айлантириб олса? Наҳотки, у яхши тарбия кўрган аёлнинг улфатчилигидан баҳраманд бўлишдай улуғ лаззатдан ўзини ўзи маҳрум этса? Наҳотки, у аёлни ўзига бутунлай тобе қилиб олиш учун унга оламга бефарқ қарашни ўргатса ва ҳеч қандай билимни раво кўрмаса? Наҳотки, у аёлни алланечуктирик бир қўғирчоққа айлантирса? Албатта, йўқ! Аёлга бениҳоя нафис ва зийрак ақл ато қилган табиат мутлақо буни талаб қилмайди. Аксинча, табиатга бошқа нарса маъқул келади – аёл фикр юритсин, ўзининг қарашларига, муҳокамасига эга бўлсин, у севсин, билимларга эга бўлсин, чехрасининг гўзаллигини сақлаш масаласида қандай ташвиш чекса, ўзининг ақлий камолоти тўғрисида ҳам шундай қайғурсин. Аёлдаги кучнинг етишмаслиги эвазига табиат унга ана шу қуролни берган. Шу қурол ёрдамида у бизнинг кучимизга ҳам раҳнамолик қиласиди. Аёл киши на фақат билиши лозим бўлган нарсаларни, балки яна бошқа кўп нарсаларни ҳам билиб олмоғи керак бўлади.

Мен аёл жинсининг зиммасидаги алоҳида вазифа тўғрисида мулоҳаза юритаманми, унинг майлларини ўрганаманми ёхуд мажбуриятларини назардан ўтказаманми, барибир муқаррар тарзда битта холосага келаман: аёл учун мутлақо ўзгача тарбия керак. Аёл билан эркак бир-бирлари учун яратилган, бироқ

улар бир-бирларига баравар боғлиқ әмаслар; әркак аёлга шу жиҳатдан боғлиқки, аёл унинг иштиёқини қондиради. Аёл әркакка шу жиҳатдан боғлиқки, әркак аёлнинг ҳам иштиёқини, ҳам эҳтиёжларини қондиради. Аёл кишининг бизсиз яшамоги душвор, лекин биз аёлсиз яшамогимиз мумкин. Ҳаётда ҳамма зарур нарсага эга бўлмоқ ва муайян мавқени эгаллаб турмоқ учун аёллар буларни бизнинг қўлимиздан олмоғи керак. Биз эса, аёллар шунга арзийди деган ишонч билан ихтиёрий равишда уларни ҳамма неъматлар билан таъминлаб турмоғимиз зарур. Биз аёлларни яхши кўрамизми-йўқми, уларнинг хизматларини қадрлаймизми, уларнинг ҳусн таважжуҳлари ва фазилатлари қаршисида бош эгамиزمи-йўқми – аёллар буларнинг ҳеч қайсисига бефарқ қараёлмайди. Табиатнинг ўзи шундай қилиб қўйганки, аёл ўзининг иззат-обрўси маъносида ҳам, фарзандларига муносабат борасида ҳам тўлалигича әркакнинг унга берадиган баҳосига боғлиқдир. Аёл кишига ҳурматга муносиб бўлмоқнинг ўзи кифоя әмас, у, албатта, ҳурматга сазовор ҳам бўлмоғи керак. Унга гўзал бўлишнинг ўзи етмайди, у, албатта, кимгadir ёқмоғи зарур. Унга ақли расо бўлишнинг ўзи камлик қиласи, уни «ақли расо» деб ҳурмат қилмоқлари ҳам даркор, нафақат аёл ўзини муносиб тутмоғи лозим, балки унинг номи покиза, шаънига доф тушмаган бўлмоғи жоиз. Одамлар «номуссиз» деб аташса, индамай кўниб кетаверадиган аёл ҳеч қачон виждонли аёл бўлмайди. Эркак киши бирон яхши ишга қўл ураган, бошқа бирорларнинг қарашларига боғлиқ бўлмайди ва жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмаслиги мумкин. Аммо аёл киши яхши ишга қўл урадиган бўлса, унинг учун ишнинг ўзи мутлақо кифоя әмас; аёл учун унинг ўзининг ҳақиқий фазилатидан кўра ҳам кўпчиликнинг у тўғридаги фикри муҳимроқдир. Бундан шундай холоса келиб чиқадики, йигит-ялангта қараганда қиз болага нисбатан бутунлай бошқача тизимдаги тарбияни қўллаш керак. Одамларнинг назари әркакларнинг олижаноблиги учун бамисоли гўристондир ва у шундай бир тахти раёндирки, унда аёлнинг олижаноблиги тантана қиласи.

Болаларнинг гавда тузилиши оналарнинг гавда тузилишининг яхши-ёмонлигига боғлиқ; эркак кишининг маънавий қиёфаси унинг болалигида аёл киши берган тарбияга боғлиқ. Эркак кишига муайян одатларни, эҳтиросни, дидни, у ёки бу лаззатларга мойилликни сингдириш аёл кишига боғлиқ ва ниҳоят, эркакнинг баҳти ҳам аёлга қараб қолган. Шунинг учун аёлни тарбиялаётганда унинг эркак киши билан ўзаро алоқасини назарда тушиб керак. Эркакларга аёлларга фойда келтирадиган бўлиш ёқади; улар аёлларнинг ҳурмат-эътиборини, муҳаббатини қозонишни хоҳлашади, гўдаклик чоғарида уларни тарбиялашни, балоғатга етишганда уларга хушторлик қилишни, маслаҳатлар беришни, тасалли топтиришни, уларнинг турмушини енгил ва шодмон қилишни ёқтирадилар. Ҳамиша, ҳамма замонларда аёллар зиммасидаги мажбуриятлар шундай бўлиб келган ва аёлларга болалик чоғиданоқ ишларнинг ҳаммасини ўргатиш лозим. Агар биз шундан келиб чиқиб иш юритмасак, асосий мақсаддан чалғиб кетамиз ва кейинчалик аёлларга ҳар қанча насиҳат қилмайлик, бу насиҳатлардан на аёлларга, на ўзимизга фойда бўлади.

Гарчи ҳар қандай аёл ҳам манзур бўлишни истаса ва буни исташи керак бўлса ҳам, яхши тарбия кўрган, хушфеъл, хушмуомала одамга манзур бўлишга интилмоқ бир нарса-ю, но муносиб одамга манзур бўлиш бир нарса. Эркакларнинг орасида шундайлари ҳам борки, тили ширин бўлгани билан, ўзи икки пулга қиммат. Бундайлар ўз жинсининг шаънига доғ туширади, қайси жинсга тақлид қиласа, уни ҳам шарманда қиласи. Бундайларга манзур бўлишга интилган аёл панд еб қолиши ҳеч гап эмас. На табиат, на ақл-идрок аёлларга занчалиш эркакларга кўнгил беришни раво кўрмайди. Иккинчи томондан, аёл эркак кишининг қилиқларини қабул қилиб олса, яна унинг ўзини ҳам тобе қилиб олишни ўйласлиги керак. Шунинг учун ўз жинсига хос бўлган камтарлик ва камсуқумликдан воз кечиб, шу занчалишларнинг қилиқларини ўзлаштириб олар экан, аёллар ўз бурчларига хиёнат қилган, уни унутиб қўйган бўладилар; бошқаларнинг

ҳақ-хукуқларини эгаллаб оляпман деб ўйлаган аёл ўзининг асл ҳақ-хукуқларини бой бериб қўяди. Агар биз ўзимизни бошқача тутадиган бўлсак, эркакларга манзур бўлмай қоламиз дейишади улар – улар бекорларни айтишипти. Тентакларни яхши кўрмоқ учун тентак бўлмоқ керак, ўшанаقا афандиларга манзур бўлмоқни хоҳловчи аёллар ўзларининг дидсизлигини ошкора қилишади, холос. Агар дунёда енгилтак эркаклар бўлмаганда эди, бундай аёллар уларни ўзлари бунёд қилиб олган бўлардилар.

Эркаклар ўзларининг енгилтакликлари учун аёллардан кўпроқ миннатдор бўлмоқлари керак, аёллар эса, шу сифатлари учун бизнинг жинс вакилларига камроқ қуллуқ қилишса ҳам бўлаверади. Чинакам эркакни яхши кўрадиган ва унга манзур бўлишни истаган аёл шунга мувофиқ чора-тадбирлар кўради. Аёл киши табиатан нозу карашмали қилиб яратилган, бироқ унинг нозу карашмалари ҳар хил тусга кирмоғи мумкин. Бу аёл кимни, нима мақсадда, мафтун этмоқчи эканига боғлиқ. Унинг истак-интилишларини табиат зиммасига юклаб қўйган мақсадга мувофиқлаштирайлик. Шундай қилсак, аёл тегишли тарзда тарбия кўрган бўлади.

Қиз болалар туғилган кунидан десак ҳам лоф бўлмас, яхши либосларга ўч бўлади. Унга ўзининг хушрўй, бежирим экани камлик қиласди, у хоҳлайдики, ҳамма унга суқланиб боқсин. Уларнинг бутун қилиқлари далолат берадики, қизларни ташвишга соладиган асосий нарса – шу. Гапга тушуна бошлашлари биланоқ уларга бир нарсани сингдирса бўлади – улар бошқаларнинг ўзлари тўғрисидаги фикрлари билан ҳисоблашмоқлари даркор. Агар ўғил болалардан ҳам ўзгалар фикри билан ҳисоблашмоқни дарров талаб қиласдиган бўлсак, ҳеч нарсага эришмаслигимиз мумкин. Улар учун энг муҳими – ҳамма нарсани ўзлари хоҳлагандай бажо келтириш ва кўнгиллари тусагандай мириқиб ўйнаш; ўзлари тўғрисида ким нима ўйлаётгани парволарига келмайди. Фақат анча вақт ўтгандан кейин катта қийинчиликлар билан уларни ҳам ўша қонунга бўйсундириш мумкин бўлади.

Қизалоқлар бу сабоқни кимдан олганларидан қатыи назар, бу уларга жуда фойдалидир. Тан жондан аввал туғилади деган гап бор. Шундоқ экан, аввало танни машқлар билан чиниқтиromoқ лозим; бундай машқлар ҳар иккала жинс вакиллари учун ҳам зарур. Аммо уларда кузатиладиган мақсад бошқабошқа: эркак жинсидагиларни чиниқтирганда уларнинг кучини кўпайтириб, бақувват қилиш назарда тутилади, аёлларни чиниқтирганда эса, уларнинг сарвқомат бўлиши, нафосат ва латофат эгаси бўлмоғи кўзда тутилади. Юқорида зикр этилган сифатлар фақат эркакка ёки фақат аёлгагина хос бўлиб қолмоғи керак, демоқчи эмасман, бироқ эркак ва аёл бу сифатларга тескари нисбатда эга бўлмоғи керак: аёллар нимаики иш қилса, ҳаммасини латофат ва назокат билан адо эта олмоғи учун бир қадар кучга эга бўлмоклари зарур ва эркаклар ҳам ўз машқларини қийналмай бажармоқлари учун бир қадар қўпол бўлмоқлари жоиз.

Ҳаддан ташқари нозиклашиб кетган аёлнинг бу хислати эркакка ҳам юқади. Аёллар эркакларга ўшшаб бақувват мускулларга эга бўлмоқлари шарт эмас, аммо улардан туғиладиган ўғил болалар бақувват бўлмоғи учун аёлларнинг ўзлари ҳам етарли даражада соғлом ва бақувват бўлмоқлари шарт. Шунинг учун қизларни ота-оналарининг уйида эмас, монастир пансионларида тарбиялаш афзалроқ кўрилади. Монастир пансионларда уларга хашакироқ овқатлар берилади. Тинимсиз ҳаракатда бўлишади, ҳар куни сайр қилишади, очиқ ҳавода, боғларда ўйин-кулгу қилишади. Ота-оналарининг уйларида эса ҳар хил нозик таомларни қалаштириб ташлашади, суйиб-эркалашади ёхуд койигандага ҳам суйиб койишади, кун бўйи диққинафас хоналарда оналарининг қоровуллигига ўтиришга мажбурдирлар. Улар на эркин нафас олишга, на ўйнабкулишга, югуришга, ёш болаларга хос тарзда яйраб, бақириб-чақиришларга журъат қиладилар...

Қизларни ҳамиша итоатда сақлаш лозим, аммо оналар ҳаммавақт ҳам дийдаси қаттиқ, бағритош бўлавермасликлари керак. Қиз боланинг итоаткор бўлмоғига эришмоқ учун, албат-

та, уни бахтсиз, шүрпешона қилиш керак эмас ёки қыз болада камтарликни тарбиялаш учун уни бутунлай бефаросат қилиб қўймоқ талаб қилинмайди. Аксинча, мен ўйлайманки, қыз бола жиндай улдабурон, жиндай топқирроқ бўлса, бунинг ҳеч қанақа ёмон жойи йўқ. Агар у топқирлигини бирор гуноҳ қилиб қўйиб, кейин жазодан кутулиб қолиш учун эмас, балки итоатга жиндай чап бериб қолмоқ учун ишлатса чакки бўлмайди. У зинҳор-базинҳор бирор ўзига зулм қилаётганини ҳис қилмаслиги керак, у ўз мустақиллигини англаб етса, кифоя. Маккоралик унинг жинсига хос бўлган хусусият. Шунинг учун ҳамма табиий майллар моҳият-эътибори билан яхши эканига ва олижаноб мақсадларга хизмат қилишига имоним комил бўлгани учун, ўйлайманки, қизларда бошқа сифатлар билан бирга маккораликни ҳам тарбиялаб ўстириш керак, фақат қизлар ўзларининг муғомбирликларини сунистеъмол қилишмаса, бас!

Шубҳам йўқки, ҳар қандай ҳалол кузатувчи одам бу мулоҳазанинг тўғрилигини тан олади. Бу борада балоғат ёшидаги аёлларнинг аҳволини кузатишга ҳожат йўқ. Ҳозирги мавжуд ижтимоий тартибот шароитида улар доимий равишда ҳар хил чекланишларга рўпара келмоқдалар, бу эса, уларни ўз ақлларини доимо чархлаб туришга мажбур қиласди. Мен ўйлайманки, қизалоқларни кузатиб бормоқ керак — қизалоқларни туғилиши биланоқ кузатишга бошласа ҳам зарап қилмайди. Уларни уларга тенгқур ўғил болалар билан таққослаб кўринг — ўғил болалар қизалоқларнинг олдида жуда бефаросат, бесўнақай, овсарроқ кўринадилар. Менга болаларга хос жўн бир муғомбирликка мисол келтиришга изн сўрайман.

Одатда, дастурхон устида болаларга бирон нарсани сўраб олишга рухсат берилмайди; болаларни сон-саноқсиз лузумсиз қоидаларга риоя қилишга мажбур этиш йўли билангина тарбияда катта муваффақиятларга эришмоқ мумкин деб ҳисобланади. Наҳотки, бола бирор луқма хушхўр нарсанинг илинжида кўзлари тўрт бўлиб, ёниб ўтиргани яхши бўлса? Ундан кўра, бу луқмани болага шартта бериб қўя қолган маъқул эмасми? Шунақа тақиқлар исканжасига тушиб қол-

ган ва муғомбирлик қилган бола ҳақидағи ҳикояни ҳамма билади: тамадди вақтида болани унугиб қўйишипти, у туз сўрапти ва ҳоказо... Бироқ айтмоқ керакки, туз сўрагани ва шу билан бавосита бир бўлак гўшт ҳам сўраганлиги учун бола муқаррар равишда жазога тортилиши шарт эмас эди. Катталарнинг ўзи кечириб бўлмайдиган хатога йўл қўйишиган. Шунинг учун бола ошкора тарзда тақиқа хилоф иш қиласа ва айлантириб ўтирумай, тўғридан-тўғри очлигини айтса, албатта, уни жазолар эдилар деб ўйламайман. Менинг кўз ўнгимда олти яшар қизалоқ нима иш қилганини айтиб берай: қизалоқ янада оғирроқ вазиятга тушиб қолган эди. Қизалоққа дастурхон устида ўтирганда бирон нарсани илтимос қилиш у ёқда турсин, ўзининг хоҳишига ишора қилиш ҳам қатъян ман қилинган эди. Агар бу тақиқни бузадиган бўлса, қизалоққа жиндай ҳам раҳм-шафқат бўлмаслиги аниқ эди. Негаки, ҳамма овқатлардан татиб кўриб бўлган, фақат битта – қиз жуда яхши кўрадиган овқат қолган, лекин айни шу овқатни қизалоққа беришни унугиб қўйишиганди.

Қизалоқ ана шу хатони тўғрилашларини истаб ва, айни чоғда, ўзини қулоқсизликда айлашларини хоҳламай, ҳар қайси таомга бармогини нуқиб туриб: «Бу овқатни еганман! Бу овқатни еганман!» деяверипти. Шундай дер экан ўзига беришни унугиб қўйишиган таомга суқланиб-суқланиб қараб қўйипти. Шунда даврада ўтирганлардан бири буни сезиб, қиздан сўрапти: «Манавини едингми?» «Йўқ, еганим йўқ» – деб жавоб берипти қизалоқ кўзларини ерга тикиб. Мен бу ҳикояга ортиқ бир сўз ҳам кўшмайман. Қизалоқнинг муғомбирлиги билан ўғил боланинг айёргигини ўзингиз қиёслаб кўринг.

Мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси ўз-ўзича яхши нарсалар, табиатнинг биронта қонунини ёмон деб айтиб бўлмайди. Табиат эркакка қараганда аёлга камроқ куч ато этган экан, бунинг эвазига уни топқирроқ ва айёроқ қилиб яратган ва бу адолат юзасидан ҳам тўғри. Агар аёл айёр бўлмаганида эди, Эрининг ёстиқдоши, дўсти эмас, канизаги бўлиб қолар эди. Аёл айёргиги билан эркакдан устун туради ва айни шу айёр-

лиги билан эркакка нисбатан ўзини тенг тутади ва эркакка бўйинсунгандай кўрингани билан амалда уни бошқаради. Ниҳоят, ҳамма нарса – бизнинг қусурларимиз ҳам, аёлнинг хуркаклиги, заифлиги ҳам аёлга қарши бирлашди, аёл томонида эса, фақат унинг маҳоратию ҳусни қолди, холос. Шундок экан, у ўзининг ақл-идрокини доимо чархлаб туришга ва ҳуснининг ташвишини қилишга ҳақли эмасми? Аммо ҳусн – ҳамма аёлнинг ҳам мулки бўлавермайди, минглаб тасодифлар важидан у нобуд бўлиши мумкин, йиллар ўтиб, ҳусн сўлади, унга қараб аввалги жозибасини, сехру жодусини сезмай қўйишади. Аёлнинг асосий қуроли унинг ақл-заковатидир; бунда зодагонлар дунёсида юксак қадрланадиган, енгил-елпи ва юзаки бўлган ҳамда оиласвий ҳаётда ортиқча баҳт олиб келмайдиган закийликни тушунмаслик керак. Бу – аёлнинг жинсига хос бўлган ақл-заковатдир. Шу ақл-заковат важидан аёл биздан ўзига зарур бўлган нарсанинг ҳаммасини ола билади, бизнинг устунлигимиздан фойдаланиб, биздан устунликка эришади. Аёлларнинг шу маккорлиги бизга нечоғлик катта фойда келтиришини, икки жинс ўртасидаги мулоқотга нечоғлик завқ бағишлишини биз ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Шу маккорлик ёрдамида улар зўр маҳорат билан болаларнинг шўхлигини ҳам, эрларнинг қўполлигини ҳам тизгинлаб турадилар ҳамда жанжаллару фалваларга йўл қўймай, оиласда тинчлик ва фаровонликни таъминлаб турадилар. Албатта, алдамчи ва бемеҳр аёллар маккорликларини ёмон нијатларда ишга соладилар – мен буни инкор этмайман – лекин ёмонлар нималарни суистеъмол қилмайди? Ёмон одамлар бизнинг зараримизга ишлатар экан деб, баҳтимиз қуролини маҳв этмаймиз-ку!

ХАЛҚ БАХТИ ҲАҚИДА¹

Фалсафий рисола

*Р*уссо кўп фалсафий асарлари ва рисолаларида ўз давридаги тенгсизлик ва зулмга асосланган сиёсий тузумни қаттиқ танқид қилган. Адаб шахс ва жамият ҳақидағи фикрларини «Одамлар орасида тенгсизликлар келиб чиқиши ва унинг асослари ҳақида мулоҳаза» номли китобида кенг баён этган.

Файласуф ёзувчининг «Харбий асирлар», «Иқрорнома», «Юлия ёки Янги ҳаёт», «Эмиль», «Ёлғиз хаёлпарастнинг сайри» сингари асарлари Европа адабиётларида маърифий йўналиш, руҳий таҳлилнинг кучайшишига катта ҳисса қўшган. Жуда кўп йирик ёзувчилар, жумладан, Байрон, Гюго, Лев Толстойлар Руссони устоз деб тан олганлар. Адабнинг ижодий қамрови жуда кенг. Руссо илгари сурган гоялар кўпгина мамлакатлар ижтимоий тафқурига кучли таъсир кўрсатган. Унинг «Фанлар ва санъатлар ҳақида мулоҳазалар», «Жамоат шартномаси» каби фалсафий-таълимий асарларида шахс тарбияси, фикр ва туйғулар эркинлиги, санъат ва фалсафанинг маънавиятга таъсирни каби масалалар чуқур ёритилган. У 1750 йилда Париж Бадиий академиясида қилган «Илм-фан ва санъат равнақи ахлоқнинг по-кланишига ёрдам берадими?» номли маъruzаси учун юксак муроғот билан тақдирланган.

Адаб таваллудига 2012 йил уч юз йил тўлди. Руссо илгари сурган маърифатпарварлик гоялари, инсоннинг маънавий-руҳий камолоти,adolatli бошқарув, давлат ва жамият ҳаётидаги маърифатли ҳукмдорнииг ўрни ва роли ҳақида билдирган фалсафий фикрлари ҳали-ҳануз яшаашда давом этмоқда.

¹ Жан-Жак Руссо. Халқ бахти ҳақида // Абдунаби Абдуқодиров таржимаси // Жаҳон адабиёти, 2002, № 8. – 156–166 бетлар.

Қүйида Руссонинг мулк ва бойлик, баҳт ва баҳтсизлик, нафс ва қаноат туйғулари ўртасидаги меъёр, чегара ҳақида теран ҳаётий мулоҳазалар илгари сурилган фалсафий рисоласини ҳавола этамиз.

Мен ҳақиқатни шунга муносиб равишда рўй-рост айтаман. Соддаликдан жирканадиган, самимиликка нафрат билан қарайдиган кўрқоқ ўқувчилар, китобимни ёпиб қўйинг, сиз учун ёзилмаган у. Ёвуз қалбингизни қаноатлантира оладиган ҳақиқатнигина қадрлайдиган заҳарханда ўқувчилар, китобимни ёпиб, уни улоқтириб ташланг, чунки қидираётган нарсангизни ундан топа олмайсиз, мабодо ўқисангиз, муаллифнинг сизга бўлган нафратини ўқиб оласиз.

Эзгуликни қадрлайдигаи, дўст-биродарларини яхши кўрадиган, уларнинг хатоларидан афсусланиб, иллатларидан нафратлашиб юрадиган, инсоният бошига кулфат тушса, ундан кайфурядиган, зинг асосийси, камолотга интилаётган одам ушбу китобни бемалол ўқиши мумкин. У қалблардан акс-садо топади.

Ўз фикримнинг ўзимга ёқиши қувонтиради. Қачонлардир, қайсиdir бир давлат арбоби том маънода Фуқаро бўлиб етишса, у фақатгина ўзидан олдинги раҳбариипг қонунларини бекор қилиш билангина шуғулланмасдан, балки ҳалқ аҳволини яхшилаш, унинг фаровонлигини ошириш ҳақида қалдан ўйлайди. У қуруқ ваъдалар билан чекланиб қолмасдан, амалда ҳаракат қиласи, ҳалқ манфаатларини оёкости қилмасдан, фақатгина ўз мавқеини мустаҳкамламасдан, ҳокимиятини ҳалқ баҳт-саодати йўлида хизмат қилишга қаратади. Баҳтли тасодиф туфайли ушбу китоб қўлига тушиб қолса менинг ноаниқ фикрларим уни фойдали ишларга жалб қиласи, иисонларни яхширок, баҳтлироқ бўлишига хизмат қиласи, мен эса, бу ишларга алоқадор бўлиб қоламан, деб орзу қиласман. Ушбу орзу мени қўлимга қалам олишга рағбатлантириди.

Орадан йиллар ўтиб номим адабиёт йилномаларидан ўчиб кетган такдирда ҳам, майли, ушбу китобим нотаниш ва бечораҳол, лекин доно ва баҳтли ҳалқ мулки бўлиб қолсин. Улар шон-шуҳрат ва ғалаба кетидан қувмасдан, ушбу китобни мамнуният билан баъзи-баъзида ўқиб турсин.

I

Биз яшаётган шароитда ҳамма жойда дабдабаю ҳашамат, касб-хунару санъат асарлари тўлиб-тошиб ётган бўлса-да, биз ҳар куни инсоният бошига ёғилаётган кулфатлардан қайғуга тушамиз, турмушимизда тез-тез учраб турадиган оғирликлардан нолиймиз, айни пайтда бир парча егулик учун жонини ҳавф остига қўйиб, чакалакзорларда мashaқат чекиб яшаётган ярим яланғоч ёввойилар орасида ҳаётдан нолиш йўқ. Улар эртага қандай мashaқатлар кутаётганлигини ўйламасдан, қайғу нималигини билмасдан қувончга тўлиб тирикчилик қиласди. Мусибатларимизнинг бош сабаби шундаки, биз кичкина кўнгилсизликларнинг олдини оламиз деб катта бало-офатларга дучор бўламиз.

2

Аввало, гап-сўзларимиздаги икки хил маъноли ифодаларни бартараф қилишдан бошлайлик. Энг яхши Бошқарув тушунчаси ҳам ҳар доим энг кучли Бошқарув деган маънони англатмайди. Куч – восита холос, уни қўллашдан мақсад – ҳалқ баҳт-саодатидир. Аммо «баҳт» сўзининг маъноси айрим одамлар учун ноаниқ, ҳалқ орасида ундан-да мавхумроқ. Баҳт ҳақидаги тасаввурларнииг турли-туман эканлиги жамиятдаги сиёсий мезонларни майдонга чиқаради, уларнинг мақсадини белгилаб беради. Ҳалқ баҳтини фикран тасаввур қилайликда, шунга биноан ўз қонунларимизни асослайлик.

Жаноблар, қайси ҳалқ энг баҳтиёр, деб сўраяпсиз? Бу масалани узил-кесил ҳал қилиш учун етарли билимга эга эмасман, лекин уни ҳал этиш учун ёрдам берадиган ишончли меъёrlарни белгилашга ҳаракат қиласман, агар буни уddyалай олсам, ниятингизни амалга ошириш мақсадидан четга чиқмадим, деб ҳисоблайман.

Агар дунёда бор бўлса, қани ўша баҳтли одам? Кимдир буни биладими? Баҳт шунчаки ҳузур-ҳаловат эмас, шунчаки ўзгариб турадиган ўткинчи руҳий ҳолат ҳам эмас, балки у инсоннинг дахлсиз ички оламидаги алоҳида барқарор ҳис-

сиётлари ва руҳий кечинмаларидадирки, у ҳақда ҳеч ким аниқ фикр юрита олмайди. Бу нарсани ўзи бошидан кечирган одамгина тушуниши мумкин. Демак, ҳеч ким ўзгаларнинг баҳти ҳақида тайинли фикр айта олмайди. Гап сиёсий жамиятлар ҳақида кетганда бу бутунлай бошқа масала. Уларнинг баҳт-саодатию ғам-ғуссалари очиқ-ойдин кўриниб турган нарса, ички ҳиссиётлари ҳам ижтимоий характерга эга. Шубҳасиз, оломон бу ерда янгишади, у нималарда янгишмайди дейсиз? Кўриб турганини англай оладиган инсон учун одамлар қандай кўринишда бўлса, шундайлигича аён бўлади, уларнинг маънавий-ахлоқий моҳияти ҳақида гапириб ўтирумайди.

Ҳақиқий ҳолатимиз ва имкониятларимиз билан истак-ҳоҳишимиз орасидаги, мажбуриятларимиз ҳамда иштиёқларимиз, инсонлар ва фуқаролар ўртасида табиат ва жамият ўрнатган тартиблардаги зиддиятлар баҳтсизлигимизни ташкил қилаади. Иккаласидан бирини танланг, ўшанда имкон борича инсонни баҳтли қилган бўласиз.

Инсонни борлигича давлат ихтиёрига беринг ёки унинг ўз ҳолига кўйинг, унинг қалбини қисмларга ажратиб бўлмайди, юраги эзилиб кетади, яна ўйламанг, мусибат чекаётган ҳалқни бошқараётган давлат баҳтли бўлади деб. Сиз баҳт деб атади ҳалқнинг маънавий-ахлоқий ҳолати ўз ҳолича хом хаёл. Ҳалқ хотиржамлик ва фаровонлик туйғуларини сезмас экан, бошқаси сариқ чақага арзимайди. Фарзандлар ишида муваффакият бўлмас экан, оила гуллаб-яшнамайди.

Инсоннинг табиатига мос тушадиган имконият беринг, у ким бўлишни хоҳлаган бўлса, ўзи истаган ҳақиқий ҳолатига кирсин. Бу билан сиз ижтимоий турмуш қонунларини улар қалбига жойлаган бўласиз. Шунда одамлар ўз табиатига кўра фуқаролар эса, ўз иштиёқига кўра бирлашади, раҳмдил бўлишади, баҳтга эришади. Ҳалқнингроҳат-фарогати – давлатнинг тинчлиги, хотиржамлигидир. Давлат туфайли ҳалқ бирор нарсага эришар экан, демак, ўзи ҳам бир нарсаси билан унга дахлдор бўлади. Мажбурий чоралар ёнига ҳалқнинг истак-ҳоҳиши-

ларини ҳам қўшдингиз, ижтимоий бойликни хусусий мулк билан янада бойитдингиз. Энди давлат деганда мана шуларнинг барчаси бир бутунликда тушунилади. Оила эса, мана шу фарзандларим туфайли гуллаб-яшнадим, дея фахрланади. Ҳар қандай давлат тизимида унга қарашли бўлмаган нималардир бор: айтайлик, одамларнинг истак-иродаси; унинг таъсир кучи қанчалик муҳим эканлигини ким инкор эта олади? Ҳар ким фақат ўз ҳолича баҳтли бўлишни орзу қиласр экан, эл-юрт, Ватан баҳтиёр бўлолмайди.

3

...энг муҳими, ижтимоий баҳт барчани бирдек баҳтли қилиши зарур эканлигини, акс ҳолда, у маъно ва моҳиятсиз бир сўзга айланишини ёдда тутмоқ керак.

4

Халқнинг маънавий-ахлоқий аҳволи унинг мутлақ ҳолатига эмас, балки одамлар ўртасидаги муносабатларга кўпроқ боғлиқдир.

5

Халқ қай усулда баҳтли бўлишини тушуниш учун баҳтсизларнинг аҳволини ҳам яхши ўрганиш керак. Баҳтли бўлиш учун нималар етишмаслигини аниқлаш билан бирга, баҳтли одам нималарга эга бўлишини ҳам билиб оламиз.

6

Халқ баҳти нималардан иборат эканлигини аниқлаш учун одамларнинг бу ҳақдаги фикрларини жамлаш етарли бўлмаса керак. Халқнинг фаровонлиги жуда кўп нарсаларга bogлиқ, алоҳида шахсларнинг фаровонлигини аниқлаш ҳам унчалик осон эмас. Бинобарин, бу борада адашмаслик учун жуда кўп меъёrlарни бир-биридан алоҳида ажратиш лозим. Халқ баҳтининг ўзига хос хусусиятларини билдирувчи ҳақиқий мезонларни тўғри белгилаш керак.

Ликург ўз қонунларини жорий қылгач, фуқароларидан бе-хисоб шикоятлар туша бошлади. Дунёда энг адолатли қонунлар яратгани ва халқи шу туфайли жағонда катта ҳурмат, шоншұхрат қозонгани туфайли, бу қонунларни сақлаб қолиш мақсадида у ҳийла ишлатиб, ўзга юртларга бosh олиб кетиб, дарбадарликда умр кечиришни лозим топған. Жағонга ҳоким бўлиш даражасига етган римликлар давлат бошқарувчилари устидан тўхтовсиз шикоятлар ёғдирмаганмиди? Энг яхши бошқарувчилари бўлган халқлар бошқалардан кўра кўпроқ норозилик билдирамаяптими? Оламда ҳали ўз халқининг баҳти яшашини тўла таъминловчи, нуқсонлардан холи бирорта давлат бошқарув шакли йўқ. Энг яхшилари, агар ақлли иш тутса, фуқаролар баҳти бўлиши учун имконият яратиб беради. Бу баҳт ҳеч қачон оломон баҳти бўла олмайди.

Юртни кўпчилик бўлиб бошқарганда ҳар бир фуқаронинг истак-хоҳиши ёки иштиёқига эмас, балки барчани қаноатлантира оладиган умумий қонунларга таянган ҳолда иш юритиш керак. Ҳар бир давлатда донолик билан ўйлаб иш қилинса, яъни таълим-тарбия, урф-одат ёрдамида ижтимоий ахлоқ нормалари шакллантирилса, айрим иштиёқманд фуқароларни ҳам шунга итоат эттириш мүмкин, шунда улар ҳукуматдан мамнун бўлиб яшайдилар, бошқа давлатнинг яхши ёки ёмонлиги билан қизиқмайдилар.

Одамларнинг яашаш шароити ўзгариб қолса, шикоят ҳам кўпаяди, чунки одам борки, шикоят бор. Демак, давлат тараққиётини фақат фуқароларининг ўзларини баҳти ҳис қилиши билангина чеклаб бўлмайди.

Қабул қилинган қонунлар оқилона бўлиши керак, токи фуқаролар ўзаро манфаат асосида алоқалар ўрнатсинлар, ўзга халқлар ёрдамига муҳтоҗлик сезмасинлар, ана шундагина алоҳида шахслар ҳам, жамиятнинг барча аъзолари ҳам ўз баҳтини тан оладилар. Бошқа халқлар муҳтоҷ бўлган нарсалар ўз ватанида етарли даражада муҳайё бўлиб, унга муҳтоҗлик сезилмаса, унда баҳт эшиги янада кенгроқ очилади.

Касб-хунар ривожланган, савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйган халкларда маблағ кўпайса, бу — баҳтли яшаши омилларининг энг асосийси деб ҳисоблайман. Тўғри, баҳтни бойликка боғлаб бўлмайди, лекин яхши томони шундаки, пулдор одам ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондиради, ўзгага муҳтоҷ бўлиб қолмайди, иккинчидан, ўзгаларни ўз иродасига бўйсундириб, уларни ўзига қарам қила олади. Халқнинг баҳти, фаровонлиги ана шунда.

Савдо-сотиқ ва касб-хунарга келганда шуни айтишим мумкин: уларнинг ривожи товар-пул айланмасини таъминлайди, беҳисоб пул, даромад келади, хоҳлаган нарсани хоҳлаган миқдорда сотиб олиш имконияти пайдо бўлади. Мен аниқлаб беришим зарур бўлган мезонлардан бири ҳам шу.

Баҳт ва фаровонликни ташкил қилувчи шу мезон ўзига бошқа меъёрларни ҳам қамраб олади ва бир-бирига мос тушиди, тўлдиради.

Барча эҳтиёжларимиз икки хил бўлади: жисмоний эҳтиёжларимиз — ҳаётимизни сақлаб туриш учун зарур бўлган, бизга қулийлик яратадиган, ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган нарсалардир. Уларни истеъмол килиш одат тусига кириб, жисмимиз шунга кўникиб қолган. Шаҳарлик олифта аёл ёз жазирамасида соябонсиз икки соат туриб кўрсин-чи, уни офтоб уради ёки бир касаллик орттириб олади, ваҳоланки, деҳқон аёл учун бу ҳолат табиий. Шаҳарлик жаноб қишлоқдаги мол-мулкини кўриб келиш учун уловсиз бора олмайди. Юмшоқ кареталарда бориб ўрганган одам от миниб узоқ юролмайди. Кулийкларга ўргангандан одам кашандага ўхшаб қолади, усиз туролмайди.

8

Ўзинг бирга яшаб турган халқингни баҳтли қилиш учун ҳукмдорларга китоб — қўлланма ёзиш шартмикан? Яххиси, ўз тажрибангизга таяниб иш кўринг.

9

Адолат сизга ҳамроҳ бўлсин: фуқароларингиз осойишталигини, хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг мол-мулкини сақ-

лаш ҳам сизнинг вазифангизга киради: бу ҳали ҳаммаси эмас, уларни баҳтли қилишингиз керак. Ҳукмдорнинг асосий вазифаси ана шунда.

Бойлик ҳакида.

Қадрли дўстим Хризофил! Сен билан қурган охирги суҳбатимиздан олган таассуротларимдан ҳанузгача қойил қоламан. Кела қол, ўша суҳбатимизга яна қайтайлик, токи қалбингдаги орзу-ҳаваслар сени тарк этмасин, мен эса сенинг баҳтли бўлишингни ўйлаб қувончга тўлиб юрай.

Сенга тўғрисини айта қолай: сен ҳақингда бойлик орттириш учун барча имконият ва қобилиятини аямайдиган бир шуҳратпараст йигит деб ўйлардим. Бебаҳо хазинага эришиш учун табиат ато қилган неъматлардан ҳам воз кечишга тайёр эканлигингни, бойлик эса, ўзи билан бирга жамоатчилик фикрини ҳам етаклаб келишига ишонишингни билардим. Сен билан учрашиб туриш менга ёқарди, суҳбатлашишдан ҳузур қиласдим. Сен эса, эртами-кечми, соясидан бебаҳра бўлиб қолишини хаёлингга ҳам келтирмай, дам олиш учун ўзингни дарахт панасиға ураддинг. Ҳар гал сен билан хайрлашганда «Бу бола яхши инсон бўлиб етишиши мумкин эди. Лекин у бойликни танлади» дея афсусланниб ўйлаб қолардим. Лекин сен дилингда тугиб юрган мақсадингни очиқ-ойдин айтганингда, мен қалбингда битмас-тутанмас очкўзлик манбани кўрдим ва ноқулай аҳволда қолдим. Дам олишингни ожизликка йўйиб, сен ҳақингда ноҳақ ҳукм чиқарганимни ўйлаб ўзимни койидим, ахир, бу ожизлик сенга нисбатан ҳурматими оширадиган асослардан бири эканлитини тушундим.

Сен шундай оҳангда гапирдингки, у қалбимнинг ич-ичига кириб борди, мен бойликка шунинг учун интиlamанки, унинг натижасида келиб чиқадиган ноҳақликларга чек кўймоқчи-ман. Оғир аҳволга тушиб қолган бечораларни кўриб, уларга ёрдам беролмаганимдан фифоним фалакка чиқади, ачинганим фойдасиз эканлигидан афсусланаман... Бойлик ўзгаларни муҳтоҗлиқдан кутқариш учун сарфланади, шунинг учун унинг қадрига етаман: олтин ёрдамида бебаҳо неъматларга эришиш

мумкин, деб қўшиб қўярдинг. Хавотир олманг, қанчалик даражада беҳисоб бойликка эга бўлмай, барибир ўзим истаганча яхшиликка хизмат қилиш учун озлик қилади. Сенга очиғини айтаман: дилингдан чиққан бу сўзлар сенга бўлган ишончимни узил-кесил сусайтириб юборди дея олмайман. Тушунаман, камбағалликдан фахрланиб юрганимдан кўра, моддий жиҳатдан етарли маблагим бўлгани яхшироқ. Камбағал бўлиб ҳам кун кўриш мумкин, лекин бойликдан ўз ўрнида фойдаланишга нима етсин, ахир, яхшилик қилиш истагини амалга ошириш учун бойлик қўшиш айни муддао-ку..».

Эзгу ҳиссиётларинг ҳақида қанчалик кўп ўйласам, ўз даврида менга завқ бағишлаган баҳтимдан айрилиб қолаётгандек ҳис қиласман ўзимни. Менга тасалли бериб турган ғайратингга ғайрат қўшишда кўмаклашаётган умидларимдан жудо бўлдим. Камбағалларга ёрдам бериш истагини мендаги қашшоқликка бўлган сабр-тоқатимни адои тамом қилмоқда. Келажакда кимларгадир қилмоқчи бўлган яхшиликларим бугунги кунда тасодифан менга нисбатан амалда ёвузликка айланмасмикан, деб хавотирдаман.

Кўпчилик қашшоқ одамлар худди менга ўхшаш фикрлайдилар деган ишонч мени бироз тинчлантиради, лекин шунга ўхшаш фикр юритадиган бирорта ҳам бойни учратмадим. Одамларнинг моддий аҳволи ўзгариб, эзгу ишларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлганда, уларнинг фикри ўзгариб, қандайдир сабабларга кўра, яхшилик қилиш истаклари ҳам чиппакка чиқади, деган шубҳам бор. Бу гумонларни тарқатиб, аниқлик киритиш учун бойлик сари юришингда сенга ҳамроҳ бўлишга изн бер. Эзгулик ишларингда сенга тўсқинлик қилиш ниятим йўқ. Бундай ишларни ўзим амалга ошириш ҳақида ўйлаб кўрмаганман, шунинг учун сен билан юриш менга таскин берар деб ўйлайман.

Дастлаб мен сезган нарса бойлик билан камбағаллик ўртасидаги улкан масофа,— буни нима билан тўлдириш кераклигини билмайман. Бойиб кетгач, ўзингни қандай тутиш ҳақида кўп гапирадинг, лекин нима иш қилиш кераклиги ҳақида ай-

тмасдинг. Мақсадга эришгач, нима ишлар қилиш түғрисида фикр юритиш етарли әмас. Шу аснода йўлда нималар содир бўлиши, нималарга дучор бўлишни ҳам ўйлаш зарур. Масалан, ўз мақсадингта эришиш йўлида қандай усуллардан ва нималардан фойдаланмоқчисан, шунга эътибор бериш керак.

Кўлга киритайтган бойлигингдан одамларга наф тегиши керак, ахир, сен шу мақсадда ҳаракат қиляпсан-ку, акс ҳолда сен ўзингга-ўзинг қарши чиқкан бўласан. Шунинг учун бойлигинг янада кўпайишни истасанг уни тўғри йўлга сарфла, даромадинг ҳам, унинг манбай ҳам ҳалол бўлсин.

Бойлик орттириш мақсадида ноқонуний, ҳаром йўлларга кириб кетиш ҳам мумкин, лекин дўстларинг бунга йўл қўймасликларини биламан, улар ёрдамида адолатсизликка бормасдан яхшигина даромад олиш мумкин. Лекин ўз эътиқодларингдан воз кечмасдан, шунча даромадни қандай қилиб тўплашингни кўз олдимга келтиришим қийин. Бир кун келиб муруватли бойга айланишинг учун яна қанча вақт бешафқат бўлиб юришинг кераклигини тушунишим қийин.

Менга айт-чи, Хризофил, бойлик сари юксалиб боришинг давомида сен учун ҳаёт оқими тўхтаб қоладими? Сен ёрдам бермоқчи бўлган камбағалнинг бошига бало-қазо ёғилмайдими? Балки сен кўзлаган чўққига етгунингга қадар улар тўхтаб туар? Бахтсизликнинг оғир юки остида эзилган, тинка-мадори қуриган ҳалол одамларга берадиган ёрдамингни тўхтатиб туарсан, балки?

«Дўстим, инсонийлик нуқтаи-назаридан сизни шу аҳволда қолдиришим керак, чунки мен кўзлаган юз минг ливрни ҳали тўплаганимча йўқ, ўша пулдан сизга ёрдам ажратмоқчи эдим. Тўғри, бироз бераҳмлигим бор, лекин ҳозирги пайтда, ҳатто инсон зотини сақлаб қолиш учун ҳам бир (тийин) экю бера олмайман. Ўттиз йиллардан кейин бир хабар элинг, ўшанда мен бойиб кетган бўламан, муруватли эканимни ана шунда биласиз». Хайрли ишнинг гаройиблигини қаранг – эзгуликка йўлни ёвузлик очиб берса-я! Яхшиликни йўққа чиқарадиган иллатлар-ку бу! Наҳотки, шундан кейин ҳам табиат ато қил-

ган кўкрагингдаги юрагинг уриб турса, ахир, сен унинг нидосига қулоқ солмадинг-ку? Наҳотки, ўттиз йилдан сўнг тошга айланган юрагинг табиат даъватига қулоқ тутиб раҳм-шафқат учун, ҳамёниг эса, ҳайр-садақа учун очилади, деб ўйласанг? Эҳ, дўстим! Агар сен қариганингдагина инсоний фазилатларга эга бўлишни истасанг, Худодан узоқ умр тила, кунинг битиб ўлиб қолишинг ҳеч гап эмас! Иўқотган бир куни учун афсусланиб юрган қўрқоқ император (Марк Аврелий назарда тутилган)га нафрат билан қарашинг керак, ахир, сен ёшлик даврингни, ҳаётингни тўртдан уч қисмини бой бермоқчисан, нари борса уларни йўқолган деб ҳисоблаш мумкин. Ёдингда бўлсин, бевақт ўлимдан ташқари, интилишларинг ҳеч қандай натижа бермаслик хавфи ҳам бор. Тақдир инжиқуллари сенга маълум бўлса керак, у ўз билганидан қолмайди, ҳаракатларинг, интилишларинг унинг олдида ҳеч нарса эмас? У ўжар қизга ўхшайди, қувганларни йўлда қолдириб кетади, ёмон кўрганларни таъқиб қиласди. Сергаклик, қобилият, ҳатто омад ҳам уни ўз йўлидан қайтара олмайди. Баъзан унинг инжиқлиги тутганда Аристиппни ташлаб, Диогенга (қадимги грек файласуфлари – тарж.) осилади, чанг босган файласуф хонасига ўзини уради. Лейбниц¹ бойиб кетганда, Лас эса, қашшоқланниб қолганда ўлим чанг солади. Қилган ҳаракатларинг муваффакиятли яқунланишига ким кафил бўла олади?

Ўзингга юклangan вазифаларни бажаришда ўз кучингга кўпам ишонаверма, унинг самарали бўлиши сенга боғлиқ эмас, шубҳали ишларни яхши яқунланишига умид боғлама, ҳаётинг давомида қилаётган ҳалол ишларинг қандай якун топиши ҳам номаълум. Эй, бебаҳт! Бекарор тақдирни бойлик ёрдамида ўз измингта солмоқчи бўлдингми? Агар сен бевақт ўлим топсанг ёки ишларинг бароридан келмаса, хом хаёлга берилиб ёш умрингни бекорга сарфласанг, умринг оҳирида умидсизликка тушиб шарманда бўласан. Бойлик кетидан бекорга қувиб, ҳеч

¹ Бу кайдлар, мазмунига қараганда, Руссонинг Бернданги Иқтисод жамиятига қилган мурожаати билан боғлиқ.

нарсага эриша олмасдан, ўзгаларнинг дуосини олмасдан, ўзингдан ҳам қўнглинг тўлмасдан, ҳамма нарсасини бой берган омадсиз, ҳаётида бирорта ҳам одамни баҳтли қила олмаган инсоннинг ўлими қандай даҳшат!

Сиз ҳозир қамбағалсиз, лекин инсофли одамсиз. Бойиб кетгач, кимга айланиб қолишингизни биласизми? Мавқеингиз ўзгаргач, фикрингиз ҳам, ақидаларингиз ҳам иродангизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгаради, ўзлигингиз ҳам ҳозиргисига ўхшамайди, ўй-фикрларингиз ҳам бошқача бўлади. Сиз ҳозирча бойишдан мақсад бева-бечора ва муҳтоҷларга ёрдам бериш, бойликни эзгу мақсадларга ишлатиш истагим бор, деб айтасиз. Гўё энг биринчи эзгулик – ёвузликка йўл қўймаслик эканлигини билмагандек. Ўзгаларнинг камбағаллашуви эвазига эмас, балки ўз ҳолича бойиб кетиш иложи бормикан? Қўни-қўшниларини талаб бойиб кетган, кейин уларга шу ҳисобдан садақа улашган «муруватли одам» ҳақида нима дея олардингиз? Шундай деб ўйлайдиган одамни, ким бўлишидан катъий назар, алданиб қолган ёки мунофиқ деб атаган бўлардим. Бундай одам ўзгаларни алдайди ёки уни ўз қалби алдайди, хасис эканлигини инсон қиёфаси остига яширади.

Келажакда хайрли ишларга сарф қилмоқчи бўлиб, ҳаром йўллар билан бойлик ортиурсанг, Худо йўлига деб, яқинларини талаб, егуликни чўнтакка урган соҳта художўйга ўхшаб қоласан.

Бағритошлиқ одатга айланиб қолди ҳам дейлик, у ҳолда ҳайрли иш учун тўплаган бойлигингнинг чегараси борми? Қайси ўлчовдан келиб чиқиб буни белгилайсан, виждонинг уйгониб, «етарли» дейишга тилинг борадими? Агар сен ўйлагандек, олдин етарли даражада бойлик тўплаб олиб, кейин хайрли ишларга сарфламоқчи бўлсанг, у ҳолда ҳеч қачон тўплай олмайсан. Сенга ўхшаганлар туфайли одамлар бошига тинмай балоқазолар ёғилиб турари, сен эса чексиз бойлик тўплашга бутун умрингни кетказасан, оқибатда бирорта одамга ҳам нафинг тегмай, ўз бойлигинг, қарилигинг ва хасислигинг юки остида эзилиб ўласан.

Унинг ўрнига чаққон ва жонкуяр бўл, топган бойлигингни бева-бечораларга тезроқ тарқатиб бер, чунки вақт сенинг измингда эмас, у ўтаверади. Эй, Хризофил! Бойликка эга бўлиш билан уни хайрли ишларга сарфлаш орасида вақт масофаси бор, ана шу масофани чўзиб юборишдан қўрқ, хайрли ишда барқарор бўл. Ана шунда нафс балосидан кутулласан.

Одамларнинг фикрлаш тарзи кўпинча атрофидаги яқинларига боғлиқ. Ўз ақидаларига содик бўлиш жуда қийин, чунки атрофидагилар ҳам, ўзининг истак-хоҳиш, эҳтирослари ҳам унга путур етказишига тинмасдан ҳаракат қиласидилар. Агар сен вижлонингга ва ҳақ сўзларга қулоқ солиб яшаётган бўлсанг, ортиқча ноз-неъматлар сени унча қизиқтирумайди. Шунинг учун бой бўлиб кетгач икки йўлдан бирини танлашинг керак: ёки бой одам сифатида яшашинг ёки кулгига қолиб бўлса ҳам, камбағаллигинчга қолишинг керак. Фалак ато этган ма-вқега эга бўлсанг, у ҳолда камтарона, ўзингни камситмасдан, мурувватли бўлиб яшашинг мумкин, бунга курашсиз ҳам эришаса бўлади. Бу афзалликни арзимас бир нарса деб ҳисобламасанг керак?

Сен ўз бойлигинг билан нималарга қодир эканлигингни кўрсатарсан? Агар сенга қулоқ соладиган бўлсак, ўзгаларга мурувват кўрсатиш баҳти фақат бойларгагина насиб этган, камбағаллар бундан маҳрум демоқчимисан?

Сенингча, фақат бойликкина инсонийликка яхши хизмат қила олар экан-да? Бундай фикрга борадиган одамлар эзгуликнинг манбай менинг сандигимда деб ўйлайдилар, ҳақиқий эзгулик қидиравчилар бошқача фикрдалар. Катта бойлик катта истаклар келтириб чиқаради деган Фаворииус доно фикр айтган. Сен учун зарур бўлган энг яхши восита – сендаги ортиқча бойликни тортиб олишдир.

У мен учун нима иш қилди? Менга овқат беради. Нима, шусиз яшай олмайманми? Бу қуллик билан баробар-ку. У мени шарманда қилди, қобилиятимни оёқости қилиб, фуруримни ерга урди, овқат билан эмас хўрлик билан боқди, ўлимимга ҳам рози эдим. Айни пайтда, мен унинг учун нима иш қил-

дим? Мен унинг манманлигини боқиб семиртирдим, қотиб қолган қалбига жон киритдим. Мени боқиш учун у фақат ҳамёнидангина пул сарф қилган бўлса, мен бутун қобилиятимни, эркимни, бутун борлиғимни сарфладим: овқатга деб сарфлан пули эвазига у қонимни ичди.

Биламан, ўзларини энг виждонли деб ҳисоблаб юрган пасткаш одамлар ўзларича нозик ҳиссиётлардан нафратланишади. Ўзларини ҳалол одамлар қаторига қўшишади-ю, аммо ўзгалар ҳисобидан бойиб кетишдан ҳазар қилишмайди. Лекин сен, азизим Хризофил, юксак даражада фикрлайсан, эзгуликнинг энг биринчи кўриниши, ўзгаларга ёмонлик қиласлик эканлигини биласан. Адолат қоидалари билан эзгулик қоидалари орасида узоқ масофа бор. Сен олаётган фойда қанчалик қонуний бўлмасин унга муҳтоҷ бўлган одамлар атрофингда тўлиб ётипти, уларнинг ҳам ҳаққи бордир, уларнинг зарари ҳисобига бўлса керак бу бойликлар? Бойлик тўплаш йўлида ўзинг билмаган ҳолда, ўзгаларга зарар етказмадиммикан, деган хавотир сенда ҳам, яхши ниятли бошқа одамларда ҳам бўлиши керак.

Бой бўла туриб инсон бўла олмаган одамни қандай қилиб ҳақиқий инсон дейиш мумкин?

Кўп одамлар бойликни хайрли ишларга сарфлаш керак деб ҳисоблашади, лекин бойликка эришгач, уни бошқа мақсадларга йўналтиришади.

Инсоният бошига тушадиган фалокатларни ўйлайсан-у, амалда уларни ҳис қилмайсан. Муруватли бўлиш мақсадида бой бўлишга интилаётган ўртамиёна одамлар йўлига тўсиқ қўйишга эҳтиёткорроқ бўлардим. Сен ҳам шу мақсадда бой бўлмоқчисан, бу йўлда сенга ҳам турли тўсиқлар учраши мумкин, лекин сен уларни бартараф қила оласан.

Ҳурматга сазовор одамларнинг тан олишича, кўпчилик ўзгалинг фирибгарлик йўли билан топганларини ўзлаштиришдан ҳазар қилмайдилар. Улар ўзларини муруватли инсонлар қаторига қўшадилар. Аслида, улар бошқа барча одамлар адолатли бўлсаларгина, шундан кейин мен ҳам адолатли бўламан деб

фирклайдиганлар тоифасига киради. Эй, Хризофил! Сени яхшироқ билганимда, шу тариқа кечирим сўраб ўтирмаган бўлардим, чунки бундай фирмлашга ботина олмаган бўлардинг.

Кулф-калитли, тамбаланган, занжирли темир эшиклар сонини кўпайтиинг, қоровуллар, қўриқчилар қўйинг. Қатл қилиш учун дорлар, кундалар ўрнатинг, қийноқларнинг янги янги усусларини ўйлаб топинг, азоб-уқубат чекаётган йўқсилларни кўрганда қалбингиз тошга айлансин. Ўзингиз амал қилаётган қонун-қоидаларни ўргатиш учун ўринбосарлар тайёрланг. Бу ишга янгидан-янги ёзувчиларни жалб қилинг, уларга яхши ҳақ тўланг, токи ўғирлик учун қашшоқлар қаттиқ жазога тортилсин, бойлар эса, ялло қилиб юраверсинлар. Бундай тартибни қонун даражасига кўтаринг. Хавотир олманг, ебтўймас нафсингиз ўзгаларнинг нафслари хакалак отишига хизмат қиласди, фирибгарлигинги атрофингизда ўзингизга ўхшаш фирибгарларни тўплайди, қилмишингиз худди шундай йўл билан яна ўзингизга қайтади. Тубан ниятларингизни амалга ошираётган атрофингиздаги бузуқ аёллар сизнинг ҳисобингиздан жирканч харидорларингизга хизмат қиласди, ҳиссиётларингиз разилликдан очиқланади, дастурхонингиздаги сарқит овқатлар сизга мунтазир бўлади. Очкўз хизматкорларингиз катта пул эвазига тезакни тансиқ таом сифатида қўлингизга тутқазади, сезгингиз айнигани сабабли, сиз буни билмай қоласиз. Текинхўр ҳамтовоқларингиз тезак еб роҳатланганингизни кўриб, яширинча устингиздан кулишади, сиз эса, зиёфат учун катта пулга тушганингиздан мақтаниб қолаверасиз. Бу орада қаллоблик билан қўлга киритган бойлигинги совурилади, сиз эса, баҳтга эмас, афсус-надоматга эришасиз. Бойлигинги манбайнин ўйлаб виждонингиз қийланади, уни йўқотганлигиздан афсусда қоласиз. Эшиклар бузилган, занжирлар узилган, сандиқлар очилган – ҳафсалангиз пир бўлади. Кўрган эҳтиёт чораларингиз аксига хизмат қиласди. Бирор ишончли, ҳалол одамни тасодифан учратиб қолсангиз, юзлаб фирибгарлар келишиб олиб, бутун айбни унга юклашади, қулай вазиятдан фойдаланиб талончиликни давом эттиришади. Бой-

лигингизни совураётган минглаб одамларни кўриб турсангизда, бирортасини ушлай олмайсиз. Улар бутунлай бошқа шаклга кириб олган бўлади, ўзларини садоқатли қилиб кўрсатишади, амалда нафрат билан қарашади. Муруватли одамлар учун дилингизда жой қолмайди, фақат айёр, ярамас одамларгина унга тилёғламалик билан кириб олишади. Ҳаром йўллар билан топган бойлигингизни яхшиликка сарфламоқчи бўлганингизда ҳам, улар янги жиноятларга етаклайди. Сиз учун жонини ҳам беришга тайёр турган минглаб маккор ва абраҳ дўстларингиз, амалда сизни ўлим талвасасида ётганингизни кўриш истагида юрадилар. Улар сизни тузалиб кетишингизни кутиб ўтиришларига умид қилмай қўя қолинг. Очқўзлик уларни шу даражага етказганки, ўлим сизни кутиб турмаганидек, улар ҳам кутиб туришмайди, вақтини бекорга кетказмаслик учун уларни сизга нима боғлаб турган бўлса, унинг изидан кетишади. Ҳали ажал келмасидан сиз қашшоқ аҳволга тушасиз, хор-зор бўласиз. Энг ёмон томони шуки, аҳволингизни кўриб ачинадиган инсон топилмайди.

Ҳузур-ҳаловат авжига чиққан пайтида енгиб бўлмас хижолатпазлик дилингизга қайғу уруғини сочади. Сершовқин зиёфат учига чиққан пайтида хотирангиздаги минглаб аччиқ воқеалар жонланади, виждан азоби қалбингизни қийноқларга солади, зиёфат қатнашчиларининг шовқин-сурони ҳам уларни боса олмайди. Зиёфатдагиларнинг қувончлари сохта эканлиги бир лаҳзада билиниб, кўз ёшларингиз қалқиб туради. Кўлингиздаги қадаҳда хушбўй шароб эмас, балки бева-бечора, баҳтсизларнинг қони эканлигини тасаввур қиласиз, уларни шу аҳволга ўзингиз солганлитингизни ўйлаб ўзингизни айблайсиз. Агар шу аснода бошингизга мусибат ёғилса, нима қила олардингиз?

Ўзингга нисбатан кўнгилчан ўзгаларга нисбатан раҳмсиз бўлганлитингиз сизни шундай ёмон аҳволга солди деб ўйламанг. Пушаймонлик ва виждан азоби қанчалик азоб-уқубатли бўлмасин, қалб сирларингизга айланган, демак, сизда эзгуликка ва мафтункор ҳиссиётларга бўлган муҳаббатингиз

сүнмаган. Қалбингиз бузукликка тўлишидан, унинг тошга айланишидан, шармандаларча тубанликдан, табиий ҳиссиётларингизни бой бериб, нодон ва ҳиссиз тўнкага айланиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

Майли, бойлигидан ажralиб қолишни истамаган ҳасис одамларга улар ҳамроҳ бўлиб қолаверсин! Уларга хушомад ёқадиган бўлса, хизматкорлари билан бирга юраверсинлар!

Тинимсиз машақатли меҳнат қилиб, эвазига бир бурда қотган қора нон билан кун кечирувчи бебахтларнинг аҳволига у бефарқ қарайди. Даромад адолатсиз, сарфланган меҳнатга тескари нисбатда тақсимланаётган бўлса, унга нима? Шафқатсиз ва шаҳвоний хирсга берилган кимса эса, оғир меҳнатдан эзилган, муҳтожлик ботқоғига ботган миллионлар ҳисобига семириб ётса, майли. Пешонага ёзилгани шу, булар одат тусига киргач, ҳамма кўнишиб яшайди. Улар похол томли кулбаларда, ҳўқиз молхонада ётгандек яшаётган бўлсалар, мен ҳам нақшинкор саройларда яшашга кўнишиб керак. Аммо гап ёввойи мамлакатлар аҳолиси тўғрисида, улар оғир меҳнат қилмасдан, эҳтиёж нималигини билмасдан ташвишсиз ҳаёт кечираётганлиги ҳақида кетгандачи? Унда ўша ёввойиларга ачиниб кетамиз: қандай қилиб ўзгалар учун қулай ва яхши шароит яратмасдан яшаш мумкин, халқ қонини сўраётган ҳурматли боёнлар бўлмаган мамлакатда қандай яшаб бўлади? Фам-ташвиш нималигини билмай яшаётган ёввойининг бизга кераги борми? Бойликни кўкларга кўтариб, камбағалликни ёмонловчи бизнинг пасткаш донишмандлар ўртасидаги зиддиятлар ана шунда. Улар пул эвазига, берилган буюргмалар бўйича ўз фалсафаларини қулай шароитларга мослаб тўқишиади.

Энг ажабланарли томони шуки, серғалва, серташвиш камбағаллар билан ёнма-ён яшашдан қутулиш учун анча-мунча пул сарф қилишга тайёр турган бундай нозиктаъб одамлар амалда бирорта бечорани қашшоқликдан қутқариш учун бир тийин ҳам бергиси келмайди. Бой билан камбағал ўртасидаги келишмовчилик шу даражадаки, биринчиси иккинчисининг

аҳволини яхшилагандан кўра, ўзи нокулай аҳволга тушиб қолишни афзал кўради.

Муруват кўрсатишдаги энг қулай ва арzon тўлов бу пулдир.

Тубан йўллар билан бойлар даврасига киришдан кўра, яхшиликка сазовор бўлган одамлар орасида қолганинг маъкул, табиат томонидан ажратилган бу икки синф орасига тажовуз қилма.

Кимдир дўстлигини билдириш учун фақат киссасидан пул чиқаришни билади, бошқаси эса, ўзгалар учун ташвиш чекади, вақтини, қобилиятини, ҳис-туйғуларини, ҳатто ҳаётини ҳам аямайди. Шундай тенгсизлик бўла туриб нонкўр бой арзимас садақасини пеш қилиб мақтанади, уялмай-нетмай сурбетларча миннатдорлик талаб қиласди.

Бизнинг қобилиятимиз бор, ҳеч бўлмагандан оёқ-қўлимиз бутун-ку, ке, кўй, уларга нопок бойликларини қолдирайликда, эркимизни асройлик, Хризофил, менга ишон, уларнинг аҳволи бизнидан ҳам қийинроқ бўлади.

Энг яхши кунларимиз ҳам бизни тақдир бевафолигидан асрой олмайди: биз ҳеч қачон уни ўзимизга бўйсундиролмаймиз, ҳатто унинг ўз қуролидан фойдаланганда ҳам. Уни енгиш учун бошқа қуролдан фойдаланиш керак, ўшанда ҳам у тобланган, синалган бўлиши зарур.

...Энг қулайи – чиройли ва юмшоқ аравачада талтайиб ўтирган ҳолда, камбағалнинг юзига лой сачратиб ўтиб кетиш.

Инсониятга янада фойдалироқ иш қилмоқчимисан? Бойликка интилма, усиз ҳам яшашни ўрган; бойнинг такаббурлигидан ҳазар қил, олийжаноб мақсадлар йўлида одамларни баҳт излашда беғараз бўлишига ўз мисолингда ўргат, уларга намуна бўл.

ИЛМ-ФАН ВА САНЬАТ РАВНАҚИ АХЛОҚНИНГ ПОКЛАНИШИГА ЁРДАМ БЕРАДИМИ?¹

*Бу ерда мен мусофирман,
Хеч ким мени тушунмайди.*

Овидий

ЭСЛАТМА²

*М*ашхур бўлиш одамга катта масъулият юклар экан. Мана шу машаққатли меҳнатим эвазига шон-шуҳратга эришдим. Шубҳасиз, бу асарим номимни элга танитиш билан бирга мукофот ҳам олиб берди, лекин у, нари борса, ўртадир, тўғрироғи, нашр қилинган асарларим ичидаги арзигулиги, деб ҳам айттолмайман. Агар шу биринчи асарим ўз даражасида қабул қилинганда эди, мен бунчалик қийналиб юрмаган бўлардим. Ўша пайтда менга билдирилган ўринсиз хайриҳоҳлик ҳадемай қаттиққўлликка дуч келишини ким ўйлабди дейсиз, бу эса, ундан-да адолатсизроқ бўлди³.

Пайти келиб, кўтаришга арзийдиган катта ва жуда зўр ма-салалардан бири мана шу. Бу мулоҳазаларда адабиётнинг барча соҳаларини тўлдириб юборган, ҳатто академик дастурлардан ҳам юқори бўлган метафизиканинг нафис томонлари ҳақида эмас, балки, инсон зотининг баҳтига боғлиқ бўлган ҳақ йўлларидан бири ҳақида сўз боради.

¹ Жан-Жак Руссо. Илм-фан ва санъат равнақи ахлоқнинг покланишига ёрдам берадими? // Абдунаби Абдуқодиров ва Маҳкам Маҳмудов таржимаси. // Жаҳон адабиёти, 2010, № 6. 150–165 бетлар.

² Асар 1749 йилда ёзилиб, 1750 йилда Дидро ёрдамида нашр этилган. Мазкур билдириш эса, 1763 йилги нашр учун ёзилган.

³ Бу ерда Руссонинг «Эмиль ёхуд тарбия» романни Франция ва Швейцарияда қораланишига ишора бор. (Тарж.).

Бу баҳсда ўз хulosамни таклиф қилишга журъат этганим учун мени кечиришлари осон бўлмаслигини ҳам сезиб турибман. Гарчи бир нечта донишманднинг маъқуллашларига сазовор бўлсам-да¹, ҳозирги пайтда одамлар нимадан қойил қолишларини билган ҳолда, шу нарсага тўғридан-тўғри хужум қилганим учун улардан фақат мени ёмонотлиққа чиқаришларини кутишим мумкин, холос. Лекин жамиятнинг маъқуллашларига суюнмоқчи эмасман, шунинг учун мен ўз йўлимни танладим: ақли зукколарга ҳам, турли санамларга ҳам ёқиш ниятим йўқ. Ўз даврининг маслагига, ўз мамлакатига ва ўз жамиятига бўйсувчи инсонлар ҳар бир замонда ҳам бўлади. Бугунги кунда айримлар ўзларини эркин фикрловчи ва файласуф деб атайдилар, шу сабабли улар (Францияда диний урушлар вақтида тузиленган) муқаддас Лига даврида, албатта, фидойилар бўлур эдилар². Агар ўз замонангдан узоқроқ яшамоқчи бўлсанг, бундай китобхонлар, яъни, мутаассиблар учун ёзиб ўтирма.

Яна бир сўзни айтай. Менга кўрсатилган иззат-хурмат бунчалик даражада бўлади, деб ўйламагандим, мулоҳазаларимни юборганимдан сўнг ҳам, унинг устида жуда кўп ишладим, кенгайтирдим, қайсилир маънода уни янги асарга айлантиридим. Энди эса, бу асарим мукофотга сазовор бўлган пайтда қандай бўлса, шундайлигича қайта тиклашга ўзимда мажбурият сездим. Мен унга фақат бир неча изоҳ киритдим, икки жойда қўшимча иловаларни қолдирдим, уларни осонликча кўриш мумкин. Улар Академия томонидан балки маъқулланмаслиги ҳам мумкин. Адолат, ҳурмат ва миннатдорлик мендан шу тарзда огоҳлантириб қўйишимни тақозо этади, деб ҳисобладим.

Илм-фан ва санъатларнинг равнақи ахлоқнинг покланишига ёрдам берадими ёки унинг бузилишигами? Шу масалани кўриб чиқишимиз зарур. Бу хусусда мен қайси тарафда бўлишим керак? Ҳеч нарсадан хабари йўқ, яъни тарафкаш-

¹ Дидро ва д'Аламбер кўзда тутилган. (Тарж.)

² Варфоломей кечасини – 1572 йил 24 августга ўтар кечаси Парижда католиклар томонидан гугенотларга қарши ўюштирилган қирғин-барот.

лик қилмайдиган ва бу билан ўз ҳурматини йўқотмаган, ҳалол инсонлар тарафидаги бўлишими керак, жаноблар.

Бу муҳокама ҳакамлари олдида айтмоқчи бўлганларимни қаттиқ туриб ҳимоя қилишим анча қийин бўлади – мен буни сезиб турибман. Европанинг энг билимдан олимлари мажлисларининг бирида илм-фанларни ёмонлаш, машхур Академия олдида нодон (кўринган) одамларни кўкларга кўтариш ва ҳақиқий фозилларни ҳурмат қилган ҳолда, илмий машғулотларга бўлган нафратли муносабатларни муросага келтиришга қандай ҳаддим сиғади? Мен бу барча зиддиятларни кўрдим, лекин улар бу гапларни ёзишдан тўхтатиб қололмади.

Илм-фанларни ҳақорат қилмаяпман, – дедим ўз-ўзимга, – фазилатли инсонлар олдида эзгуликни ҳимоя қилаяпман, холос.

Фозил инсонлар учун билим қай даражада қимматли бўлса, ҳалол инсонлар учун ростгўйлик ундан-да қимматроқдир. Нимадан қўрқаман? Мени тинглаётган мажлис аҳли ўқимишлироқ бўлгани учунми? Ҳа, қўрққанимни тан оламан. Лекин гапимдаги мулоҳазаларим учун эмас, балки нутқимдаги жумлалар фализ чиқиб қолишидан хавотирдаман. Адолатли ҳакамлар баҳслашаётганида шубҳага борсалар, ноҳақ эканликларини иккиланмай тан оладилар; ҳақ йўлни ҳимоя қилаётгандар учун эса, ҳалол ва билимдан рақиб олдида сўзлаш маъқулроқ, чунки улар ўз виждонлари ҳукмига қараб яшайдилар.

Руҳимни кўтарган бу фикрга бошқа яна бир фикр қўшилди-ю, қатъий бир қарорга келдим: табиат менга ато қилган ақдимга суюниб, ҳақиқат тарафини танладим: нимага эришмайин, битта мукофот мен учун тайин – мен уни қалбимнинг энг тубидан топаман.

Қайсиdir маънода инсон ўз куч-ғайрати билан ўзининг борлигини билдириши; табиат ўраб кўйган зулматни ўз ақли зиёси билан ёритиши; ўзлигидан ҳам юқорироқ кўтарилиши, ўз ақл-заковатида самоларгача кўтарилиши, Коинот кенгликларидан Күёш каби улкан қадамлар билан ўтиб бориши – энг муҳими ва мушкули – ўз ички дунёсига кириши, ўзидаги инсонни ўрганиши, унинг табиатини тушуниши, унинг мажбу-

рияти ва тақдирини билиши қанчалик улуғвор ва гўзал манзара. Бундай барча ажойиботлар яқин авлодларимиз хотирасида қайтадан жонланди.

Европа биринчи асрлардаги ёввойилик даражасига яна тушиб қолди. Дунёнинг шу қисмида яшовчи, ҳозирги пайтда энг зиёли ҳисобланмиш бу халқлар бир неча аср муқаддам ночор ахволда яшар эдилар. Билмадим, нодонликдан ҳам жирканч бўлган сохта илм ҳақиқий илм номини ўзлаштириб олди ва унинг қайтиш йўлига ўтиб бўлмас тўсиқ қўйди. Одамларни соғлом фикрлашга қайтариш учун кескин бурилиш зарур эди ва ниҳоят у келди, лекин кутилмаган тарафдан келди. Константин тахти қулагач, Қадимий Юнонистон маданияти парчалари Италияга олиб ўтилди. Франция ўз навбатида мана шу қимматбаҳо қолдиқлардан бойиб кетди. Тез орада адабиёт билан изма-из турли илмлар кириб келди; ёзиш санъатига фикрлаш санъати қўшилди; бу изчилик қизиқ туюлганига қарамай, табиийроқ қўринади. Ҳар ҳолда, илҳом париси аксарият одамлар ўртасида яқин муносабатлар ўрнатилишига олиб келади; умум эътиборига сазовор бўлган асарлар одамларни яқинлаштиради, бир-бирларига ёқиш истаги туғилади.

Баданда бўлгани каби, руҳнинг ҳам маънавий эҳтиёжлари бор. Кейингиси жамият асосларини ташкил қиласа, олдингиси ҳам ижобий ҳодиса ҳисобланади. Жамоага бирлашган одамларнинг хавфсизлиги ва фаровонлигини ҳукумат ва қонунлар таъминлайди. Илм-фан, адабиёт ва санъат эса, гарчи унчалик қаттиққўл бўлмаса-да, ҳар ҳолда улардан кучлироқdir, булар кишанларни гуллар билан безаб туради, эркинлик деб аталмиш азалий ҳиссиятларни бостириб туради, қуллик ҳолатида-гиларни ўз ахволларига шукур айтиб, ҳаётни севишга мажбурлайди, шу билан уларни маданийлашган халқлар қаторига қўшади. Зарурат тож-тахтни яратди, илм ва санъатларни мустаҳкамлади. О, замон ҳукмдорлари, истеъдодларни ардоқланг, илм ва санъатни ривожлантираётгандарга яхши қаранглар.

Маданийлашган халқлар, истеъдодларни ривожлантиринг, баҳтиёр қуллар, ўзингиз мақтаниб юрган нафис ва нозик дидин-

гиз, бир-бирингиз билан осон муомала қилишни таъминлайдиган, оғир-босиқ хулқ-авторингиз учун улардан миннатдор бўлинг. Хуллас, истеъод сизлардаги барча фазилатларни кўрсатишга хизмат қиласди, гарчи, бирорта фазилатингиз бўлмаса ҳам.

Афина ва Рим ҳашаматли даражада юксакликка кўтарилган пайтларида ҳам хушмуомалалик билан шундай қулай йўл тутганилар, бу билан улар мақтанишга ўрин қолдирмаганлар, бинобарин бошқалардан ажралиб турганлар. Сўзсиз, бизнинг асримизда худди шундай йўл тутиш билан миллатимиз барча замонларни ва ҳалқларни қувиб ўтади. Насиҳатгўйликка йўғрилмаган фалсафа — табиий, лекин огоҳлантирувчи, айни пайтда, олмон кўполлигидан ва Итальян найрангбозлигидан узоқ бўлган нозик муомала маданияти барчаси зодагонларга мансуб, такомиллашган маданий муносабатлардан олинган тажрибалар маҳсулидир.

Агар ташки қиёфамиз ҳақиқий руҳий интилишларимизни доимо акс эттириб турса эди, маъкул ишларимиз яхшилик билан тугалланиб, олий даражадаги ахлоқий ҳикматларимиз кундалик турмуш қоидалари сифатида хизмат қилса, ҳақиқий фалсафа файласуф номининг ажралмас қисмига айланса, ана шунда жамиятда бирга яшаш ёқимли бўлур эди! Лекин бундай кўп сифатларнинг бирга келиши камдан-кам учрайдиган ҳолат, яхшиликнинг бундай сифатлар билан доимо бирга бўлиши амримаҳол. Қимматбаҳо кийимлар одамнинг ўзига тўқлигидан, либосларнинг нағислиги эса, унинг дидли эканлигидан далолат беради. Лекин одамнинг соғломлиги ва бақувватлиги бошқа белгиларида намоён бўлади: сарой аҳлининг зарбоф кийимлари остида эмас, балки ер ҳайдётган деҳқоннинг эски чопони остида, яъни унинг куч-кудратга тўлган жисмиди кўринади. Руҳий қувват — ясан-тусанди эмас, инсоний фазилатлардадир. Фазилатли инсон яланғоч ҳолатда кураш тушаётган полвонга ўҳшайди — арзимас тақинчоқлару ялтироқ кийим-кечаклардан у жирканади, чунки бор кучини кўрсатишга улар халақит беради, қолаверса, бундай нарсалар кўпинча хунукликни ёпиш учун ўйлаб топилган.

Санъат одамларнинг феъл-авторини силлиқламасидан аввал, эҳтиросларини сийқа сўзлар билан билдиришни ўрганмасидан олдин уларнинг муомаласи қўполроқ, лекин табиийроқ эди. (Шу табиийлик туфайли) бир қарашдаёқ, одамларнинг муомаласидан уларнинг табиати, феъл-авторини билиб олиш мумкин эди.

. Инсонларнинг хулқ-автори, ҳозиргидан қўполроқ бўлса ҳам, бир-бирини осон тушунардилар, шу сабабли улар бехавотир, тинчроқ яшар эдилар. Бу нарсалар уларни кўпгина гуноҳ ишлардан сақлар эдилар. Биз бугунги одамлар бу қадриятларни аллақачон унута бошладик, ҳис этмай қўйдик.

Ҳозирги айёrona чапдастлигимиз, нозик дидимиз, бирорга ёқишдаги устамонлигимиз маълум тамойилларга айланди. Ахлоқимизда тубан даражадаги соҳталик ҳукмрон бўлди, ақлимиз эса, худди бир қолипдан чиққандай: хушмуомалалик доимо бир нарсанинг илинжида, одоб сақлаш худди буйруқдек, урф-одатларга тинимсиз эргашамиз, ўз ақлимиз, виждонимизга эса, бўйсунмай қўйдик. Одамлар ўзларининг ҳақиқий башараларини кўрсатишга журъат эта олмаяптилар. Доимо шундай мажбурият остида, жамият деб аталмиш подага бирлашган бир хил шароитдаги бундай одамлар, қудратлироқ бирор сабаб уларни бундан қайтара олмас экан, шу тарзда яшайверадилар. Ким билан мулоқот қилаётганингни ҳеч қачон билмайсан: дўстингни ким эканлигини билиш учун эса, жиддийроқ ва каттароқ ҳодиса рўй бериши керак, уни кутиш учун эса, вақт йўқ, ҳолбуки, ўша ҳодиса туфайлигина дўстинг ким эканлигини яхшироқ билиб оласан.

Бундай ишончсизлик кетидан қанчадан-қанча ёмонликларчувалашиб келмоқда. На чин дўстлик, на ҳақиқий ҳурмат, на комил ишонч бор. Маданиятли асримизнинг бизга тұхфа қылған бундай ҳамду санога лойиқ боадаблик ва маккор хушмуомалалиги замирида шубҳа, гумон, қўрқув, совуқлик, бефарқлик, ёмонлик каби иллатлар доимий қўним топган. Одамлар Яратган Эгамни, Парвардигорни эсламай, номини тилга олмай қўйдилар. Худобезорилар уни ҳақорат қылсалар-да, биз

бунга чидаб келамиз. Одамлар ўз хизматларини кўкларга кўтартмай қўйсалар-да, бировларнинг хизматларини мақташдан тий-илмадилар. Ҳеч ким ўз душманини очиқдан-очиқ тарзда ҳақорат қилмай қўйди. Лекин унга усталик билан туҳмат уюштира олади. Миллий низолар сўнди, аммо у билан бирга Ватанга меҳр ҳам сўнди. Жирканишга лойиқ билимсизлик ўрнини янада хавфлироқ пирранизм – шубҳакорлик эгаллади. Ортиқча дабдаба, беномус қилмишлар пайдо бўлмоқда: уларнинг айримлари эса, эзгулик деб мукофотланмоқда; шу мукофотни эгаллашинг зарур ёки ёлғондан бўлса ҳам, шу мукофот эгасиман, деб ҳисобла ўзингни. Майли, кимлардир замона-миз донишмандларининг сабр-қаноатини кўкларга кўтарсин; мен эса, бунда нафислашган бузуқликни кўраман, худди уларнинг сохта соддалигидек, мақтанишимга арзигулик эмас улар.

Мана, қандай ахлоқий покликка эришдик: мана, қандай фазилатли инсонларга айландик. Бу «Ҳалоскор» ўзгаришларда адабиёт, илм-фан ва санъатнинг ўз ҳиссаси бор ва улар лозим даражада баҳо беришларини талаб қилишга ҳақлидилар. Мен фақат биргина фикримни кўшаман: мабодо, узоқ ўзга юртлардан келган бирорта мусофири Европача ахлоқ тўғрисида тасаввурга эга бўлишни истаса, мамлакатимиздаги илм-фан аҳволи, мукаммал санъатимиз, театрларимизнинг хушахлоқ томошалари, муомалаларимиздаги юмшоқлик ва гапларимиздаги сертавозелик, ёшу қарининг эрталабдан-кечгача бир-бирларига гал бермасдан, катталарга ялтоқланиб хизмат қилишдан бошқа ишлари йўқдек юришларини кўргач, ахлоқий покликнинг аксини кўрган бўлур эди.

Ҳеч қандай натижа йўқ жойда сабабни қидириш ҳам бе-фойда. Лекин бу ерда антиқа аҳвол – яққол кўриниб турган бузуқлик: илм-фан, санъат ривожлантган сари, руҳимиз ҳам шунга яраша бузуқлашиб бормоқда. Бу баҳтсизлик фақат асримизга хос дейиш мумкинми? Йўқ, жаноблар, кераксиз қизиқувчанлигимиздан пайдо бўлган бундай балолар қадимдан маълум. Илм-фан ва санъат ютуқларининг ахлоқ ва ҳалолликка таъсири, тунги ёритқичимизнинг океан суви кўтарилиб ва па-

сайиб туришига таъсиридан кам эмас. Бу ютуқлар қанчалик даражада уфқдан күтарилиб, порлаб нур сочсалар, эзгулик шунчалик даражада йўқолиб бораётганлиги ва бундай ҳодисалар ҳар доим, ҳар ерда содир бўлаётганлигини кузатмоқдамиз.

Инсоният бешиги бўлмиш қадимий Мисрни олинг. Қуёш олов пуркаб турса-да, ўзининг табиати, мўътадил иқлими қулай бўлган бу машхур мамлакатдан туриб Сезострис¹ дунёни забт этиш учун юриш бошлади. Дастреб мана шу ерда фалсафа ва нафис санъатлар дунёга келган, лекин орадан кўп ўтмай, бу мамлакатни, дастреб Камбиз², сўнгра юнонлар, римликлар, араблар ва, ниҳоят, турклар босиб олдилар.

Бир вақтлар қаҳрамонлар Ватани бўлмиш Юнонистонни олинг: улар икки марта Осиёни енгишга муваффақ бўлганлар - биринчиси, Троя уруши, иккинчиси, ўз остонасида (Марафон жангига. мил. ав. 497 йил). Бу ерда туғилиб келаётган адабиёт ҳали одамларни ахлоқан бузишга улгурмаганди, лекин санъат ривожаниши, ахлоқ бузилиши ва македониялик Александр истилоси бирин-кетин ёпирилиб келди. Гарчи олдингидек маърифат, шаҳватпарастлик ва истило давом этиб келаётган бўлсада, у ерда бўлаётган тўнтаришлар натижасида Юнонистон янгидан-янги истилочи-хукмдорларга эга бўлаверди. (Аввал Македония, сўнг Рим, сўнг Византия, сўнг Туркия хукмронлиги) дабдаба ва санъатлардан ҳолсизланган Юнонистон жисмини Демосфенинг оташин нутқлари ҳам ҳушига келтира олмади.

Чўпон Ромул асос солган ва Вергилий буколикалари - чўпоний шеърларида шуҳрати куйланган Рим Энний ва Теренций (каби шоирлар) даврига келиб, таназзулга юз тутди. Ҳатто номларини ҳам хижолатсиз тилга олиб бўлмайдиган Овидийлар, Катуллар, Марциаллар ва шуларга ўхшаш уятсиз ёзувчилар оломони туфайли бир маҳаллар эзгулик маскани бўлган Рим жиноятчилар томошагоҳига, ваҳший римликларнинг қўғирчоғига айланниб, бошқа халқларга шарманда бўлди. Жаҳон марка-

¹ Сезастрис – Миср фиръавни.

² Камбиз – Эрон шоҳи.

зи бўлмиш бу шаҳар кўп халқарнинг бўйнига ўзи осган бўйинтуруқ юқидан ўзи қулаш арафасида унинг фуқароларидан бири «Нафосат ҳаками» унвонига сазовор бўлди¹.

Балки жаҳолатдан кўра, эҳтиёткорлик туфайлидир, Европа-нинг бошқа жойларида қувфинга учраган илм-фан ва санъатга паноҳ бўлган, эгаллаб турган ҳолати бўйича жаҳон маркази бўлиши зарур бўлган Шарқий Салтанат маркази (Константинопол – Истамбул) ҳақида нима ҳам дейишим мумкин? Хиёнат, қотиллик ва заҳарлаш, бузуқлик, шарм-ҳаёсизлик, барча жиноятларнинг асоси бўлган шафқатсизлик Константинопол тарихи пойдеворини ташкил қиласиди ва шу ердан сизиб чиқаётган оқава асримиздаги биз мақтаётган билимлардир.

Кўриниб турган ҳақиқатни тасдиқлаш учун узоқ ўтмишдан далил қидиришга ҳожат борми? Осиёда улкан бир мамлакат бор (Хитой). У ерда адабиёт иззат-хурматда ва давлатнинг энг олий мансабларига поёндоз бўлиб хизмат қиласиди. Агарда илм-фан ахлоқни поклаганида, одамларга қаҳрамонликни сингдириб, ўз Ватани учун қон тўкишни ўргатганида Хитой халқлари доно, эркин ва енгилмас бўларди. Улар устидан ҳукмронлик қиласидиган бузуқлик бўлмаса, жиноятчилик одатга айланган бўлмаса, қонунлар донолик тимсоли бўлиб, вазирлари эса, билимдон бўлса, бу улкан салтанатнинг кўп сонли аҳолиси, яхши кўрган таълимотлари (даочилик ва конфуцийчилик) ҳам ёрдам беролмасдан, билимсиз ва қўпол бир Мўғул (Чингиз) истилосига қарам бўлиб қолармиди? Адабиётга кўрсатилган иззат-хурмат жуда юзаки бўлиб, бундан мамлакатга қандай наф тегди? Аҳолининг қуллар ва ёвузларга айланганими?

Ахлоқнинг шу кўринишларига қарши оз сонли халқлар ахлоқини қарши қўядиган бўлсак, улар кераксиз билимлардан ўзларини ҳимоя қилиб, бошқа халқларга ибрат бўларли даражада эзгу ишларни амалга ошириб баҳт-саодатга эришганлар. Қадимий форслар шундай ишлар қила олган ажойиб миллат

¹ Руссо бу ерда Нерон давридаги журъатли адиб Петроний Арбитрни кўзда тутади. (Тарж.)

эди ва улар осонлик билан бутун Осиёни забт этдилар. Биз илм-фанни қандай ўрганган бўлсак, улар эзгуликни шундай йўл билан ўргандилар (Ксенофонт «Киропедия» асарида Эронда фарзандлар тарбияси ҳақида ёзган). Уларнинг қарор топиш тарихини фалсафий романга қиёслаш мумкин.

Скифлар ҳам шуларга ўхшаш бўлиб, улар ҳақидаги ҳайрат садолари бизгача етиб келган. Ўқимишли, бой-бадавлат ва шаҳватпараст халқнинг жиноятлари, жирканчликларини ёза-вериб чарчаган қалам аҳли ҳам енгил нафас олгандек, германларнинг соддадиллиги, бегуноҳлиги ва эзгу ишлари ҳақида кўплаб ёза бошлади¹. Рим ҳам, бойиб кетмасдан олдин ва ниҳоят камбағаллик белини букмаган, ёмонлардан ибрат олмаган ҳозирги кунларгача ҳам жасоратли миллат бўлган дехқонлар (швейцарияликлар) шундай фазилатли инсонлар эдилар.

Зинҳор, улар бу фазилатларни аҳмоқ бўлганликлари туфайли топмаган, албатта. Улар бошқа мамлакатлардаги тақаббур олифталар олий эзгуликлар ҳақида, бузукликларни ёмонлаб, яхши ишлар ҳақида оғиз кўпиртириб, ўзларини буюк, таҳсинга лойик одамлар деб, бошқаларни ёввойилар (варварлар) қаторига қўшиб, менсимасдан, жирканиб қараашларини билар эдилар. Лекин худди ана шу ёввойилар (форслар, турк-лар) римликларнинг ахлоқини қузатиб, уларнинг (сохта) билимдонлигидан жиркана бошладилар.

Юноистоннинг барча ҳикматлари жамланган, қонунлари доноликнинг рамзи ва эзгуликларда инсоният етакчиси бўлган, аҳолиси одамлардан кўра, кўпроқ ярим илоҳлардан ташкил топган бу шаҳар (Афина)ни эсдан чиқариб бўладими? О, Спарта, беҳосил билимдонликни мангу шарманда қилган табиий одамлар макони! Бузуклик билан бирга нафис санъат Афинага кириб келганида, бу ерда ҳукмдор биринчи шоир (Хомер) асарларини тўплаётганида, сен, о, Спарта, ўз уйингдан санъатни, рассомларни, илм-фан ва олимларни ҳайдагандинг!

¹ Руссо тарихчи Тацитни кўзда тутади. (Тарж.)

Воқеалар якуни қадр-қимматини күрсатди. Афина хүшмұомала ва нозиктабиатлилар маконига, нотиқлар ва файласуфлар мамлакатига айланди; мейморчилик нафис сүз санъатига тенглашди, күли гул усталар тошларга жон бағишилади; асрлар оша барчага ўрнак бўладиган ажойиб асарлар яратилди. Лакедемон (яъни Спарт) у даражада шуҳратга эришмаганди. «У ерда, — дер эди бошқа халқлар, — эзгу инсонлар туғилади, ҳавосининг ўзи шуни тақозо этади». Уларнинг қаҳрамонона ишлари ҳақида фақат хотиралар қолган. Бу хотиралар, чиндан ҳам, Афинадан қолган мармар ёдгорликлардан кам эмас.

Тўгри, айрим донишмандлар бу бузуклик оқимидан ўзларини сақлаб, музалар масканидан макон топдилар. Дастлабки донишмандларнинг энг бахтсизи (Суқрот) ўз давридаги санъаткорлар ҳақида айтган фикрларини эшигининг:

«Шоирларни кузатдим, — дейди у, — уларга ато қилинган истеъод ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам адаштиради: улар ўзларини донишманд деб ҳисоблайдилар, бошқалар ҳам шу фикрда, лекин улар донишманд эмаслар».

«Шоирлар қолиб, энди рассомларга ўтаман, — деб давом этади Суқрот — Санъатда мендан кўра билимсизроғи йўқ. Мен уларни ажойиб сир эгалари эканликларига ишонардим. Ҳолбуки, рассомларнинг ҳаёти шоирларницидан яхши эмаслигини кўрдим, улар ҳам, булар ҳам бир хил хаёл оғушида, хаёлий оламларда яшаркан. Уларнинг энг иқтидорлилари мукаммалликка эришиб, ўзларини донишманд деб биларкан. Ўзларини юқори қўйишлари билимдонликларига бўлган ҳурматимни сўндириди ва мен ўзимни башоратчи ўрнига қўйиб ўзимдан сўрадим: улар билган нарсаларни билишим керакми ёки билмасдан ўзлигимча қолишим керакми? Ўзимга ўзим ва Худо олдидা жавоб бердим: Ўзлигимча қолишини истайман.

Ҳақиқат, яхшилик ва гўзаллик нима ўзи — биз билмаймиз — на софистлар, на шоирлар, на нотиқлар, на рассомлар ва на мен. Лекин ўртамиизда фарқимиз бор — улар ҳеч нарсани билмасалар-да, нималарнидир биламиз, деб ўйлайдилар, менинг эса, ҳеч нарса билмаслигимга шубҳам йўқ. Башоратчи-

нинг менга берган афзаллиги шундан иборатки¹, менинг ҳеч нарса билмаслигимга ўзим қатъий ишонаман»².

Демак, кўриб турганингиздек, инсонларнинг энг донишмандини бутун Юнонистон тан олган. Афиналикларнинг энг билимдони бўлмиш Суқрот билимсизликни афзал кўрмокда! Агар у ҳозир орамизда бўлганида олимларимиз, санъаткорларимиз унинг фикрини ўзгартиришга мажбур қила олармиди? Йўқ, хурматли жаноблар: бу адолатли инсон кераксиз бўлган билимларимиздан жирканарди, ҳар томондан бостириб келаётган кераксиз асарларни кўпайтиришга йўл қўймасди; худди ўз шогирдларига ўргатганидек, бизга ва авлодларимизга ибрат бўладиган яхши ишлар ва эзгуликлар ҳақидаги хотираларни қолдиради. Одамларни яхшиликка ўргатиш шундай бўлиши керак.

Дастлаб Суқрот Афинада, ундан кейин кекса Катон Римда ўз вагандошларининг жасоратларига путур етказиб, уларга тузоқ қўйган маккор ва айёр Юнонларга қарши хужумга ўтдилар. Лекин, шунга қарамай, илм-фан, санъат ва диалектика ғалабага эришди; Рим файласуфларга, нотиқларга тўлиб кетди; ҳарбий интизомга эътибор сусайди; деҳқонларга жирканч назар билан қарай бошладилар; одамлар турли оқимларга бўлиниб, умумий ватани борлигини эсдан чиқардилар. Эркинлик, соғдиллик, қонунларга итоаттўйлик каби муқалдас сўзлар ўрнини Эпикур, Зенон, Аркесилай исмлари эгаллади. «Орамизда олимлар пайдо бўлганидан бошлаб, — дер эди уларнинг файласуфлари, — фазилатли фозил инсонлар кўринмай қолди. Шу пайтгача эзгу ишларни қилиб келган римликлар эзгулик илмини ўргана бошлиши биланоқ ҳаммаси барбод бўлди³.

¹ Дельфа ибодатхонаси башоратчиси Суқротнинг буюклигини, келгусидаги шуҳратини эътироф қилган.

² Суқротнинг бу фикрларини Афлотун ва Арасту унчалик маъкулламаган. (Тарж.)

³ Бу фикрда қисман ҳақиқат бор, лекин тўлиқ эмас, чунки эзгу ишларни қилишга ахлоқ илмини ўрганиш ҳалақит бермайди. Лекин Руссо фикрининг ҳақ тарафи шундаки, эзгу, фазилатли ишларни қўлолмайдиган такаббур, худбин ва жангтарда жасурлиги билан машҳур одамларга эзгулик, яхши хулқ илмини (эстетикани) юз марта ўргатсангиз ҳам яхши хулқни бўлиб қолмайди. Арасту ҳам «Ахлоқи кабир» («Катта ахлоқ китоби»)да шу фикрни айтган. Шунга яқин фикрларни Сенека (милоднинг I аср Рим), Монтен (XVI аср, Франция) ва бошқа мутафаккирлар ҳам айттанлар. Руссо эса, бу фикрни янада чуқур ва кенг талқин қиласи. (Тарж.)

О. Фабриций! (Плутархнинг «Қиёсий ҳаётномалар»и қаҳрамони, Рим консули) Қачонлардир сиз қутқарган, ўзи эришган ютуқлардан кўра сиз туфайли машҳур бўлган Рим ҳозир қандай ясаниб олганлигини кўрганингизда эди, буюк қалбинги нималарни ҳис қилган бўларди? «Эй, Худойим, бу похол томли оддий хонадонлардаги соддалик ва эзгуликлар ўрнини нималар эгаллади? — деган бўлардингиз. — Римга хос соддаликни йўқقا чиқарган бу қандай дабдабабозлик? Бу қандай бегона тил? Бу қанақа тегма-нозик феъл-атворлар? Бу ҳайкаллар, расмлар, бинолар нимани англатади? Эй, телбалар, нима қилиб қўйдинглар? Сиз, ҳалқларнинг (маънавий) раҳнамолари, ўзингиз тарбия қилган пасткаш, арзимас одамларнинг қулларига айланиб қолибсиз! Эй, ҳукмдорлар, сизлар меъморлар, рассомлар, ҳайкалтарошлар ва масхарабозларни бойитиш учун Юнонистон ва Осиёни ўз қонингиз билан суфордингиз! Карфаген вайроналарини найчи эгаллапти! Рим императори Нерон най чалар ва шеър ёзар эди. Эй, Римликлар, бу амфитеатрларни тезда йўқ қилинглар, мармар ҳайкалларни синдиринглар, расмларни ёқиб юборинглар! Сизларни бўйсундираётган, ўз санъатлари билан сизни бузуқлик ботқоғига тортаётган қулларни ҳайданглар! Бу кераксиз истеъдоллардан бошқалар шуҳрат қозонаверишсин. Римга муносиб бўлган истеъдол — дунёни забт этиш ва эзгулик салтанатини ўрнатишидир. (Демосфеннинг шогирди), Эпир шоҳи Пирнинг элчиси Киней Рим сенатини подшолар мажлиси, деб ўйлаганида ортиқча дабдабадан, нафис назокатдан қўзи қамашмаганди; бекорчи одамларга ҳузур бағишлиловчи кераксиз нотиқлик санъатини эшитмаганди ҳам. Хўш, Киней қандай буюкликни кўрганди? Ҳеч қандай бойлик, ҳеч қандай санъат бера олмайдиган, дунёда ҳали ҳеч ким кўрмаган гўзалликни кўрганди у; Рим ва унга тегишли ерларни бошқаришга муносиб бўлган эзгу инсонлар мажлисини кўрганди у»¹.

¹ Бу ерда давлатни ҳалқ номидан бошқарувчи республика тузумига хос олий кенгаш — икки юз вакил депутат ҳақида сўз боради. (Тарж.)

Келинглар, замонлар ва маконлар оша яна ўз давримизга қайтайлик ва ҳиссиётларимизга ёмон таъсир қилаётган ёқимсиз манзараларни четга улоқтириб ўтган нарсаларни қайтара-вермасдан, кўз ўнгимизда нималар содир бўлаётганлигини кўрайлик. Фабриций руҳини бекорга чақирганим йўқ; Людовик XII ёки Генрих IV тилидан эшитмоқчи бўлганларимни унинг тилидан эшитмоқчи эмасман¹. Тўғри,.. бизнинг давримизда давлат Суқротга цикута шарбати (заҳар)ни ичирмаган бўларди, лекин агар ҳозир Суқрот бўлса, бундан ҳам аччиқ ва ёқимсиз бўлган заҳар — масхаралашлар, жирканишларни та-тиб кўрган бўларди — бу ўлимдан ҳам юз марта багтар. Шу тариқа, абадий Донолик бизга раво кўрган баҳтили билимсизликдан чиқишига уринишларнинг натижаси бўлган манманлик, дабдаба, бузуқлик ва қуллик барча замонларда (маданият учун) жазо бўлиб хизмат қилди. Эндилиқда донолик ўз қилмишларини парда ортига яширган бўлса-да, у бизни кераксиз ва хаёлий нарсаларни қидириб овора бўлишга мажбур қилмас эди, у бизни етарли даражада огоҳлантирган эди. Биз шу имкониятдан фойдалана олдикми ёки уларнинг сабоқла-ридан, ўзимизга зиён етказмаган ҳолда, хуроса чиқара олдикми? Табиат биздан сир-асрорларини, худди она боласидан хавфли ўйинчоқларни яширгандек, яшириб, мурувват кўрсатди — шу нарсани узил-кесил билиб олинглар: Биздан яширилган барча сир-асрорлар — фалокатлар эди². Табиат бизни шундай асраб келади; илм олиш мashaққатлари эса, бизга кўрсатилган ҳимматдан кам эмас. Одамлар бузилиб кетди: агар улар билимдон бўлиб туғилганларида бундан ҳам ёмон бўларди³.

Шу тариқа фикр юритишнинг ўзи инсоният учун нақадар хўрлик! Нақадар фуруримиз поймол бўлди! Нима! Ростгўйлик билимсизликнинг фарзандими? Илм-фан ва эзгулик бир-бири билан чиқишолмайдими? Булардан қанчалик хуроса чиқариб

¹ Руссо буларни адолатли раҳбар деб ўйларди. (Тарж.)

² Юнон мифи Пандора сандигини эсланг. (Тарж.)

³ Одобсизга билим бериш хавфидир. (Тарж.)

олиш мүмкін? Илм-фан ва санъатни ўз ҳолиңа күриб чиқай-лиқ: уларнинг ютуқлари нималарга олиб келишини кўрай-лик; мулоҳазаларимиздан келиб чиқиб берган хуласаларимиз тарих чиқарган хуласаларга мувофиқ келса, ҳеч иккиланмай қабул қиласиз.

Мисрдан Юнонистонга ўтган қадимий ривоятда айтили-шича, илм-фан ихтирочиси, инсон ҳаловатини бузган маъбуд (Гермес, Хурмуз, Хирмис), ҳисобланади. Мисрликлар ўzlари бу ҳақда қандай фикрда эдилар? Гап шундаки, илм-фан асослари уларнинг кўз ўнгидаги содир бўлаётган нарса ва ҳодисалар натижасидан келиб чиқсан. Дарҳақиқат, дунёдаги барча қўлёз-маларга кўз ташласак, ҳатто турли фалсафий қараашлар билан бирга қўшиб кўрилганда ҳам, пойма-пой тузилган йилномалар саҳифаларини варақлаганимизда ҳам, инсоният билимларининг келиб чиқишига асосий сабабларни топа олмаймиз. Астрономия – бидъат ва хурофотдан; нотиқлик санъати шуҳратпарастлик, нафратланиш, хушомад ва ёлғончиликдан; хандаса – хасисликдан; физика – бекорчилик, қизиқувчаликдан, уларнинг барчаси – ахлоқ илмини ҳам қўшиб ҳисобланганда – инсон такаббурлигидан келиб чиқсан. Демак, илм-фан ва санъатнинг келиб чиқиши инсон кибру ҳавосига бориб тақалади; эзгуликка бориб тақалганда эди, уларнинг қадр-қимматли эканлигига шубҳа қилмасдик.

Илм-фанларнинг келиб чиқиши инсон ҳою-ҳавасига асослангани сабабли, нимага хизмат қилишлари яққол кўриниб турган нарса. Дабдабага мойил бўлган бундай илм ва санъатларнинг бизга нима кераги бор эди? Инсоният адолатсизлиги бўлмагандага эди, ҳуқуқшуносликнинг кераги бормиди? Золимлар, урушлар ва фитналар бўлмагандага эди, тарихни нима қилардик? Бир сўз билан айтганда, ким ҳам вақтини (илм-фанларни) бесамар ўрганишга маҳлиё бўлиб ўтказарди? Бунинг ўрнига, инсонлар табиат қонунларига суюнган ҳолда ўз одамийлик мажбуриятларини бажариб, бор вақтини Ватанига, баҳтсизларга, ўз дўстларига сарфламасмиди? Наҳотки, биз умримизни ҳақиқат чўкиб кетган қудуқ четига боғланиб ўтказсак? Шу фикрнинг

ўзигина фалсафани жиддий тарзда ўрганиб, билим олишга бел боғлаган ҳар бир одамни чўчитиб юборса керак.

Илмий изланишларда бизга қанча хатарли ва алдамчи йўллар хавф солмоқда! Ҳақиқатга етишиш йўлида бизни фойдадан кўра минглаб марта кўпроқ заарлар ва хатоларни бошдан кечиришимизга тўғри келар? Сарф-ҳаражатларимиз натижаларни оқламаслиги аён: чунки ёлғон чексиз даражада, турли-туман кўринишда бўлса, ҳақиқат ягона кўринишдадир. Дарвоҷе, ким ҳам уни чин дилдан қидиради? Енгиб бўлмас истак бўлганида ҳам, қайси белгиларига асосланиб ҳақиқатни таниб оламиз? Турли фикрлар аралашмасидан қайси ўлчовга асосланиб тўғрисини аниқлаймиз? Энг қийини – баҳтимиз чопиб ўша ўлчовни (масалан, мантиқни) топиб олсак, қайси биримиз уни тўғри қўллай оламиз?

Агар илм-фанимиз ўз олдига қўйган вазифаларни еча олишга ожизлик қилса, у ҳолда эришилган натижалар янада хавфлироқ бўларди. Бекорчиликдан туғилган илм-фан яна бекорчиликка хизмат қилиши ёмон, яъни бекорга сарфланган вақт ўрнини тўлдириб бўлмайди ва бу, энг аввало, жамиятга жиддий зарар етказиши муқаррар. Сиёsatда, худди ахлоқдаги каби, эзгу ишлар қилмаслик – катта ёвузлик; фойда келтирмайдиган фуқаро заарли инсон сифатида баҳоланади. Нима сабабдан бўшлиқдаги жисмлар ўзаро тортишиш кучига эга, бир вақтнинг ўзида ҳаракат қилаётган сайёralарнинг фазодаги масофа нисбати қандай? Эгри чизиқларнинг умумий оғиш ва эгилиш нуқталари қандай бўлади? Худода ҳамма нарса мужассамлигини инсон қандай кўра олади? Гарчи икки жойда турган иккита соатдек алоқа боғламасдан турган бўлсалар-да. Қандай қилиб рух ва тана бири учун бири жавоб бера олади? «Қандай осмон жисмларида ердагидек ҳаёт бўлиши мумкин? Қайси ҳашаротлар ғайриоддий тарзда кўпаяди?» – деган саволларга жавоб топиб, ажойиб янгиликлар кашф қилган, эй машҳур файласуфлар, менга жавоб беринг, агар юқоридағи масалаларга жавоб топа олмаганингизда ҳаёт ёмонлашиб қолармиди? Биз ҳозиргига қараганда оз сонли бўлиб қолар-

мидик? Бизни бошқариш қийинлашармиди? Душманга хавфсизроқ бўлиб қолармилик? Бунчалик гуллаб-яшнамасмилик? Иллатларимиз озайиб қолармилик?

Асарларингизнинг аҳамияти ҳақида яна бир бор ўйлаб кўринг, эй олимлар! Энг яхши фуқароларимизнинг маърифатли ишлари айтарли фойда бермаса, у ҳолда ҳеч қандай фойда келтирмасдан давлатни кемириб ётган нотаниш ёзувчиликлар ва такасалтанг саводхонлар оломони ҳақида нима дейиш мумкин?

Такасалтанглар дедимми? Қани эди, Худога хуш келиб, шундай бўла қолса! У ҳолда ахлоқимиз соғлом, жамиятимиз тинчроқ бўларди. Аммо бу фойдасиз, арзимас ва такасалтанг сўзмоллар ҳар томондан қуршовга олиб файримантиқий зааркунданаликлари билан қуролланган ҳолда, динимиз илдизига болта уриб, эзгуликни яксон қилмоқдалар. Улар «Ватан», «дин» каби қадрли сўзларни эшитгач, заҳархандалик билан тиржайиб, барча қобилиятлари ва фалсафасини ишга солиб, муқаддас нарсаларимизни топташ ва иснод келтириш билан овора. Эзгуликларимиз ва таълимотларимизни ёмон кўришлари етмагандек, улар жамоатчилик фикрининг душманлари ҳамдир. Уларни ибодатхоналарга қайтаришдан кўра худосизлар, деб қўяқолган маъқул. Оммадан ажралиб туриш, уларга насиб этмаган бўлса-да, айримлари учун бу енгиб бўлмас истакдир.

Вақтни бекорга бой бериш – аслида кўнгилсиз воқеа. (Ватан, миллат, ҳалқ учун жон куйдирмайдиган) адабиёт ва санъат бундан ҳам баттар ёмонликни бошлаб келади. Бу ёмонлик – зеб-зийнат, дабдаба – у ҳам бекорчилиқдан ва шуҳратпарастликдан келиб чиқади. Камдан-кам ҳолларда зеб-зийнат, дабдаба илм-фан ва санъатни ниқоб қиласди, аммо илм эса кўпинча дабдабасиз кўрина олмайди. Майли, зебу зийнат бойлик аломати бўла қолсин; майли, керак бўлса, бойлик кўпайишига хизмат ҳам қилсин; лекин бу келишмовчилиқдан ҳозирги кунимизга муносиб хulosса чиқариб бўлармикан? Агар одамлар нима қилиб бўлса ҳам, бойиб кетишни мақсал қилсалар, у ҳолда фазилатнинг ҳоли нима кечади экан? Олимлар юксак

нарсалар ҳақида кам ўйлайдилар, ҳукмдорлар яхши ишларни ундан-да камроқ қиласылар, халқлар эса ахлоқсиз, бузуқ ва бағтасыз бўлиб қолаверадилар.

Бизга ўхшаган оддий одамларга келсак, табиат юксак қобилият бермаганлиги туфайли, шон-шуҳратга даъво қилмасдан, илгаригидек сояда юраверайлик. Машхурлик кетидан қувмайлик — унга етиша олмаймиз, чунки бизнинг ҳақиқий ҳолатимиз, гарчи, бизга ҳуқуқ берилганда ҳам, буни кўтара олмайди. Баҳтимизни ўзимиздан топишимиз мумкин бўлган ҳолда, уни ўзгалардан қидиришга ҳожат йўқ. Биз ўз бурчимизни қойилмақом қилиб бажарайлик-да, халқлар бурчини бажаришга ўргатиш ташвишини бошқаларга берақолайлик, бундан бошқа билимга эга бўлишнинг зарурияти йўқ.

Эй, фазилатли, содда қалбларнинг юксак сабоғи! Сени англамоқ учун шунчалик зўр бериш, мослашиб керакми? Мөҳиятинг қалбларга муҳрланган эмасмиди? Қонун-қоидаларингни билиш учун эҳтирослар сукут сақлагандага ўзлигимизга кириб, виждонимизга қулоқ тутиш етарли эмасмиди?

Ҳақиқий фалсафа мана шу — у билан қаноатланишга ўрганишимиз керак. Машхур инсонларнинг унтуилмас шон-шуҳратларига ҳасад қилмасдан, улар билан орамизда бўлган иззат-хурматдаги фарқни белгилаб олмоғимиз керак, зоро, бир замонлар икки буюқ халқ (Афина ва Спарта халқлари) ўртасидаги бундай фарқни сезар эдилар — улардан бири яхши гапиришни, бошқаси эса, яхши иш қилишни билган.

Қадимги сиёсатчилар ахлоқ ва фазилат ҳақида тинмасдан гапирадилар, ҳозиргилар эса, фақат савдо ва пул ҳақида вай-сайдилар. Бири фалон мамлакатда одамнинг баҳоси шунча экан, агар уни Жазоирга сотсан, қанчага оларкин, деса, бошқаси ҳисоб-китобни давом эттириб, одамнинг баҳоси ҳеч қанча турмайдиган мамлакатларни ва ундан ҳам арzonроқ бўлган мамлакатларни айтади. Одамларни, худди сотиладиган ҳайвонлар подасига тенглаштирадилар. Уларнинг фикрича, одамнинг ўзи яшаётган давлатдаги баҳоси, истеъмол қилганига қараб белгиланади; шундай қилиб, бир сибарислик одам ба-

ҳоси лакедемонияликнинг ўттизтасига тенг. Қани топинг-чи, бир ҳовуч римлик деҳқонлар шу Республикалардан қай бирини бўйсундирган – Спартаними ёки Сибарисними? Кайси бири Осиёни титроққа солди?

Кир салтанатини Форс шоҳлари ичидаги энг камбағалларидан ҳам камбағалроқ бўлган бир ҳукмдор – македониялик Александр ўттиз мингтacha аскари билан босиб олган; ҳалқлар ичida энг қашшоғи бўлган скифлар оламда энг қудратли бўлган ҳукмдорларга қарши турғанлар. Икки машҳур Республика (Рим ва Карфаген) дунёга ҳокимликни даъво қилғанлар; улардан бири жуда бой, иккинчисида эса, ҳеч вақо бўлмаган, айнан мана шуниси биринчисини вайрон қилган. Дунё бойликларига эга бўлган Рим империяси, бойлик нима эканлигини билмаган одамларнинг қурбони бўлди. Жасорат ва камбағалликдан бошқа нарсаси бўлмаган франклар – Галияни, сакслар – Англияни босиб олишган. Бисотида бир нечта қўй терисидан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган фақир тоғликлар оломони австрияликларнинг фурурни поймол қилиб, бадавлат ва даҳшатли Бургунд сулоласини йўқ қилиб, Европа ҳукмдорларини титроққа солди. Ва ниҳоят, Ҳиндистоннинг беҳисоб хазинасидан янада дадиллашган, қудратли ва доно Карл V нинг вориси (Филипп II) бир ҳовуч балиқчиларга (голландияликларга) тўқнаш келиб мағлуб бўлди. Майли, сиёсатчиларимиз бизни маъзур тутсинлар ва бехуда ҳисобкитобларни йиғишириб, яхшилаб ўйлаб кўрсинлар; яхши хулқатвор, одоб-ахлоқ ва урф-одатга эга бўлган фуқаролардан бошқа барча нарсаларни сотиб олиш мумкин.

Жиддийроқ айтадиган бўлсак, зеб-зийнатни муҳокама қилганимизда гап нима ҳақида эди? Гап шу ҳақда эдикӣ, ҳукмдорлар учун муҳимроқ нарса нима – узоққа бормасдан парчаланиб кетадиган ялтироқ салтанатми ёки эзгулик қарор топган юртми? Ялтироқ деяпман, лекин қандай ялтироқлик? Тантанабозлик, ростгўй қалбда яшай олмайди. Майда-чуйда, арзимас нарсалар билан ўралашиб қолган ақл ҳеч қачон юксакликка қўтарила олмайди, гарчи бунга куч етган тақдирда ҳам, жасорат етишмайди.

Ҳар бир санъаткор олқишиларга ўч. Мукофотларнинг энг қимматлиси – замондошларнинг мақтовидир. Номи чиққан олимлар ёнгилтак ёшларга шундай йўналиш бериб қўйган бўлсалар; эркаклар ўз эркининг золимларига (чиройли аёлларга) ёқиши учун нозик дидларини қурбон қилсалар; бир жинс вакили иккинчисининг қўрқоқлигига мос равишда фаросати етмайдиганларни ҳам мақтайверса, шунинг учун юксак поэзия¹ дурданалари касодга учраб, ажойиб мўъжизакор уйғунликдан воз кечилаётган бўлса²; шундай халқ орасида, шундай замонда туғилган у бечоралар (Мольер, Рамо) мақтовларга эришиш учун нима ҳам қилсин? Санъаткор нима ҳам қиларди, жаноблар? Юксак даҳоликдан ўз замонаси даражасига тушиб, ўртача асарлар яратгани маъқулроқ, токи, замондошлиари у ҳаётлик пайтида ҳайратга тушсин. У ўтиб кетгач, асрлар оша ажойиб санъат асарларидан ҳайратга тушишларидан фойда йўқ. Айтинг-чи, бизга, атоқли Аруэ (Вольтер) сохта хушмуомалик учун қанча самимий ва таъсирчан гўзалликни қурбон қилдингиз? Тақинчоқларга айланган хушмуомалик учун қанча буюк бунёдкорликни сарфладингиз?

Ахлоқ бузуқлиги зеб-зийнатнинг муқаррар оқибатидир, ўз навбатида, хулқ бузуқлиги – дидлар бузуқлигига етаклайди. Мабодо, буюк, истеъдоли одамлар орасидан тасодифан қатъ-иятлироғи чиқиб, ўз даврининг руҳига мос – арзимас асарлар яратишни ўзига ор деб билса, у одамнинг ҳолига вой! У хорзор бўлиб, забунликда ўлади. Бу башорат эмас, аччиқ тажрибанинг мевасидир! Карл, Пьер³, мўйқаламингиз ибодатхоналар, улуғвор даргоҳларимизни юксак ва муқаддас авлиёлар тасвирлари билан безаш ўрнига, файтун араваларнинг эшиклирини уятсиз расмлар билан безашга хизмат қилиб (санъатни) булғади. Энди эса, мўйқаламни ташлаб юборадиган вақт келди. Сен-чи, эй бетакрор Пигаль (ҳайкалтарош) – Пракси-

¹ Мольернинг «Мизантроп» («Одам севмас»), Жан Расиннинг «Федра» драмаларини ёнгилтак аслзодалар кўрмай чиқиб кетганларига ишора.

² Бастакор Жан Рамонинг «Зардушт» операси.

³ Истеъдоли рассомлар Карл Ван-Коол билан Жан-Батист Пьер – тарж.

тель ва Фидийнинг рақобатчиси, тош кескичлар ёрдамида қадимгилар сифиниш учун тош санамлар яратиб, бутпарастликни кўз олдимиизда оқлаган бўлардинг, энди эса, ўша асбобинг бадбашара тасқараларнинг мешқоринларини йўнишга хизмат қиласи, акс ҳолда у ишсиз қолади.

Ахлоқ ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, ибтидоий даврнинг содда одатларини роҳатланиб эсламаслик мумкин эмас. Бу – табиатнинг ўзи безаган ажойиб соҳиллар манзараси – улардан кўз узиб бўлмайди, тикилиб тўймайсан. У пайтда одамлар беғубор, эзгу ишларга мойил, табиат билан ҳамнафас бўлиб, Худога хуш келадиган ишлар билан машғул бўлганлар. Кейинчалик одамлар эзгу ишлардан қочиб, гуноҳга ботганлар ва уларга ибодатхоналарраво кўрилган. Бора-бора, улар бу муқаддас даргоҳларни ҳам булғагач, уй нима, ибодатхона нима – фарқи йўқолган. Бу эса, ахлоқнинг таназзулга юз тутиши бўлиб, бузуклик ҳеч қачон бунчалик даражада муқаддас даргоҳларнинг пештоқларигача кириб бормаганди.

Ҳаётдаги қулайликлар кўпайган санъат такомиллашиб, дабдаба, зеб-зийнат кенгайган сари, ҳақиқий жасорат заифлашиб, ҳарбий қудрат йўқолиб борди; булар барчаси сокин ишхоналарида ривожланаётган илм-фан ва санъатнинг таъсирида содир бўлмоқда. Готлар Юноистонни шип-шийдам қилиб кетганларида, талончилардан бири барча кутубхоналарни ёнгиндан асрраб қолишга сабабчи бўлган; чунки у ўйландек, ҳарбий машқулардан чалғитган ва ўтириб олиб ишлашга, ялқовликка ўрганган душманнинг бу мулкини ўзларига қолдириши керак бўлган. Карл VIII деярли қиличини ялангочламасдан Тосканага ҳукмдор бўлиб олди, сарой аҳли бу кутилмаган осонгина ғалабани Италиянинг ҳукмдорлари ва аслзодалари машқулар ўтказиб, ҳарбий куч-қудратини ривожлантириш ўрнига асқиябозлик ва илм-фанга ружу қўйганликларидан деб ҳисоблади. Юқоридаги икки воқеани мисол қилиб келтирган, соғлом фикрловчи бир одам (Мишель Монтень) ўзига сабоқ бўладиган бу воқеалардан холоса чиқариб олди: илм-фанинни бундай тарзда ўрганиш мардлик ва жасоратни руҳ-

лантирмайды, аксинча, бу ҳиссиётларни сусайтиради, ҳарбий тартибларга путур етказади.

Римликлар орасыда тасвирий санъатни, олтин ва кумушдан ясалған ўймакорлик буюмларини, нафис санъат асарларини тушунадиганлар күпайиб борган сари, ҳарбий жасорат йўқолиб бораётганилигига иқрорлик ҳам кўпайган. Ҳар доим бошқа халқларга ўрнак бўлиш, мабодо бу мамлакат тақдирига ёзилганида эди, Медичилар хонадони ва санъатнинг ривожланиши, эҳтимол, Италияning бир неча аср илгари қозонган ҳарбий шухратини қайтадан бадном қилган бўларди.

Маънавий барқарорликни барвақт сўндирадиган, вужудни тез қаритадиган, тинч ҳолатда ўтириб ишлайдиган касб-корлар қоидаларини Қадимий Юнон давлатлари ўз фуқаролари га тақиқлаб кўйган эди. Дарвоқе, сиз қандай деб ўйлайсиз, бирозгина муҳтоҷлик ва қийинчиликни енга олмаган одамлар очликка, ташналикка, чарчоққа ва ўлимдек даҳшатли хавфхатарга қарши бора оладими? Аскарлар шу қийинчиликларга ўрганмаган бўлса, чидай олмаса, мардликни қаёқдан олсин? Эгарда базур ўтирган аскарда, буйруқни бажариш учун, шижоат қаердан пайдо бўлсин? Ҳозирги аскарларнинг ўта бардошли эканликларини, жангда кўрсатган жасоратлари, қаҳрамонликлари ва мардликларини менга мақтамай кўяқолишсин. Аммо улар ҳар бир фаслнинг қийинчиликлари, об-ҳаво инжиқликларини қандай кўтараётганиликлари менга маълум эмас. Қуёш бироз қиздирса ёки қор ёғса, жангчиларни қулайликлардан бироз чекласа, армиямизнинг энг яхшилари парокандаликка учраб, енгилишлари учун бир неча кун кифоя.

Эй, мардонавор жангчилар, бир нафас тоқат қилиб, камдан-кам айтиладиган ҳақиқатни эшигинлар! Сизлар довюрак эканлигинизни биламан: Ҳаннибал даврида яшаганингизда Канн ва Тразимен остоналаридаги жангларда ғалаба қозонган бўлардингиз; Цезарь сизлар билан Рубиконни кечиб ўтиб, ўз мамлакатини бўйсундиради; аммо Ҳаннибал Альп тоғларини сизлар билан ошиб ўтолмаган, Цезарь эса, сизлар билан аждодларингиз устидан ғалаба қозонолмаган бўларди.

Уруш натижасини ҳар доим ҳам жанг ҳал қиласкермайди ва омадли натижага эришиш санъати ҳар бир саркарда учун жанг омадидан кўра юксакроқ санъатдир. Кўксини ўққа тутиб, ҳаётини қурбон қилишдаги жасоратдан кўра, куч-қувватини авайлаб, бардошли бўлиб, ўлимдан сақланиш муҳимроқ. Жангчиларнинг қай тарзда ўлиши: безгакданми, шамоллашданми ёки душман ўқиданми – давлат учун аҳамияти йўқ.

Илм-фан ривожланишининг ҳарбий ишларга таъсири ёмон бўлар экан, ахлоққа таъсири бундан-да ёмон. Ҳаётимизнинг дастлабки йилларидаёқ ўйламасдан берилган ёмон тарбия ақли-мизни бузиб, фикрларимизни айнитишга сабабчи бўлади. Жуда катта маблағ сарфланиб, беҳисоб тарбия муассасалари бор ва уларда ўтказилаётган машғулотларда ёшларга кўп нарсаларни ўргатадилар, аммо уларга бевосита зарур бўлган билимларни, (соғ виждоюли ва мард бўлишни) ўргатмайдилар. Болаларингиз ўз она тилларини эмас, балки бошқа, бирор жойда қўлланмайдиган тилларни ўрганадилар; ўzlари ҳам яхши тушуниб етмайдиган, ҳақни ноҳақликдан, яхшини ёмондан ажратса олмайдиган, яхшилик ниқоби остига яширинган санъатни эгаллайдилар. Ёшларимиз олижаноблик, адолат, ёмонликдан тий-илиш, одамийлик каби сўзлар маъносига тушуниб етмайдилар; «Ватан» сўзининг асл маъноси уларга етиб бормайди, уларга Худои таоло тўғрисида, факат қўрқитиш учун гапирадилар. Бир донишманд (М. Монтеңь), агар шогирдларим копток ўйнаса ҳам хурсанд бўлардим, ҳар ҳолда ҳаракатчан бўларди-ку, деган. Болалар нима биландир шуғулланишлари зарур, бекор қолдириш хавфли эканлигини биламан. Хўш, улар нималарни ўрганишлари зарур? Мана бу ҳақиқатан ҳам ажойиб савол! Вояга етганларида нима ишлар билан шуғуллансалар, шунга ўргансинлар, унугишлари керак бўлган нарсаларга эмас.

Истироҳат боғларимиз ҳайкаллар билан, галереяларимиз расмлар билан безатилган. Сизнингча, бу оммавий томоша учун қўйилган санъат асарларида кимлар тасвирланган? Ватан ҳимоячиларими ёки буюк ишлари билан ҳаётимизни бойитган инсонларми? Йўқ. Бу расмлар қадимий афсоналардан

танлаб олинган, сарсон-саргардон қалблар ва адашган ақпидрокни ифодаловчи рамзий сиймолар (дабдабали, ҳашаматли Рококо санъати, Бушенинг мифологик, эротик манзаралари) бўлиб, шубҳасиз, фарзандларимиз ёшлик чоғлариданоқ, ўқиш-ёзишни ўрганмаслариданоқ шу кўз ўнгидагилардан ёмон ўрнак олишлари учун, уларнинг онгига ахлоқсизликни сингдириш учун қўйилган.

Одамларнинг имкониятлари ва истеъоддларидаги фарқлардан, эзгу ишларнинг камситилишидан келиб чиқсан ҳалокатли тенгсизлик туфайли пайдо бўлмаганми бу адашишлар? Барча машғулотларимизнинг меваси — энг хавфли натижаси мана шу. Инсон ҳақида энди унинг ростгўйлиги эмас — истеъоди; китоб ҳақида эса, унинг фойдалилиги эмас — яхши ёзилганиги сўраладиган бўлиб қолди. Сўзамолликка саховат билан мукофотлар тарқатилмоқда, эзгулик эса, эътиборсиз қолмоқда. Нотиқлик минглаб мукофотларга сазовор, ажойиб ишларга эса, мукофот йўқ. Ҳар ҳолда менга айтишсин, Академияда энг яхши фикр учун бериладиган мукофот шуҳратини, шу мукофот таъсисчisinинг хизматлари билан тенглаштириш мумкинми?

Донишманд ҳеч қачон бойлик кетидан қувмайди, лекин у шон-шуҳратга бефарқ эмас; бу борадаги адолатсизликни кўргач, унда мусобақа руҳи уйғониб, жамият учун фойдали бўлган эзгу ниятлари барбод бўлади, ўзи эса азоб чекиб, сўниб боради, муҳтоҷликда унутилиб, ҳароб бўлади. Муносиб тарзда мукофот беришдан кўра, ўртачаларга мукофот тарқатишни афзал кўриш охир-оқибатда, мана, нималарга олиб келади — ҳозирги пайтда илм-фан ва санъатнинг янгиланиш тажрибаси буни яққол кўрсатиб турибди. Табиатшунос, муҳандис, кимёгар, фалакиётшунос олимларимиз, шоирлар, машшоқлар ва рассомларимиз бор — лекин фидокор фуқароларимиз йўқ. Агар чекка қишлоқларимизда тарқоқ ҳолда қолган бўлсалар-да, улар унутилиб, қашшоқликда, забунликда ҳалок бўлмоқдалар. Бизга ва болаларимизга ризқ-рўз бераётганларнинг шу ахволга тушиб қолишларига ўзимиз сабабчимиз.

Ёвзлик бундан ҳам кучайиб кетмаслигига ишонаман. Тангри таолонинг донолигидан зааркунанда ўт-ўланлар ёнида шифобахш ўсимликлар ҳам ўсади, заҳарли жондорлар танасида давоси ҳам бор, ҳукмдорлар дилида донолик уруғи кўкаради. Шуҳрати асрлар оша юксалиб боришга лойиқ бўлган буюк шоҳ яратгандан ўрнак олиб, минглаб муаммолар манбаи бўлмиш илм-фан ва санъатга бағишлиланган машҳур (илмий) жамиятларни юзага чиқарди¹. Бу жамиятлар инсоният тўплаган билимларнинг залворли ва хавфли юкини, айни замонда ахлоқнинг муқаддас бурчини кўтариб, ҳам ўzlаридан, ҳам бошқалардан ахлоқ поклигини сақлаш талабини қўйганликлари билан шуҳрат топмоқдалар.

Донолик билан ўрнатилган бу тартиблар таҳт вориси (Людовик XV) томонидан янада мустаҳкамланиб, Европа қироллари учун намуна бўлиб хизмат қўлди². Адиблар учун эса, бу бир мезон бўлиб, уларнинг ҳар бири бу жамиятга аъзо бўлишини шараф деб ҳисоблайдиган, бунинг учун эса, доимо имкон қадар фойдали ишлар билан шуғулланишга, яхши хулқ-атворга эга бўлишга ҳаракат қилишлари лозим бўлиб қолди. Адабиёт соҳасида мукофот берувчи ҳайъат аъзоларида мавзу танлаш, асарнинг қадр-қимматига, инсонлар қалбига эзгуликлар олиб кириш фазилатларига қараб баҳо бериш имконияти пайдо бўлди, танлов қатнашчиларини эса, шуларга риоя қилган ҳолда инсон зотига нафақат ёқимли, балки уларни яхшиликка етакловчи асарлар ижод қилишга чорлади.

Фақат булар, гўёки менинг ҳақлигимни исботлаш учунгина далил бўлиб хизмат қиласи, деб менга эътиroz билдирамасинлар. Биз асло йўқ касалликларга дори изламаяпмиз. Унда нимани изляяпмиз? Балки олимларимиз фойдаси учун ташкил қилинаётган бу жамиятлар омма эътиборини илм-фанга ва уларни ўрганишга жалб қилиши учундир? Кўрилаётган эҳтиёткор-

¹ Францияда кардинал Ришелье даврида қирқقا яқин турли илмий жамиятлар ва фан, санъат академиялари ташкил этилган. (Тарж.)

² Франциядан ўрнак олиб, Германияда, Россияда, Италияда шундай илм-фан ва санъат академиялари ташкил этилди. (Тарж.)

ликка қараганда дәхқонлар жуда күпчиликни ташкил қилиб, файласуфлар озайиб қолармикан, деган хавотирга тушиб қолиши, деб ўйлаш мумкин. Дәхқонлар билан файласуфларни тақ-қослашдек хатарли ишга құл урмоқчы әмасман – буни ҳеч ким қиёсламаган бўларди. Мен фақат сўрамоқчиман – фалсафа нима ўзи? Машҳур файласуфларнинг ёзганлари нималардан иборат? Бу донолик дўстларидан қандай сабоқ олиш мумкин? Агар уларнинг минбардан туриб бир-бирларига гал бермасдан, фақат менгина янгишмайман, менинг олдимга келинглар, деб бақиришларини эшитсангиз, уларни лўттибозлар тўдаси деб қабул қилиш мумкиндири? Биттаси табиатда жисм деган нарсанинг ўзи йўқ – бу менинг тасаввуримдаги нарсалар холос, деса (Беркли), бошқаси материядан бошқа ҳеч нарса йўқ, коинотда бор нарсадан ташқарида худо йўқ, деб таъкидлайди¹. Буниси, эзгулик ҳам, ёмонлик ҳам йўқ нарса, ахлоқдаги ёвузлик ва эзгу ишлар – уйдирма деса (Вольтер), униси – инсон моҳиятан бўри, виждони қийналмасдан бир-бирининг гўштини ейиши мумкин, дейди (Т. Гоббс). Эй, буюк файласуфлар! Нега дўстларингиз ва фарзандларингизга фойдали сабоқларингизни мерос қолдирмадингиз? Бу билан мукофотларга сазовор бўлардингиз, биз эса, тарафдорларингизни топган бўлардик!

Мана шунақа бу ажойиб одамлар, ҳаёт чоғларидаёқ замондошлари уларга сахийлик билан назокат улашган, вафотидан сўнг эса (шон-шуҳрат билан) боқийликка йўл очиб беришган. Авлодлардан-авлодларга қоладиган доно васиятномалар мана шулар!

Наҳотки, мажусийлик (маданияти) инсоният онгини тўғри йўлдан оздиришдан бошқа авлодларга бирор нарса қолдирмаган бўлса? Йўқ, ҳатто Инжил ҳукмронлик қилган даврда каشف қилинган, китоб босиш санъати маҳсули бўлган асарларда ҳам уятсиз ёдгорликлардан бошқа нарсани кўрмаймиз. Атом-чи, моддиюнчи, даҳрий Левкипп ва Диагорларнинг беҳаёбитиклари ўзлари билан бирга йўқ бўлди; инсон онгининг

¹ Ламетри, «Жоннинг табиий тарихи» асари муаллифи. (Тарж.)

фалати тентакликларини абадийлаштирувчи Гоббс ва Спинозаларнинг хатарли янгишишлари босмахона ҳарфларини қўллашимиз туфайли абадий сақланади.

Шонли битиклар ёзишга қобилиятсиз, билимсиз ва қўпол оталаримизнинг асарлари билан бирга ҳозирги авлодларимиз ёзган замондошларимизнинг бузуқ ахлоқи уфуриб турган хавфли асарларни, илм-фан ва санъатимиз ривожининг ҳақиқий тарихини, «ютуқларини» асрлар оша келажак авлодларимизга етказсак, авлодларимиз уларни ўқиса ва биздан кўра ақллироқ бўлса, биз кўтарган масалалар юзасидан, шубҳасиз, тўғрироқ хulosага келадилар ва қўлларини осмонга кўтариб, — «Эй Қодир Худо, Сен бизнинг ақл-онгимиз ҳукмдорисан, оталаримизнинг бу ҳалокатли билимлари ва санъатларидан бизни ҳалос эт, бизнинг ягона неъматимиз ва баҳтимиз бўлган, Сенинг олдингда энг қимматбаҳо бўлган билимсизлигимиз, гуноҳсизлигимиз ва камбагаллигимизни бизга қайтар», — деб илтижо қилган бўлардилар.

Агар илм-фан ва санъат ютуқлари ҳақиқий баҳтимизни юксалтирумас экан, агар улар ахлоқимиз, покиза дидимизга зиён етказар экан, у ҳолда соддадил ёзувчилар тўдаси ҳақида нима деймиз? Билимга қизиқиб қолганларнинг кучларини синаш мақсадида, табиат томонидан, илҳом парисининг маконига кириш йўлларини ҳимоялаш учун кўйилган тўсиқларни шулар олиб ташладилар-ку! Илм-фан эшикларини беандишишалик билан бузиб, муқаддас даргоҳга нолойиқ маданиятсизлар учун йўл очиб берган кўчирмачилар ҳақида нима деймиз? Адабиёт соҳасида узоққа бора олмайдиганларни бу муқаддас даргоҳ остонасидан қувиб, жамият учун бошқа бирор фойдалироқ касб-ҳунарга жалб қилинса бўлармиди? У ҳолда умр бўйи ярамас қофиябоз ёки ўртамиёна мутахассис бўлган одам мато тўқишида устаси фаранг бўлармиди?

Табиат томонидан мактаб яратиш ато этилган инсонга ҳеч қанақа ўқитувчи зарур бўлмайди. Инсон зотининг устозлари — Бэконлар, Декартлар ва Ньютонларнинг устозлари бўлмаганда — қайси муаллимлар уларни шу даражага

олиб чиқа оларди? Оддий ўқитувчилар нари борса ўзларининг тор билимлари доирасида ўрганиш билан чегаралган бўларди¹. Айнан, йўлларида учраган дастлабки тўсиқлар даҳоларни бор кучларини сарфлаб, уларни бартараф қилишга, улкан масофаларни босиб ўтишга ўргатди. Агар қандайдир одамларга ўз ҳаётини илм-фан ва санъатни ўрганишга бағишлиш учун имконият бериладиган бўлса, шундай одамлар бўлишлари керакки, токи улар мустақил тарзда даҳолар изидан бориб, улардан ҳам ўтиб кетсин; озчиликни ташкил қиласидиган ана шундайларгина инсон заковатини кўкларга кўтарганликлари учун ёдгорлик қўйишга сазовордирлар. Уларга тенглашмоқчи бўлган заковат эгалари, ушбу даҳолар кутган даражадан кам бўлмасликлари керак – бу улар учун ягона мукофотdir.

Қалбимизни нима эгалласа, руҳимиз аста-секин шунга мослашади; буюк воқеалар фақат буюк инсонларни яратади. Қадимда нотиқ (Цицерон) Рим консули бўлган, файласуфларнинг бири Англияning канштери эди (Ф. Бэкон). Агар улардан бири қайсиидир университетнинг кафедра мудири, бошқаси эса, атиги академия таъминотидаги оддийтина ходим бўлганда, уларнинг асарларида жамиятда тутган мавқеларининг таъсири бўлармиди, деб сўрайман сизлардан? Яхши маслаҳатчи бўлишга қобилияти бор одамлардан маслаҳат олишга қиролларимиз жирканиб юришмасин; бу эскидан қолган хато фикрлардан қайтсинглар. Халқларни бошқариш санъати уларни маърифатли қилишдан кўра қийинроқ деган тушунча амалдорларнинг такаббурлигидан пайдо бўлган. Одамларга ўз хоҳиш-истаклари билан яхшиликка интилиши ўргатгандан кўра, уларни шунга мажбуrlаш осонроқ, деган тушунчадан воз кечсинглар; майли, аъло даражадаги олимлар саройдан фахрий жой эгалласинглар, майли, улар ўзлари

¹ Жан-Жакнинг устозларни инкор этувчи бу фикри тўғри эмас, чунки унинг ўзи маънавий устозлари – Плутарх, Монтењ, Ларошфуко асарларини ўқиб вояга етган. (Тарж.)

учун муносиб мукофотга сазовор бўлсинлар; халқларнинг баҳт-саодати учун уларни доноликка ўргатишга ёрдам берсинлар. Ана ўшанда олийхиммат мусобақа руҳи билан суғорилган эзгу ишлар, илм-фан ва ҳокимият инсон зотининг фаровонлиги йўлида нималарга қодир эканлигини одамлар кўради. Токи, ҳокимият бир томонда, билимлар ва донишмандлар бошқа томонда бўлар экан, олимлар юксак нарсалар ҳақида кам ўйладилар, ҳукмдорлар яхши ишларни ундан-да камроқ қиласидилар, халқлар эса, ахлоқсиз, бузуқ ва баҳтсиз бўлиб қолаверадилар.

Бизга ўхшаган оддий одамларга келсак, табиат юксак қобилият бермаганлиги туфайли, шон-шуҳратга даъво қилмасдан, илгаригидек сояда юраверайлик. Машҳурлик кетидан кувмайлик – унга етиша олмаймиз, чунки бизнинг ҳақиқий ҳолатимиз, гарчи бизга ҳуқуқ берилганда ҳам, буни кўтара олмайди. Баҳтимизни ўзимиздан топишимиз мумкин бўлган ҳолда, уни ўзгалардан қидиришга ҳожат йўқ. Биз ўз бурчимизни қойилмақом қилиб бажарайлик-да, халқлар бурчини бажаришга ўргатиш ташвишини бошқаларга берақолайлик, бундан бошқа билимга эга бўлишнинг зарурияти йўқ.

Эй, фазилатли, содда қалбларнинг юксак сабоги! Сени англомоқ учун шунчалик зўр бериш, мослашиш керакми? Мөҳиятинг қалбларга муҳрланган эмасмиди? Қонун-қоидаларингни билиш учун эҳтирослар сукут сақлагандага ўзлигимизга кириб, виждонимизга қулоқ тутиш етарли эмасмиди?

Ҳақиқий фалсафа мана шу – у билан қаноатланишга ўрганишимиз керак. Машҳур инсонларнинг унтутилмас шон-шуҳратларига ҳасад қилмасдан, улар билан орамизда бўлган иззат-хурматдаги фарқни белгилаб олмоғимиз керак, зеро, бир замонлар икки буюқ халқ (Афина ва Спарта халқлари) ўртасидаги бундай фарқни сезар эдилар – улардан бири яхши гапиришни, бошқаси эса, яхши иш қилишни билган.

ЖЕНЕВАЛИК ДОНИШМАНДНИНГ СЕВИНЧ ВА ҚАЙФУЛАРИ

Барча тараққийпарвар одамларнинг ҳурмат-эъзозини қозонган Жан-Жак Руссо «Дил изҳори» асарида ёзишича, ёшлиқ чоғларида маърифатли камбағаллар оиласидан чиққани учун, одатда, бойларнинг кўпчилиги маърифатсиз бўлиб, маърифатли яхши одамларни қул қилиб ишлатишни ўз бошида англаб етган. Отаси уни ҳунар ўрганиши учун золим устага шогирд қилиб берган. Золим устани эса, зодагонлар ва буржуазия — янги бойлар эзиб ишлатар эдилар. Кўпчиликнинг камбағалликда кун кечириши, бир тўда бойлар, зодагонларнинг зеб-зийнат ва ҳашаматда яшаши, яъни жамият фуқаролари ўртасидаги тенгсизлик, шахс эркинлиги йўқола бориб, меҳнат аҳлига жабр-зулм кучайиши Руссони изтиробга солган. Бу тенгсизлик Европанинг маънавий устозлари бўлмиш, зодагонлардан чиққан ҳалқ ҳимоячилари Мишель Монтен («Тажрибалар»), Ларошфуко («Максималар»), «Лабрюйер («Характерлар»), Шарль де Монтескье («Қонунлар руҳи») каби моралист — насиҳатчи донишмандларни ҳам ташвишга солган эди. Руссо буларни ўқиб, улғайган.

Жан-Жак Руссога булардан ҳам аввал, Рим империяси қўл остидаги херонеялик юонон донишманди Плутархнинг «Қиёсий ҳаётномалар» асарида тасвирланган ватанга беғараз хизмат қилган Перикл, Демосфен, Солон, Фалес каби қаҳрамонларнинг истибододга қарши қаҳрамонларча курашлари илҳомбахш таъсир кўрсатган.

Золим подшоҳларга, қирол Людовикка, Россия императори маликаси Екатеринага устозлиги билан мақтанувчи, зеб-зийнатда, нодир санъат асарлари орасида яшашни хуш кўрувчи, мусулмонларнинг севимли пайғамбарини масхара қилиб, драма ёзган Франсуа Вольтер ижтимоий тенглик учун, шахс эркинлиги идеаллари учун оташин курашчи Руссони ёқтирмаслиги табиий эди. У, турли иғволар йўли билан Руссонинг Фран-

циядан қувғин қилинишига эришди. Вольтер «Кандид», «Зодиг ёхуд қисмат» каби фалсафий қиссаларида Руссо каби софдил қаҳрамонларни тентак деб, масхара қилди.

Лекин, Жан-Жак Руссони севган, эъзозловчи одамлар орасида Пол Гольбах, Монтескье, Бюффон, Мабли, Мариово, Дидро Ламетри, Фонтенель каби буюк маърифатчилар бор эди. Хусусан, энциклопедиячилар гуруҳи етакчиси Дени Дидро женевалик эркпарвар Руссонинг ilk асари, Дијон академияси мукофоти олган «Илм-фан ва санъатлар равнақи ахлоқнинг покланишига ёрдам берадими?» рисоласини қизғин кутиб олди ва уни нашр этишга ҳисса қўшди. Бу асарида Руссо умуман илм-фанга ва санъатларга қарши әмас, балки ахлоқни, табиийликни бузувчи илм ва санъатларга қарши эди.

Жан Жак Руссо илм-фانлар ва санъатларнинг равнақ топиши, меҳнат унумини оширувчи турли дастгоҳлар, усувлар, зебзийнатга ишқибоз бойларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ҳосил қилинаётган тилла буюмлар, турли наққошлиқ зийнатларини ясовчи усталарга иш топиб бериши мумкин, лекин миллионлаб камбағалларнинг ҳаёти оғирлашгани, уларнинг инсонлик қадр-қиммати оёқости қилинаётгани, жамият ахлоқида табиийлик, самимийлик, ўзаро хайриҳоҳлик, ҳамдардлик йўқолиб, алдов, мунофиқлик, кибру ҳаво, пораҳўрлик авж олаётгани ҳақида жамият ва давлат ўйлаши ва меҳнат аҳлига ҳурмат билдириш, ғамхўрлик қилиши зарурлигини айтади. Жан Жак Руссонинг «Жамоат шартномаси», «Тенгсизликнинг келиб чиқиши» асарларида ёзган, тараққий этган давлатлар ва жамиятларда ижтимоий, синфий тафовутларидан қатъи назар, барча фуқароларнинг инсон сифатида тенглиги, биродарлигини қарор топтириш зарурлиги ҳақидаги фоялари катта аҳамиятга эга.

Мунофиқликни ёмон кўрувчи, шахс эркинлиги, қадрини ҳимоя қилувчи Байрон «Чайльд Ҳарольд» достонида, Россияда Радищев, Карамзин, Пушкин, Белинский, Герцен, Достоевский, Лев Толстой ўз асарларида Руссога ва унинг фоялигига қизғин ҳурмат-эҳтиром билдирганлар.

Маҳкам Маҳмуд

ЖАН-ЖАК РУССО ҲИКМАТЛАРИ

Менинг ишим — ҳақиқатни айтиш, аммо, унга ишонишга мажбур этиш эмас.

* * *

Оқил қонун чиқарувчи ишни қонунларни яратишдан эмас, балки уларни мазкур жамият учун яроқлилигини ўрганишдан бошлиди.

Эҳтирослар қанчалик жазавали бўлсалар, уларни тийиб туриш учун қонунлар шунчалик зарурдирлар.

* * *

Машхур бўлиш одамга катта масъулият юклар экан.

* * *

Куч ҳуқуқни яратмайди ва одамлар фақат қонуний ҳокимиятга итоат этишга мажбуллар.

* * *

Инсон ҳақида энди унинг ростгўйлиги эмас — истеъододи; китоб ҳақида эса, унинг фойдалилиги эмас — яхши ёзилганилиги сўраладиган бўлиб қолди.

* * *

Руҳий қувват — ясан-тусандა эмас, инсоний фазилатлар-дадир.

* * *

«Қуллик» ва «ҳуқуқ» сўzlари бир-бирларига зиддирлар; улар бир-бирларини истисно этадилар. «Мен сен билан тўла сенинг ҳисобингдан ва тўла менинг фойдамга битим тузаман, менга қанча лозим бўлса, унга шунча риоя қиласман ва унга

сен ҳам – бу менга қанча мақбул бўлса, риоя қиласан», – деган сўзлар, уларда одам билан одамнинг ёки халқнинг муносабатлари назарда тутилганлигидан қатъи назар, ҳамиша ҳеч қандай маънога эга бўлмайдилар.

* * *

Жинс масаласига тааллуқли ҳамма нарсада аёл билан эркак кўпгина муштарак жиҳатларга ҳам, кўпгина тафовутларга ҳам эга. Уларни бир-бirlари билан таққослаш қийин, чунки уларнинг тузилишларида жинс билан бевосита боғлиқ нарса нима-ю, унга боғлиқ бўлмаган нарса нима эканини аниқ белгилаб олиш анча мушкул.

* * *

Қонунлар бу – фуқаролар уюшувининг шартигинадирлар. Қонунга итоат этувчи халқ унинг ижодкори ҳам бўлмоғи лозим: уюшмага кираётганларгагина яшаш шартларини белгилаш жоиз.

* * *

Одамларнинг муомаласидан уларнинг табиати, феъл-атворини билиб олиш мумкин.

* * *

Дабдабозликни унга қарши қонунлар билан жиловлагандан кўра, унинг олдини, вужудга келишига йўл қўймайдиган бошқарув ёрдамида, олган афзал.

* * *

Эркаклар билан аёллар ўртасидаги муштаракликнинг ҳаммаси инсоний табиатга тааллуқли, уларни бир-биридан фарқлантириб турадиган жиҳатларнинг ҳаммаси эса, жинс масаласига доирdir.

* * *

Вояга етганларида нима ишлар билан шуғуллансалар, шунга ўргансинлар, унутишлари керак бўлган нарсаларга эмас.

* * *

Халқ ўзининг барча ҳуқуқларини қандайдир бир сайлаб қўйиладиган идорага буткул ва тамомила топшириб қўйиши учун мазкур идора фақат фаришталардан ташкил топган бўлмоғи лозим. Уларда ҳам, одамларни бошқаришга киришишлари биланоқ, тирноқлар ва шохлар ўсиб чиқадилар.

* * *

Ким билан мулоқот қилаётганингни ҳеч қачон билмайсан: дўстингни ким эканлигини билиш учун эса, жиддийроқ ва каттароқ ҳодиса рўй бериши керак, уни кутиш учун эса, вақт йўқ, ҳолбуки, ўша ҳодиса туфайлигина дўстинг ким эканлигини яхшироқ билиб оласан.

* * *

Жамият муштараклигига путур етказадиган барча нарслар ҳеч нимага ярамайдилар; одамнинг ўзини ўзи билан зиддият ҳолатига қўювчи барча қоидалар ҳеч нимага арзимайдилар.

* * *

Бир-бирига шу қадар ўхшайдиган ва тузилиши жиҳатидан бир-биридан шу қадар фарқ қилувчи бу икки маҳлуқ табиатнинг мўъжизасидир.

* * *

Кишини ирода эркинлигидан маҳрум этиш — унинг ҳаракатларини ҳар қандай ахлоқийликдан маҳрум этиш демакдир.

* * *

Ҳаётдаги қулайликлар кўпайиб, санъат такомиллашиб, дабдаба, зеб-зийнат кенгайган сари, ҳақиқий жасорат заифлашиб, ҳарбий қудрат йўқолиб борди; булар барчаси сокин ишхоналарида ривожланаётган илм-фан ва санъатнинг таъсирида содир бўлмоқда.

* * *

Қулликда туғилган ҳар қандай одам қуллик учун туғилади; ҳеч нима бундан тўғрироқ бўлмайди. Кишанларда қуллар ҳамма нарсани, озод бўлиш истагигача, йўқотадилар.

* * *

Мабодо, узоқ ўзга юртлардан келган бирорта мусофири Европача ахлоқ тўғрисида тасаввурга эга бўлишни истаса, мамлакатимиздаги илм-фан аҳволи, мукаммал санъатимиз, театрларимизнинг хушахлоқ томошалари, муомалаларимиздаги юмшоқлик ва гапларимиздаги сертавозелик, ёшу қарининг эрталабдан-кечгача бир-бирларига гал бермасдан, катталарга ялтоқланиб хизмат қилишдан бошқа ишлари йўқдек юришларини кўргач, ахлоқий покликнинг аксини кўрган бўлур эди.

* * *

Ҳар қандай ҳокимият – Худодан, мен буни эътироф қиламан; бироқ ҳар қандай хасталиклар ҳам Ундан-ку: бу табибни чақириш тақиқланган деганими?

* * *

Ахлоқ бузуқлиги зеб-зийнатнинг муқаррап оқибатидир, ўз навбатида, хулқ бузуқлиги – дидлар бузуқлигига етаклайди.

* * *

Комил эркак билан комила аёл ташқи жиҳатларига кўра,

бир-бирларидан қандай фарқлансалар, маънавий қиёфаларга кўра ҳам бир-бирларига унча ўхшамайдилар ва бу уларнинг комиллигига заррача ҳалал етказмайди.

* * *

Одамлар ҳамиша ўз фаровонликларига интиладилар, аммо уни нимада эканлигини ҳамиша ҳам кўравермайдилар.

* * *

Ҳар бир санъаткор олқишиларга ўч. Мукофотларнинг энг қимматлиси замондошларнинг мақтовидир.

* * *

Ҳеч қандай натижа йўқ жойда сабабни қидириш ҳам бефойда.

* * *

Ҳур халқлар! «Эркинликни қўлга киритиш мумкин, аммо унга қайтадан эришиб бўлмайди», — деган қоидани унумтманг.

* * *

Бойликка интилма, усиз ҳам яшашни ўрган; бойнинг тақаббурлигидан ҳазар қил, олийжаноб мақсадлар йўлида одамларни баҳт излашда беғараз бўлишга ўз мисолингда ўргат, уларга намуна бўл.

* * *

Майда-чуйда, арзимас нарсалар билан ўралашиб қолган ақл ҳеч қачон юксакликка кўтарила олмайди, гарчи бунга куч етган тақдирда ҳам, жасорат етишмайди.

* * *

Улкан ҳодисаларгина улкан одамларни яратадилар.

* * *

Илм-фан ва санъат ютуқларининг ахлоқ ва ҳалолликка таъсири, тунги ёритқичимизнинг океан суви кўтарилиб ва пасайиб туришига таъсиридан кам эмас.

* * *

Бирор юз ёшга кириб ўлса-да, аслида, туғилганидаёқ ўлган.

* * *

Жинслар қўшилганда уларнинг ҳар қайсиси бир хил вазифани бажаради, лекин бу вазифани мутлақо ҳар хил йўсинда бажаради.

* * *

Ҳаёт ўзича ҳеч нарса эмас; унинг баҳоси ундан фойдаланилишига боғлиқ.

* * *

Кимдир дўстлигини билдириш учун фақат киссасидан пул чиқаришни билади, бошқаси эса, ўзгалар учун ташвиш чекади, вақтини, қобилиятини, ҳис-туйгуларини, ҳатто ҳаётини ҳам аямайди. Шундай тенгсизлик бўла туриб нонкўр бой арзимас садақасини пеш қилиб мақтанади, уялмай-нетмай сурбетларча миннатдорлик талаб қиласди.

* * *

Бу қандай содир бўлади билмайман-у, бироқ фирибгарлик кўпроқ айни рўйхатлар ва ҳисоб юритиш китоблари кенг урф бўлган ишларда юз беришлигини яхши биламан.

* * *

Бири фаол ва бақувват бўлмоғи керак, иккинчиси нофаол ва заиф бўлади: уларнинг бири ўз иродасини пешкаш қилиб, мақсадига эришмоғи лозим, икинчиси эса, қаршилик кўрсатмоғи кераг-у, лекин бу қаршиликни бемалол енгиб ўтиш мумкин бўлмоғи даркор.

* * *

Одамлар, инсоний бўлинглар! Бу сизнинг биринчи бурчингиз. Барча ҳолатлар, барча ёшдагилар, инсонга бегона бўлмаган барча нарсалар учун шундай бўлинглар.

* * *

Бой билан камбағал ўртасидаги келишмовчилик шу дарражадаки, биринчиси иккинчисининг аҳволини яхшилагандан кўра, ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолишни афзал кўради. Тубан йўллар билан бойлар даврасига киришдан кўра, яхшиликка сазовор бўлган одамлар орасида қолганинг маъқул, табиат томонидан ажратилган бу икки синф орасига тажовуз қилма.

* * *

... Маъшуқага муҳаббатдан юз маротаба жўшқин ва ёқимли бўлган ватанга муҳаббатни ҳам фақат тотиб кўрганингда биласан.

* * *

Энг ажабланарли томони шуки, серғалва, серташвиш камбағаллар билан ёнма-ён яшаётдан қутулиш учун анча-мунча пул сарф қилишга тайёр турган бундай нозиктаъ одамлар амалда бирорта бечорани қашшоқликдан қутқариш учун бир тийин ҳам бергиси келмайди.

* * *

Қадимги сиёсатчилар ахлоқ ва фазилат ҳақида тинмасдан гапирадилар, ҳозиргилар эса, фақат савдо ва пул ҳақида вайсайдилар.

* * *

Яшамоқ, бу — нафас олиш эмас, ҳаракат қилмоқ демак.

* * *

Вақтни бекорга бой бериш – аслида кўнгилсиз воқеа. (Ватан, миллат, халқ учун жон кўйдирмайдиган) адабиёт ва санъат бундан ҳам баттар ёмонликни бошлаб келади. Бу ёмонлик – зеб-зийнат, дабдаба – у ҳам бекорчиликдан ва шуҳратпастликдан келиб чиқади.

* * *

Аёл киши эркакка манзур бўлиш учун яратилган.

* * *

Ҳамма замонларда ўз асри, ўз мамлакати ва ўз жамиятининг қарашларига бўйсуниш пешонасига битилган одамлар бўладилар. Бугун бирор ўзини ҳурфикрли ва файласуф қилиб кўрсатмоқда; ушбу сабаб боис, у, албатта, Лига (Иттифоқ) давридаги мутаассиб бўлган бўлур эди.

* * *

Эркак киши бақувватлиги биланоқ аёлнинг кўнглини ола билади. Бу, албатта, севги қонуни эмас, лекин бу – табиат қонуни. Бу қонун муҳаббатдан кўра қадимийроқ.

* * *

Адашишга минглаб йўллар элтадилар, ҳақиқатга – фақат биттаси олиб боради.

* * *

Пушаймонлик ва виждон азоби қанчалик азоб-уқубатли бўлмасин, қалб сирларингизга айланган, демак, сизда эзгуликка ва мафтункор ҳиссиётларга бўлган муҳаббатингиз сўнмаган. Қалбингиз бузуқликка тўлишидан, унинг тошга айланишидан, шармандаларча тубанликдан, табиий ҳиссиётларингизни бой берив, нодон ва ҳиссиз тўнкага айланиб қолищдан эҳтиёт бўлинг.

* * *

Мен, ўз түгма фаҳмлашимга биноан, ҳақиқат томонини қабул қилдим ва мен нимагаки эришмайин, битта мукофот мени тарк этмайди — мен уни қалбимнинг тубидан топаман.

* * *

Ҳаром йўллар билан топган бойлигинги жадидликка сарфламоқчи бўлганингизда ҳам, улар янги жиноятларга етаклайди.

* * *

Астрономия — бидъат ва хурофотдан; нотиқлик санъати-шуҳратпарастлик, нафратланиш, хушомад ва ёлғончиликдан; ҳандаса — ҳасислиқдан; физика — бекорчилик, қизиқувчанлик, уларнинг барчаси — ахлоқ илмини ҳам қўшиб ҳисобланади, инсон такаббурлигидан келиб чиқсан. Демак, илм-фан ва санъат-нинг келиб чиқиши инсон кибру ҳавосига бориб тақалади; эзгуликка бориб тақалганда эди, уларнинг қадрқимматли эканлигига шубҳа қилмасдик.

* * *

Фалак ато этган мавқега эга бўлсанг, у ҳолда камтарона, ўзингни камситмасдан, муруватли бўлиб яшашинг мумкин, бунга курашсиз ҳам эришса бўлади.

* * *

Аёлнинг қудрати — унинг жозибасида. Аёл ўзининг латофатию таровати билан эркакни унга хос бўлган қучни ҳис қилишга ва уни ишга солишга мажбур бўлади. Бу қучни уйғотишдаги энг синалган санъат шундаки, қаршилик кўрсатиш ўйли билан бу қучга ҳаёт бахш этилади.

* * *

Тийилиш ва меҳнат — мана, инсоннинг иккита ҳақиқий

табиби: меҳнат унинг иштаҳасини очади, тийилиш эса, унинг суиистеъмол қилинишига тўсқинлик қиласди.

* * *

Адолат қоидалари билан эзгулик қоидалари орасида узоқ масофа бор.

* * *

Абадий Донолик бизга раво кўрган баҳтли билимсизликдан чиқишга уринишларнинг натижаси бўлган манманлик, дабдаба, бузуқлик ва қуллик барча замонларда (маданият учун) жазо бўлиб хизмат қилди.

* * *

Адолатсизликни кўриш ва чурқ этмаслик, бу – унда иштирок этмоқ демак.

* * *

Ҳақорат – ноҳақларнинг далиллари.

* * *

Ҳуркаклик ва ҳаёни заиф жинсга табиат ато қилган. Унинг ёрдамида аёл кучли жинсни ўзига бўйсундириб олади.

* * *

Ҳалол-пок кишининг виждонли кўзи муттаҳамларни ҳамиша хавотирлантиради.

* * *

Ҳақорат – ноҳақларнинг далиллари.

* * *

Одамлар табиатан ялқовдирлар; Бироқ меҳнатта жўшқин интилиш, бу – обод жамиятнинг биринчи меваси; ва агар ҳалқ тагин ялқовлик ва лоқайдлик ҳолатига тушиб қолса, бу яна

бир карра, меҳнатга энди у арзийдиган нархни тўламаётган худди шу жамият ўзининг адолатсизлигидан келиб чиқади.

* * *

Севги ҳар иккала жинс вакиллари учун бир-биридан батамом фарқланувчи оқибатларга олиб келади.

* * *

Аёллар эркак зотини хаёлларига бошқа келтирмасликлари учун эркакларнинг ҳаммаси ортиқ ҳеч нарсага ярамайдиган бўлиб қолмоқдари керак бўлади.

* * *

Одамларнинг фикрлаш тарзи қўпинча атрофидаги яқинларига боғлиқ. Ўз ақидаларига содиқ бўлиш жуда қийин, чунки атрофдагилар ҳам, ўзининг истак-ҳоҳиш, эҳтирослари ҳам унга путур етказишга тинмасдан ҳаракат қиласилар.

* * *

Барча ижтимоий ҳолатлар ичиди тақдир ва одамларга энг боғлиқ бўлмагани – хунармандлар аҳволи.

* * *

Инсоннинг тарбияси у тугаган пайтдан бошланади; у ҳали гапирмайди, ҳали қулоқ солмайди, аммо ўрганаётир. Тажриба таълимдан олдин келади.

* * *

Келажакда хайрли ишларга сарф қилмоқчи бўлиб ҳаром йўллар билан бойлик ортиурсанг, Худо йўлига деб, яқинларини талаб, егуликни чўнтакка урган сохта художўйга ўхшаб қоласан.

* * *

Ҳар қандай бекорчи фуқаро ўғридир.

* * *

Яратганга инсон ҳар жиҳатдан улуғ қилиб яратиш маъқул бўлган: эркакка чексиз интилишлар, майллар ато этган ва айни чоғда, у эркин бўлмоғи ва ўз-ўзини bemalol бошқара билмоғи учун уларни жиловлаб турадиган қонун ато қилган. Яратган эркакка ўлчоғсиз эҳтирослар ато этган ва, айни чоғда, шу эҳтиросларни ўз изми билан ҳаракатга солмоқ учун эҳтирослар ёнига ақлни ҳам қўшиб қўйган.

* * *

Одамлар қанча кам билсалар, уларга билимлари шунча кенг бўлиб туюлади.

* * *

Аёлга чексиз иштиёқлар ато қилар экан, бу иштиёқлар ёнига ҳаёни ҳам қўшиб қўйганки, ҳаётийиқсиз иштиёқларни жиловлаб туради. Буниси ҳали ҳолва – ўз қобилиятларини яхшилик йўлида сарфлаган одамга яратган саҳиийлик билан инъомлар ҳам беради. Мен ҳалол турмуш тарзидан кўнглимизда пайдо бўладиган мамнуният туйғусини назарда тутмоқдаман. Менинг ўйлашимча, буларнинг ҳаммаси қудрати жиҳатидан жониворларнинг инстинктидан заррача қолишмайди.

* * *

Илк тарбия ҳаммасидан муҳимроқ ва бу ilk тарбия, шубҳасиз, аёлларга тааллукли.

* * *

Мавқеингиз ўзгаргач, фикрингиз ҳам, ақидаларингиз ҳам иродангизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгаради, ўзлигингиз ҳам ҳозиргисига ўхшамайди, ўй-фикрларингиз ҳам бошқача бўлади.

* * *

Яхши тарбиянинг фазилатлари ҳақида қўплар фикр юритадилар. Ундан мен талаб қилишни хоҳлаган биринчи нарса, – у

кўплаб бошқаларини ҳам тақозо қиласди, бу — сотқин киши бўлмаслик.

* * *

Ҳужум қилаётган одам ғалабага эришмоғи учун ҳужумга дучор бўлган одам ўз ихтиёри билан жиндай ён бериб турмоғи ҳам керак.

* * *

Бир соатлик иш бир кунлик тушунтиришдан кўпроқ нарсага ўргатади, негаки, агар мен болани устахонада машғул этсан, унинг қўллари миясининг фойдасига ишлайдилар: ўзини хунарманд ҳисоблаган ҳолда, у файласуф бўлиб етишади.

* * *

Жинслар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг учинчи фарқловчи хусусияти қуйидагича: кучлироқ жинс вакили зоҳирингина фармонбардор бўлиб кўринади, аслида эса, заиф жинс вакилига қарамдир.

* * *

Бойлик кетидан бекорга қувиб, ҳеч нарсага эриша олмасдан, ўзгаларнинг дуосини олмасдан, ўзингдан ҳам кўнглинг тўлмасдан, ҳамма нарсасини бой берган, омадсиз, ҳаётида бирорта ҳам одамни баҳтли қила олмаган инсоннинг ўлими қандай даҳшат!

* * *

Одамдан, уни инсон қилиб етиштиришдан олдин, файласуфни етиштириш бутунлай шарт эмас.

* * *

Табиат ҳам, ақл ҳам зўравонликка қаршилик кўрсатади.

* * *

Зўравонлик учига чиққан қўпоплилккина эмас, балки бориб турган ақлсизлик ҳамдир, чунки зўравонлик қилган эркак ўзининг ёстиқдошига қарши уруш эълон қилган бўлади ва унга ўзининг танини ҳам, ўзининг эркини ҳам ҳимоя қилишга ҳукуқ беради.

* * *

Эркинликсиз ватаннинг, фазилатларсиз эркинликнинг, фуқароларсиз фазилатларнинг бўлиши мумкин эмас. Агар фуқароларни тарбияласангиз, сизда ҳамма нарса бўлади; сизда бусиз, ҳамма давлатдаги ҳукмдорлардан бошлаб, ҳамма начор қулларгина бўладилар.

* * *

Кўриниб турган ҳақиқатни тасдиқлаш учун узоқ ўтмишдан далил қидиришга ҳожат борми?

* * *

Ҳаётнинг илк дақиқаларидан бошлаб яшашга муносиб бўлишга ўрганмоқ лозим.

* * *

Ўзингга юклантган вазифаларни бажаришда ўз кучингга кўпам ишонаверма, унинг самарали бўлиши сенга боғлиқ эмас, шубҳали ишларни яхши яқунланишига умид боғлама, ҳаётинг давомида қилаётган ҳалол ишларинг қандай якун топиши ҳам номаълум.

* * *

Билимсизликнинг ҳеч қачон ёмонлик қилмаслигини ёдда тутинг; фақат янгишмоқгина ҳалокатлидир. Одамлар билимсизликлари туфайли эмас, балки, ўзларига биламиз деб бино кўйганликлари учун янгишадилар.

* * *

Хомиладорлик масалаларини аёлнинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди, агар истаган эркак оталик ҳақига эга бўлаверадиган бўлса, боланинг отаси бўлмаган бўларди.

* * *

Фозил инсонлар учун билим қай даражада қимматли бўлса, ҳалол инсонлар учун ростгўйлик ундан-да қимматлироқдир.

* * *

Тушунаман, камбағалликдан фахрланиб юрганимдан кўра, моддий жиҳатдан етарли маблагим бўлгани яхшироқ. Камбағал бўлиб ҳам кун кўриш мумкин, лекин бойликтан ўз ўрнида фойдаланишга нима етсин, ахир яхшилик қилиш истагини амалга ошириш учун бойликка бойлик қўшиш айни муддао-ку...

* * *

Адолатли ҳакамлар баҳслашаётганида шубҳага борсалар, ноҳақ эканликларини иккиланмай тан оладилар; ҳақ йўлни ҳимоя қилаётганлар учун эса, ҳалол ва билимдон рақиб олдида сўзлаш маъқулроқ, чунки улар ўз виждонлари ҳукмига қараб яшайдилар.

* * *

Жамоага бирлашган одамларнинг хавфсизлиги ва фаронлигини ҳукумат ва қонунлар таъминлайди.

* * *

Адолат сизга ҳамроҳ бўлсин: фуқароларингиз осойишталигини, хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг мол-мулкини сақлаш ҳам сизнинг вазифангизга киради: бу ҳали ҳаммаси эмас, уларни баҳтли қилишингиз керак. Ҳукмдорнинг асосий вазифаси ана шунда.

* * *

Истеъдод сизлардаги барча фазилатларни кўрсатишга хизмат қиласди, гарчи бирорта фазилатингиз бўлмаса ҳам.

* * *

Ўзинг бирга яшаб турган ҳалқингни баҳтли қилиш учун ҳукмдорларга китоб – қўлланма ёзиш шартмикан? Яхшиси, ўз тажрибанга таяниб иш кўр.

* * *

Қимматбаҳо кийимлар одамнинг ўзига тўқлигидан, либосларнинг нағислиги эса, унинг дидли эканлигидан далолат беради.

* * *

Табиат шундай яратганки, аёллар ўз иштиёқларини осонгина ўт олдиришлари мумкин, эркаклар эса, уларни қийналиброқ қондирадилар.

* * *

Эркак киши аёлнинг ўзига нисбатан хайриҳоҳлиги билан ҳисоблашмоғи ва, ўз навбатида, аёлга манзур бўлишга ҳараткат қилмоғи лозим.

* * *

Ҳеч қандай натижа йўқ жойда сабабни қидириш ҳам бефойда.

* * *

Тўғри, баҳтни бойликка боғлаб бўлмайди, лекин яхши томони шундаки, пулдор одам ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондиради, ўзгага муҳтоҷ бўлиб қолмайди, иккинчидан, ўзгаларни ўз иродасига бўйсундириб, уларни ўзига қарам қила олади. Ҳалқинг баҳти, фаровонлиги ана шунда.

* * *

Ҳар бир санъаткор олқишиларга ўч. Мукофотларнинг энг қимматлиси — замондошларнинг мақтоворидир.

* * *

Кулайликларга ўрганган одам кашандага ўхшаб қолади, усиз туролмайди.

* * *

Ахлоқ бузуқлиги зеб-зийнатнинг муқаррар оқибатидир, ўз навбатида хулқ бузуқлиги — дидлар бузуқлигига етаклайди.

* * *

Эркак аёлга манзур бўлсагина, у эркакка ўз кучини намойиш этишга имкон беради.

* * *

Донишманд ҳеч қачон бойлик кетидан қувмайди, лекин у шон-шуҳратга бефарқ эмас.

* * *

Табиат томонидан мактаб яратиш ато этилган инсонга ҳеч қанақа ўқитувчи зарур бўлмайди.

* * *

Касб-ҳунар ривожланган, савдо-сотиқ ишларини йўлга кўйган халқларда маблағ кўпайса, бу — баҳтли яшаш омилларининг энг асосийси деб ҳисоблайман.

* * *

Қалбимизни нима эгалласа, руҳимиз аста-секин шунга мослашади; буюк воқеалар фақат буюк инсонларни яратади.

* * *

Халқларни бошқариш санъати уларни маърифатли қилишдан кўра қийинроқ деган тушунча амалдорларнинг такаббурлигидан пайдо бўлган.

* * *

Эркак охиригача аниқ билмайдики, у заифа мавжудот устидан ўзининг қудрати важидан ғалаба қозондими ёхуд аёл унга ўз ихтиёри билан берилдими? Аёл зотининг энг оддий макри шундаки, у эркакнинг кўнглидаги ана шу шубҳани йўқ бўлишига йўл қўймайди.

* * *

«Инжил»да бир қонун бор – бу қонунга мувофиқ зўрланган қиз унинг номусига тажовуз қилган эркак билан баравар жазога мустаҳиқ қилинар эди.

* * *

Бахтимизни ўзимиздан топишимиш мумкин бўлган ҳолда, уни ўзгалардан қидиришга ҳожат йўқ.

* * *

Китоб ўқишини суистеъмол қилиш илмни ҳалок қиласди. Китоб ўқишига ҳаддан ташқари берилиб кетишини ўзига бино қўйган нодонларнигина вужудга келтиради.

* * *

Халқ бахти нималардан иборат эканлигини аниқлаш учун одамларнинг бу ҳақдаги фикрларини жамлаш етарли бўлмаса керак. Халқнинг фаровонлиги жуда кўп нарсаларга боғлиқ, алоҳида шахсларнинг фаровонлигини аниқлаш ҳам унчалик осон эмас. Бинобарин, бу борада адашмаслик учун жуда кўп меъёрларни бир-биридан алоҳида ажратиш лозим. Халқ бахтимизни ўзига хос хусусиятларини билдирувчи ҳақиқий мезонларни тўғри белгилаш керак.

* * *

Агар мазкур атамани унинг аниқ маъносида олинса, чинакам демократия ҳеч қачон бўлмаган ва ҳеч қачон бўлмайди. Кўпчиликнинг бошқариши ва озчиликнинг бошқарилиши нарсаларнинг табиий тартибига зиддир. Халқнинг, жамият ишлари билан машғул бўлиб, ўзининг бутун вақтини мажлисларда ўтказишини тасаввур этиш қийин ва бунинг учун, қандай бўлмасин, ҳайъатларни, бошқарув шаклиниң ҳам ўзгаришига йўл қўймаслик мақсадида таъсис этмаслигининг мумкин эмаслигини кўриш осон...

* * *

Халқ қай усулда баҳтли бўлишини тушуниш учун баҳтсизларнинг ахволини ҳам яхши ўрганиш керак. Баҳтли бўлиш учун нималар етишмаслигини аниқлаш билан бирга баҳтли одам нималарга эга бўлишини ҳам билиб оламиз.

* * *

Жамиятга хизмат қилишнинг фуқаролар учун асосий иш бўлмай қолиши ва улар унга шахсан ўzlари эмас, балки ҳамёнлари билан хизмат қилишни афзалроқ кўра бошлашлари заҳотиёқ – энди давлат бузилиб кетишга яқин.

* * *

Аёлларга хос бўлган ҳуркаклик табиат томонидан уларга инъом этилган инстинкт ҳомиладорлик пайтида аёлнинг ўзини ҳам, ҳомиласини ҳам асрайди.

* * *

Забт этиш осон, бошқариш қийин.

* * *

Агар худолардан ташкил топган халқ бўлганида эди, у ўзини демократик тарзда бошқарган бўларди. Аммо бундай баркамол бошқарув одамларга тўғри келмайди.

* * *

Токи ҳокимиият бир томонда, билимлар ва донишмандлар бошқа томонда бўлар экан, олимлар юксак нарсалар ҳақида кам ўйладилар, ҳукмдорлар яхши ишларни ундан-да камроқ қиласидилар, халқлар эса, ахлоқсиз, бузуқ ва баҳтсиз бўлиб қолаверадилар.

* * *

Халқнинг маънавий-ахлоқий аҳволи унинг мутлақ ҳолатига эмас, балки одамлар ўртасидаги муносабатларга кўпроқ боғлиқдир.

* * *

Пул ҳукмронлик қиласидиган барча ерларда халқ ўз тинчлигани сақлаш учун берган пуллар, ҳамиша, унинг ўзини асоратга солишга қурол бўлиб хизмат қилмоқдалар; бугун у ўз ихтиёри билан тўлаётган пуллар ҳам эртага уни яна пул тўлашга мажбур этиш учун фойдаланилмоқда.

* * *

Ахир, яқинларимизга, қариндош-уруғларимизга муҳаббатимиз — ватанимизга бўлган муҳаббатимизнинг гарови эмасми?

* * *

Зўравонликка асосланган ҳамма ҳукуматлар кулгили зиддият ҳолатига тушиб қоладилар: халқларни заифлик ҳолатида ушлаб туришни истаб, ҳукуматларнинг ўzlари, шунга қарамай, уларнинг ёрдамида кучли бўлишни хоҳлайдилар.

* * *

Аёлнинг энг биринчи ва муҳим фазилати — беозорлик.

* * *

...энг муҳими, ижтимоий баҳт барчани бирдек баҳтли қили-

ши зарур эканлигини, акс ҳолда, у маъно ва моҳиятсиз бир сўзга айланишини ёдда тутмоқ керак.

* * *

Ҳар қанақа турдаги имтиёзлар айрим, уларга сазовор шахсларга фойдалидир ва уни бераётган миллатга оғир юк бўлиб тушади.

* * *

Қонунчилик ҳокимияти — давлатнинг юраги, ижроия ҳокимияти — унинг мияси.

* * *

Ахир, оиласиз бизнинг кичкина ватанимиз эмасми ва шу кичкина ватан бизни катта Ватанимизга боғлаб турмайдими?

* * *

Сотқин қалам остидан ҳеч қандай қудратли, ҳеч қандай улкан нарсанинг чиқиши мумкин эмас.

* * *

Ҳар қандай давлат тизимида унга қарашли бўлмаган нималардир бор: айтайлик, одамларнинг истак-иродаси; унинг таъсир кучи қанчалик муҳим эканлигини ким инкор эта олади? Ҳар ким фақат ўз ҳолича баҳтли бўлишни орзу қилар экан, эл-юрт, Ватан баҳтиёр бўлолмайди.

* * *

Менга уларнинг ёрдамида халқнинг феъл-авторига таъсир этиш мумкин бўлган фақат учта қурол маълум: қонун кучи, ижтимоий фикр ҳокимияти ва лаззатнинг мафтункорлиги.

* * *

Болаликни болаликда вояга етказинг.

* * *

Ахир, яхши фарзанд, яхши эр, яхши ота дегани, айни чоғда, яхши фуқаро ҳам эмасми?

* * *

Агар барчанинг манфаатларини туташтирадиган нуқталар бўлмаганларида эди, ҳеч қандай жамият тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин бўлмасди.

* * *

Халқларни бошқариш санъати – уларни маърифатли қилишдан кўра қийинроқ деган тушунча амалдорларнинг тақаббурлигидан пайдо бўлган.

* * *

Одамларга ўз хоҳиш-истаклари билан яхшиликка интилишни ўргатгандан кўра, уларни шунга мажбурлаш осонроқ, деган тушунчадан воз кечсинлар; майли, аъло даражадаги олимлар саройдан фахрий жой эгалласинлар, майли, улар ўзлари учун муносиб мукофотга сазовор бўлсинлар; халқларнинг баҳтсаодати учун уларни доноликка ўргатишга ёрдам берсинлар.

* * *

Эркак билан аёл бир хил характерга, бир хил темпераментга эга бўла олмайдилар.

* * *

Эркак киши инсон қалби тўғрисида аёл кишидан яхшироқ фалсафий фикр юритади, аммо аёл эркаклар қалбидагини ундан яхшироқ ўқииди.

* * *

Энг яхши бошқарув тушунчаси ҳам ҳар доим энг кучли бошқарув деган маънони англатмайди. Куч – восита холос, уни қўллашдан мақсад халқ баҳт-саодатидир.

* * *

Агар болалардаги шүхликни ўлдирсангиз, сиз ҳеч қачон доноларни етиштира олмайсиз.

* * *

Табиат томонидан мактаб яратиш ато этилган инсонга ҳеч қанақа ўқитувчи зарур бўлмайди.

* * *

Сизни ютиб юборишиларига тўсқинлик қила олмасангиз, ҳеч бўлмагандা, сизни ҳазм қилиб юборишиларига йўл қўйманг.

* * *

Қачонлардир, қайсиdir бир давлат арбоби том маънода фуқаро бўлиб етишса, у фақатгина ўзидан олдинги раҳбарнинг қонунларини бекор қилиш билангина шуғулланмасдан, балки халқ аҳволини яхшилаш, унинг фаровонлигини ошириш ҳақида қалдан ўйлади.

* * *

Ҳар бир ёш ўзининг алоҳида мойилликларига эга, аммо одам ҳамиша қандай бўлса, шундайлигича қолади. Ўн ёшда у — ширинликлар шайдолиги, йигирмада — жазманлик, ўттизда — лаззатланиш, қирқда — шуҳратпарастлик, элликда — хасислик измида.

* * *

Табиат таъсиридан келиб чиққан ҳолда эркак ва аёл ҳамжихат ҳаракат қилмоқлари керак, лекин икковлари ҳам бир хил иш қилмасликлари шарт. Уларнинг меҳнатлари ягона мақсадга қаратилган бўлади, лекин бу меҳнатлар бир-биридан фарқ қиласди.

ЖАН-ЖАК РУССО ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

1712 йил, 28 июнь – соатсоз Исаак Руссо ва Сюзан Бернарнинг ўғли Жан-Жак Руссо Женева шаҳрида туғилган.

1712 йил, 7 июль – Жан-Жакнинг онаси Сюзан Бернар вафот этган.

1722 йил – отаси Исаак Руссо жанжалдан сўнг Женевани тарқ этиб, Нион шаҳрига ўтган. Жан-Жак пастор Ламберсье тарбиясига берилган.

1724 йил – Руссо Женевадаги тоғаси Габриэль Бернарникига қайтиб келган. Шаҳар суд котиби бўлган Массеронга шогирдликка тушган.

1728 йил, 14 март – Женева дарвозалари ёпилганлигини кўрган Руссо жонажон шаҳрини тарқ этишига тўғри келган. У Турин шаҳрига пиёда сайёҳат қила бошлаган.

1728 йил, 21 апрель – Руссо протестантизмдан юз ўгириб, католик черковида чўқинтирилган.

1729 йил – Аннеци шаҳрига қайтиб келган.

1730 йил – Руссо Нион, Фрибург, Лозанна, Вевей, Невшатель бўйлаб пиёда сайёҳат қилиб, мусиқадан дарс берган.

1731 йил – Руссо Парижга йўл олган. Лион шаҳри орқали Шамберига келган. Савуа кадастр бошқармасида ишлаган.

1732 йил – Шамберида мусиқадан таҳсил берган.

1737 йил – Руссо онасидан қолган меросни олиш учун Женевага қайтиб келган.

1739 йил – Руссо Шамбери туманидаги Шарметта номли шаҳарчада танҳоликда яшаб, ўзини ижодга бағищлаган.

1740 йил – Лион шаҳридаги Малбилар оиласида муаллимлик қилган.

1741 йил – Шамберига қайтиб, мусиқий ноталарнинг янги тизими устида иш бошлаган.

1742 йил – Руссо Париж Фанлар Академиясида мусиқа-

нинг янги белгиларини тақдимотини ўтказган ва сертификат соҳибига айланган.

1743 йил, сентябрь – Руссо Франциянинг Венециядаги элчиси котиби бўлган.

1744 йил, август – Руссо Парижга қайтган.

1745 йил – Руссо Париждаги меҳмонхона чойшабчиси Тереза Левасер билан яқин муносабатларда бўлган. Дени Дидро ва Кондилак билан танишган. Вольтер билан ёзишмалар бошлаган.

1747 йил, 9 май – Руссонинг отаси Исаак Руссо Вевей шаҳрида вафот этган.

1754 йил – Руссо Женева черковига қайтган ва ўзининг фуқаролик ҳукуқларини қайта тиклаган.

1757 йил – Руссо Дидро ва Гримм билан жиддий баҳслашган.

1759 йил – «Эмиль» асари устида иш бошлаган.

1760 йил – «Жамоат шартномаси» асарини ёза бошлаган.

1764 йил – «Иқорнома» асарининг биринчи намунасини ёза бошлаган.

1766 йил – Руссо ва Тереза инглиз файласуфи Давид Гюм таклифига биноан Англияга келган.

1767 йил – Францияга қайтган ва «Рену» тахаллуси остида ижод қила бошлаган. Руссонинг «Мусиқий луғат»и дунё юзини кўрган.

1768 йил – Руссо Тереза билан турмуш қурган.

1769 йил – «Иқорнома» асарининг иккинчи қисмини ёзib тутатган.

1770 йил – Руссо Парижга қайтиб келган. «Иқорнома» асари омманинг ўқишига қўйилган.

1777 йил – Руссо бешта саргузашт новелла тайёрлаган.

1778 йил, 2 июль – Жан-Жак Руссо эрталаб соат 11 да қазо қилган.

1794 йил, 11 октябрь – Руссонинг хоки Париж Пантеонига, Вольтер қабрининг рўпарасига кўчирилган.

1801 йил – Руссонинг хотини Тереза ҳамманинг эсидан чиқкан ҳолда вафот этган.

ЖАН-ЖАК РУССОНИНГ АСОСИЙ АСАРЛАРИ

1750 йил – «Фан ва санъат ҳақида мулоҳазалар» (Discours sur les sciences et les arts)

1751 йил – «Қаҳрамон жасорати ҳақида мулоҳаза» (Discours sur la vertu du héros)

1752 йил – «Қишлоқ афсунгари» (Le Devin du village) опера асари

1752 йил – «Француз мусиқаси тўғрисида нома» (Lettre sur la musique française)

1752 йил – «Нарцисс ёки ўз-ўзига Жазман» (Narcisse ou l'Amant de lui-même) комедияси

1755 йил – «Инсонлар ўртасидаги тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари тўғрисида мулоҳазалар» (Discours sur l'origine et les fondements de l'inégalité parmi les hommes)

1758 йил – «Ахлоқий номалар» (Lettres morales)

1758 йил – «Хомий ҳақида нома» (Lettre sur la providence)

1761 йил – «Юлия ёки Янти Элоиза» (Julie ou la Nouvelle Héloïse)

1762 йил – «Эмиль» (Émile)

1762 йил – «Жамоат шартномаси» (Du contrat social)

1764 йил – «Тоғли ёзма номалар» (Lettres Écrites de la montagne)

1764 йил – «Корсика қонунчилиги ҳақида номалар» (Lettres sur la législation de la Corse)

1765 йил – «Корсика учун конституция лойиҳаси» (Projet de constitution pour la Corse)

1767 йил – «Мусиқа лугати» (Dictionnaire de musique)

1770 йил – «Иқрорнома» (Les Confessions)


1771 йил – «Польша ҳукумати ҳақида мулоҳазалар» (Considérations sur le gouvernement de Pologne)

1771 йил – «Пигмалион» (Pygmalion)

1773 йил – «Ботаник тўғрисида номалар» (Lettres sur la botanique)

1776 йил – «Дафнис ва Хлөе» (Daphnis et Chloé)

1781 йил – «Тилларнинг келиб чиқиши ҳақида эссе» (Essai sur l'origine des langues).



Оноре де Бальзак
(1799–1850)

ОНОРЕ ДЕ БАЛЬЗАК

ГОБСЕК

**XIX АСР ФРАНЦУЗ ЁЗУВЧИЛАРИГА
МАКТУБ**

ДАҲРИЙНИНГ ИБОДАТИ

ЧИН СЕВГИ

ҲИҚМАТЛАР

«Қилич билан бошлаганини,
қалам билан тугатарман».¹

Оноре де Бальзак

БАЛЬЗАК – НОТАРИУСЛИК НОНИДАН ИЛХОМ ПАРИСИГАЧА

Фропа адабиётида реализм жанрига асос соглан француз ёзувчиси Оноре де Бальзак 1799 йилнинг 20 майида Франциянинг Тур шаҳрида лангедоклик дехқон оиласида дунёга келган. Бальзак барча дунёни эгаллайдиган, ғолиблар дунёга кела-диган Бонапарт юлдузи остида туғилган. Эътиборли жиҳати шуки, Бальзак ўзининг ҳаёти давомида буни уддасидан чиқа олган.

Бальзакнинг отаси Бернар Франсуа Бальса (1746–1829) инқилоб йилларида дворянларнинг мусодара бўлган ерлари-ни сотиб олиши натижасида бойиб кетган, кейинчалик эса, Тур шаҳри мэрининг ёрдамчиси бўлган. 1597–1654 йилларда яшаб, ижод қилган француз ёзувчиси Жан-Луи Гезнинг де Бальзакка ҳеч қандай қариндошлиқ алоқаси йўқ. Оноренинг отаси ўз фамилиясини Бальзакка ўзгартирган. Бальзакнинг онаси эса, парижлик савдогарнинг қизи бўлган. Бальзакнинг отаси, балки ўзи нотариус бўлганлиги боис, ўғлини адвокат-лик фаолияти билан шуғулланишга тайёрлаган.

1807 йилдан 1813 йилгача Оноре Вандом католик колле-жида, 1816–1819 йилларда эса, Париждаги ҳуқуқ мактабида таҳсил олган. Мактабда таълим олиш баробарида у нотариус-га котиб бўлиб ишлаган. Бальзак, ота-онасининг унга кам вақт

¹ Француз адабиаси, романнависи ва рассоми Виржиния Анселонинг (1792–1875) ёзишича, Наполеон иш кабинетида жойлашган ҳайкал тагига Бальзакнинг ушбу мисраларини келтириб, ўзига шиор қилиб олган: «Ce qu'il a commencé par l'épée, je l'achèverai par la plume».

ажратишлари натижасида, юридик фаолият билан шуғулла-нишдан воз кечиб, үзини адабиётта багишлаган. Сорбоннада машхур француз олимларининг адабиёт бўйича маърузалари-ни тинглаб, ёзувчи бўлишга қарор қилган.

Бальзак Вандом коллежида иродасига қарши равища таҳ-сил олган¹. Чунки Рождество² байрамида бериладиган таътилларидан ташқари яқинлари билан учрашиш ман этилган. 14 ёшига тўлганида Бальзак қаттиқ касал бўлиб коллеж раҳ-бариятининг илтимосига кўра, уни ота-онаси уйига олиб кетган. 5 йил давом этган бу касалликнинг шифосига умуман умид бўлмаган. 1816 йилда унинг оиласи Парижга кўчиши сабаб у бутунлай тузалиб кетган.

Бальзак адабий ижодини «Кромвел» («Cromwell») трагеди-ясини ёзишдан бошлаган. Икки йил давомида XVII аср мум-тоз француз трагедия жанрининг усталари **Пьер Корнель**³ ва **Жан Расин**⁴ ижодига тақлидан «Кромвел» номли шеърий фо-жиасини 1819 йилда ёзиб тугатган. Бахтга қарши, ёзувчининг ушбу илк асари унга шуҳрат келтирмаган, адабиёт анжуман-ларида танқидга учраган. Академик ва ёзувчилар унга «Муал-лиф адабиётдан ташқари, бошқа ҳар қандай нарса билан шу-гуллансан», деган баҳо берганлар. Бальзак эса, бунга жавобан, «Трагедия – менинг стихиям эмас»⁵, деган.

Шундан сўнг Бальзак бир неча тахаллусларда қатор қисса ҳамда новеллаларини эълон қилган. Бу асарлар ёш адаб номи-ни адабиёт оламига танитмаган. Ваҳоланки, ёзувчининг маз-кур асарлари сюжетида романтизм адабиёти руҳи акс этиб тур-са-да, бироқ улардаги хаёлий воқеалар, афсонавий ҳодиса ва

¹ Oumbarov N., Soatjonov I. Histoire de la littérature française. – T.: Oqituvchi, 2002. – P.140.

² Рождество – Исо пайғамбарнинг туғилганига багишланган христианлар байрами.

³ Пьер Корнель (1606–1684) – француз шоири ва ҳуқуқшуноси, «Сид» фожиавий комедияси муаллифи.

⁴ Жан Расин (1639–1699) – француз фожианавис шоири, «Андромак» номли фохия асар муаллифи.

⁵ Стихия – инсон иродасига бўйсунмайдиган құдратли ижтимоий ҳаёт ҳодисаси; ўрганган (одатланган) мұхит ёки шароит, яхши кўрган нарса, се-викли иш.

тўқима образлар тасвири мазмунга зерикарли тус берган, китобхонни зериктириб қўйгувчи руҳда бўлган. Хуллас, Бальзакнинг реалликдан узоқ бўлган бу асарлари романтик ёзувчилар Виктор Гюго, Жорж Санд, Александр Дюма ва Сент-Бёв тарафидан кескин танқид қилинган. Дастребаки асарлари баҳридан ўтган Бальзак кейинчалик «фақат ўз номим билан чиққан китобларимнигина ўзимники ҳисоблайман»¹, деб ёзган.

1829 йилда унинг «Бальзак» номи остида XVIII аср охиридаги Буюк француз инқилобига бағишиланган «Шуанлар» (*«Les Chouans»*) номли тарихий романни чиққан². «Шуанлар»да 1799 йили Франциянинг Бретон вилоятида Республикага қарши бошланган исённи бостириш билан боғлиқ воқеалар реал образлар восита-сида тасвирланган. Ёзувчи романда мансабдор шахслар ва генераллар билан бир қаторда оддий халқ вакилларини ҳам бош қаҳрамон даражасига кўтааркан, уларнинг ўз ватани Франция тақдирига бефарқ қолмай, балки энг оғир дамларда унга жон фидо айлаб курашганликларини юксак маҳорат билан таърифлаган³.

Машҳур инглиз ёзувчи Вольтер Скотнинг «Уэверли», «Ламермурнинг қаллиги», «Квентин Дюрвард», «Перт ғўзали» каби тарихий романлари Бальзакда ёзувчи сифатида шакланишга катта таъсир ўтказган. Бальзакнинг «Шахсий ҳаётимиздан лавҳалар» (*«Scènes de la vie privée»*, 1830), «Узоқ умр эликсири» (*«L'Élixir de longue vie»*, 1830–1831) романлари, «Гобсек» (*«Gobseck»*, 1830) ҳикояси китобхонлар ва танқидчилар орасида кенг муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлган.

Жумладан, «Гобсек» ҳикоясининг қаҳрамони Гобсек исмли судхўр бўлган. Қаҳрамоннинг юраги «метал қўймаси»дан бўлганлиги сабабли ҳамма нарсани олтин билан ўлчаган. Гобсек шундай деган: **«ҳаёт – пулни ҳаракатга келтирувчи машинаидир. Пул ва олтин – булар бизни жамиятимизнинг маънавий**

¹ Холбеков М. Оноре де Бальзак ва «Инсон комедияси»// Жаҳон адабиёти, 2009, № 1. – 114–116-бетлар.

² 100 великих мастеров прозы / Грудкина Т.В., Кубрева Н.П., Мешеряков В.П., Сербул М.Н. – М.: Вече, 2007. – С.103.

³ Холбеков М. Оноре де Бальзак ва «Инсон комедияси»// Жаҳон адабиёти, 2009, № 1. – 114–116-бетлар.

мазмунни¹. Қаҳрамоннинг ташқи кўринишида ҳам қимматбаҳо металнинг ранги акс этган: унинг сарғиш рангизлиги кумуш рангини эслатар, кўзи эса, кичкина ва сариқ бўлиб, сассиқкўзанни (хорёк) эслатар. У ёшсиз ва жинссиз ҳудди автоматга ўхшаган. Гобсек Парижнинг яширин ҳукмдори, минглаб инсонларнинг ҳаёти уни қўлида бўлган «ҳаёт ҳукмдори» эди. Бойликка бўлган қизиқиши унинг қолган туйгуларини йўқотар ва борган сари хасисга айлантирап, олтин тангалар одамлар каби яшаб, кўпаяр деб қаҳрамоннинг онгида ифодалангандан. Бальзак ҳикояни Гобсекнинг аянчли ўлимини тасвирлаш билан тамомлаган. Бундай яқун билан Бальзак пул ва пул ташувчининг фалсафасини фош қилган.

Бальзак 1831 йилда ўзининг **«Сагри тери тилсими»** (*«La Peau de chagrin»*) номли фалсафий романини нашр қилган ҳамда ўзининг **«Ўттиз ёшлик аёл»** (*«La femme de trente ans»*) номли романини ёзишга киришган.

Қисман автобиографик роман ҳисобланувчи **«Луи Ламбер»** (*«Louis Lambert»*, 1832) ҳамда **«Серафита»** (*«Séraphîta»*, 1835) асарларида Бальзакнинг Эммануэль Сведенборг² ва Клод де Сен Мартеннинг³ мистик концепцияларига қизиқиши баён этилган.

1834 йил Бальзак ёзган барча асарларини жамлаган тўпламга **«Инсон комедияси»** (*«La Comédie humaine»*) деб ном берган. **«Инсон комедияси»** инқилобдан кейинги Франциянинг адабий ва фалсафий тарихини акс эттириши лозим эди. Ушбу тўплам **«Одатлар ҳақида этюдлар»**, **«Фалсафий этюдлар»** ва **«Аналитик этюдлар»** деган уч бўлимдан ташкил топган. Бундай тўпламни яратиш фояси Вольтер Скот ижоди ва унинг романлари ўртасида алоқадорлик йўқлиги ҳақида кўп мулоҳаза за этиш натижасида пайдо бўлган⁴. Унинг ушбу асари шундай

¹ 100 великих мастеров прозы / Грудкина Т.В., Кубрева Н.П., Мешеряков В.П., Сербул М.Н. – М.: Вече, 2007. – С. 107.

² Эммануэль Сведенборг (1688–1772) – асли келиб чиқиши инглиз бўлган, швед табиатшунос олими, ихтирочи ва теософия тарафдори.

³ Луи Клод де Сен-Мартен (1743–1803) – «Номаътум файласуф» тахаллуси билан машҳур француз тасаввуфчи олими.

⁴ Андре Моруа. От Монтеня до Арагона. / Пер. с фр. – М.: Радуга, 1983. – С. 209.

сатрлар билан бошланган: «Француз жамияти ўзи тарихнинг яратувчиси бўлиб чиқди, менга эса, унинг котиби бўлиш вазифаси насиб этди. Эҳтимол мен шунча тарихчилар томонидан унутилган тарих, яъни хулқлар тарихини ёзиб чиқишга мусассар бўларман. Мен кўп бардош ва жасорат йигиб, насиб бўлса, XIX аср Францияси ҳақидаги китобимни охирига етказарман».¹

1832, 1843, 1847 ва 1848–1850 йилларда Бальзак Россия империясининг Санкт-Петербург шаҳрига ташриф буюрган. 1832 йилдаги ташрифи давомида Эвелина Ганс² хоним билан танишган ҳамда 1850 йил 2 март куни Муқаддас Варвара костёлида³ у билан никоҳдан ўтган.

Оноре де Бальзак 1850 йил 18 августида Франциянинг Париж шаҳрида оламдан ўтган.

Дафн маросимида Виктор Гюго уни хотирлаб, «Жаноб Бальзак барча буюкларнинг буюги, улуғ инсонларнинг улуги эди... У ёзиб қолдирган асарлар бутун бир китобни, замонамизни тўлиқ ва ёрқин манзараларда акс эттирувчи ҳаёт саҳифасини ташкил қиласди»⁴, деган.

Бальзак ўзининг китобхонларига катта ҳажмдаги романларидан ташқари, Франциянинг XIX аср биринчи ярми тарихини ҳам қолдирган. Бальзак асарларида кўпинча докторлар, судьялар, хўжалик ишлари билан шуғулланувчи ходимлар, давлат хизматчилари, савдогарлар, банкирлар, судхўрлар, аристократ хонимлар, куртизанка⁵ каби қаҳрамонлар гавдалантирилган. Ҳар ҳолда, Бальзак ўзини «Ижтимоий фанлар доктори» деб атаган.

Буюк адаб нафақат ёзувчи ёки тарихнавис, балки у аввалило ҳукуқшунос бўлган. Ўзининг «Қишлоқ врачи» («Le Médecin de campagne») асарида «Қирқ минг қонунга эга ҳалқда қонун

¹ Холбеков М. Оноре де Бальзак ва «Инсон комедияси» // Жаҳон адабиёти, 2009, № 1. – 114–116-бетлар.

² Эвелина Ганс (1801–1842) – Польшалик заминдор ва рус фуқароси бўлган Адам Станиславович Ржевскийнинг қизи.

³ Костёл – поляк католикларининг черкови.

⁴ Холбеков М. Оноре де Бальзак ва «Инсон комедияси» // Жаҳон адабиёти, 2009, № 1. – 114–116-бетлар.

⁵ Куртизанка – юқори табақалар доирасида ўралашиб юрувчи суюқоёқ аёл.

бўлмайди»¹ деб бекорга айтмаган. Қуйида Оноре де Бальзак ҳуқуқий дунёқарашининг айрим чизгиларини баён этамиз.

1807 йилдан 1813 йилгача Оноре Вандом католик коллежида, 1816–1819 йилларда эса, Париждаги ҳуқуқ мактабида таҳсил олган. Мактабда таълим олиш баробарида, у нотариусга котиб бўлиб ишлаган. Адвокат Жан-Батист Гийон де Мервилнинг адвокатлик фирмасида 2 йил давомида ишлаган. Бальзак кейинчалик адвокатни ўз асарларида Дервиля номи билан абадийлаштирган. Адвокатлик фирмасида амалиёт ўтаб бўлган ёш Бальзакни ота-онаси унинг оиласи яқиндан алоқада бўлган нотариус Пассэнинг паноҳига беришган. Ота-онасининг режаси дастлаб ўелини нотариус Пассэга шерик қилиш, Пассэ кетганидан кейин эса, нотариуслик фирмасига тўлиқ бошлиқ қилиб қўйиш бўлган. Бироқ айнан ёш юристнинг 1819 йилдаги танлови ота-онасини ҳайратлантирган. У адвокат ҳам, нотариус ҳам бўлишни хоҳламаган. У ёзувчиликни танлаган. Кўп йиллар давомида бир кеча-кундузда тинимсиз 15-16 соат ўз устида ишлаш Бальзакка оламшумул шуҳрат олиб келган. Юристлик тажрибаси Бальзакка яхшигина асқотган.

Агар Бальзакнинг бутун бадиий ижодида унинг ҳуқуқий тафаккури таҳлил қилинса, унинг кенг қамровли ва кўп қирорали эканлиги боис қаерда тўхтамга келишни билмай қоласиз. Шунинг учун унинг айрим асарларида хусусий ҳуқуқ (фуқаролик ҳуқуқи) ва маъмурий ҳуқуққа оид қарашларини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқdir.

Дастлаб Бальзакнинг сиёсий дунёқарashi ҳамда қонун ва судьялар тўғрисидаги қарашлари, сўнг «Қишлоқ врачи» асаридаги маъмурий ҳуқуққа доир фикрларини мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, «Полковник Шабер» («Le Colonel Chabert») асаридаги фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатлари, никоҳ, «Горио ота» («Le Père Goriot») романидаги оталик мавзуси, «Урсула Мируэ» («Ursule Mirouet») асарида нижоҳсиз туғилган фарзандларнинг ворисликка бўлган ҳуқуқи, мерос тақсимланишидаги тенглик ва ниҳоят, «Цезар Бирот-

¹ Honoré de Balzac. La Comédie humaine. Le Médecin de campagne. – Paris: Edition de la Pléiade, t. IX. – P. 511.

то» («César Birotteau») асарида банкротлик масаласи кабиларни кўриб чиқиш зарур.

Бальзакнинг сиёсий қарашлари унинг ҳаёти давомида тез-тез ўзгариб турган. Хусусан, гоҳ пул можароси ва молиявий суистеъмолчиликка қарши чиқса, гоҳ капитализм тарафдорига айланиб, анархик қаллобликлар, дин ва қаттиққўл полиция, маънавий-маърифий, маданиятли кишиларга ҳамда консерваторларга суюнган кучли мутлақ ҳокимият томонидан назорат остига олинишини, яъни тахт ва черков бирлашувини истаган. Католик руҳонийси шундай дейди: «Мен ўғрилик жинояти бўйича черковга тез-тез келувчи кишилардан ҳукуқ ҳақида фикрларини билишга ҳаракат қиласдим. Аслида, Худо ўғирланган нарсанинг қиймати бўйича эмас, балки ўғрининг ўзи устидан ҳукм чиқаради...»

— Жаноб руҳоний, сиз бу борада муваффақиятга эришгансиз, — деди Канбон. — Бойларнинг роҳат-фарофати уларнинг қимматли вақтлари тежалишида ва машақватли ҳаётида мукофот эканлигини дэҳқонларга тўғри маънода тушунтириб яхши қилдингиз».¹

Бальзак демократияни ёқтиргмаган ва суддаги нутқи ҳам сайловга қарши эканлигини ифодалаган. У ҳукумат кучли бўлишини истаган. Сайлов тўғрисида доктор Бенаси — қишлоқ шифокори тушунтиради: «Агар бу оммавий тартибсизлик келтириб чиқарса (халқнинг буржуазия устидан қилган ғалабаси), у сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун кишилар миқдорининг кўпайишига боғлиқ эмас. Кимки овоз берса, ўша муҳокама қиласди. ҳокимиятлар эса, муҳокама қилинмайди. ҳокимиятсиз жамиятни тасаввур қила оласизми? Йўқ. Буни қаранг, ҳукуматни кучли деб ким айтади? Куч судланган нарсаларга таяниши лозим».²

Бальзак ҳукумат кучли бўлиши учун қуйидаги фикрларни билдирган: «Аввало, Худо Францияга шундай ҳимоячи инсонни

¹ Honoré de Balzac. La Comédie humaine. Le Médecin de campagne. — Paris: Edition de la Pléiade, t. IX. — P. 501 — 503.

² Honoré de Balzac. La Comédie humaine. Le Médecin de campagne. — Paris: Edition de la Pléiade, t. IX. — P. 508.

яратадики, миллийликни тарғиб қиласы да халқда янги умидни үйгөтади. Хоҳ бу Мариюс, хоҳ бу Силва бўлсин, улар пастдан чиқадими ёки юқоридан тушадими, жамиятни қайта қуради».¹

Шуни таъкидлаш жоизки, Бальзак асарларида ҳуқуқ масаласи ўзига хос талқин қилинган. Масалан, «**Евгения Гранде**» романнида пул нималарга олиб келиши мумкинлиги орқали никоҳ шартномасининг савдо операциясига киноя билан ўхшатган².

Ўнинг бир қатор романларида, айниқса, 1804 йилдаги, қонун чиқарувчи ҳокимиятни ислоҳ қилинишининг самарасизлиги ҳамда қонунларнинг бефойдалиги ҳақида сўз юритилган. «**Тақиқ**» («*L'Interdiction*») асаридаги судга оид тақиқ, «**Қасос**» («*La Vendetta*») асаридаги ҳурматга сазовор ҳужжатлар, «**Тур шахрининг руҳонийси**» («*Le Curé de Tours*») асаридаги шартнома ҳуқуқи, «**Гобсек**» («*Gobseck*») асарида васиятдан воз кечиш, «**Никоҳ шартномаси**» («*Le Contrat de mariage*») асарида майорат³ каби масалалар шулар жумласидандир.

Бальзак, қонун урф-одатларга мослаштирилган бўлиши керак, деган фикрга ишонмаган: «**Қонун айрим қоидаларга бўйсунади. ҳар бир қоида эса, табиий урф-одатларга, шахснинг манфаатларига зиддир. Омма ўзига қарши қонун чиқариши мумкинми? Йўқ, албатта. Аксинча, баъзан қонунлар йўналиши урф-одатлар йўналишига тескари ҳам бўлиши керак**».⁴

Бундан ташқари, адаб ўзининг энг машҳур асари «**Инсоний комедия**»да таъкидлаганидек, «**Суд ҳокимиятига ишонч йўқлиги жамият интиҳосининг ибтидосидан дарак беради**». Балки шу боис, Бальзак ушбу китобнинг яратилиш foяси ҳақида унинг сўз бошисида: «**Мазкур асар яратилиш foяси инсониятни ҳайвонот олами билан солиштиришдан дунёга келди**»⁵ — деган.

¹ Honoré de Balzac. *La Comédie humaine. Le Curé de village*. — Paris: Edition de la Pléiade, t. IX. — P. 820.

² Л.Г. Андреев, Н.П. Козлова, Г.К. Косиков. История французской литературы. — Москва: «Высшая школа», 1987. — С. 359.

³ Майорат — феодализмдан қолган ворислик тартиби. Бунга кўра ер-мулкка энг катта ўғил ёки энг катта қариндош ворис бўла олади.

⁴ Honoré de Balzac. *La Comédie humaine. Le Médecin de campagne*. Edition de la Pléiade, t. IX. — P. 510.

⁵ Андреев Л.Г., Козлова Н.П., Косиков Г.К. История французской литературы. — Москва: «Высшая школа», 1987. — С. 354.

«**Қишлоқ врачи**» асарида шаҳарсозлик соҳасида ҳудудларни режа билан тартибга солиш орқали фуқароларнинг атроф-муҳит олдидаги бурчи ва экологик ҳуқуқлари ҳақида даъватлар қилган. Жамият ривожланишида шаҳарлар ролининг ошиши ва саноатлаштириш жараёнининг кескин ўзгариб бориши оқибатида ифлосланишларга йўл қўймаслик долзарб вазифа сифатида кўрсатилган. Албатта, Бальзакнинг асарлари ҳозирги замонамизнинг ҳуқуқий муаммолари юзасидан баҳс-муно-зараларни келтириб чиқариши табиийдир.

«**Полковник Шабер**» асарида фуқаролик ҳуқуқида низолар келиб чиқишининг ўзига хос ҳолатлари намоён этилган. Унга кўра, Эйло жангиде ўлган деб топилган полковник Шабернинг аёли Роза Шапотел граф Феррога турмушга чиқади ва ундан иккита фарзандли бўлади. Шабернинг бор мол-мулки хотинига ўтади. Шабер қайтиб келгач, хотини уни тан олмасдан марҳум эрининг номини ўзлаштирган қаллобга чиқариб судга беради. Тақдирнинг аянчли ўйинидан хабардор адвокат Дервиль эса, француз фуқаролик ҳуқуқининг камчиликларини танқид остига олади.

Никоҳ мавзуси ҳам Бальзак томонидан катта моҳирлик билан бир неча романларида кўтарилган. Жумладан, адабнинг фикрига кўра, никоҳсиз жамиятни тасавур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, Бальзак оиласда фақат эркак хукмрон бўлишита қарши чиқкан. Бундан унинг «**Инсоний комедия**» романи далолат беради. Шунингдек, муаллиф «**Никоҳ шартномаси**» асарида қойилмақом қилиб оила ҳуқуқини тасвирилаган. Ундаги қаҳрамонлар Де Марсей билан Пол Манервил ўртасидаги суҳбатда шундай дейилади: «Уйланма... Биласанми, ҳозир кимлар уйланади? Молиявий манфаатларини ўйлаб иш кўрадиган савдогарлар, кўп болали бўлиб, сўнгра уларни ўзларига ишчи қилмоқчи бўлган деҳқонлар, харатжатларини тўлаттирмоқчи бўлган айирбошлиш идораларининг ходимлари ва нотариуслар, бемаза сулолани яна давом эттиromoқчи бўлган бадбахт қироллар... Уйланишни хоҳлаётган ва ҳали уйланишга ҳам улгурадиган дўстим, ҳеч бўлмаса Фуқаролик кодексини очиб ўқидингми? Мен бирор марта ҳам очиб қараганим ҳам йўқ, бироқ қаерда ва қандай жорий қилинаётганилигини ҳаётий тажрибамда кўрмоқдаман. Азизим, Фуқаролик кодекси аёлга во-

яга етмагандек, ёш бола сифатида қарайди. Шундай бўлса, қандай қилиб болани бошқариш мумкин? Кўркув билан».¹

Бироқ «Никоҳ шартномаси» асарида яна бир бошқа ҳукуқий дунёқарашни, яъни кекса нотариус Матияснинг аристократик никоҳ тўғрисидаги фикрини кузатиш мумкин: «Мен никоҳни бошқача тушунаман, — деб жавоб берди кекса нотариус. — Аёл киши яхши-ёмонини турмуш ўртоғи билан баҳам кўриши даркор. Янги турмуш қурганлар жазману ўйнашлар каби фарзандли бўлмасликка интилишади деган гапларни эшитаман. Турмуш қуришдан ягона мақсад — лаззатланиш холосми? Баҳт ва оиласвий қадриятлар эмасми? Герцогиня Сюли айтганларидек, олий табақали оиласларда қонуний аёллар бола туғиши ва уларни яхши тарбиялаши лозим. Аёл лаззатланиш воситаси эмас, балки уйнинг ҳурмати, шарафи ва саховатидир».²

Бальзакнинг фикрига кўра, никоҳ бўйича ислоҳотлар қонундан эмас, балки урф-одатлардан келиб чиқиши керак. Бу борада у социолог ҳам бўлган. Шунинг учун ҳам, унинг таъкидлашича, урф-одатлар жуда секин равишда ислоҳ қилинмоқда.³

«Горио ота» романида оталик мавзуси ҳатто Худонинг тасвири билан қиёсланган: «Ота болалар билан гўё Худо биз биландек. У юрагимизнинг тўригача кира олади ва барча ниятларимизни баҳолайди. Ота бўлганимда Худони танидим. Факат Худо дунёни севишидан кўра, мен қизларимни кўпроқ севаман. Чунки дунё Худодан кўра, унчалик чиройли эмас ва менинг қизларим Худодан кўра гўзалроқдир».⁴

Горио ота ўлим талвасасидалигида қизлари ёнида бўлмаганилиги учун янада кўпроқ қийналган: «Ота учун дўзаҳ, бу — фарзандларисиз бўлиш демакдир. Қизларим, қизларим, Анастасия, Делфина! Мен уларни кўрмоқчиман. Уларни излаб топинглар, жан-

¹ Honoré de Balzac. *La Comédie humaine. Le Contrat de mariage.* — Paris: Edition de la Pléiade, t. III. — P. 531.

² Honoré de Balzac. *La Comédie humaine. Le Contrat de mariage.* — Paris: Edition de la Pléiade, t. III. — P. 624.

³ Honoré de Balzac. *La Comédie humaine. Physiologie du mariage.* — Paris: Edition de la Pléiade, t. XI. — P. 974.

⁴ Honoré de Balzac. *La Comédie humaine. Le Père Goriot.* — Paris: Edition de la Pléiade, t. III. — P. 160—161.

дармлар, куч билан бўлса ҳам... Адолат мен томонда, барча нарса мен учун, табиат ҳам, Фуқаролик кодекси ҳам. Мен шикоят келтираман. Ватан ҳалоқ бўлар, агар оталар ялангоёқ қолсалар. Жамият, дунё оталик устида қурилган. Агар фарзандлар ўз оталари ни севмасалар, барчasi барбод бўлади. Қонун ўлаётган отасини қўришга келишни талаб қиласди, қонун мен томонда».¹

1804 йилги Наполеон кодексида никоҳсиз туғилган фарзанднинг, қонуний фарзандлардан кўра ворислик ҳуқуқи кўпроқ чекланган. Бироқ «*Урсула Мируэ*» асаридаги қаҳрамон ҳолати бунинг тескариси бўлиб чиқсан². Уларнинг отаси Валентин Мируэнинг никоҳсиз туғилган ўғли бўлган. Ўз навбатида, Валентин Мируэнинг қонуний қизи ҳам бўлган. Тақдир тақозоси билан кекса сарватманд киши Урсулага бор мол-мулкини хатлаб беришга қарор қилиб, нотариусга мурожаат қиласди. Бироқ бошқа қонуний меросхўрлар, нотариусларнинг гаразли маслаҳатлари билан, ушбу ҳужжатни расмийлаштириш ноқонуний ҳаракат дея баҳона қилиб, қаршилик кўрсатадилар.

Бальзак Наполеон кодексининг алоҳида бўлимдаги меросни тенг тақсимлаш тўғрисидаги нормани рад этган. «*Цезар Биротто*» асари қаҳрамони аттор дўйондор бир муттаҳам, виждонсиз, қаллоб нотариуснинг найранги қурбонига айланади. У хонавайрон бўлади ва барча қарзларини тўлашга мажбур бўлади. Ва ниҳоят, Париж қироллик (аппеляция) судидан ўз ҳуқуқларини тиклашни илтимос қиласди. Суд жараёни шу тарзда воқеаларга бой бўладики, охир-оқибат тадбиркорнинг ҳуқуқлари ва шон-шарафи тикланади ҳамда барча даъволари қаноатлантирилади. Шу лаҳзада асар қаҳрамони юрагида ва хаёлотида ягона куй, Бетховеннинг «*Катта симфонияси*» янграй бошлайди³. Бальзакда адолат қарор топади!

A.X. Саидов, профессор

¹ Honoré de Balzac. La Comédie humaine. Le Père Goriot. — Paris: Edition de la Pléiade, t. III. — P. 271–276.

² Philippe Malaurie. Droit et littérature. Une anthologie. — Paris: Editions Cujas, 1997. — P. 217.

³ Honoré de Balzac. La Comédie humaine. César Birotteau, dernier chapitre. — Paris: Edition de la Pléiade, t. VI. — P. 306 et s.

ГОБСЕК¹

Барон Барш де Понозэнга

Вандом колледжининг барча талабаларидан, чамаси, ёлғиз икковимиз – сену мен адабиёт соҳасини танлабмиз – фақат De Viris² саҳифалари билангина машғул бўладиган чоқларимизда ўзимизни фалсафага уриб чакки қилмаган эканмиз. Биз сен билан – мен мазкур қиссани ёзаётган, сен эса, немис фалсафаси ҳақида ажойиб асарларингни яратадиган пайтингда яна учрашдик. Хуллас, икковимиз ҳам ўз эътиқодимизга содиқ қолдик. Бу асарда ўз номингни кўриш, мен учун уни қофозга битиш нақадар кўнғилли бўлгандек, сенга ҳам шунчалик кўнғилли бўлади, деган умиддаман.

Қадрдан мактабдош дўстинг ДЕ БАЛЬЗАК.

Кунлардан бир кун 1829–1830 йил қишида виконтесса де Гранлье меҳмонхонасида унга етти ёт бегона икки меҳмон соат кечаси биргача қолиб кетди. Меҳмонлардан бири чиройли, навқирон йигит камин устидаги соат бонг урганини эшишиб, шоша-пиша хайр-хўшлашди. ҳовлида фойтуннинг фидираклари тақирилаганда, виконтесса пикет³ ўйинни тутатаётган укасию оила дўсти қолганини кўргач, қизининг ёнига келди: қизи камин олдида туарар ва ўзини камин панжарасидаги нақшларни берилиб томоша қилаётганга солар, бироқ, асли-

¹ Оноре де Бальзак. Гобсек. Қисса. Мирзиёд Мирзоидов ва Маҳкам Маҳмудов таржималари. – Тошкент: Faфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 5–58-бетлар.

² De viris illustribus (лотин.) («Машҳур арбоблар») – асосан саркардаларнинг таржимаи ҳоллари баён қилинган хрестоматия.

³ Пикет – карта ўйинининг бир тури. (Тарж.)

да, узоклашиб бораётгай фойтуннинг овозига қулоқ тутарди. Бу ҳол онанинг гумонини тасдиқлади.

— Камилла, агар сен бундан кейин ҳам граф де Ресто билан бугун кечкурнадиги каби муомала қилсанг, мен уйдан унинг қадамини узиб юбораман. Менга қулоқ сол, қизим, агар менинг самимий меҳр-муҳаббатимга ишонсанг, ҳаётда сенга йўл-йўриқ кўрсатишинга ижозат эт. Қиз бола ўн етти ёшарлигига ва ўтмишни, на келажакни ва на жамиятнинг баъзи талабларини идрок эта олади. Эътиборингни бир нарсага жалб этмоқчиман: жаноб де Рестонинг миллион сўмлик мол-дунёни паққос ютиб юборадиган зоти паст онаси бор. Унинг қизликдаги фамилияси Горио эди, ёшлигига ўз ахлоқи туфайли кўп гап-сўзларга қолган. У отасини хор қилган, жаноб де Рестодек хушахлоқ ўғилга она бўлишга у номуносиб. Ёш граф уни жон-дилидан яхши кўради, ўғиллик меҳр-муҳаббати билан уни авайлаб-асрайди, Бу иши ҳар қанча мақтовга лойиқ, унинг синглиси ва укасига фамхўрлигини айтмайсизми! Хуллас, у бафоят хушахлоқ лекин, — деб илова қилди виконтесса чехрасига айёrona тус бериб, — онаси ҳаёт экан, биронта бообрў хонадондаги ота-она бу ўқтам йигитга қизининг истиқболини ва сепини ишониб топширишга журъат этолмайди.

— Мадемуазель де Гранлье билан қилган суҳбатингиздан баъзи сўзлар қулогимга чалинди, шу боис суҳбатингизга қўшилмоқчиман! — деб хитоб қилди юқорида номи зикр этилган оила дўсти. — Мен ютдим, граф, — деб мурожаат -қилди у шеригига. — Сизни ўз холингизга қўйиб, жиянингизга мадал беришга ошиқаман.

— Қойил, минг қилсаям адлиячисиз-да¹, — деб юборди виконтесса. — Қадрли Дервиль, Камиллага айтган гапларимни қандай қилиб эшита қолдингиз? Мен у билан жуда секин шивирлаб гаплашгандим.

— Мен нима деганингизни кўзларингиздан билдим, — деб жавоб берди Дервиль, камин ёнидаги чуқур курсига ўтираётиб.

¹ Адлиячи (стряпчий) — суд вакили, бирон оиласнинг ёки бирон шахснинг хуқукини давлат муассасаларида, маҳкамларида ҳимоя қилувчи ишончли вакили. (Тарж.)

Камилланинг тоғаси жиянининг ёнига ўтириди, де Гранлье хоним эса, қизи билан Дервиль ўртасидаги пастак юмшоқина курсига чўкди.

— Виконтеssa, мен сизни граф Эрнест де Рестога муносабатингизни ўзгартиришга мажбур этувчи бир воқеани сўзлаб беришимга фурсат етди.

— Воқеани?! — деб хитоб қилди Қамилла. — Тезроқ сўзланг, жаноб Дервиль.

Адлиячи де Гранлье хонимга назар ташлади, бундан у ҳикоя унинг учун қизиқ бўлишигини фаҳмлади. Виконтесса де Гранлье насл-насабининг бадавлатлиги ва номдорлиги билан Сен-Жермен даҳаси атрофидаги энг мўътабар бегойимлардан бири эдики, албатта, қандайдир парижлик адлиячининг у билан бемалол гаплашиши ва унинг меҳмонхонасида ўзини эркин тутиши фалати кўринарди. Лекин бу сирни ечиш жуда осон. Де Гранлье хоним қиролнинг оиласи билан Францияга қайтиб келгач, Парижда жойлашган ва дастлабки кунларда фақат Людовик XVIII, Цивильний лист¹ ҳисобидан белгилаган нафақага тирикчилик ўтказганди. Бу унинг дилини қаттиқ оғритган эди. Адлиячи Дервиль Республика ўша вақтда Гранльенинг данғиллама уйини сотганида жузъий хатога йўл қўйганини тасодифан кўриб қолади-ю, бу уй виконтессага қайтарилиши керак, деб талаб қилади. Виконтессанинг топшириғи билан у суд мажлисида қатнашади ва ишни ютиб чиқади. Бу муваффақиятдан дадилашган Дервиль кексалар уйи билан жанжалли суд иши бошлади ва Лиснэдаги ўрмонзорларни виконтессага қайтаришга муваффақ бўлди. Кейин унга Орлеан каналининг бир неча акциясига ва император жамоат муассасаларига ҳадя қилган ажабтовор катта биноларга эгалик ҳукуқини олиб берди. Де Гранлье хонимнинг бойлиги эпчил, навқирон вакил шарофати билан тикланди ва йилига олтмиш минг франк даромад келтира бошлади, бу ёқда яна муҳожирлар кўрган заарларни тўлаш ҳақида қонун чиқиб қолди-ю, у жуда катта пул олди.

¹ Цивильний лист — давлат бюджети томонидан подшо ва сарой харажати учун ажратиладиган маблаг.

Инсоф-диёнатли, билимдон, камтар ва назокатли адлиячи Гранлье оиласининг дўсти бўлиб қолди. У ўз назокати ва сертавозелиги билан де Гранлье хонимга садоқати ва ҳурмат-эҳтироми билан Сен-Жермендаги энг бообрў хонадонларида янги мижозлар топди. Бироқ йигит баъзи иззатталаб одамлар каби уларнинг илтифотини суиистеъмол қилмади. У ҳатто виконтессанинг, конторангизни сотинг ва адлия маҳкамасига ўтинг, бу ерда менинг ҳимоям соясинда тез вақт ичиди мартабали бўлиб кетасиз, деб қилган таклифини ҳам рад этди. У ора-сира де Гранлье хонимнинг уйида кечқурунлари бўлишини ҳисобга олмагандা, «юқори табақага» мансуб одамлар орасида фақат алоқани тиклаш учун кўриниб қоларди. Адлиячи де Гранлье хоним манфаатларини жонжади билан ҳимоя қиласр экан, ўзини бахтли ҳисоблар, бу билан ўзининг ҳам қобилиятни намойиш қиласр эди. Йўқса, контораси завод топиши муқаррар эди. Зоро, унда адлиячиларда бўладиган олғирлик йўқ эди. Граф Эрнест Ресто виконтессанинг уйида кунда-шунда бўлиб қолганидан бери, Дервиль Камилланинг бу йигитга кўнгли борлигини фаҳмлаб, де Гранлье хонимнинг меҳмонхонасидан аrimай қолди. Унинг бу қилифи куни кеча Сен-Жермен зодагонлар жамиятига кира олишга рухсат олган Шоссе д'антинлик олифтани эслатарди. Таъриф этилган кечадан бир кеча кун аввал Дервиль балда мадемуазель де Гранльени учратиб қолди ва графни имлаб кўрсатиб деди:

- Афсуски, бу йигитчанинг икки-уч миллиони йўқ!
- Тўғрими?
- Нима учун афсус? Мен буни бахтсизлик деб ўйламайман, — деди қиз.-Жаноб де Ресто жуда қобилиятли, маълумотли одам. ҳозир у министр ихтиёрига юборилган. Министр уни ҳурмат қиласди. Ундан ажойиб арбоб чиқишига мен заррача шубҳаланмайман. Бу «йигитча» катта мансабга минса, бойлик ўз-ўзидан келаверади унинг қўлига — ҳа, лекин ҳозирнинг ўзида бадавлат бўлганда эди!

— Бадавлат бўлгандами? — деб тақрорлади Камилла анордек қизариб. — Унда бу ерда танца тушаётган қизларнинг ҳам-

маси уни хомталаш қилиб юборарди, — деб илова қилди у кадрилга танца тушаётган қизларни кўрсатиб.

— Ана унда, — деди адлиячи, — мадемуазель де Гранлье унинг нигоҳини ўзига тортаётган ёлғиз оҳанрабо бўлмасди. Қизариб кетдингиз чоги? Бунинг боиси не экан? Унга кўнглингиз борми? Айтаверинг...

Камилла курсидан енгил дик этиб турди.

«Уни севиб қолибди», деб ўйлади Дервиль. Шу кундан бошлаб Камилла Эрнест де Рестога мойиллигини Дервиль маъқуллаганини фаҳмлаб унга алоҳида ҳурмат кўрсата бошлади. Шу асногача у гарчи оиласи кўп нарса учун Дервилдан миннатдор эканлигини билса ҳам, уни ҳурмат қилишга қилардигу, лекин астойдил дўстлик меҳри билан севмасди, шу боис у билан муомалада самимиликдан кўра кўпроқ илтифот сезилиб турар эди. Унинг хатти-ҳаракатларида ва гап-сўзларида ораларидағи тафовутни кўрсатиб турувчи алланарса бор эдик, буни зодагонлар ўрнатган ва у зодагонча мулозамат деб аталар эди. Миннатдорлик - бу қарз, турган гапки, уни болалар мерос сифатида ота-оналаридан асло бажонидил қабул қилиб олмайдилар.

Дервиль фикрларини бир жойга жамлаш учун пича сукут сақлади, сўнг гап бошлади:

— Бугунги кечада атиги бир марта бўлиб ўтган ишқий можарони эсимга туширди... Мана сиз, қизиқ, адлиячининг ҳам бошига ишқ савдоси тушган экан-да, деб куляпсиз. Ахир мен ҳам бир вақтлар йигирма беш ёшар йигит эдим, ўша ёшлик чоқларимда анча-мунчча ажойиб ишлариниг шоҳиди бўлганман. Даставвал мен сизга ҳикоямда қатнашадиган бир одам тўғрисида сўзлаб беришим керак, турган гапки, сиз уни танишингиз мумкнин эмас, — гап бир судхўр ҳақида боради. Менинг сўзларимдан сиз у одамнинг афти башарасини кўз олдингизга келтира оласизми, йўқми, билмадим. Лекин Академиянинг ижозати билан уни моҳирухсор деб аташга тайёрман, зоро рухсорининг оқиш, сарғишилиги зарҳали кўчган кумуш рангини эслатарди. Сулхўримнинг соchlари тиккайган, мудом ҳафсала билан таралган, расмана оқарган, кулранг

кўқимтири эди. Юзининг тархлари худди Талейранни¹кидек безрайган, шавқсиз, гўё бронзадан қуилгандек туюларди. Кўзлари кичкина, сассиқ қўзанни²кидек сариқ, қарийб киприксиз, ўткир ёруқга тоб беролмас, шу боис соябони катта, уринган картуз кийиб юарди. Узун бурнининг учи чўтири, пармачага ўхшар, лаблари кимёгарлар, Рембрандт ва Метсу суратларидаги кўхна чолларни³кидек юпқа эди. Бу одам се-кин, майин гапираварди, ҳеч қачон қизишмасди. Унинг ёшини аниқлаш маҳол эди: шунча умр кўриб у кексайғанми ёки яхши сақлангану абадулабад ёшдек бўлиб қолаверадими, зинҳор-базинҳор тушунолмасдим. Унинг хонаси⁴даги ҳамма нарса: ёзув столига ёпилган яшил мовутдан тортиб каравот олдига солинган гиламчагача топ-тоза қилиб қўйилган эди. Кўринг-кўрманг, худди кун бўйи бефайз ошёнида ҳаммаёқни супуриб-сидириб, мебелни мум билан артиб юрувчи қари қиз уйининг ўзгинаси эди. Қишида каминда кул билан қопланган чўғаста тутаб турар, ҳеч қачон гуриллаб ёнмасди. Кўзини очганидан то йўтали тутадиган кечга довур унинг ҳаракатлари соат капгири сингари бир маромда бўларди. У бамисоли эрталаб бураб қўйиладиган одам-автомат эди. Агар қофоз устида судралиб бораётган эшаккуртига қўл теккиссангиз, у бир зум тўхтаб қолади ва тошдек қотади: бу одам ҳам сухбат пайтида дераза тагидан ўтиб бораётган фойтуннинг шовқини тинишини кутиб, бирдан сукутга чўмар, сабаби, овозини баланд кўтаришни истамасди. Фонтенель² сингари ўзи⁵даги барча инсонни ҳис-туйғуларни жиловлаб ҳаётий кучни тежар эди, Хуллас, унинг ҳаёти қадимги қум соатда бир текис тўкиладиган қумдек осойишта ўтарди. Баъзан унинг домига илинганлар аччиқланишар, қаттиқ қичқиришар, сўнг бирдан ошхонада ўрдак сўйгандан кейин бўладиган сукунат чўкарди. Кечга бориб вексель-одам оддий одам бўлиб қолар, кўксидаги бир парча

¹ Талейран Шарль Морис (1754–1838) — француз дипломати ва сиёсий арбоби. У ўта тутуруқсизлиги билан ном чиқарган. Наполеон I ва Реставрация даврида ташқи ишлар министри бўлган.

² Бальзак бу ерда бениҳоя босиқ ва хотиржам француз ёзувчиси Фонтенелни (1657–1757) кўзда тутган.

темир инсон юрагига айланар эди. Борди-ю, у ўтган кундан қўнгли тўлса, қўлини ишқалар, юзини ўргимчак ини каби қоплаган чукур ажинлардан қувонч нури таралаётгандек бўларди, — рост, унинг унсиз илжайишини, юзининг мушаклари ҳаракатини чамаси Чарм Пайпоқнинг¹ худди ўшандай сассиз қулгисига қиёс қилиш билангина таърифлаш мумкин бўлар. ҳаммавақт, ҳатто энг қувончли дамларда ҳам у бор-йўғи бир оғиз гапирав, сиполикни қўлдан бермасди. Замонанинг зайди билан де-Грэ кўчасида турганимла шундай қўшинга дуч келдим. Ўша вақтда мен суд назоратчисининг конторасида кичик котиб вазифасида ишлардим ва ҳуқуқшунослик факультетининг сўнгги курсида ўқирдим. Бу файзсиз, зах уйнинг ҳовлиси йўқ, барча деразалари кўчага қараган эди, хоналарнинг жойлашиши роҳибаларнинг ҳужраларини эслатарди; уларнинг катта-кичиклиги бир хил; ҳар бир ҳужранинг ягона эшиги тор, дарчалари бўлган нимқоронги узун йўлакка очиларди. ҳа, бу бино чиндан ҳам бир вақтлар монастиръ меҳмонхонаси бўлган эди. Бу хафагазак масканда битта-яримта оқсуяк ишратбоз йигитнинг шаддод шўхлиги қўшнимнинг ёнига кирмасиданоқ сўнарди: уй билан яшовчиси хил тушган эди, баайни қоя ва унга ёпишиб олган шилликқурт. Чол мулоқотда бўладиган ягона одам мен эдим. У мендан чўғ сўраб, ўқиш учун китоб ёки газета олгани чиқиб турар, кечкурунлари кулбасига қадамранжида қилишимга рухсат этар, баъзан, рафбати бўлса, биз икковлон суҳбатлашиб ўтирас ҳам эдик. Бундай ишонч тўрт йиллик қўшнилигимиз ва менинг боодоблигим самараси эди. Пулим йўқлиги важидан менинг ҳаёт кечиришим ҳам шу чолникига ўхшаб кетарди. Унинг қариндош-хешлари ёки дўст-ёрлари бормиди? Боймиди у, камбағалмиди? Бу саволларга биронта одам жавоб беролмасди. Мен сира ҳам унинг қўлида пул кўрмаганман. Бордию мол-дунёси бўлган бўлса, чамаси, банк ертўласида сақланарди. У векселлар пудини ундирав, иш бажариш учун чиллақдек, буғуники

¹ Чарм Пайпоқ — Америка ёзувчиси Фенимор Купер қаламига мансуб (1789-1851) қатор романлар: «Охири магикан», «Изкувар», «Ҳайвон овчисининг қаҳрамони овчи Натти Бампонинг лақаби».

сингари ориқ оёқлари билан бутун Парижни илдам айланиб чиқарди. Бир куни у тасодифан чўнтағида нул олиб юргану нимадир бўлиб нимчасининг чўнтағидан қўш наполеондор¹ тушиб қолган. Унинг орқасидан тушиб келаётган қўшниси тангани олиб унга узатган.

— Меники эмас бу! — деб хитоб қылган чол қўлини силтаб.- Тилла! Менда-я? Бой бўлганимда ҳеч вақт шундай яшармидим!

Эрталаблари камин ёнидаги дуд босган бурчакка қўйилган темир печкада ўзи қаҳва пиширас: тушликни унга ресторордан олиб келишар эди. Фаррош кампир белгиланган соатда унинг хонасини супуриб сидиргани келарди. Тасодифни қарангки, унинг фамилияси, — Стерн қисмат деб атаган бўларди,- жуда фалати — Гобсек² эди. Стерн бундай ҳолатда пешана-да, дер эди. Кейинчалик, у ишларини олиб боришеи менга топширганида, билдимки, мен танишган вақтимдаёқ у етмиш олтини уриб қўйган экан. У 1740 йилда Антверпенда туғилган экан: онаси-яхудий, отаси-голланд, тўла исму шарифи Жан-Эстер ван Гобсек экан. Албатта, сиз бутун Парижда дув-дув гап бўлган «Гўзал Голландка» деб аталган аёлнинг ҳалокати тўғрисида эшитгансиз. Кунлардан бир кун собиқ қўшним билан суҳатлашиб ўтирганимизда ногаҳон бу ҳодисани эсга олдим. Шунда у пинагини бузмай:

— Ҳа, у набира жияним, — деди.

Ягона меросхўри, синглисингининг набираси ўлими уни оғиз очишга мажбур қилди. Судда иш кўрилаётганда мен Гўзал Голлапдкани Сарра де Гобсек деб аташганини билдим. Гобсекдан мен бу фалати воқеани, яъни синглисингининг набираси унинг фамилиясида юргани сабабини тушунтириб беришини сўраганимда у илжайиб:

— Бизнинг авлодда ҳеч бир аёл эрга тегмайди, — деб жавоб берган эди.

Бу фаройиб одам бутун уруғ-аймогини ташкил этувчи тўрт авлод хотин-қизларидан биронтасини ҳам кўришни истама-

¹ Қўш наполеондор — олтин танга, бир наполеондор 20 франкка тенг.
(Тарж.)

² Окофат. (Тарж.)

ди. Меросхўрларини кўргани кўзи йўқ эди унинг, мол-дунёсига улар ҳатто ўлганидан кейин ҳам эга чиқишини хаёлига келтирмасди. Ўн яшарлигида онаси уни кемага юнгаликка киритиб қўйган ва шу билан у голландларнинг Шарқий ҳиндистондаги мулкларига сузаб кетган, йигирма йил бу ерда дарбадар ҳаёт кечирган эди. Сарғиш манглайидаги ажинлар даҳшатли синовларнинг, ногаҳоний қўрқинчли воқеаларнинг, тасодифий муваффақиятларнинг, жўшқин кечинмаларнинг, беадад шодликларнинг, оч юрган кунларнинг, завол топган севгининг, бойликнинг, қашшоқликнинг, яна бойлик орттиришнинг, таҳликали хавф-хатарнинг, ўлим чангалидан бир сониялик фурсат, балки шафқатсизларча қилинган хатти-ҳаракатлар туфайли омон қолган пайтларининг изини сақлаб турарди. У жаноб де Лалдини, адмирал Симезни, жаноб де Кергаруэтни ва д'Эстенни, байи де Сюрфенни, жаноб де-Портандюэрни, лорд Корнуэлсни, лорд Гастингсни, Типу¹ соҳибининг отасини ва Типу соҳибининг ўзини танирди. Деҳлида рожа Махажи Синунахуга хизмат қилувчи, Махаратийларнинг куч-қудратини ошириш йўлида жонбозлик қилувчи маҳкама бошлигининг ўзи билан у биргаликда иш олиб борарди. Унинг Виктор Юз ва бошқа машхур қароқчилар билан ҳам қандайдир алоқаси бор эди. Ахир, у Сен-Том оролида узоқ вақт яшаган эди-да. У бойиш мақсадида минг гўлахга кириб чиққан, ҳатто довруқ солган дафина ёввойилар қабиласи кўмган олтинни қидириб топиш учун Буэнос-Айреснинг чекка ерларигача борган эди. Қўшма Штатларнинг мустақиллиги учун бўлган урушларнинг барча воқеа-ҳодисаларида у қатнашган эди. Аммо ҳиндистон ёки Америка ҳақида у фақат мен билан ора-сира сұхбатлашар, ҳар сафар шундан кейин «эзмалик» қилгани учун гўё пушаймон егандек бўлар эди. Агар одамий-

¹ Бальзак Ҳиндистонни истило қилиш учун (XVIII асрнинг 50-60 йиллари) инглиз-француз қуролли кураши давридаги Франция, Англия ва ҳиндистоннинг катор ҳарбий ва сиёсий арбобларининг исми шарифини келтирган, у тарихий шахслар (Лалли, Сюфрен, Гастингс, Типу соҳиб ва бошқалар билан бирга «Башарият комедияси» персонажларининг ясама номларини (Кергаруэт, де Портандюэр) ҳам келтиради.

лик, одамлар ўртасидаги муносабатларни ўз йўлида дин деб аталса, Гобсекни даҳрий дейиш керак эди. Гарчи уни ўрганишни олдимга мақсад қилиб қўйган бўлсам ҳам, шуни шармандаларча эътироф этишим керакки, сўнгти дақиқагача унинг қалби мен учун зим-зиё қоронғилигича қолди. Баъзан ҳатто ўзимдан-ўзим, бу эркакми ёки аёлми, деб сўрадим. Башарти барча судхўрлар унга ўхшаса, турган гапки, уларни худо урган экан. У онасининг динига содик қолганмиди ва христианларга бир ўлжа сифатида қаравмиди? Католик, мусулмон, брахманлик ихлосманди, лютерчи бўлганмиди? Унинг имон-ишенчи ҳақида мен ҳеч нарса билмасдим. Дин масалаларига у даҳрийларга қараганда кўпроқ бепарво эди. Бир куни кечқурун мен бу тилла бутга айланган, унга емиш бўлганлар истеҳзо билан «Гобсек ота» деб атаган одамнинг уйига кирдим. У ўз одатича чуқур курсида гўё ҳисобот квитанциялари тилхатларни қайта бошдан ўқиётгандек қимир этмай каминнинг зеҳнига нигоҳини қадаб ўтирап эди. Сийқаланиб кетган яшил таглиқда тугаётган чироқ нури унинг юзига тушиб туарар, бироқ бундан унинг юзи асло жилоланмас, қайтанга баттар рангпар кўринар эди. Чол менга қаради ва қўли билан одатда мен ўтирадиган стулни кўрсатди. «Бу жонзот нимани ўйлаётибди? – деб сўрадим ўзимдан ўзим. – Дунёда худо, ҳис-туйғу, севги-баҳт деган нарсалар борлигини билармикин?»

Гўё у оғир бетобдек ҳатто унга раҳмим ҳам келди. Лекин мен борди-ю, унинг банқда миллионлари бўлса, ўзи кезиб чиққан, тит-питини чиқазган, салмоқлаб кўрган, баҳо қўйган, талаган барча мамлакатларни хаёлан забт этиши мумкинлигини жуда яхши тушунардим.

– Салом, Гобсек ота, – дедим мен.

У бошини ўтирди, қуюқ қора қошлари билинар-билинмас учди, унинг ўзига хос бу қилиғи жанубликнинг энг илтифотли табассуми билан teng эди.

– Бугун сиз худди тунов куни эпчиллиги учун мақтаганингиз китоб ноширининг синганини эшитганингиздаги каби хафасиз. Чув туширди, а, ўша сизни!

– Мени-я? – ажабланди у.

— Эсингиздами, у сиз билан худди ота-боладек битим тузишга эришган эди, қарзинн түлай олмаслиги важидан шартта биноан бутун векселларини сизнинг номингизга ҳатлаб берган эди, кейин ишлари юришиб кетгач сиздан шу шартномага кўра қарзни камайтиришни талаб қилган эди.

— Ҳа, айёр эди, — деб тасдиқлади чол. — Бироқ мен уни кейин яна тумшуғидан илинтирдим.

— Балки ҳақингизни ундириш учун биронта векселни топшириш вақти бўлгандир! Бугун ойнинг ўттизинчн куни, шекилли.

Мен у билан бирнинчи марта пул ҳақида гаплашдим. У ялт этиб менга қаради, қошини қандайдир масхараомуз учирди, кейин нўноқ созанданинг қўлидаги най овозидек ингичка, чийилдоқ оҳангда деди:

— Мен кўнглимнн хушлаяпман.

— Сиз ҳам кўнглингизни хушлаб турасизми?

— Нима, сизнингча, фақат шеърларини бостирадиган шоирми? — деб сўради у кифтини учирив, кўзларини нафратомуз сузганча.

«Шеърият? Шундай каллада-я?» — ҳайрон бўлдим, зеро ўшанда унинг ҳаётини сира ҳам билмас эдим.

— Кимнинг ҳаёти меникidan гўзалроқ? — деди у кўзлари чақнаб. — Сиз ёшсиз, томирларингизда қон кўпиради, шунинг учун каллангизда ҳавойи фикрлар чарх уради, сиз каминда ёнаётган ўтинга қараб, оловда аёлнинг чехрасини кўрасиз, мен эса, кўмирни. Сиз ҳамма нарсага ишонасиз, мен бўлсан ҳеч нарсага ишонмайман. Нима ҳам дердим, хом хаёлларингизни эҳтиёт қилинг, кўлингиздан келса. Мен ҳозир инсон ҳаётининг интиҳосини таърифлаб бераман. Сиз хоҳ дайди сайёҳ бўлинг, хоҳ уйда кўмилиб ўтирадиган, иссиқ ўрнингизу рафиқангиздан ҳеч қачон ажралмайдиган одам бўлинг, барибир шундай ёшга етасизки, бутун ҳаёtingиз ўрганган муҳитда яаш одатига айланади. Ана шунда баҳт турмушга нисбатан ўз лаёқатингизни синашдан иборат бўлиб қолади. Мана шу икки қоидадан бошқа ҳаммаси-бўлмажур нарса. Мен нуқтаи назаримни вазиятга қараб ўзгартиришимга, уларни географик кенгликларга мослаштиришимга тўғри келган. Европада ҳаммани қойил қолдирадиган нарса Осиёда қора-

ланади. Парижда иллат саналувчи нарса Азов оролларининг на-
рёғида зарурият деб тан олинади. ҳа, ер юзида пухта нарса йўқ,
фақат шартлилик бор, ҳар бир иқтимода улар ҳар хил. Кимда-
ким чор-ночор замонасозлик қилиган бўлса, унга сизнинг ҳар
қандай одоб-ахлоқ қонун-қоидаларингиз ва ишонч-эътиқодин-
гиз уч пул. Бизга- табиатнинг ўзи ато этган яккаю ягона ҳисси-
ёт - ўз-ўзини ҳимоя қилиш туйғусигина ҳамиша барқарор! Ев-
ропанинг маданий давлатларида бу туйғу шахсий манфаатдор-
лик деб аталади. Менинг ёшимга етсангиз, дунёда баҳт-саодат-
дан ҳам ишончли, кетидан қувса арзийдиган фақат бир нарса
борлигини биласиз. Бу... олтин. Инсоннинг барча кучи олтин-
да мужассамлашган. Мен саёҳат қилиб юрганимда бутун ер
юзида текисликлар ва тоғлар борлигини кўрдим. Текисликлар
меъдага уради, тоғлар чарчатади: хуллас, қаерда яшасанг ҳам
буниг аҳамияти йўқ. Хулқ-атвор хусусига келсак, одам ҳамма
ерда бир хил; ҳамма ерда камбағаллар билан бойлар ит-мушук.
Шундай бўлиши табиий. Демак, ёсени эзишларига йўл қўймай,
ўзинг бошқаларни эзганинг тузуқ ҳаммаёқда билагида кучи
борлар меҳнат қиласи, нимжонлар қийналади. Роҳат-фароғат
ҳам ҳамма ерда бир хил, ҳамма ерда улар бир хил тинкани қури-
тади: барча роҳат-фароғатни фақат биргина эрмак - шуҳратпа-
растлик енгади. Шуҳратпаратлик! Бу нарса бизнинг қонимиз-
да бор. Хўш, шуҳратпаратликни нима қондириши мумкин?
Олтин! ҳадди-ҳисобсиз олтин. ҳою ҳавасларимизни қондириш
учун вақт, моддий имкониятлар ёки шарт-шароит керак. Нима-
ям дердик! ҳамма нарса олтинда куртак ҳолатида. Турмушда у
ҳамма нарсани беради.

Фақат ақлсизлару касал одамларгина сурункасига кечку-
рунларни баҳтини синаб бир неча тийин ютиш илинжида қарта
устида беҳуда ўтказиши мумкин. Ёлғиз аҳмоқларгина фалон-
чи хоним диванда бир ўзи ётармикин ёки битта-яримта билан
кўнглини хушлармикан, бу хонимда ўзи нима кўпийкин,
қонми, лимфами, эҳтиросми ёки саховатми, деб куракда тур-
майдиган гапларга вақтини сарфлаши мумкин. Фақат нодон-
ларгина оқибати нима билан тугашини ҳеч қачон билиб
бўлмайдиган воқеаларни бошқариш мақсадида сиёсий прин-

ципларни ўрнатиш билан шуғулланиб, яқин одамимга фойда келтиряпман, деб хаёл қилиши мумкин. Ёлғиз овсарларгина актёрлар ҳақида валдирайди ва уларнинг асқияларини такрорлайди, ҳар куни сайру томошаларда қафасдаги ҳайвонлардек гирдикапалак бўлади, рост, озодликда майдон катта, бошқаларнинг кўзини ўйнатиш учун башанг кийнади, ном чиқариш учун зиёфатлар беради. Наслдор отлари ёки янги чиққан коляскаси билан мақтанади. Ваҳоланки, уни қўшнисидан нақ уч кун олдин сотиб олишга мушарраф бўлган. Мана сизга парижликларингизнинг мукаммал ҳаёти, булар бир неча жумлага жо бўлади, тўғрими? Бироқ одамлар кўтарила олмайдиган юксакликдан уларнинг турмушига разм солинг. Бахт ни-мада? Бу ё ҳаётимизни емирадиган кучли ҳаяжон ёхуд ҳаётни байни яхши созланган инглиз механизмига айлантирувчи бир маромдаги машғулотdir. Бу бахтдан фақат, таъбир жоиз бўлса, «олижанобларча» ҳавасмандлик, табиат сирларини ўрганишга уриниш ва унинг кўринишларини кашф этишда маълум натижаларга эришишгина юқори туради. Икки оғиз қилиб айтганда, мана сизга санъат ва фан, эҳтирос ва хотиржамлик. Тўғрими? Хулласи калом, сизнинг ҳозирги жамиятингизда манфаатлар тўқнашувида ўтдек ёнган инсоний эҳтирослар кўз олдимдан ўтаверади, мен уларни кўриқдан ўтказаман, ўзим эса, тинч-хотиржам яшанвераман. Сизнинг илмга ҳавасмандлигиниз ўрнига мен (бу ўз йўлида шундай яккама-якка олишувки, унда, албатта, одам мағлуб бўлади) инсониятни ҳаракатга келтирувчи барча асосларни англаб этишни афзал биламан. Хуллас, мен жонимни койитмай дунёга ҳукмронлик қиламан, дунё эса, менга заррача бўлсин ҳукмини ўтказолмайди.

— Мана қулоқ солинг, — деди у бир оз сукут сақлаб тургач, — мен сизга бутун эрталаб кўз олдимда содир бўлган иккита воқеани сўзлаб бераман, шунда сиз менинг эрмагим нима эканлигнни тушунасиз.

Гобсек ўрнидан туриб эшикнинг илгагини солди, дераза олдига бориб, эски гилам дарпардани сурди, шунда унинг ҳалқалари металл таёқда сурилиб ғичирлаб кетди, кейин қайтиб келиб, яна курсига ўтириди.

— Бугун эрталаб, — деди у, — қарздорлардан иккитасининг векселига пул ундиromoқчи эдим, қолганларини мен кеча ўз ҳисобим бўйича ишга тушириб юборган эдим. ҳарна-да! Ахир мен ҳисобда тўланадиган пулдан қарзни ундириш учун кетадиган харажатга ва ҳеч қачон ёлламасам ҳамки, қирқ судан¹ извошлига ажратаман. Ахир қандайдир олти франк фойда деб бутун Парижни лўқиллаб айланиб чиқишим кулгили эмасми? Ўзи хон, ўзи бек, бор-йўғи етти франк солиқ тўлайдиган мендек одам-а! Минг франкли биринчи векселни мендан хушсурат ва олифта бир йигит ўз ҳисобига олди; Унинг устида ялт-ялт жилетка, қўлида лорнет, ихтиёрида тильбюри², инглиз тулпори ва шу кабилар. Векселни хотин киши, энг латофатли парижлик аёл, қандайдир мулкдор, боз устига графнинг рафиқаси берган эди. Нима учун муҳтарама графиня юридик жиҳатдан қалбаки, бироқ амалда тамомила ишончли векселга имзо чекди экан? Ахир, бу тантқи ойимчалар оиласвий можаролардан шундай қўрқишиадики, вексель судга оширилган тақдирда улар пулни тўлашга қодир бўлмасалар, ўзларини бағишлаб бўлса-да, бу ишни ёпиб кетишга ҳаракат қиладилар. Мен бу векселнинг сирини билишга жазм қилдим. Нима яширган бунда: лақмаликми, шошқалоқликми, севгими ёки раҳмдилликми? Қандайдир Фанни Мальво деган аёл имзо чеккан худди шунча миқдордаги пуллик иккинчи векселни читфуруш, синиши аниқ савдогар ўз ҳисобига олган эди. Ахир, банкада озгина пули бор биронта одам меникига келмайди: у остона ҳатлаб хонамга кирганидан ёзув столим ёнига келгунча нажотсизлигини, барча банкирлардан пул сўраб бекорга овора бўлганини, бошига оғир кулфат тушганини ошкор этади. Мен уйимда фақат таъқибга учраган кийикларни кўраман, уларнинг кетидан бир тўда қарз берувчилар қувади. Графиня Гальдерская кўчасида, Фанни Мальво эса, Монмартр кўчасида туради. Бугун уйдан чиққанимда не-не хаёлларга бормадим! Борди-ю, бу икки аёлнинг тўлашга ҳеч вақоси бўлмаса, мени ўз отасидан

¹ Су — француз тангаси.

² Тюльбюри — битта от қўшиладиган, икки гилдиракли, усти очиқ енгил арава. (Тарж.)

күпроқ иззат-хурмат билан қарши олади. Графиня хўп найрангбозлиқ қиласди, минг франк учун ўзини минг мақомга солади! Очиқ чирой билан жилмаяди, тилёгламалик билан майин гапиради. Номига вексель берилган анави навқирон йигитга ширин гапиргани каби, оғзидан бол томади. ҳатто менга илтижо қилса ҳам ажаб эмас! Мен бўлсам... — чол менга совуқ назар ташлади. — Мен пинагимниям бузмайман — деди у. — Худди жазо янглиф, виждан азобидек пайдо бўламан... Хўп майли, гумонларимни кўя турамиз. Хуллас, уйига бордим.

«Графиня ҳали ўринларидан турганлари йўқ», деди оқсоч.

«Уларни қачон кўрса бўлади?»

«Ўн иккidan кейин».

«Нима, графинянинг тоби йўқми?»

«Йўқ, сударь, улар балдан эрталаб соат учда келдилар».

«Менинг фамилиям Гобсек. Гобсек келди, деб хабар қилинг. Мен пешинда яна келаман».

Шундан кейин мармар пиллапояларга тўшалган гиламни лой оёғим билан ифлос қилиб пастга тушдим. Мен лой бошмоғим билан бойларнинг гиламларини ифлос қилишни яхши кўраман. Буни анчайин манманлик учун эмас, муқаррарликнинг чангалик панжасини сезиб қўйишлари учун қиласман. Монмартр кўчасидаги кўримсизгина уйга келиб, дарвозанинг кўхна эшигини очдим, ҳовлиси бамисоли ҳеч қачон күёш нури тушмайдиган ўра. Дарбон хотиннинг ҳужраси қоронғи, деразасининг ойнаси чопоннинг ифлос, яғири чиққан енгига ўхшайди, тағин денг, ҳамма ёғи дарз кетган.

«Мадемуазель Фанни Мальво шу ерда турадими?»

«Ха, лекин ҳозир йўқ уйда. Агар сиз вексель хусусида келган бўлсангиз, сизга у пул ташлаб кетган».

«Мен кечроқ келаман».

Пулни дарбон хотинга ташлаб кетгани нур устига аъло нур, бироқ мен қарздор аёлни кўришга иштиёқманд эдим. Менга негадир у серишва енгилтак бўлиб кўринди. Хуллас, тонгни магазинларнинг деразаларидаги гравюраларни томоша қилиб ўтказдим. Аммо қоқ пешиңда графинянинг ётоқхонаси ёнидаги меҳмонхонада ҳозир бўлдим.

«Бегойим ҳозиргина қўнғироқ қилдилар, — деди менга оқсоч. — Менимча, ҳозир сизни қабул қилолмасалар керак».

«Мен кутиб тураман», дедим ва курсига ўтирдим.

Дарпарда очилди-ю, оқсоч юргилаб келди.

«Марҳамат, кириңг, сударъ».

Оқсочнинг ширинсўзлигидан беканинг қарзини тўлашга пули йўқлигини фаҳмладим. Лекин мен шундай бир соҳибжамолни кўрдимки, таърифига сўз йўқ! Шошганидан у яланғоч елкасига кашмири шолрўмол ташлаган ва унга шундай усталик билан ўралган эдики, унинг остида зебо қомати яққол кўзга ташланарди. Унинг устида фақат қордек оқ рюш билан бурма қилинган пенъюар бор эди. Демак, нафис кўйлакни юувучи қўли гул кирчи аёлга йилида икки минг франкдан кам пул кетмайди. Бошини креолка¹ каби почапоча гулли рўмолча билан пала-партиш боғлаган, рўмолча тагидан қора гажаклари чиқиб турарди. Кўриниб турган ўрни гижим, унинг бетартиблиги гравиянинг уйқуси беҳаловат бўлганидан дарак берарди. Шу куни эрталаб қарздоримнинг ётоқхонасида лоақал бир дақиқа бўлиш учун рассом хонумонини аямасди. Каравот ёнига тушиб турган парда бурмалари гўё ҳузур-ҳаловат ваъда қилар, ҳаворанг шойи партўшакда бир четга сурилган чойшабу ложувард ошёнда қордек оқариб яққол кўзга ташланаётган жимжимадор ёстиқ гўё гулдек қоматнинг суратини пинҳон тутаётгандек туюлар, кўнгилга гулгула солар эди. Қизил дараҳтдан қилинган каравотни кўтариб турган мис арслонлар ёнига тўшалган айик терисида балдан ҳориб-толиб қайтган аёлнинг бепарво ташлаган атлас туфличалари йилтираб ётарди. Стул суюнчиғидан гижим кўйлакнинг енглари осилиб тушган, гиламга тегиб турар эди. Курси оёқлари атрофида ҳарир пайпоклар ётар, қилт этган шабада эсса, уларни учириб кетгудек эди. Диванчада оқ шойи пайпок богочлари чўзилиб ётарди. Камин устида ярим очиқ қимматбаҳо елпигич ранго-ранг товланарди. Кийим-кечак жавонининг тортмалари очиқлигигча қолган эди. Бутун хонада гуллар, бриллиантлар, қўлқоплар, гулдасталар, белбоғлар ва

¹ Креолка, креоллар — Лотин Америкасида тугилган европаликлар.

балда кийиладиган либосларнинг зарур буюмлари сочилиб ётган эди. Қандайдир нафис атрларнинг бўйи тарапарди. ҳамма ёқда бесаранжом гўзалик, ҳашам ва бетартиблик кўзга ташланарди. Хуллас, бу аёлга ёки маҳбубига бало-қазодек кўз тиккан, ана шу ҳашам ортида пусиб турган қашшоқлик бош кўтариб, ўткир тишларини иржайтирган эди. Графиняниг ҳорғин чеҳраси ётоқхонасига ўхшар, унда тунги шод-хуррамликтининг низомалари сақланиб қолган эди.

Ҳамма ёқда сочилиб ётган зеб-зийнатларни кўриб юрагим туздек ачишди. Куни кечагина булар унинг бир чиройига минг чирой қўшиб, кимларнингдир кўзини ўйнатган эди. Уларнинг ҳаммаси виждан азоби билан огуланган севги-ю, ўйин-кулги, ҳашам, шодиёналар акс этган тараллабедод ҳаётни мужассамлантирган эдики, аёл энди зўр бериб қўлдан кетаётган ўша ҳузур-ҳаловат ва роҳат-фароғатни бой бермасликка тиришаётганини очиқ-оидин кўрсатарди. Бу ёш жувоннинг юзларида намоён бўлган қизил доғлар унинг териси нозик бўлганидан далолат берар, бироқ юзи гёй кўпчиғандек кўринар, кўзлари тагидаги соялар янада аниқ-тиниқ кўринаётгандек туюлар эди. Лекин барибир унинг табиат ато қилган файрат-шижоати барқ урар, бемаъно ўтган ҳаёти унинг чиройига путур етказолмаган эди. Кўзлари чақнаб турар, хуснлатофатда беназир эди: у Леонардо да Винчи чизган гўзал Иродиадаларнинг бирини эслатар (мен ахир қадимги рассомларнинг суратларини олиб сотганман-да) эди. Ундан завқшавқ, куч-қувват ёғиларди. Унинг қадди-бастида сўлғинлик, маъюсликдан асар ҳам йўқ эди, у муқаррар севгига ихлос уйғотар, аммо унинг ўзи севгидан кучли кўринарди. Хуллас, бу жувон менга ёқиб қолди. Юрагим кўпдан бери бунаقا тепмаган эди. Демак, мен ҳақимни олдим. Ёшлик чоғларимдаги туйгуни яна қайта бошимдан кечиришим учун мен ўзим минг франк беришга тайёр эдим.

«Жаноб, — деди у мени ўтиришга таклиф қилиб, — марҳаматингизни дариф тутмай, қарз муддатини бир оз кейинга суrolмайсизми?»

«Эртага пешингача майли, графиня, — дедим унга кўрсат-

ган вскелни буқлай туриб. — Шу мұхлаттагача векселингизни судга оширмайман».

Хаёлан мен унга бундай дедим: «Бу ҳашам, унвонинг, баҳтинг, фойдаланаётган барча имтиёzlаринг учун ҳақ тұла. Бойлар ўз мол-дунёларини сақлаш учун трибуналарни, судьяларни, гильотинани ўйлаб чиқарадилару парвона ўзини чироққа үргандек буларга ўзларини урадилар, ландавурлар. Бироқ сизлар учун атласда ётиб, атлас ёпинадиган одамлар учун бошқа нарса: виждон азоби, кулгу остига яширилған тишиң көрінілгенде, қалбингизга тишларини санчувчи арслон оғизли химералар¹ мавжуд.

«Векселни судга оширасизми? Наҳотки, сиз шунчаликка борсанғиз? — деб ҳитоб қылди у менга тикилиб. — Наҳотки, мени шунчалик оз ҳурмат қиласиз?»

«Борди-ю, мендан қирол қарз бўлганда, графиня, ва қарзини муддатида тўламаганда, мен уни бошқа қарздорлардан олдинроқ судга берардим».

Шу аснода аллаким эшикни аста қоқди.

«Мен уйда йўқман!» — деб қичқирди графиня аччиқланиб.

«Анастази, бу мен. Сизда икки оғиз гапим бор эди».

«Кейинроқ, азизим», — деди графиня жаҳлдан бир оз тушиб, бари бир бу сўзни у мулойим қилиб айтмади.

«Бу қанақаси! Ахир, сиз ким биландир гаплашяпсиз-ку», деди ташқаридаги одам, сўнг эшик очилдию хонага бир эркак кирди, — турган гапки, графнинг ўзи эди у.

Графиня менга ялт этиб қаради, мен унинг аҳволини тушундим, у менинг қулим бўлиб қолган эди. Эҳ, йигит, векселларни судга оширмай аҳмоқлик қилған вақтларим ҳам бўлган, 1763 йили Пондишерида мен бир аёлга шафқат қилғанман. Охири нима бўлди, денг! Роса чув тушириб кетди мени! Айб ўзимда, нега энди унга ишондим?!

«Хўш, сизга нима керак, жаноб?» — деб сўради граф мендан.

Шу чоқ мен тўсатдан унинг хотини дир-дир титраётганини, оппоқ силлиқ бўйни ғудда-ғудда фоз терисига айлангани-

¹ Химера — қадимги грек мифологиясида баҳайбат ҳайвон.

ни пайқадим. Мен ичимда кулардим, бироқ юзимдаги биронта мушак құлт этмасди.

«Бу киши менинг таъминотчиларимдан бири», деди графиня.

Граф менга орқасини ўтируди, мен эса, чўнтағимдан буклоғлиқ векселнинг бир учини чиқаздим. Жувон бу бешафқат ишорани кўриб ёнимга келди ва менга бриллиант берди.

«Олинг, — деди у. — Тезроқ йўқолинг».

Мен бриллиант эвазига векселни бердим ва таъзим қилиб чиқиб кетдим. Менинча бриллиант нақд бир минг икки юз франк турарди. Графнинг қўргонида турли-туман хизматкорларни кўрдим, лакейлар чўткалар билан уқали камзулларини тозалашар, этикларини ярқиратишар, отбоқарлар ҳашаматли файтонларни ювишар эди. Менинг хузуримга машхур жанобларни ана шу нарсалар югуртиради. Назокат билан миллионларни ўғирлашга, ватанфурушлиқ қилишга уларни шулар мажбур қиласди! Яёв юриб локланган этикларини ифлос қиласлик учун бу қалондимоф жаноблару уларга тақлид қиласидиган ҳар бир киши қулоқларигача разолатга ботишга рози. Худди шу аснода дарвоза очилди-ю, мендан графиняning векселини ўз ҳисобига олган ўша навқирон олифта кабриолетда ҳовлига кирди.

«Жаноб, — дедим унга кабриолетдан сакраб тушгач, — мана икки юз франк, малол келмаса, графиняга айтсангиз, у менга берган омонатни пича тутиб тураман, бир ҳафта ичида қайтариб олиши мүмкин».

Олифта икки юз франкни олди, лабларида истеҳзоли табассум бир зум жилва қиласди. Бу билан у: «А-ҳа, тўлабди-да! Нима ҳам дердик, жуда соз!» — дегандек бўлди.

Шунда мен унинг юзида графиняning бутун келажагини кўргандек бўлдим. Бу оқ-сариқдан келган турқи совуқ олифта, тошбагир қиморбоз ўзиям хонавайрон бўлади, графиняни ҳам, унинг эрини ҳам, бола-чақаларини ҳам хонавайрон қиласди. Уларнинг меросларини елга совуради, бошқа салонларда¹ ҳам душман қўшинларининг тўпларидан баттарроқ хонавайрон қиласди ҳаммани.

¹ Салон — буржуа дворянлар уйидаги меҳмонхона.

Кейин мен Монмартр күчасига, мадемуазель Фанниниң кетдим. Тор, тикка зинадан олтинги қаватта чиқдим. Мени иккى хоналик квартирага киришишди, ҳаммаең чиннидек тоза, олтин тантадек ярқиарди, бириңчи хонадаги жиҳозларда гард күринмасди, бека — ёшгина қызы, мадемуазель Фанни мени шу ерда қабул қилди. У парижлик аёлларга хос күркем, лекин оддий кийинган эди: унинг боши бежирим, юзи атиргулдек тароватли, чөхраси очиқ эди; чиройли тараалган күнғир соchlари иккى тутам осилиб тушиб чаккаларини яшириб турар, бу биллурдек тиниқ, мовий күзларига нафис ифода бағишиларди. Деразалардаги пардалар орасидаи сизиб ўтаётган күёш нури унинг хоксор сиймосини майин ёғду билан ёритарди. Унинг атрофида бичилган бўлак-бўлак матолар таҳлаб қўйилган эди, шунда мен у тириклигини қай йўл билан ўтказишларини фаҳмладим; турган гапки, у тикувчи эди. Бу қызы танҳоликдаги парига ўхшарди.

Мен унга векселинн узатиб, эрталаб келган эдим, сизни учратолмадим, дедим.

«Пул дарбон хотинда эди-ку», деди у.

Мен ўзимни унинг гапини эшиитмаганга солдим.

«Сиз, чамаси, уйдан барвақт чиқиб кетар экансиз!»

«Умуман, уйдан кам чиқаман, биласизми, туни бўйи ишустида қадалиб ўтиргандан кейин, чўмилгиси келади одамнинг».

Мен унга синчиклаб қаради-му, дарров унинг аҳволини фаҳмладим. Қаршимда, турган гапки, муҳтоҷлик оғир меҳнат қилишга мажбур қилган қызы турарди. Эҳтимол бирор фермернинг қизи бўлса керак, юзида ҳамон деҳқонларнинг қизларида бўладиган сепкил қўзга ташланарди. Ундан нимадир яхшилик, чинакамига саховат нафаси уфурарди. Мен самимият ва руҳий поклик қасрига қадам қўйгандек бўлдим, нафас олишим ҳам енгиллашди. Шўрлик содда қыз! У алланарсага умид боғларди: жўнгина ёғоч каравотнинг бosh томонида бутга михланган Исонинг сурати осилган, у шамшод дарахтнинг иккى новдаси билан безатилган эди. Мен қарийб ийиб кетдим. Атиги ўн иккى процент фойда эвазига унга қарз бериб, унинг бирор даромадли дўкон сотиб олишига ёрдамлашишга тайёр эдим. Э, йўқ, — деб ўзимга ўзим насиҳат қилдим. — Унинг, ҳар қалай,

биронта ёш амакиваччаси бордир, вексель ёздириб, бу боё-қиши кафангадо қиласи. (Шу таҳлит мен, йўқ, тантиликка бало борми, деб ўзимга ўзим дашном бериб чиқиб кетдим: ахир мен олийҳиммат одамга тантилик зарар-захмат етказ-маслигини, аксинча, илтифотга сазовор бўлган одам панд еганини жуда кўп кўрганман-да, Бундай мурувват фалокат келтиради. Сиз бугун хонамга кирганингизда мен худди шу Фани Мальво ҳақида ўйлаб ўтиргаи эдим. Мана ундан вафодор хотин ва меҳрибон она чиқади. Бокира, ёлғиз қизнинг ҳаёти билан векселга имзо чека бошлаган ва ҳадемай ҳар хил иллатларнинг ботқогига ботадиган бой графинянинг ҳаёти солиштириб кўрилса, улар орасида осмон билан ерча фарқ бор!

Чол ўйга толиб бир дақиқа жим қолди, бу пайт мен унга разм солиб турдим.

— Қани айтинг-чи, — деди у дабдурустдан. — Менинг кўнгил очишларим наҳотки ёмон бўлса! Наҳотки, инсон қалбининг энт нозик жойига қўл солиш қизиқ бўлмаса? Бегона одамнинг ҳаёти ичига кириб, уни безаксиз, рўй-рост кўриш наҳот дик-қатга сазовор эмас? Қандай манзарани кўрмайсиз сиз у ерда? Битмас яра, тасаллисиз ғам-андух, яна денг, ишқий эҳтирослар, ўзини Сена сувига отиб бу дунёдан кўз юмишга мажбур этувчи қашшоқлик, ҳузур-ҳаловат йўлида эгри қадам босиб, жаллод кундасига бош кўядиганлар, најотсизлик қаҳқаҳаси ва дабдабали зиёфатлар кўзга чалинади. Бугун фожиа кўрасан: бирон-бир ҳалол, меҳнаткаш, оила бошлиғи бола-чақасини боқолмай жонига қасд қиласи. Эртага комедия томоша қиласан: ёш танбал йигит кўз олдингда Диманшини лақиллатган қарздор¹ тасвиirlанган классик саҳнанинг янги вариантини ўйнамоқчи бўлади. Сиз, албатта, ўтган асрда номи чиққан раҳмидил чиллаки дин пешволарининг суханварлиги ҳақида ўқиган-сиз. Мен баъзан вақтимни аямай, уларнинг ваъзларини эшитгани борардим. Улар баъзи нарсаларда эътиқодимга таъсир этишга муваффақ бўлдилар, лекин менинг хулқ-авторимга зар-

¹ Мольернинг (1622–1673) «Дон-Жуан» комедиясидан саҳна, бунда пьеса қаҳрамони оғзидан бол томиб ўз кредитори Диманшини шундай усталик билан лақиллатадики, у йигитдан қарзини сӯрашга ботинолмайди.

рача бўлсин таъсир этолмадилар. Мутглақо, деган эди кимдир. Хуллас, билиб қўйинг, сизнинг барча ўша маълум ва машхур воизларингиз, ҳар хил анави Мирабо¹, Вернью² ва бошқалар менинг ҳар кунги нотиқларим олдида ип эшолмайдилар. Қандайдир ошиқу бекарор қиз, кафандаго бўлиш олдида турган савдогар чол, ўғлининг айбини яширишга уринган она, бир бурда нонга зор рассом, шумшук кўриниб қолган, устига-устак, пулсизлик касрига узоқ йиллар давомида қилган бутун тоат-ибодати учун уч пул бўлаётган мансабдор - ҳамма-ҳаммаси баъзан гапларининг кучи ва сехри билан ҳанг-манг қилиб қўйишарди. Қойилмақом актёрлар! Бу томошани ёлғиз мен учун қўядилар! Бироқ мени алдаш ҳеч қачон уларнинг қўлларидан келмайди. Менинг назарим бақавли худонинг назаридек: мен уларнинг дилини кўриб тураман. Назаримдан ҳеч нарса пана бўлолмайди. Қўлида бир қоп тилласи бор одамдан ҳеч вақтда бирон нарсаларни аяйдиларми! Мен инсон виждонини сотиб олишга қурби етадиган бой одамман, дасти дароз министрларни уларнинг эркатойлари, идора ходимларидан тортиб, маъшуқаларигача ишга солиб ўз йўлимга юргизаман. ҳукмфармонлик эмасми бу? Истасам, энг гўзал аёлларни қўлга киритаман, ноз-қараашмаларни сотиб оламан. ҳузур-ҳаловат эмасми бу? Ахир ҳукмфармонлик ва ҳузур-ҳаловат сизнинг янги ижтимоий тузумингизнинг туб моҳияти эмасми? Менга ўхшаган одамлар Парижда ўнта; сизларнинг тақдирингизнинг жилови бизнинг қўлимиизда, аммо ўзимиз ювош, фақир киши панада қабилида юрамиз. ҳаёт – пул ҳаракатга келтирадиган машина эмасми? Ёнда тутинг, ҳаракат воситаси унинг натижалари билан қўшилиб кетади: ҳеч маҳал руҳ билан шаҳвоний ҳиссиётни, руҳ ва материяни чеклаб бўлмайди. ҳозирги жамиятнинг бутун маънавий моҳияти олтиндир. Мен ва менинг касбдош биродарла-

¹ Мирабо Оноре-Габриэль (1749–1791) XVIII аср охирида француз буржуа революциясининг арбоби: либерал дворянлик ва Йирик буржуазия манфаатлари тарафдори.

² Вернью Пьер – Викторньен – (1753–1793) XVIII аср охирида француз буржуа революциясининг арбоби, жирондист, конвент аъзоси, 1793 йилда қатл этилган, ўз даврининг машхур нотиги саналган.

рим ҳафтанинг маълум кунлари Янги кўприк ёнидаги «Фемида» қафесида учрашамиз. У ерда биз суҳбат қурамиз, молиявий сирларни бир-биримизга ошкор қиласиз. Энг катта бойлик ҳам бизни адаштиrolмайди, биз барча маълум ва машхур оиласларнинг сиру асрорини биламиз! Бизда, айтиш мумкинки, «қора дафтар» бор, бунга биз давлат кредити, банклар ва савдо-сотиқ ҳақидаги хабарларни тиркаб қўямиз. Биз биржанинг пирлари сифатида муқаддас инквизиция-трибунали тузганмиз, бадавлат одамларнинг кўринишдан майда-чуйда, арзимас қилмишларини муҳокама қиласиз ва ҳар сафар ҳақ бўлиб чиқамиз. Биримиз суд ҳайъатини кузатади, бошқаси молиявий ишларини, учинчиси олий мансабдорларни, тўртингиси коммерсантларни назорат қиласи. Менинг чекимга бойваччалар, актёрлар, рассомлар, оқсуяклар, қиморбозлар, қўйингки, Париж жамоатининг энг антиқа қисми тушган. ҳар бири бизга қўшниларининг сирнни айтиб беради. Панд берган муҳаббат, ҳақоратланган иззат-нафс жим туролмайди, нола қиласи. Нуқсонлар, дунёдан тўйишлар, интиқом полициянинг беминнат дастёrlариридир. Менинг биродарларим ҳам ўзим каби хўп даври даврон суришган, ҳаммасидан тўнишган, эндиликда фақат ҳукмфармонлигу пулни ўша ҳукмфармонлик билан пулни қўлга киритиш учун яхши кўришади. Мана бу ерда, — деди у қўлини ёйиб. — Шипшийдам, совуқ уйда бошқа ерда қиттаккина шамага тутоқиб кетадиган, бирон қочирим учун дилозорни дуэлга чақирадиган тажанг ошиқ итоаткорларча қўлини кўксига босиб менга илтижо қиласи. Қаттиқ нафрат ёки қайғу-алам ёшларини тўкиб менга энг такаббур савдогар ёки энг кеккайган соҳибжамол ва энг мағур ҳарбий ялиниб-ёлворади. Бу ерга ўтинч билан машхур рассом ва келажакда исми авлоддан-авлодга ўтиб юрадиган ёзувчи келади. Мана бу ерда, — деб илова қилди у бармоғини манглайига босиб, — тарозу бор, унда бугун Парижнинг меросу фаразгўйлиги тортилади. Ҳўш, энди сизингча, — деди у менга худди кумушдан қўйилгандек рангпар юзини ўгириб, — сурлиги билан сизни бот-бот ҳайратга солган мана шу совуқ ниқоб ортида оташин хузур-ҳаловат яширилганига ишонч ҳосил қилдингизми?

Мен бутунлай саросимага тушиб ўз хонамга қайтиб келдим. Бу шарти кетиб, парти қолган чол кўзим олдида юксалиб, ҳукмронлик ва олгин рамзи сифатида афсонавий кимсадек намоён бўлди. ҳаёт ва одамлар мени ваҳимага сола бошлади.

«Наҳотки ҳамма нарса пулга бориб тақалса?» – ўйлардим мен.

Эсимда, алламаҳалгача ухломай ётдим. Нуқул кўз олдимга тўп-тўп олтинлар келаверди. ҳа, гўзал графиня ҳам хаёлимни банд этди. Ўят бўлса ҳам эътироф этай, у меҳнату хоксорликка маҳкум этилган соғдил Фанни Мальво сиймосини бутунлай тўсив қўйди. Бироқ эрталаб, орзу-истак тумани тарқалиб, эсҳушимни йиғиб олганимда кўз олдимга дарҳол ёқимтой қиз сиймоси пайдо бўлди-ю, мен фақат Фаннини ўйлай бошладим...

– Бир стакан шакарли сувга ҳушиңгиз қалай? – деди Гранлье хоним Дервилнинг гапини бўлиб.

– Бажонидил ичаман, – деди у.

– Биласизми, бу машмашаларнинг бизга қандай алоқаси борлигига ҳеч ақлим етмаяпти, – деди Гранлье хоним, қўнғироқчани чалиб.

– Во дариф! – деб хитоб қилди Дервиль ўзи яхши кўрган иборани ишлатиб. Мен ҳозироқ Камилланинг кўзидан уйқусини қочираман, токи у баҳти яқин-яқингача Гобсек отага боғлиқ бўлганини билиб қўйсин. Лекин чол саксон тўққизга кириб яқинда оламдан ўтди, ҳадемай жаноб де Ресто ҳадди-ҳисобсиз давлатга эга бўлади. Қандай қилиб ва нима учун бундай бўлганини тушунтиришга-тўғри келади. Фанни Мальво хусусига келсак, сиз уни яхши танийсиз. У менинг хотиним.

– Қадрдоним, – деб сўз қистирди виконтесса де Гранлье, – сиз табиатан ростгўй бўлганингиз важидан йигирмата гувоҳ олдида ҳам бу гапингиздан тонмасангиз керак.

– Ҳа, мен бу ҳақда бутун дунёга жар солишга тайёрман! – деди адлиячи.

– Мана шакарли сув, ичинг, азизим Дервиль. Сиз ҳеч қачон ҳеч нарса орттирумайсиз, лекин энг баҳтли ва мумтоз одам бўлиб қоласиз.

– Мен жиндек фафлатда қолдим, – деб тўсатдан луқма ташлади виконтессанинг мудраб қолган укаси. – Демак, сиз Гел-

дер күчасида турувчи қандайдир графиняникига боргансиз. Нима қылдингиз у ерда?

— Голландиялик чол билан суҳбатлашганимдан кейин орадан бир неча кун ўтгач, — деб ҳикоясичи давом эттириди Дервиль, — мен диссертация ёқлаб, ҳуқуқ лиценциати даражасини олдим, сүнгра адвокатлар коллегиясига қабул қилиндим. Кекса зиқна Гобсекнинг менга ишончи ортиб кетди. У ҳатто аниқ маълумотларни тўплаганидан кейин, ҳеч тап тортмай ўзини-урган энг хавфли алдам-қалдам ишларида ҳам мендаи маслаҳатлар сўрай бошлади. Тан бериш керакки, бундай хатарли ишларга энг пиҳини ёрган корчалонлар ҳам журъат этолмасди. Таажжубки, ҳеч кимниг таъсирига берилмайдиган бу одам менинг маслаҳатларимга қандайдир эҳтирос билан қулоқ осарди. Тўғри, булар ҳамиша унга кўл келарди. Мана, уч йил аллиячининг идорасида ишлаб, у ерда катта клерк¹ лавозимига кўтарилдим ва хўжайиним ойига тўлайдиган юз эллик франк маошдан ташқари, текин овқат ҳамда квартира бергач, де-Грэ күчасидан кўчиб кетдим.

Қанчалар баҳтли кун эди бу ҳаётимда! Мен кекса судхўрнинг олдига хайрлашгани келганимда у менга бир оғиз ҳам дўстона сўз айтмади, заррача ачинмади. Келиб тур ҳам демади, фақат ўзининг ажойиб, ҳайратомуз нигоҳини ташладики, бундан бу одам авлиё, деб-ўйлаш мумкин эди. Бироқ орадан бир ҳафта ўтгач чолнинг ўзи мени йўқлаб келди, у қандайдир ер-жойни мусодара қилиш тўғрисида бир чалкаш ишни келтирди. Шу-шу, худди пулинин тўлаб қўйгандек менинг маслаҳатларимдан бемалол фойдалана бошлади. 1818–1819 йили қишида ишратпараст ва исрофгар хўжайиним қийналиб қолди-ю, конторани сотишга мажбур бўлди. Гарчи у вақтлар адлиячилик патентини олиш ҳозирги вақтдагидек жуда қиммат бўлмаса-да, ўз конторасига у оз эмас, бир юз эллик минг франк сўради. Борди-ю, биронта сергайрат, ишнинг кўзини биладиган уддабурон адлиячига бу идорани сотиб олишига шунча пулни ишонишса, у дурустгина яшashi, процент тўлаши ва ўн йил ичидан қарзидан узилиши мумкин эди. Лекин менда сариқ чақа ҳам йўқ эди, зеро отам

¹ Нотариуслар ёки адвокатлар идорасида ишловчи хизматчи.

вилоятда майда буржуа эди. Мен оиласизда еттинчи фарзанд эдим, дунёда капиталистлар орасида Гобсекдан бошқа биронта танишим йўқ эди... Лекин, биласизми, шуҳратпарастлик орзуистаклари ва қандайдир умид учкунни унга мурожаат қилишдек дадил бир фикрни кўнглимга солди. Мана, кунлардаи бир кун кечқурун имиллаб Де-Грэ кўчасига йўл олдим. Ўзимга яхши таниш бадқовоқ уйнинг эшигини тақиллатганимда юрагим гурсиллаб уриб кетди. Кекса қаримсоқдан эшитган барча гапларим эсимга тушди. Ўшанда бу унга қадам қўйган одамларни ҳадикхавотир қўйноққа соганига асло шубҳа қилмагандим. Мана эндиликда улар босиб ўтган йўлдан ўтмоқдаман, худди улар каби ялиниб-ёлвораман. «Э, йўқ, — деб қатъий қарорга келдим. — Ҳалол одам ҳамиша ҳамма ерда ўз обрўсини сақлаши керак. Пул деб хокитупроқ бўлиш ярамайди. Ўзимни у каби омилкор қилиб кўрсатаман». Мен квартирадан кўчиб кетганимдан кейин қўшнилардан қутулиш учун Гобсек менинг квартирамни ижрага олган эди. Сўнг у эшиқдан панжарали дарча очишни буюрган, шу дарчадан афтимни кўргачгина мени уйига киритгай эди.

— Каранг-а, — деди у чийиллаб. — Хўжайнингиз идорани сотмоқчи бўлибди-да!

— Қаердан биласиз буни? Бу ҳақда у мендан бошқа ҳеч кимга гапирмаган эди-ку.

Чолнинг лаблари ёйилди-ю, оғзининг бурчакларида деразаларнинг пардаларидагидек буришиқ пайдо бўлди, аммо унсиз жилмайса-да, нигоҳи совуқ боқарди.

— Фақат шу боисдан сизни бу ерда кўриб турибман, — деди у қуруққина ва жимиб қолди.

Мен саросимага тушиб ўтирадим.

— Гапимга қулоқ беринг, Гобсек ота, — дедим мен ниҳоят иложи борича хотиржам гапиришга тиришиб, лекин бу чолнинг менга тикандек қадалган тиниқ, ялтироқ, ҳиссиз нигоҳи анча довдиратиб қўйган эди.

У: «Гапиринг!» — дегандек ишора қилди.

— Раҳмингизни келтириш қийинлигини биламан. Шу боис суханварлик қилиб клеркнинг аҳволи тант эканлигини, бутун умиди сизданлигини, илло, ёруғ жаҳонда унинг келажагини

үйлайдиган биронта яқын кишиси йүқлигини тапириб ўтира-майман. Бироқ яқын кишиларни безовта құлмай, күнгилни бузадиган гап-сүз ва назокату тавозеларни бир чеккага йиғиши-тириб күйиб, ишни пухта ҳал қилайлик. Гап бундай. Хұжайи-нимга идора йилига йигирма минг даромад келтиради; бироқ мен үйлайманки, идора құлымга ўтса, қирқ минг даромад келтиради. Ақтим етади: мана бу ерда, — дедим пешонамга бармоғим билан уриб, — баъзи нарсалар бор, борди-ю, сиз шу идора-ни сотиб олишимга зарур юз эллик минг франк қарз беришга рози бўлсангиз, мен ўн йилда қарзимни узардим.

— Ақдли гап! — деди Гобсек ва құлымни қисди. — Менинг бошлаган пайтимдан бери биронта одам келишдаи мақсади нима-лигини бунчалик очиқ-ойдин баён этмаган. Гаровга күядиган нимангиз бор? — деб сўради у менга разм солиб, сўнг шу заҳо-ти ўз саволига ўзи жавоб берди. — Ҳеч нарса. Ёшингиз нечада?

— Ўн кундан кейин йигирма бешта кираман. Йўқса, шартнома тузолмаган бўлардим.

— Тўғри.

— Хўш, нима дейсиз?

— Майли!

— Ростданми? Унда ҳаммасини тезроқ бир ёқлик қилиш керак, бўлмаса, бошқалар қимматроқ тўлаб илиб кетади.

— Эртага эрталаб метркангизнинг нусхасини олиб келинг, кейин ишингиз хусусида гаплашамиз. Мен ўйлаб кўраман.

Эрталаб соат саккизда мен чолникига етиб келдим. У қўлимдан метркани олди, кўзойнагини тақди, йўталиб, туфлади, қанотсимон ёқали қора плашига маҳкамроқ ўралди, метрканнинг нусхасини бошдан-ёёқ диққат билан ўқиб чиқди, уни кўлида айлантириб, ялт этиб менга қаради, яна йўталди, стулда типирчилаб шундай деди:

— Начора, келинг, савдолашамиз.

Мен титраб кетдим.

— Мен қарз учун ҳар хил ҳақ оламан, — деди у, — энг ками — эллик, юз, икки юз, гоҳо беш юз процент..

Рангим ўчиб кетди.

— Хўш, сиздан танишлигимиз учун атиги ўн икки ярим

процент оламан... – у чайналди. – Йўқ, бундай эмас, сиздан йилига ўн уч процент оламан. Маъқулми сизга?

– Маъқул, – дедим мен.

– Ўйлаб кўринг, кўп бўлса, талашинг, Гроций¹ (чол баъзан ҳазиллашиб мени Гроций деб атарди). Мен сиздан ўн уч процент сўрайман, касбим ўзи шунаقا. Чамалаб кўринг: шунча процент тўлашга қурбингиз етадими? Дарров рози бўладиган одамни ёқтири-майман. Яна бир марта сўрайман: кўплек қилмайдими?

– Йўқ, – деб жавоб бердим мен. – Тўлайман, фақат қаттиқ берилиб ишлашга тўғри келади.

– Ана холос! – деб луқма ташлади Гобсек, менга айёrona кўз қирини ташлаб. – Бундан чиқди, мижозлар тўлашаркан-да?

– Э, йўқ, жин урсин! – деб хитоб қилдим мен, – ўзим тўлайман. Мен одамларни талагандан кўра, қўлимни шартта болта билан чопиб ташлашларига рози бўламан.

– Хайр, – деди Гобсек.

– Гонорарни мен такса бўйича оламан.

– Баъзи ҳолларда такса иш бормайди, – масалан, қарзни тўлаш учун муҳлат олишда, дўстона келишувда. Бундай ҳолда икки, уч минг, ҳатто ишнинг муҳимлиги, музокаралар, сафарлар, актлар, ҳар хил кўчирмалар ва судда гап сотиш учун олти минг франк олиш мумкин. Фақат шундай ишларни топа билиш керак. Мен сизни одамларга билағон ва уддабурон адвокат деб тавсия қиласман, ҳузурингизга мижозларни юбораман. Улар сизга шунчалик кўп даъвойи достонларни олиб келишадики, сизнинг адвокат касабаларингиз ҳасаддан ёрилиб ўлади. Менинг касабаларим Вербруст, Пальма, Жигонне, сизга ер участкаларини мусодара қилиш хусусидаги ишлар топширишади. Уларда бундай ишлар гиж-ғиж. Демак, сизда икки тур мижозлар бўлади, биттаси хўжайнингиздан қолган, иккинчи-си мен топган мижозлар. Очифи, сиздан ўн беш процент олишим керак эди, ахир, сизга юз эллик минг беряпман-ку.

– Яхши, майли, шундай бўла қосин, лекин ортиғига рози эмасман, – дедим мен бундан ортиғи тўғри келмаслигини писандা қилиб.

¹ Гроций Гуго (1583–1645) – голландийлик юрист ва реакцион-давлат арбоби, буржуа қонуншунослари уни «халкаро ҳуқук отаси» деб эълон қилишган.

Гобсек мулойимлашди, у мендан мамнун бўлди.

— Идора учун хўжайинингизга пулни ўзим тўлайман, — деди у. — Мен баҳосини камайтиришга, гаров ҳақини озайтиришга уриниб кўраман.

— Бемалол. Ўзингизни маъқул кафолат билан таъминланг,

— Сиз эса, шундан сўнг, ҳар бири ўнг минг франкдан иборат ўн бешта вексель берасиз.

— Фақат бу икки томонлама битимни рўйхатдан ўтказиш ва ...

— Йўқ! — деб хитоб қилди Гобсек жаҳл билан сўзимни бўлиб.

— Нега энди мен сизга кўпроқ ишонишим керак экан.

Мен индамадим.

— Процентлар устига, — деб илова қилди у ҳовуридан тушиб, — сиз кўзим тириклигига менинг ишларимни олиб борасиз. Тузукми?

— Розиман, бироқ ўз маблагимдан сарф-харажат қилмайман.

— Тўғри! — деди Гобсек. — Айтмоқчи, — деб қўшиб қўйди у ҳаётида биринчи марта чиройи очилиб, — сиз уйингизга бориб туришимга ижозат берасиз.

— Сизни кўришдан ҳамиша хурсандман.

— Фақат, биласизми, эрталаб сизга ҳам, менга ҳам бу нокулей, сизнинг ўз ишингиз бор, менинг ўз ишим.

— Кечкурун келинг, унда.

— Йўқ, буям тўғри келмайди, — деб эътиroz билдириди у шаҳдам. — Сиз жамоат орасида бўлишингиз, мижозлар билан учрашишингиз керак. Менинг ошналарим бор, улар билан кечкурунлари, кафеда ўтирамиз.

«Ошноларим? Наҳотки?» — деб ўйладим ичимда.

— Биласизми, тушлик вақтида учрашамиз.

— Жуда соз! — деб маъқуллади Гобсек. — Биржада иш битгандан сўнг, соат бешда. Келишиб олайлик, мен сизникига ҳафтасига икки марта-чоршанба ва шанба кунлари келаман. Биз худди ёр-биродарлардек иш хусусида гаплашамиз. О-ҳо! Мен баъзан хушчақчақ бўлиб кетаман. Сиз мени какликнинг қаноти ва бир қадаҳ шампан виноси билан меҳмон қиласиз, кейин отамлашиб ўтирамиз. Мең жуда кўп ажойиб-фаройиб воқеаларни биламан, буларни энди айтса бўла-

ди, сиз булардан кўп нарсанн ўрганасиз, одамларни, айниқса, аёлларни билиб оласиз.

— Бўпти! Каклик ва шампан виноси мендан.

— Ёдингизда тутинг, ҳашамга зўр берманг, йўқса, ишончимдан маҳрум бўласиз. Уйингизда дабдаба бўлмасин. Битта яримта кампирни ошпаз қилиб олинг, шу ўзи етади. Мен соғсаломат юрибсизми, деб хабар олиб тураман. Ахир, оз-мунча маблағ қўяяпмани сизга! ҳе-ҳе! Ахир, ишларингиз қандай кетаётганини билиб туришим керак-ку. Хўп, омон бўлинг. Кечга яқин хўжайнингиз билан бирга келинг.

— Малол келмаса, менга бир нарсани айгсангиз, — дедим мен чолга у мени остонаяча кузатиб қайтганида, — метрканинг нусхаси нега керак бўлиб қолди сизга?

Жак-Эстер ван Гобсек елкасини қисди ва айёrona кулиб жавоб берди:

— Ёшлар мунчаям гўл-а! Мен сизга айтсам, жаноб адлиячи, кези келганда лақиллатиб кетмасликлари учун шу нарсани билиб қўйинг, — башарти одам ўттизга кирмаган экан, унинг ҳалоллиги ва салоҳияти қарзни тўлай олишига далолат беради. Ўттиздан ошган одамга эса, ҳечам ишониб бўлмайди.

Шуни деб орқамдан эшикни ёпди.

Орадан уч ой ўтгач, мен адлиячи бўлдим ва бир оз вақтдан кейин, хоним, сизнинг ишингизни судда муваффақият билан ютиб чиқдим. Бу ютуқ менга озми-кўпми шухрат келтирди. Гарчи мен Гобсекка ҳадди-ҳисобсиз процент ҳақ тўласам ҳам, беш йилдан кейин бутунлай ундан қутулдим. Мен Фанни Мальвони жон-дилимдан севиб, унга уйландим. Қисматимнинг ўхашлиги, меҳнат билан ўтган ҳаётимиз бизларни чамбарчас боғлади. Унинг бойиб кетган фермер амакиси ўлиб қолди-ю, мерос сифатида етмиш минг франк олди, бу Гобсек билан ҳисобкитоб қилишимга ёрдам берди. Ўшандан буён ҳаётим саодат ва ҳузур-ҳаловатда ўтмоқда. Ўзим ҳақимда ортиқ ҳеч нарса демайман, баҳтли одам ҳақидаги мавзу жуда зерикарли бўлади. Мен шоҳиди бўлган воқеанинг қаҳрамонларига қайтамиз. Конторани сотиб олганимдан кейин бир йил ўтгач, беихтиёр бўйдоқларнинг зиёфатига тушиб қолдим. Ошналаримдан бири хотин-

боз олифта йигитга гаровда ютқазиб күйиб зиёфат бераётгән эди. Жаноб де Трай, ўтакетган олифта йигит ўша пайтлар оқсусыякларнинг меҳмонхоналарида чакана довруқ солмаган эди...

— Ҳозирал довруғи баланд, — деб гап қистирди граф де Борн, адлиячининг сўзини бўлиб. — У фракни антиқа кияди, фойтуналарга олдинма-кетин кўшилган отларни антиқа бошқаради. Максимнинг қандай қарта ўйнашини, қандай еб, қандай ичишини айтмайсизми! Бундай назокатни ва хуш тавозеликни бутун дунёда ҳам тополмайсиз. У пойгани, отларни, янги расм бўлган шляпаларни ва суратларнинг қадрига этади. Хотин-қизлар унга ошику беқарор. Йилига у юз минглаб пулни совуради, бироқ унинг арзигулик мулки ёки бир бўйра ери борлигини ҳеч ким ҳеч қачон эшитмаган. У замонамизда сайёҳ рицарнинг намояндаси, пойтахтдаги меҳмонхоналарни, пардозхоналарни ва хиёбонларни кезиб юради. У бир амфибиядирки, унинг табиатида эркаклик аломатлари қанча бўлса, хотинлик аломатлари ҳам шунчадир. ҳа, Максим де Трай жуда гаройиб кимса, жонкуяр ва ғаламис, одамларда қўрқув ва нафрат уйғотадиган нусха, билимдон ва фирт нодон, хайр-саҳоват ва жиноят қилишга мойил, тоҳ муттаҳам, тоҳ олийҳиммат. Қонга эмас, кўпроқ тупроққа беланганд уришқоқ, бу шундай одамки, уни виждан азоби эмас, ҳар хил ташвишлар изтиробга солиши мумкин, уни фикр-мулоҳазалардан кўра, ҳистийгулар кучлироқ хаёlinи банд этади, четдан қараганда қалби эҳтиросга тўла, олов кўринади, аслида эса, муз каби совуқ, сургундагилар билан зодагонлар орасидаги ажойиб бирлаштирувчи ҳалқа. Максим де Трай ақлли-хушли одам эди, бундай одамлардан тоҳ-тоҳ Мирабо, Питт, Ришелье, бироқ кўпинча де Хори, Фуке-Тенвиль ва Конъярлар¹га ўхшаш графлар чиқади...

¹ Питт Уильям Кенж (1759–1806) – Англиянинг премьер-министри, XVIII асрдаги француз буржуза революциясининг ашаддий душмани. Герцог Ришелье Арман-Эмманюэль (1766–1822) – Реставрация даврида французларнинг министри. Хорл-Антуан – 1720 йилда ҷархпалакка тортиб ўлдирилган қотил. Фуке-Менвиль Антуан Кантен (1746–1795) – инқиlob душманларига қарши курашган, революцион трибуналнинг жамоат қораловчиси, монархия аристократиясининг унга нисбатан нафрати мазкур қиссанинг персонажи граф де Борннинг ташланган луқмасида ифодаланади, граф унинг исмини жиноятчилар билан биргаликда тилга олади ва Питт ҳамда Ришелье ҳақида ҳурмат билан сўзлайди. Конъяр Пьер (1779–1831) – ўзини граф қилиб кўрсатган авантюрист: ўтрибоши бўлган.

— Хуллас, — деди Дервиль, виконтессанинг укаси айтган гапларга диққат билан қулоқ бериб, — мен бу одам ҳақида баҳтсиз чол Горнодан жуда кўп эшитгандим, шу боис давраларда у билан хатарли учрашувдан зўр бериб ўзимни олиб қочиб юрардим. Бироқ ошнам мени зиёфатига ҳоли жонимга қўймай шундай таклиф қилдики, мен йўқ дейишга ботинолмадим, билъакс мени одамовига чиқариб қўйишарди. Сиз, хоним, бўйдоқларнинг зиёфатини тасаввур қилишингиз маҳол. ҳашам, тансиқ таомлар, ҳар хил ноз-неъмат, худди хасис одам шуҳрат кетидан қувиб бир кунда бор-йўғини совураётгандек. Хонага кирган киши ҳанг-манг бўлиб қолади: безатилган стол қанчалик батартиб! Кумуш ва билур ярақлаб кўзни олади, қордек оқ ипак дастурхон нуқтадек товланади. Хуллас, ҳаёт файзли ва гулгун. Йигитлар бирбиридан зебо, жилмайишади, худди никоҳ пайтидаги куёвлардек оҳиста гаплашишади, уларнинг теварак-атрофи чиннидек тоза. Икки соатдан кейин эса... Стол усти жанг майдонидаги қаби ағдар-тўнтар: ҳаммаёқда синган қадаҳларнинг парчалари, ғижим салфеткалар: товоқларда чала-яrim ёйилган гўштлар, уларга қараса одамнинг кўнгли айнийди: қийқириқ, қаҳқаҳа, ҳазил-мутойиба, тўхтовсиз ҳажвий шеърлар ва ялангоч аскиялар, бўғриқиб кетган чеҳралар, маъносиз чақнаган кўзлар, очиқ-оидин дилда борини изҳор этиш. Вағир-вуғур авжиди, биттаси шишани синдиради, бошқаси ашула бошлайди, учинчиси дўстини дуэлга чақирали, бошқалар эса, қарабсанкни: қучоқлашишяпти ёки уришишяпти. ҳаво ниҳоятда бадбўй, унда юзларча ҳидлар омихта бўлиб кетган, гўё юз киши бир-варакайига бақираётгандек, шовқин-сурон. Нима еяётганини, нима ичаётганини, нима деяётганини ҳеч ким билмайди: биттаси қовоқ-тумшуғини осилтириб жим ўтиради, бошқалар чакаги тинмай вайсайди. бирори эса, худди жиннисдик яккаш бир сўзни такрорлайди, худди қўнгироқдек даранглайди: бир хиллар бу тўполнни босишига ҳаракат қиласи, энг тажрибали одамлар эса, ишратхонага боришни таклиф этади. Бордию шу аснода бу ерга ҳушёр одам кириб қолса, ҳойнаҳой, Вакх — яъни май

ва ишрат худосига қилинадиган түй-тomoша устидан чиқиб қолибман-да, деган хаёлга боради. Мана шу түс-түполонда жаноб де Трай күнглимин олмоқчи бўлди. Мен ҳали унчамунчанн идрок этардим, шу боис ўзимни ҳушёр тутдим. Аксинча, у маст-аласт кўринар, лекин ҳақиқатда эса, эси жойида, фақат ўз ишлари хусусида ўйлар эди. Бу иш қандай содир бўлганини билмайман, у мени тамомила сеҳрлаб қўйди, мен де Гриньон меҳмонхонасидан чиқиб кетаётib, унга сизни эртага кечқурун соат тўққизда Гобсекнинг ҳузурига олиб бораман, деб ваъда қилиб юбордим. Бу гапга чечан де Трай сеҳргарларча усталик билан мени гап-сўзлари билан авраб қўйган эди. Ахир, у икки гапнинг бирида «орномус», «олижаноблик», «графиня», «иффатли аёл», «саховатпеша», «баҳтсизлик», «умидсизлик» деган сўзларни тилга олиб турса, ишонмай бўладими?! Эрталаб уйқудан уйғонгач, мен кеча нима деганларимни эслашга уриндим, минг мashaққат билан фикрларимни бир ерга тўпладим. ҳа, ҳа, борди-ю, мижозларимдан бирининг қизи бугун эрталаб соат ўн иккигача эллик минг франк тополмаса, иснодга қолиши, эрининг ҳурмат ва муҳаббатидан маҳрум бўлишини эсладим. Бу ишда қарта ўйнаб қарз бўлганлик, каретасознинг ҳақи ва қандайдир ортиқча чиқимлар аралашган эди... Менинг ҳушрўй улфатим, ўша хоним анча-мунча бой, тежамкорлиги билан бир неча йил ичида мол-дунёсига етказган заарини қоплай олади, деб мени ишонтира бошлади. Шундагина мен ошнамнинг мени зўр бериб уйига таклиф қилаёттганинг сабабини билдим. Уят бўлса ҳам эътироф эта-ман, бу олифта билан ярашишдан Гобсекнинг ўзи манфаатдор эканини мен зинҳор-базинҳор билмаган эдим. Ўрнимдан туарар-турмас, жаноб де Трай етиб келди. Одатдаги кўнгил учун айтиладиган гаплардан кейин мен шундай дедим:

— Граф, очиғи, нима сабабдан сизни Гобсекнинг ҳузурига олиб боришимга ақлим етмаяпти. Ахир у судхўрлар орасида энг назокатли ва энг беозор-ку. Пули бўлса ҳеч йўқ демайди, тўғрироғи, унга етарли кафолат берсангиз бас.

— Жаноб Дервиль, — деди де Трай, — гарчи кеча ўзингиз рози бўлган эсангиз-да, бу ишни сизни зўрлаб аралаштиромайман.

«Ёраб! — хаёлан хитоб қилдим мен. — Наҳотки, мен бу одам олдида ўзимни субутсиз қилиб кўрсатаман!»

— Кечада мен сизга Гобсек ота билан бекорга фижиллашиб қолдим, деб тушунтирган эдим, — деб таъкидлади де Трай. — Ахир бутун Парижда ой охирида, балансни якунламай туриб бир лаҳзада юз минг франк санаб берадиган финансист йўқ.

Шуни назарда тутиб мен сиздан у билан яраштириб қўйишингизни илтимос қилган эдим. Хўп, бўпти, бу тўғрида ортиқ гаплашмаймиз...

Жаноб де Трай шундай деди-ю, заҳарханда жилмайиб эшик томон юрди.

— Мен сиз билан бирга бораман Гобсекнинг олдига! — дедим мен. Биз де-Грэ кўчасига етганимизда олифта олазарак бўлиб атрофни кўздан кечирди, унинг нигоҳида шундай ваҳима бор эдики, уни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолдим. У гоҳ қизарар, гоҳ бўзарар, гоҳ юзи заъфарон тусга кирав, фақат Гобсекнинг зина-поясини кўргандагина манглайида реза тер пайдо бўлди. Биз кабриолетдан сакраб тушганимизда муюлишдан де-Грэ кўчасига киракаш фойтун бурилди. Навқирон олифта қарчигайникидек кўзлари билан дарҳол фойтуннинг бурчагида ўтирган аёлни кўрди, чеҳрасида баралла кувонч балқиди. У бир болани чақириб отнинг жиловидан ушлаб туришни амр қилди. Биз зинадан кўтарилиб кекса дисконтёр¹нинг ёнига кирдик.

— Жаноб Гобсек, — дедим мен, — мана мен сизнинг ҳузурингизга жонажон дўстларимдан бирини олиб келдим. (Азроилдан қўрқандек қўрқинг ундан, деб чолнинг қулоғига шипшидим). Ишонаманки, менинг ўтинчимга қулоқ осиб, аввалги дўстлик риштасини қайта боғлайсиз (ҳар вақтдагидек процент ҳисобига) ва уни фалокатдан халос қиласиз (башарти сизга фойдали бўлса).

Жаноб де Трай судхўрга икки букилиб таъзим қилди ва

¹ Дисконтёр — векселларни ҳисоб-китоб қилувчи одам.

унинг гапларини эшитишга тайёрланиб худди сарой аўенидек назокат билан ройиш ўтириди. Унинг ҳозирги туриши ҳар кимни ҳам мафтун этарди: бироқ менинг Гобсеким мўъжаз қамин олдида ҳамон қимир этмай, без бўлиб ўтиради. У, кўринг-кўрманг, француз комедия театрининг айвонига қуилган, кечки чироқлар билан ёритилган Вольтернинг ҳайкалига ўхшаб кетарди. У бошидан тушмайдиган исқиrt картузини салгина кўтариб саломлашган бўлди, шунда йилт этиб кўзга ташланган, эски мармардек сарфайиб кетган ярғоқ боши ҳайкалга ўхшашибгини мукаммат тўлдирди.

- Менда фақат доимий мижозлар учунгина пул бор, — деди у.
- Бундан чиқди, кафангадо бўлиш учун бошқаларнинг олдига борганимдаи ранжибсиз-да? — деди граф жилмайиб.
- Кафангадо бўлгани? — киноя билан сўради Гобсек.
- Сиз ҳамёнида сариқ чақа ҳам йўқ одам кафангадо бўлмайди, демоқчимисиз? Қани, Парижда мендан ҳам, бадавлатроқ одамни топиб кўринг-чи! — деб хитоб қилди бу олифта ва ўрнидан туриб пошнасида чир айланди.

Унинг ҳазилкашлик билан қилган бу қилифи, гарчи чукур маънони англатса ҳам, Гобсекка заррача таъсир қилмади.

— Менинг энг қалин дўстларим кимлар? — деб сўзида давом этди де Трай. — Ронкероль, де Марсе, Франкессини, акуя Ванденес, Ажудо-Пинто жаноблар, хулласи калом, Парижнинг ажойиб йигитлари. Лекин қарта столида бир шаҳзоданинг ва ўзингизга яхши таниш элчининг ҳамишаги шери гиман. Менга Лондондан, Карлсбаддан, Бадендан, Батдан даромад келиб туради. Тушум зўр! Гапим нотўрими?

- Тўғри.
- Сиз доим мени ўз нофорангизга ўйнатасаниз! — Зодагонлар орасида менга олтинни шилиб олишга имкон берасиз, аҳволим танг пайтда оғзи-бурнимдан булоқдек тирқиратасиз. ҳазир бўлинг, бу иш сизнинг ҳам бошингизга тушиши мумкин. Ўлим сизни ҳам сиқиб сувингизни олади.

- Эҳтимол.
- Айтмоқчи, исрофгарлар бўлмагандан нима қилардингиз? Биз худди эт билан теридек бир-биримизга керакмиз.

— Тўғри.

— Қани, қўлни ташланг, — Гобсек ота, ярашамиз. Бордик бу иш тўғри ва ҳаққоний бўлса, ҳиммат қилинг.

— Сиз меникига келдингиз, — деди судхўр лоқайдигина, — бунинг боиси шуки, сизнинг векселларингиз Жирап, Пальма Вербуст ва Жигоннеларнинг меъдасига зигир ёфдек урган. Улар ҳатто эллик процент заарига ҳам уларни ўтказолмай гаранглар. Ваҳоланки, сизга векселда кўрсатган пулнинг фақат ярмини тўлаган бўлсалар керак, бундан чиқадики, сизнинг векселларингиз йигирма беш процент ҳам турмайди Йўқ, йўқ, каминангизга асло тўғри келмайди! — деб гапида давом этди Гобсек. — Ахир, чўнтағида ҳемириси йўқ, аммо у юз минг франк қарзи бор одамга ақаламати бир тийин ҳам қарз бериб бўладими? Бундан икки кун олдин барон Нусен гепникида сиз қарта ўйнаб ўн мингни бой бердингиз.

— Марҳаматли жаноб, — деди граф сурбетларча унга бошдан-оёқ разм солиб, — менинг ишимга аралашманг. Олмоқнинг бермоғи бор.

— Тўғри.

— Менинг векселларимга ҳамиша пул тўланади.

— Эҳтимол.

— Ҳозирги пайтда масала бир нарсага келиб тақалади: мен оладиган қарзимга яраша гаров қўя оламанми, йўқми?

— Тўғри.

Кўчадан уй ёнига яқинлашиб келаётган фойтуннинг тақиллагани эиштилди.

— Ҳозир сизга баъзи нарсаларни олиб келаман, уйлайманки, сиз бундан тамомила мамнун бўласиз, — деди де Трай ва хонадан чопганча чиқиб кетди.

— Э, бўтам! — деб хитоб қилди Гобсек ўрнидан чаққон туриб менинг қўлларимни қисаркан. — Борди-ю, у гаровга қўядиган буюм қимматбаҳо бўлса, ҳаётимни сақлаб қоласан! Ахир, оз бўлмаса ҳаётдан кўз юмардим! Вербруст билан Жигонне мени кулги қилмоқчи бўлишибди. Бироқ сенинг шарофатинг билан бугун кечқурун уларни мен калака қиласман.

Бу чолнинг шодлигига нимадир даҳшатли бир нарса бор

эди. Менинг олдимда у биринчи марта севинаётган эди, лекин бу қувонч бир зумлик бўлса-да, ҳеч қачон хотирамдан чиқмайди.

— Марҳаматингизни дариф тутмай, пича ёнимда бўлсангиз — деб илова қилди Гобсек. — Рост, тўппончам бор, аниқ нишонга уришимга имоним комил, йўлбарс овига ҳам чиққанман, палубада жон олиб-жон берадиган абордаж жангларида қатнашганман, лекин шунга қарамай бу олифта мурдордан ҳайиқаман.

У ёзув столига борди-да, курсига ўтирди. Чеҳраси яна рангпар ва хотиржам бўлди-қолди.

— Шунаقا гаплар! — деди у мен томонга ўтирилиб. — Турган гапки, ҳозир сизга қачонлардир сўзлаб берганим, соҳибжамолни кўрасиз. Мен коридорда бу зодагон жувоннинг қадам ташлашини эшитяпман.

Чиндан ҳам навқирон қуруқ савлат бир хонимни қўлтиғидан олиб кириб келди. Мен хонимни бир кўришдаёқ танидим, у кекса Горионинг қизларидан биттаси эди. Бир куни Гобсек таърифлаган графиня шу бўлиб, чол шунинг ётоғига кирган эди. Аввалига у мени пайқамади, сабабки, мен дераза тахмонида турган ва дарҳол юзимни ойна томонга ўтириб олган эдим.

Графиня судхўрнинг зах ва қоронги кулбасига киргач, Максим де Трайга шубҳа билан қараб қўйди. У шунчалар зебо эдики, барча гуноҳларига қарамай, унга юрагим ачиди. Унинг юрак-бағри қаттиқ азоб-уқубатдан ўртанаётгани, латиф ва мағрур чеҳрасига чала-ярим парда тортган пинҳона алам хуснини бузәётгани кўриниб турарди. Навқирон қуруқ савлат унинг учун баайни иблис, бошига битган бало эди. Мен Гобсекнинг олдиндан кўра билишлик салоҳиятига қойил қолдим, — бундан тўрт йил аввал бу икки кимсанинг биринчи векселиданоқ уларнинг тақдирини айтиб берган эди. «ҳойнаҳой, фариштанусха бу маҳлуқ, — деб ўйладим мен, — жувонга хуммини ўтказиб олган, унинг барча заиф томонларидан: иззаталаблигидан, рашкидан, ҳузур-ҳаловатга ташналигидан, оқсуякларча базму зиёфатларга ўчлигидан фойдаланади...»

— Ҳа, бу жувоннинг кўнгилчанлиги унинг қўлида бир қурол бўлиб хизмат қилган! — деб гап қистирди виконтесса. — Унинг вафодорлигидан фойдаланган, кўнглини бузиб раҳмини келтирган, биз аёлларгагина хос бўлган олиҳимматликни мақтаб лофт урган, мулоҳимлигини суиистеъмол этган ва жиноий қувончларни унга жуда қимматга сотган...

— Сизга эътироф этаманки, — деб гап бошлади Дервиль де Гранлье қилаётган имо-ишораларни пайқамай, — мен бу ташидан латофатли, ичидан чириган баҳтсиз аёлнинг шўр тақдирига сира ачинганим йўқ, бироқ унинг манглайи тоза, дудоқлари атиргул фунчасидек тароватли, табассуми жозибали, садафдек тишлари оппок, фариштанамо ҳамсояси бўлмиш навқирон олифтага нафрат билан қарадим. Улар иккови шу чоқ ўзларининг ҳакамлари қаршисида туришарди, у эса, буларни худди ўн олтинчи асрда кекса роҳиб муқаддас инквизиция зинدونида қийноққа солинаётган динсиз икки маврга қарагандек кўздан кечирарди.

— Жаноб, — деди графиня овози қалтираб, — қайтариб олиш шарти билан мана бу бриллиантларнинг тўла-тўқис ҳақини олса бўладими? — шуни деб у Гобсекка қутича узатди.

— Бўлади, хоним, — деб луқма ташладим мен дераза тахмонидан чиқиб.

Графиня ялт этиб мен томонга қаради, мени таниб чўчиб кетди ва очиқ-оидин: «Сиримни очманг», дегандек назар ташлади.

— Биз, юристларда бундай битим «кейин харид қилиш ҳуқуқи билан шартли сотиши» дейилади, бундай кезларда молмулк ва ҳовли-жойни маълум муддатга топшириш кўзда тутилади, муддат ўтиб, сотиб олган кишига келишилган маблағ тўлангач, хусусий мулк ўз эгасига қайтарилиши мумкин.

Графиня устидан тоғ ағдарилгандек енгил тортди. Максим де Трай чамаси бриллиантнинг баҳоси қатъий эмаслиги ва жидан, судхўр кам пул бериши мумкинлигидан чўчиб, қошқовоғини уйиб олди. Гобсек чурқ этмай лупани олди ва қутича ичидаги буюмни кўздан кечира бошлади. Дунёда яна юз йил яшасам ҳам, бу манзарани зинҳор-базинҳор унутмайман. Чолнинг рангпар юзига қизиллик югурди. Кўзи гайритабиий

чақнади, уларда гүё бриллиантларнинг жилоси акс этгандек бўлди. У ўрнидан туриб дераза олдига борди ва асил тошларга харислик билан тикилар экан, уларни тиhsиз оғзига, шундай яқин олиб келардики, гүё уларни ютиб юбормоқчидек туюларди. У нимадир деб гўлдирап, қутичадан гоҳ билагузуклар, гоҳ шокиали зираклар, гоҳ тиллақошларнн олар, уларнинг суви нечоғлик тозалигини ва олмосларнинг рангини аниқлаш учун айлантириб кўрар, бирон қусури йўқмикин, деб текшиrap эди. У бу зеб-зийнатларни қутичадан олар, қайта уларни жойлар, яна олар, чўғдек ёнсин деб яна айлантирап эди. Шу аснода у чолга қараганда кўпроқ ёш болага ўхшар, тўғрироғи, ҳам бола, ҳам чол эди.

— Нақадар соз! Эҳ мунча яхши-а! Бундай бриллиантлар революциядан олдин уч юз минг турарди! Суви қанчалар тиниқ! Турган гапки, бу ҳиндистондан, Гонконгдан ёки Висапурдан келтирилган. Э, сизлар бунинг қадриниу баҳосини билармидингиз ҳеч замонда! Йўқ, йўқ, бутун Парижда буларнинг қадрию баҳосига фақат Гобсек ета олади. Империя даврида буюртмага шундай безакларни тайёрлатиш учун икки юз мингдан ортиқ тўлаган бўлишарди. — У алам билан қўл силтаб давом этди: — ҳозир кун сайин бриллиантларнинг нархи тушиб кетяпти! Битим тузилганидан кейин Бразилия бозорни олмосларга тўлдириб юборди, лекин уларнинг суви сарғиш, ҳиндларникидақа эмас. Бунинг устига, хонимлар эндиликда бриллиантларни фақат сарой балларида тақишаپти. Хоним, сиз саройда бўлиб турасизми?

Бу гапни зарда билан айта туриб, чол бениҳоя завқ-шавқ билан бриллиантларни бирин-кетин томоша қиласади.

— Яхши! Заррача доғ йўқ! — деб гўлдиради у. — Мана бунда заррадек ҳол бор! Буниси дарз кетган! Манависи бафоят чиройли! Гўзал!

Унинг рангпар юзи олмосларнинг ялт-юлт товланишидан ёришиб кетган эди. Шу он хаёлимга вилоят меҳмонхоналаридаги яшилворий эски ойналар келди, уларда нурлар жилоланмайди, уларга қарашга журъат этган одамнинг аксини миясига қон қуюлиши натижасида жон таслим қилаётган алфозда кўрсатади.

— Хўш, қалай? — деб сўради граф Гобсекнинг елкасига қоқиб.

Кекса гўдак чўчиб тушди. У ардоқли ўйинчоқларндан бошини кўтарди-да, уларни ёзув столи устига териб қўйди ва курсига ўтириди-ю, яна ўша-ўша одобли, лоқайд ҳамда мармар тошдек ҳиссиз судхўрга айланди-қўйди.

— Сиз қанча қарз кўтармоқчисиз?

— Юз минг. Уч йил муддатга, — деди граф.

— Нима ҳам дердим, бўлади, — деб розилик билдириди Гобсек, қизил дараҳтдан ясалган қимматбаҳо қутичасидан бебаҳо, аниқ тарозусини авайлаб оларкан.

У бриллиантларни тортди, эски нигинхонани чамалаб кўрди. Бу пайт унинг юзида қувонч ва буни яшириш учун интилиш ифодалари зоҳир эди. Графиня эсанкираганча ўйга чўмиб қолганди; унинг бу аҳволини кўриб мен севиндим, зеро назаримда жувон қандай разолат ботқофига ботганини тушунгандек эди. Бундан чиқди, ҳали у ор-номусни бутунлай йўқотмаган, балки жиндек ҳафсала қилиш ва ҳамдардлик курсатиб ёрдам қўлини чўзиш билан жар ёқасидан уни кутқариб қолишнинг иложи бўлар. Мен ҳаракат қилиб кўрдим.

— Бу сизнинг ўз бриллиантларингизми, хоним? — деб сўрадим ундан.

— Ҳа, жаноб, — деди у менга кибру ҳаво билан қараб.

— Кейин сотиб олиш шарти билан акт ёзинг, вайсақи, — деди Гобсек ва ўрнидан туроётуб менга ўз курсисини кўрсатди.

— Сизнинг, хоним, ҳойнаҳой эрингиз бордир? — деб иккинчи саволни бердим.

Графиня бетоқат бошини лиқиллатди.

— Акт тузишдан бош тортаман! — деб хитоб қилдим мен.

— Нега энди? — деб сўради Гобсек.

— «Нега» бўларди? — дедим мен аччиғим чиқиб, кейин чолни дераза томон бошлаб бораётиб шипшидим: — Эрлик хотин ҳамма нарсада эрига қарам, шунинг учун битим ҳақиқий бўлмайди, сиз бундан бехабар эдим, деб баҳона қилолмайсиз, чунки акт бор. Сиз бу бриллиантларни кўрсатишингизга тўғри келади, чунки актда уларнинг оғирлиги, баҳоси ва ҳоказолар кўрсатилади.

Гобсек бош иргаб сўзимни бўлди ва икки хиёнатчига қаради.

— У тўғри гапиряпти. Шартлар ўзгаради. Саксон минг нақд тўланади, бриллиантлар менда қолади, — деб қўшимча қилди чол бўғиқ овозда. — Уй анжомларига битим тузганда гаровга қўшилган буюм ҳар қанақанги актлардан афзалдир.

— Лекин... — деб де Трай гап бошлаган эди, Гобсек шартта унинг гапини бўлди-да, қутичани графиняга узатди.

— Рози бўлинг ёки қайтариб олиб кетинг. Бошимни ғалва-га қўйишни истамайман.

— Гуноҳингизга иқрор бўлиб, ўзингизни эрингизнинг оёғига ташланг, яхшиси, — деб шипшидим графиняга.

Судхўр лабимнинг қимирлашидан нима деганини тушунди ва менга совуқ назар ташлади.

Ёш олифта бўздек оқариб кетди. Графиня тараддулга тушиб қолди. Максим де Трай унинг ёнига келди, у ҳар қанча секин гапирмасин, барибир унинг гаплари қулогимга чалинди: «Алвидо, қимматли Анастази. Баҳтли бўл. Мен эсам... Эртагаёқ барча ташвишлардан халос бўламан».

— Жаноб! — деб хитоб қилди графиня, ялт этиб Гобсекка қараб. — Мен розиман, шартларингизни қабул қиласман.

— Мана бу бошқа гап! — деди чол. — Сизни гапга кўндириш қийин экан, соҳибжамол. — У банк чекига эллик мингта имзо кўйди-да, графиняга топширди. — Бунинг қўшимчасига, — деди у Вольтернинг жилмайишидек жилмайиб, — қолган пул ҳисобига сиз учун энг ишончли ўттиз минг сўмга векселлар бераман. Байни бу пулни тила билан тўлагандекман. Граф де Трай ҳозиргина менга: «Менинг векселимга ҳамма вақт пул тўланади», деб айтди, — давом этди Гобсек графиняга граф имзо чеккан, куни кеча Гобсекнинг ошналаридан бири судга оширган ва, чамаси, унга сув текинга пулланган векселни узатиб.

Максим дё Трай фингшиди, бу фингшишда «қари мутта-ҳам!» деган сўз барадла сезилди.

Гобсек пинагини ҳам бузмади, картон филофдан бир жуфт тўпончани бамайлихотир олди-да, совуқнина деди:

— Ҳақорат қилинган шахс сифатида биринчи бўлиб отиш ҳукуқи менда.

— Максим, — деб базўр қичқирди графиня, — узр сўранг!
Сиз жаноб Гобсекдан узр сўрашингиз керак.

— Жаноб, сизни ҳақорат қилиш ниятим йўқ эди, — деб гулдиради граф.

— Мен буни жуда яхши биламан, — деди Гобсек хотиржам.

— Сизнинг ниятингиз векселларга ҳақ тўламаслик эди.

Графиня ўрнидан турди-да, таъзим қилди ва ваҳима босди шекилли, чопганча чиқиб кетди. Граф де Трай унинг орқасидан талпинди, бироқ хайрлашаркан, бундай деди;

— Борди-ю, бу тўғрида чурқ этиб оғиз очсангиз, жаноблар, ё сизнинг, ё менинг қоним тўкилади.

— Омин! — деди унга жавобан Гобсек тўппончаларни яшириб. — Уз қонини тўкиш учун кишининг қони бўлиши керак, чирогим, сенинг томирларингда қон ўрнига бўтана оқади.

Кўча эшик қарс этиб ёпилиб, иккала фойтун жўнаб кетгач, Гобсек сапчиб ўрнидан турди ва ўйинга тушиб қичқирди:

— Ана, бриллиантлар менда! Улар менини! Қулинг ўргилсин бриллиантлар! Ажойиб бриллиантлар! Сув текин тушди! ҳолингиз қалай, Вербруст ва Жигонне жаноблар!

Сиз кекса Гобсекни лақиллатмоқчи бўлғанимидингиз? Мен ўзим сизларни лақиллатдим! Мен оладиганимн олволдим!

Менга етишингизга йўл бўлсин сизларга! Парвозингиз паст!

Домино устида бу воқеани гапириб берганимда роса кулгили аҳволга тушадилар-да!

Бу қаҳрли шодлик, ялтироқ тошларни қўлга киритган ёввойи одамнинг ғазабнок тантанаси мени ҳанг-манг қилиб қўйди. Мен тилим калимага келмай тахта бўлиб қолдим.

— Э, ҳали шу ердамисан, қарофим! Бутунлай унутиб юборибман. Бутун бирга овқатланамиз. Сеникида, ахир мен рўзфорга қарамайман-ку, анави ресторонда тортиладиган сардакларию қайлалари, шароблари меъдага тегиб кетган, улар нақ иблисни ҳам заҳарлашади.

Ниҳоят, у юзимдаги ўзгаришни кўриб, дарҳол ҳиссиз, лоқайд одамга айланди-қўйди.

У камин ёнига, манқал устида сут солинган кастрюлка турган ерга ўтираётуб:

— Буни сиз тушунмайсиз, — деди, — Мен билан овқатланшини истайсизми? Бемалол, икковимизга етади.

— Йўқ, раҳмат, — дедим мен. — Мен мудом пешинда овқатланаман.

Шу пайт йўлакда аллакимнинг шошиб-пишиб келаётгани эшитилди.

Кимдир Гобсекнинг эшиги тагида тўхтади ва ғазаб билан эшикни тақиллатди. Судхўр остона олдига борди-да, дарчадан мўралаб эшикни очди. Ўттиз бешларга борган бу киши унга беозор кўринди шекилли, уни ичкарига киргазди.

Келгинди оддий кийинган, савлати эса, марҳум герцог Ришельєни эслатарди. Бу киши графиняннинг эри эди: балки уни оқсусяклар орасида учратгандирсиз — ўҳшатганим учун мени афв этинг; шу атрофда истиқомат қилувчи давлат арбоблариdek басавлат эди.

— Жаноб, — деди у яна хотиржам бўлиб олган Гобсекка, — хотиним сизнинг олдингизга келдими?

— Эҳтимол.

— Нима бало, жаноб, гапимга тушунмаяпсизми?

— Сизнинг хотинингиз билан таниш эмасман, — деди судхўр.

— Бугун эрталаб олдимга жуда кўп одам келди. Эркаклар, хотинлар, йигитчаларга ўҳшаш қизлар ва қизларга ўҳшаш йигитчалар. Рост, эслаш қийин менга...

— Ҳазилни қўйинг, жаноб! Мен хотинимни сўраяпман. У ҳозиргина олдингизда эди.

— У хоним сизнинг хотинингиз эканлигини мен қаёқдан билай? Мен сиз билан учрашиш баҳтига ноил бўлган эмасман.

— Янглишасиз, жаноб Гобсек, — деди граф кесатиб. — Биз сиз билан бир куни хотинимнинг ётоғида учрашганмиз. Сиз хотиним бир тийин ҳам олмаган векселга пул ундиргани келтандингиз.

— Бу пулни нима эвазига тўлаганини суриштириб билиш — менинг ишим эмас, — деб эътиroz билдириди Гобсек графга истеҳзоли назар ташлаб. — Мен унинг векселини бир ҳамкарабамдан ҳисоб-китоб қилаётганда олган эдим. Дарвоқе, ижозатингиз билан сизга шуни айтсан, граф, — деб илова қўлди Гобсек заррача ҳаяжонга тушмай, сутга кофе қўшар экан, —

менинг фикримча каминага ўз уйимда панд-насиҳат қилишга сизнинг ҳақингиз йўқ. Мен, жаноб, ўтган асрнинг олтмиш биринчи йилидаёқ балофат ёшига етганман.

— Марҳаматли жаноб, сиз хотинимдаи ниҳоятда паст баҳода бриллиантларни сотиб олгансиз. Бу бриллиантлар уники эмас, менга мерос қолган қимматбаҳо буюм эди.

— Мен ўзимнинг олди-сотди ишларим сирини сизга очишга мажбур эмасман, лекин сизга айтиб қўяй, борди-ю, графия бриллиантларни сиздан бесўроқ олган экан, сиз хат орқали барча заргарларни огоҳлантириб, уларни сотиб олманглар, деб тайинлаб қўйишингиз даркор эди. Йўқса, рафиқангиз уларни бўлиб-бўлиб сотиб юбориши мумкин эди.

— Жаноб! — деб хитоб қилди граф. — Ахир, сиз менинг хотинимни биласиз-ку!

— Тўғри.

— Эрли хотин бўлгани учун эрига бўйсуниши шарт.

— Эҳтимол.

— Бриллиантларни пуллашга унинг ҳақи йўқ!

— Рост.

— Нега энди бундай бўлди-а, жаноб?

— Бунинг сабаби бор! Мен хотинингизни биламан, у эрига бўйсуниши шарт, — гапингизга қўшиламан, у яна бошқаларга ҳам бўйсунар экан, лекин сизнинг бриллиантларингиздан хабарим йўқ. Башарти рафиқангиз векселларга имзо чекар экан, турган гапки, у савдо-сотиқ битимларини ҳам туза олади, бриллиантларни харид қилиши ёки сотиш учун комиссияга олиши ҳам мумкин. Шунақасиям бўлади.

— Яхши қолинг, жаноб! — деди граф жаҳлдан ранги бўздек оқариб. — Суд бор-ку.

— Рост.

— Манави жаноб, — деб қўшимча қилди граф мени кўрсатиб, — олди-сотдининг шоҳиди бўлган.

— Эҳтимол.

Граф эшик томон юрди.

Иш қалтис тус олаётганини кўриб, орага тушишни ва рақибларни муросага келтиришни лозим топдим.

— Граф, — дедим мен, — сиз ҳақсиз, аммо жаноб Гобсекда ҳам айб йўқ. Сиз хотинингизни бир чеккада қолдириб, жаноб Гобсекни судга тортолмайсиз, зотан бу суд мажлисидан ёлғиз хотинингизнинг ўзи шарманда бўлмайди. Мен адлиячиман, давлат вакили ва ҳалол одам сифатида олди-сотди менинг кўзим олдида бўлиб ўтганини тасдиқлашга ўзимни мажбур деб била-ман. — Лекин мен сиз бу олди-сотдини қонунга хилоф деб бекор қилишингизга ишонмайман, боз устига сотилган бриллиантлар ҳақиқатан ҳам сизники эканлигини исботлаш маҳол. Адолат юзасидан сиз ҳақсиз, лекин қонун бўйича мағлубиятга учрашингиз аниқ. Жаноб Гобсек инсофли одам, у бриллиантларни ўзи учун жуда фойдали тарзда сотиб олганини инкор этмайди. Мен ҳам ўз бурчим ва виждоним ҳақи, шундайлигига гувоҳлик бераман. Агар сиз судга берсангиз, унинг оқибати ниҳоятда шубҳали. Мен сизга жаноб Гобсек билан муросага келишингизни маслаҳат бераман. Ахир у судда ўзининг ҳалоллигини исботлай олади, сизга эса, ўша пулларни барибир тўлашингизга тўғри келади. Сиз бриллиантларингиз етти, саккиз ойга, борингки, бир йилга гаров қўйилган деб ҳисобланг, ростда, ахир графиня олган пулни бу вақт ичида тўлолмаслигингиз мумкин-ку. Эҳтимол, сиз уларни бутуноқ сотиб олишни маъқул кўрарсиз. Албатта, бу ишда сиз етарли кафолат беришингиз керак бўлади.

Судхўр бамайлихотир нонни кофега бўқтириб, парвойи фалак нонушта қиласди, бироқ «муросага келинг», деган гапни эшишиб, ялт этиб менга қаради. Бу унинг: «Баракалла! Мен берган сабоқ бекор кетмабди», дегани эди. Мен унга нигоҳимни ташладим, бунинг маъносини у дарров тушунди: «Бу иш шубҳали ва хавфлидир, сиз дарҳол келишиб, шартнома тузишингиз даркор. Судда мен бор ҳақиқатни гапиришимни билиб, Гобсек тихирлик қилмади. Граф лутфан жилмайиб, менга миннатдорлик билдириди. Айёрлик ва очқўзлик бобида Гобсек ҳар қандай дипломатик конгресс иштирокчиларини бир чўқиша қочирадиган узоқ музокаралардан кейин мен акт туздим, бунда граф Гобсекдан бу маблағга қарз процентларини қўшган ҳолда, саксон беш минг франк олганига иқорор

бўлди, Гобсек эса, қарз бутунлай тўланса, бриллиантларни графга қайтариб бериш мажбуриятини олди.

— Бу қандай исрофгарчилик! -деб хитоб қилди графиня-нинг эри афсус-надомат билан актга имзо чекар экан. — Бу мушкул аҳволдан қандай қилиб қутулиб кетиш мумкин экан?

— Жаноб, болаларингиз кўпми? — жиддий оҳангда сўради Гобсек.

Бу саволдан граф сесканиб кетди, кекса судхўр гўё тажри-бали врачдек дарҳол оғриётган жойни топган эди. У чурқ этиб оғиз очмади.

— Шундай экан-да, — деб фўлдиради Гобсек ўшшайиб турган графнинг аҳвол-руҳиятини тушуниб. — Мен бошингиздан ўтган-ларини беш қўлимдек биламан. Бу аёл — иблис, сиз ҳамон уни севасиз, шекилли. Тушунаман! У ҳатто мени ҳам ҳаяжонга сола билди. Балки сиз мол-дунёингизни сақлаб қолишни ва битта-ми-иккитами фарзандингизга олиб қўйишни истарсиз? Сизга маслаҳатим шуки, айш-ишрат қилинг, хўжакўрсинга қарта ўйнанг, пулларингизни елга совуринг ва тез-тез Гобсекнинг ол-дига келиб туринг. Оқсуяклар доирасида мени жухуд, ваҳший, судхўр, қароқчи деб аташади, сени у кафандаго қиласи, дейи-шади. Тупураман бу гапларга! Мени ҳақорат қилган дилозор хор бўлади. Камина қулингиз тўппончадан бехато отади, қиличбоз-ликнинг ҳам ҳадисини олган. Буни ҳамма билади. Яна сизга маслаҳатим шуки, ишончли дўст топинг, эвини қилолсангиз, ёлғондакам олди-сотди йўли билан бутун мол-мулкингизни унга топширинг... Фарзандингиз вояга етганда, бутун мулкингиз ўша-ларга тақсимланади... Сиз юристларда бу нима дейилади? Фи-декомис шекилли? — деб сўради у менга ўтирилиб.

Ўз хаёллари билан банд бўлган граф кетиши олдидан Гоб-секка шундай деди:

— Эртага пулингизни келтириб бераман. Бриллиантларни тахт қилиб туринг.

Биз холи қолгач Гобсек нафрат билан сўз қотди:

— Менимча, у сизнинг барча инсофли одамларингиз каби лақма.

— Яхшиси, оташин муҳаббат қурбони, денг.

— Гаров хати учун пулни сизга граф тўлай қолсин, — деди Гобсек мен у билан хайрлашаётганимда.

Менга оқсуяк аёлнинг қабиҳ сирларини фош этган ўша воқеадан кейин бир куни эрталаб ҳузуримга граф кириб келди.

— Жаноб, — деди у кабинетимга киргач. — Мен жуда ҳам муҳим иш юзасидан сиз билан маслаҳатлашмоқчиман. Шуни сизга эътироф этаманки, сизга бутунлай ишонаман ва умид қиласманки, буни исботлайман. Де Гранлье ишида тутган йўлингиз ҳар қандай мақтовга лойиқ. (Мана кўрдингизми, хоним, — деди адлиячи виконтесса томонга ўгирилиб. — Сизга оддийгина хизмат кўрсатдим, бунинг учун эса, неча марта мақтовга сазовор бўлдим...) Мен графга эҳтиром билан таъзим қилдим ва мен фақат ҳалол одамнинг бурчини адо этдим, дедим,

— Гап бундай, жаноб, мен у гаройиб одам ҳақида хўп сўраб-сuriштиридим. Ахир, ҳозирги тутган мавқеингиз унинг шарофатидан-ку. Олган маълумотларимга асосланиб айта оламанки, ўша Гобсек шарму ҳаёсизлар мактабининг худо урган файласуфи. Унинг ҳалоллиги ҳақида фикрингиз қандай?

— Граф, — дедим мен. — Гобсек менга ҳиммат қилди... Ўн беш процентдан, — деб илова қилдим кулиб. — Бироқ унинг хасислиги менга сира бегона одам билан очиқ гапириш хуқуқини бермайди.

— Гапираверинг, жаноб. Сизнинг ростгўйлигингиз на унга, на сизга зарар етказади. Мен бу судхўр сиймосида фариштани кўришни умид қилмайман.

— Госбек отанинг, — дедим мен, — бир қоидаси бор, унга доимо амал қиласди. У пулни товар деб ҳисоблади, вазиятга қараб ҳеч пинагини бузмай уни ё арzon, ё қиммат пуллайди. Унинг фикрича, қарзи эвазига катта процент оладиган судхўр ҳам ҳар бир даромадли ишда ва олди-сотдида қатнашадиган одам каби капиталистдир. Борди-ю, унинг молиявий принципларини ва одамзоднинг табиати ҳақидаги мулоҳазаларини олиб ташласа, имоним комилки, бу хусусиятларсиз у бутун бошли Парижда энг инсофли одамдир. Унда икки нарса мавжуд: зиқналик ва файласуфлик, пастарин ва улуғ инсон. Башарти мен ёш-ёш болаларимни етим қолдириб ўлиб кетсам,

уларни у ўз бағрига олади. Мана жаноб, шахсий кузатишли-римга таяниб Гобсекни шундай одам деб биламан. Унинг ўтмиши ҳақида мен ҳеч нарса билмайман. Эҳтимол, у қароқчи бўлгандир: эҳтимол овораи жаҳон дарбадар юргандир, брилиантлар ва одамларнн, аёлларни ва давлат сирларини сотгандир, лекин имоним комилки, биронта одам синовларда унчалик тобланмаган. Мен қарзимни олиб келиб ҳаммасини тўлаб ундан кутулганимдан кейин ётифи билан мендан қандай ниятда бунчалик кўп процент ҳақ олдингиз ва ўз дўстингизга ёрдам қилиш истагингиз бор экан, нега бу ҳимматни тамомила беғараз қилмадингиз, деб сўрадим. «Ўғлим, мен сени миннатдорлик билдириш заруратидан халос қилдим, қолаверса, сен ўзингни менга муте билмайсан. Шу боис биз дунёда энг қалин дўстлармиз». Унинг бу жавоби, жаноб, Гобсекнинг феълини мен айтган гаплардан кўра аниқроқ очиб беради.

«Қарорим қатъий, – деди граф. – Мол-мулкимни Гобсекнинг ҳукмига топшириш ҳақидаги зарур қофозларни тайёрлайверинг. Мен, жаноб, қарши тилхат ёзишни фақат сизга ишонаман, бунда у олди-сотди қалбаки эканлигини баён қилади, мол-мулкимни ўзим истаганимча ишлатишинга ва уни балоғатга етганидан кейин тўнғич ўғлимнинг қўлига топширишга сўз беради. Лекин мен сизга бир нарсани айтиб қўймомим керак: тилхатни уйимда сақлашга қўрқаман. Ўғлим онасига шундай меҳр қўйганки, бу ҳимматбаҳо ҳужжатни унга ишониб топширолмайман. Уни ўзингиз сақлаб қўйишингизни сиздан илтимос қиласман. Бордию Гобсек ўлиб-нетиб қолгудек бўлса, менинг мол-мулкимнн сизга мерос қолдиради. Шундай қилиб, ҳаммаси ўйлаб қўйилган.

Граф гапдан тўхтади, у жуда ҳаяжонлаиган қўринарди.

– Безовта қилганим учун минг карра узр, – деди у ниҳоят, – очиғи, мен қаттиқ изтиробдаман, саломатлигим ҳам яхши эмас, нуқул хавотирга солади. Анави кўнгилсиз воқеа менга шафқатсиз зарба бўлди. Қўрқаманки, узоқ яшамайман, шу важдан кескин чоралар кўришга мажбурман.

– Жаноб, – дедим мен, – авваламбор ишончингиз учун миннатдорлик билдиришимга ижозат этинг. Мен бу ишон-

чингизни оқлаш учун диққатингизни бир нарсага жалб этмоқчиман, сиз күрадиган тадбирлар кенжә фарзандларингизни баҳтсиз қиласы, ахир, улар ҳам сизнинг номингизда-ку. Борингки, хотинингиз сизнинг олдингизда гуноҳкор бўлсин, лекин сиз барибир уни қачонлардир севгансиз, шунинг учун унинг болалари маълум даражада таъминланишга ҳақли. Мен сизга шуни айтиб қўяй, борди-ю, уларнинг улуси аниқ кўрсатилмаса, сиз менинг зиммамга юклаётган фахрли мажбуриятни ўз устимга ололмайман.

Граф сесканиб кетди, кўзларига ёш қалқиди-ю, кўлимни маҳкам сиқиб деди:

— Мен сизни яхши билмаган эканман. Сиз менга ҳам озор бердингиз, ҳам хурсанд қилдингиз. ҳа, қарши тилхатнинг биринчи моддасидаёқ у болаларга қанча улуш ажратишни таъкидлаш керак.

Мен уни конторамнинг эшигигача кузатиб чиқдим, шунда унинг чиройиadolатли иш қилгани учун қониққанидан портлаб кетганини кўрдим. Мана, Камилла, ёш жувонлар тайғончоқ йўлдан жаҳаннамга шундай қулаб кетишлари мумкин. Баъзан зиёфатларда биргина рақсга тушишу фортепъяно ёнида қўшик айтиш ва шаҳар ташқарисида сайр қилиш ўнгланмайдиган баҳтсизликка олиб келиши мумкин. Манманлик овозига қулоқ осиб, ёшликтининг ҳавоий истаклари гирдобига ўзларини отиб, бунга уларнинг ўзлари талпинадилар! Аёл маълум чегарадан чиқса, бас, у албатта уч фурияга¹ рўбарў бўлади, буларнинг номи — шармандалик, пушаймон, муҳтоҷлик — ана шундан кейин...

— Боёқиши Камилла, кўзлари юмилиб кетяпти, — деб гап қистирди виконтеSSа Дервилнинг сўзини бўлиб — Бора қол, қизим, ўрнингта ёт. Қўрқинчли воқеалар билан сени қўрқитишнинг ҳожати йўқ, сен шундоғам покломон, олийҳиммат бўлиб қоласан.

Камилла де Гранлье онасининг муддаосини тушуниб хонани тарқ этди.

¹ Фурия — қадимги Рим мифологиясида — қасос оловчи илоҳийлардан бири. (Тарж.)

— Сиз жуда ошириб юбордингиз, қимматли Дервиль, — деди виконтесса. — Ишончли вакил ҳар ҳолда она ҳам эмас, воиз ҳам.

— Лекин газеталар бундан минг чандон бўрттириб ёзади...

— Азизим! — деди виконтесса таажжубга тушиб. — Чиндан ҳам сизни таниёлмаяпман! Наҳотки, сиз менинг қизимни газета ўқийди, деб ўйласангиз? Давом этинг, — деб қўшимча қилди у.

— Графнинг мол-мулки Гобсек қўлига ўтганлиги ҳақидаги васиқанинг тасдиқланганига уч ойдан кўпроқ вақт ўтди...

— Энди графнинг исм-шарифини очиқ айтсангиз бўлади, қизим йўқ бу ерда, унинг исми де Ресто, — деди виконтесса.

— Жуда соз, — деди ишончли вакил рози бўлиб. — Орадан бир қанча вақт ўтди, лекин мен олди-сотди ҳақидаги муҳим ҳужжатни қўлимга олмадим. Ахир, у менда сақланиши лозим эди-да. Парижда адвокатларни кундалик ташвишлар шундай банд этадики, улар ўз мижозларининг ишларига ҳожатмандларнинг ўzlари каби кўп вақт ажратолмайдилар. Истисно сифатида баъзи ишларнигина биз ўринлатамиз. Аммо, ҳар қалай, бир куни Гобсекни уйимда меҳмон қила туриб, мен ундан, хабарингиз йўқми, негадир жаноб де Рестодан ҳеч дарак йўғ-а, деб сўрадим.

— Бунга жиддий сабаблар бор, — деб жавоб берди чол, — Граф ўлим тўшагида ётибди. Кўнгли нозик одам. Бундайлар фам-фуссага бардош беролмайдилар, фам-фусса уларни гўрга тиқади. Ҳаёт — мураккаб, оғир ҳунар, унга ўрганиш учун тиришиш керак. ҳаётни билган одам, унинг оғусини тотиганида юрагининг пан толаси чиниқади, пишиқ бўлади, бу унга ўз таъсиранлигини идора қилишига имкон беради. Асаблар унда пўлат пружинадан қолишмайди, қайлади-ю, синмайди. Боз устига, ҳазм қилиши яхши бўлса, бундай одам Ливан кедрлари каби узоқ умр кўради. Ажойиб дараҳтларда ўзиям.

— Наҳотки граф ўлса? — деб хитоб қилдим мен.

— Ким билади тағин, — деди Гобсек. — Унинг мероси ҳақидаги иш сизга наф келтиради.

Мен меҳмонга қарадим ва унинг нияти нималигини билишга ҳаракат қилдим.

— Менга шуни тушунтириб берсангиз, малол келмаса, нима учун ҳамма одамлар ичиде менгаю графга ҳамдардлик күрсатдингиз?

— Чунки фақат сизларгина ҳеч қандай найрангсиз менга ишондингиз.

Гарчи бу жавоб қарши тилхат йўқолган тақдирда ҳам Гобсек ўз мавқенини суиистеъмол қилмайди, деган гапга мени ишонтиrsa-да, барибир графни бориб кўришга жазм қилдим. Қандайдир ишни баҳона қилиб уйдан Гобсек билан бирга чиқдим. Гельдер кўchasига кўз очиб юмгунча етиб келдим. Мени графиня кичик болалари билан кўнгил очиб ўтирган меҳмонхонага олиб кирдилар. Уй хизматкори мен келганимни хабар қилганида у сапчиб ўрнидан турди, бир кўнгли истиқболимга пешвоз чиқмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ бу аҳдидан қайтиб ўтириди ва индамай камин олдидаги курсини кўрсатди. Дарҳол у худди чехрасига ниқоб тутгандек бўлди, одатда оқсуяк аёллар ўз эҳтиросларини шундай усталик билан яширадилар. Бошидан кечирган кўргиликлар унинг ҳуснига раҳна солган, бироқ чехрасининг гўзал тархлари унинг аввалги латофатию чиройини билдириб тураг эди.

— Графда муҳим гапим бор эди: у билан, хоним, суҳбатлашсам дегандим.

— Бунинг уддасидан чиқолсангиз, мендан баҳтлироқ эканиз, — деб луқма ташлади графиня менинг гапимни бўлиб. — Граф ҳеч кимни кўришни истамайди, врачнинг келиши ҳам унга малол келади, ҳар қандай меҳрибонликдан, менинг фамхўрлигимдан ҳам бош тортади. Беморлар ўзи ғалати бўлишади. Улар худди болалардек нима исташларини яхши билишмайди.

Графиня шолғомдек қизариб кетди. Мен эсам Гобсекка ўхшаб қўрс гапираб юборганимни ўйлаб пушаймон едим ва суҳбат мавзуини ўзгартиришга ошиқдим.

— Ҳар ҳолда, bemорни ҳаммавақт ёлғиз қолдирмаслик керак, — дедим ва унга диққат билан тикилдим.

Бироқ бу сафар у қизармади, назаримда менга сирини ошкор қилишни истамасди.

— Тушунинг ахир, хоним, — деб яна гап бошладим, — ме-

нинг саркашлигим шунчаки қизиқсинашдан змас. Гап муҳим моддий манфаатдорликда...

Шундай дедиму нотўғри йўлдан кетаётганимни фаҳмлаб тилимни тишлаб қолдим. Графиня лақмалик қилганимдан дарров фойдаланди.

— Эр билан хотиннинг манфаати бир-ку.

— Маъзур тутасиз, мен бу ёрга фақат графга алоқадор иш билан келганман, — дедим мен эътиroz билдириб.

— Мен ҳозир буораман, гаплашмоқчи эканлигингизни унга хабар қилишади.

Гарчи графиня бу гапни очиқ чирой ва хушмуомалалик билан айтган бўлса-да, мен у ўла қолса ҳам мени эрининг ёнига қўймаслигинн англадим.

Биз яна бир оз майда-чўйда нарсалар ҳақила гаплашдик. Мен бу вақт ичидаги дикқат билан уни кузатиб турдим. Графиня барча аёллар каби қандай иш тутишини ўйлаб, режа тузиб олди-ю, аёлларгагина хос хиёнаткорликнинг олий намунасини ифода этувчи бу режасини жуда усталик билан яширди. Айтиш даҳшат, мен унинг қўлидан ҳар нарса, ҳатто жиноят қилиш ҳам келиши мумкинлигидан хавфсирадим. Ахир ҳар бир имо-ишорасидан, нигоҳидан, ўзини тутишидан, гап оҳангидан келажакда ҳоли нима кечишини билганлиги сезилиб турарди. Мен у билан хайрлашиб чиқиб кетдим... Энди мен сизга кейинчалик ошкор бўлган баъзи тафсилотларни илова қилган ҳолда бу драманинг охирги саҳнисини сўзлаб бераман Дарвоҷе, бу тафсилотларни ер тагида илон қимиirlаса биладиган Гобсек икковимиз аниқладик. Граф де Ресто ўзини айш-ишрат уммонига отиб, мол-дунёсини елга совура бошлагач, эр-хотин орасида ўзгалирнинг назаридан четда жаңжаллар бўлиб турган, булар граф хотинидан яна қўпроқ нафратланишнга сабаб бўлган. У қаттиқ оғриб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олгач, хотинига ва кичик фарзандларига нафрати алантга олиб кетди: ётогига киришни уларга тақиқлаб қўйди, бордию бу тартибни бузишса, ҳаёти учун хавфли шундай тутқалоқ тутиб қолардики, врачнинг ўзи, эргизнинг амрига бўйсунинг, деб графиняга илтижо қилди. Графиня де Ресто оиласвий мол-дунёси, мулки, фермаси, ҳатто ўзи

яшаб турган уй кўзига афсонавий сеҳргар, бутун бойлигини ютиб юбораётган юхो бўлиб кўринадиган Гобсекнинг комига кириб кетаётганини кўриб эрининг нияти бузуқигини фаҳмлади. Де Трай кредиторларнинг таъқибидан қутулиш учун Англияда саёҳат қилиб юарди. Фақат угина судхўр графга графинядан ўзини ҳимоя қилиш йўлини ўргатганини, кўрилган яширин чора-тадбирларни осонгина тушунтириб бериши мумкин эди. Айтишларича, у узоқ вақт имзо чекишдан бош тортиби, бу эса, бизнинг қонунларга кўра эр-хотиннинг мол-мулки сотилганида зарур. Аммо граф бир амаллаб унинг розилигини олган. Графиня граф ўз мол-мulkини пулга айлантиради ва жарақ-жарақ пуллар қандайдир нотариуснинг яширин шкафида ёки банкда сақланади, деб тасаввур қилган эди. Унинг мўлжалича, жаноб де Рестонинг қўлида шундай ҳужжат бор эдики, тўнгич ўғли бу билан меросдан чекига тушган улушкини ундира олиши мумкин эди. Шу боис у эрининг ётоғини мижжа қоқмай кузатишга жазм қилган эди. Уйда у ягона ҳокима эди ва ҳаммани ўзининг жосусига айлантирганди. Уззукун у эрининг ётоғи олдидаги меҳмонхонада унинг ҳар бир сўзига, шитир-шитирига қулоқ солиб ўтирас, кечаси эса, унга шу ернинг ўзига жой солиб беришар, лекин у мижжа қоқмас эди. Врач батамом унинг тарафида эди. Унинг эрига сохта садоқати ҳаммани ҳайратга соларди. Бевафолик ва ҳийлакорлик қон-қонига сингиб кетган бу жувон эри нима сабабдан жирканишини изҳор этганини яшириб, ўзини беҳад фам-алам чекаётган мотамсаро кўрсатиб, эл оғзига тушди. Одоб-ахлоқ бобида ўзларини покдомон ҳисоблаидиган аёллар, у ўз гуноҳини юви, деб топишиди. Бироқ унинг кўзи ўнгида нуқул муҳтожлик турар, лаванглик қилса гўё қашшоқлик ғиппа томогидан оладигандек туюлар эди. Эри ўлим тўшагида инグラб ётган ерида уни ёнидан қувган. Энди хотин эрининг атрофини сирли доира билан ўраб олган эди. У эридан ҳам йироқ, ҳам яқин эди, барча ҳақ-хуқуқлардан маҳрум эса-да, кудратли, ўзини вафодор хотин қилиб кўрсатарди, бироқ унинг ўлимини кутар ва бойлигини қўлга киритишни хоҳларди. У баайни қумда ин ковлаб, ҳар бир қум заррасининг тўкилишига қулоқ тутиб, ин тубида ўлжа пойлаб яшириниб ётган

ҳашоратга ўхшарди. Энг қаттиқкүл адаб ўргатувчи ҳам чор-ночор графиняни меҳрибои она деб эътироф этган бўларди. Айтишларича, отасининг ўлими унга сабоқ бўлибди. У болалари ни жон-дилидан суръ ва ўзининг нопок ҳаётини улардан яши-рар эди; норасида болаларни чалғитиш ва улар кўзига ўзини оппоқ кўрсатиш қийин эмасди, у болаларига жуда яхши таълим ва тарбия берди. Тан бераман, мен бу аёлга ҳайрат ва ўқинч билан қарапдим, бу қилигим учун Гобсек яқингинада менга тегажонлик қилар эди. Шу кезларда графиня Максим де Трай-нинг фирибгарлигига иқрор бўлди ва аччиқ кўз ёшлари билан аввалги гуноҳларини юва бошлади. Аминманки, эрининг мол-мулкини эгаллаб олиш учун қилган ишлари албатта разилона бўлса-да, барибир бунга уни оналик муҳаббати, улар олдидаги гуноҳини ювиш истаги ундаган эди. Жўшқин муҳаббат завқ-шавқини бошидан кечирган ҳар қандай аёл сингарн эндиликда у сидқидилдан эзгуликка интиларди. Эҳтимол у айш-ишратда кечирган ҳаётининг самараси бўлмиш аччиқ мевани то-тиб кўргачгина эзгуликнинг қадрига етган эди. ҳар сафар катта ўғли Эрнест отасининг хонасидан чиққанида графиня уни сўроққа тутар, илондек авраб граф нима қилганини, нима деганини суриштирасди. Ўғли: онам отамни чексиз севгани учун суриштиряпти, деб ўйлаб, унинг саволларига бажонидил жавоб берарди. Менинг боришим графиняни саросимага со-либ қўйди. У менинг қиёфамда эрининг гаразли ниятларини амалга оширувчи қора ниятли кимсани кўрди ва мени жон таслим қилаётган эрининг ёнига қўймасликка аҳд қилди. Мен қандайдир кори-бад бўлганини пайқадим ва қарши тилхатлар-нинг тақдири ҳақида ташвишланганим учун қандай бўлмасин жаноб де Ресто билан учрашишга ҳаракат қилдим. Мен бу хуж-жатлар графинянинг кўлига тушиб қолишидан, графиня бу-ларни рўйч қилиши мумкинлигидан, оқибатда у билан Гобсек орасида ҳеч туталмас даъволаниш бошланиб кетишидан хаво-тирилардим. Мен бу судхўрнинг феълинин яхши билардим, у граф топширган мол-мулкини графиняга бермаслигига имо-ним комил эди. Лекин фақат ўзимгина ишга тушириб юбора оладиган бу тилхатларда суд можаросини бошлашга сабаб бўлув-

чи далиллар хийла кўп эди. Бу шўриши фавфонинг олдини олиш учун мен иккинчи марта графиняникига бордим.

— Мен шуни аниқладимки, хоним, — деди Дервиль виконтесса Гранльєга сирли тусда, — биз кундалик ташвишлар билан бўлиб, етарли аҳамият бермайдиган бир ахлоқий сир бор экан. Мен табиатан кузатувчан бўлганимдан ўзим олиб боришимга тўғри келган, айниқса, одамларда тама ва фаразгўйлик ўти аланга олган ишларни беихтиёр таҳлил қиласдим. Биласизми, рақибларнинг бир-бирининг яширин фикрларини ва ниятларни билиб олиш бобидаги ажойиб салоҳиятларига бир неча бор амин бўлдим. Баъзан икки рақиб ўта сезгирилик ва шундай фаҳм-фаросат намуналарини намойиш этишардики, худди ошиқ-маъшуқа бир-бирининг дилидагини билиб тургани каби улар ҳам бир-бирларининг кўнгилларида нима борлигини кўриб-билиб туришарди. Мана, ниҳоят, биз графиня икковимиз холи қолгач, мени унинг кўришга кўзи, отишга ўқи йўқлигини дарров тушундим. Гарчи буни у тавозе ва шодхуррамлик пардаси билан яширса-да, фаҳмладим. Ахир мен унинг сирларидан беихтиёр воқиф эдим, аёллар эса, сирини биладиган одамни ёмон кўришади. У, ҳар қалай, эрининг ишончли вакили бўлсам ҳамки, эри ҳали мол-мулкини менга топширишга улгурмаганини фаҳмлади. Мен ўша куни орамизда бўлиб ўтган гапларни гапириб, вақтингизни олмайман.Faқат шуни айта оламанки, ҳаётимда олиб борган олишувларим ичida энг хавфлиси шу бўлгани аниқ. Кишини йўлдан оздириш бобида табиатнинг барча сехру жодуларидан баҳраманд бўлган бу аёл ўзини гоҳ ройиш, гоҳ манман, гоҳ хушумомала, гоҳ содда қилиб кўрсатар эди. У ҳатто юрагимда эҳтирос ўтини алангалатиб, мени ром қилмоқчи ҳам бўлди, бироқ барча уриниши зое кетди. Кетишга чоғланганимда кўзлари шундай қаҳру ғазаб билан чақнадики, мен ҳатто қалтираб кетдим. Биз ёвлашиб колдик. У ўзига қолса мени йўқ қилиб юборишга тайёр эди. Мен эсам унга ачинардим, лекин бу таҳлит аёлларга ачиниш қаттиқ ҳақорат билан баробар. Бу ачинишни у хайрлашаётганимизда мен назокат билан айтган гаплардан тушунди. Мен унга, ҳар қанча уринманг, барибир ютқа-

зишингиз муқаррар, сизни қашшоқлик кутади, деб тушунтиридим, Чамаси у ваҳимага тушиб қолди.

— Бордию мен граф билан гаплашолганимда, лоақал болаларингизнинг тақдири...

— Йўқ! Унда ҳамма нарсада сизга муте бўлиб қоламан! — деб хитоб қилди у сўзимни бўлиб, нафрат билан қўлинин силкитар экан.

Орамиздаги кураш шундай ошкора тус олгач, муҳтоҗликка гирифтор бўладиган бу оиласи ўзим халос қилишга жазм этдим. Бу мақсадим йўлида мен зарур бўлса ҳаттоки юридик жиҳатдан қонунсиз ишлар қилишгача бел боғладим. Мен мана бундай иш кўрдим. Мен граф Рестога қарши иш қўзғаб у Гобсекдан ёлғондака қарз бўлган барча пулни даъво қилдим ва ижро варақаси олдим. Турган гапки, графиня суд қарорини ҳаммадан яширишга мажбур бўлди, бу қарор менга граф ўлганидан кейин унинг мол-мулкини хатлаш ҳуқуқини берарди. Кейин мен граф хонадонидаги хизматчилардае бирини ўзимга оғдириб олдим, у хўжайнин гарчи тун яримда бўлса ҳамки жон талвасасига тушса, мени хабардор этишга сўз берди. Мен қўққисдан кириб келиб, ҳозироқ мол-мулкни рўйхатга оламан, деб пўписа қилиб графиняни қўрқитишга ва шу йўл билан графда сақланаётган ҳужжатни сақлаб қолишга бел боғладим. Қейинчалик шуни билдимки, бу аёл ўлаётган эрининг оху ноласига қулоқ тутган кўйи «Гражданлар кодексини» титкилаган экан. Ўлим тўшагида жон талашиб ётган аламдийдани ўраб олган меросхўрларнинг қалбига назар ташлашнинг иложи бўлганда биз даҳшатли манзарани кўрган бўлардик. Бунда қанчадан-қанча фараз, тама, макр бор эди. Буларнинг ҳаммаси тағин пул учун! Келинг, бу тафсилотларга чек қўямиз, шундоғам улар бир-бираидан жирканч, лекин булар мазкур аёлнинг изтиробларини, эрининг азобларини кўз ўнгимизга келтиришимизга ёрдам беради ва ўзлариннинг фожиаларига ўхшаш оилавий фожиаларини яшириб турган пардани кўтаради. Граф де Ресто тақдирига тан бериб хонанишинликда икки ой кўрпа-тўшак қилиб ётди. Бедаво дард секин-аста аъзойи баданини ва онгини барбод этди. У баъзан касалларда учрайдиган ва тушунтириб бўлмайдиган

хурмача қилиқлар чиқарди, у хонасини супуриб-сициришни ман қилди. ҳар қандай хизматлардан воз кечди, ҳатто ўрнини қайта солишларига ҳам йўл қўймасди. ҳамма нарса жонига текканлиги хонадаги жиҳозларнинг тартибсизлигига кўринарди, энг нозик, бежирим буюмларни ҳам чанг ва ўргимчак ини босиб ётарди. Бир вақтлар бой ва нозиктаъб одамга хонадаги тартибсизлигу ифлослик гўё ҳузур бағишаётгандек эди. Бу ерда камин, ёзув столи ва стуллар устида касал учун келтирилган дори-дармонлар уюлиб ётар, қаёққа қараманг, дорили ёки до-рисиз кир-чир шишаҷалар, ички кўйлаклар, синган тарелкалар кўзга ташланар, камин олдида қопқоқсиз грелка ётар, ми-нерал суви тўкиб ташланмаган ванна турар эди. Бу мудҳиш тартибсизликнинг ҳар бир бўлагида инсон ҳаётининг емири-лиши сезиларди. Ажал одамни томогидан фиппа бўғишга тай-ёрланар экан, кучини буюмларда синааб кўришга қасд қилган-дек эди. Кундузги ёруғлик графни ваҳимага солгани боисидан дераза эшиклари тақатақ берк турар, нимқоронгиликда хона яна ҳам тундроқ кўринар эди. Бемор чўпдек озиб кетган эди. Фақат унинг ялтироқ кўзларида ҳаётнинг сўнгги учқуни мил-тиллаб турарди. Унинг сўниқ, рангпар юзига ажал соя солган эди, олдирмай кўйганидан ўсиб кетган узун соч толимлари ич-ичига ботган лунжларига тушиб туриши бу таассуротни кучай-тиради. У зоҳидларни эслатарди. Fam-ғусса ундаги барча ин-соний туйғуларни сўндирган эди. Ахир, у ҳали элликка ҳам бормаган, бир вақтлар бутун Париж уни шукуҳли ва баҳтли одам сифатида кўрган эди!

Бир куни эрталаб, 1824 йил декабрь бошларида, графнинг ўғли Эрнест чуқур ғусса билан отасига тикилиб ўтирган эди. Отаси қимирлаб, унга қарайди.

— Оғрияптими, дада?

— Йўқ, — дейди граф қалбни зирқиратувчи жилмайиб. — Нуқул бу ерим ҳам юрагимнинг таги!

Шуни деб у чиллакдек бармоқларини бошига теккизади, кейин шундай изтиробли боқиб қўлини пачақ кўкрагига бо-сади, ўғли йиғлаб юборади.

— Нимага Дервиль келмаяпти-а? — деб сўрайди граф ўз

хизматкоридан. Граф уни ўзининг содиқ хизматкори деб билар, аслида эса, у тамоман хотини тарафида эди. — Бу қанақаси, Морис? — деб хитоб қилди граф жон бераётиб, сўнг қўзғалиб, тўшакда ўтири: чамаси онги бутунлан тиниқлашган эди. — Кейинги икки ҳафта ичидагизни сизни камида етти марта ишончли вакилини чақириб келишга юбордим, ҳамон ундан дарак йўқ. Нима, мени майна қиляпсизми? ҳозироқ, шу дақиқада бориб уни олиб келинг! Агар бўйин товласангиз, ўрнимдаи туриб, ўзим бораман...

— Графиня, — деди камердинер меҳмонхонага чиққач, — графнинг гапини эшийтдингизми? Бу ёғи қандоқ бўлди?

— Ҳеч нарса, ўзингизни ўша вакилнинг олдига кетаётган қилиб кўрсатинг, қайтиб келгач, графга, у Париждан қирқ лье¹ нарига муҳим суд мажлисига жўнаб кетибди, деб хабар қилинг. ҳафтанинг охирида келармиш, деб қўшиб қўйинг.

«Касаллар ўлимлари яқин қолганига сира ишонишмайди. У вакилнинг қайтишини бемалол кутади», деб кўнглидан ўтказди графиня. Куни кеча врач унга, граф бир кунга ҳам бормайди, деган эди. Орадан икки соат ўтгач, хизматкор унга кўнгилсиз хабарни етказгач, граф қаттиқ ташвишга тушди.

— Э, худо! — деб шивирлади у. — Бутун умидим сендан!

У ўғлига узоқ тикилиб турди-да, ниҳоят унга бундай деди:

— Эрнест, болагинам, ҳали сен ёшсан, лекин қалбинг тоза, ўлаётган отага берилган ваъданинг муқаддаслигини тушунасан... Сен сир сақлашга, уни қалбингда қаттиқ асрашга, буни ҳатто онангдан ҳам яширишга қодирмисан? Бутун уйда мен эндиликда фақат сенга ишонаман. Менинг ишончимни оқладай оласанми?

— Ҳа, дада.

— Гап бундай, Эрнест, ҳозир мен сенга муҳрланган конверт бераман: у Дервилга тегиши керак. Уни эҳтиёт қил, яхшилаб яшириш, токи унинг сендалигига ҳеч ким шубҳа қилмасин. Уйдан ҳеч кимга билдиримай чиққин-да, уни бурчакдаги почта қутисига ташлагин.

— Хўп бўлади, дада.

¹Лье — Францияда 4,5 километрга тенг қадимги узунлик ўлчови. (Тарж.)

— Сенга ишонсам бўладими?

— Ҳа, дада.

— Кел, мени ўп. Энди ўлиш менга унча оғир бўлмайди, болажоним. Олти, етти йилдан кейин бунинг қандай муҳим сирлигини биласан, сен фаҳмуфаросатинг ва отангга садоқатинг учун тақдирланасан. Ўшанда сени қанчалик севганимга амин бўласан. Энди мени бир зум ҳоли қўй ва ёнимга ҳеч кимни кирилма.

Эрнест меҳмонхонага чиқди ва у бу ерда турган онасини кўрди.

— Эрнест — деб шипшиди у, — бу ёққа кел. — У ўтиридан ва ўғлини ўзига тортиб бағрига маҳкам босди-да, меҳр билан ўпди.

- Эрнест, отанг сен билан гаплашдими ҳозир?

— Ҳа, ойи.

— Нималар деди у сенга?

— Айтмолмайман, ойи.

— Оҳ, қанчалик ўқтам боласан! — деб хитоб қилди графиня ва уни қизғин ўпди. — Сир сақлай олишингдан канчалар хурсандман! Одам учун энг муҳим икки қоидани ҳеч қачон унутма, булар ёлғон сўзламаслик ва ваъданинг устидан чиқиш.

— Ойижон, намунча яхшисиз-а! Сиз, албатта, ҳаётингизда ҳеч ёлғон сўзламагансиз! Ишонаман бунга.

— Йўқ, Эрнест, баъзида ёлғон гапирганман. Сўзимнинг устидан чиқмаганман, лекин бутунлай ноилож қолган вақтларимдагина шундоқ қилганман. Менга қара, сен катта, ақлли боласан, отанг мени ўзидан четлатаётганини, гамхўрлигимдан ҳазар қилаётганини ўзинг кўриб турибсан. Бу - адолатсизлик. Уни қанчалик севишимни кўряпсан-ку.

— Ҳа, ойи.

— Боёқиши ўғлим, — деди графиня кўз ёшларини шашқатор оқизиб. — Ҳаммасига ёмон одамлар айбдор, улар менга туҳмат қилишди, отанг билан мени ажратиб юбормоқчи бўлишиди. Чунки бу кишилар фаразгўй ва баҳилдиrlар. Улар бизнинг давлатимизни тортиб олиб, ўзлариники қилмоқчилар. Агар отанг соғ бўлганида орамиздаги жанжал тезда бартараф бўларди, у меҳрибон, мени севади, ўзининг хато қилганини тушунарди. Бироқ касаллик унинг ақлу идрокига раҳна солди, менга

бўлган нафрати кўнглида чуқур илдиз отиб, қандайдир телбаликка айланди. Шундан кейин бошқа болаларга қараганда сенга меҳри ошиб кетди. Бу ҳам унинг ақли хиралашганини кўрсатади. Ахир ўзинг ҳам у касал бўлишидан аввал Полина билан Жоржни сендан кам севмаганини биласан-ку. Эндиликда ҳамма нарса унинг инжиқлигига боғлиқ. Сенга бўлган меҳру муҳаббати кўнглига ҳар хил гапларни солиши мумкин. Айт менга, у сенга бирор топшириқ бердими? Ҳалоскорим, ахир, сен уканг билан синглингни кафангадо қилишни истамайсан, онанг бир бурда нонга зор бўлиб тиланчилик қилишига йўл қўймайсан! ҳамма гапни айт менга...

— А-а! — деб қичқирди граф эшикни ланг очиб.

Яrim яланғоч, чўп-устахон граф бўсафада турарди. Унинг бўғиқ қичқириғи графиняning ўтакасини ерди, у эрига қараганча тахта бўлиб қолди, қоқсуяқ, ранги докадек оқ бу одам унга худди гўрдан чиққандек туолар эди.

— Ҳаётимни фам-ғусса билан оғулаганингиз етмасмиди, ҳатто тинчгина ўлишимга ҳам қўймайсиз, ўғлимнинг қалбига ёвузлик уругини сочиб, уни абллаҳ одам қилмоқчи бўласиз! — деб қичқирди у заиф, хирқироқ овозда.

Графиня шу аснода қўрқинчли, жон талвасасида тасқара бўлиб кетган бу чалажон одамнинг оёғига ўзини ташлади, кўзларидан мўлдир-мўлдир ёш оқди.

— Раҳм қилинг! Раҳмингиз келсин менга! — деб фифон чекди у.

— Сиз менга раҳм қилганмидингиз? — деб сўради граф. — Сиз ўзингизнинг мол-мулкингизни совурганингизда мен фиринг деганим йўқ, энди менинг мол-мулкимни ҳам елга совурмоқчисиз. Ўғлимни хонавайрон қилмоқчимисиз?!

— Майли! Раҳм қилманг, нобуд этинг мени! Болаларга шафқат қилинг! — деб ёлворди у. — Буюринг, мен монастирга кетай ва қолган умримни танҳо ўша ерда ўтказай. Мен бир сўзсиз итоат этаман. Олдингизда гуноҳимни ювиш учун нимани буюрсангиз шуни бажо келтираман. Бироқ болалар... Келинг, лоақал ўшалар баҳтли бўлишсин... Болалар, болалар!..

— Менинг болам битта! — деб хитоб қилди граф жон аччиғида қоқсуяқ қўлларини ўғлига узатиб.

— Кечир! Мен шундай пушаймонман, шундай пушаймонманки! — деб чинқирди графиня ўлаётган эрининг ориқ, тердан нам оёқларнни қучоқлаб. У оху фарёд чекаётганидан тили айланмас, нуқул гўлдирап эди.

— Ҳали сиз пушаймон еяпсизми?! ҳозиргина Эрнестга гапирган гапингиздан кейин бу сўзни тилга олишга қандай ҳаддингиз сифди! — деди ўлаётган граф ва уни оёғи билан силтаб ташлади.

Графиня ерда чўзилиб қолди.

— Сизнинг касрингизга совқотдим, — деди граф қандайдир мудҳиш лоқайдлик билан — Сиз ёмон қиз, ёмон хотин эдингиз, ёмон она ҳам бўлиб қоласиз...

Шўрлик аёл хушидан кетди. Чалажон граф бир амаллаб тўшаги олдига борди-да, ётди ва орадан бир неча соат ўтгач хушини йўқотди. Кашишлар унинг тавба-тазаррусини қабул қилгани, тасалли бергани келишди. Ярим кечада у жон таслим қилди. Хотини билан қилган даҳанаки жанг унинг батамом дармонини қуритган эди. Мен тун ярмида Гобсек билан бирга келдим. Уйдагиларнинг саросимага тушганидан фойдаланиб, биз осонгина марҳумнинг ётоги ёнидаги мўъжаз меҳмонхонага ўтиб олдик. Биз бу ерда йиғлаётган болаларни кўрдик; улар билан тунни марҳумнинг жасади ёнида ўтказиш учун қолган иккита кашиш бор эди. Эрнест олдимга келиб, онам марҳумнинг хонасида ёлғиз қолишга истак билдириди, деди.

— Кирманг у ёқقا! — деди у. Овозидаги шиҷоат ва кескин қўл ҳаракати мени қойил қолдириди. — Онам ибодат қиляпти...

Гобсек ўз одатича унсиз кулди, лекин бу йигитчанинг қайфу ва ғазаб акс этган юзи мени ҳаяжонга солганди, теварак-атрофда марҳумнинг либослари, қофозлар, ғижимланган латталар сочилиб ётарди. Мурда ётган тўшак ёнида бу тартибсизликни кўриш даҳшат эди. Графнинг жони узилиши биланоқ хотини хонага отилиб кириб, шкафларни, ёзув столининг тортмаларини синдириган, гиламнинг атрофида йиртилган хатларнинг парчалари ёйилиб ётар, қутичалар синдирилган, портфеллар тилимланган — унинг тийиқсиз қўллари ҳамма ерни тит-пит қилган эди. Эҳтимол, унинг қидириши аввалига фой-

дасиз бўлган, аммо аёлнинг туришига ва ҳаяжонланишига қараб мен охири сирли ҳужжатни топган, деган фикрга келдим. Мен тўшакка қарадим-у, одатдаги адвокатлик ишларида камолотга етган туйғу билан нима бўлган бўлса ҳаммасини англадим. Граф де Рестонинг жасади чалқанча ётар, боши девор томон караватдан осилиб қолган эди. Аёл уни бамисли ер билан бир бўлиб ёйилиб ётган кераксиз конвертлардек нафрат билан итқигани шундоқ қўриниб турарди. Мурданинг тўнгиб қолган жасади, керилган қўл-оёқлари даҳшатли ва беўхшов қотиб қолган эди. Турган гапки, жони узилаётган граф умрининг сўнгги дақиқасигача бировнинг тажовузидан асраб қолиш мақсадида қарши тилхатни ёстиғи тагида сақлаган. Графиня ҳужжатлар қаерда сақланишини фаҳмлаган, дарвоҷе, қотиб, чангак бўлиб қолган бармоқлар ҳам буни очиқ кўрсатиб турарди. Ёстиқ ерга олиб ташланган, унда аёллар туфлисининг изи қўринарди. Гиламда, графинянинг оёқлари тагида графнинг муҳри босилган йиртиқ пакет ётарди. Мен апилтапил пакетни олдим-у, пакет устида ўз исмимнинг битилганини кўрдим. Мен графиняга худди жиноятчини сўроқ қилаётгай терговчидек ўқрайиб қарадим.

Каминда қофоз парчалари ёниб тугамоқда эди. Биз келганимизни билгач, графиня уларни ўтга ташлаган, зотан, дастлабки сатрларда кичик болаларининг исмларини қўрган ва уларни меросдан маҳрум этувчи ҳужжатни йўқотяпман, деб хаёл қилган эди. Ваҳоланки, менинг қистовим билан уларга мерос бўлиб берилган эди. Эсанкираш ва содир бўлган жиноят олдидаги ваҳима унинг онгини хидалаштирган эди. У жиноят устида қўлга тушганини кўрди, эҳтимол унинг кўзи ўнгига жаллод кундаси пайдо бўлгандир, жаллод қизиган темир билан унинг баданига тамға босаётганини ҳис қилгандир. У ҳарсиллаб нафас олганча чурқ этмай турар, бизлар нима дейишимизни кутиб телбанамо кўзларини лўқ қилганча бизларга тикилар эди.

— Нима қилиб қўйдингиз?! — деб зарда қилдим мен олов ямлашга ултурмаган бир парча қофозни каминдан юлиб олиб.
— Сиз ўз болаларингизни хонавайрон қилдингиз! Ахир, бу ҳужжатлар уларни мол-мулк билан таъминларди...

Графиняning оғзи қийшайиб кетди, гүё ҳали-замон юраги ёрилиб ўладигандек эди.

— Хе-хе! — деди Гобсек овози фижирлаб. Бу нидо мис шамдонни мармар устида сургандек эшитилди.

Хийла сукут сақлагач, чол менга парвойи фалак:

— Мабодо сиз бу чол граф сотиб кетган мол-мулкнинг қонуний эгаси эмас, деб графиняга гап уқтироқчиидирсиз?

Шу дақиқадан эътиборан унинг уйи меники бўлади.

Бошимга худди тўқмоқ билан ургандек бўлишди, мен таажжубдан гарангсиб қолдим. Графиня судхўрга ажабланиб қараганимни пайқали.

— Жаноб! Жаноб! — деб фўлдиради у бошқа сўз тополмай.

— Сиз анави васиқани, фиденкомисни кучга киритмоқчимисиз? — деб сўрадим Гобсекдан.

— Эҳтимол.

— Сиз графиняning жиноятидан фойдаланмоқчисиз шекилли?

— Тўғри.

Мен эшик томон юрдим, графиня эса, ўзини марҳум етган тўшак ёнидаги стулга ташлаб зор қақшаб йифлай бошлади. Гобсек менга эргашди. Кўчада мен индамай бошқа томонга йўл олдим, бироқ у ёнимга келди ва ҳатто қалбим тубигача назар солмоқчидек менга қаттиқ тикилди. Кейин ингичка, чийилдоқ овозда қичқирди:

— Нима, ҳали мени айбламоқчимисан?

Шу кундан бошлаб биз онда-сонда учраша бошладик. Графиняning данғиллама уйини Гобсек ижарага берди, ёзни худди боёнлардек унинг мулкида ўтказди, у ерда чол ўзини бамисоли хўжайнинг тутди, фермалар қурди. Тегирмонларни ва йўлларни тузатди, дараҳтлар ўтқазди. Кунлардан бир кун уни Тюильри хиёбонида учратиб қолдим.

— Графиня мағдунавор ҳаёт кечиряпти, — дедим мен унга. — У ўзини бутунлай болаларига бағишлади, уларга ажойиб таълим ва тарбия берди. Катта ўғли жонон йигит.

— Эҳтимол.

— Менга қаранг, Эрнестга ёрдам беришингиз керак-ку.

— Ёрдам? — Такрор сўради Гобсек. — Йўқ, йўқ! Бахтсизлик — энг яхши мураббий. Бахтсизликда у кўп нарсаларни ўрганиди, пулнинг қадрига етади, одам танийди, эркак-аёлларнинг қадр-қийматини тушунади, қўйиб беринг, Париж дengизининг тўлқинларида сузсин. Моҳир лоцман бўлиб етишгач, уни капитанликка кўтарамиз.

Мен бу жумбоқнинг мағзини чақишини истамай у билан хайрлашдим. Гарчи онаси жаноб де Рестога мендаи нафратланишни қулоғига кўйса-да ва у маслаҳат сўраб менга мурожаат қилишга бўйни ёр бермаса ҳамки, мен ўтган ҳафта Гобсекнинг уйига бордим. Мен унга Эрнестнинг Камиллани севиб қолганини айтиб, уни ўз мажбуриятини бажаришга шоширмоқчи эдим, зеро ёш граф ҳадемай балоғат ёшига етиши керак эди. Чол тўшакда ётарди: у кўпдан бери касал, ҳаётининг сўнгги кунларини яшаётган эди. У менга, оёққа турганимдан кейин ишлар билан шуғулланишга қурбим етса, жавобини айтаман, деди. Турган гапки, у қалбida ҳаёт учқуни милтиллаб турар экан, бойлигининг ҳатто бир заррасидан ҳам ажрашни истамасди. Зеро пайсалга солишга бошқа сабаб йўқ эди. Мен унинг касали ўзи ўйлагандан кўра хавфлироқ эканини кўрдим. ҳаётининг сўнгги кунларида телбаликка айланган унинг очқўзлиги қай даражага етганини кўриш истагида уницида анча вақт қолиб кетдим. У ён-верида бегона одамларни кўришни истамай, эндиликда бутун уйни ижарага олган, унда ёлғиз ўзи яшар, барча хоналар хувиллаб ётарди. Унинг ётоғида ҳамма нарса аввалгича эди. Менга таниш жиҳозлар орадан ўн олти йил ўтса ҳамки зинҳор ўзгармаган, ҳар бир буюм гўё ойна тагида сақлангандек бус-бутун эди. ҳамон ўша оқсоқ, садоқатли аёл илгаригидек зиммасига қўйилган бутун вазифани бажаар, рўзғорга қарап, келганлар ҳақида хабар берар, ҳозир, касал ётганида уни парвариш қилар, хўжайинининг олдига чиққанида ногирон эрини эшикка пойлоқчи қилиб қўяр эди. Гобсек жуда заиф бўлса-да, баъзан мижозларни қабул қилар, даромадни ўзи оларди. Бироқ ишини шундай осонлаштирган эдики, уйдан ташқарида битадиган ишлар учун аҳён-аҳёнда топшириқ билан ногиронни юбориш-

нинг ўзи кифоя эди. Франция Гаити республикасини¹ танигани түғрисида шартнома тузилганида Гобсекни бу собиқ колониядаги француз фуқароларининг ер-сувини баҳоловчи ва тугатувчи комиссиянинг аъзоси қилиб тайинлашди. Зотан у Сан-Дамингодаги алмисоқдан қолган ер-сувлар, уларнинг эгалари ва плантаторлари ҳақида ҳадди-ҳисобсиз маълумотларга эга эди. Фаросатли Гобсек шу заҳотиёқ собиқ ер эгалари билан меросхўрларининг даъволарини кўриб чиқадиган восита-чилик ширкати ташкил этиш кераклигини фаҳмлади. Шундай қилиб, у ҳеч қачон сармоя қўшмай бу корхонанинг расмий тузувчилари Вербруст ва Жигонне билан баб-баравар даромад ола бошлади. Чунки унинг тўплаган маълумотлари сармоя қўйишдан ортикроқ фойда келтиради. Агентлик ғофил, бадгумон ёки ҳуқуқлари асосли эмаслигини билган одамларнинг мол-мулк даъволаридан тушадиган даромадни ўпқондек комига тортарди. Гобсек тугатувчи сифатида йирик плантаторлар билан музокаралар олиб борар, уларнинг ҳар бири ўз ерларининг баҳосини ошириш ёки тезроқ ҳуқуқ олиш учун унга баҳоли қудрат совға қилишарди. Бу поралар ўз йўлида қўшимча улуш бўлиб, Гобсек қарз мажбуриятларидан унди-ролмаган даромад ўрнини тўлдириши керак эди. Кейин у агентлик орқали мажбуриятларни сув текинга сотиб оларди. Шунингдек, у эгалари Республика секин-аста тўлашига ишонмай тўловни оз бўлса-да, тезроқ қўлга олишни афзал кўрган мажбуриятларни ҳам арzon-гаровга харид қиласарди. Бу катта қаллобликда Гобсек еб тўймас аждаҳо эди. ҳар куни эрталаб у совға олар ва худди қандайдир набоб вазири каби бу совғага ҳаёт инъом этсан арзирмикан, деб ўйлаб кўраётгандек, уни очкўзлик билан кўздан кечирап эди. Гобсек нимаики келтиришса, ҳаммасини қабул қиласарди, бирор камбағал олиб келган бир сават балиқдан тортиб зикна одамлар совға қилган шамларгача оларди. Бундан ташқари, бадавлат кишилардан кумуш идиш-товоқ ва савдогарлардан тилла тамакидонлар олар эди. Бу совға-саломларни қаерга қўйишини ҳеч ким билмас-

¹ Франция Гаити Республикасини 1825 йилда таниган.

ди. ҳамма унинг уйига нарса келтирас, лекин у ердан ҳеч нарса олиб чиқмас эди.

— Худо ҳаққи, сидқидилдан айтаман, — деди оқсоч хотин, менинг эски танишим. — Менимча, буларнинг ҳаммасини ютапти-ку, лекин ўзига жабр қиляпти — чўп-устухон бўп кетди. Худди менинг осма соатимдаги каккүдек қорайиб қолди.

Мана, ўтган ҳафта Гобсек меникига ногиронни юборди, у кабинетимга кириб келиб шундай деди:

— Юринг, жаноб Дервиль, тезроқ борайлик. Хўжайин жон беряпти. Лимондек сарғайиб кетди, сиз билан гаплашишга илҳақ. Ажал уни кекирдагидан фиппа бўғди, томоғидан хирқироқ овоз эшитиляпти.

Ўлаётган чолнинг хонасига кириб ҳайрон бўлиб қолдим, у ичиди олови йўқ, бир уюм кул тўпланиб ётган камин олдида тиз чўкиб ўтиради. У каравотдан тушиб камин олдигача судралиб борган, бироқ орқага қайтишга мажоли етмаган, ёрдамга чақирай деса овози чиқмаган эди.

— Кекса дўстим, — дедим мен унинг ўрнидан туришига ёрдамлашиб ва тўшаги ёнига олиб келиб. — Совқотдингизми? Нега каминни ёқишни буюрмайсиз?

— Ҳечам совқотаётганим йўқ, — деди у. — Ёқишнинг ҳожати йўқ, асло. Сафарим қариби, чирогим, — деди у пича сукут сақлаб менга хира, сўник нигоҳини ташлар экан. — Қаёққа сафар қилаётганимни билмайман аммо бу ердан кетаман. Менда аллақачон карфология¹ бошланди, — деб илова қилди у медицина терминини ишлатиб, бу унинг онги тиниқлигини кўрсатарди. — Назаримда, бутун хонада олтин думалаб юргандек бўлди, мен уларни тутиб олгани ўрнимдан турдим. Бутун бойлигим энди қаёққа кетади? Уни мен давлат хазинасиға қолдирмайман; мен васиятнома ёздим. Уни топгин, Гроций. Мен сени васий қилиб тайинлайман. Гўзал голланд аёлидан қиз қолган. Кунлардан бир куни уни кечқурун Вивъен кўчасида кўриб қолдим. Унинг лақаби — Машъала. Уни қидириб топ, Гроций. Мен сени васий этиб тайинладим. Бу ердан ис-

¹ Карфология — ўлаётган одам қўлларининг беихтиёр ҳаракатланиши.

таган нарсангни ол, еб-ич, менда улар бисёр. Ҳознинг жигаридан қилинган қиймалар, қоп-қоп кофе, қанд бор. Тилла қошиқларгача бор. Хотинингга Одио ясаган сервиздан ол. Брилиантларни кимга қолдирай? Сен, тамаки ҳидлайсанми, чирофим? Менда ҳар хил навдаги тамакилар сероб. Уни Гамбургда сот, у ерда бир ярим баравар қиммат туради. Ҳа, менда ҳамма нарса бор. Энди ҳаммасидан ажралиш керак. Йўқ, йўқ, Гобсек ота қўрқоқ эмас, кўнглинг тўқ бўлсин...

У тўшагида сал қўзғалди: унинг юзи оқ ёстиқда бронза рангида қўзга ташланди. У чиллакдек қўлларини чўзиб, қоқ-суяк бармоқлари билан адёлни чангллади. Ўзича уни ушлаб жон сақлаб қолмоқчи бўлди. Кейин ҳиссиз нигоҳи сингари совуқ каминга қаради-ю, эс-хушидан айрилмай жон берди. Оқсоч, ногирон ва менинг кўз олдимизда Летъернинг «Брут болаларининг ўлими» суратидаги консуллар орқасида туришган қадими Гим Рим кексаларининг ҳадик-хавотирли қиёфаси намоён бўлди.

— Мардонавор жон берди, қари қурумсоқ — деди ногирон, солдатчасига бурро қилиб.

Менинг қулоғим тагида эса, ҳамон жони узилаётган судхўрнинг афсонавий бойликлари тўғрисидаги гапи жарангларди. Шунда мен беихтиёр каминдаги кул уюмига қарадим, чолнинг сўнник кўзлари ҳам унга қадалган эди. Бу кул уюмининг катталиги мени ҳайрон қолдирди. Мен оташкуракни олдимда, уни кул уюмига тиқдим, оташкурак қаттиқ бир нарсага тегди, у ерда бир тўп олтин, кумуш ётарди, чамаси, булар унинг касал ётганида топган даромади эди. Уларни тузукроқ яширишга унинг ҳоли келмаган, бадгумонлиги эса, буларни банкка бериб юборишига монелик қилган эди.

— Маҳкамага югуринг! — дедим ногиронга. — Дарҳол ҳамма нарсани рўйхатга олиш керак.

Мени ҳанту мант қилган Гобсекнинг сўнгти сўзларини ва оқсоч хотин айтган сўзларни эслаб иккала қаватдаги эшикларнинг калитларини олдим-да, хоналарни кўздан кечирмоқчи бўлдим. Мен очган биринчи хонада чолнинг менга уйдирма туюлган гапларига жавоб олдим, бу ерда зиқналик ҳар қандай мантиқдан ҳоли, мулоҳазасиз эҳтиросга айланиши мумкинлигини кўрдим,

бундай мисолларни биз аксари вақт вилоятларда кўрамиз. Мархумнинг ётоғи ёнидаги хонада чиндан ҳам айниганд қиймалар, ҳар хил озиқ-овқатлар, ҳатто пўпанак босган устрипа ва балиқлар уюлиб ётарди. ҳар хил қўланса ҳидлардан нафасим бўғилиб қолаёзди. ҳамма нарсаларда курт ва ҳашаротлар ғужфон ўйнарди. Яқинда олган совғалари ҳар хил катта-кичик яшиклар, улкан чой пачкалари ва қоп-қоп кофелар орасида ётарди. Камин устида кумуш идишда унинг номига Гаврнинг портлардаги омборларига келган ҳар хил юкларнинг ҳужжатлари сақланарди. Мустамлака моллари: той-той пахта, яшик-яшик қанд, бочкачалар тўла ром, кофе, нил бўёғи ва тамакилар бутун бир бозорга арзигулик эди! Уй қимматбаҳо мебелга тўлиб кетган, кумуш буюмлар, чироқлар, суратлар, вазалар, китоблар, ромсиз карнай қилиб үралган антиқа гравюралар ва ранг-баранг нодир нарслар бор эди. Чамаси бу ҳисобсиз қимматбаҳо буюмларнинг ҳаммаси совға қилиб келтирилмаган эди, уларнинг аксарияти сотиб олинмаган гаров буюмлари эди. Мен бу ерда жавоҳирот солинган, бош ҳарфлар ва герб билан безатилган қутичаларни, ажойиб ипак дастурхонларни ва сочиқларни, тамғасиз қимматбаҳо қуролларни кўрдим. Яқингинада китоблар орасидан суфуриб олинган бир китобни очиб, у ерда минг франклиқ бир нечта қофоз пулни кўрдим. Шунда мен ҳар бир буюмни, ҳатто энг кичикларигача диққат билан кўздан кечиришга, ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилишга, пол таҳасини, шифтларни, деворларни, бўғотларни текшириб, олтин қидиришга жазм этдим. Зеро Рембрандт мўйқаламига лойиқ бу голландиялик олтинга ҳирс қўйган эди. Мен юридик тажрибамда ҳеч қачон бундай очкўзликнинг инсон характерига уйғуналашиб кетганини кўрмаган эдим. Мархумнинг ётоғига қайтиб келиб, унинг ёзув столида бу бойликларнинг қандай қилиб секин-аста тўпланганининг тагига етдим. Прессспапъе тагида Гобсекнинг савдогарлар билан ёзишмалари ётарди, буларга у одатда мижозлари совға қилган нарсаларни пулларди. У йиғилиб қолган озиқ-овқатни Шевенинг магазинига сотишни истамаган, зеро Шеве ўтиз процент нархини туширишни талаб қилган. У бир неча франк учун талашиб юрганида, озиқ-овқатлар бузилиб қолган. Кумушлар шунинг учун сотил-

май қолиб кетганки, Гобсек уларни жойига етказиб бериш учун кетадиган харажатни устига олишдан бош тортган. Қоп-қоп кофелар ҳам айниб қолган, чунки түкілганини чегириб ташлашни истамаган. Хуллас калом, олди-сотдига алоқадор ҳар бир нарса унинг учун тугамас баҳсларга сабабчи бўлган. Бу унинг болаликка қайтганидан далолат берар эди. Мазкур ҳол яна шунда кўринардики, у бирор нарсага қаттиқ ҳирс қўйган, ақли забун барча чолтарда бўладиган ёввойиларча қайсарлик намуналари ни кўрсатар эди. Шунда мен ўзимга ўзим унинг оғзидан эшигтан саволни бердим; бу бойлик кимга қолади? Мен унинг ягона меросхўри ҳақида берган фалати маълумотларни эслаб, уни Париждаги барча ишратхоналарни қидириб топишим ва ҳадди-хисобсиз бойликни ахлоқсиз аёл қўлига топширишим кераклигини фаҳмладим. Лекин аввало билиб қўйинг, яқин кунлар ичida граф Эрнест де Ресто бутунлай ишончли хужжатлар асосида молмулкига эга бўлади-ю, мадемуазель Камиллага уйланади, онаси билан укасига етарли маблағ, синглисига сеп беради.

— Яхши, қадрли Дервиль, биз ўйлаб кўрамиз, — деди де Гранлье хоним. — Бизнинг оиласек оила унинг онаси билан қариндош бўлишга розилик билдириши учун де Ресто жуда бой бўлмоғи даркор. Ёдингизда бўлсин, ўғлим эртами-кечми герцог де Гранлье бўлади. Оиласизнинг икки тармоғининг мол-мулкини бирлаштиради. Мен куёвимнинг ўғлимга муносиб бўлишини истайман.

— Биласизми, — деб сўради граф де Борн. — Рестонинг герби қандай? Тўрт қисми тўққизил ҳошияли, кумуш йўлли, қора крестли жуда қадимий герб.

— Тўғри, — деб тасдиқлади виконтесса, — қолаверса, Камилла ўша гербдаги Res tut¹a ни бузган қайнонаси билан учрашмаслиги ҳам мумкин.

— Де Босеан хоним уйида графиня де Рестони қабул қилибди, — деб луқма ташлади кекса тоға.

— Йўқ, уни зиёфатга чақирган холос! — деб эътиroz билдириди виконтесса.

¹ Res tuta — ишонч (лотинча.)

Хикоялар

ДАҲРИЙНИНГ ИБОДАТИ¹

*Ф*анни құмматли физиологик назари билан бойитган, ёшлигідаёқ маърифат марказы – Париж тиббиёт куллиётининг шуҳрати ҳисобланған, Европа тиббий ходимларининг эҳтиромига ноил бўлган доктор Бъяншон терапевт бўлмасдан аввал узоқ вақт жарроҳлик қилган эди. Талабалик йилларида у донги кетган буюк француз жарроҳларидан бири, фанда истеъдодини чақиндек зуҳур этган Деплен раҳбарлигига ишларди. Ҳатто Депленнинг душманлари унинг бошқа бирорга мерос қолдириш имконияти бўлмаган усулини ҳам ўзи билан гўрга олиб кетди, деб эътироф этишарди. Чунки Деплен табиатидаги ҳамма нарса шахсий ҳусусиятга асосланған эди: ундаги мағрурлик ҳаётлигідаёқ ёлғизланиб қолишига сабаб бўлганди, айнан шу мағрурлик унинг ўлимидан кейинги шуҳратини сўндирган эди. Унинг қабри узра келажак авлодга фидойи даҳонинг изланишлари натижасида кашф этилган сир-асрорлардан воқиф этувчи дабдабали ҳайкал йўқ. Балки Депленнинг истеъоди унинг эътиқодига мос келгандир, шунинг учун ҳам, у фоний бўлгандир.

Депленнинг наздида заминий муҳит ўзида ҳаёт вужудга келтирадиган бўшлиқ бўлиб, ер эса, пўстига бурканган тухумга ўхшаш нарса, шу боисдан у «аввал товуқ пайдо бўлганми ёки тухум?», деган саволга жавоб бериш имкониятига эга бўлмаслиги учун товуқни ҳам, тухумни ҳам инкор этган. У ибтидоий тириклик оламининг яратилишига ҳам, инсон жонининг ўлмаслигига ҳам ишонмасди. Деплен шубҳаланмасди, инкор қиласарди. Бу кўп олимларга хос бўлган ошкора,

¹ Оноре де Бальзак. Даҳрийнинг ибодати / Пошали УСМОН таржимаси // Жаҳон адабиёти. 2006, №10. – 3–12 бетлар.

кундай равшан бўлган даҳрийлик эди: булар ажойиб кишилардир, лекин улар бутун вужуди билан даҳрий бўлиб, даҳрийликни диндор кайфиятдаги кишилар қандай эътиқод билан рад этсалар, улар ҳам шундай тарғиб этувчилардир. Депленда бошқача эътиқодларнинг таркиб топиши ҳам мумкин эмасди: ахир, у ёшлигидан тириклик оламининг гултоҷи бўлмиш одамни дунёга келгунча ҳам, ҳаёт пайтида ҳам, ўлгандан сўнг ҳам, ўз тифи билан ёрган, унинг бутун аъзои баданини миридан-сиригача синчиклаб ўрганган эди, унинг бирор жойида ҳам диний таълимотлар учун жуда вожиб бўлган ўша «воҳид жон» деган нарсани учратмаганди. Киши узвияти (организми)даги мия, асаб, нафас олиш – қон юриши каби учта марказни, улардан мия ва асаб бир-бирининг ўрнини боса олиш қобилиятига моликлигини билиб олгач, Деплен ҳатто умрининг сўнггида кўрмоқ ва эшитмоқ учун кўз ва кулоқнинг бўлиши мутлақо зарур эмас, деган хуносага келди: уларнинг ўрнини сўzsиз қуёш ўрилмаси¹ босади. Шу тарзда инсон узвиятида иккита жон топгач, гарчи бу далил билан Худо ҳақидаги масалага тегиб кетмаса-да, Деплен бунда ўзининг даҳриёна қарашларининг исботини кўрди. Айтишларича, машҳур жарроҳ йўл қўйган хатолари учун сира пушаймон қилмасдан ўлган экан, таассуфки, даҳоларнинг кўпчилиги оламдан шундай ўтишган.

Деплен шуҳратини хиralаштиришга уринган душманлари бу йирик олим кўп соҳада бачканалик қилади, дейишарди. Унинг ташқи тартиботидаги зиддиятларни бачканаликка йўярдилар. Ҳасадгўй ва калтафаҳмлар буюк ақл эгаларининг қандай мақсадлар билан ижод қилаётганини тушуниб етмайдилар; шунинг учун ҳам, улар ана шундай юзаки зиддиятларни кўриб қолсалар, бас, дарҳол ўшаларга ёпишиб олишади-да, улар асосида айбнома тузадилар ва айборни қоралайверадилар. Шунча таънаю маломатларга сабаб бўлган комронлик улдабуронликни оқлайверсинг, восита ва мақсад мувофиқлигини кашф этаверсинг, лекин бўхтонлар билан юз берган ни-

¹ Қуёш ўрилмаси – анатомияда қоринда туашган вегетатив асаблар тизими. (Тарж).

золи тўқнашувлар асоратсиз қолмайди. Бизнинг давримизда Наполеонни ўз бургутини Англия узра парвоз қилдиргани учун қоралаган эдилар: 1822 йилгина бизга 1804 йилнинг ва Булон десантлар кемасининг моҳиятини равшанлаштириди.

Депленнинг шуҳрати ва билими ғоят устувор эди, бинобарин, душманлари унинг хулқидаги файритабийликни нишонга олган эдилар. Дарвоҷе, Депленда инглизлар шунчаки эксантризм (фаройиблиқ) деб атайдиган хусусият бор эди, холос. У гоҳ фожианавис Кребильондек башанг, гоҳ бепарволарча кийинар, бир қарасангиз, извошда, бир қарасангиз, пиёда юрарди. У гоҳида чўрткесар, баъзан очкӯз, мўмин-қобил, айrim ҳолларда эса, ҳасис ҳам эди, аммо айни замонда ўзига эҳтиром кўрсатиб, сал вақтда ёрдам қўлини чўзган қувғинди ҳокимларга ўз бисотини тақдим этишга тайёр бўлиб, ҳеч кимга хос бўлмаган, энг зиддиятли хуросаларга сабаб бўларди. Тўғриси, қандайдир қора орден тасмасини қўлга киритиш пайига тушиш унга – шифокорга муносиб эмас, бундан ташқари, саройда чўнтағидан дуолар китобини тушуриб юборишга ҳам журъят этган, лекин амин бўлингки, у ҳаётда ҳамма нарса устидан хуфиёна куларди. Деплен кишиларнинг юзаки ялтироқлигини ҳам ҳеч бир муболагасиз кузатиш имкониятига эга эди. У одамларни ҳаётда қандай бўлса, шундай, яъни энг тантаали ва энг одатдаги вазиятларда кўтарди. У жоҳил одамларни ўлгудай ёмон кўтарди. Улуғ кишининг маънавий хислатлари кўп ҳолларда бир-бирига мувофиқ тарзда намоён бўлади. Борди-ю, бу буюк намояндаларнинг бирортасида ақлдан кўра истеъодод устун бўлса, у барибир оддийгина «бу одам зақоватли» дейилган кишига нисбатан ақллироқдир. Заковатлилик ботиний кўриш қобилиятига таянади. Бундай кўриш қобилияти муайян бир соҳани билиш билан чегараланган бўлиши ҳам мумкин: лекин гулни кўрган киши қуёшни ҳам кўради. Кунларнинг бирида ўзи томонидан халос этилган дипломатнинг оғзидан: «Императорнинг саломатлиги қалай?» деган саволига, Деплен: «Сарой аъёнига жон кирди, одамга ҳам жон кирди», деб жавоб берганди. Шундай фикр билдирган киши фақат жарроҳ ёки фақат шифокоргина эмас, балки кат-

та ақл әгаси ҳамдир. Ана шунинг учун инсонга хос нарсаны сабр-тоқат билан синчиклаб қарашга одатланган кузатувчи унинг ўзини ҳаммадан юқори қўйишини кечиради ва буюк жарроҳдан унинг ўзи бунга ишонгандек, буюк министр чиқиши мумкинлигига ҳам ишонади.

Депленнинг ҳаётида замондошлари кузатиб юрган бир қатор жумбоқлардан энг қизигини танладик: ҳикоямизнинг сўнгига унинг ечими берилади, худди шу ечим Деплен хотирасини унинг баъзи бир бемаъни гуноҳлардан соқит қиласди.

Орас Бъяншон Депленнинг суюкли шогирдларидан бири эди. Отель-Дье шифохонасига киришдан аввал Орас Бъяншон тиббиёт талабаси сифатида Лотин маҳалласидаги «Воқе уйи» номи билан машҳур бўлган пансионда фақирона ҳаёт кечиради. Шўрлик йигит у ерда оғир муҳтожликнинг азоб-уқубатларини бошидан ўтказарди, лекин қудратли истеъод соҳиблари ҳаёт дошқозонидан мусаффо ва мустаҳкам олмос янглиғ ҳар қандай зарбага бардош берадиган бўлиб чиқиши лозим эди. Улар эҳтиросларининг шиддат ила ловуллаётган алангасида обдон чиникиб, ўз ишларига вижданан берилалир, ўзларининг алданган ҳирсларини муттасил меҳнат пардасига буркаб, даставвал даҳолар қисматини белгилайдиган ўша курашга кўникиб кетадилар. Орас ростгўй одам бўлиб, виждон, ор-номус бобидаги муросалардан ҳазар қилас, ваъдабозлик эмас, балки амалий ишни маъқул кўтарди, у дўсти учун сўнгги ёпингичини ҳам аямайдиган, унинг учун вақти ва ширин уйқусидан кечадиган кишилардан эди. Мухтасар қилиб айтганда, у берганининг эвазига қанча оларкан деб ўйлайдиган дўстлардан эмасди, зеро уларни ўзлари берганига нисбатан қўпроқ олишга ишончи комил эди. Орас дўстларининг кўтчилиги унга нисбатан сохталикдан холи бўлган ботиний эҳтиромини бажо келтиради, лекин уларнинг баъзи бирлари уни айблашдан ҳайиқардилар. Аммо Орас ўз вазифаларини озгина бўлса-да, бачканаликка йўл қўймасдан намоён этарди. Унинг пуританизм (сиполик) ёки ваъзгўйликка мутлақо ҳуши йўқ эди: маслаҳат бераркан, уни тумтароқ сўзлар билан музайян этар, кези келганда, ичиш ва тамадди қилишни ҳам дўндиради.

Кувноқ улфат, совут кийган аскардек, унча расмиятпараст

ҳам эмас, ростгўйлик ва очиқликда денгизчига ўхшамайди, чунки ҳозир денгизчилар – айёр дипломатларнинг нақд ўзи, ўз ҳаётида одамлардан ҳеч нарсани сир тутмайдиган ёқимтой бу йигит эса, кўзларидан кулгу, бошини баланд кўтарган ҳолда олға қараб бормоқда эди. Агар буни бир сўз билан ифодала-моқчи бўлсак: у кўплаб Ораслар учун Пилад¹ эди, ахир, бизнинг давримизда қадимги қасоскор илоҳаларни ўзларидан чинакам мужассам этган кишилар насия берувчилардир. Орас ўз қашшоқлиги устидан жасоратнинг асосий белгиларидан бири бўлган кўтаринки руҳ билан ғолиб келарди, у ҳеч нарсаси йўқ кишилар сингари бошқалардан қарийб ҳеч қачон қарз олмасди. У тудай сабр-қаноатли, оҳудай чаққон бўлиб, ўзининг қатъий эътиқодлилиги ва жиддийлиги билан ўзгалардан ажралиб турарди. Машхур жарроҳ доктор Орас Бъяншонни дўстлари учун янада қадрдан қилган ўша фазилатлари ва нуқсонларини билиб олганда Ораснинг ҳаётида баҳтли давр бошланаётган эди. Клиниканинг бош шифокори ёш йигитни ўз ҳомийлигига оларкан, демак, ёш йигитнинг мансаби таъминланган деяверинг. Одатда, Деплен шифокор сифатида бой хонадонларга ташриф буюрганида Бъяншонни ўзи билан бирга олиб борарди. Бу қишлоқи йигитнинг тобора Париж ҳаётининг сир-асоридан воқиф бўлиб боришидан ташқари, бундай ташриф пайтларида тушган маблағнинг муайян бир қисми ҳам, одатда ассистентга тегарди. Деплен беморларни уйида қабул қилган вақтида ҳам ассистенти Бъяншоннинг ёрдамига таянарди, у бაъзи бир беморни минерал сувга олиб боришни гоҳида унга топширади, қисқаси, у Бъяншонга мижозлар тайёрларди.

Оқибатда, сал муддат ўтгач, мустабид жарроҳ ёнида Зайд² пайдо бўлганди. Бири шаън ва билим чўққисини забт этган, катта бойлик ва шуҳратга эришган, бошқаси на бой ва на машхур. Париж осмонида зўрға милтиллаган бу икки киши бир-бирига яқин бўлиб қолишли.

¹ Қадимги грек адабиётида Орест ва Пиланднинг бир-бирига садоқатли бўлганларига ишора.(Тарж).

² Зайд – Муҳаммад Пайғамбарнинг қули бўлиб, кейинчалик Ислом динининг беназир тарғиботчисига айланган.

Буюк Деплен ўз асистенти Бъяншондан ҳеч нарсаны яширмасди. Устози ёнидаги ўриндиқда ёки Депленинг хонасидаги машхур диванда қандайдир аёлнинг ўтирган-ўтирганмаганилиги ҳам Бъяншонга маълум эди: Бъяншон ўзида шерга хос файратлилик, ҳўқизга хос кучлиликни мужассамлаштирган бу мижоз соҳибининг, унинг ўлимига сабаб бўлган (Деплен юрак хуружидан ўлган), кўксини ҳаддан ташқари кенг очган буюк инсон мижозининг барча тилсимотидан огоҳ эди. Асистент бу бағоят заҳматкаш зотнинг хулқ-атворидаги галати одатларни, арзимас бойлигини, бу илм соҳибидаги мужассам бўлган саёҳатчининг пинҳоний умидларини ўрганиб олди ва шу билан бирга Депленни асфаласофилинга жўнатадиган, фақат унинг юраги дош берадиган туйфуни олдиндан кўра билди, чунки ҳар ҳолда у чўяндан бўлмасдан, балки ташқи томондан чўянга ўхшарди, холос.

Бир куни Бъяншон Депленга Сен-Жак маҳалласида яшовчи бечора мешкобчининг толиқиши ва муҳтожлиқдан оғир қасалликка чалинганини ҳикоя қилиб берди: маълум бўлишича, шўрлик оверналиқ 1821 йилнинг узоқ чўзилган қишини фақат картошка ейиш билан ўтказган. Деплен ўзининг барча беморларини ташлаб, Бъяншон билан бирга отини ҳолдан тойдиргудек чоптириб, Сен-Денида машхур Дюбуа томонидан очилган шифохонагача етиб келди. Деплен оверналиқни даволади, у тузалиб кетгач, Деплен унга от ва бочкалар сотиб олиш учун пул берди. Кейинчалик ўша оверналиқ бир хусусияти билан ўзини кўрсатган эди. Унинг дўстларидан бири оғриб қолганида, оверналиқ уни дарҳол Депленинг хузурига бошлаб келди ва ўз халоскорига деди:

— Унинг бошқа бировга мурожаат қилишига сира-сира тоқат қиломаган бўлардим.

Деплен ўзининг қўрслигига қарамасдан, оверналиknинг кўлини сиқаркан, унга деди:

— Уларнинг ҳаммасини олдимга бошлаб келавер.

У канталликни¹ Отель-Дье килиникасига қабул қилди ва унга нисбатан катта ғамхўрлик кўрсатди. Бъяншон ўз устози-

¹ Кантал — Франциядаги бир вилоят номи.

нинг оверналик мешкобчиларга бўлган хайриҳоҳлигини бир неча бор кўрган эди. Лекин Депленнинг Отель-Дье клиникасидаги иши ўзига хос фуур манбаи бўлганлиги туфайли ассистенти унинг ҳулқидан файриодатий ҳеч нарса сезмасди.

Бир куни эрталаб соат тўқизларда Бъяншон авлиё Сульпаций майдонидан ўтиб бораркан, устозини кўриб қолди. Деплен ўша майдон номидаги черковга кириб кетаётган эди. Ҳамиша кабриолет (икки фидиракли енгил арава)дан фойдаланади Деплен бу гал негадир яёв келиб, черковга Пти-Лион кўчасидаги эшикдан, гўёки шубҳали бир уйга кираётгандек, ўринча кириб кетди. Устозининг эътиқодини, унинг моддиянлигини, сўзида қатъий туришини билган шогирднинг ажабланиши ўринли эди, у кўринмасликка ҳаракат қилиб, ўзини черковга урди ва ҳайратга сазовор манзаранинг гувоҳи бўлди: буюк Деплен – ушбу даҳрий, жарроҳ тифини ўзларига яқин йўлатмайдиган фаришталарни бешафқат ҳақоратлайдиган бу бебок масхарабоз шикастанафс бир алпозда тиз чўкиб турарди... тағин қаерда денг? Биби Марям бутхонасида! У ўша ерда ибодат бажо келтирас, йўқсил-бечораларга хайру эҳсон улашарди, унинг бу амалида сохталиқдан ном-нишон кўринмаётганди.

«Турган гапки, у черковга Биби Марямнинг кўзи ёришига доир масалани ойдинлаштириш учун кирган эмас, – ўйлади ажабланганча Бъяншон. – Башарти мен унинг Вужуд-ул-илоҳ ҳайитида серҳашам ўртукнинг бирор шокиласидан тутиб турганини кўрсайдим, бу кулгили бўлур эди, холос. Аммо шу топда черковда уни танҳо ўзини гувоҳларсиз кўриш чиндан ҳам ажаб-да!»

Уни бирор Отель-Дье клиникаси бош жарроҳи ортидан пойлаб юрибди, деб ўйламасин дея Бъяншон изига қайтиб кетди. Тасодифан ўша куниёқ Деплен уни ресторонга тушликка таклиф этди. Тушлик охирида Бъяншон сұхбатни усталик билан ибодатга буаркан, уни риёкорлик деб атади.

– Ҳа, бу риёкорлик насронийлик дунёси учун Наполеоннинг барча зулуклари сўрган қонларидан ҳам қимматга тушади, – деди Деплен.

– Ибодат, бу – папанинг ихтироси бўлиб, олтинчи асрдан бўён мавжуд; унинг замирида: «Ушбу менинг вужудим эрур»

сўзлари ётади. Уч юз йил мобайнида черковга қарши фитна уюштириб келган бидъатчилар устидан қозонилган ғалабани нишонламоқчи бўлган папа тахти муқаддас инъомларни тўғри тақдим этиш борасида довлашиб, Вужуд-ул-илоҳ маросимини жорий этиш жараёнида озмунча қон тўкишга тўғри келдими. Папа жорий қилган янги тартиб Тулуза графи билан альбигойчилар ўртасида урушлар келиб чиқишига сабаб бўлди: вальденслилар ва альбигойчилар уни эътироф этишни хоҳламасдилар.

Шунда Деплен даҳрийларга хос пичинг қиларкан, унинг оғзидан вольтерона истеҳзолар ёмғирдай ёғиларди: очиини айтганда, бу «Цитатор»¹га бўлган бир хунук тақлид эди.

«Ё ажабо, нима бўляпти ўзи? — ўйларди Бъяншон. — Эрталаб кўрган художўй қани?»

У Депленга ҳеч нарса демади, уни чиндан ҳам авлиё Сульпиций черковида кўрдимми дея шубҳаланди. Деплен Бъяншонни алдамаса қерак: улар бир-бирини жуда яхши билишади, улар қанча-қанча муҳим муаммолар ҳақида неча бор фикр алмашишган, «нарсалар табиити ҳақида» талқин этадиган турфа тизимларни муҳокама қилишган. Уч ой ўтди. Бъяншоннинг хотирасига маҳкам ўрнашиб қолган бўлса-да, у бошқа бу мавзуга қайтмади. Ўша йилнинг ўзида бир кун Отель-Дье клиникасининг шифокорларидан бири Бъяншоннинг олдидা савол бермоқчи бўлгандек Депленнинг қўлидан ушлади:

— Айтинг-чи, муҳтарам устоз, нечун авлиё Сульпиций черковига киргандингиз?

— Мен бемор руҳонийнинг ҳузурига киргандим, унинг тизза қопқоғида йирингли яллиғланиш пайдо бўлган, — жавоб қайтарди Деплен, — Герцогиня Ангулемская менга ҳурмат бажо келтириб, уни даволашни ўз зиммамга олишимни илтимос қилди.

Ҳужум қайтарилди. Берилган изоҳ шифокорни қаноатлантирган бўлса-да, Бъяншон ишонқирамади.

«Ҳали шунақами?! У черковга бемор тиззаларини даволаш учун борармиш!» — деди шогирд ўз-ўзига.

Бъяншон Депленнинг орқасидан кузатиб юришга қарор

¹ «Цитатор» — француз адаби Пиго-Либрен асари бўлиб, унда католик черковининг иллатлари фош этилади.

қилди; у Депленинг авлиё Сульпиций черковига қайси кун ва соатда кирганини эслади ва бир йилдан сўнг худди шу пайтда унинг тагин черковга келиш-келмаслигини текшириб кўриш учун айнан шу вақтда келишга қарор қилди. Ҳақиқатан ҳам, Деплен келиб турсайди, черковга бу таҳлит мунтазам қатнаши муайян ҳолни илмий тадқиқ қилиш учун асос бўлур эди, зеро бундай кишининг тафаккури ва ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри зиддият бўлиши мумкин эмасди. Келгуси йили айнан шу кун ва шу соатда, Бъяншон ўшандада Депленинг асистенти эмасди, жарроҳнинг кабриолети Турнон ва Пти-Лион кўчаси муюлишида тўхтаганини ҳамда ўз кабриолетидан тушиб, иезуитларга хос эҳтиёткорлик билан черков томонга йўналганини, сўнгра Биби Марям меҳроби олдида яна ибодат бажо келтираётганини ўз кўзи билан кўрди. Бу Деплен эди, ҳа, шахсан ўзи! Бош жарроҳ, қалбан даҳрий, тасодифан художўй. Аҳвол жиддий тус олмоқда эди, машҳур олимнинг қайсарлиги ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди. Деплен кетгач, Бъяншон черков анжомларини йиғиштираётган ридохона бошлиғи олдига келиб, ундан хозиргина чиқиб кетган жаноб черковга мунтазам равишда келиб турадиганларданми?! – деб сўради.

– Мана, йигирма йилдирки, шу ерда ибодат қиласман, – дея жавоб берди ридохона бошлиғи, – ана шу ибодатга жаноб Деплен бир йилда тўрт бор келади, бу унинг буюртмаси билан бажо келтирилади.

«Деплен буюртма қилган ибодат! – ўйлади кетаётиб Бъяншон. – Бу (бир ҳисобда) муайян даражада эр кўрмаган аёлнинг ҳомиладор бўлишидай муҳим гап, ҳар қандай шифокорни шаккокка айлантириш учун шу сирни билиб олиш кифоя».

Вақт ўтмоқда эди. Гарчи доктор Бъяншон Депленинг дўсти бўлса-да, унинг ҳаётининг ўзига хос хусусияти ҳақида гаплашишга сира қулай фурсат тополмас эди. Одатда, улар табобат ёки киборларга хос бўлган бир вазиятда учрашардилар; лекин, бундай вазиятда дўстлар юмшоқ ўриндиқقا ястаниб, камин олдида оёқларини иситаётиб, бир-бирларига ўз сирларини ошкор этган самимий сухбатларга имконият бўлмайди, албатта. Ниҳоят, орадан етти йил ўтгач, оломон

архиепископ боргоҳини тор-мор этган 1830 йил инқилобидан сўнг унинг республикачилар ташвиқоти таъсири остида кўз илғамас сон-саноқсиз уйлар узра ялтираган яшиндек зарҳалланган салибларини маҳв этганида, кўчаларда шаккоклик ва исён ҳукм сурганда Бъяншон Депленни тағин ўша авлиё Сульпиций черковига кираётганда тасодифан кўриб қолди. Унинг ортидан кириб, у билан ёнма-ён туриб олди. Дўсти зигирча бўлса-да, ҳайратланмади, қиёфасида ҳатто ҳайрат аломати сезилмади. Деплен буюртма қилган ибодатни иккаласи бажо келтириши.

— Тақводорона мунофиқлигингизнинг сабабини баён этолмайсизми, дўстим? — сўради Бъяншон Деплендан улар черковдан чиққанларида. — Мен сизни, ҳа, сизни бу ерда ибодат чоғида уч бор кўрганман! Сиз бу сирни менга ошкор этишингиз, сизнинг эътиқодингиз ва ахлоқингиз ўртасидаги ошкора зиддиятни изоҳлаб бермоғингиз лозим. Сиз худога ишонмайсиз, айни пайтда ибодатга келиб турасиз! Қадрдон устоз, лутфан жавоб берсангиз?

— Мен сиртдан ўта линдор одам бўлиб кўринганим билан, ҳақиқатда эса, сизнинг ўзингизга ўхшаган даҳрийман.

Шунда Деплен Мольер «Тартюф»ининг янги ношири сингари сиёсий арбобларни ҳақоратлаб, роса пичинглар ёғдирди.

— Мен сиздан бу ҳақда сўраётганим йўқ, — деди Бъяншон.

— Мен сизнинг нега бу ерга келганингизни ва нима сабабдан ибодат буюртма қилганингизни билмоқчиман.

— Хўп, азиз дўстим, — деди Деплен. — Менинг бир оёғим тўрда, бир оёғим гўрда, бинобарин, мен энди ҳаётимни қандай бошлаганимни сизга ҳикоя қилиб беришим мумкин.

Бъяншон ва ўша улуғ инсон шу дақиқада Гирдибод кўчаси ёхуд Парижнинг энг жирканч кўчаларидан бирида эди. Деплен Бъяншонга дарвозадан айлана зинагача узун йўлак орқали кириладиган ҳайкални эслатувчи ўша уйлардан бирининг еттинчи қаватини кўрсатди; одатда, ўша пастак деразалар зинани зўрға ёритар, дарҳақиқат, қоқилиб-суқилиб яшовчиларнинг ҳақоратларига бепарво эди. Бу уй яшил тусли эди; биринчи қаватларда мебел сотувчи савдогар яшарди, қолган

қаватларда турфа қашшоқлар кун кечиради. Деплен қўлини кескин баланд кўтариаркан, Бъяншонга деди:

— Мен ўша ерда, баландда икки йил яшаганман.

— Биламан д'Артез ҳам ўша ерда туарди. Мен илк ёшлигимда у ерда қариийб ҳар куни бўлардим. Бизлар бу болохонани «даҳолар қиёмига етадиган банка» деб атар эдик.

— Хўш, кейин-чи?

— Ҳозир иккаламиз тинглаган ибодат ҳаётимдаги айрим ҳодисалар билан боғлиқ. Улар ўша, сиз айтгандек, д'Артез яшаган болохонада ўтказган вақтимга тўғри келади; ҳув, анави, тепасида кўйлак осилган, гуллар солинган тувак турган жой. Қадрдон Бъяншон, Париж қийин шароитда яшашга бардош беришга мажбур этди. Мен очлик, юпунлик, ялангоёқлик, пулсизлик - қисқаси, шафқатсиз муҳтоҷликни бошдан кечирганман. Ана шу «даҳоларни қиёмига етказадиган банка»да чўпдай қотиб қолган бармоқларимни нафасим билан зўрға илitarдим, ўша томонга сиз билан бирга ҳам бир назар ташлагим келиб кетди. Қиши шундай даҳшатли келдики, ишлаётганимда бошим узра кўтарилаётган бугни, совуқ пайтларда отлардан кўтарилаётган бүгдек сезиларли даражада чиқиб турган нафасимни кўрардим. Шундай ҳаёт билан курашиш учун таянчни қайдан топишни ҳам билмайсан киши. Мен ёлғиз эдим, кўмақлашадиган ҳеч кимсам йўқ, китоб сотиб олиш ва тиббиётдан олаётган сабогим учун тўлашга бисотимда бир су¹ ҳам йўқ эди. Қизиқонлик, шаккоклик ва тиниб-тинчимаслик хусусиятига молик бўлганлигим учун дўстларим ҳам йўқ эди. Менинг серзардалигим турмуш машаққатлари ва меъёридан ортиқ меҳнат қилганлигим билан изоҳланишини ҳеч ким тан олмасди: ахир, мен ижтимоий ҳаётнинг энг қуйи қатламида эдим, лекин унинг устки қатламига чиқиши хоҳлар эдим. Шунга қарамасдан, сиздан яширадиган сирим йўқ, сизнинг олдингизда риёкорлик қилишнинг ҳам асло ҳожати йўқ, мен муҳтоҷлик ботқофига ботиб, узоқ вақт тентираб юрган бўлсам-да, ҳар қандай чўққига кўтарила оладиган иқтидорли кишиларга хос бўлган меҳри-

¹ Су – XIX аср француз пул бирлиги.

бонлик ва ўша эзгу ҳис-туйғуларни қалбим түрида асраб келдим. Мен олаётган арзимас нафақамдан бошқа нарсани на қариндошларимдан, на жонажон шаҳримдан кутишим мумкин эди. Мен ўшанда нонушта учун қотиб қолган нонни (у янгисига кўра арzonга тушарди) Пти-Лон кўчасидаги новвойдан сотиб олар ва сутга солиб ивитар эдим: шундай қилиб эрталабки емагим икки суга тушар эди. Пансионда қиладиган тушлигим кун оша бўлиб, у 16 су туради. Шу зайлда ҳар куни ўн су харажат қилардим. Энгил-бош ва пойабзалга қанчалик аҳамият берганлигим ўзингизга равshan. Билмадим, кейинчалик у ёки бу ҳамкасбимизнинг хиёнаткорона ҳаракатларини кўрганда бошдан кечирганимиз ранжу аламни титилиб кетаётган бошмоғимизнинг устимиздан маккорона илжайишини кўриб қолганимизда ёки сюргутумизнинг қўлтиқдан чок-чокидан кетиши қулоққа чалинганда бошдан кечирган ранжу алам билан қиёсласа бўлармикан?

Мен фақат сув ичардим, аммо айни замонда Париж қаҳвахоналарига бўлган ҳурматим фоят баланд эди. Фақат Лотин маҳалласининг Лукулларигина кириши мумкин бўлган Цоппи қаҳвахонаси менга нимаси биландир жаннатмакон туяларди. «Наҳотки, бирор кун менга ҳам ўша ерда бир финжон қаймоқли қаҳва ичиш ва бир қур домино ўйнаш насиб этади?» – ўйлардим мен. Мұхтоҗлик түғдирган ўзимдаги ғазабни мен меҳнатга алмаштирудим. Ўз қадримни ошириш ва жамиятда эгалламоқчи бўлган ўрнимга муносиб бўлиш мақсадида мен имкони борича чуқур билим олишга ҳаракат қилдим. Еган нонимдан кўра, ёққан лампа ёғи кўпроқ бўлган: туналарни оқартириб меҳнат қилган пайтимда кўз ўнгимда ёнган чироқ менга ҳамма нарсадан кўра қимматга тушган. Бу давомли, бешафқат олишув эди. Мен ҳеч кимда ўзимга нисбатан ачиниш ҳиссини уйғотолмадим. Ахир, дўст орттириш учун ёшлар билан таниш бўлмоқ керак, улар билан талабалар борадиган жойга бориб, майхўрлик қилиш учун бисотингда бир неча су бўлмоғи лозим. Менинг эса, ҳеч вақом йўқ эди! Аммо Парижда ҳеч ким бирор нарсани тасаввур қилолмайди. Қанақа мұхтоҗликда яшаётганимни бирорвларга ҳикоя қилиб беришга тўғри келганда мен

күпинча томогимга алланарса тиқилиб қолгандек, ўзимни ноқурай сезардим. Кейинчалик менга бой оилада туғилиб, ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган ҳамда бу масаланинг учлик қоидасидан бехабар кишиларни учратишга тўғри келди: ёш йигитча беш франкли чақа экюга қандай муносабатда бўлса, жиноятга ўшандай муносабатда бўларкан. Ана шу бойвачча овсарлар менга: «Нега қарзга ботиб кетдингиз? Нега зиммангизга мунча мушкулотни олдингиз?», – дейишарди.

Улар менга халқнинг очлиқдан ўлаётганини эшишиб, нега у ёғли нонлардан сотиб олмаскан, деб сўраган маликани эслатарди. Нон топиш учун бош ва қўллардан бошқа на дўстлари, на бир мири маблағи, на обрўйи бўлган, Парижда тамоман ёлғиз кун кечираётган, тағин жарроҳлик учун жуда қиммат олади деб шикоят қилган бойлардан бирортасини кўрсам дегандим! Унинг ҳоли не кечарди? Ўзига овқат излаб қаерга бораради? Менинг жаҳлим чиққан ва раҳм-шафқатсиз кунларим бўлганини сиз яхши биласиз, Бъяншон. Мен бу билан оқсуяклар жамиятига хос бўлган ёшлиқдаги бепарволик изтироблари ўша кибру ҳаво учун ўз-ўзимдан қасос олардим; менинг шухратга Эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимга нафрат, ҳасад ва бўҳтоннинг қанчалик фов бўлганини эслардим. Парижда айрим кишилар сизнинг эндинга эгарга ўгиришга шайланётганингизни кўрса, бирор келиб барингиздан тортади, сизни йиқилиб, боши билан ерга урилсин деб ўшанинг ўзи айилни бўшатади; бошқа бирор эса, отингизнинг туёғидан тақасини суғуради. Тағин ўзгаси қамчинингизни ўғирлайди; энг ростгўйи - қўлидаги тўппончаси билан сизни қоқ манглайнингиздан отмоқчи бўлади. Азизим, сизда истеъодод бор, аммо ҳадемай ўртамиёна зотлар ўзларига устунлик қилаётгантарга нисбатан қандай даҳшатли кураш олиб бораётганини билиб оласиз.

Кечкурун сиз йигирма беш луидор ютқазсангиз борми, эртасига сизни қиморбозликда айблайдилар, энг яхши дўстларингиз эса, йигирма беш минг франк ютқазди деб гап тарқатишади. Бошингиз оғриса борми, сизни ақлдан оза бошлади, дейдилар. Мабодо оғзингиздан бирор ножӯя гап чиқиб кетса, нақ шўртумшуққа чиқарадилар. Борди-ю, сиз ана шу олчоқ-

лар түдаси билан курашга жаҳд қылсангиз, энг яхши дүстларингиз сизни ёқтиirmайди, ўзим бўлсам дейди, деб дод солишади. Хулласи калом, сизнинг фазилатларингиз камчилик ва нуқсонга, эзгу ҳаракатларингиз жиноятга йўйилади. Башарти, сиз бирорвни қутқаришга муваффақ бўлсангиз, сизни қотилга чиқарадилар. Гарчи бемор росмана ҳаётга қайтган бўлсада, сиз уни сунъий йўл билан тузатгансиз, у келажакда бунинг учун жазосини тортади, мабодо у ҳозир ўлмаган бўлса, кейинроқ ўлади, дейишади. Қоқилиб кетсангиз борми: «Йиқилди» дейишади. Борди-ю, бирор нарсани ихтиро қилиб, ўз хуқуқларингизни ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, ёшларнинг олға интилишига тўсқинлик қиласидар, мутомбир деган ном чиқарасиз. Шундай қилиб, дўстим, модомики худога ишонмас эканман, демак, одамга ишониш тўғрисида гапирмаса бўлади. Менинг танимда қанчадан-қанча бемаъни гапларга сабаб бўлган, Депленга мутлақо ўхшамаган Депленнинг яшини сиз яхши биласиз, ахир. Ўтган ишга салавот. Шундай қилиб, мен биринчи имтиҳонга тайёрланаётib, сариқ чақага зор бўлиб, мана шу уйда яшардим ва ишлардим. Биласизми, мен сира иложини тополмай «Аскарликка борганим бўлсин» дея қарор қилган киши ҳолатига тушган эдим. Менда яккаю ягона илинж қолган эди: «мен ўша ўзим туғилган шаҳардан Париж ҳаёти ҳақида мутлақо тасаввурга эга бўлмаган, ойига ўттиз франк олаётган, жиянининг нуқул булдириқ гўшти билан кун кечираётганига қатъий ишонган, энди бўлса, унинг уст-боши ҳақида фамхўрлик қилаётган кекса қишлоқи холаларимнинг совғаси бир чамадон ички кийимни олишим лозим эди. Чамадон мен уйда бўлмаган пайтда келган экан, мен университетда эдим: маълум бўлишича, кира ҳақи қирқ франк тураркан. Зинапоя тагидаги ҳужрада турувчи дарвозабон этикдўз немис ўша қирқ франкни тўлаб, чамадонни олиб қолган экан. Қандай қилиб олдиндан кира ҳақини тўламай чамадонимни қўлга киритиш ҳақида бош қотириб, Фоссе-Сен-Жермен-де-Пре ва Тиббиёт факультети кўчаси бўйлаб узоқ вақт сангигиб юрдим, ҳолбуки, мен ички кийимимни сотиб ҳам кира пулинин тўлашим мумкин эди. Менинг бефаҳмлигим,

бирдан-бир истеъдодим жарроҳлик эканини яққол кўрсатди. Дўстим, нозик қалб эгалари, бирмунча юксак доирада фаолият кўрсатиш учун туғилган иқтидорли кишилар кўпинча бачкана одамларга хос ҳийла-найранг, топқирлик, чапдастлик каби хусусиятлардан маҳрум бўлишади: бу тахлит мўмин-қобил даҳолар ҳомийси – тасодиф, улар изламайди, улар топади.

Мен уйга кечроқ қайтдим; сен-флуралик Буржа исмли мешкобчи қўшним ҳам шу пайтда қайтган эди. Бизлар шунчаки девор-дармиён қўшнидай бир-бирининг ухлаётганини, йўталаётганини, кийинишиларини эшлишиб турадиган, пировардида бир-бирига ўрганиб қолган таниш эдик. Қўшним хўжайнин мени ижара ҳақини уч марта орқага сурганим учун ҳайдамоқчи эканини айтди; мен эртасигаёқ жўнаб қолишим даркор эди. Маълум бўлишича, хўжайнин қўшнимни ҳам касби маъқул бўлмаганидан кўчиб кетишга мажбур қилаётганмиш. Мен ҳаётимдаги энг машаққатли тунни ўтказдим. Арзимас уй анжомлари ва китобларимни олиб чиқиш учун ҳаммолни қайдан топаман? Ҳаммол ва дарвозабонга қаердан пул тўлайман? Қаерга бориб бош урсам экан? Унсиз йигларканман, телбаларча ўз-ўзимга фақат шу саволларни берардим. Охири ухлаб қолдим. Муҳтоjликда кишига турфа тушлар бахш этувчи уйқу ҳамдард бўлади. Эртасига эрталаб нонимни сувга ботириб тамадди қилаётганимда хонамга Буржа кириб келди.

– Жаноб талаба, – деди у менга баланд овоз билан, – мен бир бечора, ташландиқ бола эдим, Сен-Флурада паноҳ топиб ўсдим, на отам, на онамни биламан. Бунақа бисотим билан уйланишим мумкин эмас. Сизнинг ҳам жонкуярларингиз унча кўп эмас, молу давлатингиз ҳам йўқ ҳисоби. Гапимга қулоқ солинг: пастда менинг кўл аравачам турибди, уни ҳар соатига икки су кира ҳақи бериш шарти билан ижарага оламан; унта ҳамма анжомларимизни жойлаштирса бўлади. Модомики, бизни бу ердан ҳайдаб чиқаришган экан, хоҳласангиз турар жойни бирга қидирамиз. Бу ер ҳам айтгулик жаннатмакон жой эмас-ку, ахир.

– Биламан, қадрдоним Буржа, – дедим мен, – лекин бир нарса халал беряпти; пастда экю турадиган ички кийимларим

бор, ўша пулдан уй ҳақини ҳам, дарвозабонга тўланадиган қарзни ҳам тўлашим мумкин эди. Бироқ чўнтағимда сариқ чақа ҳам йўқ.

— Яхши! Менинг бироз танга-пулим бор, — жавоб берди Буржа менга ўзининг эскирган ва ёф босган чарм ҳамёнини салмоқлаб кўрсатаркан. — Ички кийимингиз ўзингизга керак бўлади.

Буржа менинг хонам учун ҳам, ўз хонаси учун ҳам тўлади, дарвозабоннинг қирқ франкини ҳам бериб қўйди. Кейин у кўч-кўронимизни ва менинг кўйлакларим жойланган чамадонни аравачага юклади-да, кўчалардан филдиратиб кетди, у хоналар ижарага берилиши ҳақида эълон ёпиширилган уйлар олдидагина тўхтарди, холос. Мен бўлсан ўша уйларнинг ҳар бирига кириб чиқар ва ижарага бериладиган хонани кўздан кечирадим. Туш бўлиб қолди, аммо бизлар ҳамон бошпана излаб Лотин маҳалласида беҳуда санғирдик. Қайга бормайлик, ижара ҳақи оёқдан оларди. Буржа мени вино дўконига таклиф этди. Аравани эшик олдида қолдирдик. Кечга яқин Роган кўчасининг тижорат муюлишида мен бир уйнинг энг сўнгги қаватида зинапоя майдончаси билан бир-биридан ажратилган иккита хона топдим. Ўшаларни ижарага олдик. Ҳар биримиз йилига олтмиш франкдан ижара ҳақи берадиган бўлдик. Энди менда ҳам, дўстимда ҳам бошпана бор эди. Бирга тушлик қилдик. Буржа бир кунда эллик сугача топар эди. Унинг юз экюга яқин пули бор эди. Буржа от ва бочка сотиб олишдек орзуни амалга ошириш арафасида эди. У муғомбриона ўсмоқчилаб, менинг барча сир-асроримдан воқиф бўлиб олди, қандай аҳволда эканлигимни билиб олгач, бир умрлик эзгу орзусидан вақтинча воз кечди, ана шуни эсласам, ҳанузгача бутун вужудимни ҳаяжон босади. Буржа йигирма икки йил сув ташиди, лекин у ўзининг юз экюсини менинг келажагим учун қурбон қилди.

Шунда Деплен Бъяншоннинг кўлинини қаттиқ сиқиб қўйди.

— У ўша пулларни менга берди, улар менинг имтиҳонга тайёргарлик кўришим учун ғоят зарур эди! Дўстим, бу одам ҳаётдаги бурчимни, менинг акду заковатим, эҳтиёжимнинг унинг эҳтиёжларидан муҳим эканлигини фаҳмлади. У менга замхўр-

лик қилар, мени «ўғилчам» деб атар, китоб сотиб олишим учун пул қарз берар, баъзан эса, қандай ишләётганимни кўриш учун секингина хонамга кириб келар эди. Ниҳоят, у менга оналарча мушфиқлик кўрсатиб, мен маҳкум этилган ўша қашшоқлик ва маза-матрасиз емакни фойдали ва тўкин овқатга алмаштириш имконини берди. Буржанинг ёши қирқларда эди. Унинг афтангори ўрта асрлардаги шаҳарликни эслатарди, мантлайи бўртиб чиққан, рассом унга қараб бемалол Ликургни¹ чизиши мумкин эди. Боёқиш юрагида йигитиб қолган меҳрни кимга изҳор этишини билмасди. Ҳаётида унга меҳр қўйган ягона жонзот бундан сал илгари ўлган бароқ ити эди; Буржа менга ўз бароги ҳақида тўхтовсиз гапирав, черков унга жаноза ўқиш учун ижозат бермасмикан, бу тўғрисида менинг фикрим қандайлигини билмоқчи бўларди. Унинг сўзларига кўра, бу бароқ ит ҳақиқий насроний бўлиб, ўн икки ой мобайнода Буржа билан черковга борган, у ерда ҳеч қачон ҳурмаган, жим туриб орган овозини тинглаган, худди хўжайини билан ибодат қилгандек у билан ёнма-ён ўтирган. Бу одам ёлғизлигимни, изтиробларимни тушуниб, бутун меҳру садоқатини менга қаратди, унинг қўлидан келадиган нарса шу эди, зотан. У мен учун энг меҳрибон она, ҳеч қачон бировга зиён-заҳмат етказмайдиган энг ардоқли ва фазилатли киши бўлиб қолди. Гапнинг лўндини айтганда, у эзгулик тимсоли бўлиб қолди, ўзи бунёд этаётган яхшиликдан қониқиши ҳосил қилган одам эди. Мен Буржани ҳар гал кўчада учратганимда, у менга ақл бовар қилмайдиган олижаноблик билан фаросатли нигоҳ ташлар эди; у елкасида юки йўқ кишидай қоматини тик тутиб юришга интиларди; мени соғлом ва яхши кийинган ҳолда кўрганидан ўзини баҳтли ҳис этаётганга ўхшарди. Бу, бир жиҳатдан, оддий кишининг фидойилиги бўлса, иккинчидан, бирмунча юқори муҳитга кўчирилган енгилтак қизнинг муҳаббати эди. Буржа менинг барча топшириқларими ни бажарар, мени белгиланган соатда уйғотар, чирогимни то-залаб қўяр, зинапоямиз майдонини супуриб-сидирар эди; у покизалиги билан ҳар қандай инглиз оқсоч аёли билан баҳслashiши мумкин эди.

¹ Ликург – ярим афсонавий қонун чиқарувчи давлат ва жамоат арбоби.

Бизнинг бутун хўжалигимиз унинг гарданида эди. Филопеменга¹ ўхшаб ёғоч ҳам арраларди. Меҳнат ўз олдига қўйган мақсадини такомиллаштирганини англағандай, у ҳамма нарсани жўнгина, аммо қойилмақом қилиб адо этарди. Отель-Дье клиникасига асистент-амалиётчи бўлиб ишга кирганимда Буржа билан хайрлашишга тўғри келди, чунки мен клиника қошида яшашим даркор эди. У чуқур фамга ботарди, лекин менинг диссертация устида ишлаётганимда талаб қилинадиган харажатлар учун пул йигаётгани учун ўзини юпатар ва бўш вақтларимда уникига бориб туришимни илтимос қиласар эди.

Буржа мен билан фахрланар ва жон-дилдан яхши кўрарди. Агар сиз менинг диссертациямни излаб топсангиз эди, унинг Буржага бағишлианганини кўрган бўлардингиз. Шифохонада ишлаш муддатимнинг сўнгги йилида унга от билан бочка сотиб олиш ва бу мард оверналиknинг қарзини узишга етадиган даражада маблағта эга эдим. Мен унга пулларимни сарфлаганимни билгач, роса жиғибийрон бўлди, шунга қарамасдан хўп суюнди, унинг энг эзгу орзуси ушалган эди-да, ахир. У кулди ва мени койиб қўйди; у ўзининг бочкасига, ўз отига қарап ва кўз ёшларини артаркан, деди: «Яхши эмас! Қандай ажойиб бочка! Лекин сиз бундай қилмаслигингиз керак эди... Ўзи ҳам кетворган от экан, нақ оверна зотига ўхшайди».

Киши кўнглини эритадиган воқеани сира кўрмаганман. Менинг қаршилик қилишимга қарамасдан, Буржа мен учун энг қимматбаҳо нарса, сиз хонамда кўрган - филофига кумушдан сайқал берилган жарроҳлик асбоблари тўпламини, албатта, сотиб олиш истагини билдириди. У менинг дастлабки муваффақиятларимдан ўзида йўқ шод эди, лекин унинг «уни мен одам қилдим» деганини, ҳатто бунга ишора ҳам қилмаган. Гапнинг очиғини айтганда, у бўлмаганда муҳтоҗлик ҳаётимга зомин бўлган бўлар эди-ку, ахир. Бояқиши ҳаётини мен учун қурбон этди: маълум бўлишича, у тунги машғулот-

¹ Филопемен – қадимги юнон қўмондони, одил ва меҳнатсевар киши бўлган.

ларимни деб мен учун қаҳва сотиб оларкан-да, ўзи нонга саримсоқ суртиб ер экан. У касал бўлиб қолди. Тунларни унинг бошида ўтказганимни айтиб ўтирумасам ҳам бўлади. Умримда биринчи бор уни сақлаб қолишга мусассар бўлдим. Лекин икки йил ўтгач, касаллик яна қайталади, қанчалик тиришиб парвариши қилмайлик, табобатдаги барча воситаларни ишга солмайлик, Буржа вафот этди. Бирорта қирол ҳам бунчалик парвариши қилинмаган бўлса керак. Ҳа, Бъяншон, бу ҳаётни ўлим чангалидан тортиб олиш учун мисли кўрилмаган даражада ҳаракат қилдим. Унинг ўзи амалга оширган ишларини кўриш имкониятига эга бўлишини истагандим; унинг барча истакларини ижро этсам дегандим, ҳаётимда шу пайтгача сира тақрорланмаган, қалбимни батамом чулғаган, ташаккур туйғусини изҳор этишни ниҳоясига етказишни истагандим, ҳанузгача мени ёндириб келаётган ўтни ўчирмоқчи эдим!

— Менинг иккинчи отам Буржа ўз қўлимда жон берди, — дея давом этди Деплен озгина сукут сақлагач, унинг ҳаяжонлангани шундоққина билиниб турарди. — У қолдирган васиятномага биноан, барча молу мулки менга ўтмоғи даркор эди; бу васиятномани унга ҳар хил хужжатлар тузиш идорасида ёзib беришган экан, унда иккаламиз Роган кўчасига бирга кўчиб борган йил қайд қилинган эди. Унда софдил диндор кишининг тимсоли мужассамлашган эди. Биби Марямни шундай севар эдики, киши маъшуқасини шундай севиши мумкин, холос. Гарчи у эҳтиросли диндор католик бўлса-да, менинг даҳрийлигим ҳақида лом-мим демаган эди. Касаллиги хатарли тус олганда у мендан ўзи учун черков ёрдамини уюштиришда ҳеч нарсани аямасликни илтимос қилган эди. Мен унинг учун кунига икки мартадан дуои фотиҳа ўқишини буюртма қилдим. У кечалари тез-тез ўзининг охиратдаги қисматидан қўрқаётганини ҳикоя қиласарди: унга ҳаёти унча тақводорлик билан ўтмаганга ўхшаб кўринарди. Бояқиши! У эртадан-кечгача меҳнат қиласарди. Агар борди-ю, беҳишт бор бўлса, унга бу кишидан бошқа ким ҳам муносаб бўлиши мумкин? У авлиё сифатида черковнинг сўнгги хайрбодини қабул қилган эди (у чиндан ҳам авлиё эди); унинг ўлими ҳаётига мос эди:

Буржанинг тобути ортидан фақат бир киши борарди: бу мен эдим. Яккаю ягона валинеъматимни дафн этгач, менга қилган яхшиликлари эвазига нима қылсам экан, деб ўйлардим. Унинг на оиласи, на дўстлари, на хотини, на болалари бор эди. Лекин у диндор эди, унда диний эътиқод мавжуд эди, бунинг учун у билан баҳлашибашга ҳаққим бормиди? У бир куни менга қўрқа-писа бўлажак дуои ибодат ҳақида ёрилган эди; қилган ёрдамини пеш қўймаслик учун у менинг зиммамга бундай мажбуриятни юкламоқчи эмасди. Дастребки имконият туғилганда мен авлиё Сульпций черковига керакли миқдорда пул тўплаб, бир йилда тўрт бор охират ибодатини буюртма қилдим. Буржа учун амалга ошириладиган ягона нарса – унинг тақводорлик истагини бажо келтириш. Шу боисдан бир йилда тўрт марта – кўклам, ёз, куз ва қишида черковга келаман ва шаккокка хос самимият билан дейман: «Ё худованди карим, тасарруфотингда ўлгандан сўнг тақводор кишилар йифиладиган маскан бўлса, мўмин-қобил Буржани унутма, агар у азоб-уқубатни бошидан кечирмоғи керак бўлса, ўша мусибатларни менинг гарданимга юкла, токи у тезда жаннат аталмиш маъвога эришгай». Мана, азизим, фикрлаш тарзи меникидек кишининг қарори шундай бўлади. Қасамёд эта-манки, Буржанинг эътиқоди менинг миямда қарор топсайди, бор-бисотимни берган бўлур эдим.

Депленни сўнгги марта даволаган Бъяншон машхур жарроҳни даҳрий сифатида вафот этган деб айтишга ботинолмайди. Наҳотки, бир вақтлар пештоқига «Буюк одамлар учун умидбахш диёр» деган сўзлар ёзилган ўша заминий маъбад қопқаларини очган кишига ройиш оверналиқ жаннат қопқаларини очмаган бўлса? Ҳа очган – айнан шундай деб ўйлаш диндорлар учун қувончли эмасми, ахир?!

ЧИН СЕВГИ¹

*U*лоҳий халоскоримиз Исо Масих таваллудидан бошланган мелодий йил ҳисоби бўйича ўн учинчи асрнинг бошларида ёхуд шўнга яқин бир пайтда Париж шаҳрида ажиб бир севги воқеаси содир бўлганки, у бутун шаҳар аҳлини, шунингдек, қирол аъёнларини ҳам беҳад ҳайратлантирган. Дин пешволари, руҳоний оталар эса, ушбу воқеани бизга ёднома сифатида ёзиб қолдиргандар; уларнинг бу ишда қандай хизмат кўрсатгандарини қўйидаги сатрлардан билиб олурсиз.

Баён қилаётган воқеамиз қаҳрамони Тур шаҳри фуқароси экан. Авом халқ уни соддагина қилиб «турлик» деб атаган, сабабки, у бизнинг мунаvvар Турда туғилган ва асл исми Ансо бўлган. Ушбу саховатли ҳамشاҳаримиз кексайиб қолган пайтида ўзи туғилган қадрдон Турга қайтиб келибди ва агар шаҳарнинг ҳамда аббатликнинг² солномаларига ишонсак, у Сен-Мартен шаҳрининг мэри бўлибди, лекин Парижда яшаган пайтида у моҳир заргар бўлиб довруқ қозонган экан. Хулласи камлом, Ансо навқирон йигитлик чогида ўзининг ўта ҳалол ва диёнатли кимса эканлиги ва ўзга эзгу фазилатлари шарофати туфайли Париж шаҳрининг фуқароси бўлган экан ҳамда қирол ҳомийлигини сотиб олиб (у замонда бундай ҳомийлик пул тураркан), унинг табааси бўлибди. Сен-Дени кўчасида Сен-Ле черкови ёнида Ансонинг бож тўламай курган ўз уйи бўлиб, бу ердаги устахонада у зўр маҳорат билан ясаётган гўзал тақин-чоқлар, гаройиб буюмлар Парижнинг кўпчилик фуқароларини бамисоли оҳанрабодек ўзига тортар экан. Уста Ансо асли турлик бўлса ҳам, боз устига, иккита азамат йигитни бир чўқишада қочира оладиган куч-қудратга эга бўлса ҳам, ахлоқу одобда ба-

¹ Оноре де Бальзак. Чин севги // Қодир Мирмуҳамедов таржимаси // Жаҳон адабиёти. 2010, № 12. – 3–19 бетлар.

² Аббатлик – ўз хусусий ер-суви, хўжалигига эга бўлган католиклар монастири.

ғоят ибратли, авлиёсифат одам бўлган. У турли хил кўнгилочар ўйинхоналари сероб бўлган улкан шаҳарда яшаса-да, ҳаттоки айни гулдай очилган, қирчиllumа йигит чоғида ҳам, бирон марта бўлсин Парижнинг ишратхона ё фоҳишахоналарига қадам кўймаган. Кўпчиликнинг айтишича, ушбу фазилат Худо томонидан биз бандаларига ато этилган инсоний онгни баркамол қиласканки, фақат шундатина биз муқаддас динимиз асрорларининг ҳомийси бўлмиш имон-эътиқодни тўғри идрок эта олар эканмиз; бинобарин, мен заргаримизнинг ахлоқий поклиги сабабини чуқурроқ англаб олмоғимиз зарур, деб ҳисоблайман. Энг биринч навбатда, шунга эътибор берингки, китобхон, Ансо Парижга пиёда юриб келибди, ўша замондаги шаҳар фуқароларининг эътироф этишича, у Айюб пайғамбардан ҳам аброрроқ аҳволда экан ва зумда «пов» этиб ёниб, «пис» этиб ўчадиган ўзга турликлардан фарқли ўлароқ, метин иродали одам бўлган ва сабр-матонатда ўз ғанимидан қасос олишга чоғланган роҳибдан қолишмас экан. У устага шогирдлик қилган пайтларида астойдил тиришқоқлик билан ишлаган; ўзи уста бўлганидан кейин эса, меҳнатсеварлик лаёқатини ўн чандон оширган, ҳар доим ва ҳар жабҳада ўз қасбига хос бўлган янги-янги усулларни ўрганганд, ўзи ҳам энг антиқа усулларни кашф этган ва бу изланишлари оқибатида кўп янгиликларни ихтиро қилган. Уйига кечикиб қайтаётган ўткинчи одамлар, шаҳар кўчаларини назорат қилувчи тунги соқчилар ёки бошпанаси йўқ саёқ одамлар ҳар куни тунда турликтинг устахонаси деразасида чироқ ёниб турганини, жўшқин, файратли устанинг эса, устахона эшигини ичидан занжирлаб, аммо қулоғини динг қилган ҳолда, ўз шогирди билан биргаликда, болғачасини дўқиллатаётганини, ниманидир чархлаётганини, кесаётганини, қайраётганини, эговлаётганини, йўнаётганини кўрганлар. Муҳтожлик меҳнатни вужудга келтиради, меҳнат олий билимни яратади, билимдан эса, бойлик юзага келади. Эй, червонларни шамолга совурувчи, Қобилнинг¹ ишратпараст, майшатпараст авлодлари, қулоқ солинг! ҳаттоки нопок майший ҳоҳишлиар устаси

¹ Қобил — Одам алайҳиссаломнинг тўнгич ўғли; у файрлик қилиб ўз укаси Ҳобилни ўлдирган.

миз хаёлини безовта қилиб, қалбини гулгулага солган пайтларда ҳам (одатда, бу ҳол сўққабош бандаларда кўпроқ учраб турди), дили пок одамларни йўлдан оздирувчи шайтонни хочга чўқиниб даф қилиш имкони бўлмаган тақдирда, турлик Ансо гуноҳ ишга етакламоқчи бўлган шум хаёлларни бартараф қилиб, жон-жаҳд билан болғачасини тўқиллатганча, олтин ва кумушлардан энг нафис, бежирим, фусункор буюмлар ясар ва шу йўл билан томирларида жўш ураётган қайноқ қонини тинчитар экан. Бунинг устига, турлик Ансо қувлик-шумликни билмайдиган энг соддадил одам бўлган. Биринчи галда, у Худодан, кейин ўтирилардан, яна ҳам кўпроқ мансабдорлардан кўрқсан, лекин ҳар турли машаққатлар, безовталиклар уни ҳаммасидан ҳам кўпроқ ваҳимага солган. Қўли иккита бўлса ҳам, ҳеч қачон бир пайтда икки иш билан машғул бўлмаган. У доим худди никоҳдан ўтаётган келинчакдек тортиниб, сиполик билан гапирган. Гарчи руҳоний оталар, ҳарб аҳли ва ўзга казо-казо зотлар уни донишманд деб ҳисоблашмаса ҳам, у ўз она тилини жуда пухта билган ва одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишини ёқтирган. Орадан вақт ўтиб, уста билан тобора яқинроқ мулоқотда бўла бошлаган парижликлар унга қандай кун кечирмоқ лозимлиги ҳақида турфа хил сабоқлар берганлар; чунончи ҳаётда мудом ўзи танлаган йўлдан боришни ва бирорларнинг иши учун бош қотириб, йўлдан адашмасликни, кўрпага қараб оёқ узатишни, ҳеч кимдан пул қарз сўрамасликни ва ҳеч кимга қарз бермасликни, ҳамиша қулоқни динг қилиб, сергак бўлиб яшашни, фирибгарларнинг ёлғон гапларига учмасликни, қандай иш билан шуғуланаётгани ҳақида ҳеч кимга оғиздан гуллаб қўймасликни, берган ваъдасида қатъий туришни, ҳаттоки сувни ҳам бекорга исроф қилиб тўқмасликни, пашша сингари бефаросат бўлмасликни, ўз ташвишини одамлардан сир тутишни, ҳамёнини ҳеч кимга ишониб бериб қўймасликни, кўчада юрганида атрофга олазарак бўлиб қарамасликни ва ясаган буюмларини уларга сарфлаган меҳнатидан қимматроқقا сотишни ўргатганлар. Мана шу ҳаётий донишмандлик қоидалари унинг ўз фойдасини кўзлаб ҳалол пул топиши учун зарурӣ тажриба орттиришига имкон берган. У ана шундай – ҳеч

бир кимсанинг дилини заррача оғритмай яшаган. Мэтр¹ Ансонинг турмуш тарзини кузатган қўпчилик одамлар: «Жин урсин, кошкийди, унинг ўрнида мен бўлсам! Бунинг учун бир умр Париж кўчаларида лой кечиб юришга ҳам рози бўлардим», — дер эканлар. Лекин бошқа бир тоифа одамлар ҳам борки, улар ҳатто Франция қироли бўлишга ҳам шайлар! Эй йигит, сен аввало Худодан ўша заргарники сингари қўл сўра ўзингга; унинг томирлари бўртиб чиққан, забардаст, серюнг қўллари шу қадар чайир бўлган эканки, агар у муштини тугса, энг чапдаст шогирд, ҳатто омбир билан ҳам у муштни ёя олмас экан. Аниқки, бундай азamat йигит ушлаган нарсасини, агар хоҳласа, ҳеч ҳам чангалидан чиқармайди. Турлик заргар ҳатто темирни ҳам тишлари билан ғажиб, чайнаб ютиб юбора олар, ошқозони ўша темирни бемалол қабул қиласар, ичаклари уни ҳазм қилиб, чиқиндисини, йўлда ҳеч нимага зиён-заҳмат етказмай, ташқарига чиқариб юбораркан. Турликнинг елкасига ер куррасини қўтартириб қўйсалар ҳам, қадди букилмасди; қадим замонда бир мажусий зотга шу вазифа юкланган экан, фақат Исо Масиҳ дунёга келиб, ул зотни бу юқдан озод қилибди. Очифини айтадиган бўлсак, турлик йигит бир бутун гранитдан бир зарб билан йўниб яратилган одамлардан эди; бундай одамлар кўп ҳаракат ва оворагарчилик оқибатида яратилган шахслардан афзал бўладилар, ундей шахсларнинг кўп ерини ямаб, тарашлаб эпақага келтирадилар ва ҳамма ёғи йиритиқ-ямоқ бу кимсалар ҳеч нимага ярамайдилар. Бир сўз билан айтганда, мэтр Ансо нақ пўлатдай тобланган, шерюрак одам бўлиб, қўзларининг нигоҳи мисоли чўғ эдики, бу чўғ олтинни эритиб юбориши ҳам мумкин эди, агар темирчи ўчоғидаги оловнинг тафти етарли даражада иссиқ бўлмаса; лекин устанинг нигоҳи ҳамма нарсанинг меъёрини билувчи парвардигорнинг хоҳишига кўра, ҳарир бир нам парда билан тўсилган эдики, айнан шу парда турликнинг жўшқин ҳовурини босиб туарди, акс ҳолда, у теварак-атрофдаги ҳамма нар-

¹ Мэтр — устоз, мураббий маъносини билдирувчи бу сўз одатда ҳурматли кишилар исми олдига қўшиб ҳам айтилади (фр.).

сани кўйдириб кулга айлантириши мумкин эди. Қани, айтинг-чи, ёмон йигит эканми бизнинг турлик?

Эзгу фазилатлар соҳиби бўлган бу заргаримиз ҳаётини чукурроқ кузатган ҳар бир инсон шундай савол бериши аниқ: «Нима учун устамиз чифаноқ ичидаги шиллиқ қурт сингари сўққабош, ахир унданги табиат ато этган нодир ҳислатлар ҳар бир гўзал аёл қалбини ром қилиши мумкин эди-ку?» Лекин қалтафаҳм танқидчилар дунёда муҳаббат деган бебаҳо туйғу борлигини билармикинлар? Йўқ, билмайдилар, албатта... Ошиқ йигит қайгадир бориши, қаёқдандир қайтиб келиши, ниманидир эшитиши, кимнидир пойлаши, гоҳ сукут сақлаши, гоҳ тўлиб-тошиб гапириши, баъзан фунажак бўлиб букилиши ё қаддини фоздек адл тутиши, гоҳ теракдек ўсиб, гоҳ гиёҳдек кичрайиши ва бутунлай кўринмай ҳам қолиши, биронта мусиқа асбобини тингиллатиб маъшуқасининг кўнглини овлаши, тавба қилиб, узр сўраши, тупканинг тагига равона бўлиши, севгилисининг хоҳиши билан, ўлган-тирилганига қарамай, қаёқдандир йўқ нарсани йўндириб келиши, ўғирда сувни туйиши, тунда ойга термулиб, чукур-чукур хўрсимиши, хонимининг мушуги ва кучукласини эркалаши, танишлари билан дўст тутиниши, бод касали билан оғриган унинг холасини кўргани кириб, ҳол-аҳвол сўраши ва бу кампирга: «О, кўринишингиз жуда яхши, ҳали сиз бизлардан кейин ҳам яшайсиз!» – деб унинг кўнглини кўтариши; кейин эса, хонимининг яқин қариндошлари нималарни ёқтиришини сўраб билиб олиши, ҳеч кимнинг фашига тегмаслиги, идишлардан биронтасини синдириб қўймаслиги, осмондаги ойни олиб бериши, қаёқдаги тутуруқсиз гапларни айтиб эзмалик қилиши ва сафсата сотиши, ҳеч тап тортмай, ёниб турган ёнғинни ёриб, тошқин сувни кечиб ўтиши, ҳамда маъшуқаси кийган либослардан мароқланиб: «Оҳ, қандай мўъжизавий бежирим либос!» ёки «Аҳ, мадам, бу либос гўзал жамолингизни яна ҳам очиб юборибди, азбаройи худо!» дейиши; кейин шу гапини яна минг хил тахлитда қайтариши лозим. Булардан ташқари, унинг ўзи ҳам худди сарой олифта йигитлари сингари, юз-кўзини бўяб, сочини силлиқ тараб, зебо кийиниб, беаёв киноявий ҳазиллар қилиши, шайтони лайн бошига солган барча мусибатларга юзида жилва билан бардош

бериши, қаҳру ғазабини ичиға ютиши, ўжар хүлқини жиловлашы лозим. Маҳбубасининг онасини ҳам, холасининг қизини ҳам, уй ҳодимасини ҳам совға-саломлар билан хушлаши, эрталабдан то қоронғу кечгача хушмуомала бўлиб, очиқ чехра билан юриши, ё Тангрим кўрсатган йўлдан бориб муродга етиши, ё шайтоннинг думидан тутиб жаҳаннамга кетиши керак. Ахир биласизлар-ку, аёл зотининг кўнглини олиш жуда оғир вазифа, — думини бир ликиллатадио кетади-қолади, ҳатто айтмайди ҳам нега сиздан хафа бўлганини. Ва ниҳоят, гапнинг пўсткалласини айтадиган бўлсак, тангри хуш кайфиятда бўлган чоғида яратган бир маъсума хилқатни севиб қолган йигит гапга чечанлиги билан уни ўзига ром қилиши, атрофида парвона бўлиб, худди шоҳ Довуд сингари мусиқа куйлари ила сармаст қилиши, минг-минглаб дўзахий азобларни бошидан кечириши, бу хонимининг шарафига, Коринф¹ усулида ясалган юзлаб ҳашаматли, жимжимадор устунлар тиклаши, лекин шунга қарамай, агар у ўша хилқатни биронта арзимас, ниҳоний ишда ранжитиб қўйгудек бўлса, — ҳолбуки, хонимнинг ўзи ҳам нима исташини билтмайди, ва лекин ўша нарсани билишни ошиқ йигитидан талаб қиласди, шу заҳоти, худди моховдан ҳазар қилгандек қочиб кетади. Хоним ўзича ҳақ — ҳеч нима қилолмайсан. Баъзи бир эркаклар бундай ҳолатда фамга ботадилар, ғазабланадилар ва телба бўла бошлайдиларки, буни тасаввур қилиш ҳам қийин. Айрим йигитлар шу чоти айри хотинни деб ҳатто ўз жонларига қасд қиласдилар. Эркак киши ана шу жиҳатлари билан ҳайвондан фарқ қиласди, зеро, ҳайвон ҳеч қачон бебаҳт севги туфайли жинни бўлмайди. Мана сизга ҳайвонларда қалб йўқлигини билдирувчи аниқ далил. Ошиқ йигит эплай олмайдиган хунар бўлмаслиги керак дунёда: у мас-харабоз ҳам, аскар ҳам, товламачи ҳам, ҳазилкаш ҳам, кўзбойлоқчи ҳам ва яна қизиқчи, қирол, дангаса, роҳиб, лақма, майхўр, фирибгар, мақтанчоқ, чақимчи, сафсатабоз, тутуруқсиз, шилқим, пулни пўчоқдай совурувчи, овсар, девона бўла олиши керак; Исо пайғамбар бундай амаллардан воз кечган, донишманд

¹ Коринф — Юнонистондаги қадимий шаҳар, антик даврда у ўзининг муҳташам меъморий бинолари билан довруг қозонган.

кимсалар ундан ибрат олиб, ишқ-муҳаббатдан юз ўтиromoқдалар. Бундай машғулотга муккасидан кетган қалондимоғ эркаклар, биринчи навбатда, вактларини, жонлари ва қонларини ишқ йўлида қурбон, дил розларини ошкор қилишга мажбур бўладилар, юраклари, қалблари, фикр-хаёллари ҳақида гапирмай қўяқолайлик – уларга ҳаддан зиёд ўч бўлади хотин зоти. Улар бир-бирлари билан чакаклари тинмай валдирашаркан, шундай дейдилар: «Агар эркак бутун борини менга баҳшида қилмас экан, демак, у менга ҳеч нима бермади, деб ҳисоблайман». Яна шунақангি бадқовоқ хонимлар бўладики, ошиқ йигитлари уларнинг истакларини ўлиб-тирилиб, жонларини жабборга бериб бажарган бўлсалар ҳам, қовоқларидан қор ёғиб: «Бо Худо, шуям иш бўптими, мунча лаллаймаса!» – деб бурунларини жийирадилар. Сабабки, бу бешафқат, қалондимоғ хотинлар ҳеч қачон ҳеч нимага қоницмайдилар, доим ниманидир қўмсаганлари-қўмсаган... Бу қонун Париж шаҳрида бўлган, бор ва бундан кейин ҳам кучини йўқотмайди, зеро, аёл зотидан бўлган чақалоқларни чўқинтираётгандаридан уларни фақат Париждагина намакоб сувда чўмилтирадилар. Мана шунинг учун ҳам, Париж аёллари туғилган кунларидан бошлаб муғомбир, шайтон бўлиб ўсадилар.

Мэтр Ансо эса, ўз устахонасидаги ловуллаб ёниб турган ўчифида кумуш эритар, олтинга зарб қилар экан, ясаётган бу буюмида киши кўзини қамаштиришга қодир бўлган оҳанжамали безакларни ишлаб, муҳаббатнинг афсонавий нақшларини акс эттиromoқчи бўлар, аммо бунинг учун уста юрагининг қўри етарли даражада алангаланмасди, зеро, у ҳеч ердан жонли нусха топа олмаётган эди. Ўз-ўзидан маълумки, бизга осмондан қовурилган какликлар ёғилиб тушмаганидай, иффатли қизлар ҳам Парижда, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, эркакларнинг кучоfigа ташланмайдилар, ҳаттоки улар қирол заргари бўлганларида ҳам. Бизнинг турлиқ заргар эса, илгари айтиб ўтганимиздек, нафақат қирол заргари, яна ўзга фазилат соҳиби – ахлоқан пок инсон эди. Лекин мэтр Ансо, қимматбаҳо буюмлар харид қилгани дўконига келган олийнасаб ва бойвучча хонимлардаги саҳий табиат ато этган барча латофатли, малоҳатли ҳислатларни кўра олмасди. Дўконга келган бу хонимлар шўх-шўҳ чақчакла-

шишар, харид қилаётган буюмлари нархини пасайтиromoқчи бўлиб, заргарга ҳазил-хузул гап қотишар, хушомад қилиб, уни ийдирмоқчи бўлишарди; кўпинча у уйига қайта туриб, шулар ҳақида шоирона теран хаёлга ботар, ўзини худди уяси йўқ какку күшдек ҳис қиласди. Шунда у ўзига-ўзи бундай дерди: «Бас, энди уйланмасам бўлмайди, хотин уйни супириб-сидиради, овқат пиширади, кийим-кечакни ямайди, покиза сақлади, шўхшўх қўшиқлар айтади, у мабодо бирон-бир тақинчоқни ёқтириб қолса, ҳамма эри бор хотинлар сингари, менга тантиқлик қилиб: «Вой, жонгинам, манавини қара, бирам чиройли эканми?» – дейди. Бу гапни эшитган қўшниларим хотинимни дарров танишади ва мен ҳақимда: «Қандай баҳтиёр-а, бу йигит!» – дейишида иchlарida. Шунда заргар ўзи орзу қилган ишларни хаёлида бирин-кетин амалга ошира бошлайди: мана, у никоҳдан ўтиб уйланди, суюкли хотинини бағрига босиб эркалади, уни зеб-зийнатли либослар билан ясантирди, унга тилла занжир совфа қилди, ёстиқдошининг бошидан то оёғигача – бутун вужудини ардоқлаб севди, ўзининг шахсий жамғармасини истисно қилганда, уйидаги жамики рўзғор ва хўжалик ишлари ва ашёларини хотинининг ихтиёрига топширди. У хотинин болаҳонадаги ўз ётоқхонасига жойлаштиради. Бу хонанинг деразалари чиройли, ойнаванд, ерига шолча тўшалган, деворига гулқоғозлар ёпиштирилган; бу хонага Ансо кўркам жавон ва атрофига сариқ рангли парда тортилган, оёқлари жимжимадор, жуда кенг каравот олиб чиқиб кўяди; чиройли кўзгулар сотиб олади... Заргаримиз ўз уйи эшигига яқин келиб қолганида, тасаввуридаги хотинидан ўнтача фарзанд кўрган эди. Эвоҳ, хотин ҳам, болалар ҳам фойиб бўлишди болғачанинг тўқиллашидан; Ансо эса, ўзи ҳам сезмай, хаёлида орзиқиб кутган шарпаларни ғоят антиқа чизгиларда акс эттирад, ишқий армонларини эса, харидор хонимларнинг кўнглига хуш ёқувчи ажойиб суратлар билан ифодаларди; харидор хонимлар-ку, бу суратлар замирида қанча хотин ва нечта бола яшириниб ётганидан бехабар эдилар. Уста заргаримиз ўз истеъодини қанча кўп камолга етказган сари, ўзи бутун дардини ичига ютиб шунча кўпроқ ёввойилашиб борарди. Ўшанда агар Тангри шафқат

қилмаганида, бу дунёдан у муҳаббат лаззатидан баҳраманд бўлмай ўтиб кетган бўларди, вале боқий дунёда у албатта чин муҳаббат мевасини татиб кўргай. Юксак фазилатлар соҳиби бўлмиш улуф инсон Афлотун шундай сабоқ беради. ҳайҳот, биз бу қиссамизга турли хил мулоҳазаларни тикишираверсак, уни ортиқча чекинишлар, нокерак шарҳлар билан семиртирган бўламиз; одатда, имони саёз одамлар, биздан ўз ижодимизни айнан шундай чекинишлар, кераксиз шарҳлар билан бежашни талаб қиласидилар, худди қип-яланғоч бўлиб дингиллаб чопқиллаб юришни хоҳлаган болакайни йўргаклаб қўйишгандек. Илоё, ўша сафсатабоз маҳмадоналарга иблис ўзининг қиздирилган паншахаси билан учта ҳуқна¹ қўйсин. Мана энди, ҳикоямизни бемалол бошласак бўлади.

Мэтр Ансо қирқ бир ёшга қадам қўйган пайтида ажиб бир воқеани бошидан кечирди. Хушҳаво кунларнинг бирида у Сенанинг сўл соҳилида уйланиш ҳақида теран хаёлга берилиб сайр қилиб юаркан, Причетник даласи деб аталган ва Сен-Жермен аббатлигининг (дорилфунуннинг эмас) мулки ҳисобланган далага бориб қолганини сезмай қолди. Турлик уста сайр қилиб юриб, бир майсазор ўтлоқда кўрди ўзини. Бу ерда у ниҳоятда фарибона кийинган бир қизни учратди; у қиз Ансони шаҳарнинг аслзода кишиларидан деб ўйлаб, унга таъзим қилди ва: «Худо сизни ўз паноҳида асрасин, монсенъёр» – деди. Унинг қизларгагина хос бўлган назокатли овози шундай илтифотли саховат билан янградики, самовий куйни эслатувчи бу нафис овоз заргарни ўзига мафтун қилди-ю, бу қизни у чин юракдан севиб қолди – ўша пайтда ҳамма нарса, айниқса, мудом унга тинчлик бермаётган «қачон уйланарканман», деган ширин орзу йўлини равон, мушкулини осон қилганди. Гарчи у ҳозир шундай хаёл оғушида бўлса ҳам, барibir, қизнинг ёнидан ўтиб нари кетди ва бурилиб орқасига қайтишга юраги журъат этмади, зоро, белидаги камарини ечиб роҳатланишдан кўра, шу камаридан сиртмоқ ясадб ўзини осишни афзал билувчи, иболи, бокира қиздек тортинчоқ эди у.

¹ Ҳуқна – клизма.

Мана, ниҳоят, мэтр Ансо у қиздан камон ўқи учеб бора оладиган ергача узоклашганида, ўн йил бурун заргарлар устахонасига ишга қабул қилинган, кейин Парижнинг бадавлат фуқароси бўлиб, фоний ҳаёт йўлининг ярмини босиб ўтган одам аёл кишининг жамолига нигоҳ ташлашга ҳақли эмасми, ахир, хусусан, тахайюлидаги орзу-истаклари жўш уриб унга тинчлик бермаётган чоғда, деб жуда тўғри ва қатъий қарорга келди у. Мана, шартта орқасига бурилиб, қиз турган ерга қайтиб борди ва журъат этиб унинг юзига қаради... Қиз ориқ сигирининг бўйнига боғланган арқонни тортар, сигир эса, ариқ бўйидаги ўтларни чимдиб ейиш билан овора эди.

— Яхши қиз, — деди Ансо, — сиз жуда қашшоқ бўлсангиз керак, қарасам, ҳатто якшанба куни ҳам қўлингиз ором олмаяпти. Наҳотки, қамоққа тушишдан қўрқмасангиз?

— Жанобим, — деди қиз қўзларини ерга тикканча, — нега қўрқарканман, ахир, мен аббатликнинг мулкиман-ку. Муҳтарам аббат ҳазратлари кечки ибодатдан кейин сигирни далага олиб чиқиб ўтлатишимизга рухсат берганлар.

— Бундан чиқди, сигир сизнинг жонингиздан ҳам азиз экан-да?

— Гапингиз тўғри, жанобим, бизни едириб-ичиувчи ягона бокувчимиз шу сигир.

— Сизни бундай ағбор аҳволда қўриб ҳайрон қоляпман! Кийимингиз жулдур-жулдур... эскириб, увада бўлиб кеттан, ҳатто якшанба куни ҳам далада яланг оёқ юрибсиз, ваҳоланки, сиз шундай бебаҳо хазиналар соҳибасисизки, аббатликка қарашли бутун мулкни айланиб чиққанда ҳам, бундай бойликни топиб бўлмайди. Шаҳар йигитлари сизга муҳаббат изҳор қилтани орқангиздан эргашиб, жигингизга тегишаётгандир?

— Ҳечам, жанобим. Ахир, мен аббатликнинг мулкиман-ку, — деб яна такрорлади қиз ва чап қўлига тақилган темир ҳалқани заргарга кўрсатди; бунақа ҳалқа далада ўтлаб юрган уй ҳайвонлари бўйнига осилади, фақат қизнинг ҳалқасида қўнфироқча йўқ эди.

Дилбар қиз устага кўз ташлади, унинг кўзларидаги ўқинч аломатини кўриб, Ансо ҳайрат оғушида тўхтаб қолди. Маъ-

лумки, энг кучли руҳий изтироб юракдан юракка кўз орқали етиб боради.

— Бу нима? — деб сўради Ансо ҳалқага қўлини теккизиб, — у ҳамма гапни қизнинг ўзидан сўраб билмоқчи эди. Гарчи бу ҳалқадаги аббатликнинг тугроси анча бўртиқ ҳолда бўлса ҳам, заргар уни кўздан кечиришни истамади.

— Жанобим, мен аббатлик мулки — қулнинг қизиман, шу сабабли, менга уйланган ҳар қандай одам, ҳатто у Париж фуқароси бўлса ҳам, қулга айланади. Минг уринсин, у жони ва тани билан аббатликнинг мулки бўлади-ю, мабодо ўша одам никоҳдан ўтмай туриб, мен билан қовушгудек бўлса, ўшанда ҳам болаларимиз аббатлик мулки бўлиб қоладилар. Шунинг учун ҳам, ҳамма мендан юз ўғиргай, мен далада ёлғиз қолиб кетган бир жонивордек ташландиқ қизман. ҳаммадан кўпроқ менга алам қиласигани шуки, аббатлик пири бузурги қўнгли хоҳлаган пайтда мени ўзимга ўхшаган биронта қулга қўшиб қўяди. ҳаттоки ҳозиргидек жулдурвоқи ва бадбашара бўлмаганимда ҳам, бордию, бирон киши мени чин дилдан севиб қолгудек бўлса, бари бир, у қўлимдаги манави ҳалқани қўрибоқ, дарров ҳудди қора ўлатга йўлиқишдан қўрққандай, тирақайлаб қочиб кетади.

Шундай деб қиз яна сигириининг арқонидан тортди.

— Ёшингиз нечада? — сўради заргар.

— Билмайман, жанобим, лекин хўжайинимиз монсанъёр пири бузург буни ёзиб қўйган.

Бундай шафқатсизлик қашшоқликнинг аччиқ азобини тортган устамизнинг раҳмини келтирди. У қиз билан ёнма-ён юриб бораркан, икковлари ҳам теран сукутга толган ҳолда бир жилга бўйига етдилар.

Заргар қизнинг чиройли чеҳрасига, унинг шолғомдек қизарив кетган қўлларига, улуғвор қадди-қоматига, унинг чангга ботган, гўё биби Марям ҳайкали учун тараашланган оёқларига мароқланиб қарапарди. Қизнинг қомати ва жамолидаги бундай нафис, нозик белгилар уни ўзига мафтун қилган эди — Ансо Париж шаҳрининг ҳамда деҳқон қизларнинг ҳимоячиси авлиё аёл Женевьеванинг тирик портрети қаршисида тургандек ҳис қиласиди ўзини. Шуни билингки, қалби ҳам, ниятлари ҳам

пок бўлган маъсум заргаримиз бу қизнинг мафтункорона ийманиб, кўкрагини дағал рўмоли билан яшираётганини кузаткан, унинг қордек оппоқ сийнаси латофатини аниқ тасаввур қиласардики, фарқ пишган олмани кўрган мактаб боласи ҳавас билан тамшанганидек, устани ҳам рўмол панасидаги сийналар шундай ўзига ром қилган эди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, заргарнинг қўзига ташланган бу қиздаги барча жиҳатлар – бебаҳо хазина эди, роҳибларга тегишли бўлган жамики мулк сингари. Бу қиз шундай ноёб гул эдики, унга қўл учини теккизиш қанчалик қатъий тақиқланган бўлса, Ансо ҳам шунчалик интизор эди – қайноқ севгига, юраги эса, ҳаяжонланганидан, «гурс-гурс» тепарди.

– Сигирингиз жуда ҳам яхши экан, – деди у.

– Сут ичишни хоҳдайсизми? – деди деҳқон қиз. – Бу йил май ойи иссиқ келди, шаҳарга ҳали анча узоқ.

Чиндан ҳам, беғубор осмонда қатра булут кўринмас, теваракатроф худди темирчининг ўтхонаси янглиф жазирама иссиқ эди. ҳаммаёқдан – япроқлардан, об-ҳаводан, йигиту қизлардан, ёшлик ифори уфуриб турарди. ҳамма нарса кўкарған, гуллаган, муаттар ҳид таратарди. Қизнинг ҳеч қандай мақсадни кўзламай, соддадиллик билан қилган таклифи (зоро, қизнинг бу икки оғиз сўзидаги ғайритаъриф жозибани, унинг уятчан нигоҳини тоғ-тоғ олтинга ҳам топиб бўлмасди) устанинг юрагини эритиб юборди, шунда у, бу қулликдаги қизни бутун Париж пойига бош уриб сажда қиласидан қиролича қиёфасида кўришни хоҳлади.

– Э, йўқ, азизам, менга сут эмас, сиз кераксиз, мен сизни сотиб олиш учун розилик сўрамоқчиман.

– Бунинг иложи йўқ. Мен то ўла-ўлгунимча аббатликнинг мулки бўлиб яшасам керак. Бизлар бу ерда жуда кўп йиллардан бери яшаймиз, боболаримиз ҳам шу ерда яшаган, неваралари ҳам шу ерда кун кечиурлар. Менинг пешонамга ҳам, фазандларим пешонасига ҳам, баҳтиқаро аждодларимга ўхшаб, аббатлик даргоҳида қул бўлиб яшаб дунёдан ўтиш ёзилган, зоро, пири бузург ҳазратларининг ўзи ҳам биз-қулларидан насл қолишини талаб қиласиди.

– Ие! – деб юборди турлик. – Наҳотки, бу мафтункор кўзла-

рингизга шайдо бўлган биронта азамат, худди мен қиролдан ўз озодлигимни сотиб олганимдай, сизни озодликка чиқариш учун пул тўлашга журъат этмаган бўлса?

— Озодлик жуда қиммат туради, шу сабабдан, мени ёқтириб қолган одамлар бир кўриниш берадилар-у, дарров қочиб қоладилар.

— Ўз севган йигитингиз билан бу ердан бирон учкур аргумоққа миниб қочиб кетиш ҳақида ҳеч ўйламадингизми?

— О, жанобим, агар мени тутиб олишса, дарҳол дорга осадилар, севган ёрим, ҳатто у аслзода бўлганида ҳам, бутун ерсуви, мол-мулкидан мосуво бўлади. Арзимайман мен бундай катта фидойиликка, билингки, аббатликнинг қўли жуда узун, бу даргоҳдан ҳар қандай абжир одам ҳам қочиб кета олмайди. Мен мана шу алфозда минг-минг риёзатлар чекиб, Худога сифиниб, яшаб келяпман, демак, пешонам шўр экан.

— Отангиз нима иш қиласди?

— У аббатликнинг токзорида ишлайди.

— Онангиз-чи?

— Онам кир ювади.

— Испингиз нима сизнинг?

— Менинг исмим йўқ, муҳтарам жанобим. Отамни Этьен деб чўқинтиришган, онамнинг исми Этьенна, мен бўлсам, камтарин чўрингиз Тъенеттаман.

— Азизам менинг! — деди мэтр Ансо. — Мен умримда ҳеч қачон ҳеч бир аёлни ёқтирганиман, лекин сизни севиб қолдим, аминманки, қалбингиз буюк хазиналар масканидир. Кейинги пайтларда мен ўзимга умр йўлдоши танлашга қатъий аҳд қилиб юрган эдим; ҳамонки сиз шу муборак дамда кўз олдимда намоён бўлган экансиз, буни мен илоҳий дастуриламал деб биламан. Агар мендан ҳазар қилмасангиз, илтимос, самимий дўстингиз деб билинг мени.

Қиз яна кўзларини ерга қадади. Турлик заргар бу сўзларини қатъий ишонч билан сидқидилдан гапирдикси, Тъенеттанинг кўзлари филт-филт ёш бўлди.

— Йўқ, жаноб, — деб жавоб қилди у, — агар айтганингизга рози бўлсам, умрбод фам-ҳасратда баҳти қаро бўлиб яашин-

гизга сабабчи бўламан. Қашшоқ чўри қизга икки оғиз ширин сўзнинг ўзи кифоя.

— Сиз, бўтам, ким билан учрашганингизни билмайсиз ҳали!

Шундан сўнг, турлик чўқиниб олиб, қўлларини қовуштирганча деди:

— Барча заргарларнинг ҳомийси авлиё Элуага қасамёд қилиб айтаманки, мен олий нав кумушдан гоятда кўркам иккита токча ясад, уларни санъатим гуллари билан безантираман. Кейин битта токчани қимматли завжай муҳтараммамни қулликдан озод этгани учун миннатдорчилик юзасидан мўътабар соҳибамиз биби Марямга бағишлайман, бу ерда турган кул қиз Тъенеттани озодликка чиқаришда қилган ҳаракатларим самара берганида, юқорида номи зикр этилган муқаддас ҳимоячимга, илтижоларимни қабул айлагани учун, иккинчи токчани баҳшида қиласман. Бундан ташқари, пок дилим ҳаққи астойдил қасам ичиб айтаманки, бу кўзлаган ишимни рўёбга чиқаришда ҳеч нимамни аямайман ва то умримнинг охирига-ча тинчимайман. Биласан, худо илтижоларимни эшитади... Сиз-чи, жонгинам? — деди мэтр Ансо қизга ўгирилиб.

— Жанобим, сигирим қочиб кетди, тутишга ёрдам беринг! — деди Тъенетта юм-юм йиғлаб ва дўстининг оёғига бош уриб.

— Сизни то ўла-ўлгунимча севаман, лекин кечинг ичган қасамингиздан.

— Юринг, сигирни тутайлик, — деб жавоб қилди қизга мэтр Ансо тиз чўккан қизни кўтараркан, лекин ҳали уни ўпишга юраги бетламади, гарчи қизнинг қўнгли шуни хоҳлаб турган бўлса ҳам.

— Энди сигирим қочиб кетгани учун мени калтаклашади, — деди у.

Ана шунда бизнинг заргаримиз ишқий кечинмаларга заррача ҳам парво қилмаган ярамас сигирнинг орқасидан қува кетди. Орадан сал вақт ўтмай, турлик бу саркаш ҳайвоннинг шохларидан маҳкам чанглаб олди. Агар яна бир тихирлик қиласиган бўлса, уни худди бир сиқим похолдек осмонга отишдан ҳам қайтмасди.

— Яхши қолинг, тасаддуқ, Агар шаҳарга боргудек бўлсангиз,

меникига ҳам киринг – уйим авлиё Ле черковининг ёнгинасида. Исмим мэтр Ансо. Мен марҳаматли қиролимизнинг заргариман. Сиз келаси якшанба қуни шу далада бўлишга сўз беринг; мен, албатта, келаман, момақалдироқ гумбурлаб, жала қўйиб турса ҳам.

– О, марҳаматли хожам! Агар зарур бўлса, четан девордан ҳам ошиб ўтаман. Мен миннатдорчилик юзасидан, сиздан ҳеч нима талаб қилмай, заррача ҳам зиён-заҳмат етказмай, ҳаттоқи боқий дунёдаги роҳат-фароғатли ҳаётимдан воз кечиб бўлса ҳам, сизни-ки бўлишдан қайтмасдим. Лекин унгача мен сизнинг ҳаққингизга парвардигорга астойдил тинмай ибодат қилгайман.

Шундан кейин қиз устанинг орқасидан кузатаркан, турган ерида худди метин устундек қимирламай туриб қолди. Уста эса, аста-аста одим отиб узоқлашиб бораркан, соҳибжамол қизни яна бир марта кўриш учун, ўқтин-ўқтин орқасига ўтирилиб қарапди. Мэтр Ансо жуда узоқлашиб кетиб, ахiri кўринмай қолганида ҳам қиз ҳануз турган еридан жилмади, кеч кириб қоронғи тушганда ҳам теран хаёлга берилиб даладан кетмади. У не ҳол юз берганини ҳеч тушунмас, наҳотки, шуларнинг ҳаммасини тушимда кўрган бўлсам, деб ҳайрон бўларди. У уйга ярим кечада етиб борди ва кеч қайтгани учун уни калтаклашди, лекин қиз калтак зарбини ҳеч ҳис қилмади.

Саховатпеша Ансонинг уйкуси қочиб, иштаҳаси бўғилди, ҳатто устахонани ёпиб ишламай кўйди; У Тъенеттани шундай зўр иштиёқ билан севиб қолган эдики, фақат шу қиз ҳақида ўйлар, ҳамма ерда фақат уни кўрар ва дунёдаги ҳамма нарса заргарга Тъенетта бўлиб кўринарди. Эртаси қуни эрталаб турлик Ансо пири бузург ҳазратлари билан сұҳбатлашгани юрагини ҳовучлаб аббатлик сари йўл олди. Лекин йўлда кетаётганида у, шошқалоқлик қилмаслигим, эҳтиёткорлик билан иш кўришим керак, деган қарорга келди-да, энг аввал қирол аъёнларидан биронтасига илтижо қилиб, унинг шафоатига суюнмоқчи бўлди ва яна Парижга қайтди – ўша пайтда қирол саройи Парижда эди. Заргарлар корхонасининг таниқли устаси бўлмиш Ансонинг эл хурматига мушарраф бўлганини, ясаган нафис ва нодир буюмлари ҳамда ўзининг боадаб муомласи билан бутун шаҳар аҳли хур-

матини қозонганини яхши билган қирол саройининг бош нозири бу ошиқ йигитни ўз ҳимоятига олишга сўз берди. Ансо бу мансабдорнинг илтимосига кўра, бундан сал олдинроқ ширинликлар учун мўлжалланган, ҳаммаёғи қимматбаҳо тошлар билан безатилган бир тилла қутича — заргарлик санъати мўъжизасини ясаб берган эди. Бош нозир бу қутичани сарой хонимларидан бирига тухфа қилган эди. Мана, у мэтр Ансога йўрға отни, ўзи учун эса, ўзининг отини эгарлашни буюрди ва икковлари алҳол аббатлик томон йўл олишди. Бу аслзода аъён эндилиқда тўқсон уч ёшга кирган пири бузург ҳазратлари ҳугон де Сенектернинг қабулига кириш учун ижозат олди ва ўз тақдирининг қандай ҳал бўлишини ҳаяжонланиб кутаётган заргар билан биргаликда залга кирди-да, пири бузург ҳугонга мурожаат қилиб деди:

— Ҳазратим, оддийгина бир илтимос билан келган эдик, бир яхшилик қилсангиз ва шу илтимосимизни эшитишдан олдин уни бажаришга сўз берсангиз.

Лекин аббат бош чайқаб қўйиб, аъёнга бундай жавоб қилди:

— Агар шундай қилсам, черков низомига содиқлигимга хиёнат қилган бўламан.

— Сиз олдин гапимни эшитинг, ҳазратим, — деди аслзода аъён, — бизнинг мана бу сарой заргаримиз бир қизни севиб қолиб, ишқ алангасида ёнмоқда; шунга кўра, камина сиз ҳазратимдан ўшал қизни озодликка чиқаришингизни илтимос қиласман, ўзим эсам, сизнинг ҳар қандай истагингизни сўзсиз бажаришга сўз бераман.

— У қайси қиз экан? — сўради аббат устадан.

— Унинг исми Тъенетта, — деди заргар тортинчоқлик билан.

— Шунаقا денг! — деди қария ҳугон жилмайиб. — Қармомизига шундай балиқ илинибди, демак, хўрагимиз чакки эмас экан-да. Ва лекин бу жуда жиддий масала, бир ўзим ҳал қила олмайман уни.

— Гапингизнинг маъносини тушуниб турибман, авлиё ота, — деди аъён қовоқ солиб.

— О, яхши йигит, — деди пири бузург, — у қиз қанча туришини биласизми?

Шундай деб, у котибига Тъенеттани бу ерга бошлаб ке-

лишни, лекин қизнинг ҳусн-жамолини меҳмонларга бўрттириб кўрсатиш учун, уни ювиб-тараб ясантиришни буюрди.

— Мұҳаббатингиз хавф остида, — деди аслзода аъён заргарни чеккароққа бошлаб бориб. — Воз кеча қолинг бу ниятингиздан, ахир, сиз хоҳлаган ерингизда, ҳатто қирол саройида ҳам аслзодалар наасабидан бўлган ва сиз билан турмуш қуришга жон-жон деб рози бўладиган гўзал, навниҳол аёлларни учратишингиз мумкин-ку. Қолавёрса, қиролимизнинг ўзи сизнинг дворянлардек ер-мулк соҳиби бўлишингизга кўмаклашажак, ана унда, авлодларингиз ҳам, мавриди келганда, акобир зотлар та-баасида бўлурлар. Нима, янги олижаноб кишилар авлодининг асосчиси бўлишингизга олтинларингиз етмайдими?

— Мен бундай қилолмайман, — деди Ансо, — сўз берганман.

— Унда, ўша дилбарингизни, нима қилиб бўлса ҳам сотиб олинг. Биламан, роҳиб аҳли пулни кўрса. ҳамма нарсага рози бўлади.

— Ҳазратим, — деди уста яна пири бузург қошига яқин бориб, — Сизга ушбу заминдаги бандаларга худонинг олий марҳаматини улашиш ваколати берилганки, ул илоҳий марҳамат жамики мазлум, баҳти қаро кишиларга аталгандир ва бу илоҳий марҳамат бизнинг фам-ҳасратларимизни бартараф қилишга қодир бўлган мислсиз раҳм-шафқат хазинасиdir. Мен кундузги ва тунги ибодатларимда эзгу сўзлар билан мудом сизни хотирлагайман ва сизнинг саховатингиз туфайли ўз баҳтимга эришганимни ҳеч қачон унугтасмен, агар сиз юқорида номи зикр этилган қизни қонуний никоҳ ўқитиб, менга турмушга бериб, каминага саодат баҳш этишга ва бизлардан дунёга келган болаларни ўзингизнинг қулларингиз деб ҳисобламасликка рози бўлсангиз. Бу қилган яхшилигингиз учун мен сизга ҳаммаёғи олтин безаклар, қимматбаҳо тошлар, қанотли фариштапар билан безатилган, бутун христиан оламида яккаю ягона ажиб эҳсондон¹ ясад бераман. Ҳеч ерда тенги йўқ бу эҳсондон кўзингизни қувонтиради ва меҳробингиз шон-шуҳратини оламга шундай ёядики, художўй шаҳарликлар ушбу аббатликни зиё-

¹ Эҳсондон (дароносица) — монастир ва черковларда қайиқча шаклидаги кути, унда заҳирадаги муқаддас нон ва вино олиб юрилади; чўқинтирилаётган насронийтарга шу нон ва винодан берилади.

рат қилгани гала-гала бўлиб кела бошлайдилар, ҳаттоқи ўзга юртли машхур кишилар ҳам муҳташам эҳсондонни ўз кўзлари билан кўриш иштиёқида даргоҳингизга зиёратга келадилар.

— Бўтам, — деб жавоб қилди пири бузург, — сиз телба бўлиб қолганга ўҳшайсиз! ҳамонки, сиз бу қизни хотин қилиб олмокчи экансиз, унда бутун мол-давлатингиз ҳам, ўзингиз ҳам аббатлик капитули¹ мулкига айланурсиз.

— Ҳа, ҳазратим, бу шўрпешона қизга бўлган муҳаббатим телба қилиб қўйди мени. У қизнинг жисмоний камолотидан ҳам кўра кўпроқ, унинг гарифона кун кечириши ва қалби пок насроний қиз эканлиги кўпроқ раҳмимни келтирди. Лекин ҳаммадан кўпроқ, — деб кўзларида филт-филт ёш билан гапини давом эттириди турлик, — сизнинг бадқаҳрлигингиз мени ҳайратга солмоқдаки, бу ҳақда юзингизга айтишга журъат этдим, тақдиримни ҳал қилиш сизнинг ихтиёрингизда эканлинини билсан ҳам. ҳа, ҳазратим, мен қонунни биламан. Қисқаси, агар менинг мол-давлатим сизнинг мулкингизга, ўзим сизнинг қулингизга айланадиган бўлсан, агар уй-жойимдан, шашар фуқароси ҳуқуқидан маҳрум бўладиган бўлсан, шунда ҳам мен ўз меҳнатим ва билимим туфайли эришган давлатимни ўзимда сақлаб қоламан, ўша давлатим мана бу ердадир, — деди у қўлини пешоңасига теккизиб. — Унга Худодан ва менинг ўзимдан бошқа ҳеч бир зот эгалик қила олмайди. Бинобарин, менинг миямда пинҳона сақданаётган бўлғуси ижодий ишларимни сотиб олишга бутун аббатлигингиз жамғарган пуллар ҳам етмайди. Бизнинг ҳаммамиз — менинг жисмим, менинг хотиним, менинг болаларим сизники бўлади, vale менинг ақлий мулкимга эгалик қилиш учун ҳеч нима ва ҳеч ким, ҳаттоқи қийноқлар ҳам сизга ҳуқуқ беролмайди, зеро мен энг метин темирдан ҳам бақувватроқман ва азобим қанча зўрайса, мен шунча қаноатлироқ бўламан.

Мэтр Ансо гапини айтиб бўлди; бу аснода пири бузург бу арзгўйнинг олтин тангаларини аббатлик фойдасига ўзлаштириш ҳақида ўйларкан, заргарнинг айтиётган гапларига унча парво

¹ Капитул — монастир руҳонийлари кенгаси.

қилмади. Буни кўрган Ансонинг газаби қайнаб кетди ва жаҳл устида эмандан ясалган маъруза минбарига бир мушт туширган эди, у худди болғадан зарб егандек парча-парча бўлиб кетди.

— Мана, ҳазратим, яқинда сиз ана шу хизматкорга эга бўласиз ва бекиёс нодир буюмлар яратувчи уста сизнинг қулингизга айланади.

— Бўтам, — жавоб қилди пири бузург, — сиз менинг минбаримни парчаладингиз ва дилимни ноҳақ оғритиб енгилтаклик қилдингиз. У қиз менга эмас, аббатликка тегишли. Мен мўътабар монастиримиз қонун ва удумларини муҳофаза қилувчи содик хизматкорман, холос. Бу аёлдан озод болалар туғилишига розилик беришимдан олдин, Парвардигоримнинг ва аббатликнинг розилигини олишим керак. ҳолбуки, монастиримиз бу ерда қад кўтарган пайтдан ва унда роҳиблар, хизматкор қуллар пайдо бўлгандан бери, *id est*¹ қадим-қадим замондан бери, ҳеч қачон шаҳар фуқароси қул дехқон аёлга уйланиб, аббатликнинг қулига айланмаган. Шунга кўра, қонунга амал қилиш, итоат этиш, ишониш лозим, фақат шундагина унинг қудрати заифлашмайди ва топталиб оёқ ости бўлмайди, акс ҳолда, минглаб фалокатлар содир бўлиши мумкин; сизнинг энг ноёб, энг бебаҳо эҳсон-донларингиздан кўра давлатга ва аббатликка шу муҳимроқ шуни билингки, бизда ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни харид қилишга ҳам етадиган сармоя бор ва ҳеч қандай тоғ-тоғ хазиналар ҳам бизнинг удумларимиз ва қонунларимизни ўзgartира олмайди. Камина сарой нозирини шоҳидликка даъват этаман, зеро, у ўз амр-фармонларининг мудом бузилмай, кучда қолиши учун кун уззу кун курашиб келаётган қирол аъло ҳазратларининг жамики амаларидан боҳабардир.

— Нияти менга сўз бермаслик, — деб ғўлдираб қўйди сарой аъёни.

Қонунларни унча чукур идрок қила олмаган устанинг кўнгли чўкиб кетди. Шу маҳал бу ерга Ўзбекистоннинг кириб келди, у серфайрат уй бекаси томонидан роса ишқалаб тозаланган кумуш лагандек чақнаб турарди: унинг сочи чиройли қилиб тараалган,

¹ Яъни (лот.)

эгнига оқ жун күйлак кийиб, белига ҳаворанг белбоғ бойлаган, оёғига чиройли туфли, оқ пайпоқ кийган эди – хуллас, у маликалардек гүзәл ва муомалада шундай хуш мулозамат эдики, заргаримиз уни күриб, ҳайратдан хушини йўқотаёзди, ҳатто сарой аъёни ҳам, умрида ҳеч қачон бундай баркамол гўзалликни кўрмаганлигини эътироф этди. Кейин, аъён бу қизнинг нигоҳи шўрлик устага турли хил хавф туғдириши мумкинлигини ўйлаб, уни шоша-пиша шаҳарга олиб кетди ва йўл-йўлакай, сиз бу ниятингизни жуда пухта ўйлаб кўришингиз керак, негаки, пири бузург шаҳар боёнлари ва аслзодаларини қармоққа илинтирувчи бундай хўракни ҳеч қачон қўлдан чиқармайдиганга ўхшайди, деб маслаҳат берди. ҳа, айтгани тўғри чиқди, капитул шўрпешона ошиқ йигиттга ўз қарорини билдириди: «Агар Тъенеттага уйлансангиз, бутун мол-давлатингизни, уйингизни аббатлик фойдасига топширишингиз, ўзингизни ҳам, ушбу никоҳингиздан туғилган болаларингизни ҳам қуллар деб тан олишингизга тўғри келади». Лекин пири бузург алоҳида марҳамат кўрсатиб, Ансонинг уйидаги ҳамма бойликлар аббатлик мулки сифатида рўйхатга олиниши ва маҳсус мажбуриятга кўра, уста ҳар йили уй солиғини тўлаб туриши шарти билан, уйни Ансога қолдирди. Бундан ташқари, уста ҳар йили бир ҳафта мобайнида, ўзининг қул эканлигини билдириш учун монастирга қарашли хоналар биқинидаги каталакда кун кечириши лозим эди. ҳамма ўтган, кетган, йўлида дуч келган одамлардан роҳибларнинг нақадар ўжар ва саркаш эканлиги ҳақида эшитавериб, кулоқлари қоматга келган уста аббатнинг ўз аҳдидан қайтмаслигини тушунди ва юраги сиқилиб хуноби ошди. Гоҳ у аббатликнинг тўрт томонидан ўт қўйиб юборишга чоғланар, гоҳ пири бузургни бирон хилват ерга олиб бориб, то Тъенеттага эрк бериш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекмагунича уни қийнамоқчи бўлар – хуллас, миёсида минг хил афсонавий хаёллар туғилар ва зумда ўчиб кетарди. Ниҳоят, у иккилана-иккилана, ахири қизни ўғирлаб, ҳеч кимнинг қўли етмайдиган узоқ ва бехатар ерга олиб қочиб кетмоқчи бўлди; шу қарорга келиб қочиш тадоригини кўришга киришаркан, агар салтанат сарҳадидан четга чиқиб кетсам, ёр-дўйстларим ёки қирол аъло ҳазратларининг ўзи ро-

ҳибларнинг танобини тортиб қўйиши қийин бўлмайди, деб мулоҳаза қила бошлади. Мэтр Ансо ўз фанимини яхши билмасди! Лекин пири бузургнинг қандай золим эканлигини билib олди. Бир куни у далага келиб, у ерда Тъенеттани учратмади, маълум бўлишича, уни аббатликда ҳисбда қўриқлаб туришган эканки, энди уни озод қилиш учун бутун монастирни қамал қилиш лозим бўлар эди. Шунда мэтр Ансо фарёд-ла, бундай бешафқатликдан нола чекиб, зорланиб фазабланди. Шаҳарнинг барча эркак ва аёллари бу воқеа ҳақида дув-дув гап бошлаб юборишли, оқибатда бутун шаҳарда шундай кучли шов-шув кўтарилиди, қиролнинг ўзи кекса пири бузургни ўз ҳузурига чақириб, ундан қирол заргарининг буюк муҳаббатига нечун беларво қараётгани ва ушбу амалда христианлик раҳм-шафқатини севишганлардан нега дариф тутаётгани сабабини сўради.

— Бунинг сабаби битта, онҳазратлари, — деб жавоб қилди аббат, — гап шундаки, барча қонунлар худди ягона совутнинг занжиридаги ҳалқалар сингари, бир-бирлари билан ўзаро боғланган, агар битта ҳалқа узилиб кетгудек бўлса, бутун занжир сочилиб кетади. Шунингдек, агар ўшал қизимизни бизнинг розилигимизсиз, таомилга амал қилмай оладиган бўлсалар, орадан сал вақт ўтмай раийатингиз бошингиздаги тожни ҳам тортиб олиши, бутун мамлакатда исён кўтариб, ўрмонлар, йўллар ва бошқа жойлардан олинадиган, ҳалқни эзувчи божларни бекор қилиши мумкин.

Кирол тилини тийиб қолди. Бу воқеанинг қандай якунланишини ҳамма сабрсизлик билан кутарди. Жамоанинг бу мусоҳабага бўлган қизиқиши шу қадар зўр эдики, кўпчилик зодагонлар, турлик заргар севгилисидан воз кечади, деб бир-бирлари билан баҳс бойлаша бошлашди, хонимлар эса, бунинг акси бўлишини хоҳлардилар. Ансо қиролича ҳузурига бориб, роҳиблар унга севгилисини кўрсатмай қўйишиганини кўз ёш тўкиб арз қилди; қиролича ҳазрати олиялари бу қилғилиқни золимлик ва абраҳлик деб ҳисоблади, бу ҳақда у пири бузургга мурожаат қилди, шундан кейин заргар ҳар куни аббатлик қабулхонасига кириб туришга рухсат олди; Тъенетта Ансо билан учрашгани шу ерга, албатта, кекса бир роҳиб кузатувида келарди. Келганидаям ҳар

сафар худди бойвучча хонимлардек ҳашаматли лиbosлар-ла бе-заниб келарди. Бу севишганларнинг фақат кўришишлари ва суҳ-батлашишларига рухсат берилган эди, улар ҳатто яширинча би-рон марта ўпиша олмасдилар ҳам, шунга қарамай, ўрталаридаги муҳаббат учқуни тоборо баландроқ туркираб аланга ола бошла-ди. Бир куни Тъенетта дўстига шундай деди:

— Қимматли жанобим, мен сизга ўзимнинг ҳаётимни баҳ-шида қилмоқчиман, шу йўл билан сизни қулликдан озод қила-ман. Бунинг иложи шундай: мен ҳамма гапни ипидан-игнаси-гача сўраб-суриштириб, аббатлик қонунларини усталик билан четлаб ўтиш йўлини ва мен билан қовушганингиздан кейин сизни ўзингиз орзу қилган саодатли кунларга етказиш иложи-ни топдим. Черков суди судьяси менга ҳамма гапни тушинти-ди: ҳамонки, сиз қул бўлиб туғилмаган экансиз, фақат қул қиз билан никоҳдан ўтганингиздан кейин қулга айланар экансиз, сизни қулликка олиб келган сабаб барҳам топиши билан сиз ҳам озод бўласиз қулликдан. Шунга кўра, агар сиз мени, ўзин-гиз айтганингиздек, жонингиздан ортиқ яхши кўрсангиз, бу-тун мол-давлатингизни аббатликка топшириб ўз баҳтимизни сотиб олинг ва менга уйланинг. Кейин мендан то тўйгуни-гизча мириқиб лаззатланаверасиз, кейин мен болам туғилиши-ни кутмасдан, ўзим ўз жонимга қасд қиласман ва сиз яна озод бўласиз. Бу сизнинг қонуний ҳукуқингиз, бундан ташқари, қирол ҳам сизнинг ёнингизни олади, одамларнинг айтишича, унинг сизга ихлоси баландмиш. Қолаверса, Худо мени кечира-ди, бунга аниқ ишонаман, зеро мен ўз ҳукмдорим ва ёстиқдо-шимни озодликка чиқариш учун ўлимимга рози бўламан-да.

— Азизам Тъенетта! — деди Ансо. — Бўлди, гап тамом, мен қул бўламан, сен яшайверасан, шунда баҳтли ҳаётим то ум-римнинг охиригача давом этгай. Сен ёнимда бўларкансан, ҳар қандай кишан ҳам менга оғирлик қилмайди. Борди-ю, ҳамё-нимда бир танга ҳам пулим қолмади дейлик. Ҳўш, нима бўпти шунга? Ахир, менинг хазинам бор-ку — бу сенинг қалбинг, яна менинг бебаҳо баҳтим-саодатим, роҳат-фароғатим, ҳузур-ҳало-ватим, яъни сенинг бетимсол латофатинг менинг битмас-ту-ғанмас бойлигимдир. Мен авлиё Элуага сифиниб, ундан шафо-

атини биздан дариг тутмасликни илтижо қиласман, у қандай мушқул аҳволда қолганимизни кўриб, бизга шафқат қиласди ва бизни ҳар хил ёвузликлардан ҳимоя қиласди — мен бунга аминман. Демак, мен ҳозир суд нозири ҳузурига бориб, унга керакли ҳужжатлар, шартномаларни тайёрлашни буюраман. ҳеч бўлмаганди, ҳаётимнинг бебаҳо гули бўлмиш сен дурустгина кийинасан, яхши уйда яшайсан ва бутун умр ҳодималаринг атрофингда парвона бўладилар, худди қироличага хизмат қилгандай, негаки, пири бузург ҳазратлари даромадларимнинг бир қисмидан фойдаланишимга розилик берди.

Тъенетта ҳам йиғлаб, ҳам кулиб, бундай баҳтдан ўзини четта олиб қочар ва озод одамнинг қул бўлишига йўл қўймаслик учун ўзи ўлишни хоҳларди, лекин мэтр Ансо унинг қулогига шундай ширин сўзларни пичирлаб айтиб, агар Тъенетта шундай қылса, ўзи ҳам унинг орқасидан гўрга киришини айтиб чўчитарди, шунда Тъенетта, олдин муҳаббат қувончидан баҳраманд бўлай, кейин хоҳлаган пайтимда ўзимни ўзим ўлдира оламан-ку, деган қарорга келиб, никоҳдан ўтишга рози бўлди. Турлик заргарнинг ўз маҳбубасини деб бутун молу давлатидан ва эркидан воз кечиб, қул бўлиб яшашга розилик билдиргани бутун шаҳарга овоза бўлганида одамлар бундай ажойиб эркакни ўз кўзлари билан кўришни хоҳлаб қолдилар. Сарой хонимлари эса, уста билан узоқроқ сұхбатлашиб туриш учунтина, унинг дўқонидан беҳисоб тилла ва кумуш буюмларни харид қила бошладилар; Шаҳарнинг соҳибжамол аёллари узоқ йиллар давомида устанинг улар билан мулоқотда бўла олмагани ҳиссасини чиқармоқ учун, Ансонинг устахонасига гала-гала бўлиб келишарди. Илло, бу аёлларнинг айримлари ҳусн-тароватда Тъенеттага teng кела олсалар ҳам, ҳеч бирида Тъенеттаникдек покиза қалб йўқ эди. Ниҳоят, қуллик ва муҳаббат даври яқинлашиб қолганини кўрган Ансо ўзининг ҳамма олтинларини эритиб ундан шоҳона тож ясади ва уни ўз ихтиёрида бўлган марварид ва бриллиантлар билан безади, сўнг яширинча саройга келиб, уни қироличага бераркан, шундай деди:

— Ҳазрати олиялари, ўз бойлигимни кимга ишониб қолдирishimни билмайман — мана у. Эртага уйимдаги ҳамма нарсалар менга заррача раҳм қилмаган лаънати роҳибларнинг мул-

кига айланади. Мен фақат сизнинг шоҳона меҳрибонлигин-гиз туфайли маъшуқамнинг жамолини кўриш баҳтига мусасар бўлганим учун, ушбуни менинг фақирона миннатдорчилигим деб билгайсиз, зеро ҳар қанча пул ҳам ёримнинг бирлаҳзали нигоҳига арзимайди.

— Яхши гап бўлди, оққўнгил одам, — деди қирол. — Аббатлик эртами, кечми, бир кун мендан ёрдам сўраб келади, ана ўшанда, албатта, сени эслайман.

Тъенеттанинг аббатликла ўтаётган никоҳ тўйига келган одамларнинг сон-саноғи йўқ эди; қиролича келинболага бежирим никоҳ либоси тақдим этди, қирол эса, унга тилла сирғаларни ҳар куни тақиб юришига ижозат берди. Латофатда файритаъриф келин-куёв аббатликтан чиқиб, олдин Сен-Ле черковига, сўнг эндиликда қулга айланган Ансонинг уйига йўл олишганида, ўз уйлари деразалари олдига йигилган одамлар бу янги турмуш қурган икки баҳтиёрни яхшироқ кўриш учун машъалалар ёқиб, уларнинг йўлини ёритишиганди. Кўчанинг икки четида оломон, худди шаҳарга кириб келаётган қиролни қарши олаётгандай, зич терилиб турарди. Шўрлик куёв ўзи учун кумушдан қуйиб ясаган гардишни чап қўлига тақиб олганди — бу гардиш унинг энди Сен-Жермен аббатлигига қарашли мулк эканлитини билдирарди. Хўш, нима бўпти шунга?! Барибир, ҳалқ янги қулни, худди энди тахтга ўтираётган ёш қиролни қутлагандай, «Шон-шараф, шон-шараф!» — деб ҳай-қиарарди ва ҳалқнинг Тъенетта ҳақида айтиаётган мақтov сўзларини, унинг хусн-латофати, сиполигига таҳсинлар айтилаётганини эшишиб, севинганидан боши кўкка етган баҳтиёр ошиқ мэтр Ансо кўчадаги одамларга тинимсиз равишда таъзим қиласарди. Мана, у ўз уий дарвозасининг ям-яшил новдалар ва бўтакўз гуллардан тўқилган гулчамбарлар билан безатилганини кўрди. Бутун маҳалланинг казо-казо фуқаролари мэтр Ансони қутлаш учун йигилгандилар, улар: «Сиз ҳамиша олийжаноб инсон бўлиб қолаверасиз, аббатликнинг хоҳишига зид ўлароқ», дейишарди. Гапимга ишонингларки, ушбу никоҳ куни келин билан куёв ҳайратомуз таассуротларга бардош беришда бир-бирларидан қолишмадилар. Бу борада эр бир неча марта устун келган бўлса ҳам, унинг суюкли хотини, забардаст дехқон қизларга хос иқтидор билан бу мусо-

бақада эрининг ютуқларига жавоб қайтарди... Улар дастлабки бир ойни хузур-ҳаловатда, шод-хуррамлик билан ўтказдиларки, уларни биринчи топишган кунларидан бошлаб чўп ва хасларни битта-биттадан йигиб, ўзлари учун ин ясай бошлаган капгарларга қиёс қилиш мумкин эди. Тъенетта ўзининг бу кўркам уйидан ва буюртма бергани келган одамлардан мамнун эди, ҳамма харидорлар мисли дарёдай оқиб келишар ва кетаётгандаридан уй бекасининг ҳусни-жамолига маҳлиё бўлиб қайтишарди. Асал ойи тугаганидан кейин кунларнинг бирида, эндиликда капитулнинг мулкига айланган бу уйга келин-куёвнинг соҳиби ва эгаси донишманд қария, пири бузург ҳазратлари ҳутон зўр дабдаба ва виқор билан кириб келди ва деди:

— Бўталарим, бутундан эътиборан сизлар эркинсиз, ҳамма қарзлар ва мажбуриятлардан озод қилиндингиз. Яна сизларга шуни айтмоқчиманки, қалбларингизни бир-бирига чамбарчас боғлаган буюк муҳаббат мени энг биринчи дақиқалардан ҳайратга солган эди. Кейин эса, аббатликнинг хуқуқлари эътироф этилган заҳоти, ўзим олдин сизларнинг Тангримнинг амалларига бўлган эътиқодингизни синаб кўриб, кейин икковингизга бекусур саодат баҳш этмоқчи бўлдим. Бу берилган озодлик учун ҳеч қандай ҳақ тўламайсизлар.

Пири бузург шундай деб, эр-хотиннинг юзига аста шапатилаб қўйди, хушбахт эр ва хотин тиз чўкишди ва севинганларидан йифлай бошлашдики, бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ эди.

Мэтр Ансо саховатли пири бузург ҳугоннинг дуои ҳайри ва кўрсатган марҳамати ҳақида қўшниларига сўзлаб берди, бу хушхабарни эшитган бутун маҳалла аҳли кўчага отилиб чиқди. Кейин турлик заргар зўр эҳтиром билан пири бузургнинг оти жиловидан ушлаб то Бюсси дарвозасигача кузатиб қўйди. Заргар йўлга отланаётганида бир ҳалта танга олиб олган эди, у йўлда кетатуриб ана шу ҳалтадаги тангаларни қашшоқлар ва ногиронларга сочар экан, дерди: «Бу Худонинг марҳамати! Пири бузург ҳазратларини Тангрим ўз паноҳида асрасин, ҳазрат ҳугон омон бўлсинлар!»

Ансо уйга қайтиб келиб ёр-дўстларини меҳмон қўйди. У никоҳ тўйини бошқатдан бошлади ва бу тўйда бир ҳафтагача зиёфат да-

вом этди. Бир тасаввур қилиб қўринг: салмоқли ўлжани ютиб юбо-риш учун энди оғзини катта очган капитул икки қулга бундай меҳрибонлик кўрсатган аббатга қаттиқ маломат қилди. Орадан бир йил ўтганида қария ҳугоннинг бироз тоби қочиб қолади, ана шунда унинг тавбасини қабул қилгани келган руҳоний ота: «Сен капитулнинг муқаддас ҳукуқларига ва Худога ҳиёнат қилдинг, шунинг учун Само сени жазога мустаҳиқ этмоқда», — дейди.

— Ўшал одам ҳақидаги фикримда агар янглишмаган бўлсан, — дейди аббат руҳоний отага, — у берган ваъдасини унутмагай.

Чиндан ҳам, мэтр Ансонинг бир йил бурун тўйи бўлган кун тасодифан ушбу кунга тўғри келган эди — шу пайт роҳиб кириб, заргар келганини ва ҳожатбарори пири бузургдан киришга ижозат сўраётганини айтади. Мэтр Ансо пири бузург ётган залга киради ва ёнидан зўр маҳорат билан ясалган foятда мўъжизаваш иккита сандиқча чиқариб аббатга узатадики, бутун христиан оламида биронта ҳам уста ҳанузгача гўзалликда бу мўъжиза даражасига ета оладиган ҳеч бир дурдона буюм яратса олмаган. Иккала сандиқчада: «Севгида событ бўлишга қасамёд қилган одамдан», деган ёзув бор эди. ҳаммага аёнки, бу икки сандиқча ҳалигача аббатликнинг бош меҳробида туради ва ҳамма уларни бебаҳо хазина деб ҳисоблайди. Яна шуни илова қилмоқчимиз: ошиқ йигит Ансо бу сандиқчаларни ижод қилиш учун бисотидаги бутун бойлигини сарфлади, лекин бу foят нафис ва ажаб сандиқчалар унинг ҳамёнини қуритиш ўрнига лим-лим қилиб тўлдирдилар, сабабки, улар устанинг шон-шуҳрати ва даромадини янада кўпроқ оширишга хизмат қилди, бунинг натижасида, мэтр Ансо ўзи учун дворянлик унвонини ҳамда жуда катта ер-мулк сотиб олишга муваффақ бўлди ва Ансолар зотига асос солди — бу Туренда энг хурматли фамилия ҳисобланана бошлади.

Ушбу қисса, ҳаётда мушкул аҳволга тушган чоғларимизда муқаррар авлиёларга ва Худога сифиниш ва муттасил событлик билан яхшиликка интилиш керак, деб сабоқ беради бизга. Чин муҳаббат ҳамма нарсадан аълодир — бу ҳикмат жуда қадимги ибора бўлса ҳам, муаллиф уни шу ўринда эслашга журъат этди, чунки у муаллиф дилини бафоят хушнуд қиласди.

XIX АСР ФРАНЦУЗ ЁЗУВЧИЛАРИГА МАКТУБ¹

1834 йилда Оноре де Бальзак «XIX аср француз ёзувчиларига мактуб» номли очиқ мурожсаатиňи эълон қиласы. Ушбу мактубда биринчи бўлиб муаллифлик ҳуқуки масаласини ўртага ташлаган. Шу билан бирга, Бальзак ўз замонасинг амалдаги қонунчилиги адаблар меҳнатини бир пулга чиқарувчи қароқчилардан лозим даражада ҳимоя этмаётганлигини ошкора баён қилган. Шу боис ҳам Бальзак «Адаблар жамияти»ни тузишин таклиф қилган ва унинг раиси бўлган. Ушбу жамият ҳанузгача фаолият олиб бормоқда.

(Pro aris et focis)²

 аноблар!

Адабиёт республикасида күпчилик манфаатлари ва шахсий манфаатлар билан боғлиқ мұхим масалалар ўртага тушди: сизларнинг ҳар қайсингиз уларни яхши биласиз, тор доираларда улар тўғрисида гаплашасиз, лекин очиқчасига шикоят қилишга ёхуд кулфатларимизга даво бўладиган дорилар таклиф қилишга ҳеч қайсингиз журъат этмайсиз. Аммо вақт ўтган сайин кулфатлар кўпайиб боряпти, вақт ўтган сайин бизнинг хусусий манфаатларимизга кўпроқ зарар етапти, бундан эса, биз озор чекмоқдамиз. Бахтга қарши биз озор чекканда ёлғиз ўзимиз озор чекмаймиз: мамлакат тафаккури бутун мамлакат демакдир. Мамлакат буларнинг барини билиб қўйса, чакки бўлмасди. ҳозирги пайтда ёзувчи фақат ўзининг кучи билан кун кўриш истагига эга бўлса, ўз манфаатларининг ташвишини ўзи қилмоғи лозим. Маълумки, бу манфаатлар Францияда китоб нашр этиш ишлари билан боғ-

¹ Оноре де Бальзак. XIX аср француз ёзувчиларига мактуб. Озод Шарафиддинов таржимаси//Жаҳон адабиёти. 1999, № 8. 136 – 149 бетлар.

² «Курбонлар ва қулбалар ҳимоячисига» (лотинча).

лиқ, китоб нашр этиш эса, ҳозирги кунда буткул инқизорзга учраган. ҳеч қачон ҳозиргидек норозилик билдирувчи бирон қудратли овозга әхтиёж бўлган эмас, кимдир бизнинг *citta dolente*¹ни ҳимоя қилиб чиқмоғи керак, кимдир бир замонлар Бомарше драматик муаллифларни ҳимоя қилиб, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳурмат қилишга мажбур этганидек, бош кўтармоғи лозим. Сўз олмоқ учун бизнинг әхтиёжлари-миздан ўзга ҳеч қандай асосимиз йўқ. Шунинг учун ҳар қайсиз шошилиш оқибатида туғилган ва ошиқиш тарзда ёзилгани учун манифест услубидаги ғализликларни кечирмоғимиз жоиздир. Чунки буларнинг бари кундузги соатлар ишига кифоя қилмайдиган одам томонидан ёзилгандир.

Ўтмишда бирон-бир даврда санъаткор ҳозиргидан кам ҳомийлик кўрмаган эди, бирон-бир асрда ҳозиргидан ортиқ маърифатли омма бўлмаган эди, авваллари ҳеч қайси замонда тафаккур ҳозиргидек кудрат касб этмаган эди, ҳеч қачон санъаткор, ўз-ўзича олганда, ҳозиргидек кам аҳамиятга эга бўлган эмасди. Тан олинмаган кўпдан-кўп хуқуқларни тасдиқлаш учун бош кўтарган Француз инқилоби сизларни ваҳшиёна қонун асоратига бериб қўйди. Инқилоб гўё адабиёт ва санъатнинг муҳожирликка юз тутишини аввалдан кўргандек, сизларнинг асарларингизни жамоат мулки деб эълон қилди. Албагта, бу қонуннинг замирида улуғ ғоя бор. Шак-шубҳа йўқки, жамият даҳога қараб, «сен бизни бойитасан, лекин ўзинг қашшоқлигингча қоласан» деса, бу жуда ҳам соз. Қадимлардан бери аҳвол шундай давом этиб келарди. Лекин қадимлардан бери шуниси ҳам бор эдики, қироллар ёхуд халқлар улуғ одамларга нисбатан ҳурмат-әхтиромларини ёхуд кечиккан ардоқларини на-моён қилиб келардилар. Инқилоб буларни рад этди. Даҳонинг тантанасига аталган бирдан-бир жой эшафот бўлиб қолди. Яхши биласиз, инқилоб Франциянинг энг улуғ шоирларидан бири бўлмиш Андре Шенъени, шунингдек, Лавуазье билан Марзетни бошидан жудо қилди. У пайтларда анча-мунча эркин бўлган матбуот оғзига сув солиб олганди. Нақадар муд-

¹ Фурбатхона (итальянча).

ҳиши бир сабоқ! У ҳалқларга нафақат қонуну фармойишлар, балки маънавият ҳам кераклигини исбот қилади. Маънавият! Руссонинг ҳам улуф хитоби шундай бўлганди.

Шундай қилиб, жаноблар, — сиз шоирлар, сиз машшоқлар, сиз драматурглар, сиз носирлар, сизларким, яъни мамлакатнинг шон-шарафи учун меҳнат қилияпман деган фикр билан яшовчилар, сизким, аср руҳини барпо этаётганларнинг ҳаммаси, сизким, шуҳрат қўёшидан шуълаланган ҳаволардан симиromoқ учун қашшоқлик қаъридан юксакларга парвоз қилганлар ва сизким, парвоздан қўрқиб, шубҳалар исканжасида эзилиб ўлиб кетадиганлар, орзулар юки остида инқиллаган шўрлик болалар, сизким, иродангизнинг кучи билан тантана қилувчилар ҳамма-ҳаммангиз ўз-ўзингизга меросхўр бўла олмайсиз, деб эълон қилиндингизлар. Қонун савдогарнинг молларига, моддий меҳнат деб аталмиш нарса ёрдамида қўлга киритилган, баъзан эса, разиллик эвазига топилган пулларга тўла: қонун ерни ҳимоя қилади, тер тўкиб меҳнат қилувчи пролетариатнинг уйини ҳимоя қиласди, лекин шу қонуннинг ўзи фикрлаш билан меҳнат қиладиган шоирнинг ишини мусодара қилади. Агар бу дунёда муқаддас мулк бўлса, агар чиндан ҳам инсон тасарруфига тегишли бирон нарса мавжуд бўлса, бу инсон еру само ўрталиғида барпо этадиган, чиндан ҳам фақат унинг ақлий фаолиятининг самараси ўлароқ майдонга келадиган, лекин ҳамма одамларнинг қалбida гуллаб-яшнайдиган нарсадир. Илоҳ қонунлари ҳам, инсон қонунлари ҳам, соғлом ақл ўйлаб топган аянчли қонунлар, қўйинг-чи, жамики қонунлар биз томонда, бизни хонавайрон қўлмоқ учун бу қонунларнинг ҳаммасини топтаб чиқмоқ даркор эди. Биз мамлакатга хазиналар ато этамиз, биз бўлмасак, мамлакат улардан маҳрум бўларди, бу хазиналар заминга ҳам, жамоатчилик битимларига ҳам боғлиқ эмас. Шу хазинани барпо этиш борасидағи энг машаққатли меҳнатга мукофот ўрнига, мамлакат унинг самарасини мусодара этмоқда. Корнель ҳамма омборларни бойликларга тўлдириб ташлади, ҳеч қандай об-ҳаво инжиқликларидан қўрқмайдиган ҳосиллар кўтарди, у актерларга, ноширларга, қофоз ишлаб чиқарувчиларга, муқовачиларга, шарҳловчиларга, асрлар мобайнида камаймайдиган бойликлар ато қилди, энди-

ликда эса, мамлакат уялмай-нетмай шу Корнельнинг авлодларини қашшоқликка, тўрва-халтасини қўтариб, Корнель ҳайкаллининг пойида тиланчилик қилмоққа маҳкум этмоқда. Изтироб чекишдан тўхтаганларга нисбатан кўнгли раҳм-шафқатга тўла шаҳарлар, қайта-қайта таҳқирланг ўз даҳоларингизни! Уларни ҳар куни таҳқирланг, хорланг, шундай қилсангиз, сизлар изтироб чекаётганларни қутқариш тўғрисида камроқ ўйладиган бўласизлар.

Меросдан маҳрум қилишнинг битта жирканч томони бор – буни ҳали ҳеч ким таъкидлаганича йўқ; сухандон ёзувчилар гапимизни илиб кетсалар керак, биз уларга бир ишора берамиз, холос. Эй донолар, сизларга мурожаат қиласман. Негаки, сизлар учун баъзи foяларнинг астари йўқ, шунинг учун уларни баҳссиз қабул қиласизлар. Кўпинча улуғ даҳолар ўз асрларидан ўзиб кетишган, баъзи бир истеъодд эгалари эса, фақат йиллардан ўзиб кетишади. Кеча Виконинг куни туққан эди, эртага Балланшнинг куни туғади. Вольтер ва Шатобриан каби отабоболаримизнинг ибораси билан айтганда, ўз ҳаётида шуҳрат нурлари порлаган кимсалар унчалик кўп эмас. Людовик XIV даврида омма тор, сайланган доирани ташкил қиласди, лекин шунга қарамай, бу доира ўзининг улуғларига нисбатан ҳаддан ташқари шафқатсизлик билан, ўта адолатсиз муносабатда бўлди. Ўн олти йил мобайнода Расин қаламга яқинлашмади. Биз ҳозир гўзалдан -гўзал эртакларига қойил қолиб юрганимиз Перронинг буюклиги ўша улуғ асрда ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Лафонтеннинг «Қуёшнинг никоҳи» деган масалида Людовик XIV устидан қилган теран ҳазилини, жасоратли мазахини ҳеч ким тушуммаган эди. Жасоратли соддадил одам «Душманимиз – ҳукмдоримиздир» деб ҳайқирмоғи ва бунинг учун Бастилияга қамалмай қолмоғи мумкин эди. Гарчи китобхон ва фикрловчи омма кўпайган бўлса-да, ўтган асрда Монтескье бадавлат бўлмаганида «Қонунлар руҳи» уни қашшоқ аҳволга солиб қўйиши мумкин эди, тирикчилик қилмоқ учун у «Форс мактублари»ни ёзмоққа мажбур бўларди. Сизларга «Поль ва Виржиния» нинг аламли қисматини гапирмай қўяқолай – бу китоб ҳамма жойда рад жавобини олган эди, «Христиан руҳи»-

нинг биринчи нашрини ҳам айтмай қўяқолай – у ака-ука Балланшларнинг жасорати туфайли дунё юзини қўрганли. Бунда, ҳар қалай, даҳо даҳога ишонч билдирган эди. Ижоддаги биринчи қадамлар биринчи гуссалардир. Буни сиз ҳаммангиз озми-кўпми даражада бошдан кечиргансиз. Шубҳа йўқки, бу жароҳат тузалиб кетади. Чинакамига юксак табиатли одамлар кекчи ҳам, ҳасалтгўй ҳам бўлишмайди.

Шундай қилиб, жаноблар, ҳозир бизнинг жонимизни сувуриб олаётган қонун қашшоқликда сўниб бораётган мутафаккир, шоир, драматургнинг хонадонидан омад нурлари ярқираб кўринган бир фурсатда уларнинг рисолалари, шеърияти, китоби, комедиялари, драмаларини ўғирлаб олади. Қонун уларни бир қўли билан ўғирлаб олиб, иккинчи қўли билан бошқаларга беради. Кимга дейсизми? Буни эшитиб, ҳатто ёввойи одамлар ҳам кулиб юборарди. Айтами? ҳа, айтаман, бу нарса яширин қолиб кетиши мумкин эмас. Билиб қўйинглар, қонун уларни ноширларга ошириб юборади. Истеъододли одам ўлим тўшагида ётиб: «Агар мен ўлсан, менинг шуҳратим лоақал менинг болаларимга, менинг оиласамга, менинг қариндош-уруғларимга баҳт келтиради-ку!» деган фикрдан тасалли топиши мумкин эмас. Донгдор одамлар оиласаларда бойликларини мангута тўнғич фарзандларига бириктириб қўйишган, банкирларнинг хонадонларида кенжа фарзандларга атаб қўйилган, меҳнат қилиб топилган бойликтинг ҳаммасини улар аввалдан тақсимлаб қўйишган, улар фақат тунги бедорликни ва фикрни мерос ҳуқуқидан маҳрум этишган.

Ўтмишда ана шу ўлмас ворисийлик масаласида ҳеч қандай қонуну низомлар қабул қилинган эмасди, бироқ қироллар сўз шаҳзодаларига қасрларидаги энг ҳашаматли хоналардан жой беришган, ўз хазиналаридаги энт ноёб бойликларни уларга тортиқ этишган, устларидаги ял-ял ёпинчиқларини уларнинг устларига ёпишган ва жону диллари билан тожларини уларнинг бошига қўндиришган. Эндиликда эса, Рудольф Габсбург Пелликога зулматли турманираво кўрмоқда, эндиликда прусс қироли ва Россия императорлари Екатерина ҳамда Фридрих анъаналаридан бўйин товламоқдалар, эндиликда эса, фикр

кетидан айғоқчылық қилиб юрган ва фикрнинг бўйнига солиқ сиртмоғини илаётган қора одамларга Франция пул харжла-мокда. Ниҳоят, XVIII аср ва Инқилоб меросхўри, матбуот-нинг ишонган вакили Июльдан кейин монархиянинг бурқ-сиб ётган вайроналарида бу машгулотни давом эттироқда. Монархия фикр билан муроса қилиб дунёни бошқаришни эплаёлмади, у ақлий дунёни, ахлоқ дунёсини, диний дунёни, сиёсат дунёсини, фикрни пухта ўйлаб, бўғиш йўли билан қайта қуришни эплаёлмай нобуд бўлган эди. Кечаги кун жанобла-ри, сизларни ким қирол қилиб қўйди?

Граф Турскийга қараганда заковат донгдорроқдир, буни билб қўйинг! Фикрни худо беради ва у худога қайтади, фикр қирол-лардан юқорироқ туради, фикр уларнинг бошига тож бўлиб қўнмоғи ва уларни тождан маҳрум этмоғи мумкин. ҳамма соҳа-ларда бирон-бир улуғ янгиликлар жорий қилган Наполеон ўн йиллик мукофотлар? Революция сабабли биз хонавайрон бўлдик ва бу яқин ўртада ҳали ўзимизга келолмаймиз, чинакам қироллар - биз ҳаётлигимизда бизнинг тўғримизда ғамхўрлик қилишни ўйла-моқ учун етарли даражада узоқ муддат ҳукм сурадиган қироллар эса, бу дунёни тарқ этишди. Рафаэльга Юлий этишмаяпти. Биз-нинг палаталаримиз бор. О, жаноблар! Бу палаталар бошлари устида Энгр чироқларини кўриш ўрнига, сизларга қараб юзлаб марта «Рака»¹ деб ҳайқиришмаганми? Ягона адабий муассаса бўлмиш Академия бизни ҳимоя қилишга қобил эмас; у фақат муҳокама қилишни ва гап сотишни билади. Бу бизни шундай хуносага олиб келалики, биз на палаталаримиздан, на Академи-ядан нажот кутмагимиз керак. Қонун деганлари нафақат даҳ-рий, у меҳр-шафқатдан ҳам маҳрум. Асримизнинг хасталиги - сиёсатдаги меҳр-шафқатсизликдир. Нима кўп, ғазнага алоқадор қонунлар кўп, нима кўп, жазоловчи қонунлар кўп, лекин ҳеч қанақа низомномалар йўқ, бунинг устига низомнома билан қонун ўртасидаги фарқни илғаб олишга қодир бўлган ақл эгаларининг

¹ Қадимги суриёна сўз бўлиб, ҳаддан ташқари жирканиш маъносини билдиради.

ўзи йўқ. Бунақа ақл эгаси топилади деб хаёлларингга ҳам келтира кўрманглар – ҳокимият томонидан ардоқлаб етиштирилган ва палатада ваколатли ўрнини эгаллашга интиладиган вилоятлар томонидан турли-туман навларга ажратилган ўртамиёна одамлар хорида биронта ҳам овоз ажralиб турмайди.

Энди сармоя тўғрисида гаплашиб кўрайлик, пул тўғрисида гаплашайлик! Ўзининг унвони билан мақтанувчи асримизнинг, ўзини ижобий foялар асри деб атовчи давримизнинг тафаккурини чамалаб кўрайлик, унга бирон-бир моддий тус беришга уриниб кўрайлик. Ёзувчи жуда катта меҳнатсиз ҳеч нарсага эриша олмайди. Бу меҳнатда, вақтда ёхуд пулда ифодаланацидан сармоянинг тажассумидир. Вақт пул дегани, вақт пул туғади. Шундай қилиб, ёзувчининг билимлари формулага айланмасдан аввал буюм бўлган, унинг бошидан кечирган драмаси эса, ижтимоий кечинмага айланишдан аввал қимматбаҳо тажриба бўлган. Унинг яратганлари беҳад буюк бойлиkdir: у тинмай яратади, у одамларга лаззат-фароғат баҳш этади ва у сармояни ишга солади, заводларни ишга солиб юборади. Лекин буни тан олишмайди. Машиналарни, фаллани, ипакни, паҳтани кузатиб борувчи бизнинг мамлакатимиз ўзининг маънавий ҳазиналари ҳақида гап борадиган бўлса, бирдан қўлсиз, гунг ва кар бўлиб қолади. Жаноблар, бизни меросдан маҳрум қилиш вижлонсизликдир. Бироқ хўрлик фикрга етказиладиган энг оғир жароҳатдир, деб ўйламанг. Яна бир бошқа, янада мудҳишроқ бир жароҳат борки, ундан на Оврупо, на Франция хижолат чекади. ҳолбуки, Франция интеллектуал жиҳатдан Овруподан юқорироқ туради ва уни варварлар тажовузидан на фақат қуроли, балки асарлари билан ҳам ҳимоя қиласи. Бундан бўён Франция бир қўли билан жанг қиласи, иккинчи қўли билан ёзади. Менга қаранглар. Савдогар той-той паҳтани Гаврдан Санкт-Петербургга жўнатади. Агар биронта гадо бир амаллаб кемага чиқиб олиб, бу паҳтага қўл теккизадиган бўлса, уни отадилар. Бирон-бир тўп буюмлар қанд, қофоз, шароб ҳамма мамлакатларга бемалол, дахлсиз етиб борсин учун, бутун Оврупо муштарак қонунлар чиқарган. Унинг кемалари, замбараклари, унинг флотию матрослари, кўйинг-чи, жаъмики дов-дасттоҳио қурол-аслаҳаси шу той-той товарлар

хизматига шай. Агар қароқчи савдо кемасини босиб оладиган бўлса, ҳамма ёқ тўполон бўлиб кетади: ҳамма қароқчини кувлашга тушади, кўп ўтмай у тутилади ва дорга осилади. ҳозирга қадар муваффакиятсизликка учраган драма муаллифининг қисматига фақат шоирлар юм-юм йиғлаган эди. ҳолбуки, унинг учун бу маваффакиятсизликдан дарак бериб янграган ҳуштак дорга тортилиш билан баробар эди. Аммо китоб пайдо бўлсанчи? О! Китобга байни қароқчига қилган муомалаларини қилишади. Унинг кетидан қувлашга тушишади, жон-жаҳдлари билан уни излашади, у ҳали йўргакдалигилаёқ уни ушлашади, унинг биринчи нашри пайдо бўлгунича аллақайларда босиб чиқаришади. Қароқчи қатлдан қутулиб қолиш учун доҳиёна тадбирлар кўради. Ёзувчининг китобда мужассамлашган даҳоси эса, уни жаллодларнинг қўлига ушлаб беради. Германия, Италия, Англия, Франция очофатлик билан китобга баравар қўл узатишади, негаки, ҳамма жойда ялпи ўғирлик содир бўлаётган экан, Франция ҳам бошқа мамлакатлардан орқала қолиши мумкин эмас-да! Шундай қилиб, Францияда муаллифларга нисбатан қонун мажмуаси қандай бузилса, тафаккурнинг мўртгина самарасига нисбатан ҳам бутун Оврупода муштарак қонунлар шундай бузилмоқда.

Агар бизнинг овозларимиз баландроқ бўлганида эди, бизнинг овозимизни келажакнинг фикрловчи одамлари эшига олганида эди, бизнинг шикоятларимизга жавобан умум ҳайқириги янграган бўларди. ҳар томондан бизга қараб, «наҳотки, мамлакатингиз сизларга ҳомийлик қилмаса?» деб қичқиришган бўлишади. Йўқ! Мамлакат ўзининг пўлат қуювчиларининг ташвишини қиласи, узум етиштирадиган боғонларининг устида ўлиб-тирилади, она гўдаги устида йиғлаб-сиқтагандек, мамлакат ип-газлама устида кўз ёш тўкади. Пўлат қуювчилар ва саноатчиларни ҳимоя қилиш учун мамлакатнинг ихтиёрида божхоналар, хирожу ўлпонлар бор, *stastus quo*¹ ни қўллаб-куватлайдиган тадбирлари бор, саноатда анъаналар мавжуд. Шу тарзда, жамики моддий нарсаларга ғамхўрлик қилишда мамла-

¹ Мавжуд вазият (лотинча).

катнинг ақл-идроқи етиб-ортади, аммо тафаккур билан боғлиқ равишда пайдо бўладиган жаъмики нарсаларга нисбатан мамлакат бутунлай лоқайд. Бу мамлакат Франциядир. ҳа, жаноблар, буни эслаб қолинг, Франциянинг учдан бир қисми хорижла қайта босилган матбаа маҳсулотлари билан таъминланади. Хорижликлар орасида энг разил, энг номуссиз ўғри - бизнинг дўстларимиз деб аталмиш кўшниларимиздир. Бу ҳалққа яқинда биз қонимизни бердик, уларга бойликларимизни ҳадя этдик, истеъододли ва жасур одамларимизни улар билан баҳам кўрдик. Бунинг учун эса, улар миннатдорчилик ўрнига қотиллик қилиб бойимоқдалар, негаки биздан олисда амалга оширилган ўғирликлар бу ерда қанчадан-қанча одамнинг ўз жонига суюқасд қилишига олиб келади. Шўрлик француз ношири мамлакат бўйлаб сочилиб кетган қироатхоналарга минг азобда қийналиб, ялиниб-ёлбориб беш-олтита китоб сотади. ҳолбуки Бельгия китобларимизнинг икки мингини арzon-гаров нархда Оврупонинг бадавлат одамларига сотиб юборади. Адабиётни яхши кўрадиган турли-туман олифталар саёҳатдан қайтар эканлар, Бельгияда олти франкка харид қилишган Гюгонинг тўла асарлар тўпламини мақтанишиб кўз-кўз қилишади. Бир журналда эълон қилинган мактубни қайта босишига қабул қилган журнал обуначилари нариги журналникуга қараганда жуда ҳам кўпайиб кетади. Бизнинг мамлакатда божхона бор. Аммо божхонадан нима фойда? Божхона дегани жуда арзимас нарса бўларкан. Матбаа нашрларини олиб киришни таъқиқлаб қўйишдан ҳам осонроқ нарса борми? Қани, ўзингиз истаган чегарамизга боринг-да, ўз асарларингизни сўраб кўринг: амин бўласизки, гўё сиз аллақачон оламдан ўтиб кетгандек, ҳамма асарларингиз аллақачон умум мулки бўлиб қолипти. Бироқ бу ҳали ҳамир учидан патир, холос. Яқинда бир йирик ёзувчи китоб эълон қилди (бу ерда мен қуруқ фактни бўямай айтиб бермоқчиман). Ёзувчи жаноб Ламенне. Чиқарган китоби - «Диндорнинг сўзи». Жанубда китобдан ўн минг нусха сотилипти. ҳолбуки, ношир у ерга беш юзта ҳам жўнатган эмас. Асарни Тулузада кўшимча босишипти. Ношир бундан хабар топиб, Тулузага йўл олади. Тулуза Франциянинг ўзида жой-

лашган шаҳар. Ношир шаҳарга бориб ҳеч нарсага эриша олмайди, чунки ўғирликни қилган асосий айбордor қалбаки одам номидан иш юритган экан, ашъёвий далилларнинг эса, изини қолдирмай йўқ қилиб ташлашипти. О! Агарда гап бирон-бир памфлет тўғрисида бўлганда эди, жамият қирол прокурори қиёфасида қанақа файрат билан бу жиноятнинг изидан тушган бўларди, ўзининг хуфияларини оёққа турғизарди, кўчирилган китобнинг ҳарфлари билан жаноб де Ламенне китобининг ҳарфларини бир-бирига таққослаб чиқарди, ҳарфларни қўйган корхонанинг эгасини топиб: «Қани, бу ҳарфларни сиз кимга сотгансиз?» деб суриштирган бўларди. Шу тарзда корхонама-корхона қидириб юриб, ҳукумат одамлари биронта қийшиқ қўйилган ҳарф ёрдамида айбордни топишар ва унинг қолган умри турмада ўтган бўларди. Пул солинган ҳамённи ўғирлаган одамнинг умри сургунда ўтарди. Бу ўринда ҳам ўша сургунга сабаб бўладиган ўғирликнинг ҳамма белгилари бор. Хуллас калом, «Диндорнинг сўзи»нинг ўн минг нусхаси йигирма минг франк бўлади. Памфлет судьяларнинг иштаҳасини карнай қилиб юборарди, лекин улар янги «Қонун руҳи»ни яратмоқ учун бир томчи ҳам сиёҳ сарфламаган бўлур элилар. ҳамма ўғирликлар ичida энг мудҳиши бўлмиш бундай ўғирликни қонун жиноят деб баҳолайди, аммо жиноятни тафтиш этмоқ учун ариза керак. Бироқ бизларнинг қайси биримиз ариза берамиз? Ўзимизга қолса, шикоят қиласизми? Овоз чиқармоқ – ҳамма номидан гапирмоқ ҳуқуқини ўзлаштириб олмоқ эмасми? Бу ўринда, жаноблар, ҳукумат ҳатто ўз манфаатларини тушуниб ҳам етмайди. Бу ўринда темир кассалар тизими ҳукуматга ички органлар ўрнига ўтади. ҳукумат бизнинг адабий журналларимиздан давлат солиfini тўлашни талаб қиласи. «Ревю де Монд» билан бизнинг аламли фифонларимизни қабул қилган журнал биргаликда сизнинг бирон сатрингизни босиб чиқаришдан аввал ҳар ойда саккиз юз франкка яқин солиқ тўламоқлари керак. Саккиз юз франк-а! Сизнинг саҳифаларингизга белгилangan ҳақнинг учдан бир қисми! Фазна солиқ тўлашни талаб қиласи. ҳукумат эса, унинг faznasiga солиқ тўлаши керак бўлган журнални ҳимоя қилмайди. Мевасини олмоқ учун шохни қир-

қадиган ёввойи одамнинг иши нақадар бемаъни бўлса ёки отини сугорган масхарабоз Арлекинга ўхшаб ҳукуматнинг ҳам шу қилган иши bemánni эмасми?

Шундай қилиб, бизнинг оиласаларимизни қонунсиз тарзда меросдан маҳрум қилиш билан жазолаш — бизни кутиб турган истиқбол — шу! Адабий қароқчилик масалаларини умумий ҳуқуқий меъёrlар доирасидан чиқариб ташлаш — бизнинг бутунимиз, мамлакат ичиди бизни заррача қўллаб-куватламаслик — ҳамма одамларнинг баҳти-саодати учун демайман-у, лекин ҳамма одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун таъсис этилган ҳукуматнинг фаолияти шунаقا!

Бу ўринда, жаноблар, баъзи бир юзакироқ ақл эгалари, эҳтимол, шундай дейишлари мумкин: биронта ҳам даврда адабиёт ёки янада кенгроқ тушунчадан фойдаланиб айтганда, инсон тафаккури сиёсати соҳасида ҳам, уни пулга чақиб кўрганингизда ҳам, катта бойликлар яратган эмас, деб эътиroz билдиримоғи ва Этьен, Скриб, Шатобриан, Тьер, Гизо, Ламартин ва ҳоказо каби номларни мисол қилиб келтиримоғи мумкиндири. Бироқ, жаноблар, бизга қарши йўналтирилган хulosаларни чиқармоқ керак эмас. Ахир, биз одатда, ожиз ва касалманд одамлармиз, биз фақат тафаккур ишлари билан шугулланамиз-у, олди-сотди масалаларига ақлнимиз етавермайди. Биз иззатталаблик қилиб, камдан-кам ҳолларда ўз меросларимизга эгалик қиласмиш. Бизнинг орамизда олғирроқ соғлом одамлар учраб қолса-ю, улар сиёсат соҳасида ҳам, шеърият бобида ҳам фаолият кўрсатишга қодир бўлсалар, шунга қараб, ҳаммамиз тўғримизда хulosча чиқариш керак эмас-да! Бундай одамлар ўзларини амакиларининг меросидан маҳрум қилмаган мажмуаларга орқа қилиб, бемалол уйқуни ураверадилар, адабиёт улар учун бамисоли Ораф, шундан ўтиб, юксак мансаблар жаннатига қадам қўядилар, бундай одамлар бир вақтнинг ўзида ҳам дурдона асарлар яратмоқни эплайдилар ҳам ҳар қандай олди-сотдини дўндирадилар. Бизни эзib ётган ёвузликнинг оқибатлари учун яна ўзимизни ёмонотлиқ қилиб бўлмайди. Агар биронта улуғ шоир ўзининг ижоди туфайли, нотиқлик санъатининг шарофати билан ёхуд асарларининг олди-сотдисини яхши йўлга

қўйгани важидан орттирган бойлиги билан катта шуҳрат топган бўлса, ҳамма шоир ҳам шунақа эмаслигини билиб қўяйлик. Биз асримизга шуни эслатиб қўяйликки, энг улуғлардан кўра камроқ даражада улуғ бўлмиш шоирларимизнинг қўпчилиги пиёда юрипти. ҳолбуки, баъзи чайқовчиларнинг хусусий отхоналари бор, улар бир қадам ҳам пиёда босмайди. Китобларини ўғринча босиш Виктор Гюгони қандай хароб этаётган бўлса, Альфред де Мюссени ҳам шундай хароб этмоқда, бундан де Винни қандай азият чекаётган бўлса, Виктор Гюго ҳам шундай азият чекмоқда. Кўйинг-чи, бу қароқчилик Жюль Жаненга ҳам, Нодьега ҳам, Жорж Сандга ҳам, Меримега ҳам, Курьега ҳам, Бартелемига ҳам, Беранжега ҳам, бир сўз билан айтганда, ҳамма-ҳаммамизга катта зарар етказмоқда. Ўзларингиз ўйлаб кўринглар – келажакнинг эгаси бўлмиш янги бўғин етишиб келмоқда. Агар улар учун бизнинг қисматимизга тушганидан кўра гўзалроқ бир истиқболни тайёрлаб берсак, нақадар олижаноб ва гўзал иш қилган бўлур эдик.

Биз ҳаммамизни эзib, қийнаб келаётган иккита энг изтиробли дардимизни айтдик, энди учинчисини ҳам айтмоқ керак. Биз уни яшириб қолмоқни маъқул кўрар эдик, бироқ бу дард юрак-юрагимизни ўртаб ётипти. Бу қонун томонидан, ҳукумат ёки аср томонидан бизга етказилган жароҳат эмас, бизни еб битираётган, адабиёт танасини қиймалаётган саратор касаллигидир.

Бирон-бир ёзувчи ўн беш йил ишлайди. Ўн беш йил қийнади, эзилади, азоб чекади, муҳтоҷлик машаққатларини тортади. У асари устида анча-мунча меҳнату маблағ сарфлади, анча-мунча кўз ёшлари тўкли, теварак-атрофни кўрди, одамларни ўрганди, дунёни билди, кўпгина мусибатларни кўрди, у ҳар битта жумла устида ҳазилакам тер тўкмади, корректурани ўқитмоқ учун чакана пул тўламади. Мана у, ниҳоят, китобини босмадан чиқарди. Персонажларини барпо этди, интригалар ўйлаб топди, драмани қоралагандай бўлди. Бироқ китоби чиқиб улгурмай, драмаси бир қолигга тушиб бўлмасданоқ, унинг китобини юлқиб олишади-да, асарини саҳна асарига айлантиришади. Бирорнинг уйидаги оташкуракни олишга журъат қилмайдиган олижа-

ноб одам заррача виждони қийналмай, сизнинг энг қимматли мулкингизга қўл ураверади. У хотинингизни тортиб олганидан гидан қўра камроқ хижолат чекади. Лекин хотинингизни тортиб оладиган одам буни хотинингизнинг розилиги билан қиласди, драматургия бобидаги муттаҳам эса, сизнинг foянгизни ўғирлайди. Бу муттаҳам ўрини кечириб бўлмайди. У жуда ҳам мудҳиш, унинг келтирадиган зарари яна шуниси билан ортиб кетадики, ҳали ҳеч ким романга айлантирилган пъесани учратган эмас. Бу ўринда биз шундай ҳудудга қадам қўямизки, бу ҳудудда бизни айдилар. Бундан ташқари, бу баҳсимиз бизни олиймақом бир муҳитга олиб келадики, бунда бизни янги-янги изтироблар чекишга мажбур қилувчи сабаблар қаласиб ётипти.

Биз китобни ўқимоқлари учун эълон қиласмиш, лекин уни чўзфилаб, қийқим-қийқим қилиб драмага айлантирмоқларини ёхуд ундан зўрма-зўраки водевиль ясашларини истамаймиз. Бу ҳар томонлама ўйлаб кўришга арзидиган масала. Муаллифнинг розилигисиз foяни, китобни, сюжетни ўғирлаб олиш ўн саккизинчи асрда ҳамманинг фазабини қўзғаши муқаррар эди. Чунки адабиётда одоб-ахлоқ масалалари жуда юксак погонада турарди. Драматик муаллиф яхши боҳабар – китобга жуда оғир меҳнат сарфланади, бу меҳнат сабр-тоқат билан услугга жило беришни талаб қиласди (услуб эса, инсоннинг ўзи, унинг борлифи, унинг инъикоси, унинг моҳияти). Бу асар сизга бир ярим минг франк ҳам даромад келтирмайди. ҳолбуки, шу китобдан ясалган пъеса сизга китобга қараганда уч баравар ортиқ даромад беради. Пъеса муваффақиятсизликка учраган ҳолларда шунаقا бўлади. Омад келиб, пъеса муваффақият қозонганда эса, у бутун бошлиқ бир қишлоқдан тушадиган солиқдан кўпроқ даромад келтиради. Бир сўз билан айтганда, биз айтиётган воқеани Лафонтен «Бертран ва Ратон» деган масалида ҳикоя қилиб берган. Тезроқ бу масалани бартараф қўлмоқ учун мен молиявий масалани қўймоқча ошиқаман. Баъзи бир олижаноб одамлар учун пулнинг унчалик қадр-қиммати йўқ. Бизнинг сукут сақлашимиздан нечоғлик олижаноб эканлигимиз билиниб турипти. Агар биз сукунатимизни бузсак, жаноблар, буни бизнинг шахсий манфаатдорлигимизга йўйманг, балки адабиёти-

мизнинг таназзули туфайли туғилган масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш истагидан деб билгайсиз. Таназзулнинг асосий сабабларини эса, биз қуироқда кўрамиз.

Шундай қилиб, биз фикримизни кенг тарқалсин деган мақсадда эълон қиласиз. Бу гапимиз ҳар қанча анойи қўринмасин, унинг маъноси шуки, биз фикримизни қўймалашлари, бурдалашлари, яланғоч қилишлари, дорга тортишлари, саҳна чироқларининг алангаларида қовуришлари ва «Роше де Канкаль» ресторанидаги олифталарга тортиладиган тансиқ таом сифатида театр муҳибларининг олдига қўйилиши учун эълон қилмаймиз. Таққослар излаб кўрайлик. Давлат авлиё Магдалина черковини куради. Куришдан олдин ҳукумат ёдгорликни халойиққа намойиш этади. Францияда давлат ҳамиша халойиқдан қўрқади, биронта бекорчи хўжа деворга кўмир билан бирон bemaza суврат чизиб кетмаслиги ёхуд Кредвиль ўзининг сирли имзосини чекиб қўймаслиги учун давлат панжаралар ўрнатади. Шундоқ бўлгач, ажойиб китобларни ҳимоя қилиш борасида «Театр учун пьеса қилиб қайта ишлаш ман этилади» деган маънода адабий-муниципал қонун қабул қилса бўлмасмикин? ҳеч қайсимиз бу таққос устида тортишиб ўтирумаймиз, ҳар биримиз ўзимизни китобимиз устига «Exegi monumrntum»¹ деб ёзиб қўйишга ҳақли ҳисоблаймиз. Қаср бўладими ё чордеворхонами, жомеъми ёхуд чайлами – бу асар бизницидир. Агар китоб бир бочка шароб бўлганида, уни ардоқлар эдилар. Агар қўшнингиз сизнинг шаробингизни тиндириб, кейин унга тузукроқ нарса қўшиб, сотиб юборишга муваффақ бўлса, у жуда қаттиқ жазога мустаҳиқ бўлган жиноят содир қилган бўларди. Нимасини айтай, жаноблар, – савдо-сотиқ судлари одеколонни тегишли мойларини қўшмай сотганлари учун жуда катта жарима соладилар, чунки бу Фарина ишлаб чиқарган ҳақиқий буюмни қалбакилаштириш бўлади. ҳар гал гап айланиб, тоф-тоф буюмларга тақалганда қонун жуда ҳам аниқ бўлиб қолади! Аммо гап ёзилган саҳифа устида, фикр тўғрисида борадиган бўлса, адолатли суд суд жараёни нима эканини тушунмай қолади, унинг қонунлари фақат бизга қарши

¹ Ҳайкал созладим (лотинча).

йўналтирилган бўлади. Бу соҳада биз ўзимизни бемалолроқ ҳис этамиз, негаки, ҳеч кимнинг шон-шуҳратига дахл қилмаймиз, гап коммерция манфаатлари устида кетяпти. Ахир, биронта одам йигирма ёшга кирган биронта асарни тилга олиб, шу асар ўзининг фазилатлари билан минглаб одамларни, Франция комедиясини истисно қилганда, бошқа бирон театр залига жалб қила олади, деган гапни айти олармиди? Уч-тўртта абжир одам томонидан ишлаб топилган пулни адигба етказиладиган катта заҳмат ўрнида кўрмаса ҳам бўлади. Қассоб отни хомталаш қилгандай улар асарга ташланадилар, чунки кўпинча, Роланднинг отига ёпирилиб ўрганиб қолишган. Агар бизнинг фикримиз бирор даражада инобатга олингандা, сизларга ўхшаб биз ҳам ҳаммамиз бажони дил уларга «Шуҳрат менга бўлсин! ҳамма пул сизга!» дея ҳайқирган бўлардик. Бироқ, жаноблар, театр пьесасининг ўзи билан олиб келадиган бундан бошқа ҳам кулфатлари кўп. Бизнинг фарзандимиз дунё юзини кўргандан кейин, театрларда содир бўлган ҳодисалардан кейин ҳам бошимизга яна анча-мунча гаройиб савдолар тушади. Бирор олис-овлоқ вилоятда асаримизни китобхонлар бошига кўтариб турган бир чоғда театрда уни таҳқирлаб, ҳуштакларга кўмиб ташлашлари мумкин. Шартр кўчасида бозорингиз касод, Блуада эса, қўлма-қўлсиз.

Бу ўринда биз кулфатларимиз орасидаги энг катта ва чиндан ҳам энг оғирларидан бирига дуч келяпмиз. Бу моддий заҳматдан кўра, ёхуд асарингизни ўзларича тўқиб-бичиб ўзгартиришларидан кўра ўн баравар ёмонроқ ва мудҳишроқ жароҳатдир. Жаноблар, кулги томошаларини томоша қилаётганларнинг сони китоб ўқийдиганларнинг сонидан ортиб бормоқда.

Бир-биридан гўзал адабий асарларнинг қадрига етмоқ учун (ўтган асрларда энг адабий асрлар деб ҳисоблаганларига қарангандা, бизнинг асrimизда гўзал асарлар кам яратилгани йўқ - бу гапга мунаққидлар хафа бўлмай қўя қолсин) кенг маълумот, ривож топган зако, тинчлик, хотиржамлик керак, китобхон асарни ўқиганда анча-мунча ақл ишлатиши ҳам талаб қилинади, ҳолбуки, драматик асарни тушунмоқ учун ҳазми овқат вақтида чала мудраб ўтириб уни томоша қилиш кифоя.

Парижда ўн иккита театр бор – агар улар даромад келтир-

маса, биронтаси ҳам яшай олмайды. ҳозирги пайтда ҳар битта театр зали бир кунда ўрта ҳисобда иккى минг франкдан даромад беради. Шундай қилиб, Париж драматик адабиётга деярли ўн миллион миқдорида йиллик маблағ беради. Бунга вилоятларда олинадиган даромадларни ҳам қўшиш керак — уларни санаб саноғига етиб бўлмайди. Энди, жаноблар, айтинглар, Чикатта адабиётнинг йиллик маблағи қанча бўлади деб ўйлайсизлар? Ҳа, ўша йиллар мобайнида минг азоб билан ёзиладиган «Эҳтирослар», «Париж Биби Марямнинг жомеъий», «Альфред де Мюссенинг ажойиб шеърлари», «Қора докторнинг маслаҳатлари», «Индиана», «Ўлик эшак», «Богемия қироли ва унинг етти қасри тарихи» деган номдаги жуда гўзал асарлар! Фредерик Сульега, Эжен Сюга, Андри Монье манзараларига, акуя Тъерриларга, жаноб Барантуга, жаноб Вильменга, сабр-тоқатли Монтейльга қанча улуш беришар эканлар? Юракларимиз уятдан эзилиб, ситилиб кетсин! Биз таъкидлаймизки, бу қалтис ишга қўл уришга журъати етган Париждаги ўнта нашириёт бутун Франция бўйлаб бир миллион франк миқдорда ҳам даромад олмайди. Биз мамлакатимизни нима сабабдан қоралашимизни биласизларми? Бизни моддий манфаатдорликда айбламай қўйиша қолишсин — биз бундан қўрқмаймиз. Масала ҳаддан ташқари катта ва ҳаддан ташқари кичик, ҳаддан ташқари гаройиб ва ҳаддан ташқари ватанпарварликка зид, ҳаддан ташқари ғайриодатий ва ҳаддан ташқари инсон қалбига яқин. У бизга хос, у давримизнинг хусусиятини ифодалайди. У давримизни бутунлай қуидан юқоригача қоплаб олган пасткашликини, майдакашликни фош қиласади. Франция — жуда гўзал мамлакат, жаноблар. Унинг аёллари дунёдаги энг дилбар, энг инжа аёллардир. Аммо ана шу мамлакатдаги энг латофатли аёл ҳам Эжен Сю, Нодье, Гозлан, Жанен, Виктор Гюго, Жорж Санд, Меримеларни ўқиб чиқиши учун сабр-тоқат билан кутмоғи керак — аввал бу китобларни бирор сатанг кечқурун улфатлари билан бирга ўтириб ёхуд тўшакда ёнбошлаб ётиб ўқиб чиқмоғи керак, ёхуд бирор колбасачининг хотини ёғлиқ бармоқлари билан китобни варақлаб, ундаги қизиқ воқеаларнинг охирига етмоғи зарур ёки бўлмаса, талаба китобга чекадиган

тамакисининг қўланса ҳидини сингдириб, саҳифаларини беҳаёй сувратлару маистона ҳазиллари билан безаб чиқмоғи даркор. Францияда китоб қариндош-уруглар ва ёру биродарлар орасида қўлма-қўл юради, ҳолбуки бу китобнинг ҳар сатрини ёзувчи юрак қони билан ёзган. ҳа. биз лоақал икки су миқдорида кутубхона ҳақини тўлашдан бўйин товладиганларни назарда тутмоқдамиз. «Менга «Биби Мариям жомеъси»ни бериб туринг, уйимга «Жак»ни бериб юборинг!» – дейишади бадавлат одамлар. Уларнинг аравалари тўғри келиб қолганда, бир қултум ароққа икки су сўраб, тиланиб ётган қашшоқларни босиб янчиди ўтиб кетаверади. Бу қашшоқлар учун эса, ароқ адабиёт ўрнини босади. ҳар ким ҳеч иккиланмай Одри, Арниль, Буффени эшигмоқ учун қирқ франк чиқариб беради. Операга тушмоқ учун уч луидорни аямайди, аммо бизда китобфурушга ўн икки франк жўнатиб, ҳали бокира, саҳифалари очилмаган китобдан қизиқ-қизиқ янги асарларни ўқиб чиқиш, бир неча кун мобайнида улар баҳш этадиган лаззатдан баҳраманд бўлиш, мамлакат тарихи билан ёхуд бирон инсон ҳаёти тўғрисидаги хотиралар билан танишиш расм бўлган эмас. Йўқ. Франциянинг ўн минг бадавлат хонадонида, йигирма минг ўзига тўқ оиласида бизнинг шўрпешона биродарларимиз томонидан ҳар йили нашр этиладиган йигирмата ажойиб китобни харид қилиш учун юз франк ақча топилмайди! Бу бадавлат хонадонлар ўша пулларини журналистикага харжлайдилар.

Салом, гўзал Франция! Салом, олийжаноб Франция! Салом, закийлар мамлакати! Улуғ одамларни тан олган ватан! Ана шу ажойиб эпиграмма учун мингдан-минг раҳмат! Зодагонлар, сизлар ўлгансизлар! Тенглик тантана қиляпти: герцогиня кутиб туради – у «Саламандра»ни ўқиб чиқишидан аввал китобни герцогинянинг бичиқчиси ўқиб чиқмоғи керак. Графиня кутади, графиня ҳатто тиланчилик қилишга ҳам рози.

Ҳар нима бўлганда ҳам истеъод эгасига сариқ чақа бермаса бўлгани. ҳолбуки, бу истеъод эгаси олиши мумкин бўлган бирдан-бир беминнат ҳақ! Бу ижтимоий жиноят шу даражада арзимас гуноҳ ҳисобланадики, бунинг учун ҳеч ким хижолат чекиб қизармайди. Шундай шаҳарлар борки, уларда «Ревю де Пари»-

нинг январ сони декабрда ўқилади. Нозикбадан хонимлар «Кузги япроқлар»нинг энг гўзал жойида сурункасига акса уришга тушишади, негаки, бирон-бир буржуа китоб саҳифаларини очаётганда худди шу жойга тамакисини тўкиб қўйган бўлади. Қайси биримиз миллионердан «Мен фалон китобни тополмаяпман, у ҳамиша кўлда бўлади!» деган хитобни эшитганмиз?

Ўртамиёна асарларни ихтиро этадиган ва масхарабоз артистлар томонидан кўллаб-қувватланадиган қашшофларга ўн миллион франк, чинакам истеъдод эгаларининг меҳнатига беш юз минг франк – асримиз масалани мана шу тарзда тўғри қўяди. Бу муаммо билан танишгандан сўнг сиз нима билан машғул бўласиз? Театр билан-да?

*Ad circentez!*¹ деган хитоб янграйди, адабиётда худди «Вильгельм Телль»даги «Куроллан!» деган даъват мисоли. Ахир, бошқа яна қандай илож бор? Бир томондан, ҳамиша тентаклар мазасини тотийдиган доимий мўлдан-мўл ўлпон, иккинчи томондан, бениҳоя гўзал асарларга нисбатан дағалдан-дағал лоқайдлик. Китоб бутун ҳаётингни талаб қиласи, пьеса учун эса, фақат бир неча ойлик умрингни сарфлайсан. Булардан қайси бирини танлаш борасида иккиланмоқ учун ким бўлмоқ керак? «Тентак бўлмоқ керак» дейди Шоссе д'Антен. «Истеъдод керак» дейди бир гуруҳ донолар. «Улуг одамларни тан олган Ватан!» Шундай қилиб десангиз, мингдан ошиқ муаллиф театр учун қитирлатиб асар ёзишга киришади, лекин уларнинг ҳеч қайсиси биронта ҳам эсда қоладиган образни саҳнага олиб чиқмайди, негаки, бизнинг давримизда ким ўз foясига «Сен мангуликка Гарпагон, Кларисса, Фигаро бўласан» дея олиш ҳукуқига эришди? Сизлардан қайси бирингиз номини айта оладиган илоҳий қудратга эгасиз? Бироқ «Сен Жокрис бўласан!» деб айтганидан кейин ҳали ҳеч ким енгил театр жанрида яшашга қобил бўлган бирон нарса яратса олгани йўқ. Шунинг учун ҳам, саҳна асарлари олти ҳафтадан ортиқроқ умр кўрмайди. Ана эндиликда бир йилда неча кун бўлса, шунча миқдордаги пьесага эҳтиёж туғилди. Томошабиннинг бу эҳтиёжини қон-

¹ Саҳнага (лотинча).

дирмоқ керак. Бироқ ҳеч қачон томошабин эҳтиёжини қондиришнинг иложи бўлган эмас. Шунинг учун муаллифлар ҳамма нарсани титкилай бошладилар. Бу иштиёқларида улар ҳаёт ёзувчиларнинг асарларига ҳам етиб бордилар ва омборда ортиқ егулик нарса тополмаганларидан кейин, кема командасининг заҳиралиқ овқатини йўқ қилишга киришган қаламушлардек бу асарларни ҳам кемира бошладилар. Театр китобга Мольернинг «Қаердаки яхши нарсага рўпара келсан, ҳаммасини ўзимники қилиб олавераман!» деган сўзларига амал қилиб муомалада бўлади. Мольер сабаб бўлиб қонуннинг биз учун ҳалокатли бир моддаси пайдо бўлди, лекин бу модда бизга янги Мольерни инъом қилгани йўқ. Мусибатларимиз ҳақида айтган ҳамма гапларимизга қуйидаги хulosани қўшиб қўямиз. Китобга лоқайдик одат тусиға кириб бўлди! Баъзи бир ноширлар бизнинг китобларимизнинг нархини ҳаддан ташқари баланд деб ўйлашган эди. Бу – хато! ҳозирги пайтда бизнинг китобларимиз Инқилобдан аввалгига қараганда анча арzon сотиляпти, ҳолбуки Инқилобгача ўн иккита ёзувчининг еттитасига хорижий давлатлар, сарой ёхуд ҳукумат томонидан анча салмоқли нафақа ҳам тўлаб турилган. Шундай қилиб, биз қулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган ҳасислик зулми остида ҳалок бўлиб бормоқдамиз, негаки, кетворган олифта хоним ёхуд китобга етти франкини аяган (бу етти франқдан фақат икки франкигина муаллифга тегади) саҳоватпеша ҳомийлар китоб учун тўрт франқдан ортиқ пул беришмайди. Эҳтимол, бу ерда биз бир оз чалфиётгандирмиз, лекин шундоқ бўлса ҳам, виждон ҳукми олдида (виждон эса, бамисоли худодек юраклар қаъридан ҳамма нарсани қўриб туради) чинакамига улуг бир нечта санъаткорни ҳимоя қилишга эҳтиёж сезмоқдамиз. Баъзи бир одамлар бу улуғларни енгилтаклик билан қоралаш йўлига ўтганлар. Биз олийжаноб фикрлар тўғрисида, умидсизлик нуқси урган гўзал асарлар ҳақида гапирмаймиз. Ночорлик кайфиятидан куч оладиган баъзи бир одамлар умидсизлик тўлқинларига чўмган. Шу нарса эсингизда бўлсинким, фақат мардана одамгина санъаткор бўлмоғи мумкин. Улғайганда ҳам бола бўлиб қолаверадиган бу инсонларни биринчи қарашда ножӯя кўринадиган қилғилиқ-

лар қилишда айблаш мумкинdir, лекин улар ижод қила бошлашлари биланоқ дарҳол девсифат одамларга айланади. Бу саҳифаларни ўқиб чиққандан кейин уларни ортиқ айблаб юрманг — уларнинг ҳамма кирдикорлари сизларнинг қурумсоқлигингиzinинг оқибатидир. Уларнинг қисмати баҳтсизликдир, бунинг айби — сизларнинг зиммангизда. Кечиримли бўлинглар, уларнинг гуноҳларидан ўting. Уларни кечирганда ўзларнинг совуқ лоқайдлигингизга суюнманг, балки уларнинг истеъдодининг қудратини ўйланг. Биз бу сатрларни бўлгувси мусибатлар қаршисида хавотирга тушиб ёзмоқдамиз. Оҳ, кошки эди, бизнинг овозимизни эшигсалар! Унда биз ҳар қанча таҳқирили бўлмасин, ялиниб-ёлбориб, бутун мамлакатга мурожаат қилардик, унинг ватанпарварлигини тирилтиришга ҳаракат қилардик-да, кўпдан-кўп олижаноб қалб эгаларини ўз жонларига қасд қилишдан асраб қолардик. Жаноблар, биз шундай бир масалага етиб келдикки, у жуда кўп одамларнинг манфатларига дахлдордир, балки уларнинг иззат-нафсларига тегиб кетар. Агар биз бу «уларнинг шуҳратларига» тааллуқлидир, дэя олсак масала ҳал бўлган бўлур эди.

Улуғ ижодкорларимиздан бири Жироденинг самовий қасрлари билан беллашишга жаҳд қилиб, ўзининг «Осиан»ини яратганда уларнинг икковлари ҳам мамнун бўлишган эди. Non ut picture poesis¹. Бироқ омади келган савдогардан хафа бўлиб бўладими? Масала шу тарзда қўйиладиган бўлгандан кейин ҳамма адабиётчилар ўз пъесаларининг келиб чиқиши масаласида ташвишланишни йиғиштириб қўйиши. Биз ўйлаймизки, жаноб драматик муаллифларимиздан ҳар бири ўзига чуқурроқ назар ташлаганда эди, адабий нуқтаи назардан бировлардан тайёр сюжетни кўчириб олгандан кўра, уни ўзи ўйлаб топгани яхшироқ, деган фикрга келган бўларди. Биз соғ ҳукуқшуносликка дахлор масала қўяётганимизни таъкидлаймиз.

Китобни енгил кулги асарига ёхуд босиқ драмага айлантиришга ҳақлари борми-йўқми? Бундай ҳукуқ мавжуд бўлса, у тўла ва чекланмаганми? Бу ҳукуқ зикр этилган китоб муалли-

¹ Поэзияда рассказчиком издан бошқача (латинча).

фининг розилигига боғлиқми ёки боғлиқ бўлиши керакми? Ахир, драматик муаллифнинг ихтиёрида тарихий воқеалар, йигирма асрдан бери яшаб келаётган латифалару ривоятлар ҳозирги замонда содир бўлаётган ҳодисалар бор. Бироқ булар камлик қилгандай, у ўзининг турли-туман шақир-шуқирларини, қўшиқларини, жомларию ханжарларини бошқа бир инсоннинг ҳозир яшаётган ёхуд ўтмишда яратилган асарларига тиқиширишга ҳаракат қиласди. ҳолбуки, шон-шуҳрат лаззатини тинчгина тотиб ётмоқ учун аввалдан пъесаларга қарши суфурта қофозини ғамлаб қўйиш бу одамнинг етти ухлаб тушига ҳам кирган эмас. Бундай аҳвол юз берганига эндигина ўн йил бўлди. Бироқ иш шу даражага бориб етдики, бу билан адабиёт жиддий шуғуланмаса бўлмай қолди. Шунисини ҳам эътироф этмоғимиз керакки, баъзи-баъзида драматик муаллифлар ҳурматимизни жойига қўйишга ҳаракат қилишади. Бундай ҳолларда улар китобнинг номини ҳам, муаллифнинг номини ҳам айтмай қўяқоладилар. Улар бизга баъзи бир муаллифлар асарини шу тарзда қайта ишласак қарши бўлишмайди деб эътироф билдиришлари мумкин. Бироқ сиз нима истайсиз ўзи? Ўз-ўзини ўлдиришлар ҳар куни воқеъ бўлиб туради. Улар бизнинг индамай туришимизни баҳона қилиб қўрсатишармиди? Ахир, ўз мусибатларининг айборларини жазога тортишни талаб қиласиган одамлар ҳеч кимга ёқмайди-ку! Суд жараёнлари жуда зерикарли бўлади, биз айтиётган жараённи эса, фақат икки тоифа одамлар – драмаларнинг муаллифлари ва китобларнинг муаллифлари ўртасида ўтказиш мумкин. ҳеч шубҳа йўқки, биз драматик муаллифларнинг ҳаммаси баб-баравар даражада истеъдодлидир десак, уларни хафа қилиб қўямиз: бордию истеъдод уларнинг ўртасида бир текис тақсимланмаган десак яна баттарроқ хафа бўлишади. Бироқ ишончимиз комилки, уларнинг ҳаммалари баб-баравар даражада ҳалол одамлардир деб эътироф этсак, уларни bemalol муросаи мадорага келтира оламиз. Бироқ уларнинг қўпчилиги *in utroque¹* муаллиф бўлгани учун биз тала-

¹ Ёрдамчи (лотинча).

шиб-тортишаётган асарни пъесага айлантириш ҳуқуқига таал-луқли юридик масала ёпиқ эшиклар ортида муҳокама ҳукми-ни қонун моддасига айлантирмоқ учун мунозара ҳам ўтказил-ди. Албатта, бунақа нозик масала иккала жамоа ўртасида ке-лишадиган битимлардан ташқари мустаҳкам қонунга ҳам асос-ланмоғи керак.

Жамият сўзи табиий равишда ҳимоя воситаларига мурожа-ат қила бошлаганимизни билдиради. Омадимиз келиб, биз бу ҳимоя воситасини топгандаймиз ва юқорида зикр этилган қонунлаштирилган зулмга қарши, хориждан бизга бўлаётган зулмга қарши шу воситадан фойдаланишни зарур деб биламиз. Биз-ни даҳшатли изтиробларга дучор қилаётган бу мусибатлар-нинг бари тўғридан-тўғри баъзи бир савдо соҳаларига алоқа-дордирлар ва, шунингдек, муҳим сиёсий муаммо ҳисобланадиган савдо балансига ҳам дахлдор. Савдо баланси масаласи-да эса, шуниси маълумки, ҳар қайси мамлакат қўшниси би-лан мулоқотда бу баланснинг нишабини ўз фойдасига тўғри-лашга интилади.

Бироқ адабиёт бу ўринда ижтимоий масала сифатида кўнда-ланг бўлаётган бўлса-да, ҳукумат адабиётнинг аҳволини та-дқиқ қилиш билан шуғулланади, уни моддий бойлик сифати-да, жуда катта маҳсулот сифатида, Оврупога таъсир қилиш воситаси сифатида, Оврупода қурол кучи билан ҳукмронлик қилиш ўрнига, фикр ёрдамида салтанат юритиш воситаси сифатида қадрлайди деб умид қилманг. Йўқ, ҳукумат ҳеч нар-са қилмайди. ҳозирги ҳукумат матбуотнинг фарзандидир, у мавжуд аҳволдан қаноат ҳосил қилган ва қўлидан келса, уни давом эттиради – бунинг далили – унинг бўшанглигидир. Биз ўзимизни ўз қўлларимиз билангина халос этмоғимиз мумкин. Бинобарин, ҳаммамиз учун фавқулодда муҳим нарса бор – драматик муаллифлар ўз жамиятини тузгани каби, биз ҳам ўз жамиятимизни тузмоғимиз керак.

Бу мактубнинг муаллифи зодагонлар дунёсини етарли да-ражада билади, шунинг учун ўз foяларини сизларга мажбу-ран сингдирмоқчи эмас, у ўз foяларини сизнинг қаршингиз-

да баён қилиб бермоқчи, холос, майли, агар уларни рад қилсанглар, бу фоялар сизларда янада яхшироқ ва самаралироқ фоялар түғдирсін. Бироқ биз аслида беғалва яшаш тарафдоримиз, осойишликтікни яхши күрамиз, тасодифан нотиқ бўлиб қолдик, холос. Агар биз хорижда бундан кейин асарларимизни ўғирлаб босишларига халақит берадиган чораларни топмаганимизда ҳеч қачон қаршингизда нотиқлик қилиб ўтиրмас эдик. Яқин-яқинлардан бери чайқовчилар китоб нашр қилиш ишини бутунлай барбод қилиш йўлига тушиб қолишган. Биз бундай фикрдан мутлақо йироқмиз. Бизнинг чорамиз сизларнинг ҳаммангизни нашриётлар билан ўзингиз киришишингиз мумкин бўлган муносабатлар доирасида қолишишингизни таъминлайди. Албатта, баъзи бир ноширлар на ўзлари харид қиладиган китобларни, на ўзлари сотадиган китобларини ўзлари ўқиб ўтирадилар. Бошқа баъзи бир ноширлар эса, ўзларининг саводсизликларини сурбетлик пардаси остига яширишга ақллари етади. Бироқ ҳамма жойда бўлгани каби, уларнинг орасида ҳам ҳалол, олижаноб, маърифатли одамлар учраб туради – ана шунаقا одамлар билан муомалага киришиб, битим тузиш керак. Бизнинг жамиятимиз ҳали-ҳозирча китоб нашр қилиш ишларини тиклашга ёрдамлашмоғи мумкин. Бироқ ҳар қандай яхши ишни ҳамжиҳатлик билан биргаликда амалга оширмоғимиз керак, унинг оқибатида ҳамма адабиётчиларнинг фаровонлиги ортсин ва бу ишимиз анча ночорлашиб қолган китоб савдосини қутқаришга хизмат қилсин. Биз таъсис этадиган жамият адабий мулк ҳақида янги қонунларни талаб қилиб чиқишга қурби етади, очиқ қолиб келаётган масалаларни ҳал этишга ва китобларимизни хорижда ўғринча босишларига тўсқинлик қилишга кучи етади. Биз таклиф қилаётган чоралар бизнинг назаримизда самарали кучга эга, бироқ уларни амалга оширмоқ учун уюшма керак, негаки, фақат уюшмагина муваффақиятга элтувчи ва, бунинг устига, анча арzon тушадиган қадамларни қўя олади. Шак-шубҳа йўқки, агар адабиёт республикаси ўз элчиларига эга бўлса, кўшни мамлакатларга атоқли одамларни йўлласа, улар муҳтор вакил ҳисоблан-

миш министрлардан кўра шон-шуҳрат нурларига кўпроқ чулғанган бўлса, жуда ҳам соз бўларди, бироқ бир замонлар құдратли бир ишончу ёрқин туйғулар туфайли улуғсифат кўринган манзара ҳозирги пайтда ҳаддан зиёд кулгили кўри-ниши мумкин.

Умид қиласанки, жаноблар зиммасига маърифат тарқатиш мажбуриятини олган, ўз даврини тараққиёт сари бошлаш иштиёқи билан ёнган одамлар соғлом фикрдан маҳрум бўлмайлар. Ахир, соғлом фикр ҳар қандай одамлар гуруҳига хоску! ҳар қайси қасб-хунарнинг одамларга ғамхўрлик қиладиган ўз уюшмалари бор, бинобарин, на бизнинг матбаачиларимиз, на муқовачиларимиз бошида очлик таҳдиди йўқ. Биронта ишчи йўқки, у қийин замонларда унга ёрдам қўлини чўзмайдиган, мадад бермайдиган қадрдон жамиятига эга бўлмасин. Фақат биз – сўз санъаткорлари, адибларгина бир-биrimизни боғловчи умумий ришталардан маҳруммиз. Тўғри, фақат ўзимизгина ўзимизни ҳимоя қилиш билан машғул бўлмоғимиз керак эмас эди; биз ҳамманинг ҳимояси остида бўлмоғимиз керак эди: бугун Франция бизга ҳомийлик қилмоғи даркор эди. ҳозирги даврнинг энг шармандали томони шундаки, биз худди ўрта аср савдогарлари каби бирлашмоққа мажбурмиз. Эсингизда бўлса керак, тўрт томондан таланганд, феодал кучлар томонидан жамиятдан сиқиб чиқарилган савдогарлар ўз ҳимоялари учун ғазналар ташкил қила билган ва ўз савдоларининг улуғворлиги билан бутун Оврупонинг дамини ичига тушириб юборган эдилар. Эндиликда эса, ҳамма нарса – кемалар ҳам, ғазна ҳам, парламент ҳам уларнинг савдоси манфаатларига хизмат қилиб ётипти. Агар биз бирлашсак, қонунлардан юқори турадиган бўламиз, чунки қонунлар феълу атворларга бўйсунади. Биз эса, феълу атворлар барпо этмаяпмизми? Агар муайян бир нарсада ўз ифодасини топмаса, цивилизация ҳеч нарсадир. Биз – олимлар, биз – адиблар, биз – санъаткорлар, биз – шоирлар цивилизацияни ўзимизда ифодаламоғимиз керак. Биз номаълум келажакнинг янги муҳибларимиз ва унинг келишини тайёрлаймиз. Бу тахминни ўн саккизинчи аср тўла тасдиқлади. ҳокимият ҳар биттамизни айрим-ай-

рим олиб маҳв этади. Биз бирлашсак, ҳокимиятнинг бунга ҳадди сифмай қоларди. Келинглар, дўстлар, бирлашайлик-да, ҳокимиятни фикрнинг улуғворлиги ва ҳақ-хуқуқларини тан олишга мажбур қиласлий. Биз ўз ҳақ-хуқуқларимизга эришгач, ўртада муштарак бойлика эга бўлишимиз биланоқ, тан олинмаган даҳога ёрдам қўлини чўзар эдик. Очигини айтайлик, истеъод эгаси ёрдам ва мададга муҳтоҷ. Дунёда жуда кенг тарқалган катта хатолардан бири шундаки, баҳтга эришган даҳо фаолиятсиз бўлади, деб ҳисоблайдилар. Йўқ, гўзал асарларнинг ҳаммаси фаровонлик мевасидир. Рабле фақат истироҳат чоғларида ижод қилган. Рафаэль Рим ҳазинасининг бойликларидан чангалини тўлата-тўлата истеъфода этган. Монтескье, Бюффон, Вольтер бадавлат одамлар бўлишган. Бэкон канцлер бўлган эди. Россинининг энг улуғ операси «Вильгельм Телль» эса, бу ажойиб даҳо муҳтоҷликдан узоқ юрган кезларда ёзилган. Моцарт билан Вебер эса, муҳтоҷликда ҳаётдан кўз юмиб, ўз дурдоналарини ўzlари билан олиб кетдилар. Сенека, Вергилий, Гораций, Цицерон, Кювье, Стерн, Поп, лорд Байрон, Вольтер Скоттлар ўzlарининг энг яхши асарларини ҳурмат-эътибор қозониб юрган кезларида яратишган. Бетховен, Руссо, Сервантес ва Камоэнслар баҳсли истиснолардир. Жан Жак ўз ихтиёри билан қашшоқ бўлган, бироқ бу ихтиёрий қашшоқлик ўзига носоғлом бир тарзда ортиқча бино қўйишнинг, улуғ бир мутакаббирликнинг кўриниши бўлганми-йўқми – буни ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Бундан ташқари, девонаваш рассомларга тан бериш керак – бу олижаноб қалб эгаларининг киссаларида ҳамма вақт ҳам пул бўлавермайди. Ниҳоят, шундай даҳолар борки, улар қанча қашшоқ бўлишса, шунча мутакаббирлар ва уларнинг борйўқ давлати ана шунда. Шундоқ бўлгандан сўнг, қашшоқликни даҳоликнинг онаси деб даъво қилишни бас қилинг, ҳадеб ғолиб чиққанларни пеш қилаверманг, негаки, биз нобуд бўлиб кетаётгандарни ҳам кўп кўряпмиз, уларнинг устида кўз ёшлиари тўкамиз-у, оташин ҳамдардлик билдиришдан бошқа уларга бирон ёрдам беришга ожизмиз. Жуда гўзал бир асарга муқалдимада айтилган жаноб Рува жаноб Бюшенинг ифтихор

тұла иборасини қайси биримиз күзимизда ёш қалқымасдан ўқиб чиқолдик? «Хасталик ёхуд очлик ҳәётимизга чек қўймоғи мумкин, одамлар илми учун фойдалы деб ҳисоблаган фикрларимизни әзіндең құлмоққа ошиқайлик». Бу олижаноб заковат әгаларини олисдан туриб ким муборакбод әтмаган. Уларга қараб ким «ҳали умрингиз узоқ бўлади!» деб ҳайқирмаган? ҳали навқирон ва лекин улуғлиги намоён бўлиб бўлган ёшларга кўмаклашмоқ учун бутун республикани оёққа турғазмоқнинг иложи бўлганда, улар муборакбод қилингандан, уларнинг ilk қадамлари қўллаб-қувватлангандан, кексайғанларида тақдирлари ночор бўлиб, бошларига қашшоқлик тушса, шунга ёрдам берилгандан шу ёшларнинг иззат-нафси қаноат топмасмиди? ҳатто бизнинг жамиятимиз ўғирлаб босишлар ва солиқ йиғышлар бобидаги ярамасликларни тубдан қутишиб, адабий мулк ҳақида янги қонунлар чиқаришга эришгандан кейин, парчаланиб кетган тақдирда ҳам, у келажак учун ҳам, ҳозирги кун учун ҳам жуда кўп иш қилган бўлади.

Биз яна бир неча муддат тарафдорларимиз жиндай кўпайишини кутиб турамиз, кейин ҳақ ишимизни давом эттирамиз - биз бу йўлдаги курашимизни ҳеч қачон тўхтатмаймиз. Баъзи бир дастлабки тадбирларни қабул құлмоқ учун тайёрлов мажлисими чиқириш зарур бўлади. Бу ишга киришар эканмиз, бизнинг фикрларимиздан бир мушарраф исм ўрин олади. Бу исм бизга йўлчи юлдуз бўлади, у орамиздаги нифоқларни анчамунча босишга ундейди. Бу исмни ҳозир айтишнинг ҳожати йўқ, ҳеч шак-шубҳа йўқки, у ҳамма томондан бажонидил қабул қилинадиган бир тимсол бўлади. Ўрта асрлардаги савдогарлар ўзларининг мажлисхоналарига қадам босар экан, нифоқу низоларини мажлисхона ташқарисида қолдириб кирап эканлар. Уларга ўхшаб, бизлар ҳам шуҳратпарастлигимизни, кекимизни, ижирғанишимизни, ёқтирмаслигимизни эшик олдиди қолдирайлик, ичкарида фақат умумий ишимиз билан шуғулланайлик. Шундай қилсак, шоядки, уйга қайтиб боргандан кейин уларни бошқа эсламасак.

Хулоса ўрнида бир гапни таъкидламоқчимиз: бизнинг юқорида айтганларимиз ғалаёнга чақирувчи хитоб эмас, биз

Эхтиросларни жунбушға келтиришга даъват ҳам қилаётганимиз йўқ; бу – қашшоқлик фарёди, холос. Бу – қонундан ташқари қўйилган, адолат излаб тополмаган одамларнинг ҳайқириғи. Қўйинг, майли, бу ҳайқириқ акс садо берсин, ҳамдардлик уйғотсин, сўниб бораётган ватанпарварлик туйғуларига қайтадан жон ато қилсин. Биз овозимизни кўтариб ҳайқирган бўлсак, буни уйғоқлар учун, изтироб чекаётганлар учун, тил хазинасига бақадри имкон ўз улушкини қўшишга интилаётганлар учун қиламиз. Биз фақат бир сўз билан тубсизлик сари олиб борувчи мудҳиш йўлни беркитиши илтимос қиламиз, чунки энг яхши интилишлар шу тубсизликка қулайди, энг улуғ фикрлар ва билимлар шу тубсизлик қаърига кўмилади. Биз на ёрдам, на ҳимоя сўраймиз, қўлимизни чўзиб тиланмаймиз, биз фикрни товарлар уюмига тенг қўришни илтижо қиламиз. Биз пўписа қилаётганимиз йўқ, биз бизни ортиқ хонавайрон қилмасликларини ўтиниб ёлборяпмиз, холос. ҳозирги пайтда Франция Оврупода ўн беш миллион йўқотяпти. Агар шу маблағ бизнинг ихтиёримизга берилганда эди, биз уни ошиғи билан қайтарар эдик. Биз мамлакатдаги истеъод соҳибларини асраб қолмоқ учун депутатларимиздан бир неча соат ажратишларини илтимос қилмоқдамиз. Қонун чиқарувчи жаноблар, Италия Англиядан келадиган тилланинг учдан икки қисмини сарфлаб, ўзининг ажойиб даҳоларига эга бўлди. Санъат билан тилни эҳтиёт қилиб асранглар, негаки моддий манфаатларингизни бартараф қилганингиздан сўнг сизлар бизнинг асарларимизда ҳаёт кечиришда давом этасизлар. Бизнинг асарларимиз эса, ҳеч қачон ўлмайди ва ҳатто мамлакатимиз фойиб бўлиб кетганда ҳам, улар «Бу ерда Франция бўлган эди!» деб оламга жар солиб турадилар.

«*Ревю де Пари*, 1834 йил 2 ноябрь.
(*Revue de Paris*, 1834, 2 novembre)

ОНОРЕ ДЕ БАЛЬЗАК ВА «ИНСОНИЙ КОМЕДИЯ»¹

Буюк француз ёзувчиси Оноре де Бальзак ижоди Европа танқидий реализми адабиётининг юқори чўққиси ҳисобланади. Адид қаламига мансуб «Инсоний комедия» эпопеяси у яшаган давр буржуа тузуми ва жамияти тарихини ўзида ҳаққоний мужассамлаштирган қомусий асардир.

Оноре де Бальзак 1799 йилнинг 20 майида Франциянинг Тур шаҳрида мансабдор шахс оиласида таваллуд топди. Ёш Бальзак ўрта маълумотни Париж пансион (ёпиқ типдаги мактаб-интернат — М.Х.)ида олгач, ота-онасининг хоҳиши билан ҳуқуқ мактабига ўқишига киради. Айни пайтда, Сарбонна университетига қатнаб, адабиётдан маъruzалар тинглайди, бор талант ва иқтидорини бадиий ижодга баҳшида этади. Ёзувчикка бўлган истаги хом хаёл эмаслигини исботлашга ва ўз орзу-умидларини рӯёбга чиқаришга интилган Бальзак отасидан икки йилга муҳлат сўраб, Парижда қолади. Бу пайт искефога чиққан жаноб Франсуа Бальса (ёзувчининг отаси — М.Х.) оиласи билан Париждан узоқ бўлмаган Вильпаризи шаҳарчасига кўчиб кетган эди.

Деярли барча кунларини муҳтоҗликда ўтказган ёш Бальзак, икки йил давомида XVII аср классик трагедия жанрининг усталари Пьер Корнель ва Жан Расин ижодига тақлидан «Кромвел» (1819) номли шеърий фожиасини ёзиб тутатади. Баҳтга қарши, ёзувчининг бу илк асари унга шуҳрат келтирмайди, адабиёт анжуманларида танқидга учрайди. Шундан сўнг у бир неча тахаллусларда қатор қисса ҳамда новеллаларини эълон қиласиди. Бу асарлар ҳам ёш адид номини адабиёт оламига танитмайди. Ваҳоланки, ёзувчининг мазкур асарлари

¹ Холбеков М. Оноре де Бальзак ва «Инсон комедияси»// Жаҳон адабиёти, 2009, № 1. –114–116 бетлар.

сюжетида романтизм адабиёти руҳи акс этиб турса-да, улардаги хаёлий воқеалар, афсонавий ҳодиса ва тўқима образлар тасвири мазмунга зерикарли тус берган, китобхонни зериктириб қўйгувчи ҳолатда эди. Хуллас, Бальзакнинг реалликдан узоқ бўлган бу асарлари ҳам романтик ёзувчилар Виктор Гюго, Жорж Санд, Александр Дюма ва Сент-Бёв тарафидан кескин танқид қилинади. Дастребаки машқлари саналган бу асарлари баҳридан ўтган Бальзак кейинчалик «фақат ўз номим (Бальзак-М.Х) билан чиқсан китобларимнигина ўзимники ҳисоблайман», деб ёзади.

Ёзувчининг Бальзак тахаллуси билан 1829 йилда чоп қилинган «Шуанлар» номли биринчи романи ўз муаллифи ни адабиёт оламига танитди. Дарҳақиқат, Бальзак бу асари билан романтизм оқимидан чекиниб, танқидий реализм томон бурилганди. «Шуанлар»да 1799 йили Франциянинг Бретон вилоятида Республикага қарши бошланган исённи бостириш билан боғлиқ воқеалар реал образлар воситасида тасвирланган эди. Ёзувчи романда мансабдор шахслар ва генераллар билан бир қаторда, оддий ҳалқ вакилларини ҳам бош қаҳрамон даражасига кўтараркан, уларнинг ўз ватани Франция тақдирига бефарқ қолмай, балки энг оғир дамларда ҳам унга жон фидо айлаб курашганликларини юксак маҳорат билан таърифлайди.

XIX аср ўттизинчи йилларининг биринчи ярмида Бальзак француз жамиятига мансуб турли табақалар вакилларининг ҳаётини тасвирловчи «Гобсек», «Сафри териси тилсими», «Полковник Шабер», «Қишлоқ врачи», «Евгения Гранде», «Горио ота» сингари қатор роман ва қиссаларини яратди. Бу йиллар Оноре де Бальзак ижодининг энг гуллаган даври бўлиб, у яратган юқоридаги асарлар ўз муаллифини танқидий реализм адабиётининг шоҳсупасига олиб чиқсан эди.

1834 йил Бальзак ёзган асарларини бирлаштириб, уларга «Инсоний комедия» деган умумий ном беради. «Инсон комедияси» учта асосий бўлимдан («Одатлар ҳақида этюд», «Фалсафий этюд» ва «Аналитик этюд») иборат бўлиб, улар ўз ичиға 143 номдаги катта-кичик асарни қамраб олиши лозим эди.

Бироқ ёзувчи ўзининг йигирма йилга яқин ижоди давомида улардан 97 тасини ёзишга улгуради.

Буюк адид ўзининг муazzам «Инсон комедияси»га ёзган сўзбоисида шундай таъкидлаганди: «Француз жамияти ўзи тарихнинг яратувчиси бўлиб чиқди, менга эса, унинг котиби бўлиш вазифаси насиб этди. Эҳтимол мен шунча тарихчилар томонидан унуглиган тарих, яъни хулқлар тарихини ёзиб чиқишига мусассар бўларман. Мен кўп бардош ва жасорат йиғиб, насиб бўлса, XIX аср Францияси ҳақидаги китобимни охирига етказарман».

Дарҳақиқат, Бальзак ўз олдига қўйган бу улкан вазифани айтганидек соз адо эта олди, ўзи яшаган давр буржуа Франциясининг хулқлар тарихини бадиий сюжет ва образларда равшан тасвирлаб берди.

Ёзувчи яратган эпопеяниң бош китоби, бу «Горио ота» романидир. Ундаги воқеалар адиднинг бошқа асарларида давом эттириб борилади. Китобхон романда иштирок этган Растињак, Бяншон, Вотрен, Нусинген, Гобсек, Тайфер каби персонажлар билан кейинги асарларда ҳам учрашади. Масалан, «Горио ота» романидаги икки муҳим образ – Горио ота билан Эжен Растињак бир-бири билан боғлангандир. Горио ота аслида буржуа корчалонлари даврасида кўп йиллар ном чиқарган, охирги пайтга келиб ўз қизларининг баҳтли бўлишлари учун бор бисотини сарфлаган, оқибат бир мири ҳам пули қолмай, «итдек хор бўлиб ўлган» замонасининг вакили бўлса, Растињак камбағал оиласдан чиқсан, эндиғина киборлар даврасига қадам қўйган келгуси буржуа жамияти вакили образидир. Йигитнинг киборлар даврасидаги дастлабки муваффақиятлари ва кекса Горио отанинг ҳалокати Реставрация (1815–1830) йиллари француз жамиятида Бальзак шоҳиди бўлган ижтимоий ахлоқ қонунларидан бунёд бўлганди. Ёзувчи бу тоифа одамларни романдаги Виконтесса де Босеан хоним тилидан шундай таърифлайди: «Қанча совуққонлик билан иш тутсангиз, шунча мартабангиз ошади. Ҳеч аямай зарба бераверинг, ана унда қаршингизда титраб туришадиган бўлишади... Ҳаётда жаллод бўлинг (Растињакка қаратা – M.X), жал-

лод бўлмасангиз, унинг ойболтаси остида қоласиз». Ёш Эжен Растињак ана шу насиҳат кетидан, яъни «зафар қозониш» йўлида курашмоқ ниятида кетади. Горио ота бўлса, «ҳаёсиз нақдина» йўлида зарбага учраб қурбон бўлади.

1830 йилларнинг иккинчи ярмида ёзувчи «Цезар Биротто», «Ушалмаган орзулар», «Деҳқонлар», «Кузина Бетта», «Арслик депутат», «Ялангоёқларнинг дабдабаси ва қашшоқлиги» каби қатор роман, қисса ва новеллаларини яратди. Бальзак бу асарларида ҳам судхўрлик ва рақобат, молиячи найрангбозлар, мулк учун, олтин учун курашиб тубанлик ботқоғига ботган корчалонлар, турли тоифадаги одамлар қиёфасини гавдалантириди. Масалан, буржуа идеологияси, пулга ва олtinga сифиниш одатининг XIX аср Францияси шаҳарларидан энг олис вилоятларигача этиб бориб, энг соғдил кишиларни ҳам баҳтсиз этаётганини санъаткор «Евгения Гранде» романида тасвирлар экан, бундай ҳаёт устидан чиқарган ҳукмнинг образлар орқали ифодалашдан ташқари «бу буржуа замони фожиасидир, унда заҳар йўқ, ханжар иштирок этмайди, аммо бу фожиа унда иштирок қилувчи учун машҳур Атриллар оиласида бўлиб ўтган барча драмалардан ҳам бешафқатроқдир» деган таърифни қўшимча қилади.

«Гобсек» қиссасида эса, олtinga, бойлика ҳирс қўйган судхўр Гобсек образида хасисликнинг киши ҳаётида қандай майдонга келишини ва унинг оқибатларини таҳлил этиб беради. Таҳлил қилибгина қолмай, балки бу ҳодисани тамомила қоралайди ҳам. Буни санъаткор ўз қаҳрамонининг маънавий қашшоқлигини фош қилиш билан рўёбга чиқаради.

Шунингдек, буржуа жамиятида истеъдод эгаларининг хору зор бўлиши ёзувчининг «Сағри териси тилсими» романидаги олим Рафаэл, «Ушалмаган орзулар» романидаги Люсьен Шардон, «З.Маркас»даги файласуф Маркас образлари орқали очиб берилган. Истеъдодсиз, лекин уддабурон кишилар, масалан «Ушалмаган орзулар»даги журналист Лусто, «Пьер Грассу»даги рассом Пьер, «Евгения Гранде»даги Шарль ҳар хил йўллар билан мансабга кўтарилади, бойлиқ орттиришади. Ёзувчи бу асарларида буржуа тузуми ҳукмрон бўлган жамиятда фақат

жиноят йўлига кирган, йиртқичлик қоидаларини мукаммал эгаллаган шахсларгина фаровон ҳаёт кечиради, деган холосага келади.

1835–1843 йиллар давомида Бальзак ўзининг энг йирик асарларидан бири «Ушалмаган орзулар» романини ёзиб тугатди. Бу роман муаллифнинг олдинги асарларига қараганда ҳажм жиҳатидан ҳам, образлар дунёсининг баркамоллиги, воқеалар тасвирининг кенглиги ва ҳаққонийлиги жиҳатидан ҳам бирмунча устун туради. Масалан, шу пайтгача машҳур саналган «Горио ота» романидаги воқеалар фақат Париж шаҳрида содир бўлиб ўтса, «Ушалмаган орзулар»нинг сюжети да стлаб чекка вилоятларнинг бири Ангулемда бошланиб, сўнгра Парижта қўчади ва ниҳояси яна Ангулемда якунланади. «Горио ота» романида бош қаҳрамон Эжен Растињакнинг провинциядаги ҳаёти эслатибгина ўтилади, холос. «Ушалмаган орзулар»да эса, бош қаҳрамон Люсъен Шардоннинг қишлоқдаги ҳаёти ҳам батафсил ёритилганини кузатамиз.

Оноре де Бальзак бойликка ҳирс қўйган буржуа синфигининг жирканч қиёфасини, бузуқ ахлоқини тўғри тушуна билди. У ўз асарларида меҳнаткаш халқнинг ёппасига норозилигини, уларнинг турмадагидан баттар турмушини ҳаққоний кўрсатиб берди. Бальзак инсон психологиясининг чуқур билимдони ҳам эди. Буни биз адебнинг хусусий мулкчилик психологиясини очиб беришдаги маҳоратида ҳам кузатамиз. Шунинг учун ҳам, «буюк инсоншунос»нинг бу санъати жаҳон адабиётида янги саҳифа – танқидий реализм саҳифасини очди. Унинг реализми – ўзи яшаган жамиятни муросасиз танқид этган реализм эди. Бальзак ўзининг «Инсон комедияси» туркумини яратиш билан замонасининг ҳушёр зиёлиси, ўткир тилли сатирик ёзувчиси, билимдон файласуфи сифатида жаҳон адабиётида шуҳрат қозонди.

Дарҳақиқат, Бальзак оғир ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Сурункали меҳнат ва ҳаётий қийинчиликлар туфайли соғлигини йўқотган адаб умрининг охиригги (1848–1850) йилларида янги асар эълон қилолмади. Узоқ йиллар хат ёзишиб келган меҳрибон дўсти ва сирдоши поляк аёли Эвелина Ганскаяга

уйланиш ниятида 1850 йилнинг марта Украйнага келади. 14 март куни Бальзак ва Ганскаянинг никоҳ тўйи бўлиб ўтади. Орзуси ушалган адаб Париждаги сирдош дўсти Зюлма Карро хонимга қуйидаги хабарни йўллаган эди: «Менга ҳаётимнинг на бахтли болалигидан, на навқирон ёшлигидан тўйиб баҳра олиш насиб этди. Афтидан умримнинг ёзи ва кузи totli ўтадиган кўринади». Афсус, бундай бахт Бальзакка насиб бўлмади. Май ойида касали зўрайган адаб рафиқаси билан Парижга қайтади. Парижга келгач, у тўшакка ётиб қолади. 1850 йилнинг 18 августида буюк романист оламдан кўз юмди. «Жаноб Бальзак барча буюкларнинг буюги, улуф инсонларнинг улуғи эди... у ёзиг қолдирган асарлар бутун бир китобни, замонализни тўлиқ ва ёрқин картиналарда акс эттирувчи ҳаёт саҳифасини ташкил қиласди», деганди дафн маросимида сўз олган ёзувчи Виктор Гюго.

Дарвоқе, Бальзак яшаган жамият унинг меросини қадрламаган бўлса-да, адаб ўз асарлари билан ўн тўққизинчи асрнинг ўрталаридаёқ бутун Европага танилган эди. Ўтган асрга келиб, ўзбек китобхонлари ҳам ёзувчи асарларини она тилида ўқишга мусассар бўлдилар.

«Ёзувчининг ўз олий ҳаками бор, бу келажақдир», деганди Бальзакнинг ўзи. Улуф санъаткор айтган бу ҳикматнинг нечоғлик рўёбга чиққанини жаҳон халқларининг адаб ижодига катта қизиқиши билан қараб келаётганидан ҳам билсак бўлади.

СТЕФАН ЦВЕЙГ¹

«ОНОРЕ ДЕ БАЛЬЗАК»²

Эсседан парча

ФАЛОКАТЛИ САККИЗ ЮЗ ЎТИЗИНЧИ ЙИЛ

*F*оҳо табиатда ҳар тарафдан ёприлиб келаётган қора булутлар чақмоқ чақиб, бир-бирига урилганда, ерга ўн карпа куч билан заҳрини сочадиган пайтлар бўлади. Худди шу каби, Бальзак заррин уқали қароли орқа ўринидигида ўтирган фоят қимматбаҳо файтонида Венадан Парижга қайтиб келар экан, унга ҳар томондан ишқалликлар ёғила бошлади. Энди у ўзининг бепарволиги аламини тортиши керак эди. Бальзак ёзишни тўхтатган ҳамоно уни доимо фалокат босади. Оёқларидағи кишанни арралаб қочишга чоғланган тутқин бир ойлик озодлик эвазига бир йил эрксизликка дучор этилгани каби. Айни игу чоғда упинг эски ва деярли битай деб қолган жароҳати яна очилиб кетади – оила ташвишлари яна қийин-қистовга олади. Опаси Сервилахоним бетоб. Унинг эри молиявий қийинчиликда. Опаси асабийлашган, не-не машаққатлар билан океан нарёғига юборилган арзанда, такасалтанг ўғли Анри ҳиндистондан сариқ чақасиз

¹ Стефан Цвейг (1881–1942) – австрийлик ёзувчи. Психологик новелла (ҳикоя)лари билан шуҳрат қозонган. Ўзидан авват ўтган ва замондош бўлган бир қанча арабблар ва адибларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, бетакрор романсимон асарлар ёзган. Француз ёзувчиларидан Бальзак, Стендаль, Ромен Роллан, рус ёзувчиларидан Л.Н.Толстой, Ф.М.Достоевскийлар ҳақидағи эсселарида қимматли маълумотлар баён этилган. Күйида унинг «Оноре де Бальзак» асаридан тўртинчи қисми бирмунча қисқартишлар билан журналхонлар эътиборига ҳавола қилинади. Унда буюк ёзувчи ижодининг таҳлилидан кўра, унинг инсоний шакл-шамойили, шахсий ҳаёти, бошидан ўтган гаройиб воқсалар, ажабтовур саргузаштлар, одамлар билан, айниқса, аёллар билан муносабатлари, ишқий лавҳалар кўпроқ ўрин олган.

² Стефан Цвейг. «Оноре де Бальзак» // Собит Тоиров таржимаси // Жаҳон адабиёти. 1997, 5 сон. – 3–22 бетлар.

қайтиб, устига-устак, ўзидан ўн беш ёш катта хотинии эргаштириб келади. Оноре, буюк, қудратли Оноре акасига дарҳол тузукроқ лавозим топиб бериши ва онасидан олган қарзларини қайтариши керак бўлиб қолади. ҳолбуки, Оноренинг ёнида бир суҳам пул йўқ. Газеталар эса, Оноре ўз қарзларини тўлай олмаганини учун Парижда гойиб бўлди, деган хабарларни ичиқоралик билан тарқатар эди. Оиласи уни бажариб бўлмайдиган талаблар ва таъна-дашномлар билан кўмиб ташлайдиган, онаси дилини вайрон қиладиган пайтларда, у «опахони» (онаси тенг келадиган маҳбубаси) мадам де Бернига мурожаат этиб, ундан юпанч олар эди. Аммо бу гал унинг ўзини юпатишга тўғри келди. «Маҳбубаси» оғир касал. ҳолдан тойған бемажол аёл севикили дўстига ҳеч ёрдам беролмайди. Илгарилари у Бальзак билан бирга унинг китоблари корректурасини ўқиган кезларида ўзини бениҳоя баҳтиёр сезарди; энди бу машғулотдан воз кечишига мажбур, чунки ўқиши унинг чарчоқ асабларини баттар бузади. Оноре талвасага тушиб, ҳалок бўлаёзган севгилисига далда бериши керак эди. Аммо Бальзакнинг аҳволи жуда мушкул эди, Унинг бўйнида қарзлар, узилмаган бўнаклар, тўланмаган векселлар катор-қатор осилиб турарди.

Дастлабки муваффақиятлари давридан бошлаб Бальзак ўзининг ижодий куч-қудрати зўрлигига ишониб, муайян муддатда роман ёзиб бераман, деб газета ва ноширлардан барвақт пул олишдек хатарли ишни одат қилган эди. У ёзаётган нарсалар биринчи сатри қоғозга тушмасданоқ, бутунлай сотиб юборилган бўларди. Унинг қалами ана шу аванс (бўнак)лар кетидан қувиб бориши керак эди. Дўстларининг эҳтиёткорликка қилган даъватлари зое кетарди. Энг садоқатли дўстларидан Зюлма Карро хоним унга ёлбориб, ана шундай шошқалоқлик билан ўзини абгор қилгандан кўра, тилла нақш қаламтарошлардан ва қимматбаҳо тошлар қадалган ҳассалардан воз кечишига тинимсиз чақирап эди. Аммо Бальзак ўз одатидан ҳеч қайтмас эди. Ноширларни ҳали ўzlари билмаган ва кўрмаган нарсани сотиб олишга, сарлавҳадан бошқа бир сатр ҳам ёзилмаган роман учун нақд пул тўлашга мажбур қилиш унга алоҳида ҳузур бағишилар эди. Эҳтимол, у зуғум қилинганда, боши узра қамчи кўтариб

турилгандагина тинимсиз ишлашга одатланиб қолғандир. Аммо энди қарзға боттан Бальзак биринчи бор ўзига ўзи қарздор бўлиб қолади. У Венага князларча ҳашаматли файтонда кириб бормоқ учун йўлга чиқишидан аввал имкони бўлган ҳамма жойдан бўнак олиб бўлган эди. У янгидан нашр қилиш учун илгарилари Сент-Обен тахаллуси билан эълон қилинган ўзининг булвар (енгилелли, эрмак) романларини сотиш билан кифояланмасдан, ҳали ёзилмаган «Келин-куёвнинг хотиралари» романини ҳам «Ревзо де Дё монд»га пуллаб юборди. Бундан ташқари, у Бюозага «Серафитлар»нинг охирга қисмини топшириши керак эди. Бундан уч ой аввал босила бошлиши лозим бўлган бу қиссанинг қалам ҳақини у аллақачон олиб бўлган эди. Аммо Бальзакнинг парвойи фалак! Унинг хомчўтича, «Серафитлар»ни тугаллаш учун саккиз кун (тўғрироғи, саккиз тун)дан ошиқ вақт кетмайди, буни у Венада, «Олтин нок остида» меҳмонхонасида тезигина ёзиб ташлайди. «Келин-куёвнинг хотиралари»ни икки ҳафтада қўлдан чиқармоқчи. Алқисса, у қайтиб боргач, уларни топшириб, ҳали қофозга тушмаган роман учун янги бўнак олиши мумкин.

Аммо Бальзак биринчи марта ўзига панд берди. Унинг календарида байрамлар кўзда тутилмаганди, Венада эса, баҳтга қарши, байрамлар жуда кўп экан. Бальзак австриялик ва полъшалик аслзодалар билан танишиб, шакаргуфторлик айлашга берилади. У ёзув столи ёнида ўтириб ижод қилиш ўрнига, кечқурунлари Ганская билан сайр қилиб, суҳбатлашишни хуш кўради. «Серафитлар»нинг охирни юборилмайди, Бюоз асарни босиб чиқаришни тўхтатишга мажбур бўлади. Бальзак бошқа роман – «Келин-куёвнинг хотиралари»дан биронта сатр ёзмагани бундан ҳам ошиби тушди. Бальзак бу романни ёзишга қизиқмай қўиди, чунки у Венага қилган сафари вақтида бошқа роман – «Водийдаги лола»ни бошлишни ихтиёр этди (саёҳатлар Бальзакка доим илҳом берарди). У қарзи эвазига ваъда қилинган роман ўрнига ана шу янги асарни қабул қилишини Бюоздан илтимос қилди ва Венадан унинг илк бобларини юборди. Бюоз бунга рози бўлди. У «Водийдаги лола»дан бир парча босиб чиқаради. Аммо Бальзак ўз ваъдасида турмай, «Серафитлар»нинг охирини муддатида топширмагани учун

ҳадиксираган Бюлоз бошқача йўл тутишга ўзини ҳақли деб ҳисоблайди. Яқин вақтлардан бери Санкт-Петербургда «Ревю этранжер» журнали чиқарила бошлаган, у француз адабиётининг энг янги намуналарини Париж билан айни бир вақтда, имкони бўлганида Париждан ҳам барвақтроқ рус китобхонларига тақдим этиши билан фаҳрланар эди. Бюлоз «Водийдаги лола»нинг корректура варакларини, ҳеч иккиланмай, Россияга сотиб юборади. Бироқ Бальзак Парижга қайтиши билан оқбундан хабар топгач, ярадор шердек Бюлозга ҳамла қиласи. Уни ишнинг моддий жиҳатигина разабга келтирмайди, йўқ, санъаткорнинг иззат-нафси таҳқириланган эди.

Бальзак Бюлозга романнинг қўлёзмасини юборган. Бюлоз уни шу ҳолатда босмахонада тердириши керак бўлгани ҳолда, корректура варакларини Санкт-Петербургга юборган, у ердаги «Ревю этранжер» муаллифнинг кейинги тузатишларисиз қабул қиласи. ҳолбуки дастлабки корректура вараклари Бальзак учун хомаки бир нусхадан бошқа нарса эмас эди. Доим бўлганидек, у «Ревю де Де монд»дан тўрт, беш, эҳтимол ундан кўпроқ марта корректура келтиришини талаб қиласи, уларни ўқиб тузатиш ва қўшимчалар киритганидан кейингина босишга рухсат берар эди. Петербургдаги «Ревю этранжер» журналида романнинг бир боби сайқалланмай ва қиёмига етказилмай, хомаки тарзда эълон қилиб юборилганини кўриб қолган Бальзак қандай разабга келганини тасаввур қилиш мумкин.

Бальзак ўзига хос нуқсонлари ва қусурлари бўлган хомаки нусхани ҳеч қачон, ҳатто энг яқин дўстларига ҳам кўрсатмас эди. Энди бўлса, беор, муттаҳам ношир бу қўлёзмани ўғирлаб, бадиий асар сифатида халойиққа сотган. У дарҳол ношир билан ҳар қандай муносабатни тўхтатиб, «Ревё де Де монд»га қарши иш қўзғатишга қарор берди.

* * *

Бальзакнинг дўстлари ва ҳайриҳоҳлари ташвишга тушиб қолдилар. Бюлоз Париж журналистикасида қудратли куч, иккита энг иирик «Ревю»ни бирлаштириб, уларга ҳомийлик қиласидан зот. Бюлоз адабиёт биржасида ҳар қандай муаллифнинг қадрини кўта-

риши ёки пасайтириши мүмкін. Париж ёзувчилари ва журналистларининг бешдан түрт қисми унга бевосита ёки бавосита қарамдир, у йирик кундалик газеталарнинг таҳририятларида бениҳоя катта эътиборга этадир. ҳамма Бюлоздан қўрқали, қаламкашлар орасида унчалик хурматга сазовор бўлмаган Бальзак Бюлоз билан ошкора низо бошлагудек бўлса, уни ёқлағ гувоҳлик беришга ёки унга кўмаклашишга журъат этадиган дўст топиши амримаҳол.

Бюлоз унинг обрў-эътиборига зарар етказишининг юзлаб усулларини топа олиши ҳақида ёзувчининг дўстлари уни огоҳлантирадилар. Бюлоз уни кулгили аҳволга солиб қўйиши, газеталардаги ҳажвчиларни унга қайраб қўйиши, ноширларта дафдага қилиши ва китоб савдогарларига зуғум ўтказиши мүмкін. Худо хайрингни берсин, ҳеч қандай жараён бошлай кўрмав – деб ёлборишади ёзувчининг ҳайриҳоҳлари.

Бироқ ижодий ор-номус ҳақида гап борганида, Бальзак ҳеч бир иккиланиб турадиган инсон эмас.

Бегона юрт – Венада у ўзининг обрў-эътиборини, айниқса, равшан ҳис этди. Унинг обрў-эътибори ошиб боришига парижлик қаламкашларнинг нафрати ва ҳасади халақит бераётганини тушунди. Бальзак ўз кучини яхши англайди; унинг кучи қудратли эканлиги, бу куч мағлубият ва таҳқирлашлар таъсирида янада мустаҳкамланиб, енгилмас бўлиб боришини билади. У айрим шахсларнинг хужумларига ҳеч қачон жавоб бермаган, уларга парво килмаган, уларни арзимас бир нарса деб ҳисоблаган эди.

Аммо сотқин, жаҳлдор ва пасткаш бутун Париж матбуотига, ана шу манфур тўдага қарши бош кўтариш ва унинг олдида якка, ёлғиз мағрур турга олиш унга мислсиз ҳузур бахш этишини билсангиз эди. У воситачиларнинг ҳар қандай уринишиларини рад этиб, Бюлозга даъво аризасини беради, ношир ҳам бажарилмаган мажбуриятлар учун муқобил даъво аризаси билан жавоб беради.

Ўз-ўзидан равшанки, бу кураш суд залидан газеталарга ва адабиётга кўчади. Бюлоз ҳамма воситаларни ишга солади. «Ревю де Пари»да Бальзакни ҳаддан ташқари бадном қиласидиган мақолалар берила бошлайди, унинг шахсий ҳаёти ҳам аяб ўтирилмайди. Ёзувчи дворянлик мартабасини қонунга хилоф

равишда ўзлаштириб олди, деб, уни ошкора айблайдилар. Унинг фариблик йилларида ўзи ва шерикликда яратган асарлари ва бошқа сирлари ошкор қилинади. Унинг қарзлари ҳақида ривоятлар тўқилади, унинг шакл-шамойили мазах қилинади. Шу пайт Бюлоз адабий лашкарни оёқقا тургизади: у ёзувчиларни бирма-бир ишга солиб, уларни хорижий газеталарга юбориш ҳамма жойда одат тусига кириб қолганлиги, бунинг учун ҳеч қандай ҳақ тўланимаслигини матбуотда тушиунириб беришга мажбур қила бошлайди. «Ревю де Пари» ва «Рев де Дё монд»лар эса, адибларга хўрак берувчи Бюлознинг жасур «суворийлари» сифатида хўжайиннинг қамчисига итоаткорона куллук қилиб, хизматга киришади.

Александр Дюма, Эжен Сю, Леон Гозлан, Жюл Жанен ва бошқа ўнлаб ёзувчилар ўз қаламкаш биродарларининг ёнини олиш, санъат аҳли сифатида ўз табақасини ҳимоя қилиш ўрнига, ўзларини Париж афкор оммасининг вакиллари деб фаҳмлаб, Бальзакка қарши декларация билан майдонга чиқишига жазм қилдилар.

Доимидек биргина олийжаноб Виктор Гюго ва, у билан бирга, Жорж Сандгина бундай шармандали ишдан бош тортадилар.

Судда Бальзак, аслида, ғалаба қозонади. Суд бутун адабиёт аҳли учун муҳим қарор қабул қиласиди. Агар ёзувчи ваъда қилган асарини ёзиб тугатиш ва муддатида топшириш имкониятига эга бўлмаса, бундан кўрилган зарарни қоплашта мажбур эмас ва Бальзак олган бўнагини Бюлозга қайтариб берса кифоя, дейилганди суд қарорида. Бу – ғалаба эди, аммо бу ғалаба жуда қимматта тушади. Бу жангда Бальзак адвокатлар, судлар ва тортишувлар билан овора бўлиб, кўп ҳафталарни зое ўтказади, бунинг устига, Париж журналистлари галасини ўзига қарши қилиб қўяди.

Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас, деганларидек, Бальзак нақадар қудратли бўлмасин, ўз кучини беҳуда сарфлади, дейиш мумкин.

* * *

Ҳар ҳолда, юридик жиҳатдан эришилган ғалаба маънавий маънода далда берди, унинг тажрибасини оширди. Унинг асар-

ларидаги қаҳрамонлар — Вотренлар ҳам, де Марселар ҳам, Растиняклар ҳам, Рюбампрелар ҳам «Кучли бўлсанг, одамлар сени хурмат қиласди», деганларида нақадар ҳақ бўлғанликларини Бальзак тушуниб олди. Қандай йўл билан бўлмасин - пул ёрдамидами, сиёсий таъсир кучи биланми, таниш-билишлар, аёллар воситасидами, қандай қилиб бўлмасин, қудратли бўлиб олди. Қурол-яроғингни ташлама, акс ҳолда, ҳалок бўласан. Мустақил бўлишнинг ўзи камлик қиласди, бошқаларни ўзингга тобе қилишни ўрганиб олмоқ керак. Шундагина одамлар ўзларининг заиф жойларини билишингни ҳис қиласдилар, шундагина улар сендан қўрқадилар, — шундагина сен уларнинг ҳукамоси ва амири бўлиб қоласан.

Бальзак шу пайтга қадар ўз муҳлислари, китобхонлари оммаси орқали ҳукмбардор бўлиш умидида эди. Аммо улар курраи заминнинг барча мамлакатларида сочилиб ётибди. Улар уюшмаган, ягона армия тарзida ташкил этилмаган. Улардан ҳеч ким қўрқмайди, улар ҳавас уйғотади, холос. Ўн минглаб, юз минглаб китобхонларнинг бу машмашалардан асло хабари йўқ. Улар Париж афкор оммасини лақиљатиб, бебошлиқ қилаётган қирқ-эллик кишилик тўдага қарши чиқишида ёзувчи билан ёнма-ён, елкама-елка тура олмайди. Шу сабабдан, Франциянинг энг машхур, унинг ўзи англалича, энг буюк ёзувчиси мустақилликка эришиш йўли билангина барча муаммони бир ёқли қилиш вақти келган эди. Энди Бальзак газета нашр қилиш орқали ўз мавқенини мустаҳкамлашга, шу тариқа ўзларининг қаппайган ҳамёнларига таяниб, ёзувчининг йўлини тўсаётган, афкор оммани гиж-гижлаётган манфур шарҳчилардан ўч олишга қарор беради. Ниҳоят, Бальзак уларнинг адабини бериб қўйишга жазм қиласди.

Шу кезларда Парижда 1834 йилдан чиқа бошлаган «Кроникл де Пари» («Париж хроникаси») газетаси ночор аҳволга тушиб қолғанлигини эслайди; у ҳафтада атиги икки марта чиқар ва аслида, газетхонлар эътиборидан четда қолиб кетган эди. Газетача ҳаддан ташқари сийқа, қуруқ хабарларни босишдан нарига ўтмасди, Бальзак бу ҳолдан асло жирканмай, уни қўлга олишни ихтиёр этди. Молиявий негиздан маҳрум бўлган бу нашрнинг ҳар бир сони зўр-базўр чиқарилар, ҳеч кимни қизиқтирумас, эъти-

борни тортмас эди. Буларнинг ҳаммаси Бальзакка тўсиқ бўлолмасди. Унинг ишончи комил: Бальзак ҳамкорлик қилиб, ўз асарларини бостира бошлаган газета дарҳол жонланиб кетади. Ниҳоят, сиёsat майдонига чиқиш учун қулай узанги эмасми, бу! Зеро Бальзак сиёsat борасидаги ҳамма мағлубиятларга қарамай, ҳалиям депутат бўлиш, Париж мэри, министр бўлишни орзу қиласди, ҳалиям таъсирчан сиёсий ҳокимият ҳар қандай бўронлари ва кулфатлари билан бўлса ҳам, уни ўзига тортарди.

«Париж хроникаси»нинг бадали ҳеч қанча пул турмайди.

Бальзак компанияяга ўхшашиб бир ташкилот тузиб, унга ўз тарафдорларини жалб қила олди. ҳар ҳолда у мазкур «бениҳоя машиқатли ишда ўзига хос умидворлик билан зиммасига жуда оғир мажбурият олди, бундан бўён газета нашр этиш ҳаражатларининг ҳаммасини тўлайдиган бўлди. Шартнома тузилиши биланоқ, Бальзак зўр куч билан ишга киришиб кетади. Унинг атрофида дарҳол истеъдодли ёш ёзувчилардан таҳририят штаби ҳосил бўлади, лекин улардан биттаси – Теофил Готье унга умрбод дўст ва ҳақиқий маслақдош бўлиб қолади. Бальзак котиблик лавозимига ёш зодагонлардан маркиз де Беллуа билан граф де Грамонни таклиф қиласди. ҳали ҳовурдан тушмай, илҳоми жўш уриб турган пайтда Бальзак бутун газетани бир ўзи тайёрлайди: сиёсий, адабий ва мунозаравий мақолалар дейсизми, олди-қочдилар дейсизми, ўзи ёзади, бундан ташқари, ўзининг янги яхши ҳикояларини шу ерда эълон қиласи. Газетанинг 1836 йил январида босмадан чиққан дастлабки сони унун бир кечада ҳикоянавислик санъатининг дурдонаси бўлган «Даҳрийнинг ибодати»ни ёзади. Шундан кейин кетма-кет «Васийлик ҳақидаги иш», «Осори атиқалар музейи», «Фачимо Кане», «Ecce homo!», «Сирли заҳматкашлар» ҳикоялари эълон қилинади. У кеча демай, кундуз демай ҳар қандай вақтда таҳририятга тўсатдан кириб келиб, ўз ходимларини синаш, руҳини кўтариш, илҳом беришдан эринмайди. У ўз қурратини намойиш этиш ва, эҳтимол, кимларданadir ўч олиш ниятида улкан реклама ёрдамида бир сакраб, ҳамма газеталардан ўзиб кетишга интиларди.

10, 14, 17, 22, 24, 27-январ кунлари ўзининг Рю Кассини кўчасидаги уйида зиёфат беради, унда майлар дарёдек оқади, бу

зиёфатларга энг яқин ходимларини таклиф этади. У уйининг ижара ҳақини тўлаш муддагини икки марта ўтказиб юборганига, уй эгаси ундан суд орқали 473 франк 70 цент пул ундириб олганига қарамай, ана шундай, маишатбозликлардан қайтмайди. Бальзакнинг хом хаёлларига кўра, бу сарфу ҳаражатлар кейинчалик юз ва минг фоиз ортиғи билан қайтиб келиши лозим эди. Париж аҳли бу газетага қизиқиб қараганлиги уни мутлақо сархуш қилиб кўяди, шу тариқа, у газетанинг биринчи сони чиққанидан кейин бирмунча бевақт ғолиблик наърасини тортади.

«Париж хроникаси», – деб ёзади у Ганская хонимга, – менинг бутун вақтимни олмоқда, мен кунига атиги 5 соат ухлайман, аммо сизнинг ишларингиз ва Ганский жанобларининг ишлари яхши бораётган бўлса, менинг ишим ҳаддан ташқари яхши бораяпти дея оламан. Обуначиларнинг сони ақл бовар қилмайдиган тарзда кўпайиб бормоқда, менинг газетадаги улушим бир ойда 19 минг франкка етди».

«Париж хроникаси»даги ана шу улуш – 19 минг франк ҳам нақд эмас, фақат унинг орзу ва умид биржасида мавжуд эди, унинг қўлига тегиши-тегмаслиги даргумон эди.

Бальзак ўй-хаёлларида ўзини Парижнинг амбардори деб ҳис қилас эди. Гёё тез орада Бюлоз унинг ҳузурига эмаклаб келиб, «Париж хроникаси»ни тарк этиб, менинг хизматимга ўтгин, бунинг эвазига юз минг франк бераман деб, пулни узатиб тургандек эди. ҳозирча уни мазах қилиб, душманлик кўзи билан қараб турган қаламкаш биродарлари унга ҳайриҳоҳлик билдириб, нуфузли газегага яқинлаштиришни илтижо қилиб тургандек эди. Министрлар билан депутатлар де Бальзак жанобларининг сиёсатини ўз сиёсати деб, қабул қилишга мажбурдек эди, аммо, минг афсуски, ҳалиги шоша-пиша газетага ёзилаётган обуначилар – Бальзакнинг пуч хаёлотидаги кишилар бўлиб, касса ҳисботлари жуда оз рақамларни кўрсатар эди. Бальзакчалик даҳога эга бўлмаса ҳам, бирмунча узоқни кўрувчи бошқа пайчилар ўз улушларини аста-секин пуллай бошлайдилар. Охири, Бальзак ҳам ўз улушкини дастлабки баҳосининг бир қисми эвазигагина сотишга мажбур бўлади, у иш юришмаётганини пайқashi биланоқ аввалги илҳоми уни тарк этади.

Таҳририят унга зерикарли кўрина бошлайди, ходимлар ва қасбдошларга онда-сонда кўринадиган бўлади, таҳририят ишида тобора камроқ қатнаша бошлайди. Бальзакнинг бу иши ҳам ўша йилнинг ўзидаёқ барбод бўлади ва қарз юки баттар оғирлашади. Олти ёки саккиз ойлик телбаларча сарфлаган қуч-файратлари Бальзакнинг бойлигига бойлик қўшмайди, эски қарзларини камайтиrmайди, балки уларнинг ёнига яна 40 минг франк янти қарз қўшади. Шундай бўлиши ҳам табиий эди.

Куч-файратини беҳуда сарфлагандан кўра, ер юзини сайр қилса, ойлаб ҳеч бир иш қўлмай ҳузур-ҳаловатда ҳордиқ чиқарса, ўз пулларидан яхшироқ фойдалантган бўлар эди, аммо бу унинг охирги ножёя уриниши эмас эди. Бальзак ҳар сафар ўз соҳасидан четга чиқса, унинг даҳоси ва ақл-идроқи ҳаракатдан тўхтар эди. Ўз диёридаги баҳодир ўзга ҳудудларга ўтган ҳамоно кулгили япасқига айланиб қоларди. Кечагина: «1836 йилда бойиб кетаман» деган одам, бир неча ойдан кейин: «1836 йилда мен 1829 йилдан нари ўтганим йўқ» деб тан олишга мажбур бўлди.

Бюлозга қарши суд жараёни, «Париж хроника»сининг барбод бўлиши – буларнинг ҳаммаси ана шу машъум йилнинг айрим ҳодисалари, холос, бу йилнинг деярли ҳар куни унга янги-янги ноҳушлик келтиради.

Бальзак бирмунча ҳордиқ чиқариб олмоқ учун ўз ҳисобидан «Шўхчан ҳикоялар»ининг янги нашрини бостира бошлайди. Китобнинг табоқлари тайёр бўлса ҳам, китоб ҳолига келтирилмаган пайтда босмахона омборида бехосдан ёнғин чиқади ва унга совуқ сувдан ҳам зарур бўлган уч ярим минг франк ёниб кулга айланади.

Бальзак қарзини қистаб келганлардан қаерга қочишни билмайди. У Рю Кассинидаги уйи эшикларини тақа-тақ беркитиб, тунда энг қимматбаҳо мебел ва китобларини олиб, Рюде Батай кўчасидаги янги уйга кўчиб ўтади, бу уйни Дюран деган тул хотин номига ижарага олади. Рю Кассинидаги каби, бу ерда ҳам пинҳона зина бўлиб, суд ижрочиси ёки бирор-бир шилқим уйга кириб қолса, у шу зина орқали яшириниши мумкин эди. Аммо «Бева Дюран» эшикларига киришнинг ўзи осон эмас эди. Теварак-атрофидаги ҳамма нарсага сеҳрли тус бериш эҳтиросига бо-

лаларча берилганды Бальзак доимий ўзгариб турувчи пароллар ти-
зимини ихтиро қылады. «Сезам, очил!» деган сүзларни айтган ки-
шигина уч қатор түсікден ўтиши мүмкін зди. Унинг дўсти Готье
кейинчалик ҳикоя қилишича, сеҳрли тул хотин Дюран ҳузурига
тегишли кунда кирмоқчи бўлсангиз, баджаҳл қоровулга «Олхўри
пиша бошлади» деб айтиш керак экан. Шундан кейингина у меҳ-
монни остонаядан ўтказар экан, аммо бу биринчи қадам экан.
Зина охирида Бальзакнинг энг ишончли хизматчиси турар экан.
Унинг қулогига хўroz товушига ўхшатиб, «мен Бельгияча тўр кел-
тирдим» дейиши керак экан. Эшик ёнига келиб, «Берtrand хоним
соғ-саломатлар» деган учинчи поролни айтган кишини тул хотин
Дюран ўрнига Оноре де Бальзак жилмайиб кутиб олар экан.

Бальзак ўз романларида баён этган барча ажабтовур най-
ранглар: иккинчи ва учинчи шахслар номига қайта ёзилган
векселлар, суд белгилаган муддатни узайтириб, почтадан
қочиш, судга чақирилишдан қтулиб қолиш учун ишлатилган
хийлалар, кредиторни ўзига йўлатмайдиган айёриклар, чин
санъат даражасига кўтарган қувликларни ёзувчи ўз ҳаётида
синааб кўрган, унинг қонунларни миридан-сиригача билиши,
унинг нозик устамонлиги ва таптортмас довюраклиги кун са-
йин янги-янги ғалабалар қозонарди. Унинг векселлари но-
ширлар, судхўрлар, банкирлар қўлида – ҳамма жойда айланав-
ерарди. Парижда биронта суд ижроиси йўқ зди, жаноб Оноре
де Бальзакнинг мол-муғини хатлаш унга топширилмаган
бўлсин. Аммо улардан биронтаси Бальзакдан пул ундириш у
ёқда турсин, у билан бегма-бет учрашишга эришолмайди.

Лекин Бальзак калондимоғлик, эҳтимолки, шумлик қилиб,
барча кетига тушганларни жигита тегиб, қонунларга ошкора
қарши ҳаракат қиларди, янги ҳокимиятни ҳам ўзига ўчакиши-
тириб қўйган зди. Эндинина эълон қилинган фармонга биноан
ҳар бир фуқаро миллий гвардияда муайян вақт хизмат қилиши
керак. Бальзак бу мажбуриятни тан олмайди. Саботли легити-
мист¹ бўлган Бальзак учун буржуй қирол Лун Филипп – узур-

¹ Легитимист – 19–20 асрларда Фарбий Европа, асосан Францияда давлат тузумининг беш тамойили ҳокимиятнинг наследдан-наслга мерос бўлиб ўтишидир, деб ҳисоблайдиган сиёсий йўналиш тарафдори.

патор² бўлиб, унга буйруқ беришга ҳаққи йўқ. Бундан ташқари, Бальзак ўз вақтининг зое ўтишига ачинади ва бутун дунё босмахоналари, газеталари, ноширлари унинг янги китобларига муштоқ бўлиб турган бир пайтда ҳарбий кийим кийиб, қандайдир бурчакда милтиқ ушлаб туришни ўзига номуносиб деб ҳакли равишда ҳисоблади. Эҳтимол, Бальзакдек ҳурматли ва машҳур адабни бу мажбуриятдан халос этиш учун тинч йўл билан келишиш ёки бирон бошқа илож топиш мумкиндири, аммо Бальзак ҳеч қандай муросага боришни хоҳламайди. У чақириқ қофозларига умуман жавоб бермайди. Уни ўз фуқаролик бурчини ижро этишга уч марта таклиф қиласидар, бу таклифларга эътибор беришни истамаганлиги сабабли милтий гвардиянинг ижроия комиссияси уни саккиз кун қамашга хукм қиласиди. Бальзак шу қадар кучли хаҳолаб қуладики, қорни лопиллаб кетади! Нақадар сурбетлик! Бальзакка ҳарбий таълим беришармиш-а! Европа адабиётининг маршали уларнинг пилта милтигини кўтариб машқ қилмагани (ҳарбийча қадам ташлаб юрмагани) учун уни авахтага ташлар эмишлар! ҳа, майли, уриниб кўриша қолишин! Хизматдан мутлақо бош тортган фуқарони тутиб келиш топширигини олган полиция билан мушук-сичқон ўйнаш унга завқ беради.

Уни қўлга олишақолсин! Уни ҳали топиш керак! Зар уқали галварслар уни тутишга ақдлари етмаслигини кўриб қўйсинлар.

Бальзак изловчилар кўзидан бир неча ҳафта ғойиб бўлади. ҳокимият эгаларининг югурдаклари Рю Кассинидаги уйга кунига неча марталаб зир юргурганликлари бекор кетади. Доимо Бальзак жаноблари саёҳатни ихтиёр этган бўладилар, қачон, қаерда тўхташлари маълум эмас, ҳолбуки эрталабдан Бальзак ўз ноширларидан бўнак олишга боради ва кечкурун эса, итальянча операда пайдо бўлади. У йўқлигига мўйловдор қонун посбонлари неча марта келиб, кетганини содик малайидан эшитиш унга қанчалар завқ беришини билсангиз эди, пинҳона эшик ортида туриб, ўша тўнкаларнинг тутқич бер-

² Узурпатор – ҳокимиётни ёки бировнипг ҳукуқини қонунга хилоф равишида тортиб олган шахс.

майдиган одамни фижиниб суриштиришларини эшитиш бундан ҳам завқли эди! Бундай икир-чикирлар унинг навбатдаги романига сайқал ва алганга баҳш этарди. Дарҳақиқат булар Вотрен ва Паккарнинг Корантен, Пейрад ва бошқа полиция исковучлари билан курашини тасвирлашда унга илҳом беради. Аммо кунлардан бири – 27 апрель тонгида қирол Луи Филипп ғалаба қозонади: Бальзак деразаси остида неча соат миҷжа қоқмай пойлаган икки айғоқчи кўмагида полиция комиссари Рю Кассинидаги уйга бостириб киради ва орадан ярим соат ўтгач, таниш яшил карета (файтон) уни «Отель де Базенкур» деб атаган полиция қамоқхонасига олиб кетади. Бальзак белгиланган муддатни ҳибсда ўтказишга мажбур бўлади ва ана шунинг ўзи ёзувчининг севикли ватанидаги ижтимоий салмоғи нақадар пастлигидан далолат беради.

Хориждаги ҳамма казо-казолар танишишни орзу қиласидиган инсон, барча элчихоналарда эъзозланиб қабул қилинган инсон, Европа дипломатиясининг сultonи Меттерних ўз уйига таклиф этаётган инсон – Бальзак 27 апрелдан 4 майгача полиция қамоқхонасида ўтириши, иззат-икром қилинишни хаёлига келтирмаслиги керак. У каттакон залда, бақириқ-чақириқ билан карта ўйнаётган, авом халқ орасидан тутиб келтирилган гуноҳкорларнинг алжирашларини эшитиб ўтирибди. Уларнинг аксарияти фуқаро гвардияси учун икки иш кунини қурбон қилишни хоҳламаган ишчилар эди: бундай қилганларида маошлари камайиб, хотин. бола-чақалари оч қолган бўлар эди. Бальзак бир амаллаб стол ва стул келтириб беришларига эришди; энди у теварак-атрофдагалар билан иши йўқ. У ўзининг фақирана қулбасида бўлгани каби китоб корректураларини ўқишга шўнгийди. Кайфияти асло бузилмайди. Ганская хонимга ёзган хатида бу воқеаларни кула-кула тасвирлаганидан буни билса бўлади. ҳа, уни қулфлаб қўйдилар, аммо бу унинг иззат-нафсиға асло тегмайди, аксинча, унинг ҳажв қопини очиб юборади. Саккиз кунгача уни давлатнинг ўзи кредиторлар ва суд ижро-чиларидан маҳкам қўриқлаб турганлиги унга ёқиб тушди. Бутун умр ишнинг кули бўлган, қарздан боши чиқмайдиган ва исковичлар қувиб юрадиган ёзувчи «Отель Набабо»дан ҳам

ёмонроқ қамоқхонага кўнишиб қолган эди. Озодликка чиқгудек бўлса, яна курашга киришиши, ҳар куни, кечаю кундуз курашиши керак бўлади.

Бальзак ана шундай қақшатқич зарбаларга ярим йил бардош беради. Аҳён-аҳёндагина инграш товушлари эшитилади:

«Мен ҳаром ўлай деяпман, дирдов отдек лоҳасланиб қолдим».

Унинг темир танасига биринчи бор огоҳлантирувчи сигнал берилди. Бальзакнинг бош айланиш дарди хуруж қилди. Содиқ шифокори ёзувчига ўзини авайлашни маслаҳат беради. У икки-уч ой қишлоққа бориб дам олиши керак. Бальзак бу яхши маслаҳатга қисман бўлса-да, итоат қиласиди. У она юрти Туренданги дўсти Маргонна ёнига, эски кулбасига жўнайди. Аммо у ерда доктор Наккар буюрганидек дам олмайди, балки ҳар қачонгидан ҳам шиддат, ҳафсала билан ўлар-тириларига қарамай, ишлай бошлайди. Бальзакни ночор аҳволдан чайқовчилик ҳам, молиявий битишувлар ҳам, бой хотинга уйланиш ҳам кутқара олмаслигига, унинг бирдан-бир ва ҳақиқий қисмати – санъат эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиласиди. Санъаткорга шифо бўладиган шундай бир восита борки, врач уни бошқа беморларга буюра олмайди. Санъаткор ва фақат санъаткор ижодга берилиш орқали ҳар қандай ташвиш ва машаққатларни енгигб ўтиши мумкин. У ўзининг аччиқ тажрибасини жозибадор образларда гавдалантириши ва шафқатсиз ҳаётий заруратни ижодий эркинликка айлантириши мумкин. Бальзакнинг иродаси ишга киришадиган бўлса, доимо мўъжиза рўй беради. У икки ишни бажаришим керак деб аҳд қиласиди: «Мен сўнгги шартномамни бажаришга ва яхши китоб ёзишга мажбурман» дейди. Бальзак унисини ҳам, бунисини ҳам уддалайди. У доимо зарурат қистови остида яхшироқ ижод қиласиди. Бир ҳафтада у «Пучга чиққан орзулар»нинг сюжетини хаёлида пишигади ва унинг биринчи қисмини ёзиб тутгаллади.

«Мен бутун кучимни бир жойга жамлаб ишладим, суткасига ўн беш соатлаб ёздим. Мен қуёш билан бирга уйғониб, тушгача оғзимга қора қаҳвадан бошқа ҳеч нарса олмай ишладим».

Бениҳоя шошқалоқлик билан ёзилган айни шу китоб унинг

энг зўр асари бўлиб қолади. «Пучга чиқсан орзулар» – даврнинг манзарасини шу қадар рўйиростлик билан ва ҳаётий камчилик билан очиб берганки, ҳалигача француз адабиёти бунақа асарни кўрмаган эди. Шу билан бирга, унинг ўз шахсияти бениҳоя теран ва шафқатсизларча таҳлил этилган. Зеро, Бальзак бу китобдан икки образни яратиш орқали ўзига талбчан, ўзига ва ижодига садоқатли бўлган ёзувчи қандай инсон бўлиши кераклиги ва мумкинлигини, агар у бир лаҳзалик ва пуч шуҳратга берилса, нақадар тубан кетишини кўрсатиб беради. Айни вақтда, Бальзак ўз табиатининг иккинчи бўлагини: ҳузур-ҳаловатига, исрофгарчиликка берилган пулнинг қули бўлиб қолган, қайта-қайта майда шуҳратпарамастликка майл кўядиган ва зеб-зийнатларга ҳирс қўйган инсон руҳи борлигини англайди.

Мана энди, Бальзак ўзини чиниқтириш учун ўз санъатини бир дамлик муваффақиятга хизмат қилдиришга тайёр турган ёзувчи бошига тушиши мумкин бўлган ҳавф-хатарни ўз кўзи билан кўриши учун, матонат кўрсата олмаган ва нафс балосига берилгач, ўзини тўхтата олмайдиган адиб қиёфасини тасвирлаб, ўзига ибрат қилиб кўрсатгандек бўлади. У яратган қаҳрамоннинг исми шарифи Люсьен де Фюбампре бўлиб, асли исми Шардон, у ҳам Бальзакка ўхшаб дворянликни даъво қиласиди, ёш ҳаваскор бир дафтар шеър тўқиб (Бальзакнинг «Кромвелли») ўз истеъоди билан муваффақият қозониш умидида Парижга келади. Тасодифан баҳти чопиб йигитлар тўтарагига киради. Бундаги йўқсил талабалар Лотин кварталидаги чордоқларда ўз йўлини эндиғина бошлаётган, умидларини рўёбга чиқариш учун ҳар қандай жабр-ситамларга тайёр турган йигитлар эди. Франциянинг бўлғуси фаҳр-иiftихори эди улар. Улар Лук Ламбернинг дўстлари: шоир д'Артез, врач Бъяншон, файласуф Мишел Критъен. Уларнинг ҳаммаси келгусида буюқ ишлар қилишга қасам ичган ва икир-чикир муваффақиятларни писанд қилмайдиган йигитлар эди. Даниэл д'Артезнинг кучли характеристери ва мағрур сабр-тоқатида Бальзак ўзини тасвирламоқчи бўлган. Д'Артез туфайли Люсьен д'Любампрени соф ва ҳалол йигитлар даврасига қабул қиласидар.

Бироқ, ўз дўстларининг маънавий аслзодалигига содиқ қолиш ўрнига, Люсъен руҳий тузоққа тушиб қолади. У Сен-Жермен қўргонидаги зодагон аёллар орасида шуҳрат қозониш имкониятини излай бошлайди. Люсъен тез муваффақият қозонишга ошиқади, пулга, мақтовларга, аёллар муҳаббатига, сиёсий қудратга эришишга интилади, шеърлари туфайли ниятига эриша олмагач, журналистикага сотилади.

Бальзакка ўхшаб Люсъен ҳам ўз истеъодини енгил-елпи, арзимас ва юзаки мақолалар ёзишга исроф қиласди. У нафис адабиёт фабрикантлари қуршовига тушади, афкор омманинг югурдагига айланади, газета корчалонларининг қўшмачиси ва ўйнаши бўлиб қолади. У адабиёт ботқофидаги сон-саноқсиз пуфаклардан бири бўлса-да, бир лаҳзалик муваффақият туфайли афкор омма кўзи ўнгидан бўй-бастини қўрсатгандек бўлади, ҳақиқатда эса, манфаатпарастлик ботқофига тобора чуқур ботиб борарди. Газетада кулларча меҳнат қилган йилларда орттирган бутун тажрибасини тўплаб, журналистлар тўдасининг нафратига учраганида чеккан аччиқ аламларини ичига ютади. Бальзак афкор омма, Париж театрни, Париж адабиётининг бутун сир-асрорларини очиб ташлайди. Юзаки қараганда одамлар бир-бирини қувватлагандек туюлса ҳам, аслида бир-бири билан пинҳона ва хиёнаткорона адоватда бўлган шалоқ дунёning астар-аврасинит ағдариб ташлайди.

Ўша замондаги Париж ва бир ҳовуч кишилар тасвиirlана-диган бир лавҳа сифатида режалаштирилган «Пучга чиққан умидлар» барча замонларга хос бўлган кенг қўламли манзара тусини олади. Фахр-ифтихор ва қаҳр-ғазабга тўлиб-тошган бу китоб огоҳлантирувчи асадир. У тоқатсизлик ва суллоҳлик гирдобига тушмасликка, ҳар қандай машаққатларга учраганда ҳам бардош бериб, забардаст бўлиб чиқишига даъват қиласди. Бальзак боши узра булутлар тўпланганда, ҳар сафар ичичидан ҳақиқий мардлик кучини топади ва аянчли ҳаётий фалокатлар пайтида ўзининг энг самимий ва улуғвор асарларини яратади.

ИТАЛИЯГА САЁХАТ

Бу хосиятсиз 1836 йилни Бальзак Ганская хонимга ёзган хатларида тасвиrlаган, ўзини-ўзи фош қилишдан завқ олиб, эҳтирос билан берилиб тасвиrlаган. Суд мажлислари, даъволар, мол-мулкининг хатланиши, абгорликлар, кети узилмас машақатлар, қамоқхонада ўтказилған соатлар, ижод зиндонаida ўтказилған сон-саноқсиз соатлар!

Шундай бўлса-да, чеккан ранж-аламлари ва дил сиёҳликларининг ҳар ҳаftалик рисоласини олисдаги маъшуқасига икир-чикирлари билан ёзганлиги бошқа бир нарсани, жуда муҳим ҳолатни яширишга мўлжалланган бўлса, ажаб эмас, деган шубҳа-гумон ўз-ўзидан туғилади. Бальзакнинг ақл бовар қилмайдиган, фақат унинг ўзигагина хос бўлган сабр-бардоши кишини ажаблантиради. Зеро, у чиндан ҳам қўз-кўрмаган, қулоқ эшитмаган алам-ситамларга мубтало бўлган, кундалик дардисар ишқалликлар ўтида қовурилган айни шу йилда ўзининг бешта чинакам дурдона асарини қандай қилиб яратди экан, бунинг устига пинҳона, ишқий саргузаштларни ҳам бошдан кечиришга ултурған. Бальзак ўз ҳаётини рўйирост, очик-ойдин тасвиrlаганига ишониш қийин. Унинг ёзганларига ишонадиган бўлсак, Бальзак кўз ўнгимизда абадий мардикорлик қилган, дам олишга ажратилган қисқа соатларда, нақадар ҳолдан тойган бўлса ҳам, фикр-хаёлларга берилган инсон сифатида намоён бўлади. ҳақиқатда эса, меҳнат ва ташвишлар орасидаги қисқа дамларда у ҳаётдан ҳузур-ҳаловат олади. Ана шундай ҳашамга ўч ва хаёллараст одам тарзида бемалол мириқиб ҳузур қиласди. Бальзакнинг энг нозик сирини билмай туриб, унинг инсоний туриш-турмушини англаб бўлмайди. У ҳар қандай ҳаётий машмашаларга қарамай, ўзига бениҳоя ишонади, тақдир зарбалари деб аталган ҳамма аламларга ажабтовур тарзда бепарво қарайди. Унинг қалвидаги энг махфий, энг

эзгу моҳият, эҳтимол, шундан иборатдирки, у кундалик фалокатларга сира парво қилмайди, боз қутуриб ўқираётган денгизни соҳилда қандай завқланиб томоша қилганимиз каби, у ҳам турмуш бўронларига қизиқиш билан қиё боқиб қўяқолади. Эрта ё индин суд ижрочилари эшикни тақиллатиб, бир неча юз франк қарзини қистаб туришини аниқ билса ҳам, Бальзак талаб қилинаётган ва ёнида бўлмаган ана шу бир неча юз франкка заргардан мутлақо кераксиз ўйинчоқни сотиб олаверади. Ўша машъум 1836 йилда қарзлар бир юз қирқ минг франкка етган ва тушлик тамадди учун чевар ёки табибдан қарз олишга мажбур бўлишига қарамай, пул совуришга устаси фаранг бўлган ёзувчи «Бальзак жанобларининг жасорати» деган машҳур асо ёнига залворли гурзи буюради, (мадам де Жирарден бу ҳақда бутун бир роман ёзади), олти юз франкка каркидон суюгидан ишланган дасталик яна бир ҳасса ҳам ясатади. Айни вақтда бир юз тўқсон франкка олтин қаламтарош, бир юз ўн франкка картмон, тўрт юз йигирма франкка занжирча харид қиласи, хуллас хозиргина хорижий бойваччанинг ҳамёнини қоқиб олган таннозгагина ярашадиган буюмларни сотиб олаверади. Бальзак вужудида яшовчи сирли қаршилик кучли доимий товон талаб қиласи. Унинг қарзи нақадар кўпайса ҳам, хаёл билан ҳашамдорликка зеб бераверади, мутлақо кераксиз қимматбаҳо матоҳларни йифаверади. Вазият мashaққатлари унинг гарданига оғир юк бўлиб тушган сари, ундаги қувонч руҳи (бамисоли барометрдаги симоб каби) баланд кўтарилаверади. Қарз юки оғирлашиб боргани сайин ундаги яшаш гашти баттар кучаяверади. Мана шундай қарама-қарши ҳолат бўлмаса, у ҳаётни маъносиз деб ҳисблайди.

Ана шундай қарама-қаршилик туфайли ҳаёт нашъаси улуғлашиб боради. Бамисоли вулқон ваҳимали отилиб чиққани каби портлашлар ва лава отилишларидагидек унинг эҳтирослари ўзига эрк олади.

1836 йилда «у бениҳоя танг аҳволга тушиб, қуёш жазира масида қорайган ва даҳшатли момақалдириқлар оғушида қол-

ган бир пайтда Бальзакнинг ҳашамдорлик ҳирси ва ҳаёт пўртнасидаги ҳис-ҳаяжони, айниқса, серҳосил бўлади. Масалан, у олисдаги Верховнаяда яшаб турган маъшуқаси Ганскаяга ёзган хатида гўё янада ёлғизликда яшаш умидида Кассилни кўчасидаги уйдан ташқари, яна қандайдир «чордоқни» ижарага олганини айтади, ҳатто энг яқин дўстларидан ҳам яшириниб, чарчаган, қартайган, соч-соқоли оқарган гўшанишин ҳолатида кун кечираёттанини айтади! «Бу кулбани ҳеч ҳам, ҳатто туғишганларим ҳам топа олмайди», деб ёзади у ҳижронга солган севгилисига.

Ҳақиқатда эса, Бальзак ўз дўсти Жюл-Сандодан ноиложликдан ижарага олган ана шу чордоқ, ана шу кулба бениҳоя ҳашамдор уй эди, уний безатиш учун бу исрофгар ҳеч қандай сарфу харажатдан қайтмайди, гарчи Кассини кўчасидаги уйида тўрт хона учун етарли мебел бўлса ҳам, энди Капуцин хиёбонидаги уй учун бемалол ҳамма нарсага қайтадан буюртма берилади. ҳатто садоқатли хизматкори Огюст зар уқали ҳаворанг либос билан камзул (олади, бунинг учун Бальзак уч юз олтмиш саккиз франк тўлайди ёки тўғрироғи қарздор бўлади. Машҳур ёзувчилардан кўра бойвачча хонимларга муносиб бўлган ҳашаматли қабулхона ана шу ажабтовур кулбанинг гултожи эди. Бироқ қалаштириб ташланган қимматбаҳо буюмлар, нозик бўёқларнинг ҳавасни қитиқловчи жозибаси Бальзакка илҳом беради. У «Тилла қош қиз»да тара лабедодчиларнинг шу маконнни жуда аниқ тасвирлайди: «Қабулхона бамисоли икки бўлимдан иборат эди: бири нимовал шаклдá, иккинчиси чорси шаклида эди. Деворлардан бирининг ўртасида оқ мармардан ясаб, тилла суви юритилган камин ялтираб турарди. Бу хонага қимматбаҳо гилам парда ортидаги ён эшикдан кириларди. Тақасифат айвончада асл турк дивани, жўнроқ айтганда, полга солинган кенг тўшак ётарди. Диван саҳни эллик фут келарди, у устига оқ кашмир қопланган қора ва қип-қизил шойи кокиллар билан безалган эди. Бу каттакон тўшакнинг суюнчиғи нақшин бўлиб, унга кўпроқ жозиба берар эди». Шундан кейин ёзувчи ўз асарида ўша «кулба»нинг бошқа хоналари ҳиндистон ва Эрон-

дан келтирилган қимматбаҳо матолар, зеб-зийнат буюмлари ва мебеллар, шойилар билан нақадар безатилганлигини завқшавқ билан тасвирлайди.

Ҳаётда Бальзак ана шундай ҳашамдорлик ва зеб-зийнатларни илҳом манбай деб эмас, балки уларни ҳаётий зарурати деб билади, чунки у бўялмаган ҳар қандай курси ёнида ҳам илҳом билан ёзаверади. Дўсти Фонтаннега мақтаниб, шу ҳашамларни, «машхур оқ канаме»ни кўрсатар экан, одатда, нақадар камсуқум бўлмасин, ним ҳазил оҳангда тўсатдан шундай иқрор қиласди:

«Мен олиймақом ходимни қабул қилмоқ учун мана шуларни муҳайё этишни буюрдим, ўша нозанин учун менга чиройли мебел керак эди, чунки у бунга одатланиб қолган. У мамнун бўлганини сенга хурсандчилик билан айта оламан».

Аммо серҳафсала Фонтанне бу гапни шу заҳотиёқ кундагига ёзиб қўймаганида ҳам янги уйнинг қиёфасига қараб, аслида бу ишлар нима учун қилинганини билиб олардик. Бальзак олифталарча ясан-тусан кийина бошлар экан, кимнидир севиб қолганлиги шундоққини сезилиб турарди. У роҳатбахш янги маконига янги мебеллар олар экан, ҳамиша ҳам маъшуқасини кутаётган бўларди, унинг хурсандчиликлари ҳам, ташвишлари ҳам доимо катта пулга тушар эди.

Чунончи, бир вақтлар у файтон сотиб олиб, извошчи ёллаганида герцог қизи Деконстритга ёқиш пайига тушган эди, унинг биринчи канамени худди шу нозанин учун сотиб олган эди. Берни хоним учун Рю де Маредаги ётоқхона янги мебеллар қўйиб безатилганди. У Женевада турганида Ганская хоним учун бир талай қўлқоп ва лаб бўёқ юборишларини сўраган, Венага йўл олаётганида шахсий файтон сотиб олган эди. Шундай қилиб, бошқа ҳамма нарсалардан ташқари, яна бир ғаройиботга дуч келамиз. Бальзак «севикли рафиқаси»га абадий содиқлик қасамини ичган йилнинг ўзида у бошқа бир аёлни севиб қолади, у илгари ҳеч қачон бу қадар қаттиқ севмаган эди. Ўша йилнинг ўзида у ҳамма хатларида ахлоқий софлик туфайли тортган азобларини тасвирлагани-

да, бошқа жүшкін шиддатли муносабатларга кирган эди. «Бирдан-бир» севгилісігі түлиб-тошиб битган ва бутун авлад әнтикиб ўқыган муҳаббатномаларни у ишкій яқинликдан аввал ва кейин ёзған эди.

Бальзак ҳаётида пинҳона бўлса ҳам, жуда катта рол ўйнаган ана шу янги маъшуқа билан танишув, нақадар файритабиий туюлса ҳам, Ганская хонимнинг бевосита иштироки туфайли содир бўлган эди.

Ганская хоним Женевадан жўнаб кетиш олдидан, эҳтимол тутилган рафиқага Австриянинг Париждаги элчиси Аппонъайнинг рафиқаси номига ёзилган тавсияномани топширади. Шунда Бальзак нақадар банд бўлишига қарамай, ўзига хос зодагонсифат бўлганлиги учун, маликалар — княз қизлари ва граф қизлари билан мулоқот учун ҳамиша вақт топар эди. Алҳол у элчихонага ташриф буюради.

Бу ерда 1835 йили ўтказилган киборлар зиёфатларидан бирида у ўттиз ёшлар чамасидаги, бениҳоя гўзал, дўмбоқ, малласоч аёлга назари тушади, бу аёл ўзининг жуда хушчақчак ва эркин тутар эди. Аёл ҳеч бир нозланмай ўзининг очиқ елкаларини кўз-кўз қилас, назокат ила ўзини мағрур тутар эди. Аммо Бальзакни мафтун қилган нарса аёлнинг гўзаллигигина эмас эди. Бальзакнинг қизиқишлири доимо паст табақа кишиларига хос эди. У ҳамиша ижтимоий аҳволга эътибор беради. Аёлларнинг киборларча исми шарфларини уларнинг шахсиятидан анча юқори қўярди. Бальзак чет эллик аёлнинг кимсан графиня Гвидобони — Висконти эканини билиши билан ноқ ишқ ўтида ёна бошлади! Висконтилар Милан герцогларидан эди. Гвидобони эса, Италиянинг энг аслзода киборлари оиласаридан биридир. Бинобарин, Уйгонош даврининг ана шу номдорлари шажараси ҳатто Ржевускийлар насабномасидан юқори туардиди. Бальзак бир зумда абадий садоқат ҳақидаги ҳамма олий қасамларини унутиб, бутун вужуди билан аслзода соҳибжамолга яқинлашади.

Дарвоқе, тузукроқ зеҳн солинганида ана шу чет эллик аёл асло графиня ҳам, италян қизи ҳам эмас экан. Қизлигидаги исми Сара Лауэлл бўлиб, Лондон яқинида Эол Парк-

да 1804 йилда туғилған эди. У бенихоя ғалати лоқайд британиялык оиласа мансуб бўлиб, оила аъзоларида ўз жонига қасд қилиш ва ажабтовур эҳтиросларга берилиш тез-тез такрорланиб туар эди. Онаси ҳам гўзаллиги билан ном чиқарган бўлиб, кексайганида ўз жонига қасд қилғанди. Акаларидан бири ҳам ҳаётий йўлини шу таҳлит поёнига етказғанди. Бошқа бир акаси ичкиликка ружу қўйған, синглиси динга муқкасидан кетган эди. Аммо соҳибжамол Графиня ана шундай жонсарак оиласи бирдан-бир эс-ҳушли аъзоси бўлиб, ўз эҳтиросини Эрот (шаҳвонийлик) салтанати билан чеклаганди. Сиртдан совуққон, вазмин инглиз қизи уялмай-нетмай, аммо унчалик ҳовлиқмай, ўзига маъқул бўлган ишқий саргузаштлардан қайтмас эди. Айни вақтда у граф Эмилио Гвидобони – Висконтидек қонуний эри борлигини баъзан унутиб қўярди. Ажабтовур камсуқум, рашк нималигини билмайдиган эри билан қандайдир бир сафарда никоҳдан ўтган эди.

Айтгандек, граф Эмилио Гвидобони-Висконтининг ўзига хос қизиқишлиари, не баҳтки, нозанин хотинининг сержанжал эҳтиросларига ҳеч қачон қарши бўлмас эди. Янги Э.Т.А. Гофман ўз ҳикояларида адабийлаштиrsa арзийдиган бу Тентак фақат бор нарсани – мусиқани бенихоя севар ва бутун вужуди билан унга берилған эди. Граф жанобларига ош бермай, нон бермай. фақат жўнгина театр оркестрчасида, арзимас ҳақ оладиган ночор машшоқлар орасида ўтириб олиб, фижжакни фирчиллатишга имкон берса бас. Гвидобони-Висконтиларнинг Париж ва Венадаги саройларидан ташқари, Версалда ҳам саройи бор, бу ерда граф Эмилио оқшомларни ноталар қархисида ўтказарди. У қайси шаҳарга келмасин, зўр ишқибозлар каби бошқа машшоқлар билан бирга фижжак чалишга ижозат беришларини ёлбориб сўрарди. Кундуз кунлари эса, шифобаҳш дорилар ясовчи ролини ўйнаш билан ўзини овутар эди. У болалар каби, Ўрта аср кимёгарларига тақлид қилиб, турли-туман гиёҳларни завқ билан аралаштирас, сон-саноқсиз идишларни улар билан тўлдирадар, шишаҷаларнинг ҳаммасига ёрлиқларни ҳафсала

билан ёпиштириб чиқарди. Дунёвий ишларга унинг тоқати йўқ эди, фақат сокинликда ўзини яхши ҳис қиласди. Хуллас, у ўз соҳибжамол рафиқасининг маъшуқлари йўлини асло тўсмас, аксинча, уларнинг ҳар бирига назокат ва ҳайриҳоҳлик билан қаради. Зоро, агар улар бўлмаганида ўзининг севикли мусиқаси билан бемалол шуғулдана олармиди?

Жаноб де Берни ва жаноб Ганскийдан кейин учинчи бор ўз рафиқасига машҳур ёзувчи таҳсиларини қабул қилиш имконини берган чала шунқор, бефаҳмоқ инсонни учратадиган эди. Бальзак эзгу мақсадга ўзига хос шошқалоқлик ва сабрсизлик билан интилади. Тез орада унинг бўш вақтлари фақат Гвидобони-Висконтилар оиласида ўтадиган бўлиб қолади. Бу ёқимли оилани кўриш учун Нейга, Версалга боради, Италия операсида бир ложада ўтиради, 1835 йилнинг апрелида эса, Женевадан қайтганидан сўнг, орадан уч ой ҳам ўтмасдан, у олий мақом Ганская хонимга эмас, балки ҳар қандай ишончга сазовор бўлган камсуқум Зюлма Кэррода қўйидагиларни маълум қиласди:

«Бир неча кундан бери мен бениҳоя дилрабо аёлга мафтунман, ҳатто ўз ҳисларимни яширишни билмайман. Мен бечора қизалоқлар каби, ўзимга ёқсан нарсадан воз кечиш учун ўзимда куч тополмай қолдим». Аммо графиня ҳали ҳам иккиланади, Бальзакнинг илтижоларига майл бермайди, тўғри, куни кеча у аввалги маъшуқи граф Козловскийга искеъро беради, шу графнинг саъй-ҳаракатлари билан дунёга келган тўнгич ўғлини мусиқа шайдоси бўлган эриники қилиб кўрсатди.

Бироқ у ҳали княз ўрнига Бальзакни эмас, балки Париж оламининг зўр шерларидан бири граф Лионел де Бонвални ёқтиришини ёки уни танламасликни ҳал қилганича йўқ. Бальзак эса, ўзининг янги телбалигига бутунлай берилиб кетишига ҳақли эмас, зоро хоҳласа-хоҳламаса романлар ёзиши, кредиторлар устидан ғалаба қозониши керак, бундан ташқари, у бошқа имкониятидан маҳрум бўлишни истамайди.

Эвелина Ганская хоним рус ва поляк дўйстлари Козловский, Киселёв ва бошқа холис хизмат қилувчилар воситасида шу дамчага мусиқага бефарқ бўлган Бальзак тўсатдан мусиқа шинавандаси бўлиб қолганидан хабар топди. ҳали эри тирик бўлатуриб ва ундан мутлақо яширин тарзда Бальзак билан файритабий унаштирилганидан кейинроқ бу аёл Бальзакдан оғишмай содиқ бўлишни талаб қиласди.

Тўғри, у ёзувчининг «қизлар, ҳар хил қизлар»нинг хизматидан фойдаланишига илтифот билан рухсат беради - хуллас, унинг одамлар кўз ўнгида Эвелинанинг обрўсини тўқмайдиган арзимас саргузаштларга бепарво қарашга ваъда беради. У Бальзакни гравия Гвидобонк-Висконтига эҳтирос билан куйиб-ёниб, жўшқин хатлар ёзишини тасаввур қиласди, зеро Ганская хонимнинг ўзига ҳам шундай хатлар ёзгани эсида. У Бальзакни бутунлай эгаллаб олишга имкон берадиган фидойилик қилдим, деб ҳисоблади! Ниҳоят, Бальзак бўлғуси миллионер тул хотиндан ажralиб қолмаслиги учун уни юпатишга киришади ва Венага ғаройиб сафар қилишга отланади. У Эвелина хонимни юпатиб, менинг қалбим сендан бошқа ҳеч кимга тегишли эмас, деб ишонтириш учунгина шундай қиласди. Сўнгра ёз бошланиб, Бальзак бутун вақтини Сашеда ўтказади ва олган бўнакларини узиш учун тинимсиз қалам тебратади.

1835 йил августида соҳибжамол инглиз хонимни ўзига оғдириб олиш учун яна Лионел де Банвал билан рақиблик пойгасига тушади. Бальзак ғалаба қозонади, гравия Висконти маъшуқига айланади ва у, «Фош этилган Бальзак» китобини тўқиган ва ҳаддан ташқари хабардор бўлган муаллифнинг ёзишича, 1836 йил 29 майда туғилган Лионел Ришар Гвидобони-Висконтининг отаси бўлади. Қонунсиз туғилган уч гўдак каби, Лионел ҳам отасининг номига, даҳосига меросхўрлик қила олмайди. Гравия Гвидабони-Висконти эса, беш йил Бальзакнинг маҳбубаси ва энг қийин дамларида унга яқин дўст ва толмас қўмакчи бўлди.

* * *

Шұхратпарат Эвелина Ганская эса, ўзини Бальзакни ҳаммадан күра яхшироқ тушунадиган аёл қилиб күрсатишни истарди. У ёзувчининг насиҳаттгүйи ва маслаҳатчиси бўлишни хоҳларди. Адабий дидининг даражаси, танқидий мулоҳазаси-нинг кучи жиҳатидан у эҳтимол графиня Висконтидан юз карра устун туради. Бироқ графиня Висконти Бальзакка инсон сифатида нима кераклигини яхшироқ тушунарди. У мана шу доимий эзилган, сон-саноқсиз мажбуриятлар юки остида азоб чеккан ва таъқибдан ҳеч қачон қутулмаган ёзувчининг энг биринчи эҳтиёжини – озодликка бўлган буюк эҳтиёжини фаҳмлайди ва идрок этади. Машъум 1836 йил унга қандай укубатлар келтирганини бу аёл ўз кўзи билан кўрди. У ёзувчининг чарчаб, тинка-мадори нақадар қуриганини, сокинликка қадар интилаётганини кўриб туради. Висконти хоним Бальзакка далда бериб, унинг ижодий кайфиятини тиклаш зарурлигини ич-ичидан фаҳмлайди, ёзувчининг Италияга сафарини уюштиради ва сафар харажатлари учун етарли пул ҳам беради.

Граф Гвидобони-Висконтиning отасидан қолган мерос иши ўзасидан Италия маъмурларига даъвоси бор эди. Аммо ўзига тегишли пулни ҳеч олмай келарди. Андаккина бўлса-да, тижорат укуви бўлмаган мусиқа дарвеши меросга бўлган ўз хуқуқлари учун курашдан воз кечишга тайёр эди.

Худди шу пайт графиня жуда маккорона тадбир ишлатиш ҳақида ўйлайди ва бунинг иложини ҳам топади. Граф дўсти Бальзакнинг қуч-файрати ва ишчанлигини яхши биларди, шу сабабли унинг Италияга бориб Висконтиларнинг молиявий ишларини бартараф эта олишига ишонди. Кўнтилчан граф розилик билдиради, эндиғина Сашедан қайтиб келиб, кредиторлардан қаерга қочишини билмай турган Бальзак бу таклифни жон-жон деб қабул қиласди. Унга нотариал ишончномани топширадилар ва, чамаси, йўл харажатлари учун пул берадилар. Шу тариқа, у июл ойида почта каратасига ўтириб, кўпдан орзу қилган сафарга чиқади. Графиня Висконтиning олийҳимматлилиги шу билан чекланмайди. Бу сафарда у Бальзакка йўлдош бўлиши мумкин эмас эди. Чунки у атиги бир ой аввал

она бўлган (Леонел Ришарни туққан) эди. Бу фарзандни улар ўргасидаги муҳаббатнинг гарови деб ҳисоблаш лозим эди. Аммо бу аёл олийҳимматлилигининг ажойиб ва хаёлга келмайдиган далили шу бўлдики, Италия сафарида ўз маъшуқига истараси иссиқ бир йигитча ҳамроҳ бўлишига эътиroz билдирамади. Қора сочи қисқа қилиб қирқилган бу йигитча ўзни Марсел деб танишитиради. Бальзакнинг бошқа дўстлари унинг ном-нишонини эшитмаган эди. Фақат Бальзакка кийим тикувчи Бюиссонгина у йигитча ҳақида маълумот бериши мумкин эди. Яқиндагина Бальзак тикувчи ҳузурига бежиримгина қорасоч қизча билан бирга келиб, унга эркакча кийим буюрган, кулранг камзул қизчага қуиб қўйғандек ярашган эди, аммо синчилаб қараган одам унинг аёл тоифасига мансублигини сезиб олиши қийин эмас эди. Бальзак орзудаги мамлакат сафаридан ҳузур қилиш ўрнига, қалтис масхарабозлик ёрдамида бу сафарини ишқий саргузаштга айлантиради.

Доимо ёзиш билан банд бўлган Бальзак деярли барча маҳбубалари каби ана шу янги севгилисини ҳам ёзишмалар орқали қармоққа илинтирган эди. Ўзининг деярли барча маъшуқалари каби, бу аёлнинг ҳам эри бор, бошқа маҳбубаларининг эри каби унинг эри ҳам ройиш одам эди. Йирик суд амалдорини рафиқаси бўлган Королина Марнути хоним Лиможада зерикарли ҳаёт кечирарди. Эридан кўнгли тўлмаган ва муҳаббатга ёлчимаган барча француз аёллари каби Королина ҳам Бальзакка ишқий хатлар ёзади.

Эвилина хоним оғушида бўлганидан кейин ёш аёлларни қадрлашга ўрганган Бальзак уни очиқ чеҳра билан қарши олади. Батай кўчасидаги машъум ишратхонадаги биринчи висолининг ўзиёқ уч кеча-уч кундузга чўзилиб кетади, яшнаб турган ёш аёл унга шу қадар ёқиб қоладики, уни Италия сафарига бирга боришга таклиф қиласди. У бажонидил рози бўлади. ҳазил учун паж (маҳрам) либосини кийиб, унга ҳамроҳ бўлади, чунки афсонавий ўлкага қилинадиган сафар аввал-бошданоқ афсонавий тусда бўлиши керак эди.

Бу саёҳатнинг завқли ўтишидан дарак берар эди. Бу ҳазил туфайли йўлда худди Бальзак ўйлаганидек гаройиб саргузаш-

тлар бошланади. ҳар қандай оқил инсон ўзига эътиборни тортмаслик учун чеккароқдаги бирор меҳмонхоналардан бирида жой олган бўлур эди, аммо Бальзак ҳар бир ишни ҳаддан ошириб қилишни яхши кўради. У ҳеч бир тортиномай шаҳарнинг энг яхши меҳмонхонасига, «Отел де Эроп»га файтонни ҳайдашга амр қиласиди. Қирол саройи деразалари қаршисида жойлашган бу меҳмонхонада ўзи ва йўлдоши учун энг яхши, ёнма-ён хоналарни танлайди.

Ўз-ўзидан равшанки, эртаси куни, «Гадзетта Пьемонте» рўзномаси машҳур ёзувчи шаҳарга келганини ҳабар қиласиди, шу заҳотиёқ зодагонлар жамияти Бальзакни ва унинг машҳур ҳассасини кўришга ошиқади. Бу ҳассанинг довруғи, ёзувчининг сўзларига қараганда, асарларнинг довруғидан ҳам ошиб тушар ва «умум Европа миқёсида» шуҳрат қозонган эди. Казо-казоларнинг хонадонларидан мадайлар унга таклифномалар келтириб беришар, ҳамма Бальзак билан тезроқ танишишга интиларди. Ўзини дўст тутган зодагонларнинг воситачилиги туфайли, сайр қилиш учун Бальзакка ҳатто қирол ошхонасидан аргумоқлар тақдим этишар. Княгиня, графиня ва маркизларнинг ноз-карашмаларига мафтун бўлган Бальзак Пье-монт зодагонларининг таклифларини ҳайриҳоҳлик билан қабул қиласиди. Ойлар ва йиллар давомида уни фақат сассиқ ва жаҳлдор кредиторлар-у, суд ҷирочилари суриштириб келишидан безор бўлган ёзувчи саройларда берилган зиёфатлардан ва кўрсатилган шоҳона иззат-икромлардан бениҳоя мамнун бўлади. Қаёқдан ҳам қишлоқи қизни йигитчасига кийинтириб олиб келдим, деб ўзини койииди. Тўсатдан шундай фаройиб ходиса содир бўладики, ўз романларида Бальзак ҳам буни тўқий олмас эди. Зодагонларнинг саломларида ҳалиги Марсел исмли «Йигитча» аёл киши эканлиги дарҳол ошкор бўлади ва Бальзак бундай фаройиб иш қилиши, ном-нишони ҳеч кимга маълум бўлмаган енгилтак аёлни Пье-монт аслзодаларининг саройларига олиб келишига ҳеч ким ишонмагани боис, фалати миш-миш тарқалади. Маълумки, машҳур аёл ёзувчи Жорж Санд сочини калта қирқтириб, сигара ва трубка чекар, эркакча шим кияр ва маъшуқларини тез-тез алмаштириб турар эди.

Яқында шу аёл Алфред де Мюссе билан Италияга келиб кет-ган эди. Бу гал у Оноре де Бальзак билан бирга келмаганмис-кан? Шу тариқа бечора Марбути хоним қўққисдан ҳамма-нинг эътиборига тушади. Жаноблар ва хонимлар уни қуршаб олишади, у билан нафис адабиёт ҳақида сўз юритишади, унинг ўткир зеҳнига қойил қолишга тайёр бўлиб туришади ва ундан Жорж Санд номи билан дастхат олишга ҳаракат қилишади, ҳатто Бальзакдек инсон учун ҳам бу ҳазил унчалик ёқмайди, шунда ёзувчи мазкур чигал жумбоқни ечмоқ учун ўзининг бутун ақл-заковати ва ҳозиржавоблигини ишга солади. У мар-киз Феликс де Сен-Томага аёл кишининг эркакча кийинти-рилганига пинҳона икрор бўлади ва дарҳол бу ишни юксак ахлоқийлик нуқтаи назаридан қилганлигига зўр бериб ишон-тирмоқчи бўлади. «Мен бошқа аёлга бениҳоя берилганимни билгани учун бу аёл менга ишонади..». деди.

Аммо Бальзак ҳазил зилга айланиб, можаро тусини олмас-лиги учун, бу найрангни вақтида тўхтатиш кераклигини пай-қайди. У ўз дўстлари Висконтилар ишини муваффақиятли ҳал этиб, ҳаётида биринчи марта баҳтиёрлик баҳш этган бу ша-ҳарни шоша-пиша тарк этади. Умрининг уч ҳафтасини меҳ-натсиз, ноширлар билан ади-бади айтишмай, корректуралар ўқимай, кредиторларсиз ва ҳасадли қаламкашларсиз ўтказади. Умрида биринчи марта у ўзи ўйлаб топган шарпаларсиз ҳақиқий дунёга очиқ кўз билан қарайди. Охирги бекатлардан бири унинг тақдирида унтуилмас из қолдирган Женева шаҳри эди. Шу ерда герцогиня де Кастро унга қиё боқмаган эди, энди у шу ерда жажжи Марбути хоним билан бегам ва беташвиш вақт ўтказади. Унинг Эвелинага ёзган хатига бир лаҳза бўлса-да, ишонсан, ёзувчи Женевада ширин хотираларга берилиб, олисдаги Эвелина ҳижрони аламида яшаган. Воқелик унча-лик гаройиб бўлмаса ҳам, ёқимлироқ эди: Одатда Бальзак то-қатсизлик билан ишга киришиш учун отларни аёвсиз ҳайдатиб, Женевадан Парижгача бўлган йўлни беш кеча-қундузда босиб ўтар эди. Энди бўлса, ёнига жўшқин саргузаштларга унчалик қизиқмайдиган ёш қаламқошни олиб олган Бальзак

йўлдаги барча шаҳарларда тунаш учун тўхтаб, оз эмас, ўн кун деганда уйга етиб келади. Бу тунлар фақат олис қутб юлдузи тўғрисидаги маъюс ва дилгир фикр-хаёлларга бағишиланади, деб тахмин қилиб бўлмаса керак, албатта.

* * *

21 август куни Бальзак Парижга қайтади ва сеҳрли дамлар дарҳол барҳам топади. Эшикка суд ижро чиларининг ёрлиқлари ёпиширилган. Столда қарз қофозлари уйилиб ётарди. У остонодан ҳатлаши биланоқ, ўз ношири Верде синганлигини билади. Буларнинг ҳаммаси Бальзакни саросимага солмайди. У озод нафас олганидан кейин тақдир қўли уни баттар шафқатсизларча бўғишини ва бундан кейин ҳам бунга неча бор муяссар бўлишини билади. Аммо ёқимсиз ёки зерикарли ҳатлар уюми остида мотам ҳошияли ҳатжилдга кўзи тушиб қолади. Унда 27 июл куни Лаура де Берни вафот этганлиги хабар қилинганди. Бу хабар уни нақадар ич-ичидан ларзага солганигини Бальзакнинг ҳатларидан билса бўлади.

Бу жудоликка у кўп ойлар муқаддам тайёр эди. У Париждан жўнаб кетишидан аввал Делектага борганди. Лаура шу қадар мажолсиз ётардики, ҳатто «Водийдаги лолалар» асарида тасвирланган Мадам де Морсев сиймосида ёзувчи ундан бағоятда миннатдор эканлигини дунёга ошкор этганлиги учун ўз қувончини изҳор этолмаган эди, шундай бўлса-да, уни қаттиқ уят ва алам ҳисси қуршайди. Лаура хоним ўлим тўшагида ётган бир пайтда мана шу арзимас Каролина Марбути билан Италия бўйлаб бемалол кўнгилхушлик қилиб юрган эди! ҳолбуки у Лауранинг тўшаги ёнида бўлиб ва унинг сўнгти сўзларини эшитиши керак эмасми? Авваллари уни ҳаммадан кўра кўпроқ севган аёлнинг жасади қора ерга қўйилаётган даврда у ҳеч нарсадан бехабар Турендаги ишратхонада хушнуд бўлиб, қаҳқча отаётган бўлса ажаб эмас. Бир неча кундан сўнг Бальзак Парижни тарқ этиб, Лауранинг мозорини зиёрат қилиш учун йўлга чиқади. Унинг ички туйғуси ёзувчи ҳаётининг бутун бир даври тутаганини ва шу аёл билан бирга у ўз ёшлигидан ҳам маҳрум бўлганини билдириб туарди.

БУРИЛИШ ЙИЛИ

*Л*аура де Берни хонимнинг вафоти Бальзак ҳаётидаги энг катта жудодиклардан бири эди. Ёзувчининг севилиси, унинг ҳақиқат онахони эди у! Лаура уни тарбияланган, авайлаб-асраган, ўз истеъодини севиш ва унга ишонишга ўргатган эди. Энди у меҳрибонидан айрилиб қолди, энди уни ким кулфатлардан асрайди, ҳимоя қиласи, ким унга далда бўлади. ҳозир унинг икки маъшуқаси, бири олис Уқринада, бири эса, яқиндаги Елисей майдонида бўлса ҳам, у ўзини ёлғиз ҳис этади. У ҳаётида ҳали ҳеч қачон бу қадар ёлғиз бўлмаган эди!

У кўзгу олдида турарди: соchlари оқарган ва сийраклашган, бу ҳол тинимсиз фам-ташвиш ва кундалик кураш излари, китоб кетидан китоб ёзиш билан ўтган мashaққат излари эди. Сўлган изларга даҳан ости осилган, бадан терилари бўшашибган – дераза пардаларини маҳкам беркитиб, иш столи ёнида тонг отгунча ўтиришлар, ўзи яратган ҳавосиз ҳибсда ҳаракатсиз ўтказилган ҳафталарнинг оқибати бу! Шундай ҳаёт ўн етти йилдан бери давом этади. Кун кетидан кун, ой кетидан ой ўтди, ўн минг, юз минг саҳифалар тўлдирилди, 500 минг гранка ўқилди, китоблар кетидан китоблар дунёга келди, хўш нимага эришди? Буларнинг ҳаммаси Бальзак учун етарли эмас! Франция соборлари каби ҳайбатли ва савлатли бўладиган ижод маҳсули – «Инсоний комедия» эндигина бошланди. Дастлабки фиштларгина қўйилди, ҳали тўсин ташлангани йўқ, осмон билан ўпишиб туриши лозим бўлган найзасимон минораларнинг биронтаси қад ростлагани йўқ! Ўз режасини қачонлардир рўёбга чиқара олармикан, кучлари узоқ йиллар давомида беҳуда сарфланганлиги азобини тортмаётганмикан? Зўриққан қўзлари ачиша бошлаганини, туй-қусдан боши айланганини, бениҳоя чарчаб, қотиб ухлаб қолганини қандай изоҳламоқ керак? Бунинг устига уйқуни қочи-

рувчи қора қаҳвани суиистеъмол қилиш оқибатида ошқозон санчиши дарди ҳам пайдо бўлди. Энди ҳаммасини йигиштириб қўйиб, барча кишилардек яшай бошлиш пайти келмади-микин? ҳузур қилиб дам олса, уқубатли ижодни унутиб, фиштдан эмас, балки ўз вужудидан, ўз жони ва руҳидан тинимсиз кошоналар барпо этишни бас қилса, бошқалар каби беташвиш, баҳтиёр ҳаёт нашъасини суриб ҳаёт кечирса бўлмайдими? Унинг чексиз фидойилиги, ўзидан кечиб қилган меҳнатлари учун ҳалиги марҳумдаи бошқа ким миннатдор бўларди. Тинимсиз меҳнати унга нима келтирди? Бирмунча шуҳрат, йўқ, катта шуҳрат келтирди, аммо у қанчадан-қанча ҳасадгўйларни, қанчадан-қанча душманларни орттириди. Ўз бошига қанчалар уқубат солмади! Бугина эмас, меҳнати унга ўзи орзу қилган энг муҳим нарсани бермади — озодлик ва мустақиллик келтирмади. Етти йил муқаддам у ҳамма ишни қайтадан бошлади: қарзи юз минг франк эди, шу сабабли у үйқу нималигини билмай, ўз жонини аямай ўн киши, йигирма киши учун ишлади. У ўтгизта роман ёзди. Елкадаги юқ камайдими? Йўқ, бу юқ икки ҳисса оғирлашди, холос. Кун сайин у ўз ижодини ноширлар ва газеталарга сотиши, бурама зина бўйлаб биринчи қаватга, исқирт судхўрлар ёнига чиқиши керак, ўғридек қалтираб суд ижроҷиларидан қочиб юриши керак. Машақатли меҳнат озодлик келтирмас экан, меҳнат қилишнинг нима кераги бор? Бальзак 37 ёшида ана шу бурилиш йилида ҳамма иш кўнгилдагадек бормаётганини, у ҳузур-ҳаловат нималигини билмай, бутун умрини ишга, беҳуда ишга сарфлаганини ва орзу қилган ниятига ета олмаганини англади.

«Янгича яшамоқ керак!» деб хитоб қилди у ва яна товуш уни олисдаги аёлларга зориқмай, ёнидаги нозаниннинг юмшоқ танасидан ҳузур олишга чақиради! Чарчоқ кўзлар олдида янги-янги қиёфалар пайдо бўлмоғи учун ёзув столига ёпишиб ўтиrmай, саёҳат қилиши, юртларни кезиш керак, чарчоқ руҳга ором бериш, каторга занжирларини узиб улоқтириш лозим. Жонсараклик билан пойга қилмай, ҳадеб олдинга интилавермай, роҳат-фароғат ҳавосидан тўйиниб-тўйи-

ниб нафас олиш пайти келди! Фақат барвақт қариб қолмаса, тақдир стамлари азобини чекмаса бўлгани. Бу ҳаётдан қочиб қутулиш ва аввал ҳар қандай йўл билан бўлмасин, тезроқ бойлик орттириш керак. Тинимсиз ёзишни бас килиш пайти келди. Бальзак ўттиз етти ёшида ҳаётга бўлган ўта ташналик — илгари ўзи ҳеч қачон ҳис қилмаган ташналик уни ичичидан кемиради.

Эвелина хоним устидан қозонилган ғалабадан кейин ўзининг бутун эҳтиросини ижодга сарфлаб келган ёзувчидаги биринчи бор ҳақиқий ҳиссиёт уйғонди. Севги саргузаштлари кетма-кет бошланиб кетди. Шу йили у аввалги ўн йилда бўлганидан кўра кўпроқ аёл билан танишди. Графиня Гвидобони — Висконтидан ташқари, жажжи Каролина Марбути яна ўш Бритонли дворян қизи Элен де Валетт шу жумлага киради. Луиза исмли қизни у одатдаги усули — ёзишма орқали ўзига ром қилишга уринади. У дабдабали зиёфатлардан қолмайдиган одат чиқаради. Бу жойларда Парижнинг энг машҳур нозанинлари қармоққа илинади (ёзувчи ўз асарларидағи Турпил ва Акилиналарнинг қиёфаларини ўшалардан чизган эди).

Унинг кўзлари Италияниң ложувард осмонини қўрган, мияси биринчи ҳафта хушбахт ором олган эди, илгари унинг асосий мақсади бўлган иш энди нохуш туйилар эди. Энди Бальзак саёҳат қилиш, маза қилиб яшаш орзусига берилди, унга иш ҳам, шуҳрат ҳам керак эмас. Юрагига совуқ соя тушгандан кейингина, унда биринчи бор хурсандчилик, эркаланиш, озодликка эҳтиёж балқиди.

Ҳайриятки, Гвидобони-Висконти Бальзакнинг шу эҳтиёжини тушунади. Бу аёл ўз маъшуқини гуллардан тўқилган занжирлар билан ўзига боғлаб олиш ўрнига, Италияга иккинчи бор эски баҳона билан йўл олиш имконини беради. Графиня биладики, ёзувчи Парижда кредиторлардан қутула олмайди. Уни Рю Кассинидаги уйидан ойлаб тополмай хуноб бўлган суд ижрочилари, ниҳоят, Рю де Батайдаги уйи сирини билиб оладилар ва Бальзак Рю де Прованс кўчасида жиҳозлаб қўйилган хоналарга кўчиб ўтади. Аммо ҳамма жойда

ҳозир нозир бўлган суд мулозимлари бу ерни ҳам қидириб топадилар. Графиня ёзувчининг бу тинимсиз курашдан тинка-мадори қуриб, абгор бўлганини кўради. У саросимага тушиб қолган Бальзакка қисқача бўлса ҳам, дам олиш зарурлигини тушунади. У ёзувчига зўраки тарбия бермайди, рашк назари билан қарамайди, унга бир неча ой беташвиш яшаб, эркин нафас олишига имкон беради.

Граф Висконтини Италиядаги молиявий ишларни узилкесил бир ёқли қилиш учун Бальзакка ваколат беришга яна кўндиради. 1837 йил 12 феврал куни ёзувчи Алп тоғидан ошиб ўтади. Бу гал у мадам Марбутининг ҳаддан ортиқ хираги жонига текканлиги учун, бир ўзи сафарга отланган эди. Унга ҳамроҳлик қилмоқчи бўлган Теофил Готье эса, охирги дақиқада сафардан воз кечади. Почта каретасида Тессин орқали, гўзал манзараларни томоша қилиб, ўтилган олти кун унинг дилидаги фуборларни бутунлай ювиб юборади. Бениҳоя сезгир ва ҳиссиётли Бальзак дунёдаги ҳамма ташвишларни осонлик билан унута олар эди. Миландаги «Гўзал Венеция» меҳмонхонаси остонаси ёнида каретадан чиққан заҳоти у қарзлари ва ташвишларини, мажбуриятлари ва зиддиятларни бутунлай эсдан чиқаради. Дарҳақиқат, бу ерда у ўзини бошқача хис қиласи! Ўзга юртда у суд қарори билан ва қарз турмасига қамаш хавфи остида қанчадир қарзини тўлашга мажбур бўлган жаноб Оноре де Бальзак эмас. У орқа эшикдан жуфтакни ростлашга мажбур бўлган абадий қарздор эмас. Бу ерда унга машхур ёзувчикидек пешвоз чиқадилар, унинг етиб келганлиги ҳақида газеталар дабдабали хабарлар тарқатади. Орадан икки соат ўтмасданоқ, бутун шаҳарда у ҳақда шов-шув тарқалади.

У графиня Мафен билан сайрга чиқади. Ёзувчи княз Порциа ложасида князниң синглиси графиня Самсиверина билан бирга ўтиради, «La Скала» театридаги спектаклда ҳозир бўлади. Княгиня Белжойизо билан маркиза Тривулино уни меҳмонга чақирадилар. Италиянинг барча машхур, тарихдан ўрин олган номдор кишилари унинг олдида таъзим киладилар, Австриянинг ҳарбий маъмурлари. ҳам унга иззат-икром

кўрсатадилар. Губернатор бирга тушлик қилишга таклиф эта-ди, қўшинларнинг қўмондони ўзини унинг ихтиёрига топ-ширади; Миланнинг бош ҳайкалтароши Путеннати ундан нусха кўчириб, ҳайкалча ясашга ижозат сўрайди. Бу ҳайкалчани Бальзак Эвелина хонимга эмас, балки граф Висконтига кўрсатади. Ёш княз Порциа уни совғаларга кўмиб таш-лайди, унинг барча амр ва истакларини бажо келтиради. Бальзак Парижда бўлганидек, векселларга ва қарз мажбуриятларига эмас, балки аслзода князлар илтимосига жавобан, Милан зодагонларининг оиласвий альбомларига имзо чекка-нида нақадар фурурланиб, ўзини баҳтиёр ҳис этганини та-саввур қилиш мумкин.

ОНОРЕ ДЕ БАЛЬЗАК ҲИҚМАТЛАРИ

Нотариус — минглаб ғаразли лўттибозликларда жафокаш шахс. Унда руҳонийликдан, қозиликдан, амалдорлик ва адвокатликдан ҳам бир шингилдан бўлади.

* * *

Қонунлар мисоли ўргимчак тўри, улардан йирик пашшалар ўтадилар, майдалари илиниб қоладилар.

* * *

Яхши адвокатнинг шуҳрати ёмон маҳкамада ғолиб чиқишидадир.

* * *

Фойда қанча ноқонуний бўлса, инсон шунча унга қизиқади.

* * *

Жиноят, аввало, фикрлашнинг йўқлигидир.

* * *

Ёмон муроса — яхши маҳкамадан афзал.

* * *

Энг ёмон келишув — энг зўр маҳкамадан яхшироқ.

* * *

Кўнгли ва қўли очиқ инсонлардан яхши савдогар чиқмайди.

* * *

Юқори турувчи шахслар қўл остидагиларининг ўзларидан кўпроқ топишини кечира олмайдилар.

* * *

Буюк инқирозларда юрак синар ёки тобланар.

* * *

Ўз кучсизлигига иқрор одам кучли инсон ҳисобланади.

* * *

Иккиланиш кучни йўқотиш демак.

* * *

Кўзга ташланиб турмаган саҳоватни ҳеч ким ахтариб ўтирамайди.

* * *

Доимий меҳнат санъатнинг ҳам, ҳаётнинг ҳам қонунидир.

* * *

Қайғу барча туйғуларимиз ичидаги энг эсдан чиқмайдигани.

* * *

Фоя далилдан юқори туради.

* * *

Ҳаёт турли хил ҳолатларнинг алмашинувири, истаган жойда қулай аҳволда қолиш учун уларни ўрганиш, қузатиш лозим.

* * *

Вақт – ақлий меҳнат кишисининг сармояси.

* * *

Ҳеч ким шайдо бўлмайдиган ўта гўзаллик ва энг дилбар ташқи қиёфа бир пулга қимматdir.

* * *

Киши ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин лоақал унинг фикр-асори, унинг баҳтсизлиги, унинг ҳаяжонига шерик бўлиш керак.

* * *

Инсоннинг ахлоқий табиати унинг жисмоний табиатидан шу билан ажralиб турадики, унда ҳеч қандай мутлақ-

лик йўқ: юриш-туриш бирон-бир ҳодиса туфайли юзага чиқадиган характерлар ёки ғоялар билан тўғридан-тўғри алоқадор бўлади.

* * *

Коинот бу ягона хилма-хиллиқдир.

* * *

Илмнинг хўжайини бўлишни истаган киши меҳнатнинг қули бўлиши даркор.

* * *

Она юраги мисоли чуқур жарлик, тубидан ҳамиша кечи-рим топа оласиз.

* * *

Онанинг бахти маёқдай келажакни ёритади, аммо ўтмишга хотира қаби қайтади.

* * *

Ижтимоий ахлоқсизлик қаерда ривожланаётган бўлса, ўша жойдан ранг олади.

* * *

Она юраги битмас-туганмас мўъжизалар манбаи.

* * *

Сахро – бу одамларсиз худо.

* * *

Шон-шараф бефойда буюмдир. Нархи қиммат, умри қисқа.

* * *

Миллионни қидирадиганларнинг топиш эҳтимоли бор, қидирмайдиганлар эса, ҳеч қачон топа олмайдилар.

* * *

Камбағалык тугаган жойда хасислик ва зиқналиқ бошланади.

* * *

Фақат күчли муҳаббатгина бирғалиқдаги ҳаёт давомидаги англашилмовчиликларни ювиб кета олади.

* * *

Ҳамма одамлар букри бўлган жойда қадди-қомати рост мажруҳдек туюлади.

* * *

Кучсизлигини тан олган одам, күчли бўлиб шаклланади.

* * *

Кутишни билганларга ҳамма нарса ўз вақтида келади.

* * *

Рашқ қилаётган одам севадиган инсонига эмас, ўзига иккilanади.

* * *

Даҳоликнинг хусусияти шундаки, у ҳаммага ўхшайди ва ҳеч ким унга ўхшамайди.

* * *

Кечириш мумкин, унтиш эса, мумкин эмас.

* * *

Она юраги тўрида ҳар доим бир кечирим бор.

* * *

Вақт – пул дегани, вақт пул тугади.

* * *

Мамлакат тафаккури бутун мамлакат демакдир.

* * *

Турмушга чиққан аёл тахтга чиқиши билиши лозим бўйган қулдир.

* * *

Ёзувчининг китобда мужассамлашган даҳоси эса, уни жаллодларнинг қўлига ушлаб беради.

* * *

Унутиш бу кучли яратувчан мавжудотларнинг буюк сиридир.

* * *

Истеъдодли одам ўлим тўшагида ётиб: «Агар мен ўлсам, менинг шуҳратим лоақал менинг болаларимга, менинг оиласманга, менинг қариндош-урӯғларимга баҳт келтиради-ку!» деган фикрдан тасалли топиши мумкин эмас.

* * *

Фикрни худо беради ва у худога қайтади, фикр қироллардан юқорироқ туради, фикр уларнинг бошига тож бўлиб қўнмоғи ва уларни тождан маҳрум этмоғи мумкин.

* * *

Нима кўп, ғазнага алоқадор қонунлар кўп, нима кўп, жазоловчи қонунлар кўп, лекин ҳеч қанақа низомномалар йўқ, бунинг устига, низомнома билан қонун ўртасидаги фарқни илғаб олишга қодир бўйган ақл эгаларининг ўзи йўқ.

* * *

Агар китоб бир бочка шароб бўлганида, уни ардоқлар эдилар.

* * *

Китобнинг ҳар сатрини ёзувчи юрак қони билан ёзган.

* * *

Қашшоқлар учун ароқ адабиёт ўрнини босади.

* * *

Қонун деганлари нафақат даҳрий, у меҳр-шафқатдан ҳам маҳрум.

* * *

Китоб бутун ҳаётингни талаб қилади.

* * *

Виждон бамисоли худодек юраклар қаъридан ҳамма нарсанни кўриб туради.

* * *

Ахир, ўз мусибатларининг айбдорларини жазога тортишни талаб қиласидиган одамлар ҳеч кимга ёқмайди-ку!

* * *

Умид қиласидиган, жаноблар зиммасига маърифат тарқатиш мажбуриятини олган, ўз даврини тараққиёт сари бошлиш иштиёқи билан ёнган одамлар соғлом фикрдан маҳрум бўлмағайлар. Ахир, соғлом фикр ҳар қандай одамлар гуруҳига хос-ку!

* * *

Қашшоқликни даҳоликнинг онаси деб даъво қилишни бас қилинг!

* * *

Хасталик ёхуд очлик ҳаётимизга чек қўймоғи мумкин, одамлар илми учун фойдали деб ҳисоблаган фикрларимизни эълон қилмоқда ошиқайлик!

* * *

Бизнинг асарларимиз ҳеч қачон ўлмайди ва ҳатто мамлакатимиз гойиб бўлиб кетганда ҳам улар «Бу ерда Франция бўлган эди!» дея оламга жар солиб турадилар.

БАЛЬЗАК ХАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

1799 йил, 20 май, кундузи соат 11 да – Оноре де Бальзак Тур шаҳрида дунёга келган.

1800 йил, 29 сентябрь – Оноренинг синглиси Лаура Бальзак таваллуд топган.

1802 йил, – Бальзаклар оиласи «Де Бальзак» номини олган.

1802 йил, 18 апрель – Оноренинг синглиси Лоранс де Бальзак туғилган.

1804 йил, апрель – Бальзакни Тур шаҳридаги Ле Гай пансионатига беришган.

1807 йил, 22 июнь – Бальзак Франциянинг Вандом нотиқлар коллежига ёзилган.

1813 йил 22 апрель – Бальзак мия шамоллашига дучор бўлган ва коллеждаги таҳсилини тарк этган.

1814 йил 1 ноябрь – Бальзак оиласи билан Парижга кўчиб келган.

1815 йил, январь – Бальзак Лепитр Институти пансионатига ёзилган.

1815 йил, октябрь – Бальзак Гансер Институти пансионатига кирган.

1816 йил, сентябрь – Бальзак Париждаги Гийонне-Мервиль адвокатлик идорасига котиб вазифасига қабул қилинган.

1816 йил, 4 ноябрь – Бальзак Париждаги ҳуқуқшунослик факультетига кирган.

1818 йил, январь – Бальзак ҳуқуқшунослик бакалавриатига қабул қилинган.

1818 йил, апрель – Бальзак Гийонне-Мервилдаги ишини ташлаб, ота-онасининг дўстларидан бири бўлган Пассе номли нотариусга шогирдликка тушган.

1820 йил, 17 май – Оноренинг синглиси Лаура Бальзак Евгений Сюрвилга турмушга чиқсан.

1820 йил, сентябрь – Бальзак ҳарбий хизматга боришдан озод этилган.

1825 йил, 19 апрель – Мольер ва Лафонтенни ўрганиш учун Канел ва Делоншам билан бириккан.

1826 йил, 1 июнь – Бальзак ноширлик дипломини олган.

1827 йил, 15 июль – Бальзак ва Андре Барбье нашриёт цехи очган.

1828 йил, апрель – Бальзак нашриёти инқирозга юз тутган.

1829 йил, 19 июнь – Оноренинг отаси Бернар-Франсуа Бальзак вафот этган.

1830 йил, 4 ноябрь – Филипон «Карикатура» номли газетага асос солган ва унга Бальзак муҳаррирлик қилган.

1832 йил, 28 февраль – Украинадан Бальзакнинг бир неча муҳлислари номидан хат келган.

1833 йил – Бальзак Швейцарияга саёҳат қилган.

1834 йил, 14 декабрь – «Париж Журнали»да «Горио ота» асарининг биринчи қисми чоп этилган.

1834 йил, 28 декабрь – «Париж Журнали»да «Горио ота» асарининг иккинчи қисми чоп этилган.

1835 йил, 18 январь – «Париж Журнали»да «Горио ота» асарининг учинчи қисми чоп этилган.

1835 йил, 1 февраль – «Париж Журнали»да «Горио ота» асарининг тўртинчи қисми чоп этилган.

1839 йил, апрель – Бальзак муаллифлик ҳуқуқи бўйича кампания олиб борган.

1843 йил, 29 июль – Бальзак Санкт-Петербургга келган ва жазмани Ева Ганска билан шу ерда учрашган.

1843 йил, 26 сентябрь – Бальзак Париждаги Одеон Театрида «Памела Жиро» пьесасини қўйган.

1843 йил, декабрь – Достоевский Бальзакнинг «Евгения Гранде» романини рус тилига таржима қилган.

1843 йил – Бальзак ўзининг энг йирик асаларидан бири «Ушалмаган орзулар» романини ёзиб тутатган.

1845 йил – Бальзак Фахрий Легион ордени кавалери бўлган.

1846 йил, 9 март — Бальзак жазмани Ева Ганска билан Римда учрашган.

1850 йил, 14 март — Украинаадаги Мұқаддас Барб черковида Бальзак ва Ева Гансканинг никоҳ маросими бўлиб ўтган.

1850 йил, 18 август — Бальзак Париж шаҳрида вафот этган.

1850 йил, 22 август — Бальзакнинг дағн маросимида Виктор Гюго дуо ўқиб, унинг хокини Париждаги машҳур Лашез-Ота қабристонига қўйишган.

БАЛЬЗАКНИНГ АСАРЛАРИ

1819 йил — «Кромвел» шеърий фожиаси

1823 йил — «Клотильда де Люзињан» (*Clotilde de Lusignan*)

1824 йил — «Аннетта ва жиноятчи» (*Annette et le criminel*)

1829 йил — «Шуанлар» (*Les Chouans*)

1830 йил — «Гобсек» (*Gobseck*)

1830 йил — «Алвидо!» (*Adieu!*)

1831 йил — «Сағри тери тилсими» (*La Peau de chagrin*)

1831 йил — «Номаълум шоҳ асар» (*Le Chef-d'œuvre inconnu*)

1831 йил — «Шайтон комедияси» (*La Comédie du diable*)

1832 йил — «Париждан Явага сайдёҳат» (*Voyage de Paris à Java*)

1832 йил — «Луи Ламбер» (*Louis Lambert*)

1832 йил — «Полковник Шабер» (*Le Colonel Chabert*)

1833 йил — «Қишлоқ врачи» (*Le Médecin de campagne*)

1833 йил — «Евгения Гранде» (*Eugénie Grandet*)

1833 йил — «Ташландиқ аёл» (*La Femme abandonnée*)

1833 йил — «Хабар» (*Le Message*)

1834 йил — «Ўттиз ёшли аёл» (*La Femme de trente ans*)

1835 йил — «Серафита» (*Séraphîta*)

1835 йил — «Горио ота» (*Le Père Goriot*)

1835 йил — «Никоҳ шартномаси» (*Le Contrat de mariage*)

1836 йил — «Қариқиз» (*La Vieille Fille*)

1836 йил — «Таъқиқ» (*L'Interdiction*)

1837 йил — «Цезар Биротто» (*César Birotteau*)

- 1837 йил – «Икки шоир» (Les Deux poètes)
- 1838 йил – «Нюсинген Уйи» (la Maison Nucingen)
- 1839 йил – «Беатриц» (Béatrix)
- 1842 йил – «Сохта жазман» (La Fausse maîtresse)
- 1842 йил – «Хитой ва хитойликлар» (La Chine et les chinois)
- 1843 йил – «Онорин» (Honorine)
- 1843 йил – «Хаво ва Довуд» (Ève et David)
- 1844 йил – «Деконлар» (Les Paysans)



Кобо Абэ
(1924–1993)

Кобо Абэ

ХУДДИ ОДАМДЕК
Кисса

КОБО АБЭ
ҲИКМАТЛАРИ

КОБО АБЭ: АДАБИЁТ ЧҮЛҚУВАРИ

«Узлуксиз ҳаракатдаги қумнинг бу манзараси уни таърифлаб бўлмайдиган даражада тўлқинлантирап ва шошилтириш учун савалаётгандек туюларди. Кумнинг одатда тасаввур қилинадиган бесамарлиги шунчаки қуруқлигидан эмас, балки бирор мавжудот дош беролмайдиган муттасил ҳаракати билан изоҳланади. Бу ҳар куни бири-бирига чирмашиб оладиган одамларнинг мунгли ҳаётига нақадар ўхаша.

... Агар қўзғалмас қоя улоқтириб ташланса ва ўзингни қум ҳаракатига баҳиша қилсанг, рақобат ҳам тугайди. Ахир саҳрова ҳам гуллар ўсади, қумурсқа ва йиртқичлар яшайди...

У тасаввурнида қумнинг ҳаракатини кўз олдига келтирап ва хаёлот дунёсига шўнгирди – ўзини ҳам ана шу поёнсиз оқимда кўрарди».

Кобо Абэ. «Қумдаги аёл»

U В.Гёте¹ бундан икки аср муқаддам «... шоирни англаш учун шоирнинг мамлакатига бориши керак», – деган эди. Бу фикр, айниқса, мутлақо бошқача, алоҳида тамаддун хисобланган, куйида сўз борадиган япон маданияти ва японларнинг миллий ўзлигига нисбатан айни ҳақиқатдир. Буюк немис шоирининг юқоридаги сўзларида курраи замиримиздаги инсон тафаккуридек аниқ ва мавжуд бўлган воқеликдан хаёлот дунёсига – бу ўзига хос дунёни тадқиқ этиш ва тушунишга олиб борадиган йўл кўрсатилган.

Ҳақиқатан ҳам буюк япон ёзувчиси Кобо Абэ ижодини англаш учун ёзувчининг китоблари, асарлари асосида ишланган фильмлар (масалан, режиссёр Тесигахара томонидан суратга олинган «Қумдаги аёл» (1964), «Бегона юз» (1966) билан

¹ Иоханн Волфганг Гёте (Johan Wolfgang von Goethe, 1749–1832) – буюк немис мутафаккири, шоири, ёзувчиси ва давлат арбоби.

танишиш камлик қилади. Кобо Абэни тушуниб етиш учун у томонидан тасвиrlанган замин ва табиатга, у ўсиб улгайган маданий муҳитга мурожаат қилиш даркор. Ёзувчининг ватани – Япония энг қадимий анъаналар, айни пайтда, Фарб маданиятини ўзига фаол сингдираётган давлатdir. Шунинг учун япон ёзувчисининг асарлари ҳам ўтмиш ва замонавийликнинг, Шарқ ва Фарбнинг чорраҳасида, янги-янги саволлар туғдира-диган жавобларни таққослашда дунёга келган.

Япониянинг замонавий адабиётида Кобо Абэ алоҳида ўрин тутиши шу билан изоҳланади. Унинг адабий ижоди, энг аввало, бадиий тасаввурининг ўзига хослиги, ривоятлар ва хаёллотнинг бугунги кун воқелиги билан ноёб шаклларда чирмашиб кетганлигидадир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда япон авангарди етакчиларидан бири ҳисобланган бу муаллифнинг инсоннинг ҳали тадқиқ этилмаган ҳаёт қирралари бетакрор усулда кашф этилган ҳар бир асари фақат Япония адабий доиралари ва китобхонлари ўртасида жуда катта қизиқиш билан қарши олинмасдан, балки жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари ўқувчиларининг эътиборини жалб қилган.

Одатда, жаҳон адабиётида қаламга олинмаган ҳаётий муҳим мавзулар қолмаган, деган фикр устун туради. Кобо Абе ўзининг асарлари билан бу дунёда ҳам ҳали очимаган қўриқлар бисёрлигини исботлашга интилган. Ёзувчи ҳеч қачон бошқалар ўзлаштирган экинзорда жўяқ тортишга уринмайди, аксинча, болалиги ўтган яйдоқ чўлларни ўзлаштиришга астойдил ҳаракат қилган. Шу маънода уни **адабиётнинг чўлкувари**, деб таърифлаш ҳам мумкин.

Кобо Абэ (ҳақиқий исми Абэ Кимифуса, 1924–1993) – Токио яқинидаги Кита шаҳрида, врач оиласида туғилган. Лекин болалиги Манчжурия¹да ўтди. Бу ерда отаси Мукден империя университетининг тиббиёт факультетида дарс берган. Маданияти ва урф-одатлари японларнидан ўзгача бўлган бу юртдаги ҳаёт Кобо Абэ дунёқарашининг кенгайишига таъсир қил-

¹ Маньчжурия – Хитойнинг шимолий-шарқидаги минтаقا.

гани шубҳасиз. Бу ерда кўрган-кечирғандари ва таассуротлари адибнинг қатор асарлари бош мавзуси бўлган.

Кобо Абэ Манчжурияда мактабнинг ўрта босқичида таълим олган. У 1940 йилда Японияга қайтиб келганидан сўнг Сёдзе шаҳридаги олий босқич мактабини туталлаган. 1943 йилда, Иккинчи жаҳон уруши авжига чиққан пайтда Кобо Абэ отасининг тавсиясига мувофиқ Токио университетининг тиббиёт факултетига ўқишга кирган. Аммо бир йил ўтгач, ўқишни ташлаб Манчжурияга – Мукден шаҳрига қайтган. Бу ерда у урушда Япониянинг мағлубиятга учраганининг гувоҳи бўлган. Шу йили унинг отаси ҳам вафот этган.

Япония империясининг таназулли Кобо Абэ оиласининг тирикчилик ўtkазиш учун маблағи қолмасдан, ниҳоятда но-чор аҳволга тушиб қолган пайтига тўғри келган. У яна Токиога келиб, университетга ўқишга тикланган. Унинг ўқишни давом эттириш учун пули етмасдан, катта қийинчиликларга дуч келган, аслини олганда, врачлик касби уни унчалик қизиқтирамаган. Шундай бўлса ҳам, 1948 йилда университетни базўр туталлаган ва врач дипломини олган. Бунда энг қийин – ихтинослиги бўйича имтиҳонни фақат профессорга ҳеч қачон докторлик амалиёти билан шуғулланмаслигига ваъда берганидан кейингина топшира олган.

Ўша йиллари кўпгина тенгдошлари сингари у ҳам сиёсатта қизиққан, Япония коммунистик партиясининг аъзоси бўлган. Аммо совет қўшинларининг Венгрияга киритилиши Кобо Абэда кескин норозилик туғдирган ва у партиядан чиққан. Сиёсатдан ихлоси қайтган Абэ ҳаётини тўла-тўқис адабиётга бахшида қилган ва унга жаҳон миқёсида шуҳрат келтирган асарлар битган.

1947 йилда у ўзининг ilk асари – Манчжуриядаги ҳаёти ва таассуротларига асосланган **«Номсиз шеърлар»** номли 62 бетдан иборат тўпламини тузган ва унинг ҳамма ададини ўзи мимеограф¹да чоп этган. Кобо Абэнинг Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ёшларнинг тушкунлиги ва ўша даврдаги воқеаликка норо-

¹ Мимеограф (қадимий юноча «μιμέομαι» – «тақтид қиламан» ва «γράφω» – «сўзаман» сўзларидан) – америкалик Томас Альва Эдисон томонидан китобларни кам нусхада чоп этишга мўлжалланган курилма.

зилик түйгулари акс этган шеърларида Р.М.Рильке¹ ижоди ва М.Хайдеггер² фалсафасининг кучли таъсири яққол ҳис этилади.

Кобо Абэ ижодининг дастлабки босқичларида Ф.Кафка³ ва У.Фолкнер⁴ ижодининг белгилари бор. Умуман, у жаҳон адабиёти, айниқса, Э.А.По⁵, Л.Кэрролл⁶, Ф.М.Достоевский⁷, Н.В.Гоголь⁸ ва бошқалар ижоди билан яхши таниш бўлган. «Мактабда ўқиёттан йиллардаёқ рус адабиётининг икки улкан вакили – Гоголь ва Достоевский ижодига мафтун бўлгандим, – деб эътироф этган Кобо Абэ. – Менга, айниқса, Гоголь катта таъсир кўрсатди. Асарларимда тўқима ва воқеликнинг чатишиб кетиши ва шу туфайли воқеликнинг ниҳоятда ёрқин ва таъсирчан гавдаланиши менга буни ўргатган Гоголь туфайли пайдо бўлди».

1947 йили унинг дастлабки йирик асари – «Пахса деворлар» ҳам битилган. Адабиёт дунёсида бу ижод намунаси билан биринчи бўлиб муаллиф Сёдзедаги олий босқич мактабида ўқиётганда унга немис тилидан дарс берган танқидчи ва тилшунос Рокуро Абэ танишган ва юқори баҳо берган. Уч жилдан иборат бу асарда қадрдон шаҳрини тарк этиб, Манчжурияда дарбадарликда жиноятчилар тўдасига асир тушиб

¹ Райнер Мария Рильке (тўлиқ исми-шарифи Рене Карл Вильгельм Иоганн Йозеф Мария Рильке, немисча René Karl Wilhelm Johann Josef Maria Rilke, 1875, Прага–1926) – XX аср модерн усубида немис тилида ижод қилган, Австрия фуқаролигига эга таниқли шоир.

² Мартин Хайдеггер (немисча Martin Heidegger, 1889–1976) – немис файласуфи, борлиқ тўғрисидаги таълимот асосчиси.

³ Франц Кафка (немисча: Franz Kafka, 1883–1924) – австрия ва чех носири, Ҳикоянавис, немис тилида ижод қилган адиб.

⁴ Уильям Катберт Фолкнер (инглизча William Cuthbert Faulkner, 1897–1962) – американтик ёзувчи, адабиёт бўйича 1949 йилги Нобель мукофотининг лауреати.

⁵ Эдгар Аллан По (инглизча Edgar Allan Poe, 1809–1849) – американтик ёзувчи, шоир, адабий танқидчи ва муҳаррир, Америка романтизмининг вакили, илмий фантастика асосчиларидан бири.

⁶ Льюис Кэрролл (инглизча Lewis Carroll, Ҳақиқий исми-шарифи Чарльз Лютвидж Доксон, 1832–1898) – инглиз ёзувчиси, файласуфи, математиги.

⁷ Фёдор Михайлович Достоевский (1821–1881) – жаҳоннинг энг машҳур рус ёзувчиларидан бири, мутафаккир.

⁸ Николай Васильевич Гоголь (туғилгандаги фамилияси Яновский, 1809–1852) – буюк рус ёзувчиси, драматурги, шоир ва публицист.

қолган ёш японнинг хотиралари баён этилган. Рокуро Абэ ташаббуси билан қўлёзма «Замонавий адабиёт» журналига юборилган. Лекин «Пахса деворлар»нинг биринчи жилди «Интеллектуал» журналининг 1948 йил февраль сонида эълон қилинган. Ушбу асари орқали танилган Кобо Абэ машҳур япон адилари Ютака Хания¹ ва Таро Окамото² раҳбарлик қилган «Тун» адабий бирлашмасига аъзо бўлиб киришга таклиф этилган. Кобо Абэнинг ноёб истеъодидини биринчи бўлиб пайқаган Ютака Ханиянинг қўллаб-қувватлаши туфайли «Пахса деворлар» 1948 йилнинг октябрида «Йўл охиридаги қўрсаткич» номи билан «Синдзэнбися» нашриёти томонидан алоҳида китоб шаклида нашр этилган.

«Замонавий адабиёт» журналининг 1951 йил февраль сонида Кобо Абэнинг «Девор», S. Карма жинояти қиссаси эълон қилинган. У Льюис Кэроллнинг «Алиса мўъжизалар мамлакатида» машҳур асари таъсирида ёзилган бўлиб, япон адабининг Манчжурия чўлларида хотиралари асосига қурилган. Мазкур қисса Япониянинг 1951 йилги адабиёт бўйича энг олий – Акутавага мукофоти³га муносиб деб топилган.

Японлар дунёси қўпинча нафис ва жимжимадор чизиқлар – иероглиф тафаккури, иероглиф коинотини акс эттирадиган иероглифлар тарзида тасаввур этилади. Бевосита худди шу тушунча Кобо Абэ адабий дунёсининг тимсоли деса бўлади: бу дунё ҳам сеҳрли ва сермаъно, ҳам жумбоқли, чигал, шу билан бирга, тугал иероглиф дунёсидир.

Масалан, «Девор» қиссаси асар қаҳрамонининг ўз ташриф қофозини йўқотиб қўйишидан бошланади. Муаллиф бу билан ўз қаҳрамони исми-шарифидан маҳрум бўлганлигини англа-

¹ Ютака Хания (японча 墓谷 雄高, 1909–1997) – буюк япон ёзувчisi ва адабий танқидчи, иккинchi жаҳон урушидан кейинги япон адабиётининг энг ёрқин намояндадаридан бири.

² Таро Окамото (японча 岡本太郎, 1911–1996) – машҳур япон рассоми ва санъатшунос, япон авантгарди ва сюрреализмининг энг машҳур намояндаси.

³ Рюносек Акутагава номидаги мукофот – буюк япон ёзувчisi Рюносек Акутагава хотираси учун 1935 йилда «Бунгэй сюндзю» нашриёти томонидан бошловчи ижодкорларга бериладиган, Японида адабиёт соҳасида энг нуфузли ҳисобланадиган мукофот.

тишга ҳаракат қылган. Умуман олганда, Кобо Абэ асарлари матнларига атайин яширин маънолар сингдирилган. «Девор»-да ҳам ташриф қофозининг йўқотилиши билан шахс жамиятдан бегоналаштирилишининг биринчи босқичига ишора қилинади. Яъни номсиз қаҳрамон жамиятга қарши қўйилган, аниқроқ айтиладиган бўлса, жамият рўйхатидан ўчирилган. Аммо воқеалар ривожи фақат бу билан якун топмайди. Бегоналаштирилиш давом эттирилади: қаҳрамоннинг ички дунёсида ҳам уни ўзидан тўсаётган девор қад кўтара бошлайди. Таъбир жоиз бўлса, иккинчи даражали бегоналаштирилиш содир бўлади.

Адабиётшунослар фикрига кўра, Кобо Абэнинг «Тўртинчи муз даври» (1959) асари япон фантастика адабиётида янги даврни бошлаб берган. Бу даврда япон авангардининг етакчисига айланган ноёб услубчининг мазкур жанрга мурожаати япон фантастикасини, ҳеч муболагасиз, янги чўққиларга кўтарган. «Тўртинчи муз даври» шакли бўйича классик роман ҳисобланади. Унда оламшумул сув тошиши арафасида олимларнинг сувда яшай оладиган одам янги зотини яратиш устида иш олиб бориши ҳикоя қилинган. Моҳият жиҳатидан эса, бу асар тор дунёқарashi доирасида бўғилаётган иқтидорли инсон фожеаси тўгрисидаги ўзига хос ҳикоятдир.

Япон ёзувчиси кейинги асарларида ҳам фантастикага мурожаат қылган. Япон адабиётининг шоҳ асарларидан бири сифатида эътироф этилган «Бегона юз» (1964), «Таёққа айланган одам» (1969), кафкача усулда битилган «Одам-қути» (1973), «Сакура» најот кемаси» (1984) ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

1973 йилда ёзувчи «Кобо Абэ студияси» шахсий театрини ташкил этган ва унга раҳбарлик қылган. Бу унинг драматургия жанрига кўпроқ мурожаат қилишига туртки бўлган. Адаб пьесаларни ўз театри учун ёзган. Уларнинг юксак маҳорат билан битилганлиги пьесаларидан «Арвоҳ – шу ерда» (1958) Япониянинг Кисида мукофоти, «Дўстлар» (1968) Таниздаки мукофоти, «Яшил пайпоқ» (1974) Йомиури мукофотига сазовор бўлганлиги далолат беради. Фарбда япон драматургининг «Таёққа айланган одам», «Қалъа», «Қуллар ови», «Шарпалар орамизда», «Дўстлар» ва бошқа пьесалари ниҳоятда машҳур.

«Кобо Абэ студияси» 1979 йилда Америка Құшма Штатларыда гастролларда бўлиб, Нью-Йорк, Вашингтон, Чикаго ва бошқа йирик шаҳарларда ўз спектаклларини катта муваффақият билан намойиш этган.

Кобо Абэ ёзувчи, драматург, театр режиссёри бўлиши билан бирга, радио ва телевидениеда ҳам фаол иштирок этган. Санъатнинг туб табиатини чуқурроқ англашига, асарларида даврнинг энг ўткир муаммоларини кўтариб чиқишига бевосита ана шундай серқирралик ёрдам беради, деб ҳисоблаган.

Ёзувчининг кўпгина романлари драматургия асарлари услубида битилган. Бу унинг фикрича, адаб, энг аввало, инсоннинг ҳиссиётига таъсир кўрсатиши, қаламга олаётган воқеалари қалбда акс-садо уйғотиши, шундан кейингина онгни жумбишга келтириши керак. Кўп жиҳатдан шу сабабли Кобо Абэнинг эътиборини ёшлигидан ихлос қўйган Франц Кафка билан бир қаторда немис мутафаккири, адабиёт бўйича 1981 йилги Нобель мукофотининг лауреати Элиас Канетти¹нинг ижоди ўзига жалб этган. Айни пайтда дўсти Донольд Киннинг тавсияси бўйича колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсия Маркес² асарлари билан танишган. Канетти ва Маркеснинг асарлари уни шу қадар ларзага солганки, Абэ бу ёзувчиларнинг Япониядаги энг оташин тарғиботчисига айланган.

Кобо Абэ асарларида инсоният олдида турган энг ўткир муаммолар кўтарилган. Унинг романларининг асосий тоғаси – шахс ва жамият ўртасидаги зиддият, инсоннинг ҳаёт воқелиги олдидағи иложисизлиги, тақдир зарбаларига бардошлилигини синовдан ўтказишилдири. Муаллиф ўз қаҳрамониларини оддий одамлар, айни пайтда ниҳоятда бетакрор шахслар сифатида гавдалантирган.

¹ Элиас Канетти (инглизча Elias Canetti, 1905-1994) - Австрия, Болгария ва инглиз ёзувчisi ва драматурги, адабиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати. Болгарияда туғилиб, шу давлат фуқаролигини олган, Австрия университетида ўқиган, 1952 йилда Буюк Британия фуқаролигини олганлиги учун шу мамлакатлар адаби ҳисобланади.

² Габриэль Хосе де ла Конкордия «Габо» Гарсия Маркес (испанча Gabriel Jos de la Concordia «Gabo» Garcia Marquez, 1927) – колумбиялик адаби, журналист, ношир ва сиёсий арбоб, адабиёт бўйича 1982 йилги Нобель мукофоти лауреати.

Ёзувчининг бадиий тасаввури ҳам ноёб. У асарлари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, қаҳрамонларининг инсоний қиёфасини кутилмаган янги шаклларда тасвирлаб, улар ички дунёсини ўзига хос тарзда очиб бериш истеъдодига эга. «**Қумдаги аёл**» романидаги Ники Дзюмпэем, «**Бегона юз**»даги ниқобли одам, «**Ёқиб юборилган ҳарита**»даги изқувар, «**Одам - қути**»даги одамқути турли сабабларга кўра, одатий кўринишларини ўзгартирган бўлсалар ҳам ўзлигини сақлашга астойдил ҳаракат қиласи, бироқ ҳамиша ҳам омад улар томонида бўлмайди.

«Кумдаги аёл» (1960) Кобо Абэ ижодида романнавислик дебочасидир. Япон адиби тадқиқотчиларининг ҳисоблашича, ушбу асар «ҳозирги давр адабиётнинг энг антиқа ва жумбоқли асари»дир. Булўнда ва ихчам авангард роман рус ёзувчиси Н.В. Гоголнинг «Бурун» асари билан бахслаша олади. «Кумдаги аёл»даги воқеалар тўқима, бироқ туташ идишлар қонунига асослангандек, воқелик билан узвий боғлиқ. Япониянинг «кумли ички дунёси» воқеалари ҳақиқий Японияга – газета мақолалари ва расмий ҳужжатларга, шаҳар ва қишлоқлари оддий аҳолисининг турмуш тарзига чамбарчас боғланган.

Асарда муаллифнинг диққат-эътибори оддий, камтарин ўқитувчи Ники Дзюмпейга қаратилган. Бирор соҳада ном чиқаришни орзу қилган бу кимса август ойида уч кунга таътилга чиқиб, саҳрода ноёб қурт-қумурсқаларни қидириб юриб, бу ерда улкан қум ўрасида яшайдиган аёлникида тунашга мажбур бўлади. Мазкур хароба бошпанани қум босиб қолмаслиги учун аёл куну тун ўрага тушаётган қумни куракда ташқарига отишга мажбур. Ники бошида бу ишда аёлга ёрдам беради. Аммо кейинчалик офтоб урганидан бетоб бўлиб қолади. Бунинг устига, ўзи бу ерга тушган арқон нарвон фойиб бўлади ва у ҳам ушбу аёл каби қум ўрасининг асирига айланади.

Романда Кобо Абэнинг бошқа қатор асарларида бўлганидек, шахс ва жамият ўртасидаги зиддият тасвирланган. «Кумдаги аёл»да қум остида қолиш хавфидаги қишлоқ учун алоҳида бир одам (Ники Дзюмпей) – ҳеч вақо, унинг манфаатлари ҳеч кимни қизиқтирилмайди. Худди шунингдек, жамият тимсо-

ли бўлган давлат ҳам қум барханлари орасида қолиб кетган қишлоқ аҳди манфаатлари билан сира иши йўқ.

Муаллиф ана шу ҳолат орқали жамиятга хизмат қилиш фоясининг нақадар абгор этилиши мумкинлигига диққат-эътиборни жалб этади. Бундай жамиятда унинг ҳар бир аъзоси улкан механизмнинг арзимас мурвати сифатида кўрилади. Бу мурват механизмнинг айрим қисмларини бирлаштириб туради, лекин механизм мурват манфаати учун ишламайди.

Ана шу зиддият орқали Кобо Абэ ниҳоятда ўткир ижтимоий масалани кўндаланг қўйган: **инсон – унинг манфаати учун ҳамма нарса қилиниши кўзланган мақсадми ёки бирор мавҳум мақсадга эришиш воситасими?** 1940-йилларнинг охири – 1950-йилларнинг бошида кўпгина япон ёзувчилари ўз асарларида ана шу муаммони кўтариб чиқсан.

Кобо Абэ ўзининг бу романи марказига яна бир муҳим мавзу – ҳаёт билан ўлим қарама-қаршилигини қўйган. Асарда бу сув ва қум қарама-қаршилигидир. Асар қаҳрамони ўлик қумда сув топади. Сув – қишлоқ аҳолиси учун ҳаёт-мамот масаласидир. Шунинг учун асар қаҳрамони ҳамма томонидан унүтилган қишлоқ одамларига зарурлигини англайди. Унда ўзининг ижтимоий аҳамиятга эгалик туйғуси пайдо бўлади. Авваллари унинг қум ўрасида бўлиши маънисиз бўлганди, қишлоқ аҳолиси эса, душманлари ҳисобланганда ягона мақсади – қум асиригидан қутилиш эди. Энди эса, ўзининг одамларга зарурлигини тушунган Ники уларга хизмат қилишга интилади. Бунда қандайdir мавҳум жамиятга эмас, балки аниқ одамлардан ташкил топган жамиятга, демак, ҳар бир одамга хизмат қиласидиган бўлади. У, Кобо Абэ таърифлашича, «**кумда сув билан бирга гўё ўзида янги инсонни топди**».

«Қумдаги аёл» 1963 йилда Япониянинг Йомиури¹ мукофотига, 1968 йилда Францияда чет эллик муаллифга энг буюк бадиий асар учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган. Ушбу

¹ «Йомиури» мукофоти – 1949 йилда «Йомиури симбун» нашриёт уйи томонидан иккинчи жаҳон урушидан кейин япон адабиётини тиклаш мақсадида таъсис этилган мукофот. Ҳар йили наср, назм, драматургия, адабий танқид, адабий тадқиқот, бадиий таржима бўйича энг яхши асарларга берилади.

роман асосида режиссёр Х.Тэсигахара томонидан яратилган «Кумдаги аёл» кинофильмига Канн халқаро кинофестивалининг энг яхши чет эл тилидаги мукофоти берилган, у Ўзбекистонда ҳам намойиш этилган. Роман асосида композитор К.Банч томонидан «Кумдаги аёл истиғфори» операси ҳам яратилган.

Даврга ҳамоҳанглик – Кобо Абэ ижодининг энг муҳим белгиларидан бири. Масалан, «Бегона юз» асари, биринчи қарашда, фожеа оқибатида ўз юзини йўқотган инсоннинг тақдири тўғрисидаги роман сифатида тасаввур этилади. Лабораторияда портлаш содир бўлиши асар қаҳрамонининг юзини бадбашара қилиб ташлайди. У эндиликда бу даҳшатли жароҳатлари туфайли одамлар орасида кўрина олмаслигига ишончи комил. Яъни у ёлғизликка маҳкум этилган.

Роман қаҳрамони ўз тақдирига тан бермайди, қандай бўлса ҳам, инсоний қиёфасини тиклашга уринади. Бунинг йўли битта – ўрадек из қолдирган жароҳатларни ниқоб билан яшириш.

Юз – одамлар ўртасидаги сўқмоқ йўл. Кобо Абэнинг нуқтаи назари шундай. Бу йўлнинг йўқотилиши одамнинг қамоқхонанинг бир кишилик каталигига тиқиб қўйилгани билан баробар. Одам чехрасига шундай қараш ниқобга мутлақо ўзгача маъно беради.

Ҳозирги давр илми бунинг имкониятини беради, бироқ ҳаётда ҳамма нарса анча мураккаброқ ва фожеалироқ эканлиги аён бўлади. Шу вақтгача асар қаҳрамони учун ниқобнинг ҳақиқий моҳияти маълум эмасди, у инсон доимо ниқобда бўлишини пайқамаганди. Ўз қисматигина ниқобнинг ҳақиқий моҳиятини кашф этишига имкон беради: «**ҳамма одамлар қалб деразасини тана ниқоби билан беркитишади ва унда жойлашиб олган зулукларни яширишади**». Яъни ниқоб «одамнинг ҳақиқий қиёфасини тўсиш» ролини бажаради.

Кобо Абэнинг мазкур романи асосида яратилган фильм экранларга чиққач, таңқидчилар асосли равишида «юзи даҳшатли жароҳатланган одам Япониянинг уруш ҳалокати оқибатидаги чандиқлари рамзилек тасаввур этилади. Шу тариқа ёзувчи жаҳонда, шу жумладан Японияда инсоннинг ўзлиги ва унинг дунёдаги ўрни хусусидаги жўшқин баҳсада ўз сўзини айтган», деб қайд қилишган.

«Бегона юз» қаҳрамони ниқоб тақиб, кутилмаганда у «осонгина ҳақиқатни тўсиш вазифасини ўз зиммасига олиши» мумкинлигини англаб етади. У кашф этган яна бир жуда муҳим хусусият – одамларнинг ташқи қиёфасини адаш ички мазмун билан айнанлаштириш, **«юз ва қалб мутлақ муайян ўзаро боғлиқликда»** эканлигига ишончdir. Шу сабабли одамлар бегоналар қалбларига суқилиб кирмасликлари учун ҳақиқий қиёфасини яширишга интилишади. Шунинг учун ҳам, мушоҳада юритади асар қаҳрамони, қадим замонларда қотиллар, босқинчилар ниқобга муҳтож бўлган.

Ҳа, афтидан, Ўрта асрларда ёки ҳозирги кунларимизда бўлсин, ноҳақ ишга қўл урадиганлар тўғри ва мажозий маънода ўз юзларига ниқоб тақишига ҳаракат қилишади. Чунки ниқоб **«инсон қиёфасини яширишга, юз ва қалб ўртасидаги алоқадорликни узиб таплашга, одамларни ўзини жамият билан бирлаштириб турган маънавий ришталардан ҳалос этишга»** даъват этилган.

Шу тарзда маънавий айниш учун одам ўзининг ҳақиқий юзини ниқоб билан бекитиши кифоя қиласди. Ниқобсиз унинг ҳақиқий ўзлиги, баъзан жуда хунук, ҳатто даҳшатли ички дунёси билиниб қолиниши мумкин. Демак, биз ҳисоблаб келганидек, инсоннинг юзи фақат уни бошқалардан ажратиб турадиган қиёфагина бўлиб қолмасдан, анча муҳимроқ вазифаларга эга: ҳаётда хамма нарса, шу жумладан, тартиб, одатлар, қонунлар - **«юпқа тери – ҳақиқий юз томонидан ушлаб турилган, ҳарлаҳза сочилиб кетилиши мумкин бўлган кум қалъасидир»**.

Китобхон асар қаҳрамони мулоҳазаларининг туб моҳиятини англагач, ёзувчи инсоннинг юзи ва қалбини таққослаб, нимани назарда тутганлигини тушуниб етади: **яъни инсон юзи унинг виждонидир**. Одам юзини ниқоб билан бекитар экан, виждони амридан ўзини тўсади. Эндиликда у ҳар қандай, ҳатто даҳшатли қилмишларга, эҳтимол, жиноятга ҳам тайёр. Демак, ҳам бевосита, ҳам мажозий маънода ёвузликка қўл урадиганлар ниқоб тақиши шарт. Шу ўринда асар қаҳрамонининг: **«бевосита аскар мутлақ номсиз мавжудотдир. Унинг шахсий юзи илғанмаса ҳам, бурчини бажариши учун бу тўсиқ бўла олмайди. Одам юзларини ажратиб бўлмайдиган ҳарбий қисм – мукам-**

мал жанговар тузилмадир. Бу мукаммал тузилма қалбан азобланмасдан ҳамма нарсаны яксон қилишга тайёр».

«Бегона юз» қаҳрамони ҳам ниқоб тақиб, охир-оқибат зулмкорга айланади. Атрофидаги одамлар билан муносабатни тиклаш мақсадида тақильтган ниқоб уни құлиға қурол олишига сабабчи бўлади. Бу билан зулмкорнинг ниқоби уни одамларга бошлаб боралигандан йўлдан абадул-абад маҳрум қиласди.

У ўз-ўзига шундай савол беради: **агар ҳамма одамлар юзларига ниқоб тақиб, жамият олдидаги бурчларидан ҳалос бўлса, нима рўй беради?** Жавоби – аниқ: **уиза барча содир этилган жиноятлар номсиз бўлади.** Чунки, аниқ жиноятчи йўқ – унинг ўрнида ниқоб.

«**Одам-қути**» романининг қаҳрамони ҳам жамиятдан яширинишни хоҳлайди. Аммо у жамиятдан қочиб кутилиш йўлини излаб ўтиrmайди, балки қутига, бу билан янги мавжудотга айланади. Одамлар бундай қутиларга турли сабабларга кўра тушиб қолади. Баъзи бирорлар юлғичлар, фақат бойлик ортириш кетидан қувиладиган истеъмол, зулмкор жамиятда ўзларининг фақирлигини ҳис этиб, яшашга қодир эмас. Одам-кути нияти эса, ўзгача, у аввал-бошда ўз одатларидан жуда ҳайиқиб, жуда қатъиятсиз қутилмоқчи бўлади. **«Бойлик ортириш қийин, уни ташлаб юбориш эса, янада мушкуллир»,** деб тан олади асар қаҳрамони. Лекин аста-секин, ўзи ҳақиқий одам-кутига айланиши билан вужудини забт этган юлғич ҳалок бўлади. Инсон бойлик жамғариш одатидан ҳалос бўлади.

Бундай одам учун қутида яширинишга интилиш – озодликка интилишдир. Асар қаҳрамони учун қути боши берк кўча бўлмасдан, аксинча бошқа дунёга лант очилган кенг эшикдир: **«Кимdir бирор марта хаёлида фақат номсиз аҳоли учун мавжуд бўлган, эшиклари (агар уларни эшик, деб атап мумкин бўлса) ҳамма учун лант очиқ турган ва ҳар бир одам дўсти бўлган номсиз шаҳарни тасаввур эта олса... уни одам-кутига айланиш хавфи пойлаб туради».** Шунинг учун у ўзининг қароргоҳини тарк этиш ниятида эмас. Қути ҳамма нарсаны чинакам ўзлигicha кўриш имконини беради – унинг афзаллиги шунда. Одам-кутининг зийрак нигоҳидан ҳеч нарса қочиб қутилмайди: **«Кутидан қараб, манзаранинг кўз илғамас қисмида яширинган ёлғонни ҳам, ёвуз ниятни ҳам пайқаса бўлади».**

Романда икки образ: ўзини қути ичига яширган инсон ва яланғоч одам образи гавдаланади. Муаллиф ғоясига кўра, бу «биқиқлик», «ёпиқлик»нинг жамият билан тўқнаш келиш қўрқинчи ҳамда одамлар билан узиб ташланган алоқаларни тиклашга бўлган «очиқлик»дир.

Ана шу фоя бир ўсмир унга жазо сифатида яланғоч бўлишга мажбур қилингандай лавҳада ёрқин ифодасини топган. Ўсмир кўпчилик кўз ўнгидаги шарманда қилинади ва жамият у қадар муҳим ҳисобламаган бу воқеа мазкур шахснинг бутун ҳаётини чилпарчин қиласиди. У умрининг охиригача танҳо қолади. Романда бу унинг тушида уйланишга муваффақиятсиз уринишида жуда таъсиран ифодасини топган.

Дунёning иероглиф сифатида тасаввур этилиши тасвир ва рамзнинг бир-бирини ўзаро тўлдиришидир. Фарб фалсафасининг дунёни зиддиятлар, уларнинг кураши ва яхлитлиги сифатида талқин этилишидан фарқли равишда Шарқ фалсафасида асосий фоя ҳаётда ҳамма нарса бири-бирини тўлдиради, бойитади, такомилга етказади. Кобо Абэнинг асарларида ҳам тўқима ривоят воқеликка қарши қўйилмаган, балки ҳикоят ҳаётий воқеаларга янгича маъно беради, яъни хаёлот мавҳум эмас, «шу яқин-орада» мавжуддир. Бунинг ёрқин намунаси Кобо Абэнинг **«Ёқиб юборилган харита»** романидир.

Япон ёзувчисининг бу асарида «инсон ва унга адватдаги жамият» муаммосига янгича ёндошилган. Унда эртаси кунига ишончи йўқ инсоннинг рўшносиз оддий кунлари, катак хоналарига яшириниб олган одамларнинг бир тарздаги зерикарли турмуши манзарасида бугунги аянчли тирикчилигидан ажралиб қолиш хавфи, ҳаётда ўзига бирор таянч топиш илинжи яққол ҳис этилади.

Асарда хусусий қидирав бюросининг изқувари бир аёлнинг илтимосига мувофиқ йўқолиб қолган эрини қидиради. Бедарак кимса тирикчилик ўтказишидан кўнгли тўқ бўлиш учун дипломли бўлиши керак, деган фикрда бўлган. Яъни, мабодо ҳозирги ишидан маҳрум бўлса, дипломи ёрдамида бошқа жойдан иш топиши осон кечади. Шунинг учун у автомеханик, радиист, мактаб ўқитувчиси дипломларини қўлга киритади, ўз келажаги таъминланган, деб ҳисоблайди.

Бироқ ҳеч қандай диплом одамнинг ўзини ўзидан кутқара олмайди ва шунинг учун у ҳаётдан қочишга мажбур бўлган. Йўқолган одам ишлаган фирманинг ёш хизматчиси Тасиро бунинг сабабларига ойдинлик кирилади: «**Бу жирканч фирма... Ана шу фирма учун ҳаётим билан чайқовчилик қилаёттаним ҳақида ўиласам, жонимга қасд қилгим келади.... Ҳозир унга хизмат қиляпман, лекин олдимда мени нима кутаяпти? Бўлим бошлиғи бўламан, кейин бошқарма бошлиғи...** Агар бу ҳақда орзу қилмасанг, ҳаёting янада гуссали тасаввур этилади... Орзу қилсанг – дўстларинг устидан тепкилаб ўт, бошлиққа лаганбардорлик қил... Ким бу қоидага амал этмаса, тепки ейди, у билан ташландиқдек муомала қилишади».

Ҳаётдан биргина йўқолган кимса қочмаган. Уни қидираётган изқувар ҳам аслида қочоқ. Бундан изқувар рафиқасининг гаплари ҳам далолат беради: «**Сен жўнгина уйдан кетдинг, қочдинг... Йўқ, мендан эмас, ҳаётдан қочдинг... Бетиним алдоқчилик қилишдан, ҳамиша ўзингни дор устида юргандек ҳис этишингдан қочдинг.**» Ана шунда изқувар бедарак йўқолган ёлғиз эмаслигини, «у беҳисоб қиёфаларда мавжудлиги»ни англашиб етади.

Изқувар йўқолган одамни қидиришни олиб бориши керак бўлган ҳар соат ва дақиқа аниқ белгилаб қўйилган. Даставвал бу иш суст кечади: далиллар тўпланади, ўзаро солиширилади. Кейин вақт оқими ниҳоятда жадаллашади. Воқеалар ниҳоятда чигал бойланган тутун каби тасаввур этилади. Аввал изқувар хотирасидаги воқеа, ҳодисалар фойиб бўлади, кейин одамлар йўқолади... Асар қаҳрамони одам зоти учрамайдиган шаҳарга келиб қолади. Бунда муаллиф худди китобхонга «Одам ўзини қачон ёлғиз ҳис этади: олomon орасидами ёки ҳувиллаб ётган шаҳардами?» саволини бераётгандек.

Шаҳарда одамлар пайдо бўлганда эса, изқуварнинг хотираси йўқолади. «Одамларсиз ёлғиз» вазияти «ҳамманинг орасида хотирасиз» ҳолатига айланади. Асар қаҳрамони ўзи тўғрисида бирор нарсани ёдга солиш учун қофозларини титкилайди, чўнтағида нима борлигини текшириб кўради. Аммо уларнинг ҳаммаси бефойда: «Аслида ўзим ўзимни йўқотиб қўйдим. Йўқ, эҳтимол, ўзимни йўқотганим йўқ, балки ўзим томонимдан йўқотилдим».

Шу тарзда изқувар изланаётган кимсага, яъни овчи ўлжага айланади. Хотира йўқотилади, бу билан вақт ва макон йўқотилади. Одам ўзини муайян оиласа, жамоага мансуб, деб ҳис этган, японлар учун энг муқаддас бўлган мавқе мақомини йўқотади ва ёкиб юборилган харитага айланади.

Японлар учун ўзини улкан яхлитликнинг бир қисми деб ҳис этиш хос. «Менинг улушим, менинг қисмим» – Японияда бу шахснинг жамият билан муносабатларидағи, табиат, дунёга муносабатидаги ўз мавқеидир. Япон анъаналарига кўра, шахс оиласа (оилавий муносабатларга), жамоага ёки гурӯҳга мансубдир. Одамлар бундай мансублигида ва мақоми белгиланишида ўзлигини намоён этади.

Японларнинг «Ёлғизлик дўзахи» деб номланган қадимий сурати бор. Унда учеб бораётган беҳисоб одамлар тасвиранган. Улар бир-бирларини туртиб, четга суриб, олдинга ўтиб олишга интилади. Бир қараашда бу одамлар яхлит, олға томон интилаётган яқдил жамоадек тасаввур қилинади. Аммо суратнинг даҳшатлиги шундаки, учеб бораётганларнинг ҳар бири ёлғиздир. Уларнинг ҳар бири мангутанҳоликка ҳукм қилинган гуноҳкорнинг руҳидир. **Кобо Абэ ҳам ўз асарларида жамиятда ўзини ёлғиз ҳис этадиганларнинг фожеасини қаламга олади.**

«Яширин учрашув» ҳам ёвузлик дунёсидаги инсон фожеаси тўғрисидаги романдир. Кобо Абэ аввалги асарларида жамиятда ўз ўрнини топишга тиришаётган, аммо, одатда, топа олмайдиган шахснинг ўқинчли қисматини тасвираган бўлса, мазкур романнинг танқид тифи жамиятнинг ўзига йўналтирилган. Асар қаҳрамонлари эса, бу ижтимоий қабиҳлик манзарасининг бўёқларидир.

Муаллиф «Ўз романимда дунёни нафрат бошқаралиган бўлса, инсоний муносабатлар хотимасини топса, у нимага айланипши мумкинлигини кўрсатмоқчи бўлдим» дейди. Асар воқеалари қаҳрамоннинг хотинини ҳеч ким чақиртиргмаган «тез ёрдам» машинаси олиб келган сирли касалхонада кечади. Бу касалхона – ҳамма нарса оёғи осмонда қилинган, тийиқсиз қаҳр ҳукмрон бемаъни дунёдир. У ташки қўринишидан қамоқхонани эслатади: «Икки қаватли узун, тахтадан ясалган бино, атрофи сим билан тўсилган,

ичкарида палаталар бўлса керак, улар кўз илғамайдиган тарзда чўзилиб кетган». Бу қурилишнинг устида асосий маъмурий бино – «ён беш қаватли, тепа томони торайиб борадиган, пастга машъум қушнинг ерга санчилган панжалари каби тўрт устун чўзилган». **Яъни маъмурий бино – йиртқич ҳокимият тимсоли.** Бу қамоқхона кўринишидаги касалхонанинг ёлғиз бино эмаслиги, унинг чегараси йўқлиги – шаҳарга суқилиб кирганида равшанлашади.

Кобо Абэ антиқа касалхонанинг кундалик воқелик билан узвий боғлиқлигини таъкидлаш учун у ерда ишлаётган ҳамма ходимлар – айни пайтда беморлар эканлигига ургу беради: ҳамма бемор, ҳамманинг ўрни касалхонада – бу мазкур муассаса маъмурларининг фалсафасидир. Уларнинг фикрича, ҳамма масала ташхисда, айрим нооқилларгина ўзларини мутлақо соғлом, деб ҳисоблайдилар ва ташхис қўйилишини хоҳлашмайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳали ҳам ўзларининг ягона макони – касалхона эканлигини англаб етмаган одамлар бор. Демак, одамлар ёвузлик дунёсида яшашга маҳкум этилган.

Шунинг учун ҳам, муассаса директорининг ўринbosари антиқа фикр билдиради: яхши шифокор яхши bemordir. Бу билан фақат ҳеч нарсага қодир бўлмаган, ўзини даволай олмайдиган бошқани даволай олади, деган телба фикр уқтирилади. **Чинакамига тескари дунё.**

Касалхонада ҳамма нарса тартибга солинган. Беморларнигина эмас, барча врачлар, хизматчилар, ҳатто қоровуллар халатларига ҳам уларни бир-биридан фарқлайдиган белгилар тикилган. Шунинг учун уларни ажратишда ҳеч ким адашмайди: бир одамдан қўрқиш керакми, бошқасини аямасдан калтакласа бўлаверадими – ажратиш осон.

Бу касалхонада bemorlar даволанмайди. Muassasанинг вазифаси мутлақо бошқача – бу ерга келиб қолганларнинг ҳаммаси муттасил кузатув остида бўлиши шарт. Amмо муаллиф асарда ҳақиқатан ҳам гап даволаш muassassi тўғрисида кетаётганлигига ишора қилиб, унинг бўлимларига антиқа номлар беради: масалан, «кемирчак жарроҳлиги бўлими». Amмо, нима учундир, бу бўлим ёлғон сўзлайдиганларни аниқлайдиган қурилма билан жиҳозланган.

Касалхона учун бундай қурилма нимага керак? Маълум бўлишича, у одамлар ўртасида ўзаро англашувга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Бу ерда ҳеч ким ҳеч кимга ишонмайди. Шунинг учун янги турмуш қурган эр ва хотин бир-бирларига ишонишлари мумкинлигини аниқлаш мақсадида қурилма хизматига мурожаат қилишади. Воқеалар ривожидан касалхонанинг туб моҳияти, унинг беморларни даволаш эмас, уларни кузатиб туриш ва устларидан чақимчилик қилиш жойи эканлиги ойдинлашади...

Кобо Абэнинг «Яширин учрашув» романи – тўрачиликнинг шафқатсиз танқилидидир. Касалхона тўрачилар давлатидир. Бу ғоя романда жуда таъсирчан тасвирланган. Жумладан, жонлаштириш бўлимiga хушсиз бемор келтирилади. Уни дарҳол хушига келтиришади ва шу ондаёқ бу бемор бўлимдалигини унутишади. Чунки жонлаштириш бўлимининг вазифаси – одамни даволаш эмас, хушига келтиришdir. Оқибатда, бемор яна хушидан кетади, врачлар эса, уни тағин жонлаштиришади ва шу ондаёқ мавжудлигини эсдан чиқаришади. Бу бир неча кун давом этади, бемор фақат ўз «ҳалоскорлар»ига миннатдорчилик билдириш учун хушига келади ва яна ўзидан кетади.

Ривоятга ўхшаш бу романда эзгулик ҳалок бўлади, ёвузлик эса, тантана қиласи. Китобхон биринчи қарашда, муаллиф жамиятнинг соғлом кучларига ишонмайди, деган фикрга бориши мумкин. Аммо Кобо Абэ асарининг мазмуни бундай эмас. У эзгулик йўлида қандай кучли тўсиқлар бўлмасин, ўзи даъват этилган олийжаноб мақсадларга хизмат қилиши зарурлигини уқтиromoқчи бўлади. Бу асар ғоясининг бир томони бўлса, иккинчиси – одамлар эзгуликка нақадар эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари зарурлиги таъкидланади. Агар инсоният ўзига таҳдид солаётган хавфни сезмаса, романдаги касалхона каби жирканч муассаса беморига айланиси мумкин.

Кобо Абэнинг аксарият асарларида, жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Эркин Эрназаров томонидан ўзбек тилига илк бор таржима қилиниб, эътиборингизга ҳавола эти-

лаётган «Худди одамдек»¹ қиссасида воқеалар ривожи деярли сезилмайды, тасвиirlар қабариқ эмас, нозик, илғаш қийин чизгилар орқали берилади, фоя мулоқот ва ички кечинмаларга сингдирилган. Асар қаҳрамони ижодкор – журналист ва драматург бўлса-да, умуман, оддий одам сифатида беҳисоб қўлли илоҳ билан фалсафий жангта киради. Мавзу ўша – инсон ва жамият, воқелик ва хаёлий дунё, ҳақиқат ва ёлғон. Аммо адид ўкувчисига тайёр жавобларни тақдим этмайди, аксинча, уни ҳаммуалифликка – биргаликда мушоҳада юритиш, тўқдан пучни, оқдан қорани ажратишда иштирок этишга даъват этади.

Умуман, Кобо Абэ жуда сермаҳсул ёзувчи бўлган. 1997 йилда Японияда нашр этилиши ниҳоясига етказилган унинг Тўла асарлар тўплами 30 жилдни ташкил этгани худди шундан далолат беради.

Япон адабининг қизиқиши доираси кенг бўлган. У тилшунос, мусиқа ва фотография шайдоси бўлган, автомобилларни таъмиrlашдаги ихтироси учун патент олган, бунинг учун ҳатто ҳалқаро кўргазмада кумуш медаль билан тақдирланган. Кобо Абэ Колумбия университетининг фахрий фан доктори унвонига эга бўлган, Америка санъат ва фан академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланган.

Кобо Абэ 1992 йил охирида оғир хасталикка дучор бўлган ва 1993 йилнинг 22 январида вафот этган.

Кобо Абэ етти марта адабиёт соҳасидаги мукофотга сазовор бўлган. Унинг номзоди адабиёт бўйича 1992 йилги Нобель мукофотига ҳам кўрсатилган. Япониянинг энг машҳур адабларидан бири – Кэндзабуро Оэ² Кобо Абэ жаҳон адабиётида Ф. Кафка ва У.Фолкнер билан бир қаторда туришини таъкидларди. Оэ Кобо Абэ ҳаёт бўлганида Нобель мукофотига ўзидан ҳам у муносиброқ топилиши мумкинлигини эътироф этган.

*Акмал САЙДОВ
профессор*

¹ Кобо Абэнинг «Худди одамдек» қиссаси «Жаҳон адабиёти» журналининг 2011 йил 6-сонида чоп этилган.

² Кэндзабуро Оэ (японча 大江 健三郎 Оэ Кэндзабуро, 1935) – машҳур япон ўкувчisi, адабиёт бўйича 1994 йилги Нобель мукофоти лауреати.

ХУДДИ ОДАМДЕК¹

Қисса

1

Ту антиқа одам бизникида май ойининг қүёш жулиб бок-қан кунларнинг бирида пайдо бўлди – тикув машиналарини сотадиган агент сифатида виқор билан кириб келди.

Шу кун фарбдан шабада эсиб тургани ёдимда. Фарб шамоли денгиздан келарди, осмон мусаффо эди. Барча уйлардаги доимо ёпиқ деразалар ланг очиб қўйилган ва улар ўзларидан тутун исларини тезроқ ювиб юборишга шошилаётгандек яланночлангандилар. Кайфиятимни эса, яхши деб бўлмасди. Хонамда ҳамма нарса бошқача. Бу ер тамаки тутунидан бўғилар, деразалар ёпиқ ва пардалар билан тўсилган, хонани фақат стол устидаги чироқ ёритиб турарди.

Бундай тунд маконга бош суқишига таваккал қилган савдо агенти нимага умидвор бўлиши мумкин?.. Бунақа ташриф ухлаб ётган йўлбарснинг думини босиб олиш билан баробар. Мижоз аламини бечора савдо агентидан олиш пайида бўлади, ташрифчи устига ёғилаётган ҳақоратлар остида жуфтакни ростлашига тўғри келади. Чунки бу кимсаларда дунёдаги энг беозор қурол – уч қарич сайроқи тилдан бошқа ҳеч вақо йўқ.

Аммо у савдо агенти эмасди. Билмадим, эҳтимол, ҳақиқатан ҳам, унда тилидан бошқа ҳеч қандай қурол бўлмагандир. Лекин ҳамма гап бу қуролдан қандай фойдалана билишда. Чунки мен ҳам табиатимга кўра бир коса сувда чўқадиганлар тоифасиданман. Айниқса, ўша кунги ҳолатимда ўзимни йўлбарс қилиб кўрсатишга ожиз эдим. Агар менда йўлбарсга хос бирор нарса бўлса ҳам, бу – ҳаяжондан сарғайиб кетган юзим ва паришонхотирлик сабаб ечишни унугтан устимдаги йўл-йўл пижама эди. Босиб олинса, оғиздан ҳақорат ва таҳдидлар ёғдидраган дум эса, бир умр бўлмаган.

¹ Рус тилидан Эркин Эрназаров таржимаси.

Нимасини айтасиз! Кўнглумга чироқ ёқса ёримасди. Ўтириб, ҳаяжон билан кутардим. Букчайиб, бошимни елкам ичига тортиб, ёвуз даракчи пайдо бўлиши ва баҳтсиз ҳодиса рўй беришини кутардим. Ер парчин бўлганман, бундай ҳолатда менга бас келиш учун бир қарич тил ҳам кифоя эди. Ёввойи табиат меҳмон бу ожизлигимдан усталик билан фойдаланиб қолди.

Ҳаммасининг ақл бовар қилмайдиган даражада бир-бирига тўғри келиб қолганига ўласизми? Жўрттагами? Тасодифанми? Йўқ, албатта, бу шундай режалаштирилганди. Радиода ракетанинг Марсга юмшоқ қўнгандилиги тўғрисида шошилинч хабар учинчи бор эълон қилиниши биланоқ, кираверишдаги қўнғироқ жаранглади ва юрагим «шиғ» этди, ўтда куйган қуш боласидек питирлаб кетди.

Мен нафас олмай тинглардим. Меҳмонхонанинг сурилиб очиладиган эшиги товуши... Хотинимнинг йўлакчадаги одимлари... Бу қадамлар худди музхонадан увишиб чиққандек... Кейин минғир-минғирлар... Хотиним эшикни тақиллатмай хонамга бош суқди ва менга тикилганча танбеҳ оҳангига гап қотди:

— Анави ерда сени кўришмоқчи, марсликлар тўғрисида бирон гап...

Бу ёғи нима бўлади? Мана, ҳозир ёзяпман. Лекин нимага умид қилиб бўлади? Биринчидан, ушбу битиклар қандай қилиб сизнинг қўлингизга тегишини тасаввур ҳам қила олмайман. Агар қўлингизга тегса ҳам, сиз уларни телбанинг алжираши деб ўйлайсиз. Шундай фикрга келишингиз аниқ. Агар бу битиклардан бири диққатингизни тортса-чи? Бунга умид қилиш қийин, балким, бечора масхарабоз устидан куласиз... Начора, менинг бундан бўён ҳам бунақангি беҳуда азобларни тортаверишимга тўғри келади. Шу тарзда ҳеч кутула олмаган кўнгилчанлигим жазосини оляпман. Менга душманмисиз ёки хайриҳоҳмисиз, билмадим, бироқ ноиложман.

... Бу битиклар мен каби ОДАМнинг — ҳар бир қомус назарда тутадиган, ҳар бир инсон тушунадиган ОДАМнинг қўлига тушишини илтижо қиласман!..

Аслини олганда, ниятларим рүёбга чиқиб, бу битикларни ОДАМ ўқиётган бўлса ҳам, фақат шунинг ўзи уни менга хайриҳоҳ қилишига кифоя қилмайди. Мен тушиб қолган аҳвол нафақат ниҳоятда файритабиий, балким, ҳатто бемаъни. Майли, бахтимга сиз ОДАМ бўлсангиз ҳам барибир тасаввурингиздаги ОДАМ бўлишимга шубҳаланмоқдаман.

Қийшиқ кўзгу ҳамиша қийшиқ кўрсатади. Қийшиқ кўзгудаги тўғри тасвир мантиққа путур етганидан дарак берган бўларди. Эҳтимол, Евклид кенглигидаги қаерлардадир ўзаро параллел чизиқлар параллел бўлмай қолар, лекин ҳаётимиз воқелик доирасида кечганидан кейин...

Ҳа, етар. Ўзимни ортиқча оқлаш фақат шубҳани кучайти ради ва мени ноқулай аҳволга солади. Хоҳлаганча ўзимнинг соғлом фикрли эканлигим билан мақтанчоқлик қиласверишим мумкин - бунинг заррача фойдаси йўқ. Ҳозирча сизнинг қийшиқ кўзгуни қийшиқ деб тан олишингиз мен учун етарли.

Айтгайлик, масалан, сиз. Агар сиздан чиндан ҳам ОДАМ эканлигинизнинг ашёвий далилларини кўрсатишларини талаб қилгандарида... аччиғингиз чиқиши ёки кулиб юборишингиз аниқ. Бу тўғри бўларди. Одам одам эканлиги аввал-бошдан исбот талаб қилмайдиган нарса. Худди параллел чизиқлардек. Теореманинг аксиомадан фарқи шундаки, уни исботлаб бўлмайди. Коннинг таркиби, рентген ва шу каби нарсалар – фақат даставвал аксиома бўлгандагина маънога эга бўлган хусусиятлар, холос.

Энди эса, оғизда бирон тушунтириш мантиқан қабул қилинмайдиган телба судни тасаввур қилиб кўринг. Суд телба, лекин шу қадар муросасоз эмаски, гуноҳини фақат оғизда инкор этгани учунгина айбсиз деб эътироф қилсин. Масалан, сизни гумондор сифатида судга тортишди, судъяларни эса фақат қўл билан ушлаб кўрса бўладиган далиллар ишонтира олиши мумкин.

... «Тасаввур қилинг», – дейман мен. Йўқ, бу сиздан менинг адвокатим бўлишни илтимос қилиш мақсадида айтилмаяпти. Бу сурбетлик бўларди. Бироқ пешонангизга шу ёзилган бўлса, унда бунинг адолатсизлик эканлигини тўла ҳис этиш учун сизга ҳам шу азобларни тотиб кўриш насиб этсин!..

2

Энди эса, сизнинг иродангизга бўйсунган ҳолда, ҳикоямни давом эттираман. Шундай қилиб, хотиним кириб келиб, меҳмоним мақсадини танбек бергандек маълум қилди:

— Сени кўришмоқчи, марсликлар тўғрисида бирон гап...

Соғлом ақл доирасидан ташқаридаги фантастик хабар, шундай эмасми? Сиз, афтидан, бусиз ҳам шўр пешоналик оқибатида уқубатда бўлган мендаги қаҳр-ғазаб вулқонини кутган бўлсангиз керак. Агар сиз мени беш қўлдек яхши билсангиз, худди шуни кутган бўлардингиз. Лекин бирон вулқон отилмади. Мен фақат индамасдан хотинимга қарадим. Бироз вақт биз бир-биримизга худди олдига судхўр отилиб кириб қарзини талаб қилгандек тин олмай қараб турдик.

Маълум маънода, аслида ҳам, шундай эди.

Одатда одамлар чехрасида касбий манфаатдорлик ўз аксими топади. Худди шундай ҳол мен билан ҳам рўй берганди... Бундан бу ёғига ўз ишларим ҳақида ҳикоя қилишимга тўғри келади. Ўзгалар учун бундай нарсалар зерикарли туюлади, аммо мазкур ҳолда манфаатдор шахс ўзимман, шунинг учун илож қанча. Ишларим эса, ниҳоятда ачинарли эди.

Шуни айтиш керакки, мен радиокомпаниялардан бирида драматург сифатида якшанба кунлари соат ўн бирдан ўн икки яримгача эшиттириладиган «Салом, марслик!» доимий дастурини олиб борардим ва бу менга даромадларимнинг ярмидан кўпроғини келтиради. Саъй-ҳаракатларим натижасида муайян муваффақиятга эришгандим — кунига тингловчилардан камида йигирматагача хат олардим. Шу тарзда деярли икки йил давомида тирикчилигимизни таъминлаётгандим... Бироқ бу ракета Марсга йўл олиши билан ҳамма нарса мутлақо ўзгариб кетди.

Илк бор бу ўзгаришни аввалги ойнинг ўрталарида ҳис этдим. Ўша пайтда ракетанинг орбитадаги ҳаракатига аниқлик киритилганлиги ва кун тартибида ракетани учириш натижалари турганлигини маълум қилишганди. Ана шу кунларнинг бирида таҳририят бўлимининг мудири коридорда йўл-йўлакай шундай деб қолди:

— Эндиликда ҳазилларингизни бевосита марсликларга эшиittiраверишингиз мумкин....

Умуман олганда, бу гапда бирор муҳим нарса йўқ эди. Ва агар гап оҳангига қараб мулоҳаза юритилса, унда бирон яширин маъно сезилмасди. Шунга қарамасдан, бу компаниянинг дастуримга нисбатан ҳақиқий ниятлари кўзимни очди ва нафсониятимга мени қўпол, беор огоҳлантиришдан ҳам оғирроқ тегди.

Аслини олганда, бундай намойишлар такрорланмади. Лекин уйғонган хавотирни тинчлантириш осон эмас. Мен даъфатан авваллари чумчукларнинг эрталабки чирқиљашидек бетўхтов эшитиб турадиган, бир-бирига зид бўлган аралаш-куралаш танқидий мулоҳазалар, кўрсатмалар, маслаҳатлар қулогимга чалинмай қолганлигини пайқадим. Режиссерим кутилмагандан ўта муросасоз бўлиб қолди, мен навбатдаги эшиittiришни тайёрлашда кечикаётганлигимни ва бошқа қусурларимни умуман эслатмай қўйди ва ҳамма нарсада фикрларимга қўшила бошлади. Шубҳасиз, мени шафқатсиз ҳукм кутаётган ва унда, қай тарзда бўлмасин, кимнингдир қатъий иродаси акс топаётганди.

...Аммо осонликча таслим бўлмоқчи эмасдим. Бу хусусда менинг ҳам ўз иddaом бор эди. Ҳа, юмшоқ қўнишга мўлжалланган ракета, афтидан, аввалги кузатувчи ракеталардан сифат жиҳатдан фарқ қиласидиган янгилик эди. Ҳа, унинг ёрдамида Ернинг забт этилмаган Марс сиртига қўл теккизиши кутилаётганди. Мен буларнинг ҳаммасини бирон иккиланишсиз тан олишга тайёр эдим. Бироқ Марсда юксак тараққий этган ҳаётнинг мавжуд эмаслиги илгари «Маринер-4» томонидан рўй-равшан аниқланган эди-ку! Қизил сайёра, сукунат ва ўлим сайёраси, саҳро ва музлаган карбонат кислотанинг қировлари сайёраси... Бизнинг давримизда ким ҳам марсликлар борлиги ҳақида жиддий гапириши мумкин!

Энди мана бу нарса тўғрисида ўйлаб кўринг: Ер юзида, айтайлик, Свифтнинг «Гулливернинг саргузаштлари»га реал асар сифатида қарайдиган биронта китобхон борми? Агар бор бўлса ҳам, у, албатта, тасаввури айнигандан бирон ақёлдан озган кимсадир. «Гулливер»нинг фантастикалиги ҳақида баҳс-мунозара қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Худди шунингдек, менинг марслигим

пировард натижада ўзига хос замонавий фантастик қаҳрамон Гулливердир (агар сиз бирон марта бизнинг дастуримизни тинглаган бўлсангиз, бунга қўшилишингиз шубҳасиздир); у одамларни мутлақо бошқа мезонлар асосида баҳолар экан, биз беихтиёр пайқамайдиган кулгили ва бемаъни нарсаларни англатишга ҳаракат қиласди. У фантастик қаҳрамон экан, бу мавжуд эмаслигига қарор қилинган марслик бўлмасдан ким бўлсин ва унинг тўғрисида асоссиз таҳминлар қилишга не ҳожат?

Шунинг учун агар менга фақат радиокомпания маъмурияти босим ўтказаётганида бу даражада тушкунликка тушмаган ва ушбу қўнгилсизликларга бир амаллаб чора топган бўлардим. Тўғри, фантастика билан воқелик ўртасидаги фарқни ҳеч ҳам англаб етмаётган амалдор биродарлар фикрини ўзгартиришим мумкинлигига ишонишим кулгули туюлган бўларди. Аммо бу биродарларнинг заиф жойи бор эди: яъни, гўёки, пировард натижада, ҳамма нарсани яккаю ягона мезон ҳал қилиши ва бу мезон – радио тингловчиларнинг хайриҳоҳлигига очиқ қўнгиллилик билан ишонч эди. Ва ҳозирча раҳбариятнинг хавфсираши – Марсга йўналтирилган ракета бевосита менинг марслигимни мўлжалга олганлиги ва унга ҳалоқатли жароҳат етказиши мумкинлиги тўғрисидаги худбинларча хавфсираши ўзининг аниқ исботини топмаганича ўз фикримда событ қолиши имконияти сақланиб турарди. Агар, гўёки, аниқ мавжуд бўлган ракета фантастик марсликни йўқ қилишга қодир деб ҳисобласангиз, мағрурланиб мушоҳада юргизган бўлардим. Масалан, нима учун сиз кино экранидан туриб ўқ узаётган пулёмет томошабинни яралashi ёки ўлдириши мумкинлигидан қўрқмайсиз? Ҳа, мен бепарво ва соддадил эдим. Мантиқ бу узоқ давом этиши мумкин эмаслигини шипшиштаётганди. Ва тез орада маъмурият кайфиятига ҳамоҳанг равища радиотингловчиларнинг ғазабли хатлари ва шарҳчиларнинг кинояли шарҳлари ёмғирдек ёғилиб кетди.

«... Шу ийл етмиши олти ёшга тўламан. Шифокорлар дам олиш учун менга кундузи бир соат ухлашим кераклигини айтишган. Бироқ мен бундай ғайриилемий эшиштиришни тинглаб, худди қиёмат қайим бошланган деган ўйга келдим. Ғазабимни жилов-

лай олмай қолдим, ҳаяжондан тинчлигим буткул йўқолди, бу умримни қисқартияпти ва сиздан ўз асарларингизни энг жиiddий танқидий кўз билан қайта кўриб чиқишингизни талаб этаман».

«... Жаноб муаллифнинг фарзандлари борлигини билшини истардик. Бизнинг фарзандларимиз Марс ракетасининг мудаффа-қиятли қўнишини орзуламоқдалар, бу орзу уларнинг қалбларини жунбушга келтирмоқда. Наҳотки «Салом, марслик!» каби эшиттиришилар орқали қаҳрли таҳқирлашлари билан болаларнинг мусаффо қалбларини яralаётганлиги муаллифнинг виждонини ҳеч ҳам қийнамаётганмикин? Ягона фарзанднинг онаси сифатида мен сизларга ана шу аксилпедагогик марсликдан тезроқ «Алвидо!» эшиттиришини тайёрлаш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилмоқдаман».

Ҳа, мен тор-мор қилинаётгандим. Одамлар ўртасида ҳазилни тушунмайдиганлардан ҳам аянчилироқлари ва бечорароқлари топилмайди. Улар учун дастуримни эшиттириш маймунлар учун маймунлар циркини кўрсатиш билан баробар эди. Қайсиdir муаллифнинг агар кулдира олмасанг, фақат ўлиш ёки ўч олиш имкониятинг қолади деган сўзларини ўқиганлигим ёдимда... Чин сўзим: агар радиодан пулемётдан отиб бўлганида, бир хуморимдан чиқсан бўлардим!

Лекин мен оила боқишим керак: бу, энди, хаёлпарастлик эмас, бўлар-бўлмасга тажангланишга йўл қўя олмасдим.

Ўз ожизлигим оловида қовурилардим, ҳолбуки ракета сониясига ўттиз километр тезликда Марсга яқинлашётганди ва ракета мавжудлигининг ўзи қўрқинчли тушдек қалбимни вайрон қиласарди. Мен боши берк кўчага кириб қолгандим ва чиқиши жойини топиш учун жонсарак эдим. Ўз марслигимга бой берилган мавқесини қандай қилиб яна қайтариб бериш мумкин? Бунинг учун ҳамма нарсага – энг шармандали келишувга, алдовга тайёр эдим...

Ана шундай кунларнинг бирида қайсиdir оқшом газетасининг охирги саҳифасида кичиккина хабарга кўзим тушди...

«Кеча кечқурун давлат темир йўлининг Н.бекатида учар ли-кобчалар билан содир бўлган ҳодиса оқибатидаги ваҳима, ҳамма-

нинг ҳафсаласини пир қилган ҳолда, амалда гап реклама минорасидаги неон ёғдуларининг қуюқ тумандаги жилласи ҳақида бораётганилиги түгрисидаги хабар билан хотимасини топди. Бирок айрим гувоҳлар ёғду мутлақо бошига йўналишида кўринганигини тасдиқлашмоқда ва бугун бекат платформалари йўловчиларнинг одатдаги сонидан бир неча баробар кўп бўлган анқовлар билан ўта гавжум эди. Айтгандек, ҳатто Америка сенатининг маҳсус ҳайъати рўйхатга олинган 20014 аниқланмаган учар объектлардан аксарияти метеорлар эканлиги ёки турли об-ҳаво ҳодисалари билан изоҳланшишига қарамасдан, 1021 та ҳолни таърифлашининг имконияти ўйқилигини тан олди. Мамлакатимиз коинотдаги мусобақада орқада қолди ва биз ўзга сайдерлардаги мавжудотлар билан биринчи бўлиб мулоқотга киришиши баҳтига мусассар бўлганимизда, буни ўзимиз учун катта шараф сифатида қабул қилган бўлардик. Агар учар ликобчалар худудимизга қўнганида, биз ўз ҳайриҳоҳлигимизни ифода этиши учун сайд-ҳаракатларимизни аямаган ва ўзимизни ўйламаган ҳатти-ҳаракатлардан қатъяян тийган бўлардик...»

Ва ҳоказо.

3

Чамаси, радиостудиядан электричкада қайтаётган пайтимда бу хабарга нигоҳим тушган эди. Дафъатан бутун вужудими муздек тер босди, ўзимни ҳозир портлаб кетаётгандек ҳис қилдим ва хабарни бошқатдан ўқишга тушдим. Сатрлар кўз олдимда бикфорд симидек¹ ёнарди ва хабарни ўқишни туталашим биланоқ кўзни қамаштирадиган даражадаги портлаш рўй берди. Портлаш тўлқини миямга етиб бориши билан форманиқ ва равшан шаклга кирди.

Биринчи бекатдаёқ мен электричкадан сакраб тушиб, яқинорадаги телефон будкасига отилдим. Эҳтимол, шошқалоқлик қилмаганим маъқулроқ эди. Балким режимни қоғозга тушибириб олиш учун аввал студияга қайтишим ёки уйга шошилишим керак эди. Нима бўлганда ҳам, аввал тактикани синчик-

¹ Бикфорд (инглиз ихтирочиси У.Бикфорд – W.Bikford номи билан) сими – аввалги вақтларда портловчи моддаларни портлатиш учун ишларидаги сим (таржимон изоҳи).

лаб ишлаб чиқиш, кейин құнғироқ қилиш керак эди. Лекин ракета Марсга томон елиб борар, қүниш уч ҳафтадардан ҳам олдинроқ бўлиши мўлжалланаётганди, энди ҳамма нарсадан умидни узиб бўлгандим ва ич-ичимни тоқатсизлик ўртарди. Аслида гап бунда ҳам эмасди. Мени ажойиб ғоямнинг роҳатбахш юки букиб қўйганди. Тезроқ амалдор биродарларимизнинг бурнига чертиш, хотинимни тинчлантириш, оиласданда тотувлик ва хотиржамликни тиклаш ўйи бундан ҳам қўпроқ шошилтираётганди. Зоро, ишончни йўқотган хотинга нисбатан ишончни йўқотган эр уч карра баҳтсизроқдир.

Телефон гўшагида золимим, таҳририят бўлими мудирининг овози эшитилганда ўзимни ҳам ажаблантирган қандайdir шилқим оҳангда сўз қотдим:

— Топдим. Ажойиб ҳийла ўйладим. Кейинги ҳафтада бошлаймиз. Шакл, услугуб — ҳамма-ҳаммаси бошқача бўлади... таъбир жоиз бўлса, бир юз саксон даражага бурилиш...

— Тўхта, — у зерикарли, пўнг овозда гапимни бўлди. — Да-стур тўлалигича сенга ишониб топширилганини биласан-ку...

— Йўқ, сиз олдин эшитинг. Ҳамма нарсани қуйидагича ўзгартирамиз... Лўндаси, масалан... Кириш қисмида бошловчи бизга маслаҳат сўраб йўлланган мактубни ўқиб беради...

— Атрофингда нима гувилламоқда? Электричками?

— Гувилляяпти? Балким, бошқа жойдан қайта қўнғироқ қиларман?

— Қулоқ сол, гап ҳар ҳолда жиддий, кел, бошқа вақт шошилмасдан...

— Битта мен эмас, иккаламиз шошилишимиз керак. Ўзингиз биласиз, ракета бизни кутиб ўтирмаиди. Майли, бу ҳеч нарса эмас, энди ҳаммаси изига тушиб кетади. Бизнинг марслик қатъий қарши хужум билан тарози палласини биз томон оғдирди. Шундай қилиб, бошловчи хатни ўқиб беради... Майли бу, масалан, ибратли оиласдаги онанинг астойдил илтижоси бўла қолсин... Ҳозир уни сизга ўқиб бераман.

— Ўқиб бераман? Нима, бу росмана хатми?

— Йўғ-а. Уни ҳозиргина ўйлаб топдим. — Мен бошловчи оҳангига тақлид қилган ҳолда нафас олмай бидирлаб кетдим:

«... Бизнинг турмуш қурганимизга ўн бир йил бўлди. Тўшакдoshim ҳамиша бенуқсон инсон, меҳрибон эр, яхши ота бўлган. Бироқ яқинда у хизматдан келиб, учар ликобчани кўрганлиги ни айтди. Шу пайтдан бўён у ана шу учар ликобчадаги одамлардан сигналлар ола бошлади. Уни ҳар гал ўзларига чақиргандарида, ҳатто тунда ҳам, йўлга тушади, уйдан ташқарида неча соатлаб вақтини ўтказган пайтлар ҳам бўлади. Мен ундан қаёққа боришини сўраганман, аммо у учар ликобчадаги кишилар ман эттанликларини рўкач қилиб, ҳеч нарса демайди. Хизматида кўнгилсизликлар бўлиши мумкинлигини айтиб, уни ўз хатти-ҳаракатини ўзгартиришга кўндиromoқчи бўлдим, лекин беҳудага ташвишланмаслигимни ва унга ишонишимни, чунки эртами-кеч учар ликобчадаги кишилар ҳукумат билан музокара бошлашлари ва ўшандада уни музокара олиб борадиган ҳайъатда муҳим лавозимга тайинлашларини айтади. Шунга қарамасдан, жуда ташвишдаман ва кўпинча кечалари уйқум келмайди. Энди эса, у менга кўз олайтира бошлади ва унга ишонмас эканман, сен билан ажрашаман деб дўқ қилишга ўтди. Балким эрим ақлдан озгандир? Ва яна, илтимос, бу учар ликобчалар ҳақиқатан ҳам мавжудлиги тўғрисида гапириб берсангиз...»

Менга симнинг нариги тарафида турганлар майингина тиржайишганга ўхшаб туюлди. Руҳланган ҳолда кўкрагимни ҳавога тўлдириб давом этдим:

— Бошловчи ўқишини тутатиб, студияга мактуб эгаси, шунингдек, биз маслаҳатлашган бир нечта мутахассисни таклиф қилганлигимизни эълон қиласди. Улар бир нечта савол бериш истагини билдирадилар... Майли, улар, масалан, руҳшунос врач, фантаст ёзувчи, астроном, учар ликобчаларни ўрганиш бўйича қўмита аъзоси, Ташқи ишлар вазирлиги ходими бўла қолсин... улар қанчалик кўп бўлса, шунчалик яхши...

— Уларнинг ҳаммаси, албатта, соҳта кимсалар бўлса керак?

— Йўқ, мутахассислар ҳақиқий бўлганлари маъқул. Сизга ҳали ҳамма нарса авваллардагига қараганда мутлақо бошқача бўлишини айтдим-ку... Қисқа қилиб айтганда, бутун умидимиз бундан бу ёғи ҳамма учун ўта қизиқарли бўлишида. Тассаввур қилинга, тиллари бурро бўлгач, бу ёғи ҳам қойилмақом бўлади! Аммо

дастурнинг ҳақиқий «михи» олдинда. Бизнинг дўстларимиз, яъни мутахассислар ўртасидаги баҳс тингловчиларни кулдира бошлаганида суҳбатга яна бошловчи аралашсин. Яъни, кечирасизлар, биз ҳозиргина жуда қизиқ хабар олдик. Бу ҳозир даврамиздаги хоним томонидан ёлланган хусусий изқуварнинг маълумоти... Хоним, агар сиз эътиroz билдиրмасангиз, ҳозир бу маълумотни ўқиб эшигтирасак. Мактуб эгаси бир сониятик довдирашдан кейин ийманибгина розилик билдиради. Шунда бошловчи ҳамманинг эътиборини тортиб, изқувар маълумотини ўқиб эшигтиради... Нима деб ўйлайсиз, бу нима ҳақидаги маълумот?

— Мен қаердан билай...

— Маълум бўлишича... — мен сермаъно тин олдим. — Маълум бўлишича, бу воқеага аёл аралашган!

— Аёл?

— У безбетлик билан хотинини алдаб келган. Учар ликобчадаги кишилар бир баҳона бўлган... аслида у бошқа хотинга илакишиб юрган.

Мен гапимни тутатдим ва нафасимни ростладим. Мен мана, ҳозир қулоғимга маъқулловчи кулги эшитилишини кутардим. Бироқ бирон кулгидан дарак йўқ, фақат нимадир шитирларди. Ташвишланиб, суҳбатдошим жойида эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун оғзимни очмоқчи бўлгандим, шу заҳотиёқ у:

— Ижозат берсанг, бош қаҳрамонинг қаерда қолди? Марслигинг қани? — деб қолса бўладими.

Бу аҳмоқона оҳанг хоҳлаган кимсани гангитиб қўйиши мумкин эди, лекин алъянинизмнинг сири ҳеч қачон пастга қарамасликда. Мен ҳеч нарсага эътибор бермасдан, ҳужумни танлаган тактикага мувофиқ давом эттиришга қарор қилдим.

— Ҳамма гап шунда-да. Аслини олганда сизга, шунинг учун ҳам, қўнгироқ қилмоқдаман. Ҳа, марслик фойиб бўлди... аниқроқ айтсам, фотография негативидек астарини афдарди... Шунинг учун, ўзингиз тушунасиз, дастуримизнинг номланиши энди алдамоқда. Табиийки, номни ўзgartiriшга тўғри келади. Мен бу ҳақда ўйлаб кўрдим ва «Алвидо, марслик!» номини таклиф қиласман. Сиз қандай фикрдасиз?

— «Алвидо, марслик!»?

— Ҳа. Менимча, бир қадар муваффақиятли, шундай эмасми?

— Эҳтимол... Билмадим, балким муваффақиятлидир...

Менга уни ўз томонимга оғдира олганимга ўхшаб туюлди. Танглик юмшади ва мен аввалги босимимни пасайтириб давом этдим:

— Биз тажрибамиздан одамлар ҳазилни ёқтирмаслигимизни биламиз. Марслик чипакка чиққан ҳазил бўлди. Мен ўзимга: чипакка чиққан бу ҳазилни бошқатдан саҳнага олиб чиқишига уриниб кўришга ким ҳалақит беради, дедим.

— Ҳа, бу ҳақиқатан ҳам нафис! — мудир ниҳоят у ҳамма нарсанинг тагига етганидек бирдан жонланиб кетди. — Қара, бу ҳақиқатан ҳам чакки эмас! «Салом, марслик!» дастурининг сўнгти эшилтиришини бу қадар безаш — ноёб фоя! Биз ботаётган юлдузга лой чапламаяпмиз, биз уни муносиб кузатяпмиз, ишонаманки, бизнинг бу ҳиссиётларимиз муносиб баҳоланади.

— Сиз мени тушунмабсиз! — ўзимни йўқотиб қўйган ҳолда қичқирдим мен. — Сўнгти эшилтириш деганингиз нимаси? Ахир, бу фақат бошланиши-ку! Биз фақат дастурни «Алвидо, марслик!» деб атаймиз ва уни янги номга мувофиқ давом эттирамиз... Мен ёвузликни эзгуликка айлантирмоқчиман, тушуняпсизми? Шунинг учун...

— Аҳмоқгарчилик, — гапимни бўлди у, худди мени четга суриб қўяёттандек. — Сен жуда кўп нарсани истайсан. Ишларнинг умумий аҳволи тўғрисида гапирмай қўя қолай, аммо шундоққина номланишни ўзгартириш — бизнинг бутун ёруғ дунё олдида ўзимизга ишонмаслигимизни тан олишдир. Наҳотки, сен буни тушунмасан? Биласанми, эфир ҳар ҳолда умумий мулк ҳисобланади. Бундай лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Қолаверса, наҳотки сенда ўз қадр-қимматинг ҳисси бўлмаса?

— Ўйлашимча, шунга ўхшаш нарса бор. Шундай бўлса ҳам, номни ва услубни ўзгартириш, албатта, дастурнинг асосий руҳини ўзгартиришни билдирумайди... Аввал-бошдан мени ердаги одам муаммолари қизиқтирган, ҳар қандай марслик эса, воситадан бўлак нарса эмасди...

— Жуда унчалик бўлмаса керак. Ҳатто одамсиз кутб ҳам тасаввурга таъсир кўрсатадиган қандайдир жозибаларга эга.

Марсга келсак эса, майли у нақадар ҳувиллаган, кеккайган, салбий бўлмасин, аллақачондан шунчалик жумбоқли ва сирлики, буни фақат сенга ўшаган олифталар инкор эта олади.

— Сиз галимни яхши тушунмаяпсиз...

— Қисқаси, гап бундай. Мен бўлим раҳбари сифатида дастур номини ўзгартиришга рози бўлолмайман.

Навбатини кутаётган ёшгина аёл жаҳли чиқиб, телефон будкаси ойнасини чертарди. Унинг елкаси ортидан менга сочи узун эркак норози қиёфада ўқрайиб туарди.

— Кечирасиз, бир дақиқа кутиб туриңг... Мен автоматдан қўнғироқ қилаётгандим, бу ерда навбат кутиб қолишли, шунинг учун ҳозир бошқа жойдан қайта қўнғироқ қиласман...

— Йўғ-е, нима кераги бор, келинг, шу билан гапга нуқта қўяйлик, — бепарвогина эътиroz билдири у. — Айтгандек, Марс — Ой эмас, шунинг учун техник сабабларга кўра муваффақиятсизлик эҳтимоли кўпроқ, тўғрими? Шундай экан, Марс ракетасининг қўниши муваффақиятсизликка учрашига умид боғлаб қолаверамиз...

4

Мен уйқудаги йўлбарсни безовта қилгандим. Мен қаттиқ камситилгандим, энди қарши ҳужумни давом эттиришдан маъно йўқ эди ва фақат бу ярамас ракетанинг муваффақиятли қўнганлиги ҳақидаги хабарни интизорлик билан кутишдан бошқа илож қолмаганди.

Аммо бу хабар мени том маънода ларзага солди. Вужудимни эгаллаган ўқинч ва камситилиш ҳисси деярли йўқолиб, ўрнини бутунлай парокандаликка бўшатиб берди. Шошилинч хабарларда «Барча аппаратуралар меъёрида ишламоқда!» деб такрорланар ва ҳар гал кўз олдимда хаёлан бу ракета — оддий механизм эмас, балки инсон тафаккури маҳсули гавдаланаарди. Бир неча ой давомида у ўзининг қоп-қора сояси билан сеҳрли бўшлиқ сайёранинг улкан кенгликларида яшайди ва Ерга маълумотлар жўнатиб туради. Ҳа, бу ашёвий далил олдида менинг марслигим бўм-бўш ва сохта кўланка эди. Ҳаёлий қўргоним арвоҳ каби эрталабки қуёш шуъласи билан фойиб бўлди ва бун-

да анқовларнинг эмас, бевосита менинг тасаввуримнинг но-чорлиги асосий роль ўйнади. Сўнгги дақиқагача енгилганли-гимни тан олишга журъат эта олмадим ва мана қақшатқич мағ-лубиятга учрадим. Марслигим эмас, ўзим ўлдирилгандим.

Энди эса, радиокомпания эртами-кеч юбориши керак бўлган ҳукмни кутардим. Шунинг учун ҳузуримга кимдир келиб, марс-ликлар ҳақида гаплашиб олмоқчи эканлигини айтишганида, табиийки, бу студиядан юборилган вакил деган хаёлга бордим. Менга ҳамма нарса равшан эди. Ҳамма нарса менинг энг заиф жойимга кутилмаган зарба берилишидан далолат берарди.

Хотиним қатъийлик билан такрорлади:

- Уни сени олдингга олиб кирайми?
- Балким, бу режиссердир?
- Йўғ-е, унга ўхшамайди.
- Бўлим мудири ҳам эмасми?
- Мен уни ҳеч қачон кўрмаганман...

Мана шу жода сергак тортишим керак. Студияда аввал телефондан огоҳлантирмасдан олдимга қандайdir кўримсиз, менга нотаниш бўлган хизматчини юборишдек сурбетликка боришмагандир... Лекин иродам синдирилганди, хунук хабар-лар кутаётгандим ва шубҳаланиш учун мадорим қолмаганди. Кучли ҳадик тобора вужудимни эгаллаб олаётганди.

- Майли, унинг олдига ўзим чиқаман.

Хотинимнинг нигоҳига тўқнаш келмаслик учун ўрнимдан турдим. Ҳозир бошимни кундага қўйиш учун олиб бориша-диган ҳолда эдим. Ракетага лаънатлар ўқирдим, Марснинг бепуштлигидан нафратланардим...

- Ўзингни қўлга ол, — деди хотиним.

У буни мутлақо хотиржам ҳолда айтди, бироқ бу мени укув-сизликда айблашдек туюлди ва шу сабаб тажангашдим.

— Нимани қўлга олишим керак? — дедим. — Марсликни қайсиdir АВ-4 сайёрасида яшовчи билан алмаштириб қўяман, холос.

— Мен фақат ўзингни қўлга ол дедим, чамаси... Бу хонада-ти деразаларни очсак яхши бўлармиди.

- Кераги йўқ.

- Тамаки тутунидан кўз ачишиб кетяпти. Нима, сен марслигингнинг жанозасини қиляпсами?¹
- Марслигимни эмас. Ўзимникини.
- Ажаб бўлсин. Лекин ташрифчининг ҳам кайфиятини бузишнинг сира ҳожати йўқ.
- Менга энди ҳеч нарса ёрдам бера олмайди.

Чекиб тутатилмаган сигаретани тўла қулдан четига босиб учирив, ўз-ўзимга: «Марсликларнинг афти қурсин!» дедимда, хонадан чиқдим. Шу он телефон жиринглаб қолди. Студиядан бўлса керак деб ўйладим. Демак, ҳаммаси тахмин қилганимдек. Фақат огоҳлантирувчи қўнғироқ кечиккан ёки вакил эртароқ келган.

- Ҳозир чиқаман, — дедим мен телефон гўшагига кўл узатар эканман. — Илтимос, меҳмонга айт, бироз сабр қилсан.

Хотиним ортидан эшик ёпилиши билан гўшакдан қулоғимга ёш аёлнинг шошқалоқ овози урилди:

- Алло, сэнсэй², сиз билан марсликлар тўғрисида гаплашмоқчи бўлган одам олдингиздами? Эркак киши... У, билсангиз, эрим.

Антиқа-ку. Мен бутунлай бошқа нарсага кутаётган эдим.

— Кечирасиз, сиз студиядан қўнғироқ қиляпсизми?

— Студиянгиз нимаси? Мен у — эрим деяпман. Гап шундаки, у гумонсираш хасталигига чалинган.

— Гумонсираш... Яъни у ақлдан озганми?

— У, сэнсэй, сизнинг «Салом, марслик!» дастурингизнинг ашаддий иҳлосманди. Бу яккаю ягона сабаб деб ўйламайман, албатта, лекин ҳақиқатан ҳам кўз юмиб бўлмайди, у ўзини марслик эканлигини калласига жойлаб олган... Ҳар ҳолда у биронта эшииттиришингизни ўтказиб юбормайди, фақат сизнинг дастурингизни тинглайди ва бошқа нарсани истамайди. Устига-устак ракета тўғрисидаги бугунги эрталабки хабар. Бундан у ўта ҳаяжонланиб кетди ва эрталабдан бошлаб сиз

¹ Япон ибодатхоналарида жанозада чакиш таёқчаларидан фойдаланиш одати бор.

² Сэнсэй — японларда ҳамсуҳбатга ҳурмат билан мурожаат қилиш ифодаси, яъни жаноб.

билан, албатта, гаплашиб олиши кераклигини уқтиргани-уқтирган...

— Қаранг-а, телба... — содали сувни түйиб ичганда бўладигандек томоғимга аччиқ кулги тиқилди.

— Ҳа, унинг касалхонадан чиққанига атиги уч кун бўлди.

— Тўғри, ҳатто ақлдан озган бўлсанг ҳам, каллангга ўзингни марслик эканлигинг фикрининг келиши яхши эмас, — вужудимни силкитиб қаҳ-қаҳ этиб кулиб юбормоқчи эдим-ку, лекин менга бу ўз ҳолимнинг кулгилигиданми ёки ниҳоятда ачифим чиқаётганлигиданми, билолмаётгандим. — Огоҳлантириб қўйганлигингиз учун, раҳмат. Ҳақиқатан ҳам қандайдир нусҳа олдимга келибди. Бироқ сиз ташвишланманг, дарров кавушини тўғрилаб қўяман...

— Нима деяпсиз, бунга йўл қўйиб бўлмайди! — қичқирди у гўшакка ва гўшак мемранаси худди газета варагини қоқ иккига бўлиб йиртгандек шариллаб кетди. — Бу жуда хавфли! Ахир, эрим ниҳоятда тўполончи...

Унинг товуши шу қадар самимий, шу қадар муҳаббат ва хавотирга йўғрилган эдики, мен қаловланиб қолдим.

— Ундаи бўлса... қандай қилиб уни касалхонадан қўйиб юборишид?

— Рағбат жуда кучли бўлган. Бу — ўша ракета. У ўзини жуда юввош, хотиржам қилиб кўрсатган... Аммо сиз ҳаяжонланманг, агар унинг жаҳлини чиқаришмаса, ҳеч қачон тўполнон кўтармайди. Сиз фақат унинг гапларига қулоқ солинг ва ҳаммаси жойида бўлади. Ўзига қулоқ тутишадиган бўлишса, ниҳоятда беозор ва қобил. Сўзларига эътибор беришмаётгандек туюлсагина, иш пачава бўлади. Шунинг учун ташвишланманг. Мен ярим соатдан кейин олдингизда бўламан. Касалхонага ёки полицияга қўнгироқ қила кўрманг, акс ҳолда шундай тўполнон кўтарадики, кейин уни тўхтата олмайсиз. Мендан бошқа ҳеч ким унга бас кела олмайди. Аввалги гал арзимаган нарсага ғазаби қўзғаганида уни тинчлантириш учун уч нафар жуда бақувват эркак керак бўлди. Шунда ҳам санитар машинаси қайтиб кетаётганида бир эркакнинг бармоғи синди, иккинчиси пешонаси уч жойидан лат еди, учинчиси

учта тишидан ажралди. Сиз унинг кўринишига қараб адашманг, у ниҳоятда кучли. Хулас, унга гўлдек қулоқ солинг ва у мамнун бўлади... Ўтиниб сўрайман, атиги ўттиз дақиқа!

У менинг жавобимни кутиб ўтирасдан гўшакни қўйиб қўйди. Ана томошаю мана томоша! Меҳмон студиядан эмаслигини билганимда енгил тортгандим. Лекин ақлдан озган ихлосманд – каминаларига малҳам бўлса ҳам, ўлгудай қучлиси экан. Вужудимда умидсизлик, фазаб, довдирашлик арапашкуралаш бўлиб, мени аёвсиз қийнарди. Мен узоқ вақт телефон гўшагига сеҳрлангандек қараб, ундан яна қандай садо чиқаркин, билмадим.

5

- Эшигимиз олдидаги нусха студиядан эмас экан.
- Унда ким экан?
- Анвуиардан. – Мен пешонам олдида кўрсаткич бармоғимни айлантиридим. – Менинг ихлосмандим.
- Қувонадиган жойи йўқ.
- Ҳа, яхши эмас. Айтганча, уни менинг ўрнимга сен қабул қиласанг-чи?
- Шу тентакни-я?
- Ахир, мен фикрларимни жамлаб олишим ва тайёрланишим керак... Студиянинг вакили эртами-кеч барибир келади.
- Тақдирга тан бермаяпсанми?
- Мен қўлимдан келганининг ҳаммасини қилишим керак... Бизнигига келган нусха эса, бунинг устига тўполончилардан экан.
- Шу етмай турувди! – Бирданига унинг жаҳли чиқди.
- Нима, сен менга ақлдан озган тўполончи билан бир-икки соат ўтириб тургин демоқчимисан?
- Гапимни тушунмадинг. Агар жим қулоқ тутиб, гапини бўлмасанг ўзини мўмин-қобил тутади. Бундан ташқари, менга ўттиз дақиқадан сўнг уни олиб кетгани келишлигига қатъий ваъда беришди...
- Шундай экан, ўзинг ўтирабер. Менсиз.
- Бунга кўпроқ сен тўғри келасан. Сен ўзингнинг аёллик нафосатинг билан уни юмшатасан.

— Ёлғон ҳам эви билан-да. Қолаверса, у менинг эмас, сенинг иҳлосмандинг.

— Гапимни эшит, ҳозир иҳлосмандлар билан пачакилашиб ўтирадиган вақт эмас. Бунинг устига, у ўзини марслик деб ҳисоблаётган экан.

— Ҳали марслик ҳам дегин?! — У бехаёларча қаҳ-қаҳ уриб юборди. — Айтдим-а, пешонасининг ўртасида учинчи кўз ниш отаётгандай деб...

— Бу куладиган нарса эмас. Ахир, бироз ҳамдардлик ҳам кўрсатиш керак-ку. Агар унга дўстона муносабатда бўлинса, қизиқиш, руҳий яқинлик кўрсатилса...

— Бир умр шунга орзуманд эдим! Сен менга умид қилишга журъат этдингми... Йўқ, азизим, нима эккан бўлсанг, шуни ўрасан.

Хотиним шундай дея дарҳол чиқиб кетди. Эҳтимол, сиз фазаб оташидадирсиз: хотинлар қамал қилинган қатъада ўзларини шундай тутишлари керакми? Бироқ ҳаммасига ўзим айбордман-ку. Мен аввал-бошдан таслим бўлишга рози бўлдим, аввал-бошдан хотиним олдида ишончни йўқотдим. Сиз бунга шубҳа қиляпсизми? Аммо мен фожиамни бир мирига арзимайдиган ҳазилга айлантирган телбага хотинимни қалқон қилмоқчи бўлдим. Бунинг учун эрлар кечирилмайдилар. Ҳа, чиндан ҳам елкамга оғир заҳмат ортмоқланди. Бемаъни фикрларга берилиб, вақтни чўзар эканман, эшик томонидан илдам одимлар эшитилди. Мен телефондаги мулоқотни эсладим ва титраб кетдим. Агар меҳмонимни кутуриш даражасига келтирсам, ҳеч бир камситишлар менга унингдек зиён келтира олмайди. «Экканингни ўрасан» мақолини хотиним ўйлаб топгани йўқ, бироқ ҳозир ҳар қандай эътиrozнинг мавриди эмас... Демак, жилпангламаймиз ва марслигимизнинг арвоҳига «салом» деймиз!

Кирган киши даҳлиздаги чироққа орқа қилиб, ҳиёл букчайган, икки қўли билан қора чарм портфелни кўкрагига босган ҳолда турарди — ўзида қунт ва ҳижолатни мужассамлаштирганди.

Юзи чироққа тескари бўлганлиги учун уни тузукроқ кўра олмадим, лекин унда фақат ўй жиҳозлари билан савдо қилувчи агентларга хос — бошқа ҳеч кимда бўлмайдиган — майнин табас-

сум жилва қилиб турарди. Аммо фланель костюмининг бичими ва ранги савдо агенти учун бир қадар нафис ва ялтироқ эди.

Унинг паст бўйли ва кенг яғринлиги дарҳол кўзга ташланди. Эҳтимол, у эси оғган тўполончидир, лекин унинг кўринишида бирон кўрқинчли нарсани пайқамадим. Унинг рафиқаси билан телефонда сўзлашганимдан кейин кўз олдимга келтирган даҳшатли қиёфа ҳам йўқ. Бундан енгил нафас олишим биланоқ у паст, ҳаяжонли товушда деди:

— Сизни кўришдан нақадар баҳтиёрман, сэнсэй!

Сўнг у қийшайиб, мен томон букилди ва қиқирлаб кулди. Бу тиржайиш менга ёмон таъсир қилди ва бир қадам ортга чекиндим, у эса, бидирлаб кетди:

— Мен дастурингизнинг муҳлисиман, сэнсэй. Бу — яхши, аъло даражадаги ибратли эшигтиришлар. Бугун мен сизга мислсиз материални тавсия этишга қарор қилдим, сэнсэй... Чин сўзим, бу ҳақиқатан шов-шув бўладиган, айни сизнинг дастурингизга мўлжалланган!

У буни тин олмасдан тариллатиб гапирди, айни вақтда жилпанглаб қиқирлашнинг ҳам уддасидан чиқди. Қаранг-а, наҳотки, у бутун ўттиз дақиқа давомида ўзини шундай тутса? Хозирнинг ўзида бундан нафасим бўғзимга келганди.

— Шундайми? — ўзимни гўлликка солдим.

— Йўқ, менга миннатдорчилик билдираманг. Мен муҳлисингизман ва сизга нафим тегадиган бўлса, шунинг ўзи менга кифоя қиласи. Чин сўзим!

— Ростдан-а?..

— Чин сўзим, тубан таъмагарлиқдан асар йўқ, асло бундай эмас! Сиз фақат менга ишонинг, рост, бошқа менга ҳеч нарса керак эмас...

— Мен сизга ишонаман, албатта. Ва сизга миннатдорчилик билдираман. Чин қалбдан.

— Отангизга раҳмат! — У бошини ёнига эгиб, кулиб юборди. — Мен эса, сиз жуда таажжубланасиз деб ўйлабман.

— Ҳечқиси йўқ, ташвишланманг. Ҳар ҳолда тажрибам катта, эндиликда мени бирон нарса билан ҳайрон қолдириб бўлмайди.

— Ростданми? У ҳолда мен сизга тўғрисини айтаман... — У

тилиниң учи билан лабларини ялади ва бесүнақайлык билан портфелини құлтиғига сұқди. — Гап шундаки, мен қандайдыр оддий одам әмасман. Мен марсликман.

Унинг ахмоқона оқантидан ғафлатда қолиб, ўйлаб ўтирасдан дедим:

— Э-ха, шунақами?..

Шу дақиқада ёк гүё чироқ ўчиргич бурилгандек, юзи мурданикідең оқариб кетди.

— Эх, жин урсин! — Хатойимни англадим, аммо ғишт қолипдан күчганди.

— Таажжубланарли... — деди у ғамгин, синиқ овозда. — Сиз ҳечам ажабланмадингиз.

Довдираң қолиб, хатомни түғриламоқчи бўлдим, бироқ ахмоқона бир жумла билан ишнинг буткул пачавасини чиқардим.

— Бўлмаса-чи... Ҳайрон қолдим, албатта... Мана, сиз марсликман деяпсиз ва мен қотиб қолдим...

— Ҳа, тушунарли... — У ўша ўлуктус юзи билан нигоҳини кути қопқоғини силаётган бармоқтарига қадади. — Фақат, билсангиз, тик турган ҳолда гаплашиш мен учун ўнғайсиз. Ҳар ҳолда, Ерингизда тортиш кучи Марслагига қараганда анча катта. Бу ерда биз дарров ҷарчаб қоламиз. Балким сиз менга хонага киришга ижозат берарсиз?

Шундай деяр экан, у гавдаси оғирлигини бир оёғига ўтказди ва енгил нафас олди. Жуда нозик психологик усталик. Унинг ўз башарасини чаққон бошқариши менда қандайдыр хавфни ҳис этувчи, ҳар дақиқада ташланиб қоладиган йиртқич ҳайвонни эслатди ва мен жуда кўрқиб кетдим. Эҳтимол, бунинг сабаби ўша телефондаги суҳбат бўлса керак.

— Албатта, албатта... Марҳамат... — мингилладим мен.

Кутилмаганды у аввалги оқантига қайтди.

— Майлими? Бу — ажойиб!

У эгилиб, пояфзали ипларини еча бошлади. Тишни фижирлатганды жағлар зўриққандек вужудим таранглашиб, йўлакда у ёқдан — бу ёққа юра бошладим. Мен телба билан суҳбатлашиш ақлли одамларнинг иши әмас, ҳамсуҳбатингнинг гапларига

қачонгача «лаббай» деярканман деб кўнглимдан ўтказдим. Ба мен ўзимга хос тарзда эътиroz билдиришга жазм этдим.

— Хотин! — бақирдим мен. — Меҳмонга чой олиб кел!

Мен эътиroz дедимми?.. Бу қанақасига эътиroz бўлсин? Нари борса қаҳрли вайсаш, холос. Вайсаш... Ҳа, бу хотинимнинг ақлдан озган марсликни айбимни юмшатишим учун менга рўпара қилган нодонлигига жавобан вайсаш. Яна марсликка ила-кишиб, ҳамманинг кўз ўнгида қалби ва танасини нобуд қилган одамнинг ўз-ўзига ҳалокатли вайсали... Қаранг-а, тагин бу марслик — ўзим яратган хом хаёллик маҳсули!

Майн кулгу ва майда одимчаларнинг овози келди.

— Эшиздим! Ҳозир...

6

— Марҳамат, бу ёқقا, мана бу диванга...

— Йўғ-е, кўйсангиз-чи! — Меҳмоним ўта шошқалоқлик билан орқага тисарилди, сал бўлмаса, токчадаги гул тувагини тўйтариб юбораёзди. — Менга йўлакча ҳам қулай, чин сўзим. Илтимос, овора бўлманг.

У мени кескин четга суриб, эшик ёнидаги стулга интилди.

— Бу стулда сизга нокулай бўлади-ку! Нега тортиняпсиз, тушунмаяпман?!

— Во ажаб... — деди у юзимга пастдан туриб боқар экан.

— Сэнсэй, сиз нима, мендан қўрқяпсизми? Худди хоҳлаган пайтда хонадан қочиб қолиш қулай бўлиши учун мени бурчакка тиқиб қўймоқчимисиз?

— Бўлмаган гап! — ғазаб билан хитоб қилдим мен, лекин бу қаҳр ҳақиқийликка қарагандан жўшқинроқ эди. Мен бу ниятда эмасдим ва обрўйимни туширмаслик учун, сўзимни амалда тасдиқлашдан бошқа иложим қолмаганди.

Шу тариқа хоҳласам-хоҳламасам мен дивандан жой олдим, ақлдан озган марслик эса, эшик олдидаги стулни эгаллади.

Деразалар парда тортилган, чироқ ёғдуси ипак пардалардан меҳмон орқа томонига тушиб турган қуёш шуълаларидан кучлироқ эди. Шунда илк бор унинг юзини кўра олдим. Кутганимдан фарқли равишда унинг юзи иродасиз ва қандайдир

бечол туюларди. Қушникидек узун бўйин, пуфакчалар билан қопланган сукли ияқ, аянчли осилиб турган оғиз четлари, киртайган, тупроқтус лунж, bemорларникига ўхшаш уйилган қовоқлар... Аммо у бошини елкаси томон тортиб кула бошлиганида ийманиши бир онда шу қадар сурбетлик билан алмашар эдики, мен беиҳтиёр қўзимни олиб қочардим.

Вақтни чўзиш учун чека бошладим. Шунда у гўё мўрт мўм таёқчани олгандек, эҳтиёткорона ҳаракатлари билан сигаретани эзғилади ва кейин уни тишлари орасига тиқди, сўнг бўшашиб, стулга чўзилиб ўрнашди. У ўз гавдаси оғирлигидан мароқ билан дам олар экан, чуқур нафас чиқарди ва бурнини шишириб деди:

— Хонангиз ажойиб экан, сэнсэй, бу ер менга жуда ёқяпти...

Ажойиб хона дегани нимаси! Эски китоб ва журналлар тартибсиз сочилиб ётган бўлса... Қоралама битиклар парчалари ва очилган қалам қириндилари... Кулдон вазифасини ўтайдиган гул туваги ва соч қасмоқлари тўкилган стол... Ҳар кимнинг диди турлича, бироқ бундай такаллуфларга жавоб қайтариш асло шарт эмасди ва мен сукут сақлаб, сигаретамни тутатишни давом эттиравердим.

— Ажойиб хона, ажойиб хона, ажойиб хона... — у куйлаётгандек буни бир неча бор тақрорлади ва бирдан гавдасини тиклаб деди: — Биласизми, сэнсэй, хонангиз нимаси билан менга ёқяпти? Ҳозиргидек кайфияти билан, бугунгидек серқуёш кунда пардалар ёпиқлиги билан... Ерликлар учун бу, эҳтимол, ифлос тешикдир, аммо марслклар учун бу айни муддао. Сизнинг Ерингиздаги қуёш биз учун жуда нурли. Лекин сизнинг даҳшатли тортиш кучингиз янада ёмон... Сиз буни худди ҳаво каби пайқамайсиз, албатта, бироқ биз каби бошқа дунёдан келгандарнинг танаси учун бу тезлигини кескин ошириб бораётган тезюар лифтда тургандек гап. Биз тунлари бу лифт шифтни тешиб ўтиб, Коинот бурчагига олиб кетаётгандек тушлар кўрамиз. Даҳшатли ёлғизлик ҳисси пайдо бўлади. Сиз Ерда яшайдиган марслкларда асаб касалликлари ривожланиши муқарарлигини биласиз. Уларга оёқлари остидаги қаттиқ ер йўқ бўлиб кетгандек туюлади. Охир-оқибат улар очиқ жойдан қўрқадиган бўлиб қоладилар. Мана шунинг учун ҳам, ҳозирги му-

ҳитда, бу хонада мен ўзимни яхши ҳис этяпман... Ҳа, сэнсэй, сиз марсликларни аъло даражада тушунасиз...

Қаранг-а, қанақа жиннилар учрамайди, ўллардим мен, айни пайтда унинг Ернинг тортиш кучи ва бошқа фикрларидан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Унинг мулоҳаза юргизиши нозик дид ва нафосатдан ҳоли эмасди. У ўзи, тажрибага суюнмасдан шу даражада ёрқин таассуротларни шакллантира олган экан, афтидан, марсликлар дунёқараши билан жуда апоқчапоқ бўлиб кетган кўринади. Масалан, мен ўз тасаввуримдаги марсликлар орасида узоқ вақт бўлганимга қарамасдан, бундай нарсаларга дуч келмаганман. (Агар у менга буларни илгарироқ гапириб берганида, эҳтимол, дастурим учун уч-тўртта қўшимча эшилтириш тайёрлаган бўлардим). Хуллас, у ақлдан озган бўлса ҳам, қойилмақом жинни... Менинг диққат-эътиборим сусайди, ҳолбуки огоҳ бўлишим керак.

У нарсаларни баҳоловчининг хотиржам нигоҳи билан хона бурчакларини кўздан кечирап экан, бирдан менга қараб ҳуфиёна оҳангда деди:

– Нега биз гапни айлантириб ётибмиз, ўзи... Илтимос, сэнсэй, Айтинг-чи, сиз кутилмаган меҳмонларни ёқтирасизми?

– Йўқ, у қадар эмас...

– Шундай деб ўйлагандим. Ҳатто бу хонангиз ҳам сизнинг дилкаш эмаслигингиздан далолат беради. Сиз аслида босиқ, шубҳапараст, дунёга татийдиган фамгинлигингизга қарамасдан, худбин шахссиз. Мен каби мухлисларни остоңангизга яқинлаштирингиз керакмас, сиз эса, кутилмаганда мени ўз хонангизга таклиф қилдингиз, ҳатто дўстона сұхбатлашишдек илтифот қўрсатяпсиз. Гапимга қўшилаверинг, бу файритабиий эмасми?

– Асло. Касбий нуқтаи назардан иҳлюсманд азиз меҳмон ҳисобланади... Бундан ташқари, билишимча, сиз қандайдир шов-шувли материал олиб келибсиз...

– Шов-шув шундаки, мен одам эмас, марсликман...

– Ҳа-да... Бу, албатта, ақл бовар қилмайдиган шов-шув....

– Мана, сиз яна бемаъни гапларни айтяпсиз. Ёлғонни тўқиб ташайверишдан уялмайсизми?

– Сиз нимани назарда тутяпсиз? Нима учун бундай деяпсиз?

— Қандай? Яна қандай? Сиз, мутахассиснинг олдига одам келиб, ўзини марслик деб атаяпти, сиз эса, бунга тирноқча шубҳа билдири маяпсиз. Ўзингиз айтинг, бу бемаънилик эмасми? Хўш, гап нимада? Ёки бу ерда мен билан майнавозчилик қилишяптими?

— Сиз жуда ошириб юбордингиз. Қанақасига мутахассис бўлай? Шунчаки радиога ёзиб тураман, у-бу нарсаларга қизиқаман, албатта...

— Аммо ақлдан озмагансиз-ку, жиннимассиз-ку?

— Энди, биласизми... — Фазабим қўзғаганди, лекин шу заҳоти миямга ҳамсуҳбатим тентак эканлиги, агар унинг ифвосига учадиган бўлсанм, меҳмоним эмас, мен таъзирини ейиш им урилди. Соатимга қараб, атиги беш дақиқа ўтганини кўрдим. Яна йигирма беш дақиқа... Ишқилиб, Худо сабр берсин-да, бу тезроқ тугасин. — Бу ҳакда ҳатто газеталарда ёзишади.

— Ҳозир Уэллс¹ даври эмас ва Марсда юксак тараққий этган мавжудотлар йўқлиги сизга маълум бўлиши керак. Оддий тахминлардан анча ишонарлироқ маълумотлар ҳаво босими ниҳоятда кучсиз бўлган ва деярли ноль намлика Ердагига бирон тарзда ўхшаш ҳаёт бўлиши мумкин эмаслигидан гувоҳлик беради. Ёки... — У овозини пасайтириб, ё сурбетларча, ё мазах қилаётгандек, кулиб давом этди: — Айтинг-чи, сэнсэй, мен сизга юксак тараққий этган мавжудот бўлиб кўринмаяпманми, нима дейсиз? Тортинманг, гапираверинг! Қиёфамни қандай тасаввур қиляпсиз? Тортинманг, гапираверинг! Қиёфамни қандай тасаввур қиляпсиз?

Қаранг-а, нақадар чарчатадиган ва қатъиятли тентак! Ақлдан озганлар шу қадар силлани қуриладиган бўлади деб ўйла-магандим. Унинг гапларига қанчалик учсанг, шу қадар руҳланаверади ва фақат калавани чигаллаштираверади. Лекин, бошқа томондан, сухбатни давом эттиришдан бош тортиш яна-да хавфли бўларди. Нима дейишни билмасдан, чайналдим:

— Энди... биласизми, бу масала жуда нозик, мураккаб... Қиёфангиз қандай дейсизми? Биласизми, инсон кўзи фото-

¹ Герберт Уэллс (1866–1946) – буюк инглиз ёзувчи-фантасти.

аппарат эмас, бу нарсага, албатта, субъективлик унсурлари кўшилади. Ҳар каллада – ҳар хаёл, деб бекорга айтишмайдику, шундай эмасми? Қолаверса, концепциявий меъёрлар услубидан келиб чиқиладиган бўлса, хоҳлаган нарсани айтиш мумкин...

– Вой ҳазилкаш-ей... – У гавдасини букиб, атайн, олдорқасига чайқалиб, қаҳ-қаҳ отиб юборди. – Демак, агар сиз кўзингизни менга шундай қадамасангиз, концепциявий меъёрлар иш бермайдими? Наҳотки, мен шу қадар одамга ўхшамайман?

– Ҳечам. Аксинча, жуда ўхшашсиз. Агар очиқчасига айтадиган...

– Ҳудди одамдек, шундайми?

– Ҳудди шундай.

– Деярли фарқ қилмайди...

– Ҳа, қатъян ҳудди одамдек.

Кутилмаганда у стул ўриндигига гавдасини ташлаб ва ча-пак чалиб, жагини шу даражада катта очдики, томонининг ичигача кўринди. Мен унда тутқаноқ хуружи бошланди деб хурсанд бўлгандим, бироқ бу, афсуски, шунчаки қувонч хуружи экан. У эгилиб-букилиб, шамоллаган итдек хурап, кўз ёшларини фланель курткасининг енги билан артар ва узун-юлуқ товушда дерди:

– Воҳ, сэнсэй, ўлдирдингиз... «Ҳудди одамдек» дейди... Вой, ўлиб қоламан!.. Ахир, мен ўша ҳақиқий одамман-ку, сэнсэй! «Ҳудди одамдек» дейди-я... Йўқ, сиз мени бепичоқ сўйдингиз!..

– Нима сиз мени лақиллатяпсизми?

– Нима, сиз ҳали ҳам шубҳа қиляпсизми?

– Сизга айтсам, жуда антиқа экансиз...

У янада қаттиқроқ кулишга тушди. Нима ҳам дердим, мени роса боплади. Юрагимни намокобга бўктирган даражада аччиқ изтиробни ҳис этдим, лекин кутилмаганда танглик бўшашди ва ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қолдим, меҳмонимнинг қаҳқаҳаси аста-секин менга ҳам юқа бошлади. Биз жуфт бўлиб уч дақиқа давомида қаҳқаҳа отдик. У чўзилган резинадек диркиллаб, мен – бўшашиб кулардим.

Эшик туйқус очилди ва хотиним хонага ташвишли юзини сүкди.

— Қанақа чой ҳоҳлайсизлар? — сўради у.

У бепарво оҳангда гапиришга уринарди, лекин ҳамма нарса хотиним эшик орқасида қулоқ тутиб турганлигидан, ўзи эса ташвишдалигидан далолат берарди. Биз қаҳқаҳа отишга тушганимизда унинг сабри тугаб, пайдо бўлган биринчи имкониятдан фойдаланиб, изқуварликка киришганди. Бизлар аҳмоқона хаҳолашимиз пайтида эшикни очди, бундан ҳиёл ранжидим, айни пайтда хотинимнинг мендан ташвишланаётганлиги хуш ёқаётган эди. Мен жанг майдонида иттифоқчига эга бўлганлигимни англадим ва ташвишланишга асос йўқлигини билдириш учун зўр бериб унга имо қила бошладим, бироқ у буни тушунмаётганди ва юзини баттар ташвиш аломатлари эгалларди. Меҳмоннинг асаб тизими менинг имоларимни уққан кўринади. Унинг нигоҳи теннис ҳакамлариники каби бир неча бор рафиқамдан менга ва мендан рафиқамга йўналди, сўнг гўё қоида бузилганлигини сезгандек, хотинимга тикилиб деди:

— Чой — ажойиб нарса... Тилингиздан илинтиридим, менга европача чой бўлса... Европача чой — энг алдамчи ва ичимликларнинг беозори. Унга кўпроқ лимон ва шакар солинса, кўк чой ёки, айтайлик, қаҳвага нисбатан қимматбаҳо навлими ё арzon навлими ҳеч ҳам англаб бўлмайди...

Эндиғина мен бу одам билан мулоқотда бўлиш сирини тушуна бошладим. Бу масалага рафиқамни аралаштириб, нафакат фоизларимни, балки сармоямни ҳам йўқотаман. Имоларим иш бермади ва гўё хотинимни кифтларим билан итараётганимдек қилиб кўрсатиш учун тебрана бошладим ва бошимни зўр бериб чайқашга тушдим.

Хотиним кўрқиб кетиб, тўсатдан қандай кирган бўлса, шундай ғойиб бўлди. Шунда меҳмон яна нигоҳини менга тикиди, худди лойни эзfilaётгандек қўлини қаҳр билан ишқалади ва паст-баланд оҳангда кулишга тушди. Билмадим, у менинг устимдан кулаётганмиди ёки мени ҳам шерикликка чақириб, хотиним устидан кулаётганмиди, ҳар ҳолда унинг бу кулгиси-

дан бирон ёқимли нарса сезилмасди. Бусиз ҳам бошим ўз ташвишларим билан ғовлаб кетганди ва ўзгалар иши билан машгул бўлишга тоқатим йўқ эди.

Аммо телефонда қўнгириқ қилган аёл келгунга қадар ўзимнинг ички, портлашга тайёр «мен»имни тизгинлаб туришим керак эди. Ҳолбуки, бу «мен» чиқараётган заҳар вужудимга тарқалиб борар ва ўтдай ёндиради. Чидаб бўлмас қичимадан беихтиёр тилимни чақиллатдим ва товушни никоблаш учун янада чўзиброқ ҳиригладим.

— Ҳа, мен — одамман, — эълон қилди меҳмон бошини ҳиёл эгган ва атайин тортичоқликни намойиш қилган ҳолда. — Чиндан ҳам кўчаларда қанча кўп юрмайин, ҳеч ким мени бошқа нарсага ўхшатмади...

— Бирор шубҳа қилаётгани ҳам йўқ. Буларнинг ҳаммаси аҳмоқгарчилик!

Бирда унинг лаблари шалвиради ва меҳмон тантанавор оҳангда деди:

— Ҳа, мана, тан ҳам олдингиз. Демак, аввал-бошдан одам эканлигимга ишончингиз комил эдими? Демак, сиз буларни бўлмағур нарса деб ҳисоблаган бўлсангиз, аввал-бошдан менга нима тўғри келса, шуни сафсата қилиб сотгансиз. Нима учун сиз дарҳол менга тўғридан-тўғри марслик худди одамдек бўйлмайди деб айтмадингиз?

Ўзимни қандай тутишни билмасдан бирон нарса деб мин-ғилладим, у эса, таҳдидли овозда давом этди:

— Тушунтиринг, бекитманг! Бу жуда қизиқ-ку. Ёки сиз ҳар ҳолда марслик худди одамдек бўлиши мумкин деб ҳисоблай-сизми? Ишонмайман. Сиз бундай ҳисоблашингиз мумкин эмас. Истаганча ёлғонни тўқий беринг, барибир ёлғонингизни фош қиласман. Яхшиси дарҳол келишиб олайлик: сиз менга ишонмайсиз. Тўғрими?

— Биласизми...

— Нимага «биласизми»... Ўзингизни бегуноҳ қилиб кўрсатмай қўя қолинг. Ўта ёлғон гап қўполлиқдан бошқа нарса эмас. Яхши, ана шу қўполлигингизга жавоб беришга қарор қиласим. Жавобим икки карра иккидек жўн ва равшан. Қисқаси, сэнсэй,

сиз мени ақұдан озған деб ҳисоблагансиз. Күзимга тик қараб мени ақұдан озған дейишни истамадингиз. Сиз ҳамма нарсаны рисоладагидек қилиб күрсатиб, мана шу гул туваги билан бoshимга тушириш учун анқайишимни кута бошладингиз...

— Бұлмағур гап...

— Яна ёлғон гапиряпсиз! Аслида, мантиқан мулоҳаза юритғанда, мени ақұдан озған деб ҳисоблаш жуда табиий, шундаймасми? Нега күринишингиз бундай? Ҳа, мана, гап нимада... Энди тушундим... Сиз мендан құрқяпсиз. Сиз хавфсираяпсиз — ахир, ақұдан озған билан гаплашяпсиз-ку... Бунинг устига, яна түполончи билан, түгрими? Бирор мурруватпеша сизни огоҳлантириб қўйгани, шубҳасиз. Ҳа, айтганча, сизга яқинда кимдир телефон қилганга ўхшайди... Ишқилиб, менинг хотиним эмасми?.. Қаранг-а, кераги йўқ, нимага ўзингизни йўқотиб қўйдингиз? Энди ёлғон гапириш учун кеч. Шудай қилиб рафиқам сизга нималарни тўқиди?

— Ҳеч нарсани тўқимади. Бу қисқагина мулоқот эди... У сиз келдингизми ёки йўқми билмоқчи эди...

— Ёмон, ёмон... Биласизми, сэнсэй, нақадар ажабланарли бўлмасин, сиз ниҳоятда самимий инсон экансиз. Сизнинг баҳарангиздан ҳозир гапирганингизнинг тескариси уфуриб турибди. Ахир, у сизга, гёёки мен түполончи эканлигимни, касалхонадан чиққанимта атиги уч кун бўлганлигини айтди-ку, шундаймасми? Мана энди ҳаммаси тушунарли. Хотинимга бўлмағур нарсаларни тўқиши ҳеч гап эмас. Сиз, сэнсэй, — шу пайт у тўсатдан оддинга қийшайди, — унга ишонманг. Сизга оиласиздаги шармандачилик тўғрисида гапиришни истамасдим, лекин... Кўринишидан у жуда оддийгина аёл, менга ортиқча ташвиш тудиряпти деб айтмаган бўлардим, аммо унда қандайдир ирсият билан боғлиқ... Сиз унинг овозига эътибор бермадингизми? Бу товуш қандайдир ноодатий...

— Ҳм...тўғри. Қандайдир шундай... чинқирикли...

Шу сониядаёқ у стол четига жуфтланган бармоқлари билан чертди.

— Яна ёлғон гапиряпсиз! Сиздан илтимос, сэнсэй, бундан бу ёқ мени асабийлаштиранг. Акс ҳолда менда худди кара-

вотим тагида ола-була чивинлар ин қургандек ҳис пайдо бўлади. Сиз, албатта, менга эмас, рафиқамга ишонасиз ва бу жуда табиий, шундайми? Буни мен, гумондор тасдиқлаётган экан, демак ҳақиқатан ҳам шундай ва бу масалада чалғитишингизга ҳожат йўқ. Ва сиздан илтимос қиласман, келинг, энди жиддий гаплашайлик.

— Хўп, майли, келинг, жиддий гаплашайлик.

— Шундай қилиб, биринчидан... — У қўлинни кўтарди ва бармофини букди. — Сиз менинг рафиқамга ишондингиз ва мени касалхонадан чиққан руҳий bemор деб ҳисоблайсиз. Шундайми?

— Ҳа, шундай...

— Давом этсак, иккинчи масала. — У иккинчи бармофини букди. — Агар мен бу бўғтонга қарамасдан марслик эканлигимни тасдиқлашда давом этар эканман... Йўқ, ҳеч қандай «агар»... Мен ҳақиқатан ҳам буни тўла қатъият билан тасдиқлайман! Майли, мени жинни деб ҳисоблай беришсин, мен ҳақиқатдан воз кечмайман! Даиллар — қайсар нарса, шундаймасми? Мен марслик эканлигим каби, мен ақлдан озмаганлигим ҳам рад этиб бўлмайдиган даиллардир. Сиз эса, сэнсэй, буни тан олгингиз келмаяпти. Сиз шубҳалари билан эрининг жонига теккан ва у тўғрисида бегона одамларга фисқ-фасодларни тарқатадиган сотқин хотинимга кўпроқ ишонишингизни ҳаммага эшилтириб овоза қилишга уялмадингиз. Йўқ, сиз хотиним билан жинояткорона алоқадасиз деб гумон қиляпман, демоқчимасман, менга рашкнинг аҳлоқсиз хаёл-парастликлари умуман ёт... Шундай бўлса ҳам, ажабланарли... Бу ҳақда қанча кўп ўйласам, шунча кам тушуняпман. Сиз ҳеч қачон кўрмаган аёл овозини умрингизда биринчи марта эшилдингиз ва бу овоз сизга рўпарама-рўпара ўтирган одам сўзларига қараганда кўпроқ нарсани англатади...

Унинг кўтарилиган кўлларидаги бармоқлар шу қадар сиқидики, суяқчалари оқариб кетди, бу муштда тер қайнаб кетган бўлиши керак. Ўт бикфорд сими орқали динамитга ошиб бораётган тезлик билан яқинлашаётганди ва мен ваҳимада сочилаётган учқунлардан кутилиш учун оёқни кўлга олдим.

— Тўхтант, ахир, ҳаётда романлардагига қараганда ҳам шу-

бҳали далиллар бўлади, — гапта тушдим мен. — Ҳақиқий воқееликда чинакамига ларзага солувчи нарсалар бисёр. Масалан, ўша учар ликобчалар...

— Учар ликобчалар?

— Ҳа-да, улар ҳақида, эҳтимол, келаси ҳафта охирларида хабар берсалар керак, сиз буни эшитасиз... Ёки мутлақо бошқа соҳадан мисол: Ҳимолай қор одами...

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Мана нима... Сиздан сўрамоқчиман: Америка кашф этилганга қадар мавжуд эдими? Сиз нима деб ўйлайсиз? Ҳамма томонидан қабул қилинган тасаввурларга кўра, Колумб Американи у кашф этилганга қадар борлигига ишончи қатъий бўлганлиги учунгина оча олган. Йўқ, афтидан, бу жуда жўн... Мен аслида нимани тасдиқламоқчиман? Фалсафа ёки кашф этиш билан мавжудлик ўртасидаги ўзаро боғликларни тушунтирадиган услубиёт... ўйлашимча, бу жуда мураккаб, чигал масала...

— Сэнсэй, биз жиддий гаплашишга келишиб олган эдик-ку.

— Албатта, жиддий-да! Айтайлик, сиз тўла маъсулият билан қор одам бор деб тасдиқлай олмайсиз, шундайми? Турган гапки, бунинг эҳтимоли катта, масалан бу, айтайлик, сизни ёки мени келгуси йили дунёнинг энг гўзал аёли сифатида танлашларидан анчайин катта... Фақат бу нарса кашф этилгунга қадар унинг мавжудлигини эътироф этишга йўл қўйиб бўладими?..

— Нима, мен сиз учун қор одамманми? — бўғилди меҳмоним. У бирон нарсани қидираётгандек чўнтакларини қўли билан пайпаслади ва давом этди:

— Мени мазах қилишни бас қилинг. Менга шаллақидек қарашадиган бўлса, тоқатим тоқ бўлади... Ҳа, қаерда эди у, наҳотки уни ёддан чиқариб қолдирган бўлсам? Жин урсин, бошим айланяпти, ҳозир бурнимдан қон кетади...

У нимани қидиряпти? Бурнидаги қонни артиш учун датрўмолними?

Шундай бўлса майли-я, аммо қўлларининг ҳаракатига қарангандо у муайян шаклдаги нарсани изляяпти. Ажабланарли, фалати... Мен жўшқинлик билан дедим:

— Шаллақи, деганингиз нимаси? Шошилманг. Ўйлашим-

ча, мени тушунмадингиз. Мана мен – банд одамман, шунга қарамай, сизга шунча вақт ажратяпман...

– Чунки менга тескари бўлишдан қўрқасиз.

– Биласизми, суҳбатимиз худди соат капкиридек бир нарса устидагина чайқалмоқда...

– Бунга сиз айбдорсиз. Сиз сабабли мен бир қадам ҳам олға босолмаяпман, чункти сиз мени ақддан озган деб ҳисоблаяпсиз.

– Тўхтанг, бир дақиқа! Сиз ўзи мендан аниқ нимани хоҳлайсиз? Сиз мамнун бўлишингиз учун нима қилишим керак?

– Буни мен сизга айтдим. Сиз мен марслик эканлигимга... ҳеч бўлмаганда ана шу далилга тегишли қизиқиш қўрсатишингизни хоҳлайман.

– Бу ўз-ўзидан аён. Билсангиз, мен мана салкам икки йилдан бери марсликлар билан ёнма-ён яшаяпман.

– Ўйлаб топилган марсликлар билан...

– Албатта, ўйлаб топилганлар билан. Лекин мен учун улар ташқи дунёдан кам бўлмаган ҳолдаги воқелик. Сиздан гўёки марслик эканлигингишни эшитиш мен учун қизиқарли бўлмади деб ўйламанг. Марсликлар мен учун энг яхши дўстлар ва ҳамсуҳбатлар.

– Демак, сизни фақат кўриниши менга ўхшаш бўлган марсликлар қизиқтармайди. Чунки худди одамдек марслик сиз, сэнсэй, шу қадар яхши кўрадиган марсликларга бирон ўхшаш жойи йўқ.

– Бу ўринда ҳам сиз мени тушунмадингиз. Сиз билганингиздек, менинг марсликларим Ерда фарқлари кўзга ташланмайдиган қиёфада юрадилар. Агар ақлли мавжудотлар бошқа сайёраларда бўладиган бўлсалар, уларнинг бунга тафаккурлари етиши керак, шундай эмасми? Шу нуқтаи назардан, сизнинг бу даражада эврилишингизни мантиқий мукаммаллик намунаси деб аташ мумкин. Сиз мен ихтиро этган марсликлар орасида етакчи мавқега эга бўлардингиз деб ўйлайман.

– Буни жиддий айтяпсизми?

– Албатта, жиддий. Эҳ, сигарета ўчишти, мен эса сезмапман...

– Агар бунга ишона олганимда, жуда мамнун бўлардим.

— Күйсангиз-чи, сиз буни жуда қойилмақом қилиб улдада-
ладингиз! Марсликларимни шу даражада ўзgartиришга, ма-
салан, менинг ақдим етмапти. Қанчалик синчиклаб қара-
манг, сизни сира марслик деб айтиб бўлмайди. Қаерда
бўлманг, ҳеч ким сизнинг ҳақиқий башарангиз қандайлиги-
ни била олмайди.

— Шундай бўлса ҳам, сэнсэй, умидларингизни оқламага-
ним учун узрларимни қабул этгайсиз... Гап шундаки, мен ўзим-
ни мутлақо ўзgartирмаганман.

— Яъни бу сизнинг ҳақиқий кўринишингиз?

— Ҳа. Таассуфлар бўлсинким, агар мени кесишса, қоним
оқади. Қизил қон, худди одамларникидек...

— Хўп, яхши, яхши. Буни кўнглингизга яқин олманг. Дей-
ишади-ку, ноодатийликка йўл одатийлик орқали ўтади.

— Шунга қарамасдан, умид қиласманки... — У кўзини филай
қилди, лабларини қисди ва тўсатдан, худди ниқоб алмашган-
дек, чеҳраси аввалги, дастлабки, фаросатли ва нуфузли кўри-
нишини олди. Унинг шу онгача бўлган — ваҳимали, тунд ша-
фқатсизлик акс этиб турган қиёфасини тасаввур қилиш ҳам
мушкул эди. — Жуда ажойиб-да, — деди у. — Кўзим алдамай-
ди-да... Ким-ким, лекин сиз, сэнсэй, албатта, мени тушуни-
шингизга ишонардим.

Мен енгил тортиб нафас олдим. Эндилиқда кучларимиз
тенг эди. Ақдан озган, агар у софизм¹ ўйинига қодир бўлса
ҳам, барибир ақлдан озгандан бошқа кимса эмас. Сўз кўзбўя-
мачилигида пихини ёрган мендек одам билан баслашиш осон
эмас. Елкамдаги зил-замбил юкни улоқтириб ташлаб, сер-
ташвиш меҳмоним чўнтағидаги нарса билан боғлиқ масалани
дарҳол ҳал этишга қарор қилдим.

— Сиз ҳадеб нимани қидиряпсиз ўзи? — сўрадим мен.

— Пичоқни. Менимча, уни ёддан чиқарганга ўхшайман.

— Пичоқ?

— Ҳа. Пичоқни доим ёнимда олиб юраман...

¹ Софизм (юнонча «sophisms» — «Хийла», «үйдирма», «бошқотирма» сўзидан)
— далил асосланганга ўхшаса ҳам, аслида, мантиқ этишмайдиган сохталик.

Қандайдир нохуш сезгирилик ўз иш столимга қарашга мажбур қилди. Бу менинг хатоим эди.

Қоралама битикларим дасталари тагидан альпинистлар пичогининг кенг дами совуқ ялтиллаб кўриниб турарди. Бу пичоқ залворли эди - мен ундан пресс сифатида фойдаланарадим ва жуда ўткир эди - мен уни қайчи ўрнида ишлатардим. Зарурат туғилса, у ажойиб қурол вазифасини ўташи мумкин эди. Нигоҳимни дарҳол пичоқдан олдим, бироқ кеч бўлганди. Меҳмоним ниҳоятда элчил чиқиб қолди. Деярли яккаю ягона ҳаракат билан у стулдан сирғаниб, столни айланиб, хонани кесиб ўтди ва пичоқ унинг қўлига тушди. Шунинг ўзиёқ мени беҳол қилиб қўиди.

Аммо мен тарафга ўтирилганда унинг башарасида ҳаяжондан бирон нишона сезилмасди. Шунисига ҳам шукр. У пичоқ дамини текшириб кўрди. Айни пайтда у ўзининг аввалги уятчан табассуми билан кулиб турарди. Афтидан, аҳвол мен хавфсирагандек расво эмасди. Ахир, тирноғини тиши билан ғажийдиган болалар, тирноғини пичоқ билан олишга одатланган тентаклар бор-ку, бунинг нимасидан хавфсирайсан?

— Ажойиб пичоқ, — деди у. — Сопи ҳақиқий буғу шоҳиданми?
— Ҳақиқий.
— Уни бироз вақтга менга бериб туролмайсизми?
— У сизга нимага керак?
— Ўйлашимча, сэнсэй, биз жуда иноқлашиб қолдик. Чин сўзим, сизга миннатдорчилигимни қандай билдиришни билмай турибман. Ўзингиз биласиз, истакларимизнинг чегараси йўқ... Агар ўз сўзларингизни амалий иш билан исботлашни зиммангизга олганингизда сизга бошқа ҳеч қандай эътиrozим қолмаган бўларди... Сиздан ўтиниб сўрайман, сэнсэй, менга шу марҳаматингизни кўрсатинг, хўпми? Сиз билан руҳан яқинлигимизни исботланг... — Шундай деб у пичоқ дамидан ушлаб тортинчоқлик билан сопини менга узатди. — Жуда жўн иш. Бор-йўғи синаб кўриш учун тиқиб кўринг...

— Қаерга тиқай?!
— Менга-да, албатта.
— Аҳмоқона ҳазилингизни йиғиштиринг!

- Ахир мен марсликман-ку.
- Лекин ўзингиз айтдингиз-ку, агар сизни кесишса, қон оқади.
- Бироқ бу одамнинг эмас, марсликники бўлади.
- Майнавозчиликни йифиштириң!
- Жуда қизик-да... Ўз сценарийларингизда, сэнсэй, сиз дуч келган марсликни ўлдирасиз. Фақат менинг хотирамда бундай қотилликларнинг камидা икки юзтаси сақланиб қолган. Оммавий қирғинлар тўғрисида-ку гапирмай қўя қолай...
- Ахир, бу фақат оғизда-ку...
- Ўйлашимча, бу ерда бошқа бир нарса бор. Марсликларни ўлдиришга мойиллик қонингизда, сэнсэй. Худди шунинг учун тасавуурингиз қандайдир юз оёқликлар, аждаҳолар, сўгалли шарлар ... жонли тутун, сакрайдиган кум зарралари, шифтга сакрайдиган шилимшиқ маҳлуқлар каби даҳшатли нарсаларни яратади... Чунки уларни виждонни ҳеч қийнамай ўлдиравериш мумкин.
- Ёлғон! Сизга қўзга ташланмайдиган, одам пайқамайдиган шаклларни танлашга ҳаракат қиласман деб айтдим-ку!
- Нима учун?
- Мен қора қаҳва билан алдамчи воқелик, алдамчи хотиржамлик аллалайдиганларни сийлашга ҳаракат қиласман.
- Uriшқоқликка ундейдиган, қотилликка даъват қиласдан қаҳвами?
- Сизга мижоз нима эканлиги маълумми? Тушунтиравериш жонимга тегди. Яхшилаб ўйлаб, чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўришга ҳаракат қилсангиз, англааб етасиз: мен ҳужум қилаётган деярли барча марсликлар, аслида, вужудимиздаги инсоний ёвузликларнинг рамзларидир. Зеро душман — фақат ва, албатта, ташқаридан ҳужум қиласиган босқинчи эмас...
- Кулоққа хуш ёқади. Амалда-чи? Агар худди одамдек бўлмаганимда, балки сўгаллар билан қопланган баҳайбат шилимшиқ маҳлуқ бўлганимда бирон илтимосимсиз ҳам, сэнсэй, менга пичноқ билан ташланган бўлардингиз, шундайми?
- Ундейми, бундайми, фақат сиздан сўрайман... Илтимос, пичноқни жойига қўйинг...

— Қаранг-а, нақадар ҳийлакорсиз, сэнсэй! Яхшиси сизга арзимас илтимос билан мурожаат қилғанлигимни эсланг. Марсликларни ўлдиришни ман этадиган қонун бизда ҳеч қаерда йўқ... Ташқи кўринишмдан ҳижолат тортманг, бунинг учун сизга ҳеч нарса дейишмайди, шундай экан, виждонни қийнамай ишга киришаверинг... — Шундай деб у беписандлик билан пичоқ учини биқинига қадади ва худди таклиф қилаётганидек иккинчи қўли билан сопига урди. — Мана шу жойга яхши туширинг, тамом-вассалом.

— Мени тинч кўйинг!

— Тушунмаяпман... Сиз, нима, мени лаққа туширдингизми, мен эса, хурсанд бўлишга шошилибман.

— Шошманг, — дедим мен беихтиёр столнинг қарши томонига силжир эканман. — Марслик сифатида сизга ҳақиқатан ҳам қизиқишим табиий. Лекин қизиқиш — бошқа, сизга ишонч эса — мутлақо бошқа. Қизиқишининг ишончга айланиш имконияти анчайин узоқ мулоқот натижасида пайдо бўлиши мумкин. Шошилиш бизга фақат зиён келтириши мумкин. Мана шундай. Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг...

— Сизнинг ўрнингизда мен дарҳол туширадим! — У қўлининг қўрқинчли ҳаракати билан пичоқни айлантирди ва сопини қисди. — Сиз, сэнсэй, ерлик эканлигингизга менда заррача шубҳа йўқ. Ва мен шуни қатъий биламанки, агар ерликни ўлдирсан, марсликларнинг қонуни бузилмайди.

— Бу мутлақо бошқа нарса. Қўшилувчиларнинг ўрни ўзгартирилганида йиғинди ҳамиша ҳам ўзгармай қолмайди. Сиз доим бир чекдан иккинчи чекка отиласиз. Бундай қилиб бўлмайди. Дунёда фақат оқ билан қора мавжуд эмас, қандайдир ўртаси ҳам бўлади. Ва ҳар қандай келишув бевосита шу ўртадан бошланади. Англашимча, сиз келишувга интиляпсиз... Сиздан илтимос қиласман, пичоқни бундай ушламанг! Қаранг, қора терга ботиб кетдим. Эҳтимол, оқариб ҳам кетган бўлсам керак. Менда кесувчи нарсаларга идиосинкразия¹ бор...

¹ Идиосинкразия — организмнинг муайян нарсаларга кучти таъсирчанилиги билан боғлиқ реакцияси. Бу ерда — қўрқув.

— Ҳа, ҳақиқатан... Сизни қўрқитиб юбордим шекилли... — У пичоқни оҳиста пастга туширди. — Демак, сэнсэй, — ўйлаганимдан фарқли ўлароқ, сиз — инсонпарварсиз? Мен томонимдан сизга марсликларни ўлдириш ёқади деб хаёл қилиш аҳмоқлик бўлган...

— Ҳа-да! Мухлисим менинг тўғримда шунчалик хато қилиши ҳатто ажабланарли.... Паишага ҳам озор бермайман дейишим лоф бўлар, бироқ ҳаётга руҳий ҳурмат билан қарашда ҳеч кимдан қолишмайман.

— Лекин қурт-қумурсқаларни ўлдирсангиз керак?

— Фақат заарлиларини.

— Бу ерда нималар демадик, шундай бўлса ҳам, ташқи қиёфам мени ўлдиришингизга ҳалақит бермоқда. Агар мен, майли, қурт-қумурсқа, шилимшиқ маҳлуқ бўлмай, аммо терим, масалан, яшил ёки сиёҳранг тусда ёхуд қулоқларим уч қарич узунликда бўлса, мени қурт-қумурсқадек янчиб ташлардингиз, тўғрими?

— Сиз мени ҳақорат қиляпсиз, тушуняпсизми. Нима, бошқа гапингиз йўқми? Мен ҳамиша куч ишлатишга жиддий тарзда қарши бўлганман; агар ишонмасангиз, хотинимдан сўрашингиз мумкин. Ўн тўрт йил биргаликдаги турмушимиз мобайнида уни бор-йўғи уч марта дўппослаганман, бу бир марта қалтаклаш тўрт бутун ўндан етти йилни ташкил қилишини кўрсатади. Эътибор беринг, бу индекс Япония бўйича ўртача икки йилда бир бутун ўндан тўртта тенг. Шу жиҳатдан, мен чинакамига намунавий инсонман. Қолаверса, қурт-қумурсқалар масаласига келсак, мен фақат чивин ва паишшаларни ўлдирман, чумоли, суваракларни эса, тўлалигича хотиним иҳтиёрига қолдирман...

Шу жойда у қўзини ичкарига киритиб, бўғиқ-ваҳимали кулишини бошлади. Агар у оддий одам бўлганида, ақлдан озган деб ўйлардим. Бироқ у шундай ҳам жинни эди ва мен нима деб ўлашни билмасдим.

— Мана буниси қойил! — кулги орасида ҳириллади у. — Демак, мени сўйиш учун хотинингизни юборса бўларкан-да?

— Бўлмағур нарсаларни гапирманг! Айтгандай, қурт-қумурсқаларга доир мисолим, ҳақиқатан ҳам, у қадар муваффақиятли чиқмаганлигини тан олишим керак. Сиз ҳамма вақт чекка

ташланасиз, шунинг учун тилимнинг учидан чиқиб кетди. Ахир, бу жуда жилдий масала. Биз одам ким эканлигини аниқлаганимиздан кейингина ишга киришишимиз мумкин...

— Кераги йўқ, ташвишланманг. Ҳазиллашдим. Нега бундай дейсиз? — У қулишини тўхтатиб, нафасини ростлади. — Чин сўзим, сиз машғулотларингиздан шунча узоқ вақт қолдиришга изн бердингиз... Чинакамига роса мазза қилдим... Жилдий суҳбат руҳ учун ажойиб машқ ҳисобланади... Айтгандек, мен учун бу ҳаётий тажрибани оддий машққа тенглаштириш кечириб бўлmas хато бўлур эди. Бу тажрибани янада бойитиш учун тегишли хотима талаб қилинади.

У ростакамига ҳайрлашмоқчига ўхшарди ва менга ҳатто хонадаги ҳаво тўсатдан ёришгандек туюлди, ўзимни эса, таъриф қилиб бўлмайдиган даражада енгил ҳис қилдим. Ҳар ҳил бўлмағур гапларни вайсанни хоҳлаб қолдим, лекин ўзимни қатъий равишда тийишга мажбур эдим ва ҷарчаганимни атайин кўз-кўз қилиб қизиқдим:

— Яна қанақа хотима?

— Сиз марслик эканлигимни аниқ ва ҳеч иккиланмасдан тасдиқлайсизми?

— Нима, яна ҳаммасини бошидан бошлаймизми?

— Асло. Сиз буни эътироф этишингиз билан тугаллаймиз.

— Сиз ниҳоят тушуниб этишингиз учун неча бор тақрорлаш керак, ахир? Даилларсиз эътироф этиш ақида билан баробар. Майли, сиз марслик бўла қолинг, аммо сиз маъбуд эмассиз-ку, мени ишонтиришингиздан сизга қандай наф? Агар ҳақиқатан марслик бўлсангиз, буни тасдиқловчи қандайдир даилларга эга бўлишингиз керак. Шундай экан, мени ҳар нарсада айблаверишдан олдин, эҳтимол, даилларингизни тақдим этарсиз.

— Аммо бунинг имконияти йўқ. Аксиома исботлашни талаб этмайди, бу ҳатто оддий геометрия дарслигида ҳам қайд этилган. Даиллар ўртасидаги муносабатларнигина исботлаш мумкин, даилларнинг ўзини иботлаш эса, кучукни кучук дейиш билан баробар. Ва менга, илтимос, «неча бор тақрорлаш керак» деманг. Ўзингизни инсонпарвар деб атайсизу, ожиз одам билан қандай муомала қиляпсиз.

— Яхши, мен нима қилишим керак?

— Сиз менга ишонишингизни хоҳлардим. Чинакамига ишонишингизни. Жўнгина «ишонаман» деб ҳамма айтиши мумкин. Бу писанда, холос, бунақаси менга тўғри келмайди. Бу ерда ким агар Колумб Америка борлигига ишонмаганида уни кашф қила олмаган бўларди деётганди? Сизми, сэнсэй?

— Мен бундай демадим. Бунинг жуда нозик томонлари бор... Шундай бўлсада, майли. Тушунарли. Мен энди ишонишга қарор қилдим. — Агар ишонмайман десам, бу ади-биди соат капкири чайқалишидек давом этаверади. — Ҳа, мен ишондим. Сиз — марсликсиз.

— Сизга раҳмат, — деди у бемаза спектаклдаги артист каби кибр билан. — Узоқ давом этган музокаралар самарасини берди. Мен ниҳоят Ер аҳолиси билан тенг ҳуқуқли музокараларда муваффақиятга эриша олдим. Сизга барча марсликлар номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

— Барча марсликлар номидан? Нима, ҳали бошқалар ҳам борми?

— Нима деб ўйлаётгандингиз? Қайси ирқ фақат биргина шахсдан иборат бўлиши мумкин? Аммо, кечирасиз... Сиз ишонган экансиз, мен ҳамкорлигингизга умид қилишга ҳақлиман... Илтимос, пировардида кичик тестдан ўтишга рози бўлсангиз.

— Тестдан?

— Биласизми, мен сиз ҳақиқатан ҳам ишонганлигизнинг далилига эга бўлмоқчиман. Яъни аввал-бошдаги, ақддан озган ҳамсұхбатдан қутулиш учун баҳона эмас, аниқ далил керак. Ташибланманг, бу менга пичноқ уриш каби ёвуз таклиф бўлмайди. Бошласак бўладими?.. Йўқ, йўқ, сэнсэй, қаерда турган бўлсангиз, ўша ерда қолаверинг...

Шундай дер экан у столнинг нариги томонида, дераза билан эшик орасидаги жойни эгаллади, қаддини тиклади, сеқин чап оёғини олдинга қўйди, ўнг елкасини тез орқага тортди, сўнг пичноқни тепага отиб, эпчиллик билан дамидан илиб олди. Пичноқни елкаси устида ушлаб, ҳақиқий найза улоқтирувчилар ҳолатини эгаллади.

— Бу нима? — лол қолдим мен. — Яна пичноқми?

— Ҳа, пичоқни ишлатиш менга қулайроқ. Қоидани тушунтираман. Мен овоз чиқарып, ўнгача санайман ва «ўн» деганимда уни отаман. Қаёққа отишими айта олмайман. Эҳтимол, сизгадир, сэнсэй, эҳтимол, яна нимагадир. Буни ўзингиз топинг. Кейин. Санаётганимда пичоқни отмайман, сиз эса, сэнсэй, нимани хоҳласангиз, шуни қилишингиз мумкин. Сиз нима қилманг, мен эътиroz ҳам билдирамайман, қаршилик ҳам кўрсатмайман. Сизга ҳаммаси тушунарлими? Менимча, қоидалар жуда аниқ ва оддий.

— Тушунмаяпман, бу ўзи сизга нима учун керак?

— Сиз бир қарорга келишингиз керак, сэнсэй. Мен – кимман? Марсликманми ёки ўзини марслик деб тасаввур қилаётган онгсизми? Пичоқни қаерга отишими шунга боғлиқ... Агар марслик бўлсан, ташқи кўринишимнинг одамга ўхшали сиз билан бизнинг руҳий бир хиллигимизни ҳам тақозо этиши шарт эмас... Бу ҳолда менга инсонпарварлик каби тушунчалар ёт ва мен мутлақо ўзга мафкура тарафдориман. Аммо мафкурам ерликларни кига қараганда инсонпарварлироқ эканлигига умил юз имкониятдан элликта... Агар мен жинни бўлсан, марсликлар мафкурасини қандай тасаввур қилишимга қараб ёки зўравонлик қилиш тарафдори, ёки бунга қарши бўлишим мумкин...

— Бироқ мен бу ушбу масала бўйича сира хulosса чиқара олмаслигимни англатади.

— Ҳа, масала шундай, жўн тарзда қўйиладиган бўлса, афтидан, бирор хulosага кела олмайсан.

— Кичиккина изоҳ берсангиз. Ўзингиз марсликлар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ҳеч қандай, ахир, мен марсликман-ку.

— Бу бемаънилил-ку! – Бундан бу ёқ ҳаяжонимни яширмасликка қарор қилдим, чунки бефарқ бўлиб қолгандим. – Ниҳоятда мураккаб масала, мушоҳада юритиб кўриш учун ҳеч бўлмаганда уч кун муҳлат берсангиз...

— Агар ўзингизга ишонч бўлмаса, мен санашни тугаллаганимча жуфтакни ростлашингиз, менга ташланишингиз, ўзингизни ҳимоя қилиш чорасини кўришингиз мумкин.

— Унда нима бўлади? Мана, сиз қаршилик кўрсатмайман

дедингиз, лекин бунга қандай ишона оламан?.. Менга яна қандайдир имо беринг!

— Сиз ўз фикрларингиз кучини намойиш қилишингиз керак. Агар мен билан ҳалол муносабатда бўлган бўлсангиз, қўрқадиган жойингиз йўқ. Шундай қилиб бошлайман. Тайёрланинг. Бир... икки... уч...

Келиши керак бўлган аёл қаёқда қолди? Ўттиз дақиқа ўтиб бўлгандир. Бу менинг сўнгги умидим эди ва соатга нигоҳ ташладим. Соат йигирма беш дақиқа ўтганлигини кўрсатарди. Фақат сония миллари кутургандек жадал силжирди ва фикрларимни чигаллаштиради.

— Уч...тўрт... беш...

Меҳмоннинг бармоқлари пичоқнинг совуқ дамини тобора маҳкамроқ қисаётганди. Уларни мен худди ўзимнинг бармоқларимдек ҳис этардим. Ўйлаш кеч бўлган, фақат ички ҳиссиётта таяниш қолганди.

— Беш... олти... етти...

9

Ички ҳиссиёт... Бу ўй эмас, алдов, унда бирор жиддий нарса йўқ. Янчилган чаённинг талвасаси ҳам қандайдир ҳиссиёт. Ҳеч нарса қилмаслик кераклигини шипшиштадиган ҳиссиёт ҳам мавжудлиги ўзбҳасиздир. Худди сеҳрлаб қўйилган, турган жойимга қоқиб қўйилгандай, музлаган балиқдек қимир этмасдан бўлажак ҳаракатни кутган ҳолда, пичоқни қисиб турган бармоқларга тикилардим.

— Етти... саккиз... тўққиз...

У анчайин секин, икки ярим ёки уч сония оралифида санарди. Орамиздаги масофа ҳам яқин, нари борса уч метр эди. У саноғини тутатмагунча пичоқни отмасликка ҳам келишиб олинганди. Шунинг учун азм қилсам, қарши ҳужумга ўтиш имкониятим бор эди.

Аммо ўйлаб қўрилса, пичоқни отмаслик шарти у мутлақо қаршилик кўрсатмайди маъносини англатмасди. Бундан ташқари, пичоқни отиш уни ишлатишнинг ягона усули эмасди. Балки мени тўхтатиб қолиш учун у бунга ишора қилгандир.

— Йўқ, бу мантиқий мушоҳадалар бирон наф бермайди... Шизофренияга¹ чалинган одамнинг расо фикрлаш қобилиятини эътироф этиб, мен фақат мағлубиятимни тан оламан. Менда барча кучимни тўплаб, тасодиф иродасига бўйсунишдан бошқа чора қолмаганди.

Шундан кейин...

— Ўн...

Шу ондаёқ стол тагига шўнғидим. Ёна кўзимнинг қирраси билан «ўн» деганда меҳмонимнинг қўли пастга силтанганлиги ва пичоқнинг оқиш дами ҳавони кесиб ўтганлигини пайқадим. Кейин зарб товуши эшитилди — пичоқ учи қандайдир қайишқоқ нарсага бориб санчилди.

Миямда «тегди» фикри ялт этди ва мен қаттиқ оғриқни кутган ҳолда ғужанак бўлдим. Лекин бу нима? Йиқилаётганда полга урилган пешонам оғрирди, тиззаларим зирқиради... Бошқа ҳеч қаерим эса, оғримасди ва очиғини айтганда, ўзими ни ўлган деб ҳис қилмаётгандим...

Ҳа. У мени мўлжалга олмаган кўринади. Мана, у жаҳлимни чиқариб хохоламоқда. Жуда ноўрин кулгу. Мен ҳадиксираб бошимни кўтардим ва рўпарамда — стол оёқлари орасидан стулни кўрдим. Ўша, эшик олдидаги стул суюнчиғида со-пигача санчилган пичоқ турарди.

Ўзимни нокулай ҳис қилган ҳолда, ўрнимдан турдим ва тиззаларимдаги чангни қоқаётгандек бўлдим. Мен ҳатто ўзимда овозим борича бўкирмасликка куч топа олганимдан бироз гуурланардим... (Ўша онда бундай қилмаганлигим учун ҳозир афсусланиш кеч. Ўз қадр-қимматинг, обрўйингни ўйлашнинг нима кераги бор? Қўрқоқ кучукдек увиллайди, дейишади. Аммо худди шу қўрқоқлиги билан кучук ўзига ҳужум қилинишидан ҳимояланади. Агар сиз бирор вақт мен билан рўй берган каби ҳодисага дуч келиб қолсангиз, гуурингизга эрк берманг, менинг аҳмоқгарчиликларимни такрорламанг. Бизнинг бебурд асримизда худди шу қўрқоқлик, эҳтимол, энг олий истеъодод, энг олий фазилат бўлса керак...)

¹ Шизофрения — узлуксиз кечиш хусусиятига эга асаб қасаллиги.

Меҳмоним тантана қилганлиги сезилиб турган нигоҳини стул суюнчиғидаги пичоқдан менга ва тескарисига ўтказаётганди. Кейин лабини чўччайтириб, қўзини қисиб деди:

— Жуда чаққон экансиз, лол қолдим.

— Бўлмасам-чи, — дедим мен қотиб қолган тилимни аранг айлантириб. — Хўш, нимага эришдик? Тестдан ўтдимми-ўтмадимми?

— Бунга тупулинг. Бундай тестлар, умуман олганда, бирон маънога эга эмас.

— Бирон маънога эга эмас?

— Албатта. Чунки тест аввал-бошдан бемаъниликтин аниқлашга мўлжалланганди. Табийки, бемаъниликтин аниқлашга қаратилган тестлар маъносиз.

— Бу нима деганингиз?

— Эҳ, сэнсэй, сиз ҳақиқатан ҳам ажойиб инсонсиз...

— Э, сиз... агар сиз буни фақат ҳазил тариқасида қилган бўлсангиз...

— Тортинманг, марҳамат... эшитаман...

— Йўқ, аввал ўзларидан бўлсин!

— Ҳа, майли. Фақат аниқлик киритиш учун яна бир бор сиздан, сэнсэй, сўрамоқчиман: сиз менинг марслик эканлигимга чиндан ҳам ишонасизми?

— Жонимга тегдингиз. Ахир, мен шу сабабли ҳам тестингиздан ўтишга рози бўлмадимми? Энди эса, бунинг маъноси йўқ эди деб турибсиз... Ахир, маъсулиятсизликнинг ҳам бирон чегараси борми ўзи!

— Буни шунчалик жиддий қабул қилганингиздан жуда таассуфдаман... — У бошини елкаси томон тортди. — Сиз фақат мендан аччиқланманг, сэнсэй. Мен буни бирон ёмон ниятда қилмадим. Шунчаки спектакл жуда жозибали чиқди...

— Спектакл?

— Билсангиз, ҳозирги вақтда мол сотиш жуда мушкул иш. Радио ва телевидение орқали берилаётган рекламаларнинг нафи кам. Нима ҳам дердик, мақсад унга эришишга хизмат қиласидиган воситани оқлади. Мижозда қандай қилиб таассурот қолдириш мумкин? Майли, яхши таассурот, ёмон таассурот

рот — факат кучли бўлсин. Аммо дори шундай таъсир қиласи деб ўйламагандим. Афтидан, бироз ҳаддидан ошириб юборибман... Лекин сиз, сэнсэй, шуни билингки, мен ҳамма вақт сизга тирнокча зиён етказмаслигимга ишончим комил эди...

У стулга яқинлашиб, пичоқни суғуриб олди ва стол четига эҳтиёткорлик билан қўйди Шундан сўнг икки бармоғи билан ички чўнтағидан ташрифномасини олиб, менга узатди.

— Ниҳоят ўзимни таништиришга ижозат берсангиз. Ками-нангиз...

Ташрифномага қарадим. Унда қуидагилар битилганди:

**«МАРС» ЎЮШМАСИ ЕР МАЙДОНЛАРИНИ
СОТИШГА КЎМАКЛАШИШ БЎЛИМИ
ТАНАКА ИТИРО**

Ташрифноманинг одатда манзил қўрсатиладиган чап бурчаги қандайдир ўткир нарса билан батартиб кесиб олинган эди.

10

— Нима, сиз оддий савдо агентимисиз?

— Тўппа-тўғри, — деди у майнин таббассум ила дастрўмоли билан тер босган бурнини артар экан. — Бўлим асосан реклама билан шуғулланади, бироқ қулай имконият туғилса, савдо битимларини ҳам амалга оширади.

— Аммо бу қуюшқондан чиқишидан ҳам ўтиб тушди-ку!

— Кутилмаганда танамнинг мушаклари қаҳрга тўлаётганлигини ҳис этдим. Бақирмоқчи ҳам бўлувдим, овозим чиқмади. Заҳар ниҳоятда тез тарқалаётган эди, у томогимни, бутун онгим каби, фалаж қилганди. — Сизнинг ўюшмангиз нималарни сотишини билмайман, аммо бундай ҳолларга асло йўл қўйиб бўлмайди! Ахир, бу фирибгарлик-ку! Шахсга қарши жиноят! Ҳозироқ турқингиз қурисин! Мен бандман! Ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади!

— Ўтиниб сўрайман, сэнсэй, — ийманиб деди у. — Агар бундай ҳаяжонланадиган бўлсангиз, бу менга ҳам юқади. Мен жуда қизиқонман, буни сизга айтгандим...

— Бекорларни айтибсиз! Энди бунақаси кетмайды! Қаранг-а, гоҳ у марслик эмиш, гоҳ түполончи онгсиз... Би-либ қўйинг, мен ҳеч ҳам сиз ўйлагандек бўшангмасман!

— Бу англашилмовчилик, сэнсэй... ўкинчли англашилмовчилик... Жуда ҳаддимдан ошганлигимни тан олдим-ку... Лекин бу ерда сизга айтганларимнинг ҳаммаси ҳам ёлғон эмас...

— Ҳа-да, Танако Итиро исмли марслык — бу ҳазил эмас, бу жуда жиддий! Агар сиз марслыкман деб алдамаган бўлсангиз, сизнинг ташрифномангиз сохта. Наҳотки, ўзингизни оқлаш учун қилаётган уринишларингиз жуда хунук кўринаётганини сезмаётган бўлсангиз?

— Шундай бўлса-да ёлғон гапираётганим йўқ. Ҳақиқатан ҳам, исимимга қараб мушоҳада қилинадиган бўлса, мен — оддий ерликман. Айни пайтда мен барибир марсликман. Гап шундаки, мен — бўлажан марсликман, «Марс» уюшмаси мени Марснинг бўлажак фуқароси сифатида расман рўйхатга олган. Ахир, сиз бир вақтлар Америкага кўчиб ўтган оқ танлилар ҳозир америкаликлар деб аталаётганидан ажабланмайсиз-ку. Ўйлашимча, Танака Итиро исмли марсликда ҳам ҳайратланарли нарса йўқ...

— Сиз мұттахамсиз!

— Илтимос қиласан, сэнсэй... Сизни огохлантирганман-ку...

У бу сўзларни бетимга қадалиб, бошини елкасига тортиб ва худди оғриққа чидай олмаётандек лабларини тишлаган ҳолда мудҳишилиги ваҳимали даражадаги товушда айтди. Бармоқларининг учи пичоқ сопига етди, кейин секин стол четида ўнг ва чапга сирпанди. Бу ҳатто унинг энг яхши кўрган найранги бўлса ҳам... Бироқ гўё нафас олиши тўхтаб қолгандек, кўтарилигун елкалари... оқариб кетган, қонсиз лаблари... Қиёфасининг бундай ўзгаришидан қандайдир мудҳиш таҳдид сезилаётганди ва мен яна иккилана бошладим.

Аҳмоқона томошанинг юқори чўққисида – пичоқ отиш – ва дарҳол шундан кейин савдо агентининг пасткаш ташрифномаси... Бундай кутилмаган ўзгариш қўзимни кўр қилгани аниқ. Хотинининг телефондаги огоҳлантиришини ҳам ёддан чиқариб бўлмайди. Агар марслик билан боғлиқ найрангни ҳий-лакорлик деб ҳисоблаганда ҳам, бу найранг чинакам ақлсиз-

ликнинг меваси эмаслигининг далили қани? Йўқ, биринчи на-вбатда – эҳтиёткорлик ва мен яна ўз қобифимга кириб олдим.

– Эҳтимол, – дедим мен, – агар шу нуқтаи назарда туриб мушоҳада юргизиладиган бўлса, сиз ҳақиқатан ҳам, мени фа-қат ёлғон билангина сийламадингиз. Марс аҳолиси рўйхатга олинаётган, хоҳлаган одам марслик бўлиши мумкин экан, ҳаммаси мантиқий бўлиб чиқмоқда.

Шу сониядаёқ унинг чеҳраси хира тортган кўзгу артилга-нидек, очилиб кетди ва у яна енгил тортиб, тез гапга тушди:

– Сиз ҳамма нарсани тушунганингиздан ниҳоятда ҳурсанд-ман... Чин сўзим, фақат ёлғонни тўқиш хаёлимда ҳам бўлма-ган... Иш манфаати юзасидан баъзида айрим муболагаларга йўл қўйишга тўғри келган бўлса ҳам, ҳалолсизликка қатъяян қар-шиман... Мен худди шу тафовутни таъкидлаш ниятида эдим...

Бундай бехаёлиқдан яна аччиғим чиқди.

– Айтгандай, – дедим мен, – нима учун ташрифномангиз-даги манзил ёзуви кесиб ташланган?

– Ҳа, буми?.. Ўзи шундай... Суҳбатимиз давомида бехудага хавотирланингизни хоҳламагандим...

– Хавотирланиш? Нимадан?

– Ташвишланманг, кейин биласиз.

Яна алдов. Аммо эътиroz билдиришга уриниш – унинг тегирмонига сув қўйиш бўлади. У билан одамдек муносабатда бўлсанг, афtingга чангол солишга пайт пойлайди. Бу худди маймун билан дараҳтда туриб олишгандек – голиб чиқишига бирон умид йўқ. Дарҳол чекиниш ва жанг майдонини рақиб-га қолдириш – энг оқилона қарор. Дам олмоқчидек, кресло суюнчиғига ястандим, янги сигаретани тутатдим ва ҳамсуҳба-тимни боши берк кўчадан олиб чиқишига уриниб кўрдим.

– Майли, айтганингиздек бўла қоссин. Ҳа, сиз менга қандайdir қизиқарли янгиликни айтмоқчидингиз, шекилли. Суҳбатимиз бошида шунга ўхшаш бирон нарса дегандек бўлув-дингиз, чамаси... ёки бу ҳам бироз муболагамиди?

– Нимага бундай дейсиз, сэнсэй! Ҳар ҳолда сизнинг ашад-дий иҳлосмандингизман-ку. Олдингизга қуруқ келишга журъят этган бўлармидим?

— Унда бу қандай янгилик экан? — қизиқдим тутун ҳалқа-чаларини шифтга буруқситар эканман. — Сиз Марсда ер майдонлари билан савдо қилишни бошлаганингизми?

— Ҳа, бошладик. Агар сиз хоҳиш билдирангиз, марҳамат, хурсанд бўламиз... Лекин ташрифим сабабининг бу савдо ишларига бирон алоқаси йўқ. Мен чин қалбдан ҳам сизга бир хизмат кўрсатиш учун келдим.

— Ниҳоятда мамнунман... Агар тоқатимни тоқ қилмасдан, совға солинган халтангизни кўрсатсангиз чакки бўлмасди.

— Таажжуб... Мен уни дарҳол кўрсатган эдим, шекилли... Тушуняпсизми, ўзим — совғаман? Ўзим!

— Сиз?

— Нима, бу сизни қониқтирмайдими?.. Ҳа, айтгандай, мен муттаҳам бўлсам... Мендан бирон наф тегишига кўз тикиб бўлмайди, албатта...

Унинг юзида акс этган ноумидлик шу қадар табиий эди-ки, мен вазиятни юмшатишга киришдим:

— Нима деяпсиз, нима деяпсиз? Буни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаганман. Сиз, масалан, жуда кучли таассурот қолди-расиз. Уюшмангизга сиз ҳақингизда энг яхши фикрлар билдирилган тавсифни бажонидил йўллашга тайёрман.

— Сиз, сэнсэй, ҳали ҳам тушунмаяпсиз... Ташрифим сиз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини тушунмаяпсиз... Йўқ, тушунмаяпсиз. Мен деворга гапираётгандекман. Ахир, баҳо-ингизни беш кўлдай биламан-ку, сэнсэй. Фақат баҳоингизни билган одамгина сиз учун мен ким эканлигимни англаб этишга қодир. Тушунсангиз-чи, мен сизнинг садоқатли иҳлосмандингизман. Қолаверса, мен оддий муҳлисгина эмасман. Мана, қаранг, соат механизмига эга радиом бор... — У портфелини очиб, қўл радиосини менга кўрсатди. — Бу радио дастурингиз эшиттириши бошланган ондаёқ ёқилади. Электричкада кетаётган бўлмай ёки яёв юрмай, ҳеч қачон дастурингизни ўтказиб юбормайман. Сиз менга кўп нарсани ўргатдингиз. Сиз хизмат фаолиятим учун руҳланишнинг қудратли манбаи бўлдингиз. Энди кутилмаганда хавотирга тушиб қолдим. Афтидан, сизга жўшқин муносабатим мени жуда таъсирчан қилиб юборган

кўринади. Мен эшиттиришларингизнинг мазмуни секин-аста муайян йўналишда муттасил ўзгариб бораётганлигини пайқаб қолдим. Ва бу, сэнсэй, нохуш таассурот қолдирмоқда... Сезгим алдамайди. Охирги эшиттиришларда бу, айниқса, қулоққа чалинди. Аҳволингиз хавф остида... Агар чораси кўрилмаса, ҳозирги Mars ракетаси тақдирингизни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Сизга шундай туюлмаяптими, сэнсэй? Ё мен муболага қиляпманми?

Мен ларзага тушгандим. Олдимда ақлдан озган ўтирибди деб ўйлаётгандим, у эса, бирдан жароҳатларим ёриғига қўлини суқаётганди. Гапларини инкор қилишга журъатим етмади.

— Ҳм... ҳа... Буларнинг ҳаммаси студиямизда руҳи қашшоқлар ўтирганлиги учун содир бўлмоқда.

— Тўппа-тўғри! — У жунжиккандек бўлди ва томоқ қириб кулди. — Кўнглимга келгани тўғри чиқибди... вақтида келибман... Шундай экан, сэнсэй, бутунги эшиттиришингиз охиргиси бўла қолсин. Етар. Шундай истеъдодингиз билан студиядаги ўша нодонлар йўриғига йўргалашга мажбур бўлаётганингиз қонимни қайнатади. Бу - истеъдодни ҳақорат қилиш. Агар мен шундай ҳолатга тушганимда, дарҳол ишдан бўшардим.

У нақадар устамон руҳшунос эканлигига ўзимча ҳайратга тушдим, лекин кайфиятим баттар тушиб кетди.

— Менга кўрсатмоқчи бўлган хизматингиз шумиди? — сўрадим мен.

— Бу нарсага жуда юзаки қараманг.

— Бунга умуман ҳеч қанақа қарамаяпман. Аммо студиядан кетиш ҳам сиз тасаввур қилаётганингиздек осон нарса эмас.

— Ўзингизни яхши билмаганингиз учун шундай деб ўйлайсиз, сэнсэй. Оддийгина! Жуда ҳам оддийгина! Масалан... Айтайлик, сизга энг яқин нарсани олайлик. Романнавис бўлмоқчимисиз? Менимча, бу сизга жуда тўғри келади, сэнсэй. Радиодагидек тирноқ остидан кир қидиришлар ҳам бўлмайди. Нима дейсиз?

— Бекорларни айтяпсиз... — Беиҳтиёр кулиб юбордим. — Умримда ҳеч қачон роман ёзмаганман.

— Худди шунинг учун ҳам, — тантанавор эълон қилди у, —

олдингизга келдим. Менга бир қарант! Энди баҳоимни билиб оласиз...

— Албатта, ахир айтяпман-ку, ёрқин шахссиз деб...

— Бу мавхұм нарсаларни қүя туриңг, сәнсәй. Романингиз учун зарур сиймо. Қарант, ҳаммаси рисоладагидек бўляпти... Биринчи романнинг қаҳрамонининг прототипи, образ, мазмун, мавзу, фоя сиймоси — марслик рўпарангизда турипти. Бирон нарсани мураккаблаштириш шарт эмас, мени қаҳрамон сифатида олинг-да, бугун иккаламиз ўртамизда бўлиб ўтган нарсаларни қофозга тушириңг, қарабсизки — ҳаммаси жойида бўлади. Ажойиб, бугунги кун руҳидаги пурмаъно роман чиқади. Хотимаси ўткир истеҳзоли маънога эга бўлиши ни тахмин қилиш мумкин...

— Сиз шу қадар муруватлisisизки, ўзимни ноқулай ҳис этяпман. Бироқ романни ёзиш ҳолва, уни сота билиш ҳам зарур. Ўйлашимча, улгуржи харидорларни топиш мушкул бўлади.

— Бу ҳақда ташвишланманг. Марс сайёраси, албатта, ҳозирча фантика, лекин «Марс» уюшмаси — ҳақиқий воқелик. Унинг туриш-турмуши — ишчанлик. Умуман олганда... — У яна портфелига қўл суқди ва бу гал бир даста қофозни олди. Уни қимматбаҳо нарсадек икки қўли билан эҳтиёткорона ушлаб турар экан давом этди: — Кечирасиз, бироз кутилмаганга ўхшаяпти, аммо мен ҳеч гап очишга журъат этолмай тургандим... Ҳозиргача гапимиз бир жойдан чиқиб турган эди, буниси ҳам, охири баҳайр бўлишига умид қиласман... Сәнсәй, бу — романнинг қўлёзмаси. Агар тажриба жараёнини қайд этиш керак бўлса, буни ким ёзишининг фарқи йўқ. Устига устак, бугунги сұхбатимиз ва қўлёзма мазмуни деярли сўзма-сўз бир хил. Аслини олсак, сиз, сәнсәй, ўз даврингиз учун хоссиз. Агар буни сиз ёзганингизда ҳам ўртадаги фарқ арзимас бўларди. Қисқаси, кўнглингиз хотиржам бўлиб, буни ўз ижодингиз деб ҳисоблайверишингиз мумкин. Хўш, нима дейсиз? Ўзимни иҳлосмандларингиз орасида энг буюки деб аташ жуда фаҳрли.

— Лекин харидор топилмаса, сизнинг ҳайрли ниятларингиз совун кўпигидек учиб кетади.

— Мени шунчалик оми деб ўйтайсизми? Харидорингиз тўғри-

сидаги масала ҳал бўлган. Бу – «S.-F. M» журнали. Мұҳаррир қўлёzmани ўқиб чиқди ва қойил қолди. У сиздан бошқа нарсанни кутмаганлигини, радиода ҳам ноёб иш олиб борганингизни эътироф қилди. Шу туфайли қўлёzmanгиз ҳар бир бети икки ярим иенага²⁷ баҳоланди, яъни сизга етакчи ёзувчилардек қалам ҳақи тўлашади. Бу ерда тўқсон уч бет, шундай қилиб, жами... э-э ... икки юз ўттиз минг яна икки ярим минг... Чакки эмас-а? Агар ойига шунақасидан уч-тўрттаси сотилса, ишдан воз кешишга арзиди... Ҳа, яна айтгандек. Романинг номи. У «Худди одамдек» деб атала қолсин. Ажойиб ном, тўғрими?

Бу кутилмаган ҳужум эди. Аъло даражадаги, кутилмаган ҳужум. Тўғри, бу гапларнинг ярмигагина ишонардим, аммо шунинг ўзи ҳам мени ҳаяжонлантириб юбориш учун кифоя қилганди. Бироқ мен бу хўракка дарҳол ташланмадим. Қандай қарорга келишни билмасдан дедим:

– Айтайлик, биринчи роман – ўз йўлига. Кейин-чи? Кейингиларига ҳам харидор топилганда зўр бўларди.

– Ҳамма нарсада мени орқа қиласверинг. «Марс» уюшмасининг қўли узун. Умидларингиз алданмайди деган фикрдаман. Бизда ҳеч ким сизга бирон кўнгилсиз ташвиш келтириш ниятида эмас. Бироқ агар шу қадар ҳадисираётган бўлсангиз, келинг, зиммангизга кичик бир мажбурият юклаймиз. Сиз бизга айрим хизматлар кўрсатасиз, масалан, вақти-вақти билан асарларингизда «Марс» уюшмаси, унинг манзилини қайд этасиз деган шарт қўямиз... Нима деб ўйлайсиз? Сиз хотиржам бўласиз, биз ҳисоб-китобларимизда буни уюшмамиз рекламаси учун ҳаражатлар сифатида кўрсатишнимиз мумкин. Бу ҳолда орамиздаги муносабатлар қарздор билан қарз берувчи-ники каби эмас, балки замонавий шартнома асосига қурилади ва бу ҳақда бошқа гап бўлиши ортиқча, нима дейсиз?

– Бу шу қадар нотабиийки, ҳақиқатан бошқа гап-сўзнинг мавриди эмас.

– Яна бир гап, сиз учун тахаллус топиб қўйганмиз, сэнсэй... Кода Саруеси. Ёқдими?

¹ Иена – Япония пул бирлиги, таҳминан 85 иена 1 АҚШ долларига teng.

— Кода Саруеси? Менимча, ундан майнавозчиликнинг иси келиб турибди.

— Эҳтимол. Биринчи марта эшитганингда, ички қаршиликни ҳис этасан. Шундай бўлса ҳам, чакки эмас деган фикрман. Аслида, бу тахаллус билан норозилик ҳиссини уйғотиш кўзланганди. Агар бу номни бир марта эслаб қолсанг, кейин унутмайсан. Нима деса-дейишиберсинг, бироқ биринчи таас-сурот ҳамма нарсани ҳал қиласди. Бунинг устига, бизга бу тахаллусни электрон машина топиб берди. Қўяверинг, сэнсэй, ўйлаб ўтируманг, хўп деяверинг! «Худди-одамдек»... Кимдан уяласиз, бу сизнинг — даҳо асарингиз!..

Бунинг сабаби тасаввуримми ёки бошқа нарсами, лекин бирдан гўё ниҳоят лойқа сув тиниб, ҳамма нарса ойдинлашдек ва чигал ип уни ўз-ўзидан топилгандек барча фам-ташвишлар йўқолди. Мен ҳатто озодликка чиқиш ҳиссини туйдим.

— Ҳа, майли... Бу ҳолда ҳеч бўлмаганда ўша қўлёzmани кўrsatинг...

11

Тоқатсизлик ва қатъиятсизликдан қалтираётган қўлимни қўлёzmага узатдим, аммо кутилмаганда...

— Ҳей, шошилманг, бунақаси кетмайди! — деди у бирдан ўзгариб қолган сурбетларча оҳангда ва қўлёzmани олиб, қўлтиғига сукди. — Типирчилайдиган гадойга кам садақа берадилар... ҳе-ҳе... Бу ерда сиз, сэнсэй, қовун туширдингиз.

Йўқ, шу заҳотиёқ унинг калласига гул туваги билан туширмадим. Пащшага ҳам озор бермайдиган инсонпарвар бўлганим учун эмас. Пичоқ ҳали ҳам унинг қўли олдида турганлиги учун ҳам эмас. Шунчаки, эшикни тақиллатилиб, хонага хотиним буюртма берилган европача чой олиб кирганлиги учун. Ўз-ўзидан тушунарлики, хотиним олдида жангга киришишга қурбим етмасди. Ҳаётимда ҳали бирон марта муштлашишда голиб чиқмаганман.

Афтидан, хотиним хонани тўлдирган тангликни ҳис этганди. Ҳатто идишларни узатаётган қўлларининг ҳаракати ҳам унинг хавфсираётгани ва бу ерда нима содир бўлаётганини англашга

уринаётганини сездириб турарди. Бироқ мөхмөн ҳеч нарса бўлмагандек, унга оҳиста ўтирилиб, майин табассум билан деди:

— Раҳмат, жуда илтифотли экансиз... Қаранг-а, нақадар ёқимли ҳид... — У кимёвий тажрибалар ўтказилаётганда қилишадигандек, кафти билан елпиб, идишдан кўтарилаётган буғни бурни томон ҳайдай бошлади. — Сэнсэй эса худди ҳозир хаёл суряпти, ўйлашимча, тўғриси бу мутлақо бош қотирадиган масала эмас. Эҳтимол, сиз, рафиқа сифатида ўзингизнинг ҳал қилувчи фикрингизни айтарсиз? Биласизми, мен эргизни Марсда ер майдони сотиб олишга кўндиromoқчиман...

Лекин бу ерда мен чекинишни хоҳламадим.

— Бунга сенинг алоқанг йўқ, — дедим хотинимга, мөхмөнни писанд қилмасдан. — Кетаверишинг мумкин.

— Кечирасиз, гапимни тушунтира олмадим. — У ҳам менга ён бостиси келмаётганди. — Биласизми, мен ер майдонларини сотиш бўйича агентман. «Марс» уюшмаси. Исмим — Танака Итиро. Сэнсэй Марснинг жуда билимдони бўлганлиги учун биз ташаббусни ўз қўлимизга олиб, унга марсликларга қўшилишни таклиф этишга жазм қилдик... Масалан, Тайтан канали атрофидан ола қолинг. Энг паст ҳарорат — саксон даражасовуқ, ажойиб жой... Ҳозир эса, ер майдони сотиб олишнинг айни пайти... У ерга ёз мавсумида йўл оласиз... Бу болажонлар учун қандай қувонч келтиришини тасаввур қилинг...

Мен қутуриб кетдим. Мени камситганликлари етар. Бунга хотинимни нега аралаштиришади? Бироқ хотиним ҳам бўлган бўлмаганга ерга уришларига қараб турадиган анойилардан эмасди. Бепарво, гўл оҳангда қизиқди:

— Нима учун сизни олиб кетишга келишмаяпти? Ахир, ўттиз дақиқа ўтиб кетди-ку...

Ҳа, уйғоқ онг мана қандай жавоб қайтариши керак. Хотинимнинг сўзлари мени гўёки фирт мастиликдан уйғотгандек бўлди. Суҳбатлашаётган одамимни жиддий қабул қилмаслик керак, холос. У бор-йўғи хаёллар ва фаразлар билан пуллаб шиширилган ҳаво шаридир, қилиш керак бўлган ягона нарса - ундаги заҳарли ислардан имкон қадар нафас олмаслик учун шарнинг учини маҳкам ушлаб туриш.

— Нима, бирон ёққа отланяпсизми?

У ўзини хотинимнинг саволи гүёки ўзига қаратилмагандек кўрсатмоқчи бўлди, аммо бу уятсизлиги энди аҳмоқона туюларди. Хотинимни тинчлантириш учун унга имо қилдим, у ҳам имо билан жавоб қилиб, эшик томон йўналди. Шу ондаёқ меҳмон иккаламизни ҳам кўз ўнгидан қочирмаслик учун қулай бўлган жойга ўтди ва шиддатли сўз оқимини ёғдириб ташлади.

— Тушунишимча, сиз ҳам, сэнсэй, сиз ҳам, хоним, ҳали аҳволни етарлича ҳис этмаяпсиз. — У жуда тез гапиради, лаблари бутун юзи узра илон изидек ўрмаларди. — «Марс» уюшмасининг қудратини ҳеч вақоға олмаслик мумкин эмас. Уюшма ҳозирнинг ўзида Тинч океанининг жанубида Н. оролини сотиб олди ва у ерда улкан ракета базасини куришни бошлаган. Инсониятнинг энг буюк ақли расолари бу ишда бизга бевосита ёки билвосита ёрдам қўлларини чўзмоқдалар ва биз билан ҳамкорлик қилмоқдалар, шунинг учун ҳар бир мамлакатда коинот соҳасида ўтказилаётган тажрибалар айни пайтда бизнинг ҳам тажрибалар хисобланади. Муваффакиятга эришишга оз қолди. Афтидан, яқин йиллар ичida оралиқ база — йўлдош қурилиши ниҳоясига етади, шундан уч йиллар чамаси кейин Marsга одам бошқарадиган ракета қўнади, сўнг Marsга кетма-кет ракеталар учира бошланади ва кўпи билан ўн йилдан кейин йўловчиларнинг доимий парвози йўлга қўйилади. Йўқ, биз сизларнинг кўчмас мулк билан савдо қилувчи муттаҳамлардан эмасмиз.

Балким, у гапини тугатишига изн берилса яхшироқ бўларди, лекин хотиним сўзини бўлди.

— Бироқ биз... — деб бошлади у. — Сиз бизга Венерада ер майдони таклиф қила олмайсизми?

Унинг афти томир тортишгандек таранглашди. У жавоб қилди:

— Кечирасиз, хоним, сизга «ерга мулк эгалиги ҳукуқи» тушунчаси маълумми? Бизга тегишли бўлмаган нарсани қандай сотамиз? Ахир, бу муттаҳамлик бўларди-ю.

Бу жойда хоҳласам-хоҳламасам хотинимга ёрдамга келишга мажбур бўлдим.

— Бу жуда адолатли, — дедим мен. — Аммо жаҳон давлатла-

ри уюшмангизнинг Марс худудига ҳуқуқи борлигини тан олганликларини негадир эшиитмаганман. Қандай бўлганида ҳам, бу болаларнинг харидор-сотувчи ўйинларига ўхшаб кетади.

— Болалар ўйини? Заҳархандалик қилмоқчига ўхшайдилар.

— Ҳечам. Шунчаки, Марс худди Ой ва Антарктида каби ҳалқаро назорат ва бошқаруви остида бўлиши керак.

Лекин меҳмоним ўзини йўқотиб кўймади. Айёrona кўзла-ри билан менга тез қараб, чойдан хўплади, дастрўмоли бурчагини лабларига босди ва бу сафар сўзамол ваъзхон оҳангига зерикарли малаҳатомуз оҳангда чўзиб кетди:

— Биласизми, сэнсэй... Ҳамма гап шундаки, ҳар қандай давлат — унинг шиорлари қанчалик баландпарвоз бўлмасин - энг очкўз ва зиқна хусусий тадбиркордан юз карра амалиётчироқдир. Сизнинг радиодастурингизга кўра, сэнсэй, Марс жуда яқин ва унга бориш осон, бироқ давлат учун у аввалгидек атиги узоқдаги эртакча. Жўнгина қилиб айтганда, Марсни ўзлаштириш учун давлат бюджетидан беқиёс ҳаражатлар талаб қилинади, бундан ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий наф эса, зифирча ҳам эмас. Чиндан ҳам, ҳозир нимага умид қилса бўлади? Нари борса — юмшоқ кўнишни амалга оширишни. Ҳар қандай ҳукуматнинг иши бошидан ошиб ётибди. Уларнинг Марс хусусида ҳалқаро битим каби арзимас ишларга вақти топилмайди. Билмадим, сизга маълумми, сэнсэй... Очиқ дengиз тўғрисидаги қонунчиликда кўриқланадиган акватория¹ ту-шунчаси мавжуд... Уни қирқ бешинчи йилда балиқ ресурсларини сақлаш мақсадида киритган эдилар. Ердаги денгизла-рингизга тааллуқли, аниқ фойда ва заарларгага бевосита ало-қадор бўлмаган ягона ҳалқаро битим сифатида ҳанузгача кўхна «Кема қатнови эркинлиги тўғрисидаги декларация» сақланиб турибди. Ахир, ҳозир ҳеч ким Тинч океанидан баллистик ракеталарнинг синов майдони сифатида фойдаланилаётганлиги ҳақида бирон нарса демайди-ку.

— Бироқ ҳар ҳолда Тинч океанини сотувга қўйиш мумкин эмас, тўғрими?

¹ Акватория — сув ҳавзаси юзасининг бир қисми.

— Албатта, мумкин! Хоҳлаганингизча пуллайверинг, фақат харидор топилса бўлгани. Табиийки, сотув билан давлат шугулланганида, бу халқаро ҳуқуқни бузишни англатган бўларди. Лекин давлатдан ташқарида бўлган, бирон давлат билан боғлиқ бўлмаган, мутлақо мустақил ташкилот Тинч океанини остин-устун қилиб юбориши мумкин — буни унга тақиқловчи қонун мавжуд эмас. Уни нима учун жавобгарликка тортасиз? Денгиз босқинчилиги учунми? Имконияти йўқ... «Марс» уюшмасиз фолиятининг соҳаси эса, умуман коинотда, бу ердан юзлаб миллион километр узоқликда. У жаҳоннинг барча мамлакатларидағи энг йирик сиёсий ва молиявий корчалонлар, шунингдек, сиёсат ва молия соҳасидаги энг етакчи мутахассислар томонидан бошқариладиган халқаро компания эканлигини гапирмай ҳам кўя қолай. Бу компания чинакамига универсал... Қолаверса, ашаддий очкўзлик, қўйилган сармояга мувофиқ ёғлиқроқ нимтани юлиб олишга интилиш, афтидан, унинг учун рағбат бўлмоқда. Унинг куч-кудрати ҳам шунда, чунки компания бирон давлат уддасидан чиқа олмаган ишга қўл урган. Бироқ у камчиликлардан ҳам холи эмас. Баъзан сармоя етишмаслиги сезилади. Турли таассублар, тарафкашликлар ҳалақит беради. Вазият шундай бўлиб қолдики, уюшма чакана савдо билан шуғулланишига тўғри келяпти. «Ёвузлик яратиш ҳаракатида эзгулик яратаман» — буни ким айтгани ёдимда йўқ. Мефистофель¹ эмасмиди? Қисқаси, Марсда етакчи роль уюшмага тегишли, у ерда компания ўзига хос муввақат ҳукумат ҳисобланади, шунинг учун сиз, сэнсэй ва сиз, хоним, худди океанда сузадиган кемага чиққанингиздек унга бамайлихотир ишонаверинг. Сизлар маданиятли кишиларсиз-ку, шундай экан барча бемаъни қайсарлигинизни, болалар ўйинига доир гапларингизни йиғишиширинг...

У бурни ёнидаги бурмаларга ўрганган кулгусини сифидирди, кафти билан иягидаги терни артди. Ҳалқалардек тахланган лаблари балиқларидек кеккайган ҳолда дўрдайди. У нима дейишимизни кутарди.

Биринчи бўлиб хотиним тилга кирди.

¹ Мефистофель — буюк немис адиби И.В.Гётенинг «Фауст» асари қаҳрамонларидан бири.

— Эҳ, анаву ерда ҳамма нарсам куйиб кетадиган бўлди! — шошиб қолди у ва хонадан югуриб чиқиб кетди.

«Ҳамма нарсанинг куйиб кетиши» «Марс» уюшмаси қўлларига қарши қўйилган эди. Бу яққол қарама-қаршилик нақадар ажойиб эди, тўғри эмасми? Заҳарли парлар билан тўлдирилган ҳаво шари учини мана ким маҳкам ушлаб туриши керак эди! Хотинимнинг кутилмаган бу истеъоди мени лол қолдирди, мен ниҳоятда завқланиб кетдим.

Хотиним жуда усталик билан кутилган меҳмоним бироз вақт башарасида қатъиятсизликни ифода қилиб турди. Мен унинг ўзини йўқотиб қўйганига яхшиси эътибор бермаслик керак ва хотиним кетидан чиқиб кетсам бўларди деган ўйга келдим. Ҳар эҳтимолга қарши ўзимни худди хотиним чақираётгандек қилиб кўрсатдим.

Ҳақиқатан ҳам, хотиним коридор охирида кутиб турганди. У дераза олдида турарди, тик қоматида зўракилик сезиларди.

12

— Хўш, ҳаммаси яхшилик билан тугадими?

— Биласанми, у мени ўлдираёзди. У жинни бўлса ҳам барча масалада ўта устамон экан. Куракда турмайдиган, очиқданочиқ сафсатани бошлайди, кейин қарайсанки, бу сафсатадан чиройли суратдагидек аниқ ва равшан тасвир гавдалана бошланади. Масалан, ўша «Марс» уюшмасини олиб кўрайлик — агар сергак бўлмасанг, уни жиддий қабул қилиш мумкин, шундай эмасми? Нақадар ажабланарли бўлмасин, менда у зиёлилардан деган тасаввур пайдо бўлди.

— Жинни-жиннида.

— Ҳар ҳолда, ўйлашимча, у мулк ҳуқуқи, қўриқланадиган акваториялар каби ўз мушоҳадаларини тўқиб чиқаряпти дейиш адолатдан бўлмасди. «Марс» билан боғлиқ ҳамма нарсларнинг мантиқийлигини қара.

— Бўпти, бўпти, нима сен уни ҳимоя қилишга тушяпсанми? Ундан сенга ҳам юқмадими, ишқилиб?

— Ҳм... Биласанми, унинг маълум даражадаги ишонтириш кучига тан бермасдан иложим йўқ.

— Яхшиси айт-чи, ваъда беришган экан, нимага уни олиб кетгани келишмаяпти?

— Ҳамма гап шунда-да! Энг асосийси, у шу қадар қизиқонки – қўяверасан. Бунинг устига, пичоқни ишлатишга чапдастлигини курсайдинг!.. Сенга гапириб беришга улгурмадим, лекин бир неча бор жоним қил устида турганди. Аммо, ростини айтсам, мен ҳам анойилардан эмасман...

— Тўхта! – ҳаяжон билан деди хотиним бирон нарсага қарор қилгандек. — Мен уни танидим!

— Нима деяпсан?

— Чой олиб кирган пайтимдаги унинг туриши... айниқса, кулиши.. Янгишмаётганга ўхшайман... Унга бир неча марта зинапояда дуч келганман...

— Қайси зинапояда?

— Ўзимизниидан-да албатта. Зинапоядаги майдончани супираётганимда у тепадан тушаётганди. Эҳтимол, у учинчи ёки тўртинчи қаватда яшаса керак.

— Негадир, ишонгим келмаяпти. Анаву аёл бошқа жойдан қўнғироқ қилгани аниқ. Агар улар шу уйда турсалар, қўнғироқ қилишнинг нима кераги бор эди? Тўппа-тўғри шу ерга келарди-қўярди. Яна ўттиз дақиқа кутиш... Қанчалик ивирсирара, бу уч дақиқадан ортиқча вақтни олмасди.

— Қандай ўйласанг ўйтайвер-ку, унинг бир балоси бор.

— Сен уни бошқа бирорвга ўхшатмадингми?

— У жуда ўзига хос гапиради. У билан сўзлашаётганингда юзи қимиirlагани-қимиirlаган.

— Нима сен ҳатто у билан гаплашганмисан?

— Фақат бир маротаба... У мен билан сўрашди, сугурта ҳақида гап очди, кейин хайрлашди... Ўзи сугурта ҳақидаги гапи ҳам қандайдир ғалати бўлганди. Шу қадар ғалатики, эслаб қолдим... Эмишки, унинг компанияси телбалик ҳолларини сугурталашга қарор қилганмиш, шунинг учун у аҳоли ўртасида бундай сугурталашни нима деб аташ ҳақида сўров ўтказаётганимис. Бунинг учун иккита ном таклиф қилинаётганимис: телбаликни сугурталаш ва соғлом ақлни сугурталаш. У бу иккисидан қайсиси сизга маъкул? – деган савол берди.

— Ҳақиқатан ғалати... Агар ўша одам у бўлмаганида ҳам улар ўртасида қандайдир ўхшашлик бор, бу — шубҳасиз.

— Хотини телефонда сўзлашганида овози қанақа эди? Сенда яқин-орадан қўнғироқ қилишаётганга ўхшаб туюлмадими? Овоз яхши эшитилдими?

— Биласанми, булар ёдимда йўқ. Ҳа, айтгандек, аҳвол шунақа бўлса... Унинг ташрифномасидаги манзил кўрсатилган жой кесиб ташланган... Агар айтишинг-ча у биздан бир ёки икки қават юқорида яшаса, ҳамма нарса тушунарли!

— Тўғри айтяпсан, худди шундай! — қизиқиб гапимни илиб кетди хотиним. — У биз рафиқаси қаерда яшашини билиб қолишимизни хоҳдамаган, шунинг учун бу кичик ҳийланни ишлатган.

— Агар шундай бўладиган бўлса, хотинининг бошиданоқ бу ишларда қўли бор. Улар олдиндан бу кимса хонамда камида ўттиз дақиқа қоқкан қозиқ бўлишини келишиб олишган, бошқача бўлиши мумкин эмас.

— Шунинг учун яна кутиш беҳуда. Энди ҳамма нарса ойдинлашган экан, дарҳол полицияни хабардор қилиш зарур.

— Йўқ, шошилма. Икки киши тил бириктириши учун улар ё телбалар, ё ақли расолар бўлишлари керак. Эр билан хотин яккаю ягона телба фоя таъсирида девона бўлишганини тасаввур этиб бўлмайди, шу сабабли уларни ҳамма сингари одамлар деб ҳисоблашимизга тўғри келади. Бирор важсиз оддий одамларни полицияни қўлига топшириш...

— Сабаби бор. Ва жуда муҳим. У уйимизга таклифсиз, куч ишлатиб кирди. Бу ўзганинг туар жойига ноқонуний бостириб кириш ҳисобланади.

— Нима деяпсан! Тўғри, уни таклиф қилмагандик, аммо унинг келишига монелик ҳам қилмаганмиз...

— Чунки у гўё тўполончи деб бизга ёлғон гапирганлари учун!

— Бизнинг гувоҳларимиз ҳам йўқ... У ҳамма нарсани рад этаверади, бор-йўғи шу.

— Нима бундан бу ёғига ҳам унга тоқат қилаверамиزمи?

— Биз унинг ақли соғлом эканлигига қарор қилган эканмиз, бу ердан қанчалик эртароқ туёғини шиқиллатса, шунчалик яхши бўлишига аниқ-равшан шама қилиш кифоя...

— Ақли соғлом әмиш! Наҳотки, сүзсиз ақли соғлом бўлса! У шунчаки айёр, муттаҳам, холос ва бошқа ҳеч ким... Марсда ер майдонлари, телбаларни суғурталаш... Бу безбет савдогар уни шу ердан тепиб қувиб чиқариб бўлмаслигини жуда яхши билади ва биз кўнмагунимизча бамайлихотир ўтиравериш умидида!

— Ҳай, ҳай, бунчалик қизиқма. Типирчилаган девоналарга садақани кам беришади... — Мехмонимнинг бу сўзлари беихҳтиёр оғзимдан чиқиб кетди ва ўша заҳотиёқ камситилиш аччиқ ҳиссини туйдим. — Сени жуда яхши тушуниб турибман ва кайфиятингни ҳам биламан... Йўқ, бу ҳақиқатга ўхшайди ва шундай бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бизда фақат билвосита далиллар бор ва биронта ҳал қилувчи, жуда ишонарлиси йўқ...

— У буни ҳис этиши керак әмиш... — Хотиним аччиғини босди ва деярли илтимоснома оҳангига ўтди: — Агар сен унга гапирадиган бўлсанг, бундан бирон наф чиқмайди. Гапингнинг оҳангига у ёки бу тарзда журъатсизлигингни сездириб қўяди. У жойидан қўзғалмайди ва барибир ҳоҳласанг-ҳоҳламасанг полицияга мурожаат қилишга тўғри келади.

— Сен ҳеч нарсани билмайсан. Сен у билан яккама-якка гаплашмагансан, шунинг учун қандайdir илинжга умид қиласан. Унинг нақадар сўзамоллигини ва пичоқни ишлатишда чапдастлигини бир кўрганингда эди!

Шу дақиқадаёқ, худди сўзларимга жавоб тариқасида, иш хонамдан қандайdir залворли нарса полга қулаганга ўхшаш бўғиқ «так» овози эшитилди. Айтгандек, «қулаб тушди» сўзи менга умид ёғдусидаги тасаввур томонидан шипшитилганди: одам хушидан кетиб йиқилса, товуш бўғиқроқ бўлади. Аникроғи, одам бўйи баландлигидан қалин жиллар дастаси ўз-ўзидан қулаган бўлса керак деган ўйга бордим. Гарчи меҳмоним тўнтарилмаган бўлса-да, барибир бирон кор-ҳол рўй берганидан саросимага тушдим. Хотинимнинг юзи эси тошдек қотиб қолганди.

— Ҳал қилувчи далил топилади, — деди у. — Ҳозир юқори қаватларни айланиб чиқаман ва ҳамма нарсани билиб оламан.

— Бунга ҳожат йўқ. Бу ўша одам эканлигини аниқлаш эса, афтидан, чакки бўлмасди. Унинг номи маълум — Танака Итиро, фақат пастдаги почта кутиларига кўз югуртириб чиқса бўлгани.

— Бунинг фойдаси йўқ. Учинчи ва тўртингчи қаватларда яшовчилар нима учундир қутиларга ўз лавҳаларини илиб қўйишмаган. Ташибланма, у ерда бор-йўғи икки квартира бор шекилли, мен ҳозир...

— Тушунсанг-чи, у аёл қанақа — ким билади. Агар хотини унинг шериги бўлса, афтидан, жуда шармсиз чиқиб қолиши мумкин...

Ишхонамдан яна ғалати — бу гал ҳудди полда менинг картотекали қутимни ёки девор соатини судрашаётгандек узун, лекин юлуқ товуш эшишилди. Бу овоз нима эканлигини тушуниш қийин бўлганлиги учун, у айниқса, ваҳимали ва таҳдидли эди.

— Ҳа, буни бас қилиш керак. Ўзимизни хавф остига қўйишнинг ҳеч кераги йўқ.

— Ўзимизни хавф остига қўйиш?

— Бунга азм қилиш учун сурбетлиги етган экан... У ўзини қандай тузоқ кутаётганини тасаввур ҳам қилмаган... ва ўшанда, масалан... — Ўзим ҳам нима деяётганигимни билмасдан, онгимда пайдо бўлаётган янги фикрга қулоқ тутган ҳолда, бўлмагур нарсаларни вақиллардим. — Албатта, бундай нарса... ўйлашимча бўлиши мумкин эмас, бироқ...

— Нима бўлиши мумкин эмас?

— Айтмоқчиманки... Масалан, бу нусха қандайдир ўзини оқловчи далилни аниқлаш учун бу ерга келган бўлишини фараз қилсак... Телефонда хотинининг ўзи эмас, тасмага ёзилган товуши эшишилган бўлса... Магнитофон соат механизми орқали ёқилса... Англайсанми? У хотинини ўлдирган ва ўзини оқладиган далилни топиш учун...

— Бу ҳолда қанақа далил бўлади?

— Жуда осон. Агар у бизнинг эшигимиз остонасида турганида хотини тирик ва телефон қилган бўлса-чи.

— Йўқ, мен у ҳақда эмас. Соат механизми бўлган магнитофон қандай қилиб телефон рақамларини тера олади?

— Буям тўғри, — дедим мен бироз ҳафсалам пир бўлиб. — Ҳақиқатан ҳам, телефон орқали қўнфироқ қилиш учун кимдир рақамларни териши керак...

— Сени бир қусуринг бор — жуда ваҳимачисан. Ҳолбуки,

қўрқадиган ва бош қотирадиган нарсанинг ўзи йўқ, ҳаммаси жуда оддийгина. Масалан, ўша аёл энди биз томон отланмоқчи бўлиб турганида қорни оғриб қолган ёки уни кир ювиш машинасидан ток урган ё эшигининг остонасида цемент полда сирғаниб кетиб, йиқилиб тушган...

Эҳтимол, ваҳимачидирман. Балким хотинимнинг тасаввурни етишмаётгандир. Ҳар ҳолда у билан жуда баҳслашгим бор эди, аммо оилавий тортишувлар вақти эмасди. Ҳудди шу дақиқада ишхонамдан эшитилаётган шовқинни қулаш товуши босиб кетди. Ҳамма белтиларга қўра телба қудрати намойишнинг энг қизғин палласи эди.

- У хонада ҳамма нарсани остин-устун қилинаётган кўринади.
- Тош ойна тагида гайка бурайдиган асбоб ётибди. Чўнталингга солиб ол.
- Сен ҳам эҳтиёт бўл. Бўлар-бўлмасга ўчакишма.

Хотиним менга бош иргади, ёқасини тўғрилаб, коридордан писиб кетди. Унинг орқасидан кириш эшиги ёпилишини кутиб, меҳмонхонага гайка бурайдиган асбобни олгани бормоқчи бўлгандим, тўсатдан тарақ-туруқ тўхтади ва ҳаммаёқ сув сепгандек бўлди. Мен дарҳол ишхонамга югурдим. Мени гўёки агар ҳозироқ, шу сониядаёқ бу кўп қиёфаликни жойида кўлга туширмасам, юзидағи ниқобини юлиб олиш имкониятини умрбод қўлдан чиқаришгим мумкинлиги тоқатсизлиги қуварди.

13

Эшикни шартта очиб, остонаяга қадам қўйдим ва қатъий, даъваткор нигоҳ билан хонага кўз югуртирдим. Бироқ менинг жанговар руҳим шу заҳотиёқ ном-нишонсиз фойиб бўлди.

Тасаввурим гавдалантирган вайронагарчиликнинг бирон белгиси қўринмасди.

Меҳмоннинг ўзи ўша жойдаги стулда, тиззаларини батартиб керган ҳолда ўтиарди ва у яқиндагина қандайдир жадал ҳаракатлар қилганини мутлақо тасаввур қилиб бўлмасди.

- Оила кенгashi қандай қарорга келди? — қизиқди у.
- Менда сизнинг, сэнсэй, рафиқангизга ишонса бўлади деган таассурот туғилди.

— Мугамбирликни йиғишириңг, — дедим мен ниҳоят би-роз руҳий мутаносибликни тиклаб. — Ҳозир бу ерда қанақа қилиқ қилаётгандингиз.

— Ҳа, анавуми?..

У бепарво бош иргади, кейин икки құли билан сүянчиқни ушлаб, ўрнидан турмасдан, стул билан бирга ахмоқона ўмба-лоқ оша бошлади, бунда у ўз ўқи атрофика ҳам айланарди.

Шундай қилиб, йиқилиш товуши — товонининг полга та-қиллаб тегиши экан.

Шундай қилиб, гүё ниманидир судралиши — бу стулнинг айланәтганида оёқчалари билан полга тегиши экан.

— Бу менинг ихтиром — стул билан гимнастика... айни пай-тда бу — Марс гимнастикаси. Марсда, биласиз, тортиш кучи анча кам ва мен ҳар куни шундай машқларни бажараман.

У стулида ўмбалоқ ошиб, ваҳимали тарақ-турук билан хона-ни кесиб ўтди ва дераза олдигача сакраб етди. Мен шошилиб, у ҳозиргина эгаллаб турган жойга ўтиб олдим. Бу, биринчидан, эшик ёнида, иккинчидан, пичоққа анча яқын жой эди.

— Марсингиз ҳам, гимнастикангиз ҳам жонимга тегди, — бақырдим мен. — Сиз, яхшиси... Келинг, ростига ўтайлик. Сиз биздан бир ёки икки қават юқорида яшайсиз, шундайми? Яширманг, энди ҳаммаси маълум. Ҳа-я, мана ташрифноман-гиз ҳам... Энди менга нима учн манзил кўрсатилган жойни кесиб ташлаганингиз мутлақо ғавшан!

У жавоб қилишига умид қилмаётгандим, фақат унга руҳий зарба бермоқчи, бир йўла эса, ўзимни тинчлантироқчи эдим.

Меҳмон олдига, столга ташлаган ўз ташриф қофозига ҳай-ратланиб нигоҳини қадади. Кейин унинг елкалари беҳол оси-либ қолди ва у стулида ёнига қийшайиб деди:

— Демак, сизга ҳаммаси маълум бўлибди-да?

Энди мен оғзимни очиб қолдим — у кутилмаганда шунчалик тез икрор бўлди. У бир он ўзимни йўқотиб қўйганимдан дарҳол фойдаланиб қолди ва жавоб зарбасини берди.

— Буни сизга рафиқангиз айтдими? Ўзи хотинлар бошга битган бало.

— Бунинг сизга даҳли йўқ.

Мен ҳужумни қайтармоқчи бўлдим, аммо унинг зарбаси мўлжалга теккан эди. Меҳмоннинг гапи оҳангидан у ўзим ва хотиним ўртасида қандайдир менга номаълум бўлган муносабатлар борлигига очиқ шама қилаётганди. Оёғимдан бошлаб бутун танам бўйлаб бирдан баландликдан қўрқишига ўхаш ҳолсизланиш ҳисси тарқай бошлади ва мен бутун кучим билан ўзимга ёпишиб олдим.

Фақат эътибор берма, хаёлан ўзимга-ўзим уқтирадим, мувозанатни йўқотмаслик учун елкангни тут... Бу бор-йўғи сафларимизни пароканда қилиш мақсадини кўзлаган бўхтон, ўртамиёна тактик усул... Бу хўракка алдансанг бас ва биз дарҳол илмоққа илинамиз... Майли, фақат хотиним келсин, мен худди шу ерда, жойида уни фош этаман, жирканч ниқобини юлиб оламан...

— Ўйлашимча, сэнсэй, бу ерда тушунмовчилик бўлган. Рафиқангиз жуда ҳам шошилган. Чин сўзим, менда бирон ёмон ният йўқ.

— Миямни чалғитишни ѹифиширинг... Хотиним тўғрисида ҳеч вақо дея олмайсиз. Аммо ўзингизнинг рафиқангизга келсак-чи? Ёнма-ён яшаймиз, қўшнилармиз, ҳатто неча бор учрашган бўлишимиз мумкин ва бирдан у мени алдади! Шунчалик ҳам уятсизлик бўладими...

— Алдади? Менинг хотиним-а? — унинг қошлари пешонасига ўрмалади ва бутун башараси чинакам, чукур ҳайратни ифода этарди. — Бўлишчи мумкин эмас. Тасаввур қилиб ҳам бўлмайди... Майли, буни қўя турайлик... Хотиним тўғрисида, сэнсэй, бошқа оғиз очманг, илтимос... Акс ҳолда, сиз мени чексиз хафа қиласиз...

— Ия, мен сизни хафа қиласман? Сиз у ёқда фитна уюштирасиз, одамларни лақиллатасиз, мен эса, сиз тўғрингизда оғзимни очмайми? Ҳайратланарли уятсизлик, ўзи тамфа босадиган жой ҳам қолмаган!

— Нега сиз шундай... Ахир, сизга айтмовмидим? Ахир, у телба-ку... Сизга айтгандим, сэнсэй, яхшироқ эсланг... Қанчалик аянчли бўлмасин, у жуда ақлдан озган.

— У эса, сиз ақлдан озгансиз деб ишонтиради!

— Ҳа... — деди у хўрсиниб. — Таассуфлар бўлсинким, унинг

бунга ишончи комил. Шундай экан, сэнсэй, ўзингиз мушоҳада қилиб кўринг, биз – бир-биримизни ўзаро телбалиқда шубҳа қиласидиган баҳти қаро эр-хотин, биз, сиз марҳамат қилиб таърифлаганингиздек, фитналар уюштириш ва бошқа нарсалар қилишга қодирмизми? – У бирдан жонланиб кетди. – Бунга ақл бовар қилмайди... Чин сўзим, бу худди тушдагидек...

Софизм майнавозчилиги... Сўз ўйинининг ўзгариб бориши. Музлатилган балиқдек совуқ ва қотган тилимни аранг айлантириб дедим:

- Рафиқангиз нима учун ёлғон гапирди?
- Бас қилинг! Сизга айтдим-ку, буни эшишишни ҳам истамайман. Соддадил, Будда¹ каби пок аёлни шундай шубҳалар билан таъқиб этиш... Мен бунга чидай олмайман...
- Майли, ёлғон гапирмаган бўлсин, лекин...
- Сизнингча, у нимани ёлғон деди?
- У сизни олиб кетиш учун ўттиз дақиқадан кейин келаман деди ва келмади. Ишонаверинг, бу шубҳа уйғотмайдими?
- Ваъда берди? У ростдан ҳам ваъда бердими?
- Ҳамма гап шунда-да. Сиз унга содиқсиз, сиз унинг барча буйруқларига итоат этасиз. У сизга ўттиз дақиқа қандайдир тарзда кўнглингизни ёзишни таклиф қилганида...
- Бу гапи рост. – У елкасини кўтарди ва ўзини қитиқлашаётгандек ҳиринглади. – У нима демасин, мен ҳеч қачон гапини икки қилмайман. Унга жуда раҳмим келади. Ҳар бир одам ҳамдардликка ва уни тушунишлари ҳукуқига эга. Бунинг устига, у менга қўлимдан келган нарсаларнигина қилишни буюради.
- Мен вақт ҳақида гапираётгандим...
- У ҳозир қанчага кеч қолди?
- Кеч қолди? Майли, кеч қолган бўла қолсин... Ўн беш дақиқа бўляпти.
- Бор-йўғи ўн беш дақиқа...
- Бор-йўғи? Сиз учун бу кўз очиб-юмгандек ўтганлиги

¹ Будда (санскритча – «хотиржам», «нурланган», «олий ҳақиқатга эришган» сўзидан) – жаҳондаги уч асосий (христиан ва ислом билан бирга) динлардан бири – буддизм асосчиси Сиддҳарҳта Гаутама (милоддан авалги 623–544 йиллар) номи.

яққол билиниб турипти. Мен эса, ўттиз дақиқадан кейин келаман деб яна ўн беш дақиқага кечикишадиган бўлишса баъзи шубҳаларга бораман.

— Мен эса, ишонаман.

— Нима, сиз барибир берилган ваъданинг устидан чиқилади демоқчимисиз? У, эҳтимол, ҳали сизни олиб кетгани келиши мумкинми?

— Албатта. Бўлмасам-чи? Кечикиш учун, афтидан, жилдий сабаб бўлган. Шубҳа қилган гап нимада эканлигини билган заҳоти уятдан куйиб кул бўлади...

— Ҳар ким ўзига ёқсан нарсага ишонади.

— Хўп, майли. Унда, келинг, бизникига бориб келайлик. Қолаверса, сизга ҳамма нарса аён, сиздан бекитадиган нарсам йўқ. Рафиқамни кўрган заҳоти барча шубҳаларингиз шу ондаёқ тарқаб кетади. Кетдик. Кийинишнинг ҳожати йўқ, чунки бу шу ерда, шу уйда.

— Сабр қилинг. Ҳали сизга айтганим йўқ... Биласизми, ҳозиргина хотинимни яшаётган жойингизни кўриб келгани юбордим, у тез орада келади. Мен аввал у нима дейишини эшитмоқчи эдим. Шундан кейин биз ишонсак ёки иккилансанк ҳам, фикрларимиз узил-кесил бир жойдан чиқиши керак.

14

Бироз вақт меҳмон менга олисдаги манзарани кузатаётган-дек тикилиб назар ташлаб турди. Агар у аччиқланаётган бўлса ҳам, буни бирон нарса билан сездирмаётганди. Чап қўли билан ўнг қўли бармоқларини қирсиллатадиган даражада қисиб, бўғилган, ифодасиз товушда деди:

— Ҳаммаси тушунарли... Фақат бу сиз, сэнсэй, умид қилаётган даражадаги доно иш бўлдимикин?

— Қайси маънода? Сиз ўз хотинимнинг гапларига ишонмаслигим керак эди, демоқчимисиз?

— Бу ерда мен унинг ақли, хусусиятларини муҳокама қилишга журъат эта олмайман, бироқ...

— Инсофли одамлар бундай қилишмайди... Сиз ўз рафиқангизнинг ҳамма ишларини оқладайсиз...

— Ахир, мен асло рафиқангиз — ёмон одам демоқчи эмасман. Аксинча, у жуда сезгир ва ниҳоятда ақлли аёл. Тағин жуда лобар. Фақат...

— Нима «фақат?»

— Шундоқ, мияга турли нарсалар келади... Ҳозирги пайтда одамга ишониб бўлмайди дейишади. Мен бунга қатъян қаршиман. Одамга ишониш осон. Бошқа одамни сенга ишонишига мажбур қилиш эса, анчайин қийин. Мана, ҳозир сизни, сэнсэй, менга ишонишиниз учун нажотсиз кураш олиб бормоқдаман... Биз ҳамсуҳбатимизни ўз қаричимиз билан ўлчашга одатланиб қолганмиз ва бундан асло тортинаимиз. Табиий эҳтиёткорлик — яқин кишимизни ўлчаш учун ўз қаричини сақлаб қўйиш — қайсиdir саҳҳоф¹ дўконининг бурчагидаги эски китоблардек мөгор босиб ётиби... Шунинг учун ҳатто рафиқангиз сизнинг, сэнсэй, ақлингиз расолигига шубҳаси туғилиши мумкин бўлган ҳолларда ҳам... Бўлгани бўлди, сизга ҳаммасини гапириб бераман... Фақат кўнглингизга яқин олмайсиз. Ўпкалашга ҳожат йўқ ва айблашга шошилманг...

— Бориб турган майнавозчилик. Шубҳаланаётмаётган одамдан шубҳаланмасликни сўраш — ундан шубҳаланишни сўраш билан баробар.

— Ёқимли гапларни эшитиш мароқли. Зеро, шубҳа бевосита ҳақиқат ҳузурига кириладиган дарвоза ҳисобланади. Бунинг устига, рафиқангизда фақат биргина сиз тўғрингиздагина нотўғри тасаввур пайдо бўлмаган, сэнсэй. Ҳатто мендек мутлақо тасодифий одам ҳам унда ўзим тўғрисида нотўғри тасаввур уйғотиш баҳтсизлигига дучор бўлдим. Рафиқангиз қайсиdir сабабга кўра... — шу жойда у олдинга энгашди ва овозини пасайтириди, — гёй мен суфурта агентиман деган қарорга келибди.

— Ўзи шундай эмасми?

— Бўлмағур гап. Бу ишга мутлақо алоқам йўқ. Шунчаки, хотиним қалласига буни жойлаб олган, унинг гапини эса, иккита қилиб бўлмайди, у билан муомалада бўлганда сароб дунёчасига зиён етказмаслик учун нима деса «лаббай» деб туришинг, уни

¹ Саҳҳоф -букинист (французча «bouquin» — «қадимий китоблар» сўзидан)

эҳтиёт қилишинг керак... Аммо рафиқангиздек одам жуда жиддий, катта миқдорда пул бериб, телбаликдан сугурта қилиш буюртмасини бераётганда кўз-кулоқ бўлиб туриш зарур...

— Телбаликни сугурталаш?

— Ҳа, телбаликни сугурталаш. Бу ҳақда эшитганмисиз?

— Бу - фирт шаллақилик!.. Агар сиз бу бемаъниликтин хотинимнинг қулогига қўймаганингизда, бундай аҳмоқгарчилик унинг хаёлига ҳам келмаган бўларди!

— Мен.. — у айбига тўла икрор бўлгандек фўлдиради, — мен рафиқангизга буни гап орасида, ҳазил тариқасида айтгандим. У буни ростакам қабул қилишини тасаввур ҳам қўймагандим. Рафиқангиз, афтидан, руҳий-асаб хасталигига чалинган. Кутилмаган саволим учун афв қилинг, сэнсэй, лекин рафиқангиз сизнинг ўта жанжалли хатти-ҳаракатингизнинг гувоҳи бўлмаганми? Бу унинг ҳадиксирашлари сабабига ойдинлик киритган бўларди. Ёки, эҳтимол, унинг томирларида шундай қон оқаётгандир...

— Оғзингизга келганини вақиллайверинг. Хотиним келган замон бу сарик чақага арзимайдиган ёлгон-яшиқларингиз шамол туриши билан чирт этиб узиладиган куз япроғидек учib кетади!

— Ҳа, хотинингиз бўхроннинг ўзгинаси, — деди у ёдига бир нарса тушгандек, кулгидан чайқалган ҳолда. — Аслини олганда, ёлғизлик ва қондирилмаган ҳиссиётлар каби нарсалар бўхрон сингари одам қалбини шип-шийдон қиласди. Рафиқангиз менга мурожаат қилганида, дарҳол бу бўлмағур иш деган ўйга бориб, фикридан айнитмоқчи бўлдим... Мен, дейди у, эримни телбаликдан сугурта қилмоқчиман. Наҳотки, сўрадим ундан, эрингиз руҳий ҳолатидан ўнчадан хавотирдамисиз? Бўлмасам-чи, дейди у. Мен, дейди у, буни сўз билан тушунтириб бера олмайман, бироқ унинг туриш-турмишида аталағаги суяқдек қандайдир ғашлик борлигини ҳис қиласман... Шу ондаёқ хотинингизнинг оғзига урдим: ўта нобоп иш бўлди, дедим. Маълумингиз бўлсин-ким, ҳаётни сугурталашнинг шарти жисмоний саломатликдир. Худди шундай телбаликлан сугурталаш учун руҳий саломатлик, яъни ақли расолик талаб қилинади. Сиз эса, дедим унга, ҳозир менга бу масалада шубҳангиз борлигини айтдингиз. Буни ўз оғзингиздан эшитганим учун, начора, бунга кўз юмиш компа-

ниямга нисбатан садоқатсизлик бўларди. Айтайлик, кейин суд бўлса, қаёқقا қочасан? Сугурта қилганинг учун мукофот олиш у ёқда турсин, фирромлик учун қамоққа тиқилишинг ҳеч гап эмас. Кувабара-кувабара¹. Йўқ, тўхтанг, дедим, аввал эрингиз ақли расолигига ишонч ҳосил қиласлий.

— Шудай турқу, шунчалик ростгўйлик!

— Ростгўй — хотинингиз. Аммо бу суҳбатдан кейин у, афтидан, ҳар куни сизнинг руҳий ҳолатингизни кузатиб юрганга ўхшайди. Кутубхонада китоб титкилади, касалхоналарга қатнайди, руҳшунос врачлар гап-сўзларига қулоқ тутади... яқиндан буён эса, руҳий хасталикка дучор бўлғанларнинг танишибилишлари билан яқинлаша бошлади. Лекин кулфатга қанча яқин бўлсанг, уни нигоҳинг билан қамраб олишинг шунчалик мушкул. Мен, дейди хотинингиз, эримни кузатаётганимда, шамол қуваётган булатни кўраётгандек бошим айланади. Ҳа, ақли расо билан телба ўртасидаги чегарани аниқлаш, афтидан, у қадар осон эмас... Айтгандек, ўзимдан, дуоларингиз бўлсин, хавотирдамасман, мен — шубҳадан истисноман ва энди эркин нафас олишим мумкин.

— Агар айтаётгандарингиз рост бўлса, мендан ҳам кўра, хотинимни текшириб қўриш керак бўлади.

— Ўзингиз биласиз, бироқ... Ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда, тақдирга тан беришни маъқул кўрган бўлардим...

— Мен эса тан бермайман! — бақирдим мен столга мушт тушираН эканман. Зарбдан пичоқ полга сакраб тушди, ўзим зарбдан титраб давом этдим: — Йўқ тан бермайман ва бу сиз ёлғонни тўқиётганингизни англаатади. Сиз одамларни бахти қаро қилишда ноёб истеъоддога эгасиз. Биласизми, ташрифномангизни олинг-да, шу билан ҳаммасига нуқта қўяйлик. Сиз шунчалик ишонадиган хотинингиз бу ерга барибир келмайди. Сиз менга қанчалик тихирлик қиласангиз, бу сизга шунчалик ярашмайди.

Кутганимдек, у хижолат тортиб столдан ўз ташрифномасини олди ва тўсатдан деди:

¹ Илтижонинг бир тури, тахминан «Худо ярлақасин» каби.

— Хотинимни қўя туринг. Бироқ сизнинг хотинингиз-чи, сэнсэй?

Шу заҳотиёқ ўзимни ёмон ҳис қилдим. Афтидан, ўн дақиқа чамаси ўтганди. Айтган-ча, меҳмонимнинг жонингни суғуриб оладиган гаплари мени шу қадар жунбушга келтирган эдик, вақтни буткул ҳис этмай қўйдим. Энди эса, дафъатан «тугади» бир онда «ҳали»га айланди. Дарҳол турли-туман хавотирлар ва тусмоллар бактериялар каби шиддатли кўпая бошлади. Меҳмоним томонидан тайёрланган шамалар муҳитида мени ақл бовар қилмайдиган хаёллар чулғаб олди ва буни ҳақиқий воқелик сифатида тасаввур қила бошладим.

Рұхим қамишзорда чивинлар галаси билан курашаётгандек, ундан қўл-оёғи билан уқувсиз тисариларди, ўзимга-ўзим қатъият билан бир калимани уқтирадим: «Мен ишонаман... мен ишонаман...ишонаман... Бошқа бирон нарса бўлиши мумкин эмас...»

Меҳмон зажигалкасини чиртиллатди ва унга ниманидир яқинлаштириди. Бармоқларида қизил шульали олов ўт олди. Бу «Марс» уюшмаси номи битилган ташрифнома эди. У ўт олгач, меҳмон қофозни кулдонга ташлади. Олов бир зум пасайди, кейин яна алангалади ва энди ташрифномадан фақат кул қолганди.

— Ашёвий далилларни йўқотяпсизми?

— Маънисиз ўйинчоқ, — овоз берди у. Бирон нарса унинг юзини тундлаштирмаган, чехраси ёришгандек туюларди. — Наҳотки, буларни жиддий қабул қилган бўлсангиз, сэнсэй?

— Бекорларни айтяпсиз. Мени ишонтиришга сиз жон-жаҳдингиз билан уриндингиз-ку.

У жавоб бермади. У худди ролини ижро этиб бўлган артистдек табассум билан менга таъзим қилди, кейин орқа томонидан портфелини олиб, қўлтиғига суқди.

— Эҳтимол, бизнига борармиз? — сўради у. — Эҳтимол, сиз хотинингиздан хавотирдасиз.

— Демак, биз ўз камчиликларимизни тилга олмаймиз. Шу қадар катта кетиш.

— Боримиз шу.

- Хотиним деб сиз билан баслашмоқчи эмасман.
- Ножӯя айтдингиз.

У жиддий қиёфада имо қилди, ўрнидан туради деб ўйлагандим, аксинча қулайроқ ўтириб олди. Кейин портфелидан яна бир ласта қофозни олди, бирдан башараси ўзгарди ва менга қаҳрли тикилди.

Бу ўша қўлёзма эди. Мени азбаройи тамом қилган ва портлаш даражасига олиб борган «Худди одамдек» романи эди. Оғзимга ўғр мандариннинг нордон таъми ёйилиб кетди. Нимадир дейиш керак эди ва мен дедим:

— Бу нарса билан ташрифномангиз каби иш қилиб бўлмайди. Бу ерда ўчоқ йўқ ва у қадар ўнгай бўлмайди. Биз тутундан бўғилиб қоламиз.

— Бемаънилик! — бардам сўз бошлади у ва кифтидаги қўлёзмани силкитди. — У сафар бетакалтуфлик қилдим, айборман... Аммо сиз, сэнсэй, қўлёзма мазмуни билан танишиб чиққан заҳоти лол қоласиз. «Худди одамдек»... Бу, албатта, ҳеч қандай роман эмас ва сизнинг номингиздан битилмаган. Аталиши ҳам ўзгача: «Инсон фожиасининг топологик¹ тадқиқоти»... Шундай қилиб, сэнсэй, «Марс» уюшмаси кулга айланган экан, муқаддима ниҳоясига етди деб ҳисоблаймиз ва асосий масалага ўтамиз.

— Нима, нима? Ҳали асосий масала ҳам борми?

— Ҳа, майли, агар «асосий масала» — жуда жиддий ном бўлиб туюлса, «масала ҳал бўладиган боб» бўла қолсин. Бобнинг ҳажми биз хотинларимиз келгунича қўлёзманинг танишишга улгурадиган қисми билан ўлчанади. — У бармоғига туфлаб, биринчи саҳифани варақлади. — Айтганча, ишонадиган одам учун вақт — ҳамиша лаҳза. У бир неча йил бўладими ёки ўнлаб йилларми — муҳим эмас...

15

Бесўнақай ҳазилларга ажойиб мойиллик. Аммо мен мақбул жавоб топишга улгурмадим. Меҳмоним ўқишга киришганди.

¹ Топология (юнонча «topos» — «жой» сўзидан) — математиканинг ўзгармайдиган шаклларни ўрганадиган соҳаси.

У қүләzmани күз олдида ушлаган, товушига ифодалик бे-риш учун бошини орқасига ташлаган ҳолда баландпарвозлик билан қироат қиласынан:

Хуфиёна топшириқ олган
Үттиз икки вакил,
Сүз айттолмай турар лол,
Уларни майна қилишар,
Телбаларнинг совуқ гўрига,
Уриб-туртиб тиқишар.

У бу шеърни икки бор оҳиста такрорлади, сўнг театр саҳ-насида тургандек узоқ тин олиб, сўз қотди:

— Бу — «Вакилсаноси» деб номланади... Муаллифи номаъ-лум... Шунга қарамасдан сермулоҳаза одамга шеърнинг мазму-ни нимадан иборат эканлиги тушунарли, сэнсэй. Жумбоқ ка-литлари сатрлар узра бетартиб сочиб юборилган... Сирли ёзув-да даҳшатли ҳақиқат яширинган... Хоҳласангиз, айтиб бера-ман, сэнсэй. Фақат сизга, аста-секин... Биласизми, бу вакил-лар — ажабланманг — марсликлар. Улар олисдан, коинотнинг яйдоқ саҳросидан Ерга алоҳида топшириқ билан юборилган...

— Агар бу Марс ҳақида бўлса, етар! — бақирдим мен худди алдаб оғзимга платмассадан ясалган пишириқни тиқишишган-дек азбаройи бўғилиб. — Ҳозиргина сиз «Марс» уюшмаси кулга айланди деб ваъзхонлик қилаётган эмасмидингиз...

— Ҳа, «Марс» уюшмаси кулга айланди... Аммо бунинг унга мутлақо алоқаси йўқ! — У безор ўқувчилар кафтини чўғ билан куйдирган бўшанг ўқитувчи қиладигандек ҳовлиқиб, бармоқ-ларини юзи олдида силкита кетди. — Ҳозир мен гапираётга-ним, сэнсэй, ҳақиқий марсликлар ҳақида! Бу ерда яқинда ра-дио орқали юмшоқ қўниш ҳақида хабар беришганди... Мен, ҳақиқатан ҳам, худди ана шу сайёрада яшайдиган марсликлар ҳақида гапиряпман!

— Афтидан, сиз яна гўё марслик эканлигиниз ҳақида бе-корларни тўқимоқчисиз, шекилли. Қўйсангизчи... Марсликлар — эски матоҳга айланди. Эскирди, чириди, қуриб йўқ бўлди. Бундай нарсалар ҳақида сиз билан ҳатто болакайлар ҳам суҳ-батлашмайдилар.

- Хўш, нима қилиш керак? Даил далил-да.
- Даил? Қўйсангиз-чи, кулгимни қистатманг. Ахир, сизнинг турган-битганингиз — оддий японсиз.
- Бунинг аҳамияти йўқ. Мен японликка ўхшайман ва бу — табиий. Сиз мени шундай деб биласиз ва бунга ҳеч ким эътиroz билдира олмайди. Буни биз ўз аччиқ тажрибамиздан била-миз. Типологик ўхашашлик — бу марслеклар тушиб қолган иблисона тузоқ. Биз бу тузоқдан чиқиб кетмоқчи бўлдик, аммо бунинг уддасидан чиқа олмадик. Сиздан ўтиниб сўрайман, мен қанчалик қатъиятли бўлмай, марслек эканимга ишонманг.
- Илтимос қўлмасантиз ҳам бўлади, шундай ҳам ишонмайман.
- Чин сўзингизми, ишонмайсизми?
- Албатта, ишонмайман.
- Мен эса, гапимда қатъийман. Мен — марслекман. Марс иттифоқи ҳукумати томонидан Ерга вакил қилиб юборилгандарнинг бириман... Хўш, нима дейсиз, сэнсэй.
- Ундейми-бундайми, ишонмайман. Хулоса ҳам яккаю ягона бўлиши мумкин. Бевосита сиз, бошқаларни таҳқирлайдиган ва ҳақорат қиласидиган сиз — ҳақиқий ва сўзсиз — бориб турган телбасиз. Кўпол гапирганим учун узр сўрайман.
- Қаранг-а... Телба... Майли. Рафиқангиз қисматига шерик бўлишни танлабсиз-да, шундай эмасми?
- Бас қилинг! Бу боши берк кўча тинкамни қурилди. Баҳсимиз чексиз давом этиши, аммо бундан бирон натижа чиқмаслиги аниқ-ку.
- Гапимни эшитинг, сэнсэй, сўнгги умидимни узманг. Натижа чиқмаслиги, масалан, мен учун жуда катта ютуқ. Ишонишга мажбур қилиш қийин, бунинг уддасидан чиқмаслик машақат, аммо топологик муҳаббат... Биз шубҳага етиб келдик, ҳолбуки, бевосита шубҳа — ҳақиқат сари эшик. Наҳотки, бизнинг бу эшиқдан кириб, олға босишимизга қурбимиз етмаса? Ҳеч қандай боши берк кўча йўқ, бунинг исботи мана, сэнсэй: ҳозиргина сиз мени телба деб атадингиз, бу илгари бўлмаган, келажакда ҳам бўлмайди.
- Агар ҳамма гап шунда бўлса, бунинг бирон янгилиги йўқ... Шунчаки рафиқангиз мени телефонда кўрқитиб юборди.

— Кўйинг, сэнсэй, бунақа тобелик сизга ярашмайди. Кўрқи-тиб юборди... Мана, сизга боши берк кўча — уни ўзингиз яратасиз. Аммо вақтимиз зик, беҳуда гап сотишни йифиштирайлик. Илтимос, сэнсэй, биринчи бўлиб сиз бошласангиз...

— Нимани бошлай?

— Нимани? Сиз мени телба деб эълон қилдингиз. Мен эса, ўз тарафимдан марслик эканлигимда қатъий турибман. Шу тариқа, биз бир-бирига зид чизиқлар кесишадиган нуқтага эгамиз. Шундай экан, менинг шахсимга аниқлик кирита оладиган бирон нарса бўлиши керак. Сизга, сэнсэй, топологик таҳлилда ўз санъатингизни намойиш этиш имконияти бериляпти.

Ҳеч вақони тушунмайман. Суҳбат оҳангি, у йўқ-бу йўқ, ўзгарди. Вақтни чўзиш учун сигаретани жўрттага уқувсизлик билан чекишига киришдим, кейин уни эзғиладим. Мени боплабчув туширишганини ҳис этардим, аммо бу қандай рўй берганлигини тасаввур қила олмасдим. Ўзимни тамоман йўқотиб қўйгандим. Жирканчли, юраксиз, иродамга қарши илтижоли товуш билан қизиқдим:

— Кечирасиз, бу нима дегани? Сиз тез-тез «топология», «топологик» сўзларини оғзингизга оласиз... Бу соҳада бирон нарсадан хабардор эмасга ўхшайман.

— Бу даврий геометриянинг худди ўзгинаси.

— Афсуски, ўқиганим атиги шартли геометрия билан чегараланган, холос.

— Ундай бўлса, кечирасиз... Тамойили жуда оддий... Лўнда-гина қилиб, буни «худди» математикаси деб атаб қўя қолайлик... «Худди одамдек»даги «худди». Эски математика, масалан, крикет³³ йўсини ва крикет коптоги каби буюмлар ўртасида тенглик белгисини қўйишни хаёлига ҳам келтира олмаган. Топологиянда эса, улар Беттининг бир ўлчамли рақами орқали гомеоморфлиятҳ сифатида аниқланади ва улар ўртасида тенглик белгиси қўйилади. Эҳтимол, бу сизга ажабланарли туюлар, аммо одамлар-

³³ Крикет (инглизча «cricket» сўзидан) — майсали, овал шактидаги майдонда йўсин ва копток билан ўйналадиган жамоавий спорт ўйини. Буюк Британия, Канада, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатларда кенг оммалашган.

нинг ҳиссий формулалари орасида бунга ўхшашлари кўп учрайди. Бошқа мисолни олайлик. Патир ва буханка нон. Топология учун улар Беттинг бир ўлчамли сонлари бўйича иккига тенг бўлган сатҳлардир. Оддий одам учун патир — у доира ёки бошқачароқ шаклда бўладими — патирлигича қолаверади. Электрон машинада доира шаклидаги патирнинг формуласини таҳдил қилиш осонроқ. Итга эса, масалан, унга патир ёки буханка нон беришадими, у бутунми ёки бўлакланганми — барибир, асосийси бир хил ундан ёпилган бўлса бас. Топологик ёндашув худди инсоний ёндошувни ёдга солади, шундай эмасми?.. Бошқа томондан, топология туфайли авваллари иккиланишларга олиб борадиган, қандайдир умумий ғоя бўлган «худди» ривожланди ва нозик мантиқий таркибга эга бўлди. Топологиягача бўлган математикада бундай тушунчада таркибнинг ўзи бўлиши мумкин эмасди. Эндиликда «худди» билан ҳазиллашиб бўлмайди. Масалан, мен, у туфайли ҳозир ростакам кулфатга тушиб қолдим...

- Сиз, яххиси, аёлларимиз...
- Гапимнинг охиригача эшитинг... Шундай қилиб, бу икки чизиқ — телба ва марсликни нима бирлаштиради? Қуйидаги ча топологик тасаввур фикрга келяпти. Миясига ўзини марслик эканлигини қуйиб олган Ердаги телба...
- Бор-йўғи шуми?
- ... ёки миясига худди у Ердаги телба эканлиги қуйилган, ўзи эса, миясига марслик эканл гини қуйиб олган марслик...
- Буларнинг ҳаммаси аҳмоқ! рчилик! Шундай экан, топологиянгизга бало борми?
- Мен сизга нима дегандим? Ёу шу қадар ҳиссий тасаввурни ёдга соладики, лол қолмай иложинг йўқ.
- Буларнинг ҳаммасини фақат ҳиссиёт доирасига сифдириб бўладими? Уни чексиз давом эттирадиган бўлсак... Миясига ўзини марслик эканлигини қуйиб олган Ердаги телба ёки миясига худди у Ердаги телба эканлиги қуйилган, ўзи эса, миясига марслик эканлигини қуйиб олган марслик...
- Етар. Агар сизнинг топологиянгиз ёрдамида бу калима қайтарилаверса, иш муваффақият билан тугашига умид қилиб бўладими?

— Топологиянинг моҳияти ҳам шунда-да. Агар биз, масалан, дастлабки муайян моделни тайёрлаб олсак, иҳтиёрий равишда мураккаб усул билан даврий ҳолатини унга тенг бўлган ҳар қандай топологик шаклга сола оламиз. Биз кўриб чиқаётган ҳолатда олдимизда «миясига ўзини марслик деб қўйиб олган ерлик» таркибий модели турибди. Келинг, бир уриниб кўрайлик ва бундан нима чиқишини билайлик. Ақлдан озган бу ерлик — яъни сизнинг, сэнсэй, тасаввурингиздаги мен — аввал-бошда бечора омадсиз кимса бўлган. Афтидан, шунинг учун унда воқеликдан қочишга мойиллик пайдо бўлган. Аммо қочадиган жойнинг ўзи йўқ, киссасида бир мири ҳам йўқ ва у эврилиш хаёлига борган. Кимга айлангани маъқул? Итгами? Кушгами? Ёки тошга айланиб қолсинми? Аммо жисмоний эврилиш фикри ўзига ёқмаган. Узоқ ва уқубатли ўй суришлар натижасида у пировердида тубдан ўзгармасдан эврилиши кераклиги ҳақидаги хulosага келган. Бошқача қилиб айтганда, Худди одамдек бўлсин-у, айни пайтда одам бўлмасин... Масалан (шу жойда меҳмонимнинг овози шивирлаш даражасида пасайди), марслик бўлиб қолсин... Ҳа, худди-одамдек марсликка айлансин... Бизнинг ерлик телбамизнинг топологик эврилиши шу тариқа ниҳоясини топди.

— Нима ҳам дердим, бунга эътиroz билдириб бўлмайдиганга ўхшайди...

— Ҳозирча бу моделни «марслик касаллиги» деб атайлик. Қарши эмасмисиз?

— Умуман олганда, менга барибир...

— Ажойиб... Бу ёғига ҳам қўрқмай менга ишонаверинг...

Унинг бу сўzlари мени яна ҳадиксиратиб юборди ва яна ноаниқ хавотирни ҳис этдим. У мени яна сездирмасдан кўз илғамас тўрлари билан чирмаганга ўхшарди. У кўзбўямачи ва артист эканлигини биламан, уни четлаб ўтишга уринаман, бироқ, марҳамат, мана, яна саҳна олдида қоққан қозиқ бўлиб турибман. Бир вақтлар қайсиdir қишлоқ бекатида атторлик молларини харид қилишга даъват қилаётган бақироқни кўрганман. У харидорларни мол харид қилишга гўёки майда тошларни осмонга отиб, уларни иродга кучи билан ҳавода муаллақ

ушлаб тура олиши ҳақидағи бақыр-чақырлари билан жалб эта-ётганди. Мәхмонимнинг қилиқлари шу фирт алдамчини өсга соларди. Ахир, ҳавода муаллақ туриши мүмкін бўлган тошларга қайси аҳмоқ ишонади? Ишонмайди ва шунинг учун четлаб ўтиб кетмайди. Ишонмайман, ишона олмайман ва ишонишни хоҳламайман. Эътиroz ҳисси ортиб боради, сен бепарволик ҳолатидан чиқасан ва ўз кўзинг билан ижрочи-нинг юзи шувит бўлишига гувоҳ бўлишни кўмсайсан, унга эса, худди шу керак — саҳнага отилиб чиқади-да олдингда рақсга тушиб кетади. Ҳа, хавотир кучли бўлганлигидан, афтидан, янгишдим, ўзимни ўзим чалдим. Ҳақиқатан ҳам, шартларни ва эҳтиёткорликни вазият билан чоғишириш керак.

— Марҳамат, шундай деса ҳам бўлади. Жуда одатий ҳол, ҳар қадамда учратиш мумкин...

— Энди, сэнсэй, сизга ўқиб берган «Вакил сано»сига мурожаат қиласиз... — деди у йиқилган рақибга сўнгги зарба беришга тайёргарлик кўраётгандек ваҳимали-сокин оҳантда. Мехмон қўлёzmани стоддан олиб, тиззасига қўйди ва уни тирноқларининг учи билан оҳиста чертди. — Телба ерликнинг таркибий моделини тан олиб, сиз ўз-ўзидан «Вакил саноси» мазмунини ҳам қабул қилдингиз.

— Сиз нимага бир боғдан... бир тоғдан келяпсиз...

— Ундей эмас. Патирнинг ичига қараладиган бўлса ҳам, патир патирлигича қолаверади. «Вакил саноси» ва марслик касаллигига дучор бўлганнинг таркиби топология нуқтаи назаридан бир хил.

— Сиз бу шеър ҳақида гапирияпсиз, у нима тўғридалиги эса мутглақо ёдимдан кўтарилди.

— Ҳозир худди шуни тушунтирмоқчи бўлиб турувдим. У ўзига хос криптограмма¹ бўлиб, тегишли тушунтириш берилмас, у ҳақда гапиришнинг маъноси йўқ.

— Тушунтирсангиз, чакки бўлмасди. Шеърингиздан оғзим очилиб қолгани йўқ, сизга эса, ҳали айтганимдек, ишонишни хоҳламайман.

¹ Криптограмма (юонча «κρυπτός» — «сирли», «яширин» сўзидан) — матннинг маъносини яшириш маъносида қўлланиладиган маҳсус белgilар тизими.

— Ҳеч қиси йўқ, ишонмасангиз-ишонманг. Агар менга ишонганингизда бундай сўқмоқлардан туртиниб юришга ҳожат йўқ эди. Энди сиз билан масхарабозлик ўйинини бошлаймиз. Кайфият шўх, марслик касалига чалинганинг кўзбўямачилигидан кўнгил очамиз. Бу нарсада юзим шарм бўлиб қолмайди, буни ваъда қилишим мумкин... Кечирасиз, синчковлик — фақат одамларга хос бўлган хислат дейишади. Анаву ердаги нарса нима? — Ўбирдан бармоғи билан радио олдидаги шиша идишни кўрсатди. — Унда ширинлик сақлайсизми? Ёки ерёнгоқми?

— Йўқ, унга эски чипталарни солиб қўяман. Нимайди?

— Бунинг аҳамияти йўқ, мен шунчаки... Аммо рафиқангизга нима бўлди? Тўппа-тўғри Марсга йўл олмадимикан? Майли, сабр қиласмиш. Мен ҳатто аёлларимиз кечикаётганларини маъқуллайман. Чунки, билсангиз, сэнсэй, мен ҳали суҳбатимиз мавзусини охирига етказганимча йўқ...

16

— Ҳа, мен «Вакил саноси»ни битта у қадар одатий бўлмаган жойдаги у қадар одатий бўлмаган бино деворларини ювётганимда топиб олганман.

Меҳмоним ҳикоясини тин олмасдан давом эттирап, унинг юзида руҳланиб кетадиганларга хос, мен учун янги ифода пайдо бўлганди... Тиззасидаги қўлёzmани сиқаётган қўллари, стулга суюнган ҳимоясиз гардани, — гўёки табассум улашарди. Мен ўзимни ниҳоят тўр билан чирмашга муваффақ бўлганларини ҳис этардим... Даشتга бундай девор қуриш фақат мени тўрга тушириш учунмикан? Ахир, мен... Энди «лаббай» деб туриш ҳам, ҳақоратлаш ҳам менга вазиятнинг соҳиби бўлишга ёрдам бера олмайди. У нима деяётганини иложи борича аниқ ёзиг олишдан бошқа чорам йўқ.

— Бу одатий жой эмасди, — давом этарди меҳмоним, айтишим мумкинки, бир руҳий беморлар касалхонасидаги палата эди... Нима учун у ерга бориб қолганлигим, нима учун деворни ювганлигим - бу саволларга жавоб беришни сизнинг тусмолларингизга ҳавола этаман... Аввалига бу ёзувлар эътибо-

римни тортмади. Бу митти жимжима белгилар телбалардан бирининг ажи-бужиларига ўхшайди деган хаёлга бордим.

Аммо «Ўттиз икки вакил» жумласи... Бу сатрга кўзим тушиши билан фавқулодда изтиробга тушдим. Мен ҳаяжонланаб шеърни қайта ўқиб чиқдим. Ҳа, шубҳага ўрин йўқ эди. Бу «ерлик касали»нинг белгиси бўлмай – нима эди?

Хуфиёна топшириқ олган
Ўттиз икки вакил,
Сўз айтолмай турар лол.
Уларни майна қилишар
Телбаларнинг совуқ гўрига
Уриб-туртиб тикишар.

Хато бўлиши мумкин эмасди. Ниҳоят, қўлимга далиллар тушганди. Ниҳоят бизга бу қадар шафқатсизлик билан юқаётган «ерлик касали»нинг ҳақиқий сабабини аниқлагандим. Зоро, «Вакил саноси» «марслик хасталиги» билан руҳий bemорлар касалхонасига тушиб қолган вакиллардан бирининг номаси эди. Бу даҳшатли эди! «Марслик хасталиги»нинг туб ўзгинаси бўлган «ерлик хасталиги»... Уни «топология неврози» деб атайман, эътиrozингиз йўқми? Ва қўйидагини маълум қилишга ижозат берсангиз. «Вакил саноси»нинг муаллифи охир-оқибат ҳақиқий «ерлик хасталиги»га чалинди... яъни Ердаги врачларнинг нуқтаи назаридан «марслик хасталиги»дан соғайиб кетди. Касалхонадан чиқиб, не маълум томонга йўл олди.

Шундай қилиб, жумбоқнинг калити сехрли «ўттиз икки» рақамида... Нима учун бу рақам менга шунчалик таъсир қилди? Ҳамма гап шундаки, мен ўттиз учинчи вакил қилиб тайинлангандим ва Ерга «Сано» муаллифидан кейин келдим. Бу ўттиз иккинчи талабалик йилларимдаёқ дўстим ва қувноқ ул-фатим бўлган, у ҳозир қаерда эканлиги ва бошидан нима кечеётганлиги ҳақида ўйласам юрагим увишади. У беҳудага жафо чекди деб бўлмайди, албатта. Чунки у қолдирган нома туфайли мен ҳозир ўзимга юқлатилган вазифалардан бирини муваффақиятли бажариш имкониятига эга бўлмоқдаман.

Ҳа, бу шубҳасиз. Нома бор, номи мен томонимдан ўйлаб топилган бўлса ҳам, «топологик невроз» ихтироқисининг но-

маси бор... У ана шу ном билан асрлар хотирасида мангү қолади. Шунинг учун ҳам, энг муҳим маъruzанинг биринчи саҳифасини ана шу шеърга ажратдим. Шараф ва шонни баб-бара-вар тақсимлаш керак.

Ҳа, бизнинг бу «Худди одамдек» романимиз амалда маърузам ҳисобланади. Бу – мен Марс ҳукумати эътиборига ҳавола қилишни ният қилган маъруза. Унинг биринчи қисми – далилларни баён қилиш ва таҳлил этиш. Иккинчи қисми – зарур тадбирлар режасининг лойиҳаси ва муаллиф фикрининг баёни... Мисол тариқасида қўйидагиларни эшитиб қўришни истамайсизми?

«Марс тақвими бўйича фалон йил, 2/3 мавсуми, давр 6, учинчи кун.

Анжумандан қайтиб келиб, хотиним бошига сабу-кинэни (Изоҳ: ширин хаёллар намойишчиси) қўндириб олгани ва завқшавқда эканлигидан хабар топдим. «Гапимни эшит, – дедим унга. – Ўта муҳим янгиликлар бор. Ҳозир ширин хаёлларга гарқ бўлиш вақти эмас».

У жавоб бермади. Шунда мен ортиқча гап-сўз қилмасдан сабу-кинэни ўчириб қўйдим ва бошидаги қалпоқни юлиб олдим. «Нима қиляпсан! – бақирди у бўғилиб. – Мени тинч қўй!»

Шундан кейин мени кўздан кечириб, ажабланиб сўради: «Айтганча, нега куппа-кундуз ерлик кийимида сайр қилиб юрибсан? Ёки анжуман ўрнига томоша кўргани бордингми?»

«Янгишяпсан, – эътиroz билдиридим мен. – Ҳамма гап шундаки, бугунги анжуманда мени топшириқ билан Ерга юборишга қарор қилишди». «Наҳотки?» – ҳайрон қолди хотиним. «Бу ҳали ҳаммаси эмас, – давом этдим мен. – Шунингдек, мен билан сен ҳам кетишингга қарор қилишди». «Тўхта, тўхта... – бақрайганча валдиради у. – Бироқ Ерни тадқиқ этиш – жуда хавфли дейишади-ку!»

«Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Фақат шу нарса маълумки, кейинги ўн йил ичида у ерга ўттиз икки вакил юбрилган, аммо улардан биронтаси қайтиб келмаган. Лекин бунга ерликлар айбдор деб ўйламайман. Улар худди бизга

ўхшайдилар, шунинг учун уларнинг маҳлуқ ва ёввойи бўлиб чиқиши мумкин эмас».

«У ҳолда, бирон даҳшатли касаллик бўлса-чи?»

«Бунақа назария ҳам бор. Раҳбарият, умуман олганда, буни истисно қилмаяпти. Лекин бу касалликнинг табиати ҳақида бирон тахмин йўқ. Уни фақат «ерликлар хасталиги» деб аташга келишиб олинди. Бизнинг топшириққа келганда, у қуидаги лардан иборат. Биринчидан, олдимизга Ерда савдо бекатимизни ташкил этиш тўғрисида музокара бошлаш вазифаси қўйилган. Менга бу жуда муҳим ва ўта шошилинч эканлигини айтишди, чунки у ерда яқин орада узоққа отиладиган ракеталар ишга солинган ҳолда ноқонуний безорилик ур-тўполони бошланиши мумкин. Иккинчидан, биз бедарак йўқолган ўттиз икки вакилимиз қаёққа фойиб бўлганлигини аниқлашимиз, шунингдек, одамларни Ерга занжирбанд қилган «ерликлар хасталиги»нинг ҳақиқий табиатини аниқлашимиз зарур...»

«Бу менга ёқмаяпти, ҳамаси жуда таажжубли».

«Бироқ бошқа бир назария ҳам бор – «ерликлар хасталиги»нинг сабаби ерлик аёллар эмиш. Ерлик аёллар худди марсликлардек, фақат, эҳтимол, сал-пал фарқ қиласмишлар. Ҳамма гап ана шу «сал-пал»да эмасмикан? Шу вақтгача биз юборган вакилларнинг ҳаммаси эркак бўлганликларини ёдан чиқармаслик керак».

«Қандай жирканчлик!»

«Мана шунинг учун анжуман ҳамма ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, бу сафар жуфтликни – эркак ва аёлни юборишга қарор қилди. Менинг рақамим ўттиз уч, сеники, тегишли радиша, ўттиз тўрт бўлади. Мана ерлик аёл либоси. Кийиб кўр, сенга лойиқмикан».

«Мавсум 2/3, давр 8, биринчи кун.

Салкам бутун бир давр ўтди. Каракт қилиш усули билан япон тилини ўрганиб олдик. Учиш куни келди. Биз хотиним билан тирик мавжудотларни мажбурий етказиш транспозитори (Изоҳ. Тирик мавжудотларни қабул қилиб олиш бекатлари бўлмаган жойларга етказишга мўлжалланган маҳсус мослама) кабинасидаги жойларни эгалладик.

Назоратчи аппаратураны созлаш бошланганини эълон қилди, бу вақтда экранда борадиган манзилимиз тасвири пайдо бўлди.

«Ер... — деди назоратчи. — Токио, Япониянинг пойтахти... Кеч тун... Бошланғич мактаб ҳовлиси, атрофда бирон тирик жон йўқ... Ҳалақит берадиган деярли ҳеч бир нарса йўқ хавфсиз жой танланган. Дайди ит каби бирон нарса билан тўқнашиш эҳтимолини истисно этиш учун қўниш жойи тупроқ сатҳидан саксон сантиметрга кўтарилган... Буни ёдда тутинг, эҳтиёт бўлинг, йиқилиб тушманг... Уч дақиқа қолди. Умид қиласманки, ҳеч нарсани ёддан чиқармагансиз...»

Унугдиган нарсанинг ўзи йўқ. Марс манзаралари туширилган бир даста сурат ва баъзи бир шахсий буюмлар. Ва яна япон иеналари. Айтишадики, Ерда пул ёрдамида ҳар қандай муаммони ҳал қилса бўларкан.

Қизил чироқ ёниб, гравитацияга¹ қарши қурилма (Изоҳ: гравитацияга қарши қурилма ихтиро этилгунга қадар гравитация кучи таъсирида соф минерал жисмларни фақат транспозиция қилиш мумкин эди. Тирик мавжудотлар эса, кучли босим остида қолиб, бу уларнинг ички организмида қон қуйилиши ва ёриқлар пайдо бўлишига олиб келарди. Нолдан меъёргача ва тескарисига бир лаҳзалик гравитация сакрашлари космик ракеталар учирилаётган пайтдаги каби оқибатларга олиб келарди. Гравитацияга қарши ёстиқ ихтиро этилгандан сўнг эса, ҳатто Плутонга янги тухумларни ўз ҳолидек етказиш имконияти пайдо бўлди) ишга тушганини кўрсатди.

Гравиация деярли нолга тушиб қолди ва дақиқалар санашга ўтилди. Хотиним «Ўзимни ёмон ҳис этяпман..» деб ингради. Унга беш миллиграммли бензоциазепин аралашмаси суюқлиги киритилди.

Ўн сония қолди... Ниҳоят, вақт бўйича силжиш бошланди (Изоҳ. Транспозиция вақтнинг дискретлиги² тамойилига асосланган. Вақт узлуксиз эмас. Бу ижобий йўналишдан салбий йўналишга ва тескарисига уйғун ҳаракатда бўлган оддий, ўзига хос

¹ Гравитация (лотинча «gravitas» — «оғирлик» сўзидан) — тортиш.

² Дискретлик (лотинча «discretus» — «бўлинган», «узилган» сўзларидан) — узилиш, давомийликка қарама-қарши кўйилади.

Қувват тўлқинидир. Одатдаги шароитларда йўналишларнинг ҳар бирига ўз воқеликлари мувофиқ бўлади, бунда ижобий йўналишга бизнинг воқелигимиз, салбий йўналишга эса, муайян воқеликнинг акси мос тушади. Шунинг учун ҳам, бизнинг воқелигимизга мансуб кузатувчи учун вақт узлуксиз бўлиб туюлади. Вақт тўлқинлари модда тўлқинларига нисбатан бекарорроқ. Модда тўлқинлари ёруғлик тезлигига етгунга қадар барқарорлигини сақлаб қолади, кўп ўлчовли вақт тўлқинлари эса, нисбатан осонлик билан бекарорлашади; бунда улар даврийлигини ўзgartиралилар ва даврийликда модда тўлқинларига нисбатан орқада қолиш ҳолатлари бўлади. Ана шундай ҳолларда оддий зарраларнинг пайдо бўлиши ва парчаланиши рўй беради. Транспозитор даврийликда силжишни сунъий равишда яратишга мўлжалланган қурилмадир. Бу силжиш билан янгитдан бир-бирига мос тушиш оралиғида вақтнинг ўзига хос туйнути пайдо бўлади. Буни ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Силжишлар орасидаги бу туйнукка жойлаштирилган моддий жисм маконда бир онда хоҳлаган жойга етказилиши мумкин. Айтганча, «бир онда» дейилиши бироз мавхумроқ. Вақт тўлқинларининг ўзида вақт ўтмайди ва транспозицияга ёруғлик тезлигидан ҳам юқори тезликдаги ҳаракатланиш сифатида қарашиб табиийроқдир).

Силжиш тезлиги тобора ортмоқда. Хотиним «Ўзимни ёмон ҳис этяпман..», деб инграшда давом этяпти. Иккаламизнинг ҳам саёҳат қилишга тоқатимиз йўқ, агар одатдаги бир бекатдан иккинчисига ўтишни ҳисобга олмаганда, мажбурий транспозицияга хос бўлган вақт бўйича силжиш тажрибасига эга эмасмиз, транспозиция бизда гўё юрагингни кир ювиш тахтасида эзғилаётгандек ҳис пайдо қиласди. Ортиқча чидай олмаймиз. Менга таналаримиз худди бузуқ телевизор экранидаги тасвирга ўхшаб тасмаларга бўлаклангандек туюлмоқда.

Қизил, кўк, яшил чироқларнинг липиллаши, сонияларни санаётган назоратчининг овози – ҳаммаси лаҳза эшиги ортидаги зулматда фойиб бўлди, сингиб кетди. Ва биз бир-бири мизнинг қўлимизни ушлаган ҳолда, бошланғич мактаб ҳовлисига шалоп этиб тушдик. Танамизга тушаётган оғирлик тасаввур доирасидан ташқарида. Кайфиятимиз тепага шиддат

билин күтарилаётган тезюарар лифтдагидек. Биз дарҳол мушакларга куч берадиган эритмани ичамиз.

Қанчалик таажжубланарли бўлмасин, қилт этган шабада йўқ. Айрим олимларимизнинг гўё Ер - бўёнронлар сайёраси деганлари хато эканлиги ошкор бўлди (Изоҳ: Ернинг суратларида деярли ҳамиша улкан сув тўлқинлари кўриниб туради, шу сабабли ушбу сайёрада доимо шиддатли шамол эсади деган ҳовлиқма хулоса чиқарилган). Ердаги тун осуда эди.

«Сассиқни қара-я!» — ҳайқирди хотиним бурнини қисар экан. Эҳтимол, бу биз кўп бор эшитган, аммо, очиғини айтганда, қўлансалиги сезилиб турган «хушбўй Ернинг ифори» бўлса керак. Бу тупроқда чувалчанглар, кумурсқалар ва бошқа жонзотлар, шунингдек, беҳисоб тупроқ бактериялари чиқиндилари мўллигидан далолат бериб турарди. Ерда сайр қилиб келгач, дарҳол қўлни ювиш ва томоқни чайиш зарур...»

17

— Бир дақиқа тин олинг, — муқаррар фалаба нашидасини суриш иштиёқида жўрттага эзғиланиб дедим мен. Ичи қоралиқдан тилим эшиларди. Меҳмонимнинг хариталари кифтимда тургандек эди. — Мен томондан ҳикоянгизни, яна айни қизиқ жойида бўлиш одобдан эмас, албатта, лекин... Тушунинг, бу кундалигингизга, афсуски, ишониш жуда қийин... Афтидан, ўзингиз ҳам ишонишимга умид қилмаган бўлсангиз керак... Билсангиз, зиддиятлар. Ҳа, буни зиддиятлар деб атай қолайлик. Бу кундалигингизда туб, ҳеч нима билан оқданмайдиган зиддият бор. Сезишимча, кундалик япон тилида битилган. Аммо нима учун? Агар сиз уни Марс ҳукуматига мўлжаллаб ёзган бўлсангиз, бирданига уни марсча битиш табиийроқ эмасмиди? Ёки, эҳтимол, марсликларнинг умуман ўз тиллари йўқдир?

Меҳмоним лабини дўрттайтириб, қўлёзмасини яширмоқчи бўлгандек яшин тезлигидаги ҳаракатини қилди, аммо дарҳол ўзини қўлига олди. Юзи олдида ўрта бармоғини кўрсатиб, шодон бидирлаб кетди:

— Атитобити кути ратта кутибири бири абиратти битикути биридаккунорэти кути...

Бу ғулдирашни аниқ ифода этганилгимга қафолат бера олмайман, бироқ у шундай – ёқимли тилёғламалик билан шивирларди. Мен бақрайиб қолгандим, у эса кўзини қисиб, япон тилида давом этди:

– Бу – марсча «Билишимча, бу сизни жуда ташвишга со-ляпти» деган жумла. Матнни маҳаллий тилда битишимга келсак, маърузам – маҳфий. У японча ёзилгани учун ҳамма буни «марс хасталиги»га дучор бўлган телбанинг алаҳлаши деб қабул қиласди ва унга аҳамият бермайди. Аҳмоқлик қилиб, марсча ёзганимда, қўлёзма дарҳол қўзга ташланган бўларди. Тиллар айнанлаштиришга мойил, бу қўлёzmани электрон машинада ўгириш – оддий иш. Майли, дум қўзга ташлана қолсин, асо-сийси – бошнинг пинҳонлиги.

– Хўп, сиз айтгандай бўла қолсин, – дедим яна мўлжални хато олганимдан жаҳлим чиқиб. – Лекин сиз худди шундан ман-фаатдорсиз-ку. Сиз бу ерга биз, ерликларни Марсда аҳоли яша-шини тан олишга мажбур қилиш учун маҳсус келгансиз-ку.

Унинг юзи яна ниқоб кийиб олгандек бўлди. Менга бети-нинг териси суякка ёпишиб қолганга ўхшаб кетди.

– Биз – урушқоқ ирқ эмасмиз, – тундлашиб деди у. – Биз бошқа ҳалқларга, биринчи навбатда, худди ўзимиздек бўлган ерликларга бирон зиён етказмасликка астойдил интиламиз...

– Сиз нимани назарда тутяпсиз?

– Бу нарса маҳфий бўлганлиги учун у ҳақда оғиз оча олмайман, лекин.... Сиз, масалан, куйидаги ҳолатни тасаввур қилиб кўринг. Токиога ҳушсизлантириш санъатини эгаллаган хуфиёна жангари ташкилот аъзолари тўпланган ва бир вақтда ишга киришиш учун буйруқни кутишяпти, аммо уларни фош этишнинг мутлақо имконияти йўқ. Бу нимага олиб келади?

– Марсликларда бундай режалар бўлиши эҳтимолдан ҳолидир?

– Албатта. Ва яна жангариларнинг бу гуруҳи олган топшириқ, айтайлик, бутун аҳолини бир вақтнинг ўзида аксиртириш ёки хомуш тортириш эканлигини тасаввур қилиб кўринг.

– Мана буниси – фирт бўлмағур нарса!

– Ошиқманг, ахир, гап улар нима қилмоқчи бўлганларида

эмас. Гап шундаки, одамлар улар орасида, ўзлари билан ёнма-ён, құлға тушмайдиган ва ўзларидан фарқ қылмайдиган жан-гарилар борлигидан хабар топишлари билан бир-бирларига ишонмай қүядилар, бир-бирларини фош қилишни бошлайдилар, бир-бирларига тұхмат қилишга киришадилар ва охир-оқибат бутун мамлакат яширин полициянинг ҳақиқий уясига айланади. Пировард натижада, бутун мамлакат кимдир аксириши билан қорт кемирған дараhtдек қулайди. Биз марсликлар худди одамлар эканлигини тан олсак, ерликларнинг муқаррар ўз-ўзини заҳарлашларига даҳлдор бўлишимиз мумкин.

— Бу ҳолда нима учун мени сафсатанғизни тинглашга мажбур қиляпсиз? Сиз биз учун хавфли эканлигингизни билар экансиз, бундай гап сотмасдан, бу ердан тезроқ, батамом туёингизни шиқиллатмайсизми?

— Йўқ, бунинг иложи йўқ. Мен топшириқ олганлигимни унуманг. Мен савдо шартномаси тузиш учун мавжуд барча имкониятларни ишга солиб бўлмагунимча қайтиб кета олмайман.

— Тушунмаяпман. Ҳозиргина сиз билан алоқа ўрнатиш бизга зарар келтиришини уқмаётганимдингиз.

— Бўлмасам-чи. Бунинг икки йўли бор. Биринчиси: Японияни Марс иттифоқига қўшиб олиш. Шу тариқа японлар худди марсликларга ўхшаб қолмасдан, ҳақиқий марсликларга айланадилар.

— Бемаънилик. Бу босқинчилик-ку!

— Сиз шундай дейишингизни билардим ва гапингизга қўшиламан. — У кеккайиб, қўзини қисди, сўнг йўталиб, давом этди — Бу муаммони ҳал этишнинг бошқа йўли ҳам бор... У шундан иборатки, биз умуман саҳнага чиқмаймиз ва ўзимизнинг ерлик вакилимиз орқали иш юритамиз. Биз марсликлар Худди одамдек тушунчасининг тескарисига амал қиласмиз. Бу bemаънилик, бунга қўшиламан, бироқ ҳаммаси умумий манзаранинг дилбар ва ҳайрли хаёлийлиги билан ўзини оқлади. Farb — бу Farb, Sharқ — бу Sharқ, ҳамма тинч ухтайвериши мумкин. Ҳеч кимда ҳеч қандай эътиroz йўқ, тўғрими? Ва шу жойда биз асосий масалага етиб келдик. Сиздан, сэнсэй, Марс ҳукуматининг вакили лавозимига рози бўлишингизни илтимос қиласм бўладими?

— Беҳуда гап. Бу асло менга тўғри келмайди. Сиз одам танлашда адашибисиз.

— Марс билан савдо-сотиқнинг истиқболлари чексиз, ишга киришишингиз билан буни ўзингиз тушуниб етасиз. Мукофот масаласига келсақ, сэнсэй, уни радио эшиттиришлари, қўлёзмалар ва шу кабилар учун тўланадиган сариқ чақалар билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

— Шунга қарамасдан, танлашда адашгансиз. Бундай вазифалар учун ажойиб мутахассисларни ташқи ишлар вазирлиги ёки ташқи савдо алоқалари вазирлиги каби жойлардан топа оласиз.

— У ерларда бўлганман. Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, қалбим бизнинг «худди» дўстлик ва ўзаро англашув гарови эканлиги ҳақидаги анойилик билан тўлиб-тошган пайтларда бўлганман. Ва ҳамма жойда эшик оғаларининг муштларига дуч келганман. Эшик оғасининг хорижий ҳукумат вакилини дўппослагани дипломатик муносабатларни узиш учун кифоя қиласи...

— Менга ортиқча баҳо берганингиздан афсусдаман. Мен ҳам сал бўлмаса сизни дўппосламоқчи бўлгандим, бундан ташқари, сизга ишонмайман ва ҳеч қачон ишона олмайман.

— Тўхтанг, нима деяпсиз...

— Фақат муносабатларимизни аниқламайлик. Сиз ҳамма вақт ожизлигимдан фойдаланяпсиз. Сиз билан умумий тил топишиш учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қилганлигимни билсангиз эди...

— Бўлмасам-чи, бўлмасам-чи... Сиз жон-жаҳдингиз билан менга ишонмасликка уриндингиз. Буни сезмаслигимнинг асло иложи йўқ эди. Тушунсангиз-чи, агар менга шунчаки бухгалтер-эксперт ёки устаси фаранг ҳисобчи керак бўлганида, бу муаммони аллақачон пул ёрдамида ҳал этган бўлардим. Лекин мен қандай қилиб бўлса ҳам, бутун бошли сайёранинг вакилини топишим зарур! Вазиятни топологик баҳолашга қодир бўлган одамни! У, табиийки, ўзини худди марсликдек ҳис этиши керак. Ҳамма гап ана шундай англаш сифатида. Яна бир ўйлаб кўринг. Умид қилишимча, ҳар ҳолда тўғонингизда нина учидек бўлса ҳам тешик пайдо қила олдим. Кундаликни ўқиши давом эттирамизми?

— Бироз тұхтаб туринг сизга яна икки оғиз сүзим бор.

Үзимга имкони борича ҳужумкор тус бердім. Лекин қалбим тубида бу масала ҳақида гапириш истаги унчалик йүқ әди. Вақт тұлқынлари, модда тұлқынлари — чакки түқілмаганды ва касбий рашик ҳиссисидан үзимни тизгінлай олмадым. Бу — фирт ёлғон эканлигига шубҳам йүқ әди, албатта. Мемоним бу атамаларни жуда табиий қолда қалаشتырып ташлагани ишончимга зиғирча ҳам путур етказмаганды. Рұпарамда ё ҳийлакор телба, ё телба ҳийлакор турарди. Аммо бу билан унинг алдамчиликда чинакамига тенги йүқ уста эканлигини сұкут сақтаб тан олаёттандым. Елғонни йўл-йўлайдай бу қадар батартиб ва силлиқ түқиш ҳамманинг ҳам қўлидан кела бермайди. Агар марслик хасталигига учраган бу беморни фош қылсам, менга ҳужум қиласы, бунинг устига, бу нафсониятимга оғир ботади... Шунинг учун шу шартмиカン?

— Қулоғим сизда, сэнсэй. Бир нима демоқчимидингиз?

— Кундалигингиздаги изоҳлар хусусида. Тушунишимча, Марсдаги ҳукуматингиз учун бу транзисторлар ва бошқа нарсалар икки карра иккى дегандек нарсалар экан. Агар маъруза ерлик учун ёзилган бўлса, уларга изоҳ бериш Буддага ваъз ўқиш билан баробар. Сиз марслик хасталигидан қанчалик азоб тортманг, ерликнинг думи қаердадир кўриниб қолади. Ҳамдардлигимни қабул этгайсиз. Биласизми, аҳмоқ қилиш санъати ҳар қолда баъзи кўникмаларни талаб этади.

Аммо мемоним тап тортмасди. У ҳеч нарса бўлмагандек деди:

— Изоҳлар сизга, сэнсэй, мўлжалланганди, албатта. Чунки сиз — ерликсиз, бироқ Марс вакили бўлсангиз, ярим марсликка айланасиз. Сизни ҳукумат хизматига тайинлашгандан кейин эса, бошлиғимиз бўласиз ва шунинг учун...

Ҳар гал шундай бўлади. У «Чап беришни хоҳловчилар учун — ҳамма нарса» ихтисослаштирилган магазини очганида савдоси жуда бароридан келган бўларди. Мен саҳрова сароблардан тинкаси қуриган йўловчидек ниҳоятда чарчоқ ҳис этдим, ҳаммасига туруриб, узала тушиб ётиб олиш истаги туғилди ва дедим:

— Ҳа, майли, тушунарли... Айтинг-чи... Мана бу гапингиз: «Дискретли вақт тамойили»... У қаердан пайдо бўлди?.. Сиз уни қаердан қазиб олдингиз?

— Бизнинг Марс институтлари учун қайсиadir ўкув қўлланмасидан...

Асаб тизимимнинг қаеридаadir қисқа тутатиш рўй берди. Куйган нарса ҳиди сезилди. Ҳиссиётларим вольтметри стрелкаси сакраб кетди.

— Қўлёзмангиз жуда антиқа-да. Ҳеч тушуна олмаяпман: уни бола ёзганмикан ёки ҳазилкаш. Биринчидан, унда қиёфа тасвирланишига оид бирон нарса йўқ. Адабиёт муаллиф қиёфасини акс эттиради дейишади, асарингиз эса, сизни ишониб бўлмайдиган кимсадек тўла-тўкис фош этади.

— Шундай дeng? — У қўзини қисди, лабини ялади ва мамнун оҳангда давом этди: — Аслини олганда бу... Рости, менга ноқулайроқ... истасангиз мен бир машҳур романчининг услубига тақлид қилишга интилгандим...

Энди асабларимдаги барча ҳимоя қопламалари тутаб кетди. Теридаги аланга шуъласи жуғрофия харитаси каби нақш ҳосил қилиб, кенгайиб борарди. Бу яраларимни қанчалик жаҳл билан қашласам, рақибим учун шунча заиф жойларимни очишимни билардим, лекин қашламасликнинг иложи йўқ эди.

— Яхши, бир масалада ён боса қолайлик, айтайлик, сиз таъкидлашингизча, ҳақиқатан ҳам, ночор аҳволга тушиб қолгансиз. Аммо сиз доимо ўзингизнинг заиф томонларингизни пеш қилишингиз, масалан, сиз — Худди одамдек эканлигинизни қайта-қайта такрорлашингиз тажжубланарли эмасми? Нима учун сиз ҳамиша зорланасиз? Нима учун ишончлироқ далиллар келтирмайсиз? Наҳотки, сиз тақдим қила олишингиз мумкин бўлган ягона нарса — танангиз бўлса? Биз, масалан, чет элга саёҳатга чиқадиган бўлсак, ҳамма вақт қандай совғаларни олиб кетиш ҳақида бош қотирамиз. Кундалик зарурат буюлари қанчалар оддий бўлмасин, уларда буларни яратгандар маданияти белгиси қолади. Бу белгилар ҳар бир мамлакатда ўзига хос. Табиийки, сиз ҳам йўлга отланишдан аввал бунинг ғамини еб қўйган бўлсангиз керак.

— Бу худди шундай бўлганди, албатта... — У мўмин-қобил боладек нигоҳини четга олди ва бурнини ишқалар экан, да-

вом этди: — Шахсимиизни тасдиқлашнинг энг осон йўли — сизларга транспорт воситамиизни кўрсатиш бўларди. Лекин, афсуски, бизнинг транспорт воситамииз — қабул қилувчи бекат билан жиҳозланмаган мажбурий транспозитордир. Мен сизларга уни кўрсатган бўлардим, бироқ транспозитор қиёфага ҳам, шаклга ҳам эга эмас. Мен бу масалани қўмита билан муҳокама қилганман, биз ўзимиз билан айрим буюмларни олгандик, лекин бу беҳуда экан. Нима десангиз деяверинг, аммо ерликлар — жуда улдабурон, улар ҳатто қалбаки пул ясашни ҳам боплашади. Очифини айтганда бундан ҳайратга тушдим. Биздаги ҳамма нарса — тутмачали сув қувури жўмраклари, электр уқалаш асбоблари, янги урфга кирган стуллар, аёлларнинг юқори қисми очиқ чўмилиш кийимлари — буларнинг барчаси сизларда ҳам бор...

— Тилга олган бу нарсаларингизнинг ҳаммаси Марсда ҳам худди шундайми?

— Аввалига мен ҳам бу тасодифий ўхшашилик деб ўйлагандим. Бироқ ўхшашилик фақат шаклда экан, фойдаланиш усули эса сизда мутлақо бошқача. Масалан, тутмачали сув қувури жўмраклари Марсда почта маркаларини тангаларга майдалаш автомати вазифасини ўтайди. Биринчи бор қайсиидир универмаг ҳожатхонасига кириб, тутмачали жўмраклар қаторлашиб турганини кўрганимда ҳайратга тушганим эсимда. Электр уқалаш асбоби бизда энг оммабоп мусиқа асбоби, юқориси очиқ чўмилиш кийимлари — ҳаво ўтказмайдиган костюм остида кийиладиган ич қўйлакдир. Стуллар Марсда ҳам стул вазифасини ўтайди, лекин сизнинг энг янги «кяся» урфли буюмингиз тусмоллаб кўришимга қараганда, тортиш кучи кам бўлганда Марс талабларига тўла жавоб беради. Бу масалани ўрганиб чиқиб, ана шу нусха буюмлар сизда кейинги ўн йил давомида пайдо бўлганидан оғзим очилиб қолди. Бунда шуни ёдда тутиш керакки, худди ўн йил аввал Ерга менинг буюк ўтмишдошим, биринчи рақамли вакилимиз келганди.

— Ўшандан бўён Марс вакиллари ҳар йили Ерга учтадан келиб, бизга Марс буюмлари намуналарини келтиришганми?

— Сизнинг, сэнсэй, бу сурбетларча ҳамлангизга жавоб қай-

тармайман. Айтганча, менинг ёнимда ҳам камтарона намуна бор... Кўрасизми? Уни ўзим билан олганимда ишончим комил эди... Ҳа, мана у... Хўш, таассуротлар қандай?

У портфелидан гуттурт кутисидек келадиган оддий ўйинчоқ автомобилни портфелидан олиб, столга қўйди.

— Билишимча, бу оддий пластмассса ўйинчоқ, — дедим мен.

— Мутлақо... Бу — «Той арт»¹ ўйинчоқлар мактаби усталари томонидан яратилган ҳақиқий санъат асари. Бу мактаб обьекти - ҳақиқий ҳаётдан ўрин олиши мумкин бўлмаган нарсадир. Масалан, бу нодир асарга «Турмуш даҳшати» номи берилган. Агар ўйинчоқ мактаби усталари бу шунчаки пластмасса ўйинчоқ эканлигини эшитганларида даҳшатдан касал бўлиб қолардилар.

— Яхшиси, ҳақиқий марсча пластмасса ўйинчоқларини олиб келсангиз бўларкан...

— Афсус, ўйинчоқлар хаёлимга келмабди. Энди бу нарсага қаранг. Тушунаман, бундан бир наф чиқмаса керак, ҳар ҳолда...

У иккиланмасдан бурчаклари ишқаланган, катталиги ташрифномадек оқ-қора суратни узатди. Ҳа, сурат шу қадар оддий эдикি, дарҳол у нималигини англаб етмадим.

— Ижозатингиз билан... Бу оддий телефон будкаси-ю...

— Ҳақиқатан ҳам, афсуски, жуда ўхшаш, бироқ бу мутлақо бошқа нарса. Кўриб турганингиз — Марс цивилизациясининг асоси деб аталишга тўла ҳукуқи бўлган транспозиция бекати. Бундай кўринишни ҳам сизлар кўчириб олгансизлар.

— Лекин унинг ичкарисида чинакам телефон аппаратини кўриб турибман-ку.

— Ваҳимали, тўғрими?.. Бунинг устига, ундан худди сизлардагидек фойдаланишади... Гўшакни кўтаришади, рақамларни теришади, керакли бекатни чақиришади ва у бўш эканлигига ишонч ҳосил қўлгач, ўнгдаги тирқишига танга суқишишади. Гравитацияга қарши мослама ишга тушади, кўнғироқ чалинади... ва шу заҳотиёқ буюртма берган бекатингизда пайдо бўласиз.

Менга узатган иккинчи сурати қайсиdir илмий-фантас-

¹ «Той арт» (инглизча «Toy art») — бадий ўйинчоқ.

тик фильм кадрларини ёдга соларди. Бу фильмни күргандайман. Ижоди ўғирланган режиссёр хусусида жавраш, афтидан, аҳмоқлик бўларди ва мен биринчи бўлиб зарба беришга қарор қилдим.

— Ерликларнинг қалбакиликка мойиллиги ҳақида бошқа гапирмай қўя қолайлик. Лекин нусха олинишини тасаввур қилиб бўлмайдиган нарсалар ҳам бор-ку.

— Масалан?

— Масалан, марслик итлар, марслик қушлар, марслик чўчқалар... ва бошқа тирик мавжудотлар... Улар ҳам худди бизни-кидек дея олмайсиз-ку.

— Сиз менга хушомадгўйлик қиляпсиз.

— Майли, сиз ўзингиз билан чўққани олиб келмассиз. Лекин қумурсқалар намуналари-чи? Ёки улар ҳам сиз учун жуда оғир юқ бўлдими?

— Ростини айтганда, улар бизда йўқ.

— Йўқ?

— Ахир, биз туб марсликлар эмасмиз. Сизга яхши маълум, Марсда сув жуда кам ва у ердага шароитлар ҳайвонот дунёсининг ривожланиши учун у қадар мақбул эмас. Биз Марсга етти авлод илгари қайсиdir юлдуздан кўчиб ўтганмиз. Ўша вақтда биз ўзимиз билан бирон тирик мавжудот олмаганмиз, фақат одамлар кўчиб ўтган. Ўша пайтдаёқ биз нефтдан сунъий равишда оқсил олиш усулини ўйлаб топгандик, шунинг учун уй ҳайвонларини боқишта ҳожат йўқ эди. Афтидан, гулларни ўзимиз билан олишимиз керакми ёки йўқми ҳақида баҳс бўлганди...

— Мана шу жойда ниҳоят қўлга тушдингиз. Оқсилни сунъий йўл билан олиш — бунисига чидаса бўлади дейлик, бироқ хомашёни қаердан олгансиз, сизда нефть қаёқдан пайдо бўлди?

— Тўппа-тўғри, — гудурлади меҳмоним. У кифтларини тиззалири орасига суқиб, олди ва ортига чайқала бошлади. — Лекин сиз томонигиздан ўта беилтифотлилик, сэнсэй... бу қадар қаҳр... Бу энг заиф жойга зарба!

— Сизга аҳмоқ қилиш муайян санъатни талаб этади деб айтгандим-ку.

Зарба боплаб берилди. Афтидан, уни бирибир яксон қилдим. Мәхмөнімга лотерея чиптасига ютуқ чиқмаган одамдек қараб турибману томогимга ғазаб ачиниш билан айқаш-үйкеш бўлган бехузур кулгу тиқилади. Шафқатсиз ҳўрлашлар ҳисобига эришилган фалаба оғизда ноxуш таъм қолдирган. Борйўғи уриб ўлдирилган пашшани супуриб чиқариш билан якун топадиган бўлган бесамара ёқалашиб бўлди. Бироқ ғолиб танти бўлиши керак: супуришдан аввал мағлуб бўлганни сигарета билан сийлаш даркор.

Аммо у сигаретадан воз кечди. Кифтларини тиззалари орасига сукқан ҳолда чайқалишни давом эттирад экан, ўзини оқламоқчи бўлгандек қулоққа аранг эшитиладиган тарзда шипшишти:

— Аҳмоқ қилиш нимаси... Ҳеч ҳамда... Шунчаки, бетга айтадиган нарсалар бор, айтмайдиганлари ҳам бор...

— Сиздан тортиниб нима қиласман? — эътиroz билдиридим шифтга тутун бурқситарканман. Ўзи пиширган ошни ўзи қандай ичишини томоша қилиш завқида хаёлан қўлларимни бирбирига ишқалардим. Тўсатдан у кулиб юборди ва шошилганча гапга тушди:

— Чиндан ҳам, нимадан тортинамиз? Агар сиз, сэнсэй, мен билан бир умр дўст бўлиб қоладиган бўлсангиз, кўнглингизга келганини гапираверишингиз мумкин. Шундай қилиб... Бу мажбурий транспозитор... Билағизми, у қайтишга ҳам хизмат қиласми. Ойда бир марта муайян жойда белгиланган соатда вақт туйнути очилиб, бизни кутади. Агар шундай бўлмаганда, бекат қурилгунга қадар бу ерда биз ўзимизни сургундагидек ҳис этардик. Шундай қилиб... мажбурий транспозиторнинг қайтиш имкониятидан фойдаланиб... Хуллас, сиз, сэнсэй, тушиундингиз, тўғрими?

— Ўғирлик билан шуғулланасизми?

— Бунга қандай қарашга боғлиқ. Ахир, биз фойдали қазилмаларни куруқликда, ҳеч кимга қарашли бўлмаган акваториялардан оламиз, улар ҳеч кимнинг мулки эмас. Бундан ташқари, биз муайян ҳароратдаги ҳаво, денгиз суви ва Антарктика-

дан бироз муз оламиз. Буни ўғирлик деб атаб бўладими, нима дейсиз? Агар хоҳласангиз, ҳозирнинг ўзида биз жуда қонуний асосда иш кўраётганимизни исботлаб беришим мумкин... Айтганча, агар ҳукуматимиз сизларнинг барча мамлакатларингиз билан расмий савдо битимлари тузишга муваффақ бўлса, у бу ерда олинган сув ва ҳаво қийматини тўла қоплашга тайёр. Буни ўзимни мўмин-қобил боладек қилиб кўрсатиш учун айтиётганим йўқ. Бизнинг моддий манфаатларимиз – бу ўз-ўзидан тушунарли... Аммо сиз бир дақиқа тасаввур қилиб кўринг: ерликлар ҳозирги вазиятда Марсга қўндилар. Энди «топологик асаб қасаллиги»га чалиниш – уларнинг навбати, энди уларни майна қилиб, телбалар учун мўлжалланган мозорга ҳайдайдилар. Шундай экан, бу – инсонпарварлик муаммоси. Биз уни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас. Ҳозирги вазиятда биз ё Марсни тарк этиб, ватандошларингиз кўз ўнгига фойиб бўлишимиз, ё барча воситалар билан ракеталарингиз қўнишига ҳалақит беришимиз керак бўлади. Ерликлар билан марсликлар ўртасида бетартиб алоқаларнинг зиёни очиқ-ойдин кўриниб турибди. Ҳозирги вақтда сайёralаримиз ўртасида шартнома имзолаш моддий ва маънавий нуқтаи назардан ҳаётий заруратга айланган. Лўнда қилиб айтганда, масала қуйидагича: сайёralаримиздаги вакилларнинг роли нақадар катта бўлади? Агар сиз, сэнсэй, Марс вакили бўлсангиз, бунинг хавфсирайдиган жойи йўқ, бу билан ўзингизни камситмайсиз. Аксинча, ҳар икки сайёрада sizни буюк инсон сифатида ҳурмат қилишади. Шунинг учун, сэнсэй, рози бўлишингизга умид қиласман.

Шу тариқа, кўз очиб-юммасдан нимадан бошлаган бўлсак, ўша ерга қайтиб қелдик. Фақат бу сафар унинг суҳбатни яроқсиз пластинканинг бир жойда айланавериши каби ҳолатга олиб келган хираги менда заҳарланган қумурсқа сингари ҳис ўйғотди. Бу қумурсқа аллақачон нобуд бўлиши керак эди, у эса тинимсиз сакрайверади, визиллайди, рақибига ташланади. Бир зум розилик бериб, бу билан янги аҳмоқона найрангларга изн бераман ва оддий телбадан рақсга тушаётган жиннига айланаман деган ўйга келдим... Қани энди шишган бурнини тишларинг билан ғажисанг – доим олазарак кўзлари пешонасига

чиқиб кетарди!.. Ёки бу ҳадеб баланд-пастга асабий силтана-диган ўйдим-чуқур ияги... Қани қўлимдан келса! Ич-ичимдан эзилганимни ҳам яшириб ўгирмасдан дедим:

— Радиони ёқсанмикан? Балким, ракета ҳақида бирон янгиликни хабар қилишар...

— Янгилик? — ҳақоратлангандек қичқириб юборди у. — Қандай янгилик бўлиши мумкин? Бу режанинг охиривой. Агар ракета қўнадиган жойда диққатга сазовор бирон нарса бўлса, у ерга ё атом бомбаси ташлашган, ё ҳаммани шошилинч қучириб кетишган. Ҳар қандай ҳолда ҳам, ракета фақат яп-яйдоқ, қизил темир тус саҳро манзараси тасвирини узатади.

Шундан сўнг бир нарса ёдига тушгандек, соатига қаради.

— Нима, ҳозир янгилик эшиттиришлари керакми?

Мен ҳам беиҳтиёр соатимга қарадим ва бирдан ҳақиқий вақт ҳисси гўё тўғонни ўпириб, тоғ шаршарасидек устимга қўйилди. У оҳиста бошини кўтарди ва томофимдан тутди.

— Нима гап? Қирқ дақиқа ўтдими?

— Тўппа-тўғри. Агар биз қўлёзманинг қанча жойини ўқиб бўлганимизни эътиборга оладиган бўлсак — жуда кўп.

«Ҳаммаси сен сабабли», — ғазаб билан хаёлимдан ўтказдим. Аммо бу барча нарсага барҳам бериш учун яхши сабаб эди ва сал бўлмаса стулни тўнтараёзib, ўрнимдан сакраб турдим.

— Ҳа, йўлга тушиш керакка ўхшайди.

— Буни аввал-бошдан таклиф қилаётгандим, сэнсэй...

У шошилмай портфелини жойлай бошлади, мен эса унга маҳлиё бўлганимча тикилиб турардим. Гап фақат менинг айниган тасаввуримда эмасди. Унинг қисилган лабларидан ўзини зўрга кулгидан тийиб турганлиги сезилаётганди. Менга унинг ўз тантанасини яширишга ҳаракат қилаётгани ёқмаётганди. У худди йўлга тушишни мен таклиф қилишимни кутиб турганди деган хаёлга бориш мумкин эди. Шу пайтгача у томондан менга қўяётган тузоқларининг ҳаммаси фақат оғизда эди. Энди эса вазият бирмунча ўзгарганди. Бу нусҳа нимани режалаяпти? Тамаки тутуни кўзни ачиштиарди, эзилган ва хавфсирап эдим, йўлга тушишни ва айни пайтда жойимдан жилмасликни истардим.

Меҳмоним қўлёзмани портфели устига қўйиб, уларни қўлти-

ғига суқди, мени қистамасдан шошилмай эшикка йўл олди. Лекин эшикнинг олдида тўсатдан тўхтади ва кескин орқага ўтирилди. Сал бўлмаса, унга урилиб кетаёздим. Биз бир-биримизга шу қадар яқин турардикки, унинг юзи нимани ифода қилаётганини пайқай олмадим.

— Сэнсэй, — гап бошлади у нохуш ҳаяжонли оҳангда. — Сиз бизниги қадам ранжида қилишдек илтифот кўрсатяпсиз, чин сўзим, бу мен учун катта шараф. Ҳеч муболаға қилмасдан, чин қалбдан айтяпман... Кўзимга бир қаранг ва буни жуда жиддий гапираётганимга ишонч ҳосил қиласиз.... Шунинг учун ҳам, кейинчалик сизда хунук таассурот қолишини хоҳламасдим...

— Нима деяётганингизни тушунмаяпман... — Мен беихтиёр бир қадам орқага тисарилдим. — Нима, сизни келажак кўрқинчи босяптими?

— Ҳаммаси рисоладагидек бўлишини истардим. Лекин вазият қандай бўлишини ҳеч қачон олдиндан билиб бўлмайди. У менга нима дейишини билмайман. Фақат нима демаса, ҳаммасини адо этишимни биламан. Масалан... Масалан дейлик... Айтайлик, у сизни, сэнсэй, шундоқ уст-бошингиз билан ваннага тиқишига буйруқ берса, қанчалик ачинарли бўлмасин, буни бажаришга мажбурман.

— Сиз рафиқангиз ҳақида гапиряпсизми... Хавфсираманг. Сиз билан эшигингиз олдигача бораман-да, ўша ерда ҳайрлашамиз.

— Иложи йўқ. Хотиним бунга асло кўнмайди.

— Мен фақат хотинимдан хабар топсан бўлгани, бошқа ҳеч нарса...

— Бунинг фарқи йўқ. Агар у сиз киришингизни истаса, ҳоҳишингизга қарши бўлса ҳам сизни олиб киришга мажбурман. Қисқача қилсак, сэнсэй, келинг ҳозир жанжаллашмайлик... Фақат сизни олдиндан огоҳлантириб кўймоқчи эдим, холос. Марҳамат кўрсатсангиз, бирон нарсада хотинимнинг гапини иккита қилмасангиз...

— Аммо агар рафиқангиз... ўша маърузангизга ишониладиган бўлса... У ҳам марслик аёл бўлиши мумкин эмасдир... У ҳам сиз каби жуда антиқами...

— У юқори қаватда, бу ердан бориш учун атиги бир дақықа кифоя қиласынан жойда турады, шунга қарамасдан, сизни үттис дақықа билан алдады, бунинг устига рафиқанғизни олдида ушлаб қолди...

— Тан оламан, бизни жуда лақиллатиши, албатта, аммо бунинг қандайдир сабаби бордир... Бұлмағур бемаңнилиқ эмас, ҳақиқиқиң сабаб...

— Бемаңнилиқ, маңнилиқ — буларнинг ҳаммаси нисбий ту шунчалар.

— Сиз үтакетган даражада изчил эмассиз. Рафиқанғизни телба деб ишонтираётган экансиз, бу билан ўзингизнинг ҳам калланғиз жойда эмаслигини тан оляпсиз!

— Изчил эмас... Изчил эмас... — изтироб билан деди у мен- га тикилганича. Кейин портфелини қўполлик билан полга улоқтириди ва шошилиб терлаган бармоқтари билан қўлэзмасини варақлашга тушди.

— Етар, — тушуниб қолдим мен. — Ҳаммасини тушундим! Қолганини квартиранғизга борганда гаплашамиз.

Аммо у керакли бетни топиб бўлганди ва худди қасамёд матнини ўқиётгандек тиниқ овоз билан, тантанали оҳангда ўқишига тушганди.

«Мавсум 3/3, давр 2, қирқинчи кун.

Навбатдаги муваффақиятсиликдан кейин чарчаб ва жуда эзилиб келганимда хотиним ич қийимларни дазмол қиласарди. У ўгирилмасдан «Ишлар қалай?» деб сўради. Сувни шимириб, жавоб бердим: «Жуда ёмон. Мактуб келмадими?»

У келмаганлигини айтди ва мен жаврашда давом этдим: «Бирон ёруғлик кун йўғ-а. Бугун ўзимча нақ менбоп деб ўйлаган бир файласуф ва обсерваторияда ишлайдиган олимни илинтиридим. Улар юрагига қўл солиб кўрдим. Одатий саволлар: фикрингизча, марсликлар мавжудми?..»

Хотиним майна қилиб, гапимни бўлди: «Улар сенга қайси кўз билан қарашганликларини тасаввур қиляпман!»

Мен фақат кулиб қўйдим. «Ҳечқиси йўқ, ташвишланма. Ҳозир бу ерда сувдаги балиқдекман. Ими-жимида иш тутяпман, мендан шубҳаланишмайди». Хотиним менга тикилиб

қаради. «Сен бирон нарса қилдингми», – сўради у мендан. «Бизнинг ишимизда ўта эҳтиёткорлик зарур. Ҳатто сен ҳам хавф остидасан ва сени ҳам тузоқлар кутяпти. Бизга жуда мурракаб топшириқ берилган».

Хотиним лабини тишлади ва ташвишланиб қовоқ уйди. «Сен нима деяётганилигингни яхши тушунмаяпман».

Таажжуб, ўйладим мен. Ҳавотирланишга тушдим. «Нимани тушунмайсан? Сенга мамлакатдаги барча касалхоналарни текшириб чиқиши ва асаб хасталигига учраб, ўзларини марслеклар деб ҳисоблаган bemорлар ҳақида маълумот тўплаш топшириғи берилган. Айтганча, бир неча кундан бери шунчалик бетоқат кутаётган мактуб нима тўғрисида?»

Хотинимнинг юзи ваҳимадан ўзгариб кетди «Сенга нима бўлди? – деди у. – Биз суғурта агентларимиз-ку...»

«Суғурта агентлари?!» – қичқириб юбордим мен. Ва тилимни тишладим. Гапиришга сўз йўқ эди. Шундай қилиб, ерликлар хасталигининг заҳарли тили охир-оқибат бизгача етди. Эҳ, бечора хотингинам! Сен бизнинг ерликлар хасталигига чалингандарни қидириб, топа олмадинг ва, мана, ўзинг бетоб бўлиб қолдинг!

«Атебити курибити қуритабари кути!»

Бироқ мен деворга гапирадим, даъватим фақат хотинимнинг лабларини музлатганди. Оҳ, хотингинам, наҳотки, олган топшириғингни унуган бўлсанг? Ўз қадрдан сайёранг, қизил қумликлар сайёрасини унуган бўлсанг? Наҳотки, сени касалхонадан олиб келгандан кейин тун бўйи сухбатлашганимиз – «Вакил саноси» хотирангдан кўтарилган бўлса? Мени кечир, шунчалик ёлғиз эканлигингни мутлақо билмас эканман!

Онт ичаман, азоб-укубатларинг бесамар кетмайди. Ерликлар хасталиги зарбасига кўксингни қалқон қилиб, топшириғингни аъло даражада бажардинг. Ерликлар касаллигига чалинган тирик намуна сифатида сен ўзингни Марс маданияти равнақи йўлида қурбон қилдинг. О, Марс! Асрлар узра қадрдан рафиқамнинг изтиробли руҳини шон-шарафларга бурка!

Ҳа, сен қанчалик ёлғиз эканлигингни билмасдим. Сени телбалар уйининг зимиистон хонасида асаб касаллиги оёқдан

Йиқитгани йўқ, йўқ, ерликлар хасталиги билан шундай ёлғизликдан ҳам бедаво бўлиб қолиш мумкин! Хотингинам, қасамёд қиласман, бугун сенинг ёлғизлигинг тутади. Мен сенинг кулинг бўласман, бундан бўён сен ёлғиз бўлмаслигинг учун кулинг бўласман. Ерликлар хасталиги сенга яқинлашганда қоқилиши учун роботга айланаман. Агар қайсиdir муттаҳамнинг калласини иккита қилиш керак бўлса, менга буюр! Агар қайсиdir муттаҳамни нимта-нимта қилиш керак бўлса, менга буюр. Оҳ, хотингинам. Бироз сабр қил. Сен ўз топшириғингни аъло даражада бажардинг, мен ҳам ўз топшириғимни бажариш учун кучимни аямайман. Ўшанда иккаламиз Марсга қайтамиз. Вақт туйнуги бизни бир онда қадрдон Марсимизга элтиб кўяди. Биз бу «худди дўзахдек»ни ортда қолдирамиз ва алвидо — «топологик асаб касаллиги!»

Унинг бурни учидан бир томчи тер қўллэзмага тушди. У шошилиб енги билан бу жойни артди ва менга зидан тикилиб деди:

— Энди тушунгандирсиз? Мен ҳеч кимнинг хотинимни ҳақорат қилишига йўл қўймайман.

— Кўйсангиз-чи, қанақа ҳақорат!

— Ҳеч ким унинг гапини иккита қила олмайди... Сэнсэй, сиз ҳам, бошқалар ҳам... Зоро у жаҳаннам азобини сўнгги томчисигача шимириди.

— Бу кундалигингиз бўйича тасаввур қилишимча, рафиқангиз жуда мантиқий телба. Агар «Худди одамдек» қоидаси олиб ташланса, афтидан, хасталикнинг бирон алоҳида аломатлари йўқ.

Меҳмоним бош иргади ва ўйчан деди:

— Пировард натижада... Бошқача айтганда... Яъни, сиз хотиним, эҳтимол, соппа-соғ демоқчимисиз?

— Худди шундай. Билсангиз, агар шундай бўлса, холосага келиш...

— Аниқроқ қилиб айтинг. Агар хотиним телба деб тахмин қилинса, унда мен ақли расо бўлиб чиқаман. Шундай экан, Марс вакили лавозимидан воз кечишингизга жиддий асос бўлиши мумкин эмас. Мана буниси ажойиб... Ўта хурсанд-

ман, албатта... Шу билан барча ишларим тугайди ва мен хотиним билан топшириқни уддалаганимиз тўла ҳисси билан вакт туйнугига кирамиз. Битим матнини тайёрлаб қўйганман, имзо чексангиз бўлди...

— Йўқ-йўқ, афсуски, менга рафиқангиз соппа-соғ эканлиги тусмоли маъқулроқ.

— Бу ҳолда, сэнсэй, нимадан хавсираяпсиз? Агар у оддий ерлик аёл бўлса, нимадан қўрқасиз? Ёки бошингиздан бирон жуда азоб-уқубатли нарсани ўтказганмисиз?..

— Ҳеч нарсадан қўрқмайман.

— Унда кетдикми?

— Бўпти. Кетдик.

19

Хуллас, афтидан, иш охирлаб қолганди. Айни пайтда мен ўз иш хонам остонасидан ғалати одам билан ҳатлаб ўтдим ва шу дақиқадан бошлаб тақдирим тўппа-тўғри телбалик судига олиб келган қияликтан пастга шиддат билан думалаб кетди.

Сиз, афтидан, уларнинг тузоги қандай эканлигини тушуниб етган бўлсангиз керак... Қопқонни ишга туширадиган асосий мурват бу сирли расмнинг қайси жойида яширинган ва нима учун тузоқдан қочиб қутула олмадим экан...

Дейишадики, катта ёлғонни яширишнинг энг яхши йўли - уни митти алдовлар булути билан қоплашдир. Афтидан, мен худди шу қармоққа тушиб қолдим... Йўл икки соат вақтни ҳам олмади, лекин у тўкилган ёлғон япроқлари билан тўшалганди. Мен эса, сўнгти дақиқагача ўзимни четда турган кузатувчининг хавфсиз жойини эгаллаб тургандек ҳисоблаётгандим... саҳнадаги ёлғонни кўриб турардим, бу томоша учун нархи қанча бўлса шунча тўлайман деб ўйлардим... Ўзимни эса, ўз қўлларим билан қопқоннинг бош муврати бўлган саҳна тўғрисидаги ўриндиққа чирмаб ташлагандим...

Кириш йўлакчасидан хатлашим билан менга кундузги мўл ёруғлик, ҳақиқий воқелик, кундалик баҳаёллар, кундалик хуноблик ёпирилди. Бўғма хасталигига чалингган беморнинг ва туткуннинг макони бўлган ўз иш хонамдан кейин зах, бадбўй

йўлак, зинапоя ҳам худди аччиқ қаҳвадек мени тетиклантириб юборди. Деярли ўзимга келган ва кинони томоша қилгандан сўнг сайр қилаётгандек бепарво кайфиятда эдим. Ҳозир мен кўтарилаётган зинапоялар бошқа дунёга олиб бораётганигини ва улардан орқага қайтиб тушмаслигимни тасаввур ҳам қилмасдим.

Ҳозир ҳам бу аниқ-равшан ёдимда. Зинапоя майдончасидаги тўртбурчак деразадан тушаётган, сариқ ойнасимон қоятошга ўхшаш ёфду, унда акс этаётган мураккаб шаклли соялар ёдимда. Меҳмоним олдимда зинадан-зинага қатъиятсизлик билан кўтарилар экан, шимидағи фижимлар тахланиб ва чўзилиб бораётганиги ёдимда... Ҳақиқий дунёning мен учун сўнгги номсиз белгилари...

Шундан кейин учинчи қаватдаги «В» ҳарфи ёзилган оқ, шунчаки оқ эмас, балки оқ бўёқдагига ўхшаш яшил тус қўшилган оқ эшик. Бу эшик энди номсиз белги эмасди. Кўнғироққа жавобан занжир жаранглади, тутқич фирчиллаб бурилди... Ва аёл чехраси... Кўзни қамаштирадиган даражадаги, болаларникидек мусаффо аёл кўзлари... Мушукдек уятни билмайдиган, балофатга етмаган, бироқ одатдаги катта ёшдаги одамдан уч карра катта ёшдаги аёл... У меҳмоним менга гапириб берган ва қўлёзмада таърифланган аёлдан шу қадар кескин фарқ қиласди, аввалига у билан қандай муомалада бўлишни билмадим.

Айни пайтда нигоҳим кириш йўлакчасида хотинимнинг пойабзалини изларди. Менга пойабзалнинг ўзи кифоя қиласди. Бу хотинимнинг шу ерда эканлиги белгиси бўларди. Аммо пойабзал кўринмасди...

— Бунчалар ҳаяллаб кетдинг... У сизга ҳалақит берганга ўхшайди... - гап бошлади у бир йўла иккимизга мурожаат қиласди.

Унинг овозининг жарангдор оҳанги хотиним тўғрисидаги хавотирга сира мос тушмаётганди ва мен, ростини айтганда, воқеалар ўз оқими бўйича оқаверишига изн бериб, ҳамма нарсага қўл силтадим. Бу аёл осмондан оёқларини осилтириб тушганлар тоифасидан эди. У кислотага қарши ишқор, ишқорга қарши кислота бўладиган даф этувчи аёл бўлиб, инсондаги ҳар қандай ҳисни инерт газига айлантиради. Афтидан, меҳ-

монимнинг бирон масалада хотинининг гапини иккита қилмаслик ҳақидағи бўлмагур эслатишлари ёдимдан кўтарилишидан хавфсирамасам бўларди.

Айтганча, мени меҳмонхонага олиб киришлари билан... Агар мендан нимага орқамга ўтирилиб, чиқиб кетмаганимни сўрашса, чиқиб кетишга сабаб йўқ эди деган жавобни берган бўлардим. Фақат бир фалати нарса зийраклантирди.

Аёл менга дзабутон¹ни таклиф қилиб, вентиляторни мен томонга йўналтириди ва ёқди, кейин эрига деди:

— Ҳаммаси жойида, душга тушаверишинг мумкин.

Шу вақтда меҳмоним яширинча бармоғини лабига қўйиб, менга ўз шеригидек кўз қисди. Мен яна оғзимда платмасса ширинликнинг қўланса таъмини сездим. Аммо аёл эрини нигоҳи билан кузатиб, майнингина жилмайди.

— У, афтидан, бактерияни юқтиришдан хавфсираш хасталигига чинакамига чалинганга ўхшайди, — деди у. — Уйга келгач, қўлинни ювмагунча ўзини қўйгани жой топа олмайди.

Мезбон ва меҳмон ўрниларини алмаштиришган эди. Шабада ва ёруғлик билан лиммо-лим бу меҳмонхонада хавф ва тасодиф абжирларига ўрин йўқ эди, бу ерда қофоздан ясалган қўғирчоқлар салтанати ҳукм сурарди. Афтидан, аёл қўғирчоқлар билан овунарди. Хонаңнинг ҳамма жойида осилиб, сочилиб ётган, рақсга тушаётган анойи, беўжшов бўялган бу ўйинчоқлар фақат унинг учун қадрли эди. Менга, мана, энди меҳмонимнинг бугун абжирлиги тутун каби тарқаб кетиб, у паришон ва худди қофоздан ясалган одамдек ҳеч вақога арзимайдиган бўлиб қолган, бечора аёл эса олтин балиқчалар ўрнига бу зерикарли қофоздан ясалган одамчаларни ушлаб тургандек туюла бошлаганди.

— Яхна ичимлик олиб келайми?.. — деди аёл ўрнидан туретиб, лекин мен унинг гапини бўлдим:

— Эрингиз бизникида узоқ вақт ушланиб қолганлиги ҳеч нарса эмас. Бунинг аҳамияти йўқ. Бироқ менинг хотиним сизни безор қилмадими? Ҳар ҳолда, қирқ ёки эллик дақиқа...

— Хотинингиз шундай дилбарки... — Аёл кулиб-яшнаб кет-

¹Дзабутон — японларда тагига солиб ўтириш учун мўлжалланган квадрат шактидаги ёстиқча.

ди ва чапак чалди. — Сиз ҳам жуда меҳрдилсиз, сэнсэй, бирбирингизга шунчалик моссизларки.

— Демак у ҳузурингизда бўлибдида?

— Сиз мендан хафамисиз, сэнсэй? Сиз менинг тўғримда яхши фикрда эмассиз, албатта... Ўттиз дақиқадан кейин келаман дегандим...

— Алладингиз. Ҳеч қачон сиз бундай аҳмоқгарчилик билан шуғулланасиз деб ўйламаган бўлардим. Умуман бу бўлмағурликларни нима мақсадда қилиб юрибсиз?

— Рафиқангиз эса буни жуда яхши тушунди. Нима ҳам дердим, барча хотинларнинг ташвишлари бир ҳил. Биласизми, эримга мутлақо ишониб бўлмайди, аммо у ит эмас-ку, ташлаб кета олмайман-ку. Бунинг устига бирга яшаётган эканмиз, ҳар ҳолда аёлман, уни яхши кўраман...

— Илтимос, аниқ қилиб айтинг. Нима мақсадда мени алладингиз?

— Чунки унга ачинаман.

— Ачинаман?

— Унга ошна керак. Ким бўлса ҳам. Унга ҳамсуҳбат керак.

— Майли ошна бўла қолсин.

— Бироқ сиз, сэнсэй, у билан гаплашмаганингизда, сухбатдоши бўла олмасдингиз...

Ярим қия эшикдан душдан оқаётган сувнинг шариллаши эшитилди. Бу аёлдаги либос ғалати романтик бичимда эди, бу асабни худди бормашина¹ милкларга теккандек тимдаларди.

— Нимага бу билан бевосита мен шуғулланишим керак?

— Бу ҳақда кўпам ўйламаганман. Шунчаки у бугун эрталаб ракета ҳақидаги хабарни эшитиб, ниҳоятда ҳаяжонланиб кетди. Менинча, барча орзулари чил-парчин бўлишидан кўрқиб кетган. Ахир у одам-ку, ким биландир гаплашгиси келган. Унга ким бўлишидан қатъий назар ошна керак бўлган. Масалан, бола ўйнайдиган ҳеч ким бўлмаса, йиғлашга тушади.

— Хотиним бу гапларингизнинг ҳаммасига қўшилдими?

— Ҳа, сал бўлмаса иккимиз йиғлашга тушаёзгандик.

¹ Бормашина — тиш шифокорларининг даволаш асбоби.

- Сафсата! Сиз қуюшқондан чиқиб кетяпсиз.
- Биргаликда йиғлаш ҳақида бироз ошириб юборган бўлиш им мумкин.
- У қаёққа кетди?
- Буни менга айтгани йўқ... У фақат эрим сизницида экан, бечора бироз кўнглини бўшатиб олгунига қадар сайр қилмоқчилигини айтди, холос.
- Бўлмаган гап! Ким-кимни, аммо хотинимнинг феълини яхши биламан. У оч инсонга қараганда, оч кучукка жони ачидиган даражада икки юзламачи эмас.
- Кучукчамасдир... Лекин аёл қалби билан ҳамиша аёллигича қолади.
- Сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз, хоним, — дедим мен. Куйайиб бораётган ғазаб оғзимда худди йўтал дорисидек тиқиларди. — Ҳа, ҳеч нарсани тушунмайсиз... Эрингиз сиз айтаётгандек бечорами, билмайман, аммо у фалати одам. Агар билмоқчи бўлсангиз, у олий даражада ўзига бино қўйган ва ўжар. У - ажойиб софист ва бу, қўшилаверинг, томи кетганлик билан қовушмайди.
- Лекин у шунчалар ёлғизки.
- Хоним, сиз топология нималигини биласизми?
- Сув қўнғизларидан тайёрланадиган қандайдир дори бўлгувчийди...
- Мутлақо. Топология — даврий геометрия, эрингиз ҳатто бу соҳадан ҳам хабардор. Бундай одамга ачиниш кулгили. Сизнинг, хоним, шундай қудратли мияга ачинишингиз бемаънилик.
- Ахир у гўё марслик эканига жиддий ишонади.
- Жуда ажойиб! Агар сизда бундай эмаслигини иккиланмасдан тасдиқлашингиз учун асосларингиз бўлса, албатта... Фақат қуруқ гап бўлмасин... Ростини айтганда, эрингиз марслик хасталигига дучор бўлган ерликми ёки сиз ерликлар хасталигига чалинган марслик аёлмисиз — ҳал қилиш осон эмас...
- Касалхонада берилган диагнозда кўрга ҳасса қилиб эрим bemорлиги ёзиб қўйилган.
- Нима қипти? Касалхонада эрингизни ерлик деб билишган, шунинг учун у телба деган қарорга келишган. Ўзига хос като фикр.

- Ахир у одам-ку...
- Қўшиламан, «Худди одамдек»... Аммо у марслик эмаслигининг далили ҳам йўқ-ку!
- Бу – аҳмоқгарчилик...

Унинг балиқларникидек юмалоқ, тор қорачиқли кўзлари нажот илтижо қилаётгандек кентайиб кетди ва бошқа ҳамма нарса жайдари орсизлиги билан бирга бир лаҳзада сўлиб қолди ва қалтирашга тушди. Душдан тушаётган сув бир маромда шовулларди. Даҳшатли зўриқишдан гувиллаётган бошим билан ваҳшиёна шавқ оқимига отилдим.

— Дунёдаги ҳамма нарса тўғрисида ташқи кўринишига қараб баҳо бериб бўлмайди-ку. Агар ибтидоий одамга кит – балиқ эмас дейилса, у сизга телбага қарагандек қараган бўларди.

— Бу нима деганингиз, сэнсэй... Сизнингча, мен ҳам, эҳтимол марслик аёлдирман...

— Жуда ҳам бўлиши мумкин. Ёки сизда, хоним, шундай эмаслиги тўғрисида тош босадиган далилларингиз борми? Билмадим. Шунинг учун далиллар бўлмаса, ҳамиша имконият сақланиб қолади.

— Нақадар ажабланарли. Бу ҳолда сиз ҳам ерликлар хасталигига чалинган марслик эмаслигингизни тасдиқлай олмайсиз.

— Бу – табиий. Амалда менда марслик эмаслигим тўғрисида бирон далилим йўқ.

— Етар... Сизни тинглашнинг ўзи даҳшат.

— Сиз жуда бетоқатсиз, хоним. Тағин марсликнинг рафиқаси!

Тўсатдан у қаддини тик қилди, қўлларини кўкраги олдида сиқиб, мушукдек увиллашга тушди. Буни кутмаганимдан уни жазавага тушди деб ўйлагандим, бироқ шу заҳоти чинқириқ қаҳқаҳага айланди ва ниҳоят миямга: ўзгалар эмас, бевосита мен ўзим томонидан айтилган – ташқи кўришга қараб баҳо бериб бўлмаслиги ҳақидаги сўзларимни яхшилаб ҳазм қилишм кераклиги фикри урилди.

— Қандай ажойиб... бундай... бундай англай олиш, сэнсэй... – деди у кулгу билан узилиб турган чинқириқли товушда. Кейин орқамга, қаергадир қараб деди: – Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек ўтди. Демак, нималаргадир умид қисқақ бўлади.

— Бўлмасам-чи. Мўлжалим хато кетиши мумкин эмасди.

Таажубланиб ўгирилдим. Ваннахонада бўлиши ва душда чўмилиши керак бўлган меҳмоним эски брезент чамадонга ўхшаш нарса устида орқаси билан деворга суюнган ва қўлларини тиззасига қўйган ҳолда ўтиради. Аммо сувнинг товуши ҳали ҳам эшитилиб туради. Мен уларнинг икковини ҳам нигоҳимдан қочирмайдиган эшик томон ўз-ўзимдан сурилдим, ўрнимдан турдим ва дедим:

— Нима гап? Нега ҳаддингиздан ошяпсиз?

Эркак киши фақат қўзини қисиб кулди, лекин жавоб қайтармади. Аёл унга сархуш овоз билан мурожаат қилди:

— Суҳбатни тасмага ёзиб олдингми?

— Буни бой бериб бўладими.

— Ҳозирча тассурот бешга бешми?

— Энди еттига уч бўлиб қолар.

— Тўла муваффақият! Вақтида улгурдик.

— Ҳа, улгурганимиз аниқ.

Икки мияси айниган ўртасида қолган ҳозирги вақтда ўйимда бир нарса: бу ердан тезроқ жуфтакни ростлаш эди.

— Хўш, — дедим мен, — ижозатингиз билан хайрлашсак. Қила-диган ишларим кўп, ўта бандман... Ҳали-замон уйга вакил келиши керак... Умуман квартирани эгасиз қолдириш ярамайди.

— Энди булатнинг ҳаммасининг аҳамияти йўқ, сэнсэй. Сиз марсликсиз, сэнсэй! — худди теннисчиларни руҳлантираёт-гандек қувноқлик билан хитоб қилди аёл.

— Энди у сэнсэй эмас, — секин қўшиб қўйди эркак. — У бизнинг бечора ошнамиз.

— Сиз тушлар оламида дафн этилган, «ерликлар хасталиги»га чалинган марсликсиз...

— Сиз ўзингизни радио эшиттирувларининг аянчли муаллифи деб ҳисоблайсиз, амалда эса бу никоб остида Марс вакили яширган...

— Сизга шунча ҳикоя қилиб беришди, наҳотки, ҳалигача ҳеч нарсани эслай олмаяпсиз?

— Афтидан, ўзини эҳтиёт қилмоқчи. Ҳа, майли. Уни шу ҳолида олиб боришга тўғри келади.

Бутун кучим билан полдан итарилиб, сакраб турдим. Шу лаҳзадаёқ эркак қўлидан пичоқ отилди, аёл эса, эпчиллик билан уни илиб олди. Мен орқага тисарилдим, эркак остидағи эски чамадонга ўхшаш нарсани олиб менга ташланди. Чап бериш учун бир сония ҳам вақтим бўлмади, тўқнашишимизни кутиб букчайдим, шу ондаёқ эркак қўлидаги нарсасини бошимга қийгизди. Энди қўлимни ҳам, оёғимни ҳам қимирлата олмасдим. Бу тутқаноғи тутган телбаларга кийгизиладиган қўйнак эди.

— Бемазагарчилик! — бақирдим мен. Ҳаяжонланганимдан норозилигимни ифода этиш учун сўз тополмасдан, қаҳрда фақат бир сийқаси чиққан гапнинг устига бошқаларини қалаштирардим. — Бу — bemazagarchilik! Bemazagarchilik! Ахир бу bemazagarchilik эмасми!.. Ахир мен бусиз ҳам, эҳтимол, битимни имзолардим... Бундай зўравонлик билан фақат ўзингизга жабр қиляпсиз...

— Бу жуда беҳузурлик, — бардам товушда деди аёл. — Агар у ер-бу ерингиз қичишадиган бўлса, дарров айтинг. Уялманг. Мен қашлаб қўяман.

— Биз вақт туйнугига киргунга қадар бироз сабр қилиб туришга тўғри келади... — ташвишланиброқ деди эркак. — Ахир, сизни топгунча биз ҳам роса қийналдик. Айтганча, сиз — тўққизинчисиз. Сизгача биз яна саккизтасининг изига тушгандик. Уларнинг учтаси келиш вақтида аварияга учради. Улар портлаб кетди. Биз ёнгинни учириш бошқармасидан сўраб-сурътиргандик, бу ҳодиса уларда номаълум сабабларга кўра портлаш сифатида рўйхатга олинган экан. Қолган бешовлоннинг ҳаммаси телбалар касалхонасига равона бўлишди. Афтидан, улар марслик эканликларини эълон қилишга жуда шошилган кўринадилар... Ҳукумат билан бевосита музокараларга киришишга уриндилар, парламент аъзоларининг олдига киришга тиқилинч қилдилар, ҳатто кўчаларда нутқ ҳам сўзладилар шекилли... Телбалар касалхонасида эса уларнинг ҳаммаси ақлдан озишди... Ўшанда уларни соғайди ҳисоблаб, касалхонадан чиқариб юборишди. Улар эса, ғойиб бўлди, сахрода сочиб юборилган қум зарралари-

дек йўқолиб кетди. Биз куну тун ҳақиқий овчи итларидек ҳамма ёқларни исқаб юрдик.

— Одамни кўряпсанми — марслик деб ўйла...

— Кейин, икки йилу саккиз ойда ниҳоят сизнинг изингизга тушдик...

— Биз атайин сизнинг устингизда жойлашдик....

— Биз сизга соянгиздек эргашиб юрдик, сўраб-суроштиридик...

— Энди, ниҳоят, заҳматларимиз мукофотини олдик.

Тутқаноғи тутгандар кўйнагида қоқдан қозиқдек туриб, томонгим қуриб кетганидан бўғилиб дедим:

— Яхши, тушундим. Вакилингиз бўлишга розиман. Мен имзо чекаман ва товон пулини тўлайман. Агар керак бўлса, буни ҳозироқ қилишга тайёрман.

— Нима деяпсиз. Тағин марслик эмиш...

— Мен инсонман!

— Ҳа, «Худди одамдек».

— Вақт тифиз, — деди эркак соатга қараб ва аёлни шошилтира бошлади. Улар кўйнагимнинг икки томонида осилиб турган тутқичларни тутишди. — Кетдик.

— Мени қаёққа олиб кетяпсизлар?

Агар буни билганимда ҳам қаршилик кўрсатиш бефойда эди. Тутқичлар тортилди, мен қийшайган ҳолда беҳол осилиб қолдим ва улар мени судраб кетишли. Меҳмонхонадан чиқишиди, ўйлакдан ўтишли, ошхонадаги стол ёнидан қисилишиб ўтишиди... ортида сув шовуллаётган оқ эшик... Ваннахона.

— Чўимиш вақти келди, — ҳазиломуз оҳангда деди аёл.

Қаршилик кўрсатишнинг сўнгги умидида оёқларимни тираб олдим.

— Хотинимга нима бўлди?

— Уни эсдан чиқарганингиз маъқул.

— У билан биз шуғулланаётганимиз йўқ, шунинг учун анигини билмаймиз.

— У сизга катта ёрдам кўрсатди, шунинг учун у билан бирон кўнгилсизлик бўлмаса керак.

Аёл асов отни тинчлантироқчи бўлгандек, бир қўли билан кўкрагимга оҳиста қоқиб қўйди, иккинчиси билан эшикни ланг

очди. Шу вақтнинг ўзида эркак орқамдан тиззаси билан туртди ва мен кутилмагандан ваннахонага кириб қолдим.

Чапда – ванна, ўнгда – қўй ювадиган жой, олдиндаги деворда душ тутқичи... оддийгина, худдик вартирамдагидек. Йўқ, қачонлардир менинг квартирамда бўлганидек... Бу жой бошқа ваннахоналардан фарқ қиласди. Фақат бир нарса билан... Ҳар ҳолда фарқ қилиши керак... Душдан совуқ сув ҳам эмас, иссиқ сув ҳам эмас, балки тутун ёки оқиш-яшил тусдаги нейлон ипларига ўхаш нарса тушарди. Ва ўткир озон¹ иси тарқаларди.

Бу яшилтус тутунни кўриб, озонга тўйинган лаҳзада хотирам, гўё унга ўткир пичоқ тортганларидек, узилди.

Кўзимни очганимда шу ерда эдим.

Телба судда гувоҳлик қилганлар тиқишик кўзгулар хонасида эдим. Оддий тилда айтганда руҳий bemорлар касалхонасида. Мен фақат бу ерда оддий тилда гаплашишадими-йўқми билмайман.

Ҳар ҳолда кунига, муайян вақтда мени кўргани врач келади. Унинг юзининг ранги менга сув пуфагини ёдга солади. Унга тиббий ҳамшира ҳамроҳлик қиласди. Ҳамширанинг лунжи етилган шафтолига ўхшайди. Врач менга ҳар куни бир ҳил саволларни бергани киради. Ҳамшира ҳароратим ва юрагим уришини ўлчар экан, врач семиз қўлларини сиқиб ва бўшатиб, сўроқни бошлайди.

– Бу ерга қандай келиб қолдинг?

Фақат биринчи сафар унга бошимдан нима кечганини бутун тафсилотлари билан гапириб беришга ҳаракат қилдим. Ҳамма нарсани – тушунганимни ҳам, тушунмаганимни ҳам яширмасдан баён қилишга уриндим. Аммо врач йигирма дақиқага ҳам сабри чидамасдан, бирор ифодасиз бош иргади ва дарҳол навбатдаги саволга ўтди.

– Нима деб ўйлайсан, ҳозир қаердасан? Ердами? Ёки Марсадами?

¹ Озон (юнонча «ozon» – «ис таратувчи» сўзидан) – яшил тусли, ўткир ҳидли газ, Ердан 10–50 километр юқорида озон қатлами мавжуд.

Ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Лекин ҳали «ҳақиқат» сўзининг қадрига шубҳам йўқ эди ва ростини айтдим.

— Ақлимга ишонадиган бўлсам, мен — Ердаман.

Бу гал ҳам врач бетидаги бирон мушак қимир этмади. Фақат ҳамшира касбий табассуми билан намойишкорона кулди.

Сўнг учинчи савол.

— Сен кимсан? Одаммисан? Марсликмисан?

Бу ёғига жавоб бера олмасдим. Шубҳа қурти бирдан тухумдан чиқиб, қалбимни сўришга тушди... Агар бу врачнинг ўзи «топологик» асаб касаллигига чалинган бўлса-чи? Бу ҳолда унга асло бу жой Марс эмаслигини айтиб бўлмайди. Чунки Марс Ерда ҳам ажойиб ҳолда бўлиши мумкин... Худди шу сабабга кўра, Ер томонидан босиб олинган Марс...

Ва, ниҳоят, сўнгги савол.

— Сенингча мен кимман? Марсликманми? Ёки ерликманми?

Менга фақат сукут сақлаш қолади. Ҳамшира вақт ўлчаги-чи билан сукут сақлашими давомийлигини ўлчайди. Улар нигоҳида сукут сақлашнинг ўзи муайян белги ва жавоб ҳисобланади. Мен буни тушунаман, бироқ сукут сақлашдан бошқа жавоб ўйлаб топа олмайман.

Ҳар куни муайян вақтда олдимга врач ва тиббий ҳамшира киради. Врач бир ҳил саволларини такрорлайди. Мен сукут сақлайман ва ҳамшира сукутим давомийлигини асбоби билан ўлчайди.

Сиз менинг ўрнимда бўлганингизда жавоб бера олардингизми? Врач мамнун бўлиши учун қандай жавоб бериш талаб қилиниши, балким, сизларга маълумдир? Агар маълум бўлса, менга ўргатинглар. Чунки сукут сақлаш менга ёқиши учун индамаётганим йўқ...

Ва мен нима қилиб бўлса ҳам, шуни билмоқчиман. Менинг воқелигим — ўзи нима нарса? Ҳақиқийликнинг хаёлийлик устидан ғолиб чиқишими? Ёки хаёлийликнинг ҳақиқийлик устидан ғолиб чиқишими? Мен телба суд суд қилмаган сиздан сўрайяпман: сиз қаердасиз? Ҳақиқий дунёдами ёки хаёлий дунёдами?

КОБО АБЭ ҲИКМАТЛАРИ

Бевосита шаклга шуда мойиллик тескари натижага – воқе-лидан чекланишга олиб келади. Жуда ўхшаш нусха ишонар-сиздир.

* * *

Уят ҳиссини уйғотадиган нарса қўпинча фийбатнинг ман-бай бўлади.

* * *

Ёмғирдан ўзгаларнинг тими остида бир умр яшириниб бўлмайди.

* * *

Шунчаки у бурчакдан бу – бурчакка юриб, наҳотки, топа олмайдиган жумбоқ бўлади?

* * *

Очарчилик, жавобсиз севги, ишсизлик, хасталик, касодга учраш, табиий офат, фош этилган жиноятдан бошқа қайгу-ларни ўзгалар билан баҳам кўра олмайсан.

* * *

Бахтсизлигим ҳамиша ўзим билан қолади ва уни ҳеч ким билан бўлиша олмайман.

* * *

Ўзингдан ўзинг қоча олмаслигинг – маҳкумликнинг бутун даҳшати худди шундадир.

* * *

Ишнинг ниҳоясига етганидан иш натижаси учун бирор масъулияти йўқ кимсалар ҳаммадан кўп қувонади.

* * *

Ҳаётда кийимини қанча бўлса, шунча ечишга тайёр, лекин ўз юзини сидириб ташлай оладиган бирорта артистни топа олмайсиз. Бундан ташқари, у бутун ижро маҳорати бетида мужассамланганига мутлақ ишончи комил.

* * *

Мурдага уни кўмишлари ёки ёқиб кул қилишларининг фарқи йўқ.

* * *

Ўзингни айбдор сифатида тутадиган бўлсанг, бевосита сендан гумон қилишади.

* * *

Ўзини ўзи яхши кўрмайдиган одам дўст топа олмайди.

* * *

Ақли ожиз итга товон сифатида исни ўта сезиш ато этилган.

* * *

Биз яқин кишингни душмандан ажратиб турадиган аниқ чегара ўрнатиб бўлмайдиган даврда яшаяпмиз. Тиқилинч поездда беҳисоб душманларинг ҳар қандай энг яқин кишингта қараганда сени ўраб туради. Уйингта мактублар сифатида суқилиб кирадиган душманлар бор. Радио тўлқинларига айланниб, вужудингнинг ҳар бир тўқимасига заҳмат етказадиган душманлар мавжуд. Ана шундай шароитда ўзингни душманлар ўраб туриши одатий ҳол бўлиб қолди, энг яқин кишинт эса, сомон ичидаги йўқотилган игна сингари кўзга ташланмайди.

* * *

Муҳаббат ниқобларни юлқиб ташлайди, шунинг учун суюкли одамингга атаб ниқоб тақиб олишга ҳаракат қилиш керак. Зоро, ниқоб бўлмаса, уни юлқиб олиш қувончи ҳам бўлмайди.

* * *

Ёзиш – далиллар ўрнига шунчаки ҳарфларни қўйиб чи-
қиш эмас, ёзиш – хавфли саёҳатта отланиш деган гап.

* * *

Худбинлик, қанчалик ажабланарли бўлмасин, уятсизлик
 билан bemalol ёнма-ён яшайверади.

* * *

Рашқдан оқилликни излашнинг маъниси йўқ.

* * *

Инсоний муносабатлар фақатгина инсоний меҳнатнинг
қўйруғидир.

* * *

Афтидан, ҳеч нарса содир бўлмагандага ёзишни бошлаш лозим.

* * *

Қадим замонларда «Агар омад ухлаётган бўлса – кут», деб
жуда тўғри гапиришган.

* * *

Ёзувчи бўлиш истаги одатий худбинликдир. Бу қўғирчоқ
ўйнатувчи бўлиш ва бу билан ўзини бошқа қўғирчоқлардан
ажратиб кўрсатишга интилишдир. Аёллар худди шу мақсадда
пардоздан фойдаланишади.

* * *

Темир дарвозалар, баланд ва қалин деворлар эмас, балки
маҳбус хонасидаги эшикка ўрнатилган кичкина қўзча инсон-
га маҳкумлигини ҳаммасидан равшанроқ ёдга солади.

* * *

Мағлубият ўйинни ютқиздим, деган хаёл келиши заҳотиёқ
бошланади.

* * *

Ёлғизлик орзунинг қондирилмаган чанқоғидир.

* * *

Қармоқдан тушиб кетган балиқ ҳамиша ушланганига қараланда йирикроқ күринади.

* * *

Буюм қанчалик қаттиқ бўлса, шунча осон бўлакларга парчаланади — қонуният шундай.

* * *

Ўзини пайқашларини хоҳламаганнинг бошқага қараш нијати ҳам йўқ. Қарашни истаётганни ўзимиз кўриб турибмиз.

* * *

Харажатлар, биринчи навбатда, мижоз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тўланади, ҳақиқатни аниқлаш эса, иккинчи даражали масаладир.

* * *

Айбизлигининг исботига ўзга одамнинг баҳтсизлигини кузатиш истагидан табийроқ нарса йўқ.

* * *

Энг ақлли ўғри ўзини ўғри урган, деб кўрсатади.

* * *

Хиёнат қилувчилар ўзларини сотишлари мумкинлигидан ҳамиша хавфсирайди — бу мантикий.

* * *

Тўсатдан қабул қилинган қарорларнинг узоқ вақт ўйланадиган ва тарозига солиб кўриладиганларга нисбатан қўпроқ муваффақият қозониш имконияти бор.

* * *

Қочоқнинг кетидан қувиш ҳамиша ҳам оқилона бўлавермайди. Баъзан унинг яширинишига кўмаклашиш керак.

* * *

Одам қилмишини тан олаётган пайтда гапига суқилиш билан уни янги ёлғонни тўқишига туртки бўлиш мумкин.

* * *

Дунё нечта устунга таянишини билмайман, бироқ улардан камида учтаси – бу, эҳтимол, жаҳолат, нодонлик ва бефаҳмликдир.

* * *

Сиёsat – ўргимчак тўрига ўхшайди: ундан қанчалик қўп кутилишни истасанг, шунчалик чигал ўралашасан.

* * *

Тоғ чўққисидан энг жўшқин денгиз ҳам сокин кўринади.

* * *

Барча даврларда ҳамма янги нарсалар қуллардан туғилган.

* * *

Кўпинча бенаволар энг ғазабнок танқидчи бўлади.

* * *

Бирор нарса олишни истасанг – унга ҳақ тўлашга тайёр тур.

* * *

Қизиқ, вайсашданми ёки уни тинглашданми тезроқ чарчайсан?

* * *

Инсон ҳаёти – сочиб юборилган қофоз парчалари эмас. У ёпиқ, қунт билан тикилган кундаликдир.

* * *

Ирkit иш қилаётганингда, бунга қараб турғанларни ҳам ифлос қиласан.

* * *

Жазо хавфисиз қочишининг қувончи бўлмайди.

* * *

Мени ҳамиша айрим ёзувларнинг қиймати бўум-бўш жойникидек эканлиги ажаблантиради.

* * *

Ичидагиси номалум қути – қизиқиш деб аталадиган пилта уланган портловчи моддадир.

* * *

Агар бу дунёда фақат қўлдан бой беришга ачинадиган нарсаларгина бўлса, воқелик тегиниш даҳшатли шиша буюнга айланарди.

* * *

Қайғу чойни тотлироқ қиласди.

* * *

Дунёдаги энг беозор курол – уч қарич сайроқи тил.

* * *

Одам одам эканлиги аввал-бошдан исбот талаб қилмайдиган нарса.

* * *

Теореманинг аксиомадан фарқи шундаки, уни исботлаб бўлмайди.

* * *

Суд телба, лекин шу қадар муросасоз эмаски, гуноҳини фақат оғизда инкор этгани учунгина айбсиз деб эътироф қилсин.

* * *

Судьяларни фақат қўл билан ушлаб кўрса бўладиган далиллар ишонтира олиши мумкин.

* * *

Одатда одамлар чехрасида касбий манфаатдорлик ўз акси- ни топади.

* * *

Уйғонган хавотирни тинчлантириш осон эмас.

* * *

Одамлар ўртасида ҳазилни тушунмайдиганлардан ҳам аянчи- лироқлари ва бечорароқлари топилмайди.

* * *

Ишончни йўқотган хотинга нисбатан ишончни йўқотган эр уч карра баҳтсизроқдир.

* * *

Альпинизмнинг сири ҳеч қачон пастга қарамасликда.

* * *

Телба билан суҳбатлашиш ақъли одамларнинг иши эмас.

* * *

Европача чой – энг алдамчи ва ичимликларнинг беозори.

* * *

Фирт ёлғон қўполлиқдан бошқа нарса эмас.

* * *

Далиллар – қайсар нарса.

* * *

Ҳаётда романлардагига қараганда ҳам шубҳали далиллар бўллади

* * *

Ҳақиқий воқеликда чинакамига ларзага солувчи нарсалар бисёр.

* * *

Ноодатийликка йўл одатийлик орқали ўтади.

* * *

Дунёда фақат оқ билан қора мавжуд эмас, қандайдир ўртаси ҳам бўлади.

* * *

Жиддий суҳбат руҳ учун ажойиб машқ ҳисобланади.

* * *

Далилларсиз эътироф этиш ақида билан баробар.

* * *

Бизнинг бебурд асримизда қўрқоқлик, эҳтимол, энг олий истеъдод, энг олий фазилат бўлса керак...

* * *

Ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади!

* * *

Биринчи таассурот ҳамма нарсани ҳал қиласди.

* * *

Типирчилайдиган гадойга кам садақа беришади.

* * *

Ҳар қандай давлат – унинг шиорлари қанчалик баландпарвоз бўлмасин – энг очкўз ва зиқна хусусий тадбиркордан юз карра амалиётчироқдир.

* * *

Ёвузлик яратиш ҳаракатида эзгулик яратаман.

* * *

Ҳар ким ўзига ёққан нарсага ишонади.

* * *

Одамга ишониш осон. Бошқа одамни сенга ишонишига мажбур қилиш эса, анчайин қийин.

* * *

Биз ҳамсуҳбатимизни ўз қаричимиз билан ўлчашга одатланаб қолганмиз ва бундан асло тортиномаймиз.

* * *

Шубҳаланмаётган одамдан шубҳаланмасликни сўраш – ундан шубҳаланишини сўраш билан баробар.

* * *

Ҳаётни суғурталашнинг шарти – жисмоний саломатликдир.

* * *

Ишонадиган одам учун вақт – ҳамиша лаҳза. У бир неча йил бўладими ёки ўнлаб йилларми – муҳим эмас.

* * *

Шубҳа – ҳақиқат сари эшик.

* * *

Мана, сизга боши берк кўча – уни ўзингиз яратасиз.

* * *

Синчковлик – фақат одамларга хос бўлган хислат дейишади.

* * *

Тиллар айнанлаштиришга мойил, дум кўзга ташлана қолсин, асосийси – бошнинг пинҳонлиги.

* * *

Фарб – бу Фарб, Шарқ – бу Шарқ.

* * *

Эшик оғасининг хорижий ҳукумат вакилини дўппослагани дипломатик муносабатларни узиш учун кифоя қиласди.

* * *

Аҳмоқ қилиш санъати ҳар ҳолда баъзи кўникмаларни талаб этади.

* * *

Кундалик зарурат буюллари қанчалар оддий бўлмасин, уларда буларни яратганларнинг маданият белгиси қолади.

* * *

Катта ёлғонни яширишнинг энг яхши йўли – уни митти алдовлар булути билан қоплашдир.

* * *

Барча хотинларнинг ташвишлари бир ҳил.

* * *

Ўйнайдиган ҳеч ким бўлмаса, йиғлашга тушишади.

* * *

Дунёдаги ҳамма нарса тўғрисида ташқи кўринишига қараб баҳо бериб бўлмайди.

КОБО АБЭ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ САНАЛАРИ

1924 йил, 7 марта – Кобо Абэ Токио яқинидаги Кита шаҳрида дунёга келди.

1931 йил – отаси ишлайдиган Манчжурияниг Мукден шаҳридаги мактабнинг бошланғич босқичига ўқишга киради.

1940 йил – Японияга қайтиб келади ва Сёдзе шаҳридаги мактабнинг олий босқичига ўқишга киради.

1943 йил – Токио император университетининг тиббиёт факультетига ўқишга киради.

1947 йил – биринчи «Номсиз шеърлар» тўпламини ўзи чоп этади.

1947 йил – «Пахса деворлар» асари нашр этилади.

1947 йил – рассом Матега уйланади.

1948 йил – Токио император университетини тугаллайди.

1948 йил – биринчи – «Йўл охиридаги кўрсаткич» романи нашр этилади.

1950 йил – Хироси Тэсигахара ва Синъити Сэге билан «Аср» ижодий ўюшмасини ташкил этади.

1950 йил – «Қизил пилла» ҳикояси Иккинчи жаҳон урушидан кейинги адабиёт учун таъсис этилган мукофотга сазовор бўлади.

1951 йил – «Девор». S. Карма жинояти» қиссасига Японияниг адабиёт соҳасидаги олий – Акутагава мукофоти берилади.

1958 йил – «Шарпа» пьесасига Кисида мукофоти берилади.

1959 йил – «Тўртинчи муз даври» романи нашр этилади.

1962 йил – «Қумдаги аёл» романи чиқади.

1963 йил – «Қумдаги аёл» романи Йўомиури мукофоти билан тақдирланади.

1964 йил – «Бегона юз» романи чоп этилади.

1967 йил – «Дўстлар» пьесасига Таниздаки мукофоти берилади.

1967 йил – «Ёқиб юборилган қарта» романи нашр этилади.

1967 йил – «Худди одамдек» романи чиқади.

1968 йил – «Құмдаги аёл» романи Францияда чет эллик мұаллифға әнг буюк бадиий асар учун бериладиган мүкофотта сазовор бўлади.

1969 йил – «Таёққа айланган одам» пьесаси чоп этилади.

1973 йил – «Кобо Абэ студияси» театри ташкил этилади.

1973 йил – «Одам – қути» романи чиқади.

1974 йил – «Кўк пайпоқ» пьесасига Йомиури мүкофоти берилади.

1975 йил, 13 май – АҚШдаги Колумбия университетининг фахрий фан доктори илмий даражасини олади.

1977 йил – «Махфий учрашув» романи нашр этилади.

1977 йил – Америка санъат ва фан академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланади.

1984 йил – «Сакура» нажот кемаси» романи чоп этилади.

1986 йил – ихтирочиларнинг 10-халқаро кўргазмасида автомобилсозликдаги ихтироси учун кумуш медаль билан тақдирланади.

1992 йил, 25 декабрь – Кобо Абэ навбатдаги асарини ёзаётган пайтда хушидан кетиб, касалхонага ётқизилди.

1993 йил, 22 январь – Кобо Абэ вафот этди.

1997 йил – Японияда Кобо Абэнинг 30 жилдлик Тўла асарлар тўплами нашр этилди.

МУНДАРИЖА

Багишлов. *Масъул муҳаррир ва тўпловчидан* 3

I. МОЛЬЕР

| | |
|---|-----|
| МОЛЬЕР – буюк француз комедиянависи. <i>A. Сайдов</i> | 8 |
| Тартюф. <i>Ойбек таржимаси</i> | 18 |
| Мольер ҳикматлари | 108 |
| Мольер ҳаёти ва ижодининг асосий саналари | 112 |

II. ЖАН ДЕ ЛАФОНТЕН

Жан де Лафонтен – буюк француз масалчisi. *A. Сайдов* 116

МАСАЛЛАР

| | |
|---|-----|
| Эркак, аёл ва ўғри. <i>O. Мухтор таржимаси</i> | 128 |
| Маймун. <i>O. Мухтор таржимаси</i> | 130 |
| Дўкондор ва этикдўз. <i>O. Мухтор таржимаси</i> | 130 |
| Чин дўст топилса. <i>Ҳ. Шарипов таржималари</i> | |
| Суқроти ҳаким дейдики | 133 |
| Ошиқ шер | 134 |
| Меъёр бўлгани яхши | 136 |
| Бўри ва тулки | 137 |
| Ҳайвонларга қирон келганда | 139 |
| Оидаги йиртқич | 141 |
| Урушга отланган шер | 143 |
| Лафонтен ҳикматлари | 144 |
| Лафонтен ҳаёти ва ижодининг асосий саналари | 146 |

III. ЖАН-ЖАК РУССО

| | |
|--|-----|
| Руссонинг саргузаштли умри ва сиёсий фалсафаси. <i>A. Сайдов</i> | 152 |
| Манзур бўлиш санъати. <i>O. Шарафиддинов таржимаси</i> | 169 |
| Халқ баҳти ҳақида. <i>A. Абдуқодиров таржимаси</i> | 192 |

| | |
|---|-------|
| Илм-фан ва санъат равнақи ахлоқнинг покланишига ёрдам берадими? <i>A. Абдуқодиров ва M. Маҳмудов таржимаси</i> | 210 |
| Женевалик донишманднинг севинч ва қайгулари. <i>M. Маҳмуд</i> | 239 |
| Жан-Жак Руссо ҳикматлари..... | 241 |
| Жан-Жак Руссо ҳаёти ва ижодининг асосий саналари ... | 264 |
| Жан-Жак Руссонинг асосий асарлари | 266 - |

IV. ОНОРЕ ДЕ БАЛЬЗАК

| | |
|---|-----|
| Бальзак – нотариуслик нонидан илҳом парисигача. <i>A. Сайдов</i> | 268 |
| Гобsek. <i>M. Мирзоидов ва M. Маҳмудов</i> | 279 |

ҲИКОЯЛАР

| | |
|---|-----|
| Даҳрийнинг ибодати. <i>П. Усмон таржимаси</i> | 348 |
| Чин севги. <i>Қ. Мирмуҳамедов таржимаси</i> | 368 |
| XIX аср Француз ёзувчиларига мактуб. <i>O. Шарафиддинов таржимаси</i> | 394 |
| Оноре де Бальзак ва «Инсоний комедия». <i>M. Холбеков</i> ... | 421 |
| Стефан Цвейг. «Оноре де Бальзак»: Фалокатли саккиз юз ўттизинчи йил. <i>C. Тоиров таржимаси</i> | 427 |
| Италия саёҳати | 443 |
| Бурилиш йили | 456 |
| Бальзак ҳикматлари | 461 |
| Бальзак ҳаёти ва ижодининг асосий саналари | 467 |
| Бальзакнинг асарлари | 469 |

V. КОБО АБЭ

| | |
|---|-----|
| Кобо Абэ – Адабиёт чўлқувари. <i>A. Сайдов</i> | 472 |
| Худди одамдек. <i>Қисса</i> . Э. Эрназаров таржимаси | 490 |
| Кобо Абэ ҳикматлари | 598 |
| Кобо Абэ ҳаёти ва ижодий фаолиятининг саналари | 608 |

Жаҳон адабиёти дурдоналари

I ЖИЛД

Муҳаррир: *Шукур Қурбон*

Бадиий муҳаррир: *Зокирова Д.*

Техник муҳаррир: *Жўраев А.*

Саҳифаловчи: *Турғунов Б.*

Нашриёт лицензияси: AI №159, 14.08.2009.

Теришга 2014 йил 10 октябрда берилди.

Босишга 2015 йил 9 февралда рухсат этилди.

Бичими 60x84 1/₁₆. Times TAD гарнитураси.

Офсет босма. Шартли б.т.: 38,25. Нашриёт ҳ.т. 35,88.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 16

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
китобхонаси нашриёти

«SHIDASP» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, Собир Раҳимов кўчаси 70⁶.

17.000c

Edimburgo 1790

Muñecos - Nuestros muñecos
Cada muñeco responde
Por su nombre
Somos Agustín, José, Juan
Anselmo, Cecilia, Rosalinda.
José, muñecos de la Virgen de la Candelaria
y el Niño Jesús. Rosalinda, Cecilia
Anselmo, Juan
Celedonio, José, Cecilia, Rosalinda
Pascual
Luisa, Ana, Francisco, Ramón
Ana, Francisco, Ramón, Luisa
Luisa, Francisco, Ramón, Ana
Luisa, Francisco, Ramón, Ana
Francisco, Ramón, Luisa, Ana
Est. Muñecos, Flores, Negocios, Artículos
Muñecos, Flores, Negocios, Artículos



ISBN 978-9943-06-545-1



9 789943 065451